

Хамса

(Беш китоб)

(Бу тўпламда менинг бешта шеърий китобим жамланган)

Муаллиф

Саҳвий



2016 йил

Швеция

Кириш:

Бу тўпламда 2011 йилдан 2020 йилгача ёзган шеърү ғазалларим, мухаммаслару маснавийларни жамладим. Булар бари ўн йллик меҳнат ҳосиласидир. Булар ҳар бири алоҳида бир тўплам шаклида чоп қилинган ҳам. Шу ўнта йилда ёзган шеърларимни битта тўплам ҳолида ўқувчиларга тақдим этмоқдаман. БУ китоб ҳажми жуда катта бўлиши табиий. Лекин, бу менинг ёзган шеърларимни ҳаммаси эмас. Бу йилландан олдин ва кейинги йилларда ёзган шеърларим ҳам кўп. Мен бу китобда ўн йлликни жамладим халос. Китоб кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган. Шеърларимда асосан диний ва сиёсий мавзуларда ва ижтимоий мавзулар ва тарихий шахсларга аталган дostonлар ҳам ўрин олган. Шунингдек, китобда кўплаб классик шоирлар шеърларига мухаммаслар ва ўзимнинг алоҳида мухаммасларим ҳам бор. Шеърлар тартиби йилига қараб, ҳар тўплам алоҳида турибди. Ҳар тшплaмнинг ичида аввало бармоқ вазндаги шеърлар кейин, аруз вазнидаги ғазаллар ва мухаммаслар келади.

Бу китоб Саҳвийнинг ўн йиллик шеърлари тўплами ва умрининг ўн йиллик тарихи ифодаси деб қабул қилинг. Шеърларимда ватандаги ва Ислол оламидаги турли хил воқеъа ва ҳодисаларга муносабат сифатида ёзилган шеърлар бор. Турли хил ҳодисалар шоир қалбига ғам алам етказди ва шулар шеър бўлиб, ифодасини топади. Китобга баҳо беришлик албатта, мутахассислар ва ўқувчилар ҳаққидир. Юқоридаги менинг баъзи тўпламимдаги шеърларимга илиқ муносабат билдирган шахсларга, ўз миннатдорчилигимни билдираман. Китобдаги нуқсону хатолар учун узр сўрайман. Аллоҳу таолодан уни менинг ортимдан қоладиган ёдгорлик қилишини ва узоқ йиллар бу миллатга маънавий бўлсада озуқа берадиган китоблар жумласидан бўлишини насиб этсин. Инсон умри қисқа. Китоблар асрлар яшаб қолади. Китобларимни ўқувчилардан муаллиф ҳаққига ва имон билан ўтган мўминлар ҳаққига яхши дуолар қилишини умид қилиб қоламан.

Саҳвий

Дин, сиёсат ва шеърят одами

(Муҳаммадсолиҳ Абутов шеърлари ҳақида)

Муҳаммадсолиҳ Абутовнинг шеърлари ҳақда сўз очганда унинг сиёсий ва диний фаолияти ҳақида ҳам мутлако гапириш лозим, чунки, унинг бу жабҳалардаги фаолияти фонида унинг шеърлари янада ёрқинроқ кўринади ва чуқурроқ мазмун касб этади. М.Абутов шахсига жамиятимизда шаклланган анъанавий диний жамоалардан бирининг типик вакили деб қараш тўғри бўлмайди. Абутов шу пайтгача жамиятимизда бир-бирини инкор этмас ва, ҳар ҳолда, бир-бирига доим ёт, бир-бири билан ҳеч қачон йўллари кесишмайди, деб ҳисобланган - коммунист-атеистларнинг "динни давлатдан ажратиш" сиёсати маҳсули бўлган - сиёсат ва дин каби, ўзбек жамияти наздидаги "бир-бирига ғайри" нарсалар билан айна пайтда шуғулланиб келаётган кам сонли дин одамларидан биридир. Энди бу "антагонистик" борлиқларга унинг шеърятини ҳам қўшсак, М.Абутов шахси зиддиятларга тўла бўлиб кўринади оддий бир ўзбекистонлик назарида.

Зеро, бугунги жамиятимизда шеър ёзаётган, устига-устак, сиёсатга фаол аралашаётган бир имомни, дин одамни тасаввур қилиш қийиндир. Шу маънода М.Абутовни ўзбек жамиятининг янги бир вакили, унинг шахсига пайдо бўлаётган янги бир ижтимоий тоифа пионерларидан бири, деб қараш хато бўлмайди. Бу ижтимоий-сиёсий тоифа илдиз отган заминни шартли равишда "сиёсий ислом" деб аташ мумкин. Исломнинг сиёсийлашуви - фақат динимизнинг жамиятда ўз муносиб ўрнини олиши учун йўл очадиган воситагина эмас, балки, мамлакат аҳолисининг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ўта пассив бўлган, аммо диний илдизларини сақлаб қолишга муваффақ бўлган кўпчилик қисмини ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан фаол қилиш учун йўл очадиган жиддий имконлардан биридир, шубҳасиз.

Шу маънода, М.Абутов сингари дин одамларининг сиёсий фаолияти жамиятимиз учун жуда аҳамиятлидир. Муҳаммадсолиҳ Абутовнинг шеърлари вазни ва тематикаси жиҳатдан кенгдир: у бармоқ, аруз, рубоий сингари шаклларда ва сиёсий, публицистик, диний ва лирик йўналишларда шеърлар ёзади. Абутов ўзининг "Элимга" деб аталган шеърда ўз ҳаётий позициясини шундай ифодалайди:

Ким Сенинг ғамингда, оттирмаса тонг,
Демакки, муҳаббат даъвоси ёлғон.
Ғамингда урмаса, гар дунёга бонг,
Демакки, ўзгача ғавғоси ёлғон!

Унинг бошқа бир шеърдаги қуйидаги сатрлар эса, халқ ғами йўлидаги кураш давомида шоир ўз ҳаётини қурбон қилишга ҳам тайёр эканлигини баён этади:

Ўлимдан қўрқитма мени, эй жаллод,
Ўлим сўқмоғида юрганларданман.
Ожизу нотавон бандасан, билгил,
Сенга куфр ҳукмин, берганларданман!

Мени йўлим аниқ, мақсад аёндир,
Адолат шиорим, ғоям Исломдир,
Сендан қўрқишлигим менга ҳаромдир,
Дўқ пўписанги кўп, кўрганларданман.

Ҳақ учун курашиб, ўлмак, ўлиммас,
Дунёда бирор кас бормикан, ўлмас?,
Азалда битилган, лекин аниқмас,
Тақдирга тан бериб, турганларданман.

Муҳаммадсолиҳ ўзининг диний мавзудаги шеърларини аксарият ҳолларда классик услубда, аруз вазнида ёзади:

Сенга бергай Ҳақ Ўзи, имон зиёсидан улуш,
Ҳам расули Мустафо, хулқи-ҳаёсидан улуш.
Ҳам Абу Бақру Сиддиқ, хулқи боикромидан,
Ҳам яна Ҳазрат Умар, хавфу-рижосидан улуш.

Ҳазрати Усмон сахоси бирла, илми Муртазо,
Барча Асҳоби Киrom, илмин зиёсидан улуш.

Барча ўтган тобеинлар, барча солиҳ бандалар,
Барча қуръон аҳлининг, топган сафосидан улуш.

Муҳаммадсолиҳ шеърларининг, шубҳасиз, ўзбек шеърлятида ўз ўрни бордир: шоир ҳар бир воқеага, сиёсий жараёнга ўз шеърлари орқали муносабат билдириб боришга ҳаракат қилади-ки, кўп ҳолларда унинг шеърлари орқали жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий воқеалар хронологиясини қайта тиклаш мумкин. Ўзбек ўқувчиси ушбу китоб орқали диний уламо ва сиёсатчи Муҳаммадсолиҳ Абутовнинг яна бир қирраси, шоирлик истеъдоди билан яқиндан танишиб, ундан баҳра олади, деган умиддамиз.

Мақсуд Бекжон

Шоир

Дардли қалб фарёди

“Шеърлят – кўнгил мулки” дейдилар. Инсон оддий сўз билан изҳор этолмаган дарду-ҳасратини, қалб андуҳларини шеърлят орқали тўкиб сочади ва ёнган қалбини шеърлят захига бериб совутади, ором олади. Ўзига тасалли излайди ва шеърлятдан малҳам топади. Шоир Саҳвий шеърларини ўқиб, унинг бошқаларниқига ўхшамайдиган дарду-андуҳига, бўзлаган юрак сир-асрорларига, сўзлар илдизида яшириниб ётган армонларига, ўқирган шер ноласидай ғаззот қилган қайғуларига шерик бўлдим. Қайғулари билан қайғурдим, армонлари билан эзилдим, дунёларида кездим, уни дунёдан бездирган қабоҳатларга шерик бўлиб дунёлардан бездим... Қатор-қатор юрак изҳорларини қоғозга туширган шоир, шоирлик даво қилмайди. Шеърларида Ватан соғинчини, эл меҳрини, замин тафтини ифода этар экан, ўзининг ватарпарвар Ўзбек ўғлони эканига, шу халқ, шу юрт деб яшаётганига шубҳа қолдирмайди. Унинг сатрларини ўқирканман, у қанчалик юртини озод ва обод кўришини исташини ва шу озодлик ва ободлик йўлида жонини фидо қилишга тайёр эканлигини ҳис қилдим. Ҳаёт унга қанча жабру жафоларни кўрсатмасин, у ўз иймонидан воз кечмайди. Ёши улғайиб борган сари Ватанига интилиш, ҳеч бўлмаганда хоки Ватанда бўлишини иташ юрагини ўртади. Шоир шеърларининг талайгина қисмини Ватан ва юрт соғинчи, армон ва хижрон мавзуси ташкил этади. Унинг “Сен Ватанни биздек сева олмассан,” “Дилимиздан бу дард ҳеч йўқолмасин,” “Беватанлик,” “Алишув,” “Соғиндим,” “Отам вафотига,” “Ўғлим билан суҳбат” каби шеърлари юрак тўла дарду андуҳ билан ёзилган. У ўзи туғилиб ўсган макон чўл бўлса-да, унинг янтоқ ва тиканзорларини соғиниб ўртанади:

На сенда денгиз бор, на ўрмонинг бор,

На улуғвор тоғинг, соябонинг бор,
Қуриган чўл бўлдинг, кўп армонинг бор,
Тикан босган чўл, тоғингни соғиндим.

Саҳвий шеърларида қисмат оғриқлари бор. Ватандан жудолик азобини тутқунлик, зулм азобидан оғирроқ қуйиш бор. У ўзга юртдаги фаровон ҳаётини “Она Ватан” деган улуғ неъмат билан алишмайди.

Вужудим бу ердадир, руҳим ватанда дарбадар,
Қўхна Жайхун бўйида қолғонлиғини англадим.
Мен зулмдан қочганимга шукр этарман ҳар замон,
Асли улканроқ жазо, бўлғонлиғини англадим.
Ўзга юртларда фаровон бўлсада, гарчи ҳаёт,
Менга ватан бўлғони, ёлғонлиғини англадим,

Шоир шеърларининг мавзулари ранг-баранг бўлсада, шоирнинг илма-тешик бағрига Ватан соғинчи нурдек кириб борганини ва ҳар бир сатрида акс этганини кузатиш мумкин. Тонг нурлари унинг қалбига тикандек ботади, ўз юртининг субҳидамларини соғинтиради. Бир вақтлар димоғига ёқимли ҳидлар олиб келган майин шабодалар фақат ўз ошёнига хослиғини ҳис қилади у. Унинг “Булутлар йиғлаган тунда”, “Ёқимсиз оқшом”, “Денгиз соҳилида”, “Тонг ҳақида” каби шеърлари инсонни Ватанни севишга, унинг нурли қуёшини, мусаффо осмонини, хўрозлар қичқирадиган тонгию, майин шабодаларини ҳам қадрлашга чақиради.

Бу тонгда на қуёш нури бор?

Ва на бордир қушлар овози.
Бу тонгларни оттириб бедор,
Завқ олмадим баҳору ёзи.

Бу тонгларнинг бизнинг тонглардек,
Йўқдир гўзал нафис ҳавоси.
Субҳидами шомдан фарқи йўқ,
Йўқдир ажиб кайфу сафоси.

Бегонадир шамоллари ҳам,
Нафис мулойимлик етишмас.
Хўрозлари қичқирмас тонгда,
Подалари қирга кетишмас.

Саҳвий ижодида "Бу не юз қаролиғ бўлди..." деб фарёд урган Бобур руҳини сезгандай бўлдим. У бир дамгина Ватан тупроғини таъвоф этиш ишқи билан ёнади. Дўсту-ёронлари, яқинлари даврасида бўлмоқлик хаёлларига берилади. "Юрт қадрини юртдан айродан сўра" дейди доно халқимиз. Саҳвийнинг шеърларида ўша қадрни билмоқликка даъволар сездим.

Ватаннинг қадрин, ватансиз дарбадарлардан сўранг,
Англагай неъматни қадрин, банда заволи билан.

Саҳвий шеърларидаги ҳижрон тубсиз. У умр шиддат билан ўтиб бораётганини кузатар экан, у яна бир ўта Ўзбекона қайғуга кўксини очади.

Агар менга Ватан дийдорини кўриш насиб этмаса, бир кун дунё ўз неъматларини қайтиб олганда, жисмим ўз ошёним билан топинсин деб нийят қилади. Менга насиб этмаган дийдор шояд фарзандимга, набирамга насиб этса деб умид қилади, ҳеч бўлмаганда хокининг ўз Ватани тупроғига қоришиб кетишидек буюк изтиробларини кўзда ёш билан куйлайди у.

Бизга ватанда яшашга бўлмади имкон,
кетдим олиб бош,
Дунё кезаман токи ҳануз, мен зору сарсон,
йўқ қавму қардош.
Тақдирда не битган яна, қазою қисмат,
менга аниқмас?,
Қайда қолади бу жасадим Тангрига аён,
йўқ ўзга сирдош.

Шоир Саҳвий шеърият орқали сиёсий майдонга кўркмай кириб боради ва бу борада фикрлари теран эканлигини намойиш этади. У миллат дардларига шерик бўлиб, ўз манфаатини эл дардидан устун қуйган сиёсатбонлар кўзига тик қарайди. Унинг шеърида миллат тақдиридан, она юрт келажигидан қайғуриш бор. Саҳвий халқни маддоҳларга, риёкор дин пешволарию, амалпараст раҳнамоларга ишонмасликка чақиради. Миллат қайғусидан қайғуриб, қувончидан шодланади. Унинг “Вайрон бўлди бу миллат”, “Ақл бовар қилмас”, “Маддоҳларга”, “Келажак не бўлур”, “Халқимга”, “Мардикорларга атаб”, “Кўчага чиқ халқим”, “Бу миллат шунақа”, Бечора халқим”, “Тарихга бир назар”, “Амур Темурга мурожаат” каби қатор шеърларида Ўзбек миллатининг бошига тушган қайғуларини тасвирлаб, унинг бағри кенг, камтарин ва содда, азоб - уқубатларга бардошли эканини таъкидлайди. Шунинг билан бирга у халқни ўз ҳақ - ҳуқуқини талаб этишга, ғурурини, эътиқодини химоя қилишга чақиради.

Дунёда ўз ўрнини, қадрини бўлмаса,
Судхўрлардан олган қарзини бўлмаса,
Ё исёнга тўла қалбини бўлмаса,
Манзилга етмайин чўқдимми қарвон?,
Қани қалбингдаги диёнат, имон?!

Эй халқим, бас энди уйқудан уйғон!

Сиёсий ва ижтимоий мавзулар Саҳвий ижодининг каттагина қисмини ташкил этади. Шеърларга ўқиб борар экансиз, шоир талайгина мавзуларда ўз тиниқ фикрлари борлигини усталик билан намоён этганига шоҳид бўласиз. Шоир замон билан бирга яшайди, дунёда бўлаётган нотинчликларни изтироб билан кузатади. Шоирлик давр қайғуси, инсоният дарди билан ҳамоҳанг бўлиши лозимлигини ҳис қилар экан, фақат ўз шухрати ва манфаати учунгина шеър ёзадиган шоирларга қараб “Шоирман дейишга ҳаққинг йўқ сени” деб огоҳлантиради. Сурия, Ироқ ва Афғонистонда бўлаётган низолар, урушлар шоир қалбини ларзага солади. Ота-онасидан айрилган етим, оч-яланғоч, садақа сўраб турган болаларнинг аҳволи, уруш натижасида ёш умри ҳазон бўлган гўдаклар, уй –жойлари вайрон бўлиб, чодирда яшаётган оилалар, қувғинга учраб қочиб юрган инсонлар ҳаёти шоирнинг аламзада оташ қалбини яна ўтларга солади. Дилидаги фиғонлар, ғам қайғулар шеър бўлиб, дафтарларга тўкилади. Унинг “Ё Раб, ўзинг нажот бергайсан,” “Ёвузлик ҳукмрон,” “Ёш ўлмасин ҳаргиз гўдак болалар,” “Суриялик болакайнинг суратини кўриб,”

“Онасин кўлида гўдак берди жон,” “Сен бор бўлишинг шарт,” “Қисмат,” каби шеърлари инсоният тақдирини ўйлашга, чуқур мушоҳада қилишга мажбур этади. Шоир Саҳвий нафақат Ўзбек халқини, бутун инсониятни эрки ва ҳуқуқли, озод ва фаровон яшашини иштайди.

Нусратингни бергил буларга,
Оқмасин бас, кўзлардан ёши.
Ўзинг раҳм қилгил уларга,
Омон бўлсин уларнинг боши.
Осмонлари мусаффо бўлсин,
Чарақлаб нур сочсин кўёши.
Қўрқиб қочиб юрмасин энди,
Бу юртларнинг кексаю ёши.
Мен ортиқча боқа олмасман,
Расмдаги болажонларга.
Ўзинг нусрат нажотингни бер,
Бу бечора мусулмонларга!

Шоир халқни алдаб юрган, молпараст ва шуҳратпараст имом ва дин пешволарини ёмон кўради. Улар содда халқни алдаб, ортидан эргаштириб, жарликка қулатувчи душман, ҳалол ва ҳаромни фарқига бормайдиган риёкор, мансаб учун эътиқодини сотадиган хоиндир дейди. Шоирнинг “Мутаассуб машабчига,” “Саҳобалар ибратларидан,” “Мўминлар қадри,” “Оқибат,” “Ҳаловат йўқ экан дунёда,” “Зинокор амалдорларга,” “Батаҳқиқ мўминлар нажот топдилар”, “Мутаассубларнинг мазҳаби шуми” каби шеърларида эътиқоди ва дину диёнаати суст бўлган дин пешволарини аямай танқид остига олади.

Мутассиб мазҳабпарасту,
Сотқин бўлса мулла имоми.
Бу мунофиқ касларни эса,
Авлиё деб билар, халқ оми,
Улар фатво беришар элга,
Фарқи йўқдир, ҳалол ҳароми.
Хиёнаткор кимсанинг доим,
Ошар ҳурмат ва эҳтироми.
«Ҳақ дин» дейилса, бунинг номи?
Залолат йўқ экан дунёда!

Шоир юраги ҳар қандай разилликдан озор чекади. У ҳаётдан ҳақиқат, ҳаловат, фароғат, офият, муҳаббат, саодат, адолат, шафоат излайди. Лекин ҳар қадамда разолат, хиёнат, жиноят, қабохат, жаҳолат, мусибат, рақобат кўради. У Аллоҳ инсонни энг гўзал ва севиқли қилиб яратди. Шунга муносиб бўлмоқ биз учун фарздир деб билади. Инсонлардаги мансабпарастлик, калондумоқлик, диёнатсизлик, ҳаёсизлик, тухмат ва кўролмаслик шоир дилини ранжитади.

Нега бунчакериласан, ҳайронман,
Сени қилмишингдан дили вайронман,
Сенга бермоқчиман савол, шу он ман,
Сен ўзингни ким деб, ўйлайсан ҳайҳот?,
Ахир сен ҳам мендек ожиз одамзот?!

Шоирнинг “Муаммо,” “Насихат,” “Сен гапирма,” “Мунозара,” Тўти билан Қарға,” “Бир кам дунё,” “Эркин бўлиб, хур бўлиб яратилган одамзод” каби шеърларида инсонийлик туйғулари улуғланади. Шоирнинг ўғлига ёзган насихат шеърларида, ўтиб бораётган заволи умр ва аянчли тақдири ҳақидаги шеърларида ҳам инсонийлик фазилатларнинг қадрлашни таъкидлайди. Талантли шоир шеърятнинг бармоқ ва аруз вазнларида самарали ижод этади. Айниқса, аруз вазнида шоирнинг қалами ўткирлашиб, ғазал, мустазод, мухаммас, мусаддас, рубойи, тазмин, маснавий, қасида жанрларида ҳам қалам тебратган. У ғазални мазмун жиҳатдан бойитиб, ижтимоий ва сиёсий руҳдаги гўзал ва бетакрор ғазаллар ёза олган.

Доимо фитна фасод майдони бўлгандир Ироқ,
Чунки, келганди мўғул, Рум, аҳли Бағдод устина.
Қайси ислом юртида бордир фаровонлик бугун?
Афғонистонни гапирманг бунча иснод устина!

Шоирнинг мустазод ва мухаммасларини ўқир эканман, уни Навоий, Огаҳий, Машраб, Мирзо Бобур, Махтумқули шеърятидан яхшигина хабардор, тарих илдизларини чуқур билувчи, билимдон адабиётшунос дея оламан. Саҳвий Алишер Навоий, Огаҳий, Мирзо Бобур ғазалларига мухаммаслар боғлаган, уларнинг ғазалларига мазмунли ва гўзал шарҳ ёзиб, ўз муносабатини билдирган. Шоирнинг истеъдодни яна шунда кўринадики у “Т” ҳарфларидан тузилган шеърда ўз фикр - мулоҳазасини айта олган. Унинг шеърлари мазмунан бой, серқирра, кишини ҳаяжонга сола оладиган, инсон қалбининг дард андуҳлари куйланган гўзал намуналардир. Шоир “Саҳвий” тахаллусини нега танлаган экан деб, бир неча кун уйлаб юрдим. Ва ниҳоят “ҳар неники айладим хатолиғ бўлди...” деб, нола қилган Бобирни яна Саҳвий мисраларида қайта кашф этдим.

Ҳаётим борича хато гуноҳдир,
Барига Яратган Эгам гувоҳдир.
Эртами кеч, етар бўлса ажалим,
Гувоҳдирман Аллоҳ якка Илоҳдир.

Инсон борки хато қилади, янглишади. Ўша хатолар учун азоб чекади, жазоланади. Аллоҳдан кечирим сўраб, сажда қилади. Шоятки Аллоҳ шоир Саҳвийга ҳам иноят қилиб саодатли кунларга етказса, у Ватан тупроғига қайтса, армонлари ушалса. Лекин бир нарса аниқки, унга Аллоҳ истеъдод, талант ато этган. Унинг шеърлари бир кун Ватан тупроғида куйланади. Унинг дард, андуҳ тўла ёзган китоблари Ватанига етиб боради.

Кеча кундуз сайр этиб, назму наво бозорида,
Ёзмасам бир кун, ёнарман соғиниб хумморида.
Қўймагай илҳом париси бир замон ўз ҳолима,
Ёзган ҳар байтим дилимнинг дардининг изҳорида.
Гар вужудимга бу меҳнатдан етар кони зарар,
Руҳият роҳат топар айни шунинг озорида.
Толеъим менга шу қисматни ато қилган экан,
Насиб этганча қолурман шеърият гулзорида.

Дилсора Комил

Фалсафа фанлари кандидати

Бритиш Колумбия Университети

27/11/2019

Умид интиҳоси

**(Бу китобда 2007 ва 2008 йилларда Можайск турмасида ётган пайтимда ёзган шеърлар
ва Швецияга келганимдан кейинги 2010 ва 2011 йилда ёзган шеру ғазалларим
жамланган)**

Муаллиф

Саҳвий

Шеърлар

Умид интиҳоси

Руҳим тарк этишни, истар дунёни,
Интилади борса, Ҳақ даргоҳига.
Кераги ҳам йўқ, бу хату-имлони,
Ҳеч ким тушунмайди, дилим оҳига.

Дунё ҳаёти ҳам, керакмас асли,
Ғам-ташвишга тўла, охири армон.
Ҳаёт давом этар, ҳали, у ёқда,
Ҳамроҳ бўлса басдир, бандага иймон!

Эй ҳаёт, тўйдимку фироқларингдан,
Кечишга розиман сендан, мутлақо!
Қутулсам шу била, қийноқларингдан,
Менга сенмас, менга лозимдур бақо!

Сабрни ҳам борку, чеки поёни,
Бормикан зулмининг чеки, қирғоғи?!
Тугаб битди мени, сабрим имкони,
Тугамади ҳаёт алами, доғи.

Нима қилай бўлсам, дарди-бедаво?!
Кўнгил бергувчилар, кўнгил беринглар.
Дилим тўла зулмат, кўринмас зиё,
Юрагим олиб, бошқа дил, беринглар!

Туйғуларим менга, бермайди ором,
Ўтмишу-келажак, бирдек қоронғу.
Мен дили хастаман, йўқдир дилором,
Ҳеч кўзим етмайди, тугашга қайғу.

Юрак йиғлар ёзиб, дардли сатрлар,
Руҳим истар, тезроқ, тарк этса танни.
Тутқундирман, гуёки юз асрлар,
Нафрат билан, соғинаман ватанни.

Ал-видо!, эй, менинг яқин ёроним,
Ажал ҳам, яқинга ўхшайди гўё.
Ўзим ҳам истарман, тез чиқса жоним,
Тугаса шу билан, ҳаёти рўё !

Ҳеч нарса керакмас, менга ҳаётдан,
Басдур, насиб бўлса, Роббим ризоси.
Бу мен учун катта неъмат, албатта,
Бўла олсам йўлини, жон фидоси!

Муножот

Илтижо айларман, Парвардигорим,
Сенга маълум, ҳоли харобим менинг.
Дилимда изтироб, йўқдир қарорим,
Даргоҳинга етгай, хитобим менинг!

Менда собит туриш учун, журъат йўқ,
Ўз нафсимни ўнглагудек, қувват йўқ.
Ожиздирман, нотавонман қудрат йўқ,
Ўзимгадир қаҳру-итобим менинг.

Ҳеч банда қолмасин мендек, диёрсиз,
Ўтди умрим абас, ғурбатда, ёрсиз,
Нетай, бўлсам бечора-ихтиёрсиз?,
Тугармикан, дарди-азобим менинг?!

Ё Раб, Ўзингдан ўзгаси ёлғондир,
Агар Сен сақласанг, жоним омондир,
Мани бесабрлик айбим, ёмондир,
Қийнар дилимни, изтиробим менинг!

Инсон зоти борки, кичикми-катта?
Офиятга муҳтож эрур, албатта,
Дарбадарман, ажал етса ғурбатда..,
Қайда қолгай, хоки-туробим менинг?!

Биламан айбим қўп, яхши амал кам,
Дилим тўла, битмас армону –алам,
Ўзинг раҳм айлагил, Қудратли Эгам,
Осон эт, охират ҳисобим менинг!

Башорат

Ушлаб, қамадилар бир ертўлага,
Ётдим беш ўн кунча, ғамда оч наҳор.
Оғир эди қайғу, оғир эди дард,
Намоз ўқишга ҳам, қолмади мадор.

Қоронғу ертўла сув йўқ, имкон йўқ,
Таяммум қилардим намоз пайтида.
Бир куни ўқидим аср намозин,
Тургандим, иккинчи ракат, рукуъда.

Бир ҳис қамраб олди, аниқ сезилди,
Қандайдир сокинлик, қандайдир ором.
Ҳеч сассиз-садосиз, хабар берилди,
“Сен нажот топасан”,–дейилди, тамом!

Қамалган кунимдан, то шу пайтгача,
Қийналардим, топмай бирор аломат.
Роббим тарафидан, қалбимга шунда,
Қандайдир офият бўлди, каромат.

Аммо кейинчалик тушундим буни,
Лекин дилим бўлиб қолди, хотиржам.
Сиқилиб, бесабр бўламан гоҳо,
Шундаям, йўқ энди, аввалгидек ғам.

Бу дилга офият бўлди, Худодан,
Бу шайтондан эмас, илми ғайбмасдир.
Дилларга офият келур, Аллоҳдан,
Бандасига раҳмат десам, айбмасдир!

Ётибман, тўққиз ой бўлди қамоқда,
Ҳеч нарса билмайман, лекин кўнгил тўқ.
Ишонаман, Роббим беради нажот,
Қачон эканидан лек, хабарим йўқ!

13.03.08.

Шукрона

Кўраяпман Сенинг ёрдаминг,
Сезаяпман аниқ, мададни.
Сенинг нематларинг, беҳисоб,
Санаб бўлмас сонун ададни!

Эй Худойим Меҳрибонимсан,
Мен Ўзинга қилдим, таваккул!
Мададкоримсан, Раҳмонимсан,
Бундан дилим хотиржам, буткул!

Сендан ўзга, “Суянчиғим” йўқ,
На мол-дунё, на мансаб, амал?!
Лекин мени, бундан қайғум йўқ,
Менинг “Суянчиғим” мукамал!

Саломатлик билан, ўтказдинг,
Қанча-қанча, офат балодан?!
Умидворман, асрайсен мени,
Яна балога, мубталодан!

Сенга лойиқ, ибодатим йўқ,
Бир гуноҳкор бандаман, Роббим!
Сени Ёлғиз Илоҳ—деб, билдим,
Шунга хотиржам, менинг қалбим.

Яккалинг, билдирганлигинг,
Менинг учун, энг-олий неъмат!
Сенга, сажда қилганим ё Раб,
Мен эришган, энг катта бир бахт!

Эй Худоё, ташлаб қўймагил,
Бир лаҳза ҳам, ўз ҳолимизга!
Ёрдам бергил, ҳамиша, ҳар дам,
Раҳм айлагил, аҳволимизга!

Турмадан хат

Оқ йўл, омон етиб боринглар,
Сафарингиз беҳатар бўлсин!
Аллоҳ сизларга офатлардан,
Паноҳ берсин, саломат қилсин!

Бориб, мени сўраганларга,
«Соғу-омон юрибди» денглар.
«Яратганнинг раҳматига кўз,
Тутиб, ночор турибди» денглар!

«Ёки қилган гуноҳларини,
Жазосини тортаётгандир?!»,
«Ёки сабр айлаб, балога,
Савоб ажри, ортаётгандир?!»

Айтинг яна, «албатта бир кун,
Иншаоллоҳ, кириб келади,
Яратганнинг раҳмати билан,
Ғолиб бўлиб, қулиб келади!»!

Чунки, у Аллоҳга ўзини,
Топширгандир, Аллоҳ ёридир.
Ким Аллоҳга суянса, фақат,
Аллоҳ унинг, мададкоридир!

Мен ўтириб турмада бугун,
Яратганга илтижомаман!
Сизни ҳақингизга доимо,
Яхшилик тилаб, дуодаман!

Роббимнинг мадади

Мен билардим ё Раб, Меҳрибонлигинг,
Англардим, борлигин ҳар ишда ҳикмат!
Ўзинга таваккул айлаган эдим,
Билардим, Ўзингда энг олий қудрат!

Ўзинг сақлаб мени, Қудратинг билан,
Чиқардинг, золимлар қўлидан омон.
Агар кечикканда, яна икки кун,
Кейин бўлар эди, аҳволим ёмон.

Қарзга ботиб қолиб, дуо қилгандим,
Менга “қарзларимдан бергил” деб, нажот!
Мен билмаган эдим, ортимда шунча,
Золим, мақр қилиб турганин ҳайҳот.

Мен беҳабар эдим, Сан хабардорсан,
Ўзинг осон этдинг, ушбу сафарни.
Манзилга, бемалол етказиб қўйиб,
Кейин эшиттирдинг, бу шум хабарни.

Ўзинг ёрдам бердинг, етиб келишга,
Астана шаҳридан Москвагача.
Ҳикматига ақлим етмасди, аммо,
Сезиларди, бу гал бари бошқача!

Қарзимдан қутулдим, нусратинг билан,
Қисмат экан, яна қамалиш ё Раб.
Билмасдим, тақдирда яна, нелар бор,
Энди шукр айтаман, ҳикматинг англаб.

Қаранглар, ҳаётда имон суннати,
Синовни тўхтовсиз такрорланишин.
Демак, имон бўлса, ҳар кимни йўли,
Кутаверсин, бир кун озорланишин!

Мен билардим, бу ҳам имон синови,
Бу жиҳатдан кўнглим, хотиржам эди.
Лекин, яна азоб чекишни ўйлаб,
Эртаги кун ғами, оғир ғам эди.

Узоқ йиллар етиб, чиқдим-қамоқда,
Ўйландиму, ҳали фарзанд кўрмадим.
Оғирликдан кейин, енгил бўлар-деб,
Умид қилиб кутдим, гарчанд-кўрмадим.

Дуо қилар эдим, ётиб қамоқда,
«Ё, Раб—Ўзинг қутқаргандинг золимдан.
Энди, яна нега, ушлатиб қўйдинг,
Ахир, хабардорсан Ўзинг ҳолимдан»!

Мен асли бесабр, ношукр банда,
Яна билмай қолдим, ҳикматуллоҳни.
Одамзод, ҳар қанча бўлсада оқил,
Англайолмас, ҳар бир, неъматуллоҳни!

Хуллас, нажот берди кутмаган ёқдан,
Бу гал мақсадига етмади, золим!
Очилди, менга кўп имкону-йўллар,
Ўзидир билгувчи, Ўзидир-олим!

Бу ерда ётиб, мен эришдим қанча,
Ўйлаб ҳам кўрмаган, турли неъматга.
Ҳалиям фикрлаб ақлим етмайди,
Бу ишлар таҳтида-ётган ҳикматга!

Мен бугун, беҳисоб неъматин эслаб,
Шукрона айтаман, Роббим Аллоҳга!
Ўзи меҳрибондир, барча мўъминга,
Беҳисоб ташаккур, ёлғиз Илоҳга!

Таваккул қилганман, умид қиламан,
“Насиб этгай” дея-, тақволик ҳаёт.
Бергай икки дунё, яхшилигини,
Қилиб, икки дунё шарридан нажот!

Ҳикматларин эслаб, ўйланиб бир оз,
Шеърий баён этдим, бўлганда имкон!
Ўтмишу келажак, барини тўплаб,
Ўзига топширдим, Роббим Меҳрибон!

Онажон

Можайск турмасидан уйга азиз онажонимга жўнатилган
шеърий мактуб.

Ёт элларда тутқунликда ётибман,
Кўролмасам, рози бўлинг, Онажон!
Иложим йўқ дарду-ғамга ботибман,
Боролмасам рози бўлинг, Онажон!

Дилим қотиб, юрак бағрим тош бўлди,
Кўзларимдан оққан, ғамли ёш бўлди,
Дафтар қалам ёнимга йўлдош бўлди,
Ноиложман, рози бўлинг, Онажон!

Нима қилай ўз ҳолима ҳайронман?
Ҳибсдаман, юрак бағри вайронман,
Бечораю-ночор, хуни гирёнман,
Энди мендан рози бўлинг, Онажон!

Мени имконим йўқ, энди боришга,
Узрим айтиб розилашиб олишга,
Тушунсангиз дилимдаги нолишга,
Ўғлингиздан, рози бўлинг Онажон!

Энди дийдор қиёматга қолдику,
Золим биздан гўё, қасдин олдику,
Ҳаёт мени шу, аҳволга солдику,
Қазосига рози бўлинг, Онажон!

Энди сизни кўролмасман не қилай?
Бир зиёрат қилолмасман не қилай?
Мен юртимга боролмасман не қилай?
Не бўлсада, рози бўлинг Онажон!

Бу ҳам бизга синовдир, имтиҳондир,
Натижа бўлмаса, ушбу ёмондир,
Ахир бизларни йўлимиз Қуръондир,
Бу қисматдан рози бўлинг, Онажон!

Не бўлсада Аллоҳ, билиб турибди,
Ўзи шуни, тақдир қилиб турибди,
Майли, кулган одам, қулиб турибди,
Сабр қилиб, рози бўлинг Онажон!

Доим шундай бўлиб турмас, бу дунё,
Зулмат кетар, қачон келганда зиё,
Бўлса амалимиз холис бериё,
Ажрин кутиб, рози бўлинг Онажон!

Сизларга яхшилик қилаолмадим,
Фурсатни ғанимат билаолмадим,
Ҳеч кимни кўнглини олаолмадим,
Сиз кечириб рози бўлинг Онажон!

Ҳақ кечиргай сизни гуноҳларингиз,
Кўз ёшингиз бўлгай, гувоҳларингиз,
Дардлар чекиб қилган оҳ-воҳларингиз,
Аллоҳ билур, рози бўлинг Онажон!

Ҳаётни ҳар яхши-ёмонларига,
Мусибатли оғир замонларига,
Яратганнинг қилган эҳсонларига,
Шукр айтиб, рози бўлинг, Онажон!

Ҳали қўйилади бир Ҳақ тарози,
Худойимнинг Ўзи бўлади «Қози»,
Аллоҳ бўлгай Ўзи, сизлардан рози,
Сиз ҳам Ҳақдан, рози бўлинг Онажон!

Рози бўлинг ўполмадим пойингиз,
Жаннат ичра бўлсин энди жойингиз,
Мағфират айлаб сизни Худойингиз,
Раҳмат этгай, рози бўлинг онажон!

2008 йил

Ота-онамга бағишлаб

Ё раббим! Биламан меҳр бергансан,
Болага нисбатан ота-онага.
Лекин буни билмайди фарзанд,
Ёзилмаган бўлса, шўр пешонага.

Азиз ота-онам сизларни, Аллоҳ,
Шу раҳмат меҳридан қилган баҳраманд.
Ўйу хаёлингиз шу сабаб доим,
Бизни ташвиш билан бўлган эди банд.

Нетайин энди сизлар йўқ бу дунёда,
Мен қалбим тўла доғ билан фиरोқ.
Мени тушунганим не фойда энди,
Бу билан ҳеч нарса ўзгармас бироқ!

Иймону исломни тушуниб-билиб,
Мен шунга бахшида этгандим ўзни.
Менку рози эдим барча балога,
Лекин ўйламабман падарим сизни!

Ё раббим, биласан қалбимда не бор,
Кўп ташвиш келтирдим ота-онага.
Яхшилик қилишга улгуролмадим,
Улгурдим қўйишга ташвишу ғамга.

Мен умид қиламан қиёмат куни,
Аллоҳ бандаларин қилганда ҳисоб.
Сиз мен, деб чеккан ғам ташвиш учун,
Олгайсиз мукофот ажр ва савоб.

Хурсандликдан йиғлаб бир ёнингизда,
Турсам ҳайрон бўлиб, мен ҳам тилим лол.
Шу лаҳзанинг тезроқ келишин кутиб,
Ё раб, сабрга ҳам қолмади мажол!

Жияним Саидаминга

Мурғаккина қўлларинг очиб,
Дилга меҳр уруғин сочиб,
Кетолмасдим ҳеч сендан қочиб,
Зулматимга чироғ бўлдинг сан.

Билмас эдим гўдак меҳрини,
Дилингни ром этар сеҳрини,
Чекарман айрилиқ захрини,
Дардли дилимга доғ бўлдинг сан.

Бу на меҳр, эритар тошни?
Оқизар беихтиёр кўзёшни,
Оғритар ҳеч оғримас бошни,
Дил баҳрига қирғоғ бўлдинг сан.

Умрим ўтди гўдақдан йироқ,
Билмас эдим меҳрини бироқ,
Қийнар энди айрилиқ, фироқ,
Мен кўришдан узоғ бўлдинг сан.

Шундай ширин бўларми фарзанд,
Қилар инсон хаёлини банд,
Бу қандай сир экан Худованд?,
Ечолмаган сўроғ бўлдинг сан.

Инсон учун бу ҳам неъматдир,
Яратган Тангридан раҳматдир,
Ҳаётда бир синов меҳнатдир,
Мени йиғлатиб чоғ бўлдинг сан.

Сабр ҳақида

Сабр, қуръонда кўп зикр қилинган,
Мўмин одамларга лозим сифатдир.
Аллоҳ дўст тутаркан сабрли қулни,
Сабр килишлиқда ушбулар шартдир.

Бири нолимаслик келган балога,
Яна бири нажот умид этмоқдир.
Таваккул айламоқ ёлғиз Аллоҳга,
Дуою илтижо қилиб кутмоқдир!

Бири шукр этмоқ шу аҳволинга,
Бири тавба билан истиғфор айтмоқ.
Нажот кутган одам офат-балодан,
Лозимдир хатою гуноҳдан қайтмоқ.

Сабрда кўп бизлар билмаган ҳикмат,
Сабр билан баланд бўлар даражот.
Салафлардан қолган бизга кўп ибрат,
Сабр қилиб намоз ўқиб кут нажот!

Бало билан Сабр, асли йўлдошдир,
Натижаси Аллоҳ раҳмати бўлар.
Имон шарти доим сабр-бардошдир,
Охирги манзили жаннатий бўлар!

Яратганга илтижо!

Ожизлигим биласан Роббим,
Мени сабрим Ўзинга аён!
Тоқатимга лойиқ синов бер,
Тилагим шу Сендан ё Раҳмон!

Офият бер ғамгин дилимга,
Бу ғамда кўп қийнама ё Раб!
Бетоқату беҳаловатман,
Синагил шу ҳолимга қараб!

Сабр тоқат қолмади гўё,
Тобора тугайди бардошим.
Тугагунча ҳали бу ҳаёт,
На савдолар кўрар бу бошим?!

Менга маълум Мехрибонлигинг,
Нажот келишига ваъда бор.
Сен ваъдага қилмассан хилоф,
Шак шубҳам йўқ, эй Парвардигор!

Сабр бергил балога лойиқ,
Таскин бергил келгунча нажот!
Ўз нафсимга ташлаб қўймагил,
Токи тугагунча бу ҳаёт!

Дуо қилиб бу саҳар чоғи,
Ҳукминга топширдим ўзимни!
Фақат Сенга суюндим Роббим,
Қабул этгил ушбу сўзимни!

Можайск турмаси

Қазо ва Қадар ҳақида

Ихтиёр бор бизда ҳаётда,
Яъни бу бир жузъий ихтиёр.
Яхши ёки ёмон ҳар ишни,
Танлашликга ихтиёринг бор.

Лекин, баъзи бир нарсаларда,
Бизни танлаш имконимиз йўқ.
Молу-давлат туғилиш-ўлиш,
Қазодандир гумонимиз йўқ.

Қазодир гар кутмаган нарса,
Тушса инсон бошига бехос.
Бунда инсон ихтиёри йўқ,
Сабр қилиш лозимдир халос.

Қадар шуки бирор амални,
Танлашда бор азму-қароринг.
Лекин натижаси Худодан,
Натижада, йўқ ихтиёринг.

Шунинг учун ният қилганга,
Берилади мукофот жазо.
Тавфиқ Худодандир!–амалга,
Боғланади Ғазаб ва Ризо!

Иродадан ташқари эмас,
Ҳар воқеъа, яхшими-ёмон?!
Шундай тушинамиз тақдирни,
Шудир бизда “Қадар”га имон!

Ана шудир қазою-қадар,
Қалам битган Лавҳга азалдан.
Бу масъала шарҳи осонмас,
Баён этиш бир шеър, ғазалдан.

Турмада кўрган тушим

Ўтирибмиз уйда, меҳмонхонада,
Еб-ичиб, ўртада тўкин дастурхон.
Ўнтача одам бор эди, хонада,
Танимасдим лекин, кимлигин меҳмон.

Ўртада идишда, сут турган эди,
Бизлар ундан ичиб, тўйгандик гуё!
Учта-тўртта одам, кейин келгану,
Улар ичмагандек кўринди рўё.

Шунда Обид кори олди идишни,
Сут камлиги учун, қўшди озроқ сув.
Мақсад гуё, сутни кўпайтиришдек,
Сўнг олдиға қўйиб, дуо қилди, у!

Мен тургандим қараб, ёнгинасида,
Эсладим пайғамбар мўъжизасини.
Ўйлаяпман қори кўрсатмоқчидир,
Бизга каромати натижасини?!

Аммо, зоҳирида кўпаймади сут,
Сутни олиб борди, меҳмонлар томон!
Кейин келганларға қўйиб, узатти,
Қолмади сут ичиб тўймаган меҳмон.

Ушбу тушни кўрдим, саҳар чоғида,
Масков турмасида, қамоқда ётиб.
Ўйлаганим ҳам йўқ эди, ҳеч нарса,
Баландёрлар саси, қўйди уйғотиб.

Майлида не бўлса бўлар, таъбири.
Бизга ғайбдир, Худо билиб турибди.
Лекин ҳаёт воқеълиги аксинча,
Бу кўрган тушга, зид бўлиб турибди.

Сарҳисоб

Ўтаяпман фоний дунёдан,
Баъзида шод, баъзида ношод.
Етолмадим мақсадимга мен,
Ўтмишимга боқиб қилсам ёд.

Бировдан кам, бировдан кўпроқ,
Мен эришган дунё матоси.
Лекин хато гуноҳ ишларда,
Менчаликмас улар хатоси.

Билолмасман қанча умрим бор,
Қиладиган ишларим чандон.
Келажак не бўлар билмайман?,
Юрагимда хавотир ҳар он.

Ўйланаман қамоқда ётиб,
Ўз-ўзимга бериб тасалли.
Шеър ёзиш ҳам, дил овунчоғи.
Биров ўқимасада майли.

Мен ўзимни сарҳисоб қилиб,
Ҳаётимдан маъно излайман.
Ҳеч нарса йўқ, хурсанд бўлгудек,
Келажакдан рўшно излайман.

Эҳтимолки, хаёлпарастман,
Руҳим изтиробда, буйсунмас.
Орзу шароби бирла мастман,
Ҳақдин ўзга тушунмас, билмас.

Жасад банддир тўрт девор ичра,
Руҳим учиб, само кезади.
Юрагимни изтиробини,
Гўё, тушунади сезади.

Ўтаётган бир хилда, завқсиз,
Умримга ҳам келар ниҳоя.
Мен маҳбуслик давридан сизга,
Бир озгина қилдим ҳикоя.

2008 йил.

Илтижо

Илоҳо, Сенга айларман дуолар,
Мусаффо айлагил осмонимизни.
Қилибмиз кўп, билиб билмай хатолар,
Кечиргил айб ила, нуқсонимизни!

Ўзинг асра, турли офат—балодан,
Гуноҳқормиз, холимасмиз хатодан.
Куфрдан, зулмдан, ужбу — риёдан,
Саломат сақлагил, имонимизни.

Кўп неъматлар бугун бизга атодур,
Не бўлса барчасин берган Худодур,
Ҳақ йўлидан ўзга йўллар хатодур,
Яхшига айлантир ёмонимизни!

Иложи йўққа Сен, илож етургил,
Ҳарна бор бўлса эҳтиёж, етургил,
Бошқага айламай муҳтож, етургил,
Бизга беминнат парча нонимизни!

Иблис бизни, осийликга етирган,
Хаёлларни дунё сари кетирган,
Бандаликдан билиб билмай гапирган,
Кечиргил кўп хатою ёлғонимизни.

Бошдан аритгил бу катта балони,
Жондан ўтказдилар жабру—жафони,
Қабул эт мазлумингдан бу дуони,
Енгилликга еткур замонимизни!

Бандангман тиларман қилиб рижолар,
Даргоҳинга етгай бу илтижолар,
Орзу умидимиз айлаб раволар,
Ризоинг бирла олғил, жонимизни!

Биродарим Алишерга атаб;

Ман қойилман ҳикматинга Худойим,
Билмагандим, яна қамалишимни.
Ўзинг мададқорим бўлгансан доим,
Осон қилгувчи мени ташвишимни.

Ўзинга маълум бир ҳикматинг билан,
Олиб келдинг асли, мени бу ерга.
Кутилмаган жойда эй, Парвардигор,
Дуч этган эдингда, ҳам Алишерга.

Ким ўйлабди ахир бу ерларда кўп,
Ҳали кутилмаган, синов бўлишни.
Насибада бўлса, кўрмай на чора,
Яна қамоқ яна, қийнов бўлишни.

Менга етган ҳар қандай неъмат,
Ё Раб, албатта мен Сендан билурман!
Сабабчи бўлганлар ким бўлса, бўлди,
Мен Сенга ҳамд айтиб, шукр қилурман!

Менга Ҳақдан етган, кўп хайротларга,
Қофир ҳам мўъмин ҳам, бўлди сабабкор.
Ўзинг бер, барчага муносиб ажр,
Ўзинг билгувчисан, Қудратли Жаббор!

Энди Алишерга етди мусибат,
Лекин, мен ожизман қилишга ёрдам.
Мен биламан шуни, Сен меҳрибонсан,
Ёрдам берувчи Сан, кўнгил хотиржам!

Ё Раб, барча мазлум мусулмонларни,
Қаторида, бергил унга ҳам нажот!
Оила аҳлига, ризқу-рўзига,
Ҳузурингдан, ато этгил баракот!

Бизни «Навоий»да учраштиргандинг,
Энди Масковда ҳам, учрашдик бехос!
Ҳали Маккада ҳам, дуч этсанг ё Раб,
Бўлмаса, Жаннатдан умид бор-халос!

2007 йил.

Хавф ва рижо

Ҳеч нарса бўлмайти, ҳикматдан холи,
Ҳар бир ишда бўлар, албатта ҳикмат.
Ҳаким сифатли зот, Ягона Аллоҳ,
Қўйган ҳар нарсага ҳаётда муҳлат.

Ҳар кимни ҳаётда, маълум ўрни бор,
Яралган ҳар одам тақдири билан.
Ҳар кимга аталган жойи бор, тайёр,
Ҳамма ўз ўрнига борар аталган.

Ўшанга мувофиқ бўлар истеъдод,
Шунингдек амал ҳам,—орзу ният ҳам!
Бўлади албатта, муқофот жазо.
Шунинг чун яралган, жаннат дўзах ҳам.

Ҳикмат кўп, пайғамбар айтган сўзларда,
Деганлар;»Дунёда барча одамзод...,
Тайинлаб қўйилган борадиган жой,
Ё мангу жаҳаннам, ё жаннат – обод!»

Демакким, ҳар кимни, бор ўз макони,
Шунга лойиқ бўлар, саъю–ҳаракат.
Бўлар ҳам мувофик амал имкони,
Ҳам шунга яраша натижа албат.

Бу масала гарчи аниқ ва равшан,
Лекин бу илми ғайб, бизга сир-нихон!
Охирига караб берилар баҳо,
Охири не бўлар, билмайди инсон!

Жаҳаннам аҳли ҳам, баъзан ҳаётда,
Қилар яхши амал, олийжаноблик!
Лекин охиратдан насибаси йўқ,
Буни англаш оғир ва изтироблик.

Шунинг учун, бизга лозим ҳамиша.
Кўнгилда бўлмоғи хавф ила рижо.
Жаннат башорати берилганда ҳам,
Йиғлар эди, Умар килиб илтижо.

Бир солиҳ амалга берилса тавфиқ.
Албатга, яхши иш мақтовга лойиқ!
Лекин охиратни ажри йўқ бўлар,
Амал қилсанг, «мақтасин» деб, -халойиқ.

Биламан, яхшилик қилсанг баъзида,
Билмаса одамлар, дил топар озор!
Лекин иймонинга зарари кўпроқ,
Агар мақтасалар, бўлиб миннатдор.

Кифоя қилмаса агар Аллоҳнинг,
Кўриб турганлиги аҳли иймонга!
Яна кимлардандир, нимадир кутса,
Амални бой бериб қўяр, шайтонга.

Мен шоири замон маддоҳ эмасман,
Шунинг чун шеъримдан ранжима Фарход!
Эслатиб қўйдимда бир ҳақиқатни,
Мақсад шу, охириг бўлсинда обод.

Золим амалдорларга

Қувонмангиз бунча мансабингизга,
Ичидан чириган давлатингизга,
Ўткинчи мол-дунё савлатингизга,
Хиёнат қилдинглар миллатингизга,
Билинг адолатли, Одилдир Худо!
Сизларга ҳам келар, ҳали бир бало?!

Сизни мақсадингиз саробдир, хомдир,
Золимни заволи якин, тамомдир!,
Ширк келтирганларга жаннат ҳаромдир!
Бу ҳақиқат сўздир, олий каломдир.
Келар сизларга ҳам бир куни навбат!
Ҳали дунёдаям кўрарсиз албат!

Виждон йўқ сизларда ва йўқдир инсоф!,
Каззобсиз, Имондан ,урмангизлар лоф!,
Сизлар ҳаққа қарши қилдинглар хилоф,
Ўртамизда фақат шудир ихтилоф,
Сизлар Ҳак тарафмас, “иблис” томонсиз!
Яшаб қолинг, ҳозирча тинч омонсиз!

Зулм зўравонлик тутган йўлингиз,
Қонга ботди бугун буткул қўлингиз,
Ҳаром билан топилгандир пулингиз,
Давронингиз келди, ўйнаб-қулингиз!,
Кейин, қонлар йиғлағайсиз, уқбода!
Шунга лойиқ иш қилдингиз дунёда!

Мўминларни ёлғиз Аллоҳ ёридир,
Ҳар икки дунёда мадақкоридир,
Сизлар “иблис”га қул, хизматкоридир,
Бўлар не бўлса, қисматда боридир,
Ҳақ барибир ғолиб келур ёлғондан!
Куфр мағлуб бўлмоғи шарт, Имондан!

Аслида ҳеч нарса йўқотмадик биз,
Имонни бу дунёга сотмадик биз,
Сиздек разолат ичра ботмадик биз,
Ўз ватандошимизни отмадик биз,
Шудир биз учун бахт, дилда алам йўқ!
Имон билан ўтган мўминда ғам йўқ!

Энди маҳбусмасман, лек дилим доғдир,
Юрагим хастадир, вужудим соғдир,
Руҳим ўртанади кўнгил ночоғдир,
Жавоб йўқ топганим фақат сўроғдир,
Дилимизда яхши тилак, ўй, ният,
Мўмин одам учун, шудир улўғ бахт!

Шеърлар эмас ёзганларим “Алам”дир!,
Асли барин Лавҳга ёзган Қаламдир!,
Азалга таслимман хотирим жамдир!,
Дунё иши доим шу, бири камдир!,
Ё Раб, азал қисматимиз обод эт!
Раҳм айлагил, ғариб кўнглимиз шод эт!

Имонсиз Золимларга

Уларга дунёда неъмат берилган,
Иззати-ҳурмату, давлат берилган,
Мансабу шон ила, шавкат берилган,
Уларда Ҳақ йўлга, ҳидоят йўқдир!
Яъни, охиратда саодат йўқдир!

Фарзандлар ташвиши, уларда ҳам бор,
Дунёнинг ғами ҳам етарли бисёр,
Уларга ҳам етар, турли хил озор,
Ўтган ҳаётлари бекор уларнинг!
Мангу азоб жойи, тайёр уларнинг!

Ҳавас қилманг дунёсига, молига,
Ўткинчи маишат, дин заволига,
Қаранг уларни охирги ҳолига,
Умр бекор ўтди дилда имон йўқ!
Энди фақат хорлик бўлар, гумон йўқ!

Вайрон бўлур қурган иморатлари,
Келмас қутган нусрат, ҳимоятлари,
Бир-бир ҳисоб бўлар, жиноятлари,
Кўр дунёда оқибати на бўлғай?!
Ҳали эрта, охирати на бўлғай?!

Ҳасрат бўлур ўтган ҳаёти унинг,
Лаънатлангай, дунёда оти унинг,
Ҳаргиз мумкин эмас, нажоти унинг,
Қилмишига лойиқ ҳисоби бўлғай!
Жаҳаннамда, мангу азоби бўлғай!

Фитна бўлди фарзанд, аёли, моли,
Шулар бўлди охир, умрин заволи,
Ботилга банд бўлди, фикру-хаёли,
Орзу-умидлари сароб уларнинг!
Шубҳасиз, ҳоллари хароб уларнинг!

Иблис била РАҲМОН йўли тенгмасдир,
Куфр била ИМОН йўли тенгмасдир,
Ботил била ҚУРЪОН йўли тенгмасдир,
Дўзах била ЖАННАТ, бўлмас баробар!
Азоб била РАҲМАТ, бўлмас баробар!

Энди биз имон қадрига етайлик,
Бу дунёдан имон била ўтайлик,
Насиб этса раҳматига етайлик,
Ботил, ҳақиқатга тенгмас, ҳеч қачон!
Куфр ҳам имонни енгмас, ҳеч қачон!

Ихтилофлар ҳақида

Дунё ақидалар уммони экан,
Уммонни сайр этиб, кезмоқ истадим.
Ўзимга йўл топиб-эътиқод топиб,
Шу асосда яшаб, ўтмоқ истадим.

Бириси Худосиз даҳрийлар экан,
Бири миллатини кўтарар бошга.
Бириси Худони учта деб,-билар,
Униси сиғинар, дарахтга, тошга.

Бири ватанпараст, ё оташпараст,
Бири муккасидан кетган дунёга.
Бири ҳайвонпараст, бири бутпараст,
Ҳаммаси эргашган, нафси-ҳавога.

Бир тоифа ўғри, жинойтчилар,
Турлидир маслаки, қаранг–инсонни!
Мен булар ичида, билониҳоя,
Йўл қилиб танладим, дини Исломни!

Исломда ҳам турли-туман фирқалар,
Кимлар яшар турли тариқат билан.
Мен ўзимга дедим, “тарк этиб барин,
Умримни ўтказсам, шариат билан”!

Исломни йўл қилиб танладим энди,
Қуръон-ҳадисга зид, мақсадим бўлмас.
Барча мазҳабларни тан олдим бироқ,
Менинг бир муайян мазҳабим бўлмас.

Имкон қадар қиларман амал,
Ҳадислару-оятуллоҳга.
Шу эътиқод билан бас, яшаб ўтсам,
Ибодатлар қилиб якка Аллоҳга!

Матои-Қалил

(Сизни кофирларни шаҳарларда кезишлари алдаб қўймасин! Бу оз нарсадир. Кейин жойлари жаҳаннам бўлур.Қандай ҳам ёмон жойдир у?!)

Оли-Имрон 197–оят.

Ҳаётда ишларинг топса гар ривож,
Давлатинг кўпайса,битса эҳтиёж,
Ва ёки бошинга кийдирсалар тож,
Англарсан бир куни, шаксиз ноилож,
Буларни барчаси матои-қалил!
Бу сўзимга қуръон ояти далил!

Қўша-қўша бўлса, қасру саройинг,
Гўзал жононалар, бўлса гадоинг,
Олтин бўлса, ҳожатхонада жойинг,
Англарсан не хитоб қилган Худойинг,
Буларни барчаси матои-қалил!
Бу гапларга Аллоҳ, каломи далил!

Хизматингни қилса қанча хизматкор,
Айтганинг олдингда муҳайё, тайёр,
Эришсанг дунёда истагинг не бор?,
Топсанг шону-шуҳрат обрў-эътибор,
Билгилки барчаси матои қалил!
Ҳужжатим бўлгандир, Илоҳий далил!

Маддоҳларинг мақтаб “доно” десалар,
Ёки “улуғ доҳий, даҳо” десалар,
“Қаҳрамон, журъатда танҳо” десалар,
Ё суратинг осиб “Худо” десалар,
Барчаси ўткинчи матои-қалил!
Бу гапларга ўзи бор юзлаб далил!

Матои-қалилни айтайин бир оз,
Бунинг маъноси шу, “бу нарсапар оз”,
Оятни давомин эшит, эй шоввоз,
“Сўнг жойлари бўлур, жаҳаннамда” боз,
Шунинг чун барчаси матои-қалил!
Бу сўзга етарли келтирдим, далил!

Бу хитоб бўлгандир Расулуллоҳга,
Лозимдир, англамоқ биздек гумроҳга,
Ҳавас қилманг ушбу айтилган “шоҳга”,
Тушар бориб жаҳаннам отли чоҳга,
Билингни бу дунё, матои-қалил!
Менимча кифоя бўлар шу далил!

Қаранг бу оятни, қаранг замонни,
Золимлар сурарлар, даври-давронни,
Қаранг аҳволига бир, мусулмонни,
Бу оят зиёда қилар иймонни,
Шубҳасиз бу дунё матои-қалил!
Иймон келтирганга бас, ушбу далил!

Фиръавн етарли, ибрат олишга,
Қорун кифоядур, фикрат олишга,
Ҳаётга ҳам боқинг, ҳужжат олишга,
Интилманг, дунёда иззат олишга,
Унутманглар дунё матои-қалил!
Бунга таъриҳда ҳам, етарли далил!

Қаноат бирла дил, топади ором,
Ризқ келади, ҳаёт этаркан давом,
Тинмай дунё йиғиб, ҳалолу-ҳаром,
Дунёю-охират, шу билан тамом,
Эй мўминлар дунё, матои-қалил!
Бунга ҳаётдан ҳам, етарли далил!

2008 йил.

Ақидалар ихтилофи

Яратган Аллоҳга ҳамда Исога,
Тухматлар қилгандир Насоро қавми.
Таралди бу ботил фикр дунёга,
Шу ақида билан яшайди ярми.

Қаранг яна қанча бутпарастрлар бор,
Яна яҳудийлар фитнаси қанча?
Кимлардир умуман худосиз мурдор,
Бизда ҳам йўқ эмас, адашган анча.

Қуръон оятлари тушар эсимга,
Қанчалар ҳақиқат, ояти Қуръон.
Ҳақиқат кўриниб турсада лекин,
Одамларнинг кўпи келтирмас иймон!

Ё раб, насиб қилгин бизни бу динда,
Амал қилишликни ҳаётимизда.
Залолат, жаҳолат аҳли ҳеч қачон,
Таъсир қолдирмасин, зурётимизда!

Ўзинг сақла бизни бу тоифалар,
Макру ҳийласидан фалокатидан!
Илтижо қиламан ҳеч мусулмонни,
Маҳрум этма мангу саодатидан!

Уламоларни хор қилган юрт

Уламолар ўтган бу диёр,
Хор бўлди бу бизнинг даврда.
Ҳақ каломига йўқ эътибор,
Қолди халқ ҳам, зулму-жаврда.

Ҳақ йўлига чақирган холис,
Чиққанди, бир икки уламо.
Уларни ҳам йўқ, қилди золим,
Оқибатни энди сўрама!

Куфр зулматида қолгандик,
Улар ёқди имон чироғин,
Афсус, сақлолмадик уларни,
Ҳали бўлар буни сўроғи.

Қўлимизда бугун шуларни,
Таълиф қилган китоблари бор.
Ўзлари йўқ бўлиб кетсада,
Даъватлари хитоблари бор!

Қилган холис хизматларига,
Аллоҳ, рози бўлсин улардан.
Биз тушунган ҳақиқат учун,
Миннатдормиз беҳад шулардан.

Ибрат ўшалардан олайлик,
Ҳавас ўшаларга қил доим.
Расулulloҳ вориси шулар,
Шулардек, қил мени Худойим!

Ўзбекистондаги СНБ, МВД, Суд ва прокуратура ходимларига атаб

Сизлар ҳам суратда, гўё инсонсиз,
Асли сийратингиз, аниқ шайтонсиз,
Яна билганим шу, сизлар виждонсиз,
Сиз халқни ичидан чиққан балосиз!
Шу халқни бошига, бало соласиз!

Сиз халқ гарданинда, бир боқиманда,
Уялиш ҳам керак, озгина банда,
Икки дунёда бўлгайсиз шарманда,
Сизлар халқ олдида, юзи-қаросиз!
Шу халқни қилдингиз, бахтин қаро сиз!

Ким ахир аслида давлат ҳукумат,
Шу халқсиз, барчаси бир пулга қиммат,
Ҳаддан оширдинглар, зулм ила зулмат,
Адолатсиз, нафсга мубталосиз!
Иймонингиз йўқ, дардингиз давосиз!

Ўйланг ахир, эй иблиснинг қуллари,
Қандай бошқа халқлар, тутган йўллари?,
Сизлардек, қонга ботмаган қуллари,
Кимлар эрсиз қолди, кимлар боласиз!
Билинг, халқнинг қарғишига қоласиз!

Бизларни жойимиз ҳибсхонами?,
Бизлар, ёки бу халқга бегонами?,
Сизга Аллоҳнинг сўзи афсонами?,
Билингки, бу ҳаёт фоний, бақосиз!
Бориб, жаҳаннамда кишан тақосиз!

Кўрарсизлар, ҳали дунёдан ўтмай,
Қолар молу–мулкингиз, бирга кетмай,
Ўлинглар хор бўлиб, мақсадга етмай,
Бўлдингиз, дину-имондан жудосиз!
Чунки, Тоғутни қилдингиз «Худо»сиз!

Ҳирс кўйдингиз, молу-мансаб, дунёга,
Охиратни сотиб, арзон баҳога,
Борасиз, бир куни дорул баҳога,
Кўзи оч, бир қаноатсиз гадо сиз!
Билингким, қолмагайсизлар жазосиз!

Замон ўтар, ўзгарар бу ҳаётлар,
Лаънатлагай, сизларни зурриётлар,
Золимлик билан, чиқардингиз отлар,
Қилиб Золимни ҳукмини ижро сиз!
Иблисдек қилдингиз, кибру-ҳаво сиз!

У дунёю-бу дунё, хор бўлинглар,
Худонинг раҳматига зор бўлинглар,
Жаҳаннам ўтига дучор бўлинглар,
Бўлинг тоғут билан дўзахга жо сиз!
Унинг ҳукмини қилгансиз бажо сиз!

Афсус....

Бизга имкон берилди бугун,
Лекин, ҳеч иш қилаолмадик.
Кечир бизни Роббим, биз улуг,
Ниятларга етаолмадик.

Жафокаш халқ озодлиги чун,
Чорлолмадик, курашга халқни.
Ҳеч топмади ишимиз ривож,
Кўрмадик ҳеч натижа, нақдни.

Бизга қўшилмадилар бари,
Ўзбекларнинг муҳожирлари.
Ватан ободлигин истаган,
На тақводор, на фожирлари.

Ватанда ҳам кутаяпди халқ,
Кимдир келиб, қилишни озод.
Ўзимиз қилмасак, бирлашиб,
Ким қилади бу юртни обод?!

Улуғ ғояларни кўтариб,
Чиққан билан топилмас чора.
Бутун умр қул каби, ғариб,
Яшаб ўтса, бу халқ бечора.

Умр мазмуни

Ўткинчи дунёда яшаймиз беш кун,
Баъзида ғамгинмиз баъзида кулиб.
Эслаймиз, ўтганлар кимлигин гоҳо,
Ё ҳурматлаб, ёки нафратга тўлиб.

Ота-боболару, қавму-қариндош,
Баъзиси “яхши” деб, эсланар доим.
Яқинда ўтамиз, биз ҳам дунёдан,
Ажални белгилаб қўйган Худойим.

Пайти келиб бизни эсга олсалар,
Нима дейишаркан, зурриётимиз?!
Ароқхўр, зинокор, фирибгар, фосиқ,
Деган, сифат билан чиқса отимиз.

Баъзи бир имонсиз одамларни ҳам,
Эсламоққа, лойиқ сифатлари бор.
Эслашар уларни зурриётлари,
Ҳатто, улар билан қилар ифтихор.

Не бўлди мўминлар зурриётига,
Бу сифатлар билан, ошно бўлдилар.
Одабийлик турқин йўқотиб буткул,
Ҳайвондан баттарроқ, расво бўлдилар.

Ширку, ноҳақ қатл, ёки ўғирлик,
Судхўрлик, қимору, ароғу, зино.
Ғийбат, туҳмат, ҳасад ё фирибгарлик,
Турли фисқу-фасод, фаҳш ила ғино.

Барча ёқда фошдир, бидъат хурофот,
Қонун ҳам одамлар ихтиросидир.
Илоҳий низомга йўқдир эътибор,
Имонликми, ким шуларга розидир?!

Шунинг учун бу халқ, боши чиқмайди,
Турли хил мусибат, офат балодан.
Ислоҳга чақирса, бир холис инсон,
Фитначи деб, қувилар эл ародан.

Ё турмага тушар, ёки, йўқ бўлар,
Золимлар уни ҳеч, омон қўймайди.
Золимлар яшайди, тинч фароғатда,
Ичиб мўминлар қонини тўймайди.

Тарихлардан маълум бўлгани шуки,
Ё бу халқ бўлади, тез кунда хароб!
Ёки, Аллоҳ Ҳақ йўлига қайтариб,
Ўз-раҳмати билан, қилади сероб!

Тиларман, ё Роббим нусратингни бер,
Ҳалок қилма бизларни залолатда!
Золимларга офат, қулфатингни бер,
Адолатинг кўрсатиб қиёматда!

Ушалмаган орзу

Рухсат олган эдим дадамдан,
Ўғил кўрсам исмин қўйишга.
Менда хали бўлмади фарзанд,
Дадамни эслатиб туришга.

Мен ҳукминга розиман ё Раб,
Азал ҳукм Ирода, Сенда!
Дадажоним исмин қўйишга,
Балки фарзанд бўлмайди менда?!

Балки лойиқ эмасдир энди,
Неваралар, Бобо исмига?!
Яхшимасда, ҳаётда инсон,
Ўшамаса исми-жисмига!

Лекин, яна билмадим, ногоҳ...,
Балки, бу ўйларим хатодир?!
Баъзи зурёд Бобосига мос,
Бўлиши ҳам Ҳақдан атодир!

Майли нима бўлсада энди,
Келажакка отмайликда тош.
Яратганни ҳукми не бўлса,
Кўрармизда омон бўлса бош?!

2008 йил

Ушалган Орзу

Рухсат олган эдим дадамдан,
Ўғил кўрсам исмин қўйишга.
Энди менда туғилди фарзанд,
Дадамни эслатиб туришга.

Мен ҳукминга розиман ё Раб,
Азал ҳукм ирода, Сенда!
Дадажоним исмин қўйишга,
Энди фарзанд бўлдику менда?!

Балки лойиқ бўлиши мумкин,
Неваралар, бобо исмига?!
Яхшидир, бу ҳаётда инсон,
Ўшаса гар исми-жисмига!

Ва ниҳоят, бўлдимки огоҳ...,
Менинг бу ўйларим хатодир?!
Баъзи зурёд, бобосига мос,
Бўлиши ҳам Ҳақдан атодир!

Майли нима бўлсада энди,
Келажакка отмайликда тош.
Яратганнинг ҳукми не бўлса,
Кўрармизда омон бўлса бош?!

2010 12. 28.

Ўтар дунё ғами битмаса нима...

Аллоҳ учун қилсанг бир яхши амал,
Одамлар билдию,-билмаса нима?!
Сен амал қилолсанг Ҳақни ҳукмига,
Халқ амал қилса хўп,-қилмаса нима?!

Сен ҳақни устида туролсанг собит,
Бўлсанг ибодатли, тақволи Обид,
Сенга нима зарар, халқ бўлса нобуд?!
Албатта қайтса хўп-қайтмаса нима?!

Ким нима хоҳласа, қилиб турибди,
Дилинг изтиробга тўлиб турибди,
Биласанку–Аллоҳ кўриб турибди,
Бандалар кўрдию, кўрмаса нима?!

Сен истайсан амал натижасини.
Ўзингча ушлабсан иш режасини.
Қара шундайларнинг бир нечасини.
Кутганинг бўлса хўп, бўлмаса нима?!

Эрта не бўлади, Аллоҳ билади,
Ҳақ Ўзи хоҳлаган ишни қилади,
Эҳтимол сен кутган, кунлар келади,
Бордию, мабодо келмаса нима?!

Битмайди ҳаётда, ҳаргиз муаммо,
Яшаш керак, ҳаёт борича аммо,
Сен Ҳақ йўлда бўлсанг, барча уламо,
Сени эътиборга, илмаса нима?!

“Сув” дея,-ишонма чўлда саробга,
Ўртама дилингни кўп изтиробга,
Эзгу мақсадларинг балки рўёбга,
Ажаб эмас чиқса?,-чиқмаса нима?!

Бас қил, очаверма энди фолингни,
Худойимни Ўзи билар ҳолингни,
Дунёга банд этибсан хаёлингни,
Ўтар дунё ғами,- битмаса нима?!

Қиёмат бўлади аниқ, бегумон,
Қайта тирилади, ҳар яхши ёмон,
Ҳисобини берар ҳар битта инсон,
Ҳозир билса яхши, билмаса нима?!

Ўргатар ҳаёт

Ҳали ҳаёт машаққатин кўрмаган,
Кўп қоқилиб йиқилмаган, турмаган,
Орзуларин хазон ели урмаган,
Кўрмаганинг, ҳали кўрсатар ҳаёт!
Билмаганинг, ҳали ўргатар ҳаёт!

Ёлғон тугул, рост гапни ҳам билмайсан,
Соддадилсан, макр-ҳийла қилмайсан,
Ҳаёт шундай, доим ўйнаб кулмайсан,
Баъзида зор қилиб, йиғлатар ҳаёт!
Юрагинг қайғудан, тиглатар ҳаёт!

Юриб кўрсанг машаққатда меҳнатда,
Чиниқасан, ақлинг кирар албатта,
Ҳали қандай ташвишлар бор навбатда?,
Кўп билмаганингни, билдирар ҳаёт!
Қилмаган ишингни, қилдирар ҳаёт!

Доим бир хил кетмас, умр карвони,
Бу билан синалар, банда иймони,
Яхшилик ҳам келар, ўтгач ёмони,
Паст баланд саҳродан, ўтказар ҳаёт!
Охир манзилинг, етказар ҳаёт!

Сабр айламоқ керак турли балога,
Синов машаққатга, жабру–жафога,
Содиқ бўлсанг агар, аҳду–вафога,
Бир кун, шодлик куйин, куйлатар ҳаёт!
Қадринг осмон қадар, бўйлатар ҳаёт!

Муҳаммад Ёқубга бағишлаб,

Шукр, алҳамдулиллоҳ,
Зурриёт берди Аллоҳ.

Тангрим, умрин узоқ қил,
Офатлардан йироқ қил!

Бошлагил Ўз йўлинг,
Раҳм айлаб бу қулинг.

Насиб эт, илму урфон,
Бўлсин бир чин мусулмон.

Бу фитналик Оламда,
Ҳар ким ҳар турли ғамда.

Ўзинг айлаб каромат,
Ўтсин имон саломат.

Киймаса ҳам бошга тож,
Этма номардга муҳтож!

Раҳм айла Аждодимга,
Тилагим Авлодимга,

Бўлгунича қиёмат,
Бўлсин дини саломат.

Мен солиҳ бандамасман,
Рижоъдан кандамасман.

Ўзинг бўлгил паноҳи,
Эй оламлар Илоҳи.

Тилагим шу ўғлимга,
Юз тутгунча ўлимга.

Этма ё Раб, хору зор,
Эй, Улуғ Парвардигор!

Паноҳингда тут Эгам,
Агарчи, бир лаҳза ҳам.

Раҳм этиб аҳволига,
Қўймағил ўз ҳолига.

Қабул эт бу дуоим,
Ўзинг Ёлғиз Худойим!

Сен Раззоқсан, Раҳмонсан,
Қулинга Меҳрибонсан!

Сендан Ўзга Илоҳ йўқ,
Молику Олам, Шоҳ йўқ!

Санга юзланиб буткул,
Ё Раб, қилдим таваккул!

Даҳрийларга

Эзгу ғоя мақсадлар учун,
Ёвузликлар қилиш керакмас.
Зулм б-н эришган «бахт»ни,
Яхшилик деб, билиш керакмас!

Кўп ўтгандир таърихда, қаранг,
Инқилобчи доҳий «даҳо»лар.
Эзгуликдир шиори, гўё,
Ёвузликда аммо, юҳолар.

Оқиб турган дарё, бир кунда,
Оқмайдику, бошка томонга.
«Ўзгартирамиз тузимни»деб,
Тўлдирдилар дунёни қонга.

Кимлар қони тўкилди қаранг?,
Кимлар кўрди, тузим роҳатин?!
Ўзгаради, тез бу тузимлар,
Унутиш оғир, жароҳатин.

«Яхшилиқни қилолмасангиз,
Ёмонликдан тийилинг, зора!
Ёмонликдан тийилганингиз,
Нажот учун охирги чора.

Начора гар асли бу ҳаёт,
Этаверар, шу каби давом.
Ҳайрон бўлиб қоламан боқиб,
Шу ерда, шеър бўлади тамом.

Ҳиндуларга раддия

Бутпарастрлар қилишар даъво,
Ўлгач яна туғиламиз»деб.
Айтгандилар қадим мушриклар,
«Ўлгач, тамом йўқ бўлаамиз»деб.
Ҳиндуларни фикрича одам,
Етти марта туғилар эмиш.
Яхши бўлса бараҳман бўлар,
Ёмон бўлса, бўлар каламуш.
Шунинг учун «бараҳман» «рожа»,
Ниҳоятда «Олий бир зотдир».
Бошқалар паст табақа эмиш,
Уларга бу сифатлар ётдир.
Хизмат қилиш керак рожага,
Ҳасад, ҳавас қилиш керакмас.
Шунда яна туғилганингда,
“Рожа” бўлиб колсанг ажабмас?!
Мана сизга ақида ғоя,
Шу асосда яшашар улар.
Булар Исломи динига зиддир,
Балки, қуруқ сафсата булар!!
Бир мартаба туғилар одам,
Чунки, бир бор бўлади синов.
Жасаидан чиққан сўнг жони,
Қайта туғилмайди ҳеч биров.
Лекин барча махлуқ тирилар,
Қиёмат кун, шаксиз бегумон.
Ҳисоб-китоб бўлади ҳали,
Маълум бўлар, ким яхши-ёмон.
Ким жаннатга киради, кимдир,

Жаҳаннамга бўлар равона.
Мангу боқий маскандир булар,
Туғилиш ва ўлим бегона.
Мана шундай тушунамиз биз,
Шудир, динимиз эътиқоди.
Бундан бошқа барчаси ботил,
Шудир ҳақиқатнинг имоди.
Мана шундай ўтар бу ҳаёт,
Ихтилофу курашда доим.
Кимнинг ҳақлигини эртага,
Хабар берар бизга Худойим!

Илм ҳақида

Мўминларга лозимдир албат,
Илм олмоқ Ҳақни танимоқ.
Илм китоб ўқимоқ эмас,
Илм, дилда кўркувни топмоқ.

Илм эмас билишлик ҳали,
Тақво ҳосил бўлмаса агар.
Тилни билган олим бўлмайди,
Ҳаққа амал қилмаса агар.

Аллоҳни ҳақиқий таниган,
Саҳарларда бўлмаса гирён!
Дилида ғам-алам бўлмаса,
Уни олимлиги ғирт ёлғон!

Пайғамбарлар чеккани каби.
Ҳақ йўлида, чекмаса ғамни?!
Ўз нафсига, оввора бўлса,
«Олим» деманг, бундай одамни!

Олим бўлса, маломат мақтов,
Деганларга, этмайди парво?!
Ўзгармайди ҳеч ким олдида,
Ё, бир ўзи қолсада танҳо.

Ана шулар, Ҳақиқий Олим,
Ана шулар «Диннинг таянчи»
Шулар расулуллоҳга ворис,
Шуларга бўл, бўлсанг-суянчи!

Ҳидоят нуруни элтарлар,
Аждодлардан-авлодлар сари.
Роҳат фароғатда, ётибмас,
Жабр-зулм, чекиб аксари.

Булар қилган хизматларига.
Истамаслар, дунё матосин!
Мақсад, Аллоҳ ризолигидир,
Мағфират этмоқдир, хатосин.

Холислиқдир, улар шиори,
Бошқача бир, ғараз бўлмайди!
Аллоҳ учун, кўради ёмон,
Дунёвий бир араз бўлмайди.

Ана шулар ҳали дунёда,
Турган, имон учун сабабдир.
Асрлардан ўтиб бизгача...,
Келган қуръон учун сабабдир.

Аллоҳ ваъдаси бор, бу қуръон,
Қиёматга қадар туради!
Демак, бу олимлар оламда,
Ҳар даврда, албат бўлади.

Изтироб

Ўтмишимдан, ҳали ҳануз дилимда,
Иссиғи сўнмаган оташлар қолди.
Маҳзун хотиралар кўнгил қаърига,
Харсанг каби чўккан бир тошлар қолди.

Яна беихтиёр хаёлга толдим,
Келажак ҳақида ўйланиб қолдим,
Роббим ҳикматига ҳайронлар қолдим,
Қаранг яна қандай кўз ёшлар қолди?!

Доим изтиробда тинмайди кўнгил,
Ўтмиш садоларин тинглайди кўнгил,
Соғинчлар қўймайди, тирнайди кўнгил,
Зор бўлиб қариндош-қардошлар қолди.

Неча йиллар машаққатлар тортгандим.
Турли-туман турмаларда ётгандим.
Қанча азиз биродарлар топгандим.
Билмайман, қайда шу қардошлар қолди.

Ҳаёлимдан ўтар турли хил ўйлар,
Менсиз ўтди қанча маросим, тўйлар,
Баъзан тушларимда ҳофизлар куйлар,
Насиб этмайин кўп, нон-ошлар қолди.

Тош деворлар ичра зерикдим анча,
Қуёш нурини ҳам кўрмадим қанча.
Саҳро фарзандиман, шунгадир бунча...,
Қийноқларга ҳали бардошлар қолди.

Менинг руҳим учиб юрар юртимда,
Яна ғурбат кўринади олдимда,
Қадрдонлар йиғлаб қолди, ортимда,
Излаб топа олмас, кўз қошлар қолди.

Қандаям бевафо ҳаёт бунчалар,
Очилмасдан сўлар экан ғунчалар,
Бу дунёдан ўтиб кетди қанчалар,
Сиймолари азиз, сирдошлар қолди.

Йиғлаяпман фақат, ҳали кулмадим,
Қачон бу синовлар тугар, билмадим,
Қамалгудек бирор айб қилмадим.
Ақл-хушдан айрилган бошлар қолди.

Муҳаббатдир руҳ эҳтиёжи

Шаҳват инсон нафсин талаби,
Ҳам иблисни тузоғи эрур.
Ишқ муҳаббат туйғуси эса,
Руҳнинг истак сўроғи эрур.

Инсонни яратган Аллоҳдир,
Ўзи солган ўша фитратга.
Руҳ ва жасад эҳтиёжини,
Қондириш, зидмас шариятга.

Фақат шариятга мувофиқ,
Бузилмасин ахлоқ асоси!
Вайрон бўлар ҳаёт, одамни,
Йўқолганда меҳру-вафоси.

Исломда йўқ, тарки дунёлик,
Баччавозлик қилиш ҳаромдир.
Ислом, фитрат динидир асли,
Асли поклик дини, Исломдир!

Биродарлар, бўлинглар огоҳ,
Ишқ-муҳаббат эмасдир, шаҳват!
Фақат нафсни қондириш бўлса,
Азиз бўлмас эди, Муҳаббат!

Муҳаббатдир, Руҳ эҳтиёжи,
Соғиниш интилиш муҳаббат.
Бу туйғуни Олий ривожи,
Яратганга интилиш албат!

Русия телевидениясида 2007 йил 30 октябрь куни, 1937 йил 30 октябрда оммавий отиб ўлдирилган диндорлар, катагон қурбонларига бағишланган, махсус маросим намойиш этилди.

Қўриб бугунги Рус тасвирларини,
Ўйланиб, юрагим тўлди аламга.
Хаёлимдан ўтган баъзи фикрни,
Баён этиш учун олдим қаламга.

Русларда Октябрь ойин ўттизи,
Қатағон бўлганлар, “Хотира куни”.
Гапирилди ўтмиш даври хатоси,
Ойнаи жаҳондан кўрсатди бунни.

Русларни «катта»си чиқиб гапирди,
Тан олди, бўлганин, ноҳақ катағон!
Айнан ўша куни, олтмиш йил олдин.
Бегуноҳ, Индорлар қилинган “қурбон”.

Афсус қилди улар, ўз ўтмишига,
Тан олиб, даҳрийлар даври хатосин.
Ёнида турарди, Рухонийси ҳам,
Баён этиб у ҳам, ўз муддаосин.

Ўзбек диёрининг, даҳрийлари ҳеч,
Ўтмиш хатосини, айтолмаяпди.
Балки айнан ўша, «ўтмиш хатосин»,
Айни кунда яна, такрорляяпди.

Бегуноҳ катағон қилинган барча,
Одамлар эсланса, айни замонда?
Бир йилда, уч юзу-олтмиш беш кун ҳам,
«Хотира» бўларди, Ўзбекистонда.

Бугун бизлардаги «Бошлиқ, “Доно”лар,
Топишди «Хотира куни»ни осон.
Тўққизинчи Майни «Хотира-кун»-деб,
Бир ўқда урилди, иккита “қуён”.

«Тўққизинчи Май»ни ҳамма билади,
Даҳрийлар байрами, ғалаба-шони.
Дунё талашишди бир неча Золим,
Тўқилди орада, миллионлар қони.

Шаҳид Боболарни арвоҳи, биздан,
Ҳайкал қўйган билан, шод бўлармиди?!
Улар нега «шаҳид» бўлганин билсак,
Бу куннинг хатоси, ёд бўлармиди?!

Айтинг, қани бунда, мантику-маъно?
Гўё, эслаяпди шаҳидлар, бу он!
Лекин, айни пайтда, бугунги кунда,
Давом этаяпди, ўша “ҚАТАҒОН”!
2007. 30. октябрь.

Масдар

Ҳар нарсани бордир, асл масдари,
Масдардан олинар фикрга асос.
Бирор-бир манбага, суйнмаса сўз,
У далил бўлолмас, қуруқ гап халос.

Ҳар юртда бор, ўзин қонун, қозиси,
Шу қонунлар билан, берилар жазо.
Қонунлар, масдари билан фарқланар,
Масдар бўлган бугун, раъй ила ҳаво.

Инсоният ҳозир ернинг юзинда,
Яшайди, бўлиниб турли давлатга.
Қонунлари мавжуд, ҳар битта халқни,
Чунки ажралишган, ҳар хил миллатга.

Қонунларни асли, ё беш, ё ўнта,
Одамлар ёзади, ақлига мослаб.
Кейин тасдиқлашар, “халқ ноиблари”,
Судлар жазо берар, шунга асослаб.

Халқ номидан қабул килиб қонунни,
Қаранг, бу раҳнамо “ҳидоятчи”га.
Ўзи “қабул қилган”, қонун билан халқ,
Айланар “қонуний жиноятчига”.

Агар зарур топса, казо-казолар,
Уни ўзгартириб қўяр, бемалол.
Ахир одам ёзган, нарсани одам,
Ўзгартириш эмаску, амри маҳол?!

Шундай экан, ўша қонунни халқ ҳам,
Бузишга ҳақлидир, у бегонами?!
Шу халқни вакили бўлса, бўлдида,
Шунга «Ота гўри қозихонами»?!

Лекин бу ҳаётда, бари бошқача,
Қонунни халқ бузса, олади жазо.
Аммо, тепадаги, “казо-казолар”,
Уларга қонунлар, қилинмас ижро.

Одам чиқармасин экан, қонунни,
Бермасин жазони, одамга, одам!
Шунинг учун Аллоҳ, бандаларини,
Қуръон билан қилди, азиз муҳтарам!

2008 йил

Россия қамоқхонасида ФСБ. ходимлари билан учрашув воқеъаси

Ҳибсдалик пайтим бир кун беҳосдан,
Соқчи келиб деди, “чиқ учрашувга”!
Билсам ФСБни ходими экан,
Келибдилар мендан суҳбат олувга.

Бошладилар дарров сўроғ саволин,
Деди; “Бизга барин очик баён эт!
Саволларимизга тўғри жавоб бер,
Кимлигингни бизга энди аён эт!”

Деди;–Қай ташкилот аъзосидирсан?,
Дедимки;–Мен оддий бир мусулмонман!
Деди;–Қандай диний китоб ўқидинг?,
Дедим;–Қуръон ва хадис ўқиганман.

Деди;–Не мақсадинг бўлган хаётда?
Дедимки;–Мақсадим Ҳақ ризолиги.
Деди; Аҳли тавҳид-деганлар кимдир?,
Дедим;–Бу Худонинг, Бир Худолиги!

Деди;–Фаркинг нимада бошқалардан?
Дедим;–Аҳли тавҳид барча мусулмон.
Деди;–“аҳли тавҳид» кўпми дунёда?,
Дедим;–Акс-ҳолда бўлмайди иймон!

Деди;–бу йўлни ким қилган ихтиро?,
Дедим;– Расулulloҳ олиб келганлар.
Деди;–“аҳли тавҳид» деган, гап йўқку?,
Дедимки;–Шу киши бошлаб берганлар.

Деди;–Сен ҳам балки ваҳҳобийдурсан?,
Дедим;–Мусулмонман, ваҳҳобиймасман!
Деди;–Балки ҳизбий ё акрабий сан?,
Дедим;–Ҳеч фирқага тобеъ эмасман.

Деди;–Сан мазҳабни тан оласанми?,
Дедим;–Тўрт мазҳабни қиламан иқрор.
Деди;–Сен Ханафий мазҳабдамасми?,
Дедим;–Танлашликга бордур ихтиёр.

Деди;–Нима учун қамашган сени?,
Дедимки;–Билмасам мен шунга ҳайрон!
Деди;–Бер деяпди, сени “СНБ”.
Дедимки;–Худонинг ҳукмида инсон.

Деди;–Мен ҳеч нарса тушунолмадим,
Дедимки;–Начальник фақат сиз эмас.
Деди;–Кимлигингни мен биллолмадим,
Дедим;–Бизда “МХХлар билса бас!”

Хуллас, бу суҳбатни тугатди ходим,
Гўёки, таъажжуб қилган ҳолатда.
Бизнинг МХХлар иш услубига,
ФСБ-лар ҳайрон қолди, албатта.

Ўғлим Муҳаммад Ёқубга бағишлаб

Шукр, алҳамдулиллоҳ,
Зурриёт берди Аллоҳ.
Тангрим, умрин узоқ қил,
Офатлардан йироқ қил!
Бошлагил Ўз йўлига,
Раҳм айлаб бу қулига.
Насиб эт, илму урфон,
Бўлсин бир чин мусулмон.
Бу фитналик Оламда,
Ҳар ким ҳар турли ғамда.
Ўзинг айлаб каромат,
Ўтсин имон саломат.
Киймаса ҳам бошга тож,
Этма номардга муҳтож!
Раҳм айла Аждодимга,
Тилагим Авлодимга,
Бўлгунича қиёмат,
Бўлсин дини саломат.
Мен солиҳ бандамасман,
Рижодан кандамасман.
Ўзинг бўлгил паноҳи,
Эй оламлар Илоҳи.
Тилагим шу ўғлимга,
Юз тутгунча ўлимга.
Этма ё Раб хору зор,
Эй, Улуғ Парвардигор!
Паноҳингда тут Эгам,
Агарчи, бир лаҳза ҳам.
Қўймағил ўз ҳолига,
Раҳм этиб аҳволига!
Қабул эт бу дуоим,
Ўзинг, Ёлғиз Худойим!
Сен Раззоқсан, Раҳмонсан,
Қулига Меҳрибонсан!
Сендан Ўзга Илоҳ йўқ,
Молику Олам, Шоҳ йўқ!
Санга юзланиб буткул,
Ё Раб, қилдим таваккул!

2010 йил

Турмушга чиқаетган қизига онасини айтган ёр ёри

(Талабларга биноан ёзилган)

Аввал бошдан Аллоҳга, ҳамд айтаман ёр ёр,
Сенга бугун насиҳат панд айтаман ёр ёр.
Учиб кетдинг боғимдан, уйимдан қучоғимдан,
Дилим ёнар доғингдан, гўзал қизим ёр ёр!
Отамиз одам Ато, онамиз Момо Ҳаво,
Будир қисмати Худо, асал қизим ёр ёр,
Ниятинг поклагил, иззатинг сақлагил,
Оқ сутимни оқлагил, қайсар қизим ёр ёр.
Эркаликни қўй энди, оқила қиз бўл энди,
Бугун сенга тўй энди, севар қизим ёр ёр.
Фарзанд берсин Худойим, бахтинг очилсин доим,
Бўл ширин сўз мулойим, шакар қизим ёр ёр.
Қайнонаю қайнота, энди онаю ота,
Келдинг янги ҳаётга, чевар қизим ёр ёр.
Уйинг озода тут, гина кудурни унут,
Қилма юзимиз шувут, гавҳар қизим ёр ёр.
Худога айла тоат, ҳам эринга итоат,
Тавозеъни қил одат, камтар қизим ёр ёр.
Бўлгил сабр тоқатли, уйинга садоқатли,
Ҳаёт аччиқ ҳам тотли, ўрган қизим ёр ёр.
Сенга тилакларим шу, дуо истакларим шу,
Орзу ниятларим шу, ушланг қизим ёр ёр.
Охир сўзим Аллоҳга, ҳамд айтаман ёр ёр,
Ушла, сенга насиҳат, панд айтаман ёр ёр.

2011 йил

Салимага атаб

Жажжи юрагинга сиғмас ғайратинг,
Юзларинг, мусаффо, кўзинг бир жаҳон.
Ҳайратла боқурсан ажиб Оламга,
Жажжи нигоҳингда ҳайрат намоён.

Умринг узун бўлсин, жажжи қизгина,
Сен дардли қалбларнинг овунчоғисан!
Гард қўнмасин жажжи бошинга ҳаргиз,
Сен Ота Онангни кўзмунчоғисан!

Мусаффо юзларинг, меҳрим уйғотар,
Мунчалар ширинсан, жажжи қизалоқ!
Ғам кўрмагил ҳаргиз, яша соғ омон,
Толенинг ёр бўлсин, Ҳаётинг порлоқ!

Яратган Аллоҳнинг мўъжизаси сан,
Ҳам ота онанга, Тангридан эҳсон!
Кичкина қўғирчоқ, дил парчаси сан,
Ҳаётига мазмун, ортидан нишон!

Сени бу ёқимли, мурғак вужудинг,
Хонадон зийнати, ва шамчироғи!
Ташвишинг ҳам ширин, борлигинг ширин,
Сен Аллоҳ неъматин энг яхшироғи!

Салимага

Жаҳолат, кибр ила ҳаво қурбони,
Қисматинг шунчалар шўрмиди қизим?!
Бўлиши шартми ҳар гулнинг тикони,
Бахтнинг ҳам кўзлари кўрмиди қизим?!

Наҳотки қолмади инсоф адолат,
Аёлда итоат, эрда шижоат,
Валлоҳи яқиндир, бўлар қиёмат,
Қавминг ақли ноқис, ғўрмиди қизим?!

Шунга буюрсая, тақво имони,
Бузғунчиларни, ё йўқми виждони,
Шуми ҳаёт синов ва имтиҳони,
Шайтонлар шунчалар зўрмиди қизим?!

.....

Сени ҳам оввора этмоқчимилар?,
Арсатда қўйиб кетмоқчимилар?,
Жон қизим биларсан бир кун, ким улар?,
Сени йиғлатганлар, кулмасин ҳаргиз!

Ифво билан бузғунчилик қилса ҳам,
Ўзини тақводор санаса одам,
Эй Худо, бу қандай махлуқ муттаҳам,
Бундайлар уруғи қолмасин ҳаргиз!

Иши ғийбат фасод бўлсада доим,
Ўзини ҳисоблар мўмин мулойим,
Унинг кимлигини билар Худойим,
Йиғламаган куни бўлмасин ҳаргиз!

Шеър ёзмас эдим

Мен шеър ёзмас эдим, яхшими-ёмон,
Аввало, қоғозу-қалам, бўлмаса.
Менинг истеъдодим, ҳали даргумон,
Ёзмасдим, юракда, алам бўлмаса.

Хаёллар бостириб келар, сарбасар,
Ўтмиш, келажакга қиларкан, асар,
Не керак, шеър ёзиш деган, дардисар,
Оромимни олган, дард, ғам бўлмаса?!

Фақат ўзи учун, яшолмас инсон,
Бўлса гар озгина, инсофу-виждон,
Йиллаб турмаларда ётган, бағри қон,
Қардошим, дўст-ёрим, укам бўлмаса.

Мен шодликни эмас, ғамни қуйлайин,
Ғами йўққа, ғамларимни сўйлайин,
Айтинглар, ғамгин шеър ёзмай, найлайин?,
Бир обод, фаровон, ўлкам бўлмаса?!

Мен ғамли дунёнинг, мунглиғ униман,
Унутаолмасман, ҳаргиз уни, ман,
Мен шеър ёзмас эдим, балким, умуман,
Юракларда битмас ярам, бўлмаса.

Айтинг, энди шоир бўлмай, не қилай?,
Дил амрига қулоқ солмай, не қилай?,
Аламим қоғоздан, олмай, не қилай?,
Бу дардимга ўзга, малҳам бўлмаса?!

Йўлимиз шиори

(ЎХХ Мадҳияси)

Озодлик истаган халқ иродаси,
Зулм истибдодга кўтарди исён!
Етар зўравонлик, қашшоқлик, хорлик,
Талаб қил ўз ҳаққинг, озод ҳур инсон!

Йўлимиз шиори; Адолат, Хурлик,
Отлан бу курашга, Ватан ўғлони!
Ору-номус, ғурур, деган неъматдан,
Азизроқ эмасдир, одамнинг жони!

Ўз бахтингни ўзинг, киритгил қўлга,
Ўз меҳнатинг билан, топгил шараф шон!
Дунё халқларини ичида сен ҳам,
Муносиб ўрнингни топ, Ўзбекистон!
Қурайлик фаровон эркин бир ҳаёт,
Бўлмасин халқимиз ўз юртида хор!
Сен ҳам қадри баланд инсонсан, халқим,
Бахтли яшашликка сенинг ҳаққинг бор!

2011 йил апрел

Атиргулга

Сахродаги ёлғиз атиргул,
Бунча ғариб, бунча нимжонсан?!
Бийдек қуруқ биёбон чўлда,
Ғунча оча қолдинг қачон сан?!

Сендан сахро қуёшин тафтин,
Йўқдир бирор тўсгувчи соя.
Ғарибларга қуёшни меҳри,
Ажаб эмас, қилса кифоя?!

Аслидаку биз ҳаммамиз ҳам,
Сенга ўхшаб меҳрга зормиз.
Сахродаги ёлғиз гул каби,
Ожиз, нотавон, интизормиз.

Биз ҳам маҳкумдирмиз начора?,
Хазон уриб, нобуд бўлишга!
Интиламиз орзулар томон,
Бир кун навбат етар, ўлишга.

Эҳ, атиргул, нозик ниҳолим,
Туришларинг ғаройибона?!
Сенга қараб раҳмим келади,
Қаддинг заифликдан нишона.

Сен гўёки олам аҳлини,
Заволини рамзий тимсоли.
Меҳру оқибатга чорловчи,
Эзгуликнинг ажиб мисоли!

Билмаган билмас

Улуғ мақсадли йўл, машаққатларин,
Сахрода гул каби, сўлмаган билмас.
Эрку озодликнинг, қадр қимматин,
Қураш майдониға, келмаган билмас.
Бугун ўз элида, хордир ўзбеклар,
Эрк деган неъматга, зордир ўзбеклар,
Ҳали ҳам умиди бордир, ўзбеклар,
Буни Ҳақдан умид, қилмаган билмас!

Керилса аҳмоқлар “мустақилмиз” деб,
Йиғлаш керак эди, “бизлар қулмиз” деб,
Кўтармаса бошин “битта элмиз” деб..
Эл дардини кўзга, илмаган билмас!

“Озод” деса, оёқ кўлинги боғлаб,
“Обод” деса, “юртинг,” бағринги доғлаб,
Бу дардни, эл билан, йиғласа йиғлаб,
Кулганида бирга, кулмаган билмас.

Олсалар миллатнинг номуси орин,
Ким тинглар, мазлумлар нолаю зорин?,
Ўзга юрт бағрида излаб, мазорин,
Аламдан бағрини тилмаган, билмас!

Ким маккор душману, кимни шумлигин?,
Ким Ҳақни гапирган, кимни жимлигин?,
Эй дўстлар, аслида кимни-кимлигин?,
Аллоҳ билса етар, билмаган, билмас!

Оқ шеър

Тонг.
Узоқларда,
Кўринар менга,
Арчаларнинг сарғайган боши.
Узун ҳижрон тунларида ҳам,
Ёруғлик сари,
Келаяпмиз гўё?
Аммо кўринмас ҳеч,
Дилим қуёши.
Соғинтирма, бўлди бас етар,
Эй Субҳидам.
Қийнамагил мени бунчалар,
Ҳижрону алам.
Барибир...,
Умид учқунларин
Ўчиролмайсан!
Эй ёвузлик манбаси
Шайтон.
Ва ёки..,
Инсон.
Сен дилларга ўрнашган ўша,
Меҳр туйғуларин
Кўчиролмайсан.
Биз тонг олдидамиз,
Сезар юрагим.
Ҳадемай тонг отар,
Бўлар чароғон.
Биз шу умиддамиз,
Ва жим кутамиз,
Ҳадемай тонг отар,
Ёришар жаҳон!

Мадамин тоғага

Бир қариндошимиз бор эди бизни,
Эшитдим ўшанинг вафот этганин.
Ўйлаб қолдим, қандай инсон эдию,
Бу ҳаётда қандай яшаб ўтканин?!

Билмасди ўқишни ёзишни асло,
Мақтаб кўрган эмас у, ёшлигида.
Пулни санашни ҳам билмасди ҳатто,
Деманглар; “ўзини бебошлигида”.

Учрашиб гаплашсанг, бинойидек у,
Барибир, нимадир етмасди унга.
Фикр юритишда гўё, гўдак у,
Ҳаммамиз, тушуниб қолгандик бунга.

Етим ўсган, уни буни кўлида,
Сўнг ҳамқишлоқлари, уйлаб қўйишган.
Қаердандир топиб, бир етим қизни,
Икки етимчани тўйлаб қўйишган.

Хотинини қачон ўлганлигини,
Тоға ҳам тузукроқ эслаёлмайди.
Қанча яшаганлар, нега бефарзанд,
Бир Худодан ўзга биров билмайди!

Ўша замонларда бригадир, раис,
Уни ишлатишган, пахта далада.
Эси пастроқ одам бўлган учунми,
Тунаган далада, ё молхонада.

Умри ўтган оғир меҳнат остида,
Ким бир иш буюрса, юрган бажариб.
Нафақа олишга чиқариб қўйган,
Қайсидир бир раис, қолганда қариб.

Ёшини билмасди ўзи ҳам ҳатто,
Бошқалар ҳам аниқ айтаёлмайди.
Бир нарса аниқки, лекин бу одам,
Ҳеч касал бўлганин, эслаёлмайди.

Умрида кўрмаган, роҳат- фароғат,
Даволанган эмас, шифохонада.
Гоҳида бир эслаб, гапириб қолар,
Кўрган кечирганин, бир баҳонада.

Фалон деган, бўлган пайтида бошлиқ,
Урган экан, қамчи билан бошига.
Пистон раис, янги келган пайтида,
Сўккан экан чақиртириб қошига.

Хуллас, у раислар ўнтами-ўн беш,
Бирортаси лекин, тирик қолганмас.
Кўп йиллар яшаган бу одам, ҳануз,
Бирор касал бўлиб, даволанганмас.

Йўқ эди, уни ҳеч кўнглида ташвиш,
Ё оила фарзанд, ё, бир муаммо.
Бўлган эмас унда, бу дунё ғами,
Лекин, у дунёнинг ғами ҳам, аммо.

Бўлган эмас унда, асло бировга,
На бирор адоват, на бир ёмонлик.
Бировдан хафамас, биров, ундан ҳам,
Ҳаммага баробар, ҳамма томонлик.

Бир содда, бир ажиб, яшади-ўтди,
Топширди бир зумда, омонат жонни.
Эҳтимол, бу банда, фитратда, қандай...,
Бўлса, шундай олиб кетди, иймонни?!

24. 02. 08.

Ўзбек совет “зиёли”лари

1.

Олиб даҳрийлардан таълим -тарбия,
“Доҳийлар” шаънига куйлаб мадҳия:
“Дунё бизники, бу қандай яхши-я,
Аждодимиз маймун экан, майли-я,
Ёлғондир дин, имон, эҳсон, хайрия.
Бизга душман, кимки, биздан айрия,
Яралдик ўзимиз – эволюция,
Кейин қилдик мана, Революция”!
Мана шу ғоялар фидойилари,
Бўлган ўзбек совет “зиёли”лари!
Қаранг буларга бир, дилда иймон йўқ,
Охират хавфи йўқ, қийнар виждон йўқ,
Муқаддас нарса йўқ, умид армон йўқ,
Аждодлари маймун бўлган – гумон йўқ,
Жаннат ҳам, дўзах ҳам, охир замон йўқ,
Ўлдингми – йўқ бўлдинг, энди нишон йўқ,
Тириксан, ўйнаб кул, кейин имкон йўқ,
Бу шиорсиз сенга мартаба, шон йўқ.
“Доҳиёна” йўлнинг фидойилари,
Бўлган бизнинг совет “зиёли”лари!
Қуришлик гўёки “олий жамият”,
Бўлганмиш, уларда мақсаду ният,
“Доҳиёна ғоя” бўлдику ҳужжат,
Илдизига болта урди бу миллат,

Ишчи-деҳқонларга бериб ҳуррият,
Гўё, ишчи-деҳқон тузди, ҳукумат,
Йўқ бўлди, қолмади Имонга ҳурмат,
Худосизлик топди, қадр ила қиммат,
Миллатни энг жоҳил, гадойилари,
Бўлган эди, ўзбек “зиёли”лари.
Зиёли, сўзини асл маъноси,
Нур тарқатувчидир – илми зиёси,
Илмсизлар бўлиб юртни “доно”си,
Нодон ҳисобланди, диндор муллоси,
Йўқ қилинди, халқни ёзув имлоси,
Олинди бойларни, кумуш-тиллоси,
Босиб “халқ душмани”-деган тамғоси,
Қамалди, отилди, дин Уламоси,
Халқни, энг ақлсиз савдойилари,
Бўлган ўзбек совет “зиёли”лари!
Замона тартибга тушганда бир оз,
Рухсат бўлди, озроқ ўқимоқ намоз,
Барибир динга йўқ эди имтиёз,
Даҳрийлик ғояси қиларди парвоз,
Мумкинмасди, баланд чиқариш овоз.
Динга қарши борар ташвиқот, мумтоз,
Таъминлаб турарди, буни давлат боз,
Мақсад эса, динни йўқотиш тез, соз,
Халқнинг гўё “доно” сипойилари,
Эди ўзбек совет “зиёли”лари!

2.

“Турғунлик йиллари” деб,- қўйдилар ном,
“Эскилик сарқити” – дейилди ИСЛОМ,
Кураш ҳали ҳануз, этарди давом,
Динга ружуъ қила бошлади, авом,
Қаерда бўлса бир жаноза, мудом,
Тиловат бўларди, тинглар издиҳом,
Баъзи даҳрийлар ҳам, “бузиб интизом”,
Келишарди, динга қилиб эҳтиром,
Ўз ғояларининг, риёйилари,
Бўлди ўзбек совет “зиёли”лари!
Даҳрийлик ғояси, бош бўлса фақат,
Шу ғоя устида турса ҳукумат,
Бу ғоя Исломга зид эди, албат,
Ўлган бўлса кимдир, етибди муҳлат,
Нима керак унга, бу диний бидъат?,
Уйдирма гап бўлса, дўзаху – жаннат,
Даҳрий нега унга, кўрсатиб ҳурмат,
Жанозага борса, бу қандай даҳшат?!
Дея, даҳрийларнинг вафойилари,
Гапирди, амалдор “зиёли”лари!
Шу билан бошлади, сафин саралаб,
Риёкор даҳрийдан, ҳизбин тозалаб,
Қабристонларга ҳам қўйилди миршаб,
Даҳрий бориб қолса, олишди ушлаб,

Ушлашди, бир-бирин ортидан пойлаб,
Халққа кўрсатишди, дарров жазолаб,
Даҳрийлар олдиға, қўйилди талаб,
Диндор бўлса даҳрий, ушланг битталаб,
Ўз даврининг анқов-анойилари,
Бўлган эди, ўзбек “зиёли”лари!
Шоирмиди олим, ёки ёзувчи,
Ё сиёсий арбоб ё ўқитувчи,
Ё бирор ишчию,-пахтакор сувчи,
Ё ҳофиз хонанда, бастакор куйчи,
Ё талаба ёшлар, илм олувчи,
“Ленинчи комсомол” деб аталувчи,
Шулар ўзин “зиёли” деб, билувчи,
Даҳрийлик ғоясин тарғиб қилувчи,
Халқ бошиға тушган, балойилари,
Шулар эди, ўзбек “зиёлилари”!
Баъзида буларнинг хонадониди,
Ё қавми-қариндош, қадрдониди,
Ўлиб қолса биров, атроф ёнида,
“Бу ҳам даҳрийликнинг имтиҳониди”,
Қурашиш йўқ эди, ҳеч имкониди,
Қурашиш, бу ахир унинг нониди,
Йўқ эди ҳеч чора, тўрт томониди,
Бечоралик ахир, энг ёмониди,
Қийналарди нафси – ҳавойилари,
Хор бўлдилар, ўзбек “зиёли”лари!
Ўғил ақл берар ота-онаға,
“Қаранглар биз қурган бу замонаға,
Бориб кўринг бизларни, корхонаға,
Аёллар ҳам қамалганмас, хонаға,
Ҳамма тенг, ажралмас дўст бегонаға,
Сизлар ишонасиз дин, – афсонаға,
Ҳар хил уйдирмаю, ҳар девонаға”,
Улар йиғлар, боқиб жим, остонаға,
Оғир бўлди, мўъмин ота-онаға,
Комсомол деган, юрт беҳаёлилари,
Нодон эди, ўзбек “зиёли”лари!
Бундай комсомоллар сабаб бегумон,
Бўлди кўп имонли юраклар вайрон,
Ўлса бежаноза кўмилди инсон,
Оғир ташвишда қолди, ҳар мусулмон,
Аждодлар эсланиб, ўқилмас Қуръон,
Ҳайкалларға тўлди, барча қабристон,
Қийналаман, агар эсласам ҳамон,
Ажиб бир ҳолатға тушганди замон.
Бетутуриқ, замон расвойилари,
Бўлган ўзбек совет “зиёли”лари!

3.

Буларға ҳам боққан, бало бор экан,
Доноларидан ҳам “доно” бор экан,
Деди -”йўлимизда, хато бор экан,

Билмаган эканмиз, Худо бор экан,
Бизда озроқ, кибру-ҳаво бор экан,
Маслаҳатга, дўсту-ошно бор экан,
Ҳаётда ҳар дардга, даво бор экан,
Қайта қурсак деган, даъво бор экан”.
Шундай деди, даҳрий пешвойилари,
Қарсак чалди, ўзбек “зиёли”лари!
Авж ола бошлади турли иллатлар,
Сонсиз муаммолар, ҳар хил кулфатлар,
Ўзлигини англаб, баъзи миллатлар,
Бошланди ўзаро жанглар, даҳшатлар,
Авж олди ҳар турли, ҳизб-ҳаракатлар,
Ҳаммаси йўлига қилиб, даъватлар,
Билмас не қилишни, халқлар – элатлар,
Донолар ҳам қилар эди, ҳайратлар,
Довдирарди “Жаноби олийлари”,
Ҳайрон эди, ўзбек “зиёли”лари!
Ҳамма йўл тополмай турган пайти лол,
Қутмаганда келиб қолди, Истиқлол,
Ўзин ўнглаб олиб “доно” ҳам дарҳол,
Мустақиллик эълон қилди, бемалол,
Деди уялмасдан – “Бу бизга ҳалол,
Биз курашмаганда бўлмасди бу ҳол”,
Ҳеч кимдан чиқмади, “қачон?! Деб, савол,
Ҳамма қарсак чалди, доим шу аҳвол,
Ўзгардику фикри – ҳавойилари,
Бўлдилар, “истиқлол зиёлилари”!
Биров гапирмади : Мустақиллик” деб,
Ғоя ўзгарами, даҳрий эдик, деб,
Бизнинг партиямиз, коммунистик,-деб,
Миллатчилик қилган, шовинистик,-деб,
Аввал аталарди, босмачилик,-деб,
Эътиқод ўзгармас, оз – кўпчилик,-деб,
Ёки адашибмиз, биз билмадик,-деб,
Ёки билганмизу, кўрқар эдик,-деб,
Бир зумда ўзгариб қолди, раъйлари,
Мунофиқдир ўзбек “зиёли”лари!
Не бўлди, бу ниқоб ўзгарган билан,
Ташвиқоту,-хитоб ўзгарган билан,
Хату-имло, китоб ўзгарган билан,
Қибла ўша, меҳроб ўзгарган билан,
Натижа шу, ҳисоб ўзгарган билан,
Савол ўша, жавоб ўзгарган билан,
Амал ўша, савоб ўзгарган билан,
Вақт ўзгарар, офтоб ўзгарган билан,
Ўзгармади зулми – жафойилари,
Виждони йўқ, ўзбек “зиёли”лари!

4.

Мустақил бўлишдан, ким кўрди фойда?,
Қиёс қилиб айтинг, тафовут қайда?,
Эски амалдорлар яшар саройда,
Сабаби ҳаммаси бадавлат, – бойда,
Оддий халқ нон учун сарсон, ҳар жойда,

Қоринни ғами ҳеч битмас, гадойда,
Подшонинг хаёли ердамас,– ойда,
От изини босиш навбати тойда,
Энди мустақиллик даъвойилари,
Бесубутдир ўзбек “зиёли”лари!
Бошланди зулмлар, аҳли имонга,
Қўли энди етган эди, Қуръонга,
Дучор этиб уни, турли бўҳтонга,
Қамай бошладилар, яна зиндонга,
Масжидга бориш ҳам, ёш намозхонга,
Мумкин эмас бўлди, қаранг замонга,
Даҳрий макр қилди, кўп мусулмонга,
Ҳаёт яна қайтди, келган томонга,
Иблис экан, эргашган доҳийлари,
Имонсиздир, ўзбек “зиёли”лари!
Даҳрийлик сиз учун, лойиқроқ эди,
Уларку мантиққа, яқинроқ эди,
Зулм қилишга ҳам, “ҳақлироқ” эди,
“Даҳрийман десангиз”, яхшироқ эди,
Бугунги ҳолат бир, тум-тароқ эди,
Мантику маънодан, узоқроқ эди.
Аввал ким – кимлиги, аниқроқ эди,
Даҳрийлар сизлардан, “тузукроқ” эди.
Зулму-залолатнинг давомийлари,
Мальунсизлар, ўзбек “зиёли”лари!
Энди ғоя бўлди миллий мафкура,
Гўёки “бу афзал даҳрийдан кўра”,
Асли баб-баробар куфрдир, жўра,
Шу ҳаёт йўлимиз, қандаям “зўра”?,
Оддий халқ билмайди, сиёсий кўр-а?,
Буни тушунади “зиёли тўра”,
Бўйнига бўйинбоғ, таққандан сўра,
Шулар ижод қилган йўлда, “Мафкура”,
Бўлинглар, охират сазойилари,
Эй, Мустақилликнинг “зиёли”лари!
Кутиб адо бўлдику, халқ бардоши,
Чиқмадику “Мустақиллик қуёши”,
Ёрилди сал “ғиринг” деганни боши,
Турмаларда ётар, ўғли-қардоши,
Оқди оналарнинг, қанча кўз ёши,
Ҳаром бўлди, қанча одамнинг оши,
Отилди ҳар ёқдан, маломат-тоши,
Ҳайрон бўлди, юртни қарию – ёши,
Мангу азоб бўлгай жазойилари,
Ўзбекнинг имонсиз “зиёли”лари!
2008 йил,
Можайск Қамоқхонаси.

Ғам достони

Мен нега маҳбусман?

Кўп ўқидим вомиқу фарҳоду мажнун қиссасин,
Ўз сўзимдан бул ажаброқ достоне топмадим.
Алишер Навоий

Рубоий

Дўстлар ҳибхона ошеним менинг,
Ижод учун бўлди, имконим менинг,
Яқин ўтмишни мен олдим қаламга,
Қон билан ёзилди достоним менинг.

1.

Мен нега маҳбусман нима айб қилдим,
Қайси айбим учун жазо қилдилар?
Гуноҳим не ахир, ўзим билмасман,
Ушлаб қамаб, жабру жафо қилдилар.
Озмиди мен кўрган балою офат,
Яна қандай тухмат, бўҳтон қабоҳат,
Тугамадику ҳеч, зулму қасофат,
Яна ўз эркимдан жудо қилдилар?
Ғам ташвишдан ақли ҳушин йўқотган,
Умрининг қуёши деярли ботган,
Туролмай тўшакка михланиб ётган,
Онаи зоримни адо қилдилар.
Бормикан ҳақиқат деб бу очунда,
Ҳайрон бўлиб ўтирибман мен бунда,
Озод бўлгандимку ўзи яқинда,
Яна қандай айб пайдо қилдилар?
Ҳали эсимдадир ўтказган дамлар,
бутун умр унутилмас аламлар,
Баён этай эшитинглар одамлар,
Қандай балога мубтало қилдилар?!
Кўп оғир фитналик бўлди замона,
Билиб бўлмас ким дўсту ким бегона,
Ошенимиз бўлдику ҳибсхона,
Подшонинг амрини бажо филдилар.
Мусибат етди мўминлар бошига,
Қаралмади онлар кўз ёшига,
Синовлар келди ҳар мўмин кишига,
Куфр муддаосин раво қилдилар.
Тақдир экан ношукрлик қилмаймиз,
Бошқалардек, қувнаб ўйнаб кулмаймиз,
Зулм хорлик ичра яшаб, билмаймиз,
Кимлар тўғри, кимлар хато қилдилар?
Урдилар, сўқдилар, асло аямай,
Каттами кичикми, одаами демай,
Ҳақоратлар кўрдик, турдик индамай,
На кўз ёшга зарра парво қилдилар.
Қиёматга йиғилди қанча ҳужжат,

Ҳар нарсани гапиришга на ҳожат,
Агар бизларга қилсалар мурожаат,
Эй ваҳҳобий дея, нидо қилдилар.
Ўқилди кеча кундуз маърузалар,
Мумкин эмас, намоз билан рўзалар,
Гўёки, бу билан ахлоқ тузалар,
Бизга оғир бир муаммо қилдилар.
Таълим беришди бўлинглар огоҳ деб,
Тавба қилинглр ҳаммангиз гумроҳ деб,
Кечиринг эй адолатли подшоҳ деб,
Тазарруъ хатларин иншо қилдилар.
Тавба хати ёзиш учун хаспўшлаб,
Қасам чиганларнинг кўгшлини хушлаб,
Каффоратига уч кун рўза ушлаб,
Қўйлар сўйиб, ажиб «тақво» қилдилар.
Оғир азобда ўтказдик қиш ёзни,
Имо билан ўқиб намоз ниёзни,
Кўплар ҳатто тарк этдилар намозни,
Бошимизда оғир савдо қилдилар.
Биздан устун эди ўғри каззоблар,
Зобит амри ила бизни азоблар,
Улар бизни қийнаб, қилса ғазаблар,
Зобитлар кулиб тамошо қилдилар.
Кўп одамга омад кулиб боққанмас,
Дилда имон ҳаловатни топганмас,
Синов оғир пайти, кўплар Ҳақданмас,
Тоғутлардан хавфу рижо қилдилар.
Дилида имони борлар қаранглр,
Ҳалиям оз эмас, аҳволи танглр,
Уриш калтак билан, оттириб тонглр,
Яна шу билан интиҳо қилдилар.
Бизларни тарбия қилдилар жуда,
Мадҳия куйлармиз овоз авжида,
Фитналар тўлқини айна мавжида,
Подого тобеъ фуқаро қилдилар.
Билмадим, ё «доно шоҳ» билмадилар,
Тавба қилганни ҳам кечирмадилар,
Маҳқумларга марҳамат қилмадилар,
Дунё охиратни расво қилдилар.
Бир куни мен бошлиқни хонасида,
Чақирганди суҳбат баҳонасида,
Шоҳ расми турарди пешонасида,
Қўл билан кўрсатиб имо қилдилар.
Деди мана шудир менинг худойим,
Мен уни амрини қиламан қоим,
Унинг хизматида бўламан доим,
Деб ақидасини ифшо қилдилар.
Сўзларини эшитинг мен гувоҳни,
Ҳикматига қойилдирман аллоҳни,
Ўтмишда ҳам қанча золим подшоҳни,
Одамлар маъбуду, «худо» қилдилар.
Гапиролмас эдим тилим лол бўлди,
Бу кунларда кўп нарсалар ҳал бўлди,
Кимлар шаҳид, кимлар мажруҳ шал бўлди,
Ҳар киши борини фидо қилдилар.

Уламолар келди таълим беришга,
Адашганлигимиз маълум қилишга,
Жим эшитдик, журъат йўқ гапиришга,
Адашганлар дея фатво қилдилар.
Яна келди ажнабийя аёллар,
учрашишни қилмас эдик хаёллар,
Уларга ҳам аниқ бўлди бу ҳоллар,
Оламга жар солиб ғавго қилдилар.
Бўлган эдик мустазъафин мазлумлар,
Инсоний қадру қийматдан маҳрумлар,
Эрталабдан кечгача бу маҳкумлар,
Давлат мадҳиясин ижро қилдилар.
Нимасини айтай дўстлар сизларга,
Тилим ҳам бормайди топиб сўзларга,
Тушунмасман ҳануз, нега бизларга,
Халқ душмани деган тамғо қилдилар?
Қорнимиз тўймади овқатга ҳаргиз,
Очлик ила кун ўтказар эдик биз,
Бари ўтиб кетди дегандим, эссиз,
Яна парча нонга гадо қилдилар.
Ўн йилки турмада ўтди қиш ёзим,
Ўқирмоқчидирлар мени овозим,
ортимда қолар шу шеър баёзим,
Мени буткул мотамсаро қилдилар.
Яшашга ҳам улгурмадим нетарман,
Балким, фарзанд кўрмай ўтиб кетарман,
Ортимда қолар деб дoston битарман,
Хуллас, мени бахтим қаро қилдилар.
Ўзим ҳам бундай ҳаётдан тўйибман,
Фақат ташвиш машаққатда куйибман,
Ҳаммасини қиёматга кўйибман,
Фиръавн зулмини барпо қилдилар.
Ўқисалар дostonимни дўст ёрлар,
Танишу нотаниш, имони борлар,
Билинг сизлар учун мазлуми зорлар,
Мадад сўраб хайр дуо қилдилар.
Ғам ҳақида ёзилди бу даstonим,
Кўп зулмлар чеккан эди, бу жоним,
Саломат борса бас энди имоним,
Бошқа нарсдан мосуво қилдилар!

2

Рубоий

Ҳали ҳали ўша замон турибди,
Ҳали ўзгармади, ҳамон турибди.
Ўзининг даврининг келишин кутиб,
Ғариб кўнгилларда имон турибди.

.....

Юртим тарихинга боқиб фикрлаб,
Кўнгил беихтиёр ўйлаб бошлади.

Кутмаганда келиб қолди истиқлол,
Ҳар ким дилда борин сўзлаб бошлади.
Қизик давр эди, ҳамма қилу қол,
Бир нарса тушуниш ҳам амри маҳол,
Вазиятни англаб даҳрийлар дарҳол,
Аъзолик паттасин ташлаб бошлади.
Чиқмади йўлига содиқ бир даҳрий,
Ҳаммаси художўй бўлди, «ҳақиқий».
Бир зумда ўзгарди фикр, ё Раббий,
Донолар ўзга йўл, излаб бошлади.
Ихтиро қилишди миллий мафкура,
Яшашга бир ғоя керақдир жуда,
Қарсақлар чалиниб, баланд авжида,
Гўё халқ маъқуллаб қўллаб бошлади.
Ҳеч кимса айтмади, ҳеч йўқ эътироз,
Яқинда ўша халқ берганди овоз,
Иттифоқ сафида қоламиз, шу соз,
Деган сўз, эсланмай, гумлаб бошлади.
Бордир халқ вакили деган ибора,
Халқ дардини айтса бу вакил зора,
Ўша эски ҳаммом, эски тоғора,
Гўёки халқ вакил сайлаб бошлади.
Олий мажлис ташкил топди шулардан,
Донороқ ким ҳам бор, ахир булардан?
Шоҳ гўё маслаҳат сўрар шулардан,
Ҳар ким ўз мақсадин кўзлаб бошлади.
Халқ орасидаги ҳар хил жамоат,
Ўз фикрини айтиш бўлганди одат,
Подшога маъқулмас эди бу ҳолат,
У ҳам қулай фурсат пойлаб бошлади.
Мустаҳкам қилгунча ўз мақомини,
Бошламади подшоҳ, интиқоми,
Истамади бадном қилиш номини,
Бу ҳолатлар дилни, ғашлаб бошлади.
Лекин, у эмасди анқов анойи,
Зимдан иш қиларди, келганда жойи,
Маҳкам қўриқланиб тахти саройи,
Ғанимларин бир бир, ушлаб бошлади.
Қийин бўлди халққа таниш ўзлигин,
Кўзлари кўк эмас, қаро кўзлигин,
Эркинликлар бари қуруқ сўзлигин,
Воқеъалар ҳам тасдиқлаб бошлади.
Бу ҳақда ёзишлик мумкин дир китоб,
На ўғри боши на сиёсий арбоб,
Ёки дин пешвоси, фарқи йўқ ҳисоб,
Бирин бирин ушлаб қамаб бошлади.
Қарамади ҳеч нарсага бу золим,
Йўқ бўлди қанчалар мусулмон олим,
Тафсилий баёнга етмайди ҳолим,
Юраклар қалтираб, қақшаб бошлади.
Ҳаржой алжираб юрганлар сўзлаб,
Турлича оҳанга мувофиқ куйлаб,
Вазиятни англаб, ўзини ўнглаб,
Замонга мувофиқ куйлаб бошлади.
Мамлакатда бордир битта ташкилот,

Гўёки, бу давлат устунни ҳайҳот,
Назарига тушган топмагай нажот,
Буни тушунганлар титраб бошлади.
Подшоҳ амри вожиб, қилинмас қазо,
Содиқ қуллар тайёр беришга жазо,
Биров ғиринг деса, бўлиб норизо,
Ўз ўзига қабр кавлаб бошлади.
Халқ эса иш топмас, уйида нон йўқ,
Тирикчилик учун бирор имкон йўқ,
Бировга гапирсанг сендан ёмон йўқ,
Одамлар аламдан йиғлаб бошлади.
Қорни тўқдир фақат, соҳиб мансаблар,
Ё тижоратчилар, ёки миршаблар,
Пуллик барча шифохона, мактаблар,
Йўқчилик барчани қийнаб бошлади.
Авж олди судхўрлик, авж олди зино,
Тўю азаларда ичилар вино,
Ҳамма ёқда фошдир, отарчи ғино,
Юрт бузулди, фасод қайнаб бошлади.
Донолар баъзида турар йиғилиб,
ИАК ўтиради кўкрагин кериб,
Гоҳида бировга мукофот бериб,
Хизмат қилди дея, мақтаб бошлади.
Халқ норозилиги кетса кучайиб,
Бирор амалдорга қўйилар айб,
Халқим халқим дея, кулиб тиржайиб,
Халқини юпатиб алдаб бошлади.
Бир пулга олмайди, халқни кўз ёшин,
Оғритмайди халқни ташвиши бошин,
Ҳаммага куйлатиб, у «серқуёш»ин,
Байрам қилиб, яйраб ўйнаб бошлади.
Портлади Тошкентда қандайдир бало,
Халқ бўлди балога яна мубтало,
Шу баҳона бошлаб, зулм истило,
Ҳаммани турмага жамлаб бошлади.
Ёмон бўлди, ўта ёмон бўлди ҳол,
Баён айламоқлик, мен учун маҳол,
Қамалди минг минглаб одамлар дарҳол,
Тор жойга тепкилаб, жойлаб бошлади.
Турмаларда гўё, оқдику қонлар,
Эсласам юрагим қилар фиғонлар,
Намоз маън қилинди, эй мусулмонлар,
Бизни халқ душмани атаб бошлади.
Улар ўзларини дерди мусулмон,
Лекин, мумкинмас дер, намозу қуръон,
Ақл бовар қилмас ажиб имтихон,
Бизга турли айблар тақаб бошлади.
Аллоҳ қодир қилган, туролди собит,
Бу ҳаётдан афзал бўлганди тобут,
Намоз ўқиганни, мусулмон зобит,
Аямасдан уриб хорлаб бошлади.
Биродарлар айтай қизиқ гап сизга,
Ҳаммомга боришни маън қилди бизга,
Эсласам ҳалиям ёш келар кўзга,
Баданлар кир босиб битлаб бошлади.

Юрардик доимо оч наҳор беҳол,
Тинмай ҳожатхона ювардик, тил лол,
Устига ҳақорат калтак бемалол,
Кўнгил қабристонни қўмсаб бошлади.
Бу гаплар ҳеч бири афсона эмас,
гувоҳларим кўпдир, бир дона эмас,
Бизни учтимиздан бегона эмас,
Ўзбеклар хор қилиб, ўйнаб бошлади.
Ҳатто қўл томирин кесганман бир кун,
калтак еб ишлолмай қолганим учун,
Бир темир қошиқ ҳам ютгандим, нечун?,
Дилим ҳам ўлимни истаб бошлади.
Доимий калтаклар ҳақорат азоб,
Ҳамиша очлигу, масхара хитоб,
Бера олмас экан, одам сабри тоб,
Тоқатимиз охир тоқлаб бошлади.
Оғир эди жуда ўша замонлар,
Ҳали давом этаяпди шу онлар,
Осий мазлум бўлдик эй мусулмонлар,
Имон нурун зулмат қоплаб бошлади.
Бизни йўқ қилишлик эди мақсади,
Йўқ бўлиш бизни ҳам орзумиз эди,
Лекин, мақсадига ҳеч ким етмади,
Ажал ҳам келмайин оқсаб бошлади.
Ким ўйлабди дейсиз, ахир ўша он,
Ўтгинчи бу кун ҳам, ўтар бегумон,
Бу билан тугамас экан имтихон,
Тушунганда дилим музлаб бошлади.

3

Юрт ҳолига назар солиб ўйласам,
Юрагим қийналиб, ларзонга тушди.
Қадри баланд бўлган ноёб туйғулар,
Қаранг қандай нархи арзонга тушди?
Ўз элига лойиқ бўларкан подшоҳ,
Эли гумроҳ бўлса, подшоси гумроҳ,
Нафсини ўзига қилибдир илоҳ,
Ўз ҳаддидан ошди, туғёнга тушди.
Йўл бошловчи қилиб шайтонни қўйиб,
Мақсадга ботилу ёлғонни қўйиб,
Имоний инмоний мезонни қўйиб,
Ҳаёт бир бошқача мезонга тушди.
Подшоҳ ҳақиқатни ботилга сотди,
Ўзини ҳалокат чоғига отди,
Бандалик мақомин ҳаддин йўқотди,
Иблисдек Тангрига исёнга тушди.
Охир келиб бўлди дин ислом ғариб,
Золим ҳеч зулмидан қайтмади қариб,
Бу зулмни касри, охири бориб,
Минглаб диллардаги имонга тушди.
Тушунтиринг менга имони поклар,
Нега мардум оёқ остинда хоклар,
Маишат ичинда яшар нопоклар,
Имон аҳли келиб зиндонга тушди.

Ўйлаб гоҳо ҳайрон қоламан қараб,
Зулмат келаяпди ҳар ёндан ўраб,
Жаҳолат оташи ёнди гуркираб,
Учқуни тарқалиб ҳар ёнга тушди.
Мазлум мусулмонлар бўлди оввора,
Мустазъафин бўлди бу халқ бечора,
на қилсин дардига топмайин чора,
Ғариб бечоралар гирёнга тушди.
Йўқолди аждодлар ибрати ёди,
Авлодларда йўқдир номус исноди,
Нафсига қул бўлгач, одам авлоди,
Шайтон вазифаси инсонга тушди.
Дўстларим нимаям дей энди сизга,
Қаранг кимлар ҳукм қилмоқда бизга?,
Айтинг не бўларди, зулмдан ўзга,
Салтанат фиравну ҳомонга тушди?!
Йўқолди аёллар шарму ҳаёси,
Қилар не хоҳласа, нафси ҳавоси,
Бузулди исломий ахлоқ асоси,
Омад чўпи гўё шайтонга тушди.
Касофатга учраб минг минг хонадон,
Одамлар яшашга тополмас ошён,
Муаммо бўлдику топиш парча нон,
Халқ дарбадар бўлиб сарсонга тушди.
Келажаги буюк деган сўз фақат,
Оч одам қорнига бўлмайди овқат,
Доим келажакдан кутилар шафқат,
Сиёсат ҳийлаю ёлғонга тушди.
Ўзи яшар фароғатда роҳатда,
Оч халқни юпатар қорни тўқ катта,
Зулм қилиб қамаб, қириб, алабтта,
Золим деб тарихда баёнга тушди.
Қолмади ҳақиқат тошу тарози,
Жаранглайди фақат маддоҳлар сози,
Яхшилар жим бўлиб ўчди овози,
Гапириш навбати ёмонга тушди.
Келажак ҳам мени кўп ўйлантирар,
Дилим ташналигин қуръон қондирар,
Жаҳолат оташи элни ёндирар,
Гўёки бир олов ўрмонга тушди.
Қайга кетаяпмиз, ҳаммамиз ҳайрон,
Қиёмат дараги келди бегумон,
Дунёю охират баробар вайрон,
Фалокат замини замонга тушди.
Баъзилар дер яхши эди илгари,
Оғирлашар ҳаёт кун ўтган сари,
Мен ўзим эшитиб кўрганим бари,
Ушбу ёзаётган девонга тушди.
Бу ҳам бир фитнаю синовнинг бири,
Имон имтихонин оғир бир тури,
Қаранг бу балонинг касри охири,
Исломнинг қадри ҳам, ош нонга тушди.
Чиқди яна қаранг ажиб бир офат,
Мўмину кофирга бирдек фалокат,
Ўлмагунча одам қутулмас албат,

Бу бало зарраси гар қонга тушди.
Муҳаббат садоқат вафо йўқолди,
Ўрнин макр ҳийла эгаллаб олди,
Ҳамма ёқда фисқу фасод тарқалди,
Ор номусни нархи, ҳамёнга тушди.
Бу ҳаётдан сира кўнглим тўлмайди,
Бировдан ўтганни биров билимайди,
Гоҳо шундай шеър ёзмасам бўлмайди,
Туйғулар жўш уриб туғёнга тушди.
Кўряпсиз бу чинор чириб бошлади,
Танасида қуртлар юриб бошлади,
Миллат бир бирини қириб бошлади,
Ақл бу ҳолатдан ҳайронга тушди.
Қочиб қутулолмас тақдирдан инсон,
Топилмади тинч хотиржам бир макон,
Ёт элларда кезиб сарсон саргардон,
Билмасман насибам қаёнга тушди?
Асир бўлиб золимлар панжасида,
Ётибман ўй хаёл исканжасида,
Йўқ эрку ихтиёр мен бандасида,
Ғамгин кўнгил оҳу нолонга тушди.
Бор эканда кимларгадир керагим,
Ҳали ерга тегмабдида юрагим,
Гўёки тор қафас ичра юрагим,
Мисли булбул каби афғонга тушди.
Сўзларимга шубҳа қилманглар мени,
Исботу далили етарли уни,
Юртим мустақиллик тарихинг сени,
Қон билан ёзилган дostonга тушди.
Шоирлар ҳам асли бир девонада,
Шеър ёзилар кўпинча ғамхонада,
Мен ҳам илҳомланиб ҳибсхонада,
Ёздим дилда бори забонга тушди.

4

Биродарлар мени кўнглимга яна,
Бир шеър ёзишликка ният келибди.
Яхши ният билан сизларга қараб,
Хитоб қилишликка рағбат келибди.
Бизларга гувоҳлик беради қуръон,
Оғирликдан кейин бўлади осон,
Тажрибада буни кўрган ҳар инсон,
Демак, енгилликка навбат келибди.
Доим ғолиб бўлиб турмайди ботил,
Жазосиз қолмайди элдиму қотил,
Адолатнинг даври ҳам келаётир,
Бунга тарихжа кўп ҳужжат келибди.
Ҳаётда йўқ эмас яхшилар ҳали,
Келмаяпди лекин, уларнинг гали.
Ноумидлик бўлиб қолган маҳали,
Самодан фатҳ ила нусрат келибди.
Йиғлаётганлар ҳам қувонар бир кун,
Ухлаётганлар ҳам уйғонар бир кун,
Музлаган дилларда ўт ёнар бир кун,

Бизга асҳоблардан ибрат келибди.
Аслида янгимас зулму синов ҳам,
Имон йўлидаги азоб қийнов ҳам,
Имтихонсиз қолмас асло биров ҳам,
Бунга куръонда кўп оят келибди.
Дунё мафтун этар қарию ёшни,
Қўзларни кўр қилар гангитар бошни,
Ўткинчи булутлар тўсиб қуёшни,
Бугун бизни элга ғафлат келибди.
Бу ҳол қачонгача этаркан давом,
Жаҳолатдан қачон чиқаркан авом?,
Ҳақни айтса бирор муттақий имом,
Бошига мусибат кулфат келибди.
Қадим тарихда ҳам зулм бўлгандир,
Қанча ноҳақ жабр кўриб ўлгандир,
Умид ғунчаси очилмай сўлгандир,
Уларга кўп оғир меҳнат келибди.
Дунёга ҳукмрон бўлганда зулмат,
Ҳақ ўрнини ботил эгаллар албат,
Шуларники бўлар иззату ҳурмат,
Бунинг остида ҳам, ҳикмат келибди.
Кўп ҳикматларни биз англай олмаймиз,
Ҳақни доим ҳақ деб, айта олмаймиз,
Ноҳақликни кўриб, ғинг деёлмаймиз,
Имонга мувофиқ журъат келибди.
Дунёда кўп ишлар қолар очилмай.
Айбдор жазосин олмай, топилмай,
Дунёда ҳақиқат изласанг билмай,
Жаҳолатга яқин ҳолат келибди.
Қиёматни ҳақ дер эътиқодимиз,
жамланади аждоду авлодимиз,
Шунга қаратилса фикру ёдимиз,
Бу билан имонга қувват келибди.
Шаксиз у кун бўлур ҳақиқат ошкор,
Катта кичик яхши ёмон неки бор,
Яшай олсанг шунга қилиб эътибор,
Дилга имоний ҳаловат келибди.
Менинг айтмоқчи бўлганим сизларга,
Мақсадни аниқлаш лозим бизларга,
Китобу суннат бор далил изларга,
Бир сўзни айтишга муддат келибди.
Мақсад бу дунёнинг ободлигимми?,
Кўнгиллар қайғудан озодлигимми?,
Дунёнинг қувончи ё шодлигимми?,
Аниқлаб олишга фурсат келибди.
На бўлди исломнинг давлати охир,
Оламга таралган шавкати охир,
Фонийдир бу дунё неъмат охир,
Бунга кўп далилу ҳужжат келибди.
Чунки, дунёнинг охири барбоддир,
Алдангандир кимки бу билан шоддир,
Саодат шу гар охира ободдир,
Мангу шодлик учун жаннат келибди.
Жамоат кўп тариқат кўп оламда,
Ҳар бири ҳар турли мақсаду ғамда,

Бу асос ғояни англовчи камда,
Фирқаларга нечун лаънат келибди?
Мақсадга қўйилса дунёю давлат,
Молу жонни бунга сарф этиб албат,
Амал фарз бўлмагай етмаса қудрат,
Қудратинга лойиқ хизмат келибди.
Мақсад бўлса Аллоҳнинг ризолиги,
Баробардир банда, шоҳ гадолиги,
Ҳақ билур қай ният дилда жолиги,
Бу ақида билан чин бахт келибди.
Бизларга ўткинчи орзу керакмас,
Қодирмас нарсага қайғу керакмас,
Адашган фирқалар мангу керакмас,
Адашмаслик учун суннат келибди.
Яратганнинг ризосини топишга,
Мукаллаф бўлди банда қодир ишга,
Натижа боғлиқ эрмас интилишга,
Бизга лозим фақат ғайрат келибди.
Мен сизларга ақл бермоқчимасман,
Куфрга рози бўл бемоқчимасман,
Ботил йўлни таклиф қилмоқчимасман,
Бизга ибрат учун сийрат келибди.
Мабодо бўлса кимнинг эътирози,
Мусоҳаба қилишликка мен рози,
Шариат бўлса бас, мезон тарози,
Ҳақни айтиш билан иззат келибди.
Амри маъруф наҳй мункар шумасми?,
Агар билсанг айтиш лозим эмасми?,
Жим турганни хиёнаткор демасми?
Гапирдим дилга не фикрат келибди.
Биродарлар муҳожирлар юртдошлар,
Дини учун ҳижрат қилган қардошлар,
Аллоҳдан ўзгага эгилмас бошлар,
Дилингизга буюк ҳиммат келибди.
Зулмга бош эгган миллат бўлур хор,
Бунга рози бўлиб юрганлар бисёр,
Диний азиз тутган, эҳтимоли бор,
Расуллоҳ айтган уммат келибди.
Тангри рози бўлсин афъолингиздан,
Ўзи боҳабардир аҳволингиздан,
Огоҳ бўлдим мен ҳам бу ҳолингиздан,
Сизларга дунёвий неъмат келибди.
Аввал ҳижрат бўлган дорул омонга,
Насоролар юрти ҳабашистонга,
Золим подшоҳ келиб Ўзбекистонга,
Бизларга суннати ҳижрат келибди.
Бир кун келар золим шоҳ ҳам йўқ бўлар,
мазлумлар ҳам оҳу воҳ ҳам йўқ бўлар,
Қурилган зиндону чоҳ ҳам йўқ бўлар,
Ҳар нарсага тақдир қисмат келибди.
Уйламанглар ўшанда аҳли имон,
Ғолиблик келганда тугар имтихон,
Токи танамизда турар экан жон,
Синов узра синов албат келибди.
Жабр зулм кўрган имони учун,

Ёки қочиб чиққан мол жони учун,
Ёки йиллаб ётган зиндони учун,
Синов билсин кимга ҳурмат келибди.
Машҳур бўлса ё эришса обрўга,
Етишса мартаба мансаб орзуга,
Имон аҳли кўпроқ тушар қайғуга,
Чунки, дунёда шон шуҳрат келибди.
Топган натижам шу дунё бўлдимми?,
Охират не бўлди, расво бўлдимми?,
Роббим бандасидан ризо бўлдимми?,
Деган андишада ҳасрат келибди.
Ҳаққа суянганлар хор бўлмас ҳаргиз,
Буни ҳақлигини аниқ кўрдик биз,
Бугун ҳижрат қилиб, бу сўзсиз,
Қаранг ўзбек деган миллат келибди.
Мен бугун ҳибсда ўтириб ночор,
Сизга атаб битдим мурожаат ашъор,
Ўқиган эшитган биродар дўст ёр,
Дуо айлар деган, ният келибди.

Рубоий.

Бугун мени гўё аҳволим мушкул,
Лекин, юрагимда қайғу йўқ буткул,
Чунки, мен муаммо қайғуларимни,
Тангрига топшириб қилдим таваккул.

5

Дўстлар битганим бу ғамлик достоним,
Дилимдаги ёнган бир оҳим менинг.
Ягона Аллоҳга имкон келтириб,
Ибодат қилганим «гуноҳим» менинг.
Душманларим гарчи беадад бўлса,
Ғолибман Худодан гар мадад бўлса,
Роббим ҳақ, расулим Муҳаммад бўлса,
Билингким миллатим Иброҳим менинг.
Ҳақнинг душманлари кўр бўлар экан,
Дономан дейдию, ғўр бўлар экан,
Ҳақ ботилдан шаксиз зўр бўлар экан,
Бу сўзимга кўпдир гувоҳим менинг.
Бунда биз англамас кўплаб ҳикмат бор,
Буюк даражотлар, Ҳаққа қурбат бор,
Насиб этса раҳмат ила жаннат бор,
Шарофатлик, тушган бу чоҳим менинг.
Биламан хатодан холимас инсон,
Хавф ила рижодан холимас имон,
Дунёнинг фитнаси албатта ёмон,
Боқиб англаяпди нигоҳим менинг.
Ҳақ ризосин мақсад қилганлар бисёр,
Улар ичинда кўп ихтилофлар бор,
Кимки бўлса ҳақда холис барқарор,
Ажрин зоеъ қилмас Илоҳим менинг.
Хавфи йўқни йўлдан озгани бўлар,
Иблис йўлига чоҳ қазгани бўлар,

Барибир тақдирга ёзгани бўлар,
Шу аниқ билганим, огоҳим менинг.
Ҳар кимда ушлаган бир ғояси бор,
Чиқишни кўзлаган бир қояси,
Ҳар битта нарсанинг ниҳояси бор,
Тангрим ризолиги дилхоҳим менинг.
Текширинг ақида имонингизни,
Ўтдан сақлаш учун ўз жонингизни,
Ислоҳ қилиб бўлса нуқсонингизни,
Сизларга хитобим, бу оҳим менинг.
Умр ўтаяпди ҳар он ўтади,
Бир куни биздан бу даврон ўтади,
Бугун қўлда мавжуд имкон ўтади,
Билмасман келгайму сабоҳим менинг.
Менинг бу сўзларим эмас каромат,
Ёки бир янгилик, ажиб аломат,
Мақсад шуки имон қолсин саломат,
Бошқа нарса бўлмас ҳамроҳим менинг.
Биламан ҳаётда кўп қилдим хато,
Мафтун этди мени дунёи мато,
Ўзимни ўнглашга ожизман ҳатто,
Қийнайди мункару мубоҳим менинг.
Менга дуч бўлгандир турли касофат,
Албатта, ҳикматсиз бўлмайди офат,
Ҳақ Ўзи етказди, мусибат кулфат,
Ўзи нажоткорим паноҳим менинг.
Ғанимат билдим бу бўлганда имкон,
Дилимда борини айладим баён,
Қўлда қалам билан, гўёки Ҳассон,
Шеърият майдони, жангоҳим менинг.
Аллоҳ якка ёлғиз, аҳадул воҳид,
Ширим ушбудир ҳақ ўзи шоҳид,
Сўз майдони аро мисли мужоҳид,
Қаламдир аслаҳам силоҳим менинг.
Қирқ ёшга етибман қарасам ал ҳол,
Билмасман не бўлур келажак аҳвол,
Ҳаётимни қилсам бир кунга мисол,
Гўё етиб келди чошгоҳим менинг.
Қийиндир бўлмаса дилни сурури,
Синмасин одамзод ҳаргиз ғурури,
Мен учун афзалдир Роббим ҳузури,
Охир борадиган даргоҳим менинг.
Изтироблар айлар юракни адо,
Оғир экан бўлмоқ эркиндан жудо,
Ётибман, шу экан тақдири Худо,
Ҳибсхона бўлди, хобгоҳим менинг.
Жон берсам роббим деб, нидолар қилиб,
Жонимни йўлида фидолар қилиб,
Биродарлар яхши дуолар қилиб,
Шод этинглар руҳи арвоҳим менинг.
Яқинлашаяпман охират томон,
Ета олмадимку мақсадга ҳамон,
Ортимда қолар шу, ёзган шеър дoston,
Дунёда эришган матоҳим менинг.
Кетарман дилимда кўп армон билан,

Афсус тавба билан пушаймон билан,
Кетсам бас, дилимда пок имон билан,
Шод бўлсин, бу қулдан, «Подшоҳим менинг!»

Рубоий

Ҳақ нусрати ила тамом қилибман,
Барчага дуои салом қилибман.
Ўқиган бандалар ҳеч ғам кўрмасин,
Гарчи «Ғам достони» деб ном қўйибман.

2008 йил

Можайск

Ғам достони тугади.

.....

Ғоялар тарихи

Достон

Инсон зоти яшар ернинг юзинда
Одам Атодан то шу давргача.
Кўпайиб, тарқалиб кетди ҳар томон,
Етиб келди энди давр бизгача.
Ҳар ерда ҳар хил халқ бўлдику пайдо,
Тили, ранги-туси турли-тумандир.
Бири-бирин тилин тушунмас ҳатто,
Яшаш ,турмиш-тарзи ўхшамагандир.
Бири-бири билан қанча асрлар
Қилишар ўзаро жангу-жадаллар.
Кўп халқлар йўқолиб кетди қирилиб,
Яна қанча пайдо бўлди қаранглар.
Хуллас, ҳар бир халқу, юрту давлатни
Бўлган даврига хос қонуни—шоҳи.
Ҳаммасида бўлган жиноят – жазо,
Шунингдек, бўлгандир маъбуд илоҳи.
Аслида оламни яратган Аллоҳ
Жўнатган жуда кўп пайғамбарларни.
Қилиб ҳақиқатдан уларни огоҳ,
Ваҳий қилиб етказди хабарларни.
Лозим эди барча одамизодга
Ваҳийга мувофиқ келтирмоқ имон.
Амал қилганида ҳақ эътиқодга
Шубҳасиз бахтиёр бўларди инсон.

Узоқ тарихлардан маълумдир бизга
Қабул қилинмаган ҳақ йўлга даъват.
Аллоҳни элчисин рад қилди халқлар,
Рад қилинди Ҳақдан келган ҳақиқат.
Шубҳасиз ўша халқ ва миллатларни
Васваса айлади албатта шайтон.
Пайдо қилиб турли урф-одатларни,
Шу билан тўсилди ҳақиқий иймон.
Яккаю-ягона Аллоҳни қўйиб
Ибодат қилдилар сохта “илоҳга”.
Ҳар турли шакллар, хилма-хил тошлар
Ёки сиғиндилар ҳукмрон шоҳга.
Тарихдан маълумдир пайғамбарларни
Рад қилган қавмлар бўлдилар ҳалок.
Аллоҳнинг суннати шудир доимо,
Ҳалокатга учрар ҳар мужрим нопок.
Хуллас, ўтиб тарих, йиллар, асрлар,
Бўлдилар пайғамбар ҳазрати Исо.
У зот яҳудларнинг қавмидан эди,
Пайғамбари эди ҳазрати Мусо.
Исо пайғамбарни мўъжиза билан
Отасиз халқ қилди қодир Худойим.
У зотни шаънида то ҳанузгача
Бўхтонлар қилишар яҳудлар доим.
Фитналар қилдилар Ҳақ Расулига,
Қасд этдилар ҳатто “ўлдирамиз” деб.
У зотни самога кўтарди Аллоҳ
Булар даъво қилар “ўлдирганмиз” деб.
Сабаби Исога ўхшаб кўринди,
Кўзларига бошқа бир яҳуд мараз.
Уни тутиб хочга михлади булар,
“Ўлдирдик” дейишга, шу ишдир ғараз.
Хулласи тарқалди кўп фитна – фасод,
Турли хил гуруҳга ажралди охир.
Ҳар гуруҳ ўз фикрин тарқатди ҳар ён,
Бўлди “насоро” номли дин зоҳир.
Тарихда Рум бўлган, бугун Европа
Халқлари, бу динни қилдилар қабул.
Юнонлардан келган бутпарастликдан
Уларга афзалроқ кўринганда бул.
Аслида тўғридир бу дин эътиқод,
Ваҳий қилингандир “Инжил” самодан.
Фитналар даврида бузулди “Инжил”,
Кейингилар қайта ёзди ҳаводан.
Ўзлари ёзиб “бу ваҳий”, дедилар,
Ҳақиқат ичига қўшилди ботил.
Шу ёлғон туфайли фошдир залолат,
Гўёки сув ичида заҳри қотил.
Бугун насоролар қилар эътиқод,
“Исони Худонинг ўғли эди” деб.
Шу ақида фошдир бутун жаҳонга.
Ишонишар шунга, “тўғри эди”, деб.
Бу динку тарқалди Европа бўйлаб,
Турли халқ-элатлар миллат ичида.
Буни қила олмай қабул баъзилар.

Муртад бўлдилар тез фурсат ичида.
“Файласуф” дейишар, юнонча номи,
Яъни “одамларни ақллироғи”.
“Донишманд” дейишар ва ёки “ҳаким”.
Хуллас, зиёлироқ фикр чироғи.
Черков аҳли чеклаш учун мавқесин,
Сири фош бўлмаин қолсин деб ниҳон.
Бир-бир тутиб олиб файласуфларни
Куйдирди, ёндирди, қирди беомон.
Черков ақидаси ботиллигини
Англаган халқда ҳам йўқ эди чора.
Ташкил топди махфий гуруҳ, ташкилот.
Черков уни излаш билан оввора.
Бу гуруҳ тарқалди Оврупо бўйлаб.
Қочдилар жон сақлаб пападан – РИМдан.
Кўплари паришга, кўплар лундунга.
Бирин-кетин ҳижрат, қилдилар зимдан.
Борган жойларида,бу муҳожирлар.
Тарқатди черковга карши фикрни.
Пинҳона даъватлар қилишар эди,
Мақсадга қаратиб уйни-зикрни.
Парижда бу даъват тез топди ривож,
Уни қабул қилди кўп машҳур зотлар.
Агарчи яширин эди ташкилот,
Бор эди, анча куч, имкониятлар.
Улар ақидасин асоси асли,
Ташкил топди, мутлак худосизликдан.
Улар рад қилишди барча динларни,
Қўрқмайин Тангрига ҳам осийликдан.
Улар тарғиб этди инсониятга
Мутлак худосизлик ҳаёт тарзини.
Тарғиб этиб халққи тўла хурликка
Бир-бир тушунтирар эди, арзини.
Дейишарди “инсон тўла ҳақлидир
Нимани хоҳласа, шуни қилишга”.
Юнонлардан қолган бу эътиқодни
Ҳаракат қилдилар халқлар билишга.
Улар ақидаси келиб чиққанди
Гўё ақлий ўлчов тафаккуридан.
Ақлидан чиқариб қонунни улар
Бебаҳра қолдилар иймон нуридан.
Бу йўл билан улар қилдилар бекор
Ҳаётдаги мавжуд ахлоқ мезонин.
Уларда йўқ эди иймоний туйғу
Ҳавога алмаштирдилар иймонин.
Албатта эркиндир инсон ҳаётда,
Танлашга у ёки бу эътиқодни.
Лекин Яратганни айламоқ инкор
Улкан хатосидур одамизодни.
Агар Яратганни тан олса инсон
Тан олиш ҳам лозим УНИ китобин.
Келтирмоқ ҳам керак Расулга имон,
Қабул этмоқ керак Тангри хитобин.
Ақлига суянган бу файласуфлар
Икки тоифага ажралди охир.

Бири инкор қилди мутлақ Худони,
Бири эса “бор” деб тан олди охир.
Лекин тан олгани, олмагани ҳам
Бир нарса устида бўлди иттифоқ.
“Ҳаёт қонунларин ўзимиз ўйлаб.
Қабул қилишликка ҳақлимиз мутлақ”.
Шу билан қилишди қонунлар ижод,
Динни ажратдилар мутлақ ҳаётдан.
Дедилар: “черковнинг иши руҳият,
Таълим бериш эрур одоб-ахлоқдан”.
Дейишди: “дунёда ҳақлидур инсон,
Эгалик қилишга молу-дунёга.
Ҳақлидур ўз фикрин гапиришга ҳам,
Мумкинмас бу учун тортмоқ жазога”!
Хуллас, бу тоифа охири бориб,
Қиролин ағғариб қилди инқилоб.
Лекин кўпга бормай, қулади яна,
Мухолиф кучларга беролмади тоб.
“Париж коммунаси” дейишар буни,
Улар “республика” қилганди пайдо.
Бу яккаҳокимлик қироллик эмас,
“Халқ тузган ҳукумат” аталар гўё.
Асоси – юнонлар давридан қолган,
Бу юнон тилида, демократия,
Маъноси, яъни “халқ ҳокимияти”,
Шу номда аталар минглаб партия.
Лундун тарафларга кетганлари ҳам.
Ўз фикрин тарқатиб улгурди халққа.
Қиролни ағдариб ташлолмасада,
Черков тушган эди тўла тузоққа.
Халклар хоҳишига қарши боролмай
Черков ҳам тақдирга тан берди охир.
Воз кечиб дунёвий ҳукмронликдан
Руҳий доирага чекинди охир.
Лекин бу тарафда худосизликмас
Руҳий бир диндорлик ҳукмрон эди.
Булар бу ҳаётда мутлақо динсиз,
Эркин яшайдиган бир инсон эди.
Ажиб бир йўналиш, йўл бўлди пайдо,
Протестант дея аталди номи.
Булар худосизмас католик ҳаммас,
Гўёки икковин бирдек давоми.
Худо борлигига ишонар яъни,
Лекин дунёсида нафси ҳукмрон.
Дин улар наздида руҳий нарсадир,
Дунёвий ишида эркиндир инсон.
Католик мазҳабин тарк этди яна.
Хафа бўлсада гар римдаги ПАПА.
Праваслав деб номланган янги.
Мазҳаб пайдо қилди шарқий Европа.
Константинопол, ҳозир Истамбул,
Маркази бўлганди янги мазҳабни.
Шу даврдан ғарб ва шарқий Европа
Миндилар адоват отли маркабни.
Чиқди дин таъсири халқдан тобора,

Унга қолдирдилар руҳий оламини.
Ўзлари ҳаётда чиқариб қонун,
Бўйсундирди шунга барча одамни.
Париж даҳрийлари сочган уруғлар
Русияда униб чиқди кейинрок.
Инқилоб қилди немис ва франсузлар
Протестантизм тарқалди кўпроқ.
Рус даҳрийлари ҳам қилиб инқилоб
Ағдарди тахтидан ўрус подшони.
Булар ҳам кучайиб забт этди охир
Шарқий Европа Ўрта Осиёни.
Лекин ғарбий европада ҳали ҳам
Қироллик кўп қолган.ўтирар тахтда.
Лекин бу шунчаки номига фақат,
Давлатни у бошқармайди албатта.
Давлатни бошқарар энди бош вазир.
Вазирни сайлайди парламент деган.
Парламентга аъзо сайлашади халқ,
Шу билан гўё халқ бошқарар экан.
Қирол ёки подшоҳ ё император
Бошқарса дейилар бу монархия.
Ёки бошқарса бир нуфузли гуруҳ.
У ҳолда аталар бу -анархия.
Ўшалар чиқарар турли қонунлар,
Гўё халқ номидан.халқ қилар қабул.
Шу халқ ҳисобига яшар ҳукумат,
Шу халқни номидан гапирар буткул.
Халқ номидан бўлар мукофотлар ҳам,
Судда халқ номидан ўқилар ҳукм.
Ҳамма нарса бўлар шу халқ номидан,
Ҳеч ким тушунмайди, бу “халқ” ўзи ким?!.
Ҳазрати Исони туғилган пайтдан
Одамлар тарихни санаб бошлади.
Ўша пайтдан буён ўтиб шунча йил.
Учунчи минг йилга қараб бошладик.
Шу йигирма аср ё икки минг йил.
Ичида бўлгандир шунча сур – сурон.
Бугун сиз билан биз яшаётирмиз,
Тарихимизда шу ҳолат намоён.
Фойдадан холимас ўйланиб кўрсак
Киммиз? Ким бўлгандир ота-боболар.
Ўтмишда қайси халқ ким бўлган асли?
Қайдан чиққан бу кунги можаролар.
Дунёда яшайди ҳар турли халқлар,
Давлатлар, миллатлар, кичкина катта.
Ҳар бирида бордир қонун, бошқарув,
Ўзига хос ҳаёт тарзи – албатта.
Оврупо халқлари тарихдан маълум,
Кўп халқларни талаб қилган истило.
Қадамлари етган жойларда барча.
Ўз турмиш тарзларин қилдилар ифшо.
Бугун осиеда, африкада ҳам
Қайси юртда қай халқ ўтмаган бўлсин.
Узоқ тарихлардан шу бугунгача
Оврупо қадами етмаган бўлсин.

Хуллас, бирор қитъа омон қолганмас,
Бу бутун дунёвий истилолардан.
Ҳатто океан орти ҳиндулари ҳам.
Омон қолган эмас – бу балолардан.
Америкаликлар барчаси асли .
Овруполикларнинг зурриётидир.
Албатта ҳиндулар бундан мустасно,
Мана шулар тарих -маълумотидир.
Шунинг учун бугун бутун дунёда
Ҳукмрон уларнинг йўл эътиқоди.
Тузилган олабий ташкилотлар ҳам.
Шуларники суриштирсанг – исноди.
Шаҳвоний нафсига қул бўлган барча .
Оврупо халқлари топдилар ривож.
Бошқа миллатларга устозлик қилиб,
Қабул қилаяпди барча – на илож?!
Энди ер юзида қолмади бирор
Уларга баробар моддий жиҳатдан.
Уларнинг йўлидан афзалроқ йўл йўқ.
Фақат ислом йўли ва шариатдан.
Чунки, ер юзида ягона мавжуд.
Тўғри самовий дин фақат исломдур.
Яҳуд ва насоро динлари мансух,
Уни тўғри дейиш бугун ҳаромдир.
Бошқа барча йўллар ботилу бекор.
Дунёси ободу – руҳи улиқдир.
Нажот исломдадир – инсониятга,
Инсон – руҳ ва жасад бирла тирикдир.
Улар истамайди албатта ислом
Уларни устига ғолиб бўлишни.
Ҳаракат қилишар борича имкон,
Бизни уриштириб фитна қилишни.
Улар эришяпди ниятига ҳам.
Йўқолди исломий бирлик, ҳаловат.
Мусулмон миллатлар бирлашолмас ҳеч,
Тугамас ўртада турли адоват.
Улуғ миллат, азиз ватан деган сўз
Мутлақо исломий шиор эмасдир.
Бундай ғояларга умр сарф қилиш
Мўъминга- умуман даркор эмасдир.
Булар чалғитади ҳақиқий- улуғ
Максаддан. – яъни ҳақ ризолигидан..
Булар бари иблис тузоғи эрур,
Тўсар ҳақ йўлини барполигидан.
Биз яшаётган юрт Ўзбекистондир.
Ҳаттоки номи ҳам ғайри исломий.
Бу юртда ҳукмрон бугун шайтондир,
Исломдан беҳабар – халки ҳам омий.
Лекин ислом дини фақат бизнимас
Бошқа халқларни ҳам дини йўлидир.
Агар ислом билан яшайлик десак,
Ўзбекистон деган ном нотўғридир.
Билмайман, келажак қандай бўлади,
Бир нима қилишга ақлим етмайди.
Лекин мен куфрга рози эмасман,

Ўйлаганим билан ўйим битмайди.
Қодир бўлганимча қилиб ибодат,
Яшайман бу ҳақда чекмай -ташвиш ғам.
Тоқатдан ташқари нарсадан эмас
Қодир бўлганидан сўралар одам.
Эй, роббим, кечиргил хато нуқсоним,
Нажоту нусрат бер мусулмонларга!
Саломат сақлагил ўзинг иймоним,
Кифоя қил ўзинг- шу ёмонларга!!
Ўзинга таваккул қилдим ё роббий.
Ўзинг ўнглагайсан аҳволимизни!
Бизни ислоҳимиз ўзинга осон,
Ислоҳ этгил тезроқ бу ҳолимизни!

Маснавий

Ботилни моҳиятини англатиш учун, таърихга хаёлий сафар қилиб, ўқувчини тафаккур қилишига ҳаракат қилдим.

Таърихга бир назар солинг дўстларим,
Фикр қилиб-ибрат олинг, дўстларим!

1

Мен туғилган юртнинг, таърихи дoston,
Бугунги кунги номи -Ўзбекистон.
Яъни, «ўзбек» деган, туркий миллат бор,
Ана шу Халқнинг, Ватани бу диёр!
Икки тарафида бор икки дарё,
Қисмати азалда битик шу, гўё.
Қўшнисидир бугун, Тожик-Туркман ҳам,
Кирғиз билан Қозоқ, атрофида жам.
Қадим Эрон-Турон, уруғлари бу,
Туркий қавмларнинг, улуғлари бу!
Таърихдаги номи бўлган Туркистон,
Шу ном билан, уни таниган Жаҳон!
Бу Халқлар қадимда, бутпараст эди,
Оловга чўқинар, ўтпараст эди.
Асҳоблар келтиргач, бу юртга иймон,
Ҳақни қабул қилиб, бўлган Мусулмон!
Фитналик дунёда бўлган кўп фасод,
Аҳли-Ислом ичра, ҳам кирғинбарот!
Оқибатда парча-парча бўлдилар,
Яъни, гўё, мустақиллик қилдилар.
Шунингдек ўтди қанча кўп асрлар,
Бино бўлиб-йўқ бўлди кўп қасрлар.
Яқин таърихимизда, бу Туркистон,
Бўлинди учга, бўлди учта «Султон»!

Улар ҳам бўлди балога мубтало,
Урус Подшо, қилди юртни истило.
Бу Уруслар мамлакати ичра ҳам,
Турли хил фитна фасод, эрмасди кам.
Худосиз бир тоифа, бўлди пайдо,
Тамоман, ўз ҳаво-нафсига шайдо.
Бу тоифа олди Подшо тахтини,
Қатл қилди, қаро қилиб бахтини.
Хуруж қилдилар кейин, биз томонга,
Яъни, Туркистондаги учта Хонга.
Даҳрийлар бу Юртни қилганда торож,
Юрт Хонлари, Русга тўлар эди бож.
Аввал таслим бўлди Хивани Хони,
Йўқолди шу билан, Хоразм шони.
Кейин мағлуб бўлди тез Худоёрхон,
Хонидан мангуга айрилди Қўқон!
Асрлар қаъридан машҳур Бухоро,
Амири ҳам, қочиб қолди шу аро.
Хулласи йўқ бўлди, Амиру–Хонлар,
Кейин пайдо бўлди, турли «истон»лар
Агар назар солсак, Темур даврига,
Бошқача бир ҳолат кўринар кўзга.
Чунки, бу заминда Темур жаҳонгир,
Бўлганди, қудратли, ягона Амир.
Самарқанд ҳам машҳур бўлди асрлар,
Ҳали ҳам бор, Темур қурган қасрлар!
Ундан олдин бўлди Хоразмшоҳлар,
Қўҳна Урганчда кўп, тилсиз гувоҳлар.
Шу минг йиллик ичида ушбу замин,
Кўрди қанча авлод, шодлигу-ғамин.
Таърихларга боқиб бўламан гаранг,
Қандай воқеалар бўлган бир қаранг!
Ҳозир бу заминда беш «Жумҳурият»,
Ҳар бири ўзича “Мустақил Давлат”.
Аталган ҳар бири, бир Халқ Номига,
Ҳар бири мағрурдир, Шавкат-Шонига.
Ҳар Миллат ўзини санайди устун,
Далил излаб, таърих титкилар тун-кун.
Бу айни жаҳолат айни хатодур,
Барчанинг отаси, Одам Атодур!
Сабаби Исломда ватан ё Миллат,
Асосий ғоямас-бу балки иллат.
Миллат асосида мутлақо, Одам,
Бўлмагай, бировдан устун ва ё кам.
Агар аслини ёд қилса одамзод,
Бўлар бу жоҳилий туйғудан озод!
Ҳаёт ҳақиқати, булар эмасдир.
Мўъминлар, буни ҳақ ғоя демасдур.
Инсон учун лозим, шуни билмоғи,
Ғоямас, миллатга хизмат қилмоғи.
Туғилган жойи ҳам бўлмас муқаддас,
Бу ғоялар учун курашмоқ абас.
Биз дунёга ўзимиз келмаганмиз,
Ёки ўз-ўзидан, яралмаганмиз.
Шубҳасиз оламини Яратгувчи бор,

Яратилмаганмиз, шунчаки бекор.
Мақсад вазифа бор, бу Инсон учун,
Имонли ҳар мўмин-мусулмон учун!
Олий мақсад Аллоҳ ризоси эрур,
Миллат-Ватан, Тангри қазоси эрур.
Қазо ҳукмига инсон ихтиёрсиз,
Танлаб ололмайсиз, миллат-диёр сиз.
Қазога рози бўлмоқлик керақдур,
Олий мақсад недир, билмоқ керақдур!
Ватану, миллатга қилинг хизматлар,
Бошқаларга ҳам кўрсатиб ҳурматлар!
Қилмоқ керак яхшилик бандаларга,
Мақсад, Аллоҳ ризосини оларга.
Шунингдек бўлса, кимнинг эътиқоди,
Худо берсин неки бўлса, муроди.
Хизмат қилсанг фақат, миллат, ватанга,
Қандай Ҳақнинг ризоси етгай сенга?!
Миллат билан Ватан, Худо эмасдир,
Жонлар бу йўлларга фидо эмасдир!
Наслу-насабга йўқ, динда эътибор,
Қайси диёрда бўлса, не фарқи бор?!
Даҳрийлар йўқ бўлди, алҳамдулиллоҳ,
У золимлар жазосин берсин, Аллоҳ!
Бу кунда ғоясиз қолди, кўп Инсон,
Истиқлолга эришгач Ўзбекистон.
Фарқи йўқ ўтмиш хатосидан яна,
Топдилар бир йўл, ҳавосидан яна.
Энди ғоя, улуғлашдир ватанни,
Ёки Миллати ўзбек ҳар одамни.
Бу ботил ғоядур, давлат асоси,
Инқироздан ўзгамас, интиҳоси!
Қазо ҳукми шу элга фуқаромиз,
Золимлар илгида, бахтиқаромиз.
Тафаккур айласа гар, Одамизод,
Билар, бу ғоялар охири барбод!
Хаёлий бир мисол келтирай бу он,
Тасаввур айламоқлик, бўлгай осон!

2

Бир фараз қилингки руҳ оламида,
Бобоси бирла учрашди, набира.
Ҳол-аҳвол сўради—бир-бирисидан,
Бобо савол қилди-неварасидан.
Сен қандай яшадинг, айтгил эй ўғлон,
Биздан кейин нелар кўрди Туркистон.
Бизлар яшаб ўтдик, Амир давринда,
Ғоямиз исломий бўлганди, унда.
Гарчи бизлар қилдик, турли хил хато,
Лекин, дин-иймондан бўлмадик жудо!
Невара ҳам деса, қараб бобога,
Биз ишонмадик, сиз айтган Худога.
Биз йўқ қилдик, сиз яшаган давлатни,
Йўқотдик барча, диний урф-одатни.
Келдилар юртга ўрус саллотлари,

Илми-ўткир, болшевикдир отлари!
Бизга таълим бердилар шундай илм,
Дейишди биз қурамыз Коммунизм.
Таълим олдик, Худони йўқ эканин,
Дунё ўз-ўзидан пайдо бўлганин.
Кўп нарса ўрганиб “доно” бўлдик биз,
Сизни “нодон” эканингиз билдик, биз!
Билсак маймунлардан экан, зотимиз.
Комсомол деб, атадилар отимиз!
Хуллас, эски тузумни, биз йўқотдик,
Мулқдор-Художўйми, чиқариб отдик!
У дунё йўқ, дунё фақат шу дунё,
Ўлсанг, қайта тирилишлик йўқ асло.
Мана шундай эди, биздаги ғоя,
Мен яшадим шунга қилиб риоя!
Бобонинг ҳолатин айланг, тасаввур,
Бу бир аср ичида бўлди содир.

3

Фараз айлаб кўринг энди бобони,
Бобосига йўлиқди руҳи они!
Энди бобо билан неvara бобо,
Ўртасида бўлди бундай можаро.
Катта бобо деса, мақтаб замонин,
Темурни даврида ўтказган онин.
Юртни Маворауннаҳр деб, аталарди,
Бу давлатни бутун дунё, биларди.
Гапир биздан кейин келган, зурриёт,
Нечук бўлди, биздан кейинги ҳаёт?!
Невараси деса; Бобокалоним,
Баён этмоққа келмайдир забоним!
Йўқолди ул давлат, ўтиб замонлар,
Билмадим ё кўпайдими ёмонлар?!
Кейин бу заминда бўлди ҳукмрон,
Бири-бирига душман, учта султон.
Хоразмни Хивасида битта хон,
Бухоро бўлди, Амирликга макон.
Ўзига Хон танлаб олди, Қўқон ҳам,
Бири-бирисидан ўзин тутмас кам,
Тили бир, бу уч давлат фуқаросин,
Фарқи йўқ кўзини, оқу-қаросин.
Фарқи йўқдир мазҳабида динида,
Тинч яшолмаслар макр тизгинида.
Ҳаммасида дунё ташвишларидур,
Ўзаро қон тўкишлик ишларидур.
Фараз айланг, бобосин ҳолатини,
Эшитса авлодин мақолотини.
Давом этмак на ҳожат бу фаразни?,
Шу кифоя англамоқга ғаразни.
Мисол қилдим хаёлан бир авлодни,
Гўё бир силсила уруғ аждодни.
Тафаккур айлангиз эй, ақли борлар,
Таърих ҳам бизни кўп ибратга чорлар!

Бир фикр юргизиб ўйлаб кўринглар,
Ҳаётнинг мазмунин излаб кўринглар!
Хулоса шу топинг, қайда саодат,
Билинг, қайда ҳақиқат ва залолат.

4

Қаранг қандай ўткинчидир замонлар,
Ўтди қанча салтанатлар бек-хонлар.
Қанча салтанатлар қанча амирлар,
Қанча жангу-жадал, зое умрлар.
Йўқолди барчасин шавкату-шони,
Қолмади ҳеч бирин ному-нишони.
Ким иймонин сақлаб қололган бўлса,
Аллоҳ ризосини ололган бўлса.
Шулар топди ҳаётида ҳидоят,
Насибаси бўлди мангу саодат!
Шунингдек, фитналиқдур ушбу дунё,
Ҳар қадамда шайтон тузоғи гўё!
Арзимасдир фидо қилишга жонни,
Арзимас сотишга асло иймонни!
Борамиз барчамиз Ҳақ даргоҳига,
Отмасинлар жаҳаннамнинг чоҳига.
Бу ҳаётда охиратни қил обод.
Бўлмасин дунё деб, охират барбод!
Яқин билгилки бу дунё ёлғондир,
Бунинг охири оқибат вайрондир!
Арзийдими фидо айламакка жон?!
Ватанинг ё миллатинг айт, эй инсон?!
Булар бари куруқ сафсаталардир,
Шайтоннинг тузоғи деб, аталардир.
Инсон умри азиз, молу-дунёдан,
Махфий қолмас, ҳеч бир нарса Худодан.
Ҳаёт бизга яратгандан атодир,
Буни беҳуда ўтказмак хатодур!
Ҳар даврда бўлар шундай инсонлар,
Ёки, инсон суратида шайтонлар.
Уларга фарқи йўқ, Ҳақ бирла ноҳақ.
Ёки Ҳақни билиб юрмайди мутлақ,
Илоҳ қилиб олган нафси ҳавосин,
Афзал билар дунё кайфу-сафосин.
Халқларни ҳам тўсарлар Ҳақ йўлидан,
Кетмасин деб, обрў мансаб қўлидан.
Ботил ғояларни қилурлар қоим,
Ҳақиқатга тўсиқ бўлурлар доим.
Пуч нарсалар бўлар ҳаёт мазмуни,
Биров бу бекор деб, айтолмас уни.
Ўткинчи нарсага сарфланар ҳаёт,
Бу айни залолат, қабоҳат ҳайҳот.
Эй дўстлар бу сўзлар бизга бир ибрат,
Тафаккур қилишга ундов, тарбият.
Етинглар бу сўзлар моҳиятига,
Ажр бўлар ҳар кимни ниятига.
Ҳали ҳам бор экан танамизда жон,
Демак фикрлашга, бор бизда имкон!

Ўзин доно билган бу зиёлилар,
Аслида мунофиқ, кўр риёлилар.
Йўлин ботиллигин билар ўзлари,
Амалига мувофиқмас сўзлари!
Булар бир очиқ кўр, бечоралардир,
Дунёга алданган оворалардир.
Мен дуо қиламан ёлғиз Роббимга,
Ҳидоятга тавфиқ бер деб, халқимга!
Мени ҳам бенасиб этма, савобдан,
Хатоларим кечир, сақла азобдан!
Саҳвий, қилғил энди Ҳаққа таваккул,
Топшир ишларингни Ўзига буткул!

Ғазаллар

Расулulloҳ САВ га бағишлаб

Бу нубувват маснадин сизга насиб этган Худо,
Сизга кўргандир Ўзи, олий омонатни раво!

Куфр зулматида қолган эрдию, аҳли башар,
Сиз сабаблидан ёрутди, ушбу зулматни зиё.

Не машаққатлар билан меҳнат чекиб, даъват қилиб,
Раҳмати ҳақ бирла, бу хизматни қилдингиз бажо!

Сиз туфайлидан ҳидоят топди, инсу жинс тамом,
Олам аҳли узра ҳақнинг, ҳужжати бўлди адо!

Қиёмат бўлганда турсам, зору ҳайрон ё Расул,
Ҳақ насиб этсин, шафоатингизни мен айлай дуо!

Саҳвиё, айтгил расулulloҳга дуои салом,
Йўқ ажаб ўтсанг бу дунёдан, бўлиб роббинг ризо!

Бевафо дунё

Ҳар доим юрагим ғашлаб кетарсан,
Бе ихтиёр кўзим ёшлаб кетарсан.

Сенга мафтун бўлган, барча нодонни.
Иблисни ортидан, бошлаб кетарсан.

Эй ёлғончи дунё, бевафодурсан,
Алдайсан, хор қилиб тишлаб кетарсан.

Қочиб қаерларга борай дастингдан?
Излаб топиб келиб, ушлаб кетарсан!

Сенга қўл берганни, ўтқазиб тахтга,
Юрагини гўё, «тош»лаб кетарсан.

Тангри каломида келган сифотинг,
Мўминлар кўнглини нишлаб кетарсан.

Эй Сахвий бу дунё «нажасдир гўё,
Қанчалар тўплама, ташлаб кетарсан.

Илтижо

Илтижо айлай Худоё, мен букун даргоҳинга,
Раҳм этиб кўрсат ҳидоят йўлини гумроҳинга!

Кофиру-фосиқлар ичра, фосиқ бўлдим оқибат,
Масал борким;»Ухшагайсан- бўлса, ким ҳамроҳинга».

Имтиҳон дунёсида бўлгил мададкорим Ўзинг,
Сақла тушмақдан, чиқиб бўлмас, чуқурли чоҳинга.

Тангрига этгил таваккул, ўзгалардан ибрат ол,
Тез йиқилгайсан суянсанг, молу-мулки жоҳинга.

Раҳматингла бу ҳаёт йўлинда ҳамроҳим қилиб,
Эй, Худо дуч эт, ҳидоят йўлидан огоҳинга.

Саҳвиё айла таваккул Тангрига, узма умид,
Ҳақ Ўзи фазли билан, етса ажабмас оҳинга.

Изладим

Дунёда бир комил инсон изладим,
Лекин тополмадим, чандон-изладим!

Ҳаётда йўқ экан мукаммал инсон,
Мен бўлиб оввора сарсон изладим.

«Уламолар ичра изланг» дедилар,
Тополмадим, лекин ҳар он изладим.

Фақат пайғамбарлар «маъсум» эканда,
Мен буни англамай нодон, изладим.

Одамзод холимас экан хатодан,
Буни англагунча ҳайрон, изладим.

Мўминларни қадри тақво биландир,
Билдим ўқиб ҳадис-қуръон, изладим.

Эй Саҳвий, тавбаю-тақво қилиб кет,
Билдимки, Меҳрибон Раҳмон, изладим!

Армоним менинг

Бу ҳаёт даштида қирқ йил кезди карвоним менинг,
Билмадим манзилга соғ, етгайму имоним менинг?!

Менда йўқ бу дарбадарликдан сира ором, қарор,
Кошкиди, ўлсам кутулсам, чиқса бу жоним менинг!

Бормикан бу сабру-тоқатни поёни, муҳлати,
Қолмади қилмоқ сабр-тоқатга имконим менинг?!

Кошки етсам охири манзилга, Ҳақ рози бўлиб,
Насиб бўлса энди шу, қолмасди армоним менинг.

Илтижоим шуки «ё Раб, тоқатимдан ташқари,
Юклама, елкамга юк», йўқ энди дармоним менинг!

Ҳақ гувоҳимдир ҳаётдан мутлақо безорман,
Сенга маълумдир Эгам, ҳоли-паришоним менинг!

Азиз зотлар кетдилар, дунёда ҳеч ким қолмади,
Сўнмагай етмай уларга, дилда сўзоним менинг!

Соғинар банданг Сенинг даргоҳинга етмоқни тез,
Умидворман, мағфират этгуси Раҳмоним менинг!

Саҳвиё, токай яшарсан изтироб гирдобида?,
То ажал етгунча қийнар, энди виждоним менинг!

2009 йил май

Оят: Аллох уларни азобламайди агар сиз (эй Мухаммад) ораларида булсангиз.ва Аллох уларни нимага азоблайди агар истиғфор айтсалар. (Анфол сураси 33 оят.)

Хушхабар

Келди бу оятда бизгаларга, фалокатдан хабар,
Ҳам нажот топмок йўли, улкан шарофатдан хабар.

Келмагай бизга бало, бўлса Расулуллоҳ ҳаёт,
Кетгани у зотни аслида, қиёматдан хабар.

Энди бизга қолди доим, айтмок истиғфор,халос,
Нажот топмоқ шарти ҳам, шу бўлди оятдан хабар.

Тавба бирла икки дунё, бўлса обод, йўқ ажаб,
Чунки, кўп келган бу мазмунли ривоятдан хабар.

Эй Худоё, мен тилайман, мағфират қилгил дея,
Шукр айтарман берибдур, бу саодатдин хабар.

Аслида мўмин мусулмонларга хос, бу хушхабар,
Чунки, имон бўлмаса, келмас башоратдан хабар.

Саҳвиё, Роббинг каломи бебаҳо неъмат эрур,
Унда бордир икки дунё,барча ҳолатдан хабар.

Кўрмадинг

Эй, менинг бечора халқим, сийму-зарни кўрмадинг,
Хон, Амир, Юртбошилардан, не зарарни кўрмадинг?!

Сенинг номингдан гапирдилар, сенинг қонинг ичиб,
Таърихингда бундан ортиқ, дардисарни кўрмадинг.

Тирикликда барча мард фарзандларинг бадном қилиб,
Дунёдан ўтгач улардан, мўътабарни кўрмадинг.

Улуғ таърих, улуғ миллатлар учун ибратлидир,
Нега авлодингда ибратдан асарни кўрмадинг?!

Энди бу кунлардан авлодинга не ибрат қолур,
Чунки, аждодингда сен ибрат назарни кўрмадинг.

Буюклик йўлин йўқотган, таназзулга юз тутар,
Бизга тарихдан етиб келган хабарни кўрмадинг?!

Нотавонлар қавмининг армони битмас Саҳвиё,
Қавмини ҳақ йўлдан урган, йўлтўсарни кўрмадинг?!

Юртбошига

Қазодан сунган ажал, етмади бу Юртбошига,
Бир адолатли киши ҳам келмади юрт бошига.

Умри ўтди зулм бирла, тинмайин бу мустабид,
Раҳм қилмасдан бу элнинг кўздан оққан ёшига.

Мени қалбим турмада умри хазонлар ўртагай,
Қойиле, бунча сабр қилган бу эл бардошига.

Бунчалар аччиқ бу элнинг қисмати ҳайронман,
Жим турарлар зулм қилганда яқин қардошига?!

Тавқи лаънат бирла тарихда қолур золим киши,
Лаънат бўлсин, мустабидларнинг қабрда лошига!

Қаранг бадбахтлар бугун билмас ғанимат фурсатин,
Тавба лозим бандага, етса қарилик ёшига!

Сен зулм аҳлига қарши турмоғинг шарт Саҳвиё,
Қилмайин парво улар отган маломат тошига!

Бўлмаса

Найлайин, энди курашдан, битта маъно бўлмаса,
Мақсаду орзуимиз гўёки, рўё бўлмаса?!

Неча йиллар бўлдики, бу йўл аро оввораман,
Қайга борсам доимо, ташвишу ғавғо бўлмаса?!

На курашга қолди рағбат, на ватанга эътибор,
Не керак ушбу кураш, мақсад-ки барпо бўлмаса?!

Мақсадим ушбу ҳаётдан, Ҳақ ризосидур менинг,
Бўлмасин, дарду балосиз, ушбу дунё, — бўлмаса?!

Қилмадим Ҳаққа муносиб, бандалик дилпораман,
Манфаат бўлмас амалдан, дилда тақво бўлмаса?!

Бизга кўп олий шиорни, иддао этмак на суд,
Бу курашда жонфидо, сафдошу ошно бўлмаса?!

Фарқи ҳам бўлмас ҳаётнинг, ғам билан хурсандлигин,
Бир ҳадафга жонфидолик, дилда пайдо бўлмаса?!
Ўтда куйдирсин мени, шу бутлару тоғутлар,
Мен сиғинган, мен суянган, Тангри танҳо бўлмаса?!

Ёлғизу Танҳолигинга, зарра шубҳам йўқ менинг,
Мадад бер Саҳвийга охир, зору расво бўлмаса!

Бечораларга

Бунча зулм айларсан бечораларга,
Дарбадар сарсонун-оввораларга.

Шунча зулм қилдинг, етар бас энди,
Яна не жабринг бор-дилпораларга?!

Куфру-зулм билан тўлди бу дунё,
Келди навбат ўзга сайёраларга.

Қаранг ота-она, фарзанд, аёллар,
Кўз ёшлари ўхшар-фаввораларга.

Қўрқмайдилар бу золимлар Худодан,
Раҳмат берилмас бахти қораларга.

Сизга ҳам қўйган бир балоси бордир,
Тангрим гувоҳ, биз қилган ноаларга.

Сабр билан тақво, қил энди Саҳвий,
Очилғай шунда йўл, кўп чораларга.

Келмади

Ё Раб, мени кутган замон келмади,
Тоқатим бўлди тоқ, ҳамон келмади?!

Ҳали ўзгармади ғамлик ҳаётим,
Ҳали ҳам дардима дармон келмади.

Ҳаётдан безору ҳам беқарорман,
Бир илож қилгудек, имкон келмади.

Умид қилиб кутдим ҳануз кутарман,
Офият, нега биз томон келмади?!

Балога собиру, Қазога рози,
Бўлишлик биз учун, осон келмади.

Ботилни мағлуб ва ҳақиқат ғолиб,
Бир кун, бўлишига гумон келмади!

Саҳвиё, тақдирда қисмат битилган,
Кўрмайин кетувчи инсон келмади?!

Найлайн

Мумкин эрмас чун ватанда бир нафас дам урмоғим,
Эй Навоий ихтиёр этмай жалони найлайн?!

Алишер Навоий

Бошга тушди кўрмайин ҳукми қазони найлайн,
Бўлмайин етса қазо ҳукми ризони найлайн?!

Қазосига рози бўлмоқ бандаликнинг белгиси,
Сабр қилмай, етди бошимга балони найлайн?!

Кўрмаган ким бор жафони давридан давронидан,
Кўрмайин мен энди тақдири Худони найлайн?!

Ҳижрат айлаб юртидан чиққан расуллоҳ ҳам,
Энди мен тутмай тариқи Мустафони найлайн?!

Мен киму, ўз юртидан қочган вазиру шоҳлар,
Қўймаса ўз ҳолига мендек гадони найлайн?!

Англадим охир ватандин офият афзаллигин,
Айламай тарки диёр, жонга жафони найлайн?!

То тирик эркан одам бўлгай балога мубтало,
Офият истаб яна, қилмай дуони найлайн?!

Қайда бўлсам энди имоним саломат бўлса бас,
Бу ўтар дунёда ўзга муддаони найлайн?!

Саҳвиё, қилгил дуолар қолсин имонинг омон,
Дилда тутмай доимо, хавфу рижони найлайн?!

02.03.08.

Ҳануз

Дўстларим найлай кўнгил қайғу билан вайрон ҳануз,
Чора топмай ақли ҳушим, ҳолима ҳайрон ҳануз.

Айлагай кўнглимни маҳзун хотирамда кўп бисот,
Кетмади дилни эзиб турган алам армон ҳануз.

Мен ғариб ғурбатда ҳам бўлдимку эркимдан жудо,
Ҳеч мени тарк этмади бу ташвиши зиндон ҳануз.

Қочган эрдим фиравннинг зулмидан Мусо каби,
Бор эканда бизга бу жойдан насиба нон ҳануз.

Қирққа кирдим оқибат охир на бўлгай билмадим,
Мен бу дунё дардига тополмадим дармон ҳануз.

Энди имонимга нуқсон етмасин деб кўрқаман,
Бир ҳаловат топмади кўнглимдаги имон ҳануз.

Излаган топган дегайлар Каъбани, мен топмадим,
Етмайин мақсадга мен оввораи сарсон ҳануз.

Кун ба кун сабр ила тоқат қолмагай ғам тошидин,
Ҳолатим ислоҳига ҳеч бўлмади имкон ҳануз.

Бўлма Саҳвий ноумид ким ҳолатинг Ҳаққа аён,
Раҳматин сендан дариг тутган эмас Раҳмон ҳануз.

Можайск турмаси

2008 йил

Жудо

Ё Раб, ўлғон чоғда жоним, жисми вайрондан жудо,
Ул бўлиб мундин жудо, Сен бўлмағил ондин жудо!

(А. Навоий)

Қанча жонлар бўлдилар, бу жисми вайрондан жудо?
Бўлғуси хоки туроб, бўлгач жасад жондан жудо!

Жаннат ичра сайр этар, энди қиёмат кунгача,
Жон қушиким бўлмаган бўлса, гар имондан жудо!

Ҳам жасад барзах ҳаётинда, Худо фазли билан,
Эътиқод шу, бўлмагайлар, лутфу эҳсондан жудо!

Руҳи поклар шод бўлиб, кезгай беҳишт бўстонини,
Чунки, бўлгайлар бу дунё, номли зиндондан жудо!

Энди Аллоҳ дўстларига, йўқ эрур хавфу хатар,
Билки бўлгандир улар, қайғу ва армондан жудо!

Қиёмат кун жон жасадга қўшилиб киргай яна,
Ўзга бўлмаслар бу мангу, боғи-бўстондан жудо!

Аҳли жаннатларга махсусдир ризою-раҳмати,
Этмагил Саҳвийни ҳам, ё Раб шу имкондан жудо!

Соғинч азоби

Соғинч азоби оғир, дил диёрни соғинар,
Маҳбусликда қон кўнглим, ихтиёрни соғинар.

Мусофирлик маҳбуслик, муҳожирлик мазлумлик,
Бошидан ўтмагунча, ким мазорни соғинар?!

Яқинлару-сирдошинг, қариндошу-қардошинг,
Хор бўлса ғариб бошинг, эътиборни соғинар!

Доим бўлиб интизор, яшамоқлик ҳам душвор,
Сухбатларига дил зор, дўсти ёрни соғинар.

Чиқса бу ғариб жоним, тугарми имтиҳоним?
Менинг руҳи равоним, Бийруборни соғинар.

Муддат бордир ўлимга, муайян манзилимга,
Пок руҳлари йўлимга, интизорни соғинар.

Саҳвий, сабр эт балога, шукр айлагил қазога,
Дил интилиб уқбога, тез борорни соғинар!

Ёлғон

Билдим бу имтиҳон дунёси ёлғон.
Барча муаммоси, ғавғоси ёлғон.

Худонинг амрига қилмай итоат,
Аллоҳга бандалик даъвоси ёлғон.

Нафсинг талаб қилган маишат роҳат,
Булар шайтонни муддаоси.- ёлғон!

Кимки ҳаром амални тарк этмаса,
Демак, билгил унинг тақвоси ёлғон.

Кўнгил дардининг оғирдир давоси,
Билсанг уни оҳанграбоси ёлғон.

Имондан ўзга не ҳосили умринг,
Бошка йўллар кайфу сафоси ёлғон.

Эй Саҳвий, имонинг бўлсин ҳамроҳинг,
Ўзга орзуларнинг равоси ёлғон.

Ҳаётинг қани

Эй дил, сан истаган ҳаётинг қани?
Орзуинг қушлари, қанотинг қани?!

Сан Аллоҳ зикр этган банда бўлдингми?
Кани сани аҳдинг-уётинг қани?!

Қайси амалинга нажот истарсан?
Келармикан кутган нажотинг қани?!

«Исломдаги улуш, намоз» деганлар.
Сани хушуъ қилган салотинг қани?!

Нафсни енгаолмоқ жиҳод афзали,
Нафсинг билан қилган ғазотинг қани?!

Эй Саҳвий жоҳилу номукаммалсан,
Бирорта комиллик сифотинг қани?!

Бало

Бунчалар тақдирда қисматдир бало,
Турли хил офат ва кулфатдир бало.

Сабаб ҳам кўпдир, синовдир аслида,
Тангри изнидир, мусибатдир бало.

Кимга жаннат, кимга дўзах ҳал бўлар,
Бандалар устида ҳужжатдир бало.

Покланаолсанг гуноҳдан шу била,
Бандаи мўминга раҳматдир бало.

Уммати Исломга етса йўқ ажаб,
Чунки, мўминларга суннатдир бало.

Бало эрмас бизни чеккан бу бало,
Тезда келгайдир, қиёматдир бало.

Кўрмайин асло илож йўқ, Саҳвиё,
Чунки бил аслида ҳаётдир бало.

Ғазал бўстонида

Истадим сайр айламоқни мен ғазал бўстонида,
Кулмангиз, «не бор санга?» деб, Мир Алишер ёнида?!

(Эркин Воҳидов)

Мен «ғазал боғин» кезиб кўрдим, уни боғбони ким?
Ким Сипоҳи, ким эшикбон, қасрида посбони ким?!

Ким бу боғни салтанат қасрида хизматкор эрур?,
Лашкари ким, Беклари ким, тахтининг Султони ким?!

Шеърятдан бохабар бўлган киши, таслим бўлур,
Ўқиганда гар Навоийнинг ғазал достониким!

Шубҳа қилмаслар бу кунда, Шоири Туркий Забон,
Беш асрким, Назми Турон Мулкини Ҳоқони ким?!

Асли бўлгандир каромат Тангридан бу истеъдод
Чунки, фатҳ айларди, бўлса ҳар киши имкони ким!

Кўр Навойни тасаввуру «хаёл осмони»ни,
Олдида паст бўлди гўё, бу Жаҳон Осмониким!

Саҳвиё, сен бу ғазал бўстони қилма ҳавас,
Истеъдодинг йўқ, қабул этмас ғазал бўстониким?!

Туғилдим

Қазо экан шу замонда туғилдим,
Ватан номи Туркистонда туғилдим.

Ихтиёр йук экан ҳаёт–ўлимда,
Яна куфр фош маконда туғилдим.

Шукрим мусулмон фарзанди бўлдим,
Иймон мавжуд хонадонда туғилдим.

Насиб этди Роббим менга ҳидоят,
Гарчи фитратда иймонда туғилдим.

Бўлар экан бунда синов имтиҳон,
Фитналар авж олган онда туғилдим.

Оғир бўлар экан динни сақламоқ,
То ўлгунча имтиҳонда-туғилдим.

Шошилма Саҳвий ўлмайин илож йўқ,
Чунки бу фоний жаҳонда туғилдим.

Дегайлар

Боғбон–изласанг, «бўстонда» дегайлар,
Чўпон–чўлу-»биёбонда» дегайлар.

Десанг; «шоҳу–гадо бўлмас баробар»,
«Баробардир,қабристонда» дегайлар.

Десанг «бу дунёда борми, тинч ҳаёт?
«Тикан ҳам бор гулистонда» дегайлар.

Десанг «барча дилда бўлар муҳаббат»,
«Гул унмагай қаҳратонда»-дегайлар.

Десанг «Ҳақ дўстлари само кезарми»?
«Ҳазрати Исо осмонда»-дегайлар.

Десанг «бу ҳаётда борми ҳақиқат»?
«Ҳақ нозил бўлди,қуръонда» дегайлар.

Десанг «мени гуноҳим кўп нетарман»?
«Умидсизликни шайтонда» дегайлар.

Десанг; «тақдир битилгандир азалдан».
«Ихтиёр ҳам бор инсонда»-дегайлар.

Десанг; «ғазал шайдосидирман Саҳвий»,
«Сеҳр ҳам бордир, баёнда»-дегайлар.

Синдирар

Менинг сабру-тоқатим, ҳар хил бало синдирар,
Тақво йўлига кирсам, нафси-ҳаво синдирар.

Мен ушлаган йўлимдан-қўрқмас эдим ўлимдан,
Келиб ўнги сўлимдан, шаштим жафо, синдирар.

Буни кўрмаган билмас, синовлар ҳам ҳазилмас,
Иймонингни бир қалтис, қилган хато синдирар.

Эй золим ўйла бир зум, токай давом этар зулм,
Тахтингни бир кун мазлум, қилган дуо синдирар.

Кўп эканда ғанимлар, залолатдаги динлар,
Маълумки, фиръавнлар, тахтин Мусо синдирар.

Хочни тақиб ҳар ёндан-«ибодат»-дер, ёлғондан.
Бир кун тушиб осмондан, хочни Исо синдирар.

Ким танимас Илоҳни, Якка ёлғиз Аллоҳни,
Бундай мушрик гумроҳни, бир кун Худо синдирар.

Нафс ҳам дин учун офат, етургай кўп касофат,
Динни, исроф зиёфат,кайфу-сафо, синдирар.

Қўй бу дунё матосин, фитналик бебақосин,
Руҳингни пок асосин, фаҳшу зино синдирар.

Ёмон хулқ бўлса хотин, қўймас уй баракотин,
Хонадон тинч ҳаётин бил мутлақо, синдирар!

Кўп фитналик дунё бу, тугамас бир ғавғо бу,
Бир дарди бедаво бу қилсанг даво синдирар.

Ҳаёт ҳам мисли рўё, уйғонсанг тугар гўё,
Ҳаёт ғафлатин дунё, эй Саҳвиё, синдирар.

Мухаммаслар

Навоий ғазалларига Саҳвий Мухаммаслари

Бирор кун йўқ дилим дунё матосин орзуманд этмас,
Қиёматнинг ҳисоби бунчалик кўнглимни банд этмас,
Бирор холис киши менга, насиҳат бирла панд этмас,
Мени мен истаган, ўз суҳбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Ҳамиша, ҳар киши оламда, кимдин истагай баҳра,
Биров ботил ҳаводан, ёки диндин истагай баҳра,
Бу осий музтариб, ё Раб, ки Сендин истагай баҳра,
Не баҳра топқамен ондинки, мендин истагай баҳра,
Чу улким, баҳрае ондин тилармен бахраманд этмас.

Қаноат қилмадим ҳаргиз нетай бори бисотимга,
Тағаййур қилмади тақдир азал айши нашотимга,
Ўзидин ўзгада чора эмас мавжуд нажотимга,
Нетай ҳуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимга,
Аён ул захри чашм айлаб, ниҳон бул нўшханд этмас.

Хароб бўлди юрагим бу адо бўлмас маломатдин,
Ўзидан бўлмаса тавфиқ чиқолмассан залолатдин,
Давоси борми мажруҳ дилни соф этса жароҳатдин,
Керакмас ой ила кун шакликим, ҳусну малоҳатдин,
Ичим ул чок-чок этмас, таним ул банд-банд этмас.

Ғариб бўлдим узоқларда қолиб кетди диёримким,
Нетай ожиз бўлибман кўлда йўқдир ихтиёримким,
Мени ҳолимни танг қилган рақибмас, дўсти ёримким,
Керак ўз чобуки қотилваши мажнун шиоримким,
Бузуғ кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд этмас.

Тилин тийғи билан қилди баданни қиймаким охир,
Жароҳатланди бу тиғдан вужудим сўнгаким охир,
Мунофиқлик қилиб менга, насиҳат демаким охир,
Кўнгул уз чарх золидин, фирибин емаким, охир
Ажал сарриштасидин ўзга бўйнунига каманд этмас.

Ажал етса кетарман бор бисотим шу кафанлик бўз,
Тугаб бормоқда дунёдан насибам бўлса не ризқ рўз,
Бугун дардини ошкор айлади Саҳвий, ёзиб дил сўз,
Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий тегмасун деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга, ул ўт узра сипанд этмас.

Кимда бор?

Бунчалар дарду ситамким, менда бордир кимда бор?
Юз туман битмас ярамким, менда бордир кимда бор?
Нотавон ожиз танамким, менда бордир кимда бор?
Дилрабо, сендин бу ғамким, менда бордир, кимда бор?
Фурқатингдин бу аламким, менда бордир, кимда бор.

Битмагай бу дил ғамиким, англадим огоҳдин,
Барча тақдири азал, қисмат эрур Аллоҳдин,
Сақласин Тангрим паноҳинда йиқилмак чоҳдин,
Мазраи айшим кўкармайдур, самуми оҳдин,
Йўқса, ёшдин мунча намким, менда бордир, кимда бор?

Шум рақибдин истама олмоққа қасдин, эй кўнгил,
Билмагай паст бўлса гар мардликни расмин эй кўнгил,
Ҳар ким ўз феъли била, билдиргай аслин эй кўнгил,
Қалби рўйандуд ила байъ этса васлин, эй кўнгил,
Доғидин мунча дирамким, менда бордир, кимда бор?

Бандаким орзу ҳавас йўлини тутса эй рафиқ,
Яхшидир, асли қазо ҳукмини уқса эй рафиқ,
Ёки бир орифи Биллоҳга йўлиқса, эй рафиқ,
Бор экан вобастаи тавфиқ, йўқса, эй рафиқ,
Бу қадар шавқи ҳарамким, менда бордир, кимда бор?

Мен каби ғурбатга маҳкум шом рўз ҳеч кимда йўқ,
Ғусса бирла мубтало гирён кўз ҳеч кимда йўқ,
Дард тўла ашъору девон, ғамли сўз ҳеч кимда йўқ,
Қўйма миннатким, юзимдек пок юз ҳеч кимда йўқ,
Бўйла ишқи пок ҳамким, менда бордир, кимда бор?

Ҳар на тақдир бўлса кўргунг, улки хоҳ, нохоҳдин,
Балки, уқбода улуғроқдир гадолар шоҳдин,
Бўлма озурда ўгит олгил расулуллоҳдин,
Бахт ул қасрига қўймас, йўқса дуди оҳдин,
Бу каманди ҳам-баҳамким, менда бордур, кимда бор?

Саҳвиё, ҳарна келибдур бошинга билгил синов,
Ҳар неки яхши ёмондир оқибат бордир сўров,
Тиклагил тавба биносин, журмунга бўлсин тўлов,
Эй Навоий, гарчи журмум кўптурур, лекин бу навъ,
Хусрави соҳибқарамким, менда бордир, кимда бор?

Бўлмаган

Бўлмаган бу эл тарихда, зулми султондан жудо,
Бир замон қўрқув, ваҳима, нола — гирёндан жудо,
Бир мусулмон ўлка бўлди, дину — имондан жудо,
Не наво соз айлагай, булбул гулистондин жудо,
Айламас тўти такаллум, шаккаристондин жудо.

Адолат йўқ бўлса, инсу — жин, малакни, ўртагай,
Элни оғзига тутиб қўйсанг элакни ўртагай,
Бугун юртим дарди, мен — жони ҳалакни ўртагай,
Ул қуёш ҳажрида қўрқарман фалакни ўртагай,
Ҳар шарореким бўлур, бу ўтлуғ афғондин жудо.

Одамизод насли тенг, лекин ичинда ола кўп,
Зўравонлар дастидан нобуд бўлишган бола кўп,
Давру даврон сурдилар, Гулнора бирла Лола кўп,
Дема ҳижронимда чекмассен фиғону нола кўп,
Жисм айларму фиғон, бўлғач нафас жондин жудо?!

Гарчи дарбадар қилибдир, нотавон султон мени,
Раҳматидан мосиво қилган эмас, Раҳмон мени,
Зулмга қарши турай, тарк этгунинча жон мени,
Ҳажр ўлумдин талх эмиш, мундин сўнг, эй даврон, мени
Айлагил жондин жудо, қилғунча жонондин жудо.

Ё Раб, золим зулмини, ҳеч эл бошига солмағил,
Хато-ю мункар учун, биздан қасосинг олмағил,
Эй фалак, жавринг билан, бунча дилимни тилмағил,
Бўлса юз минг жоним ол, эй ҳажр, лекин қилмағил,
Ёрни мендин жудо, ё худ, мени ондин жудо.

Боғ аро кимки тиканни, гули раъно билдиким,
Ажабланманг бир эси паст, ўзни доно билдиким,
Нотавонларни кўринг, ўзин тавоно билдиким,
Васл аро парвона ўртанди, ҳамоно билдиким,
Қилғудекдур субҳ ани, шамъи шабистондин жудо.

Қазонинг ҳукмида бўлгай, банда ихтиёрсиз,
Буни англарсиз, ғариб қолганда, дил дилдорсиз,
Ватансиз қолмади Саҳвий, қолса ҳам дўст — ёрсиз,
Бир иёсиз ит бўлуб эрди, Навоий ёрсиз,
Бўлмасун, ё Рабки, ҳаргиз, банда султондин жудо!

Зору гирёнман

Зору гирёнман жамолинг истабон жонон сени,
Ўртаниб ҳажрингда ёнди, ошиқи гирён сени,
Паришондир хотирим мен, кўрмасам бир он сени,
Кел-кел, эй ороми жонимким, тилайдур жон сени,
Чеҳра очким, кўрмак истар дийдаи гирён сени.

Кўзларим нури жамолинга боқиб нур олмади,
Дардини достон этишдан, бу кўнгил уялмади.
Ҳажрида озурда дилга, не балолар солмади,
Эй ғазоли мушкбў, келким, қуюндек қолмади,
Водие ахтармаған, истаб бу саргардон сени.

Ишқ ўтининг сўнмоғи дерлар, висоли заъфдин,
Муҳаббатга бевафолик, эҳтимоли заъфдин,
Учди бошимдан ақл ҳушим, хаёли заъфдин,
Сен парий пинҳон учун, мен ҳам камоли заъфдин,
Ғойиб ўлдум эл кўзидин, кўргали пинҳон сени.

Не бало ким куйдирар, кўнглимга ишқ ўтин ёқиб,
Ой юзига булутлардан, пардаи исмат тақиб,
Ким етибдир мақсадига, ишқ баҳриннда оқиб?,
Қон аро гар ғарқасен, эй кўз, не тонгким, бир боқиб,
Зор кўнглумни чу қон эттинг, тутубтур қон сени.

Не ажаб Парвардигор, давлат етурсанг илгима,
Етмаган дил мақсадин, охир кетурсанг илгима,
Икки олам тахти-ла, бахтини берсанг илгима,
Гарчи мумкин йўқ, вале бир қатла кирсанг, илгима,
Борса бош, элдин чиқармоқ, ўзга не имкон сени.

Мени ашким баҳрида ғарқ, этмагил, эй муғбача,
Ҳажринг ўтида қўйиб, тарк этмагил, эй муғбача,
Сенга мафтунман мени, маън этмагил, эй муғбача,
Кўз юзунгдин олмасам, айб этмагил, эй муғбача,
Айлай олмон дийдадин ғойиб мени ҳайрон сени.

Гарчи Саҳвий бўлди ёр, куйинда зору — дарбадар,
Не қилур бечора банда, бўлса гар шундай қадар,
Бўлгай, ишқига вафодорлар, азизу мўътабар,
Эй пари, гар телбараб бўлмиш Навоий дарбадар,
Будурур мақсуд ангаким, истагай ҳар ён сени.

Навоий ғазалига Саҳвий Мухаммаси

Доимо озурда дил давру замонимдин менинг,
Ҳақдин ўзга беҳабар сирри ниҳонимдин менинг,
Қасди бор ҳижронни жисми нотавонимдин менинг,
Бир хабар бер, эй сабо, сарви равонимдин менинг,
Ким, куяр жон лопадек, моҳи тобонимдин менинг.

Дилимнинг орзуси бўлган, турмушидан айруман,
Ёки ҳақ аҳлини қилган қилмишидан айруман,
Ҳажрида оввора бўлдим, ҳақ ишидин айруман,
Ногаҳон фикр айласамким, не кишидин айруман,
Мен билурмен не кечар, ул лаҳза жонимдин менинг.

Дилда туғён урмаса ишқинда ёнмасдир ғариб,
Кезиб Мажнундек буюк саҳрони бўлмас музтариб,
Дилга дил хос бўлмаса кўнгилга бўлмасдир ҳабиб,
Заъфдин, войким, ўзумни фаҳм қилмайдур табиб,
Гар бурун бемор эди, ашки фиғонимдин менинг.

Сабъаи сайёр каби, дунё кезган дарбадар,
На муқимсан на мусофир зарра ўзгармас қадар,
Аҳли дил олдинда бўлгандир бу маъни мўътабар,
Бир насимеким келур ул соридин, сўрдум хабар,
Кўнгул отлиғ бир ғариби нотавонимдин менинг.

Дилга ўт тушса муҳаббат учқунидан қай замон,
Лаъли зилоли билан сўндирмаса бўлмас омон,
Ҳажрида куйдирмаса ўт васлига қонмайди жон,
Носихо, куйган юрак исланғонин қилмас ниҳон,
Худ сабо англатмиш элни дostonимдин менинг.

Муҳаббат дostonларинда бўлса афсона бари,
Одамизод ишқ вафо қадрин тушунган илгари,
Йўқолмоқда садоқат қадри вақт ўтган сари,
Сончилур ҳар соридин жонимға ҳижрон ханжари,
Ўқ киби, ул қоши ё, то борди ёнимдин менинг.

Қиров қўнибди сочимга, оқарибди толадек,
Энди лозим кўзидан ёшлар тўкишлик жоладек,
Кўринг Саҳвийни ғазал шайдосидур ёш боладек,
Эй Навоий, мақбарамдин бош чиқарган лоладек,
Доғи кўнглумдин менингдур, ранги қонимдин менинг.

Малул

Эй биродарлар бўлибман, аҳли имондин малул,
Дема душман, балки барча дўст қадрдондин малул,
Айладим тарки ватан ҳам Ўзбекистондин малул,
Эй кўнгул, бир навъ ўлубмен аҳли даврондин малул
Ким, эрурмен кимки ондин яхши йўқ, ондин малул.

Кетсаму ҳеч битмаган ташвишларим битсун мени,
Руҳи зоримни бақо сори олиб кетсун мени,
Тарк этай дунёни мен, дунёси тарк этсун мени,
Ҳажр агар будур, нетай мен жонни, жон нетсун мени,
Ким, эрур ҳар лаҳза мендин жону, мен жондин малул.

Тангри халқ этди халойиқни ибодат этгали,
Етмади ҳеч яхшиларга яхшилиқ, навбат гали.
Ўтди умрим дарбадарликда, фараж йўқдир ҳали,
Тенгри халқ этмиш мени гўё малолат чеккали
Ким, даме йўқким, эмасмен халқи нодондин малул.

Домига тортди бу гирдоб можаролар кўйида,
Маҳрам айлаб дилни мансабга гадолар кўйида.
Нақди умрим сарф этиб нафси ҳаволар кўйида,
Неча диним узра титрай дилраболар кўйида,
Эй мусулмонлар, бўлубмен кофиристондин малул.

Гар ҳаёт шудир начора, айлама сийнангни чок,
Узмагил Ҳақдин умидингни тананг бўлгунча хок,
Ноумидсизлик қилибдур одамизодни ҳалок,
Истасанг мақсад, қадам қўй, таън тошидин не бок,
Каъба тоши бўлмағон хори муғилондин малул.

Телба олам ошубига бўлмагил мафтун ўзинг,
Гар қаноат бўлмаса бил тўймагай асло кўзинг,
Билки, Ҳақ масъулдирсан бузмагил ҳаргиз сўзинг,
Эй кўнгул, фикрингни қилким, дўсту душманлар юзунг,
Кўрмас эрди, бўлса гар сен зори ҳайрондин малул.

Саҳвиё, қилгил тадорик келди куз ҳам, ўтди ёз,
Имтиҳон дунёсида умринг имоди қисқа оз,
Бил ғанимат борида имкон берилмас қайта боз,
Эй муғанний, тут «ироқ» оҳангию кўргуз «ҳижоз»
Ким, Навоий хотири бўлмиш «Хуросон»дин малул.

Ўтиб бормоқда умрим

Ўтиб бормоқда умрим бу ҳаётнинг йўқи боринда,
Бирининг бориға мамнун, бирининг оҳу зоринда,
Қазони рад қилиш имкони йўқ, қул иқтидоринда,
Бир ой ўтти мени маҳзунға, бир ой интизоринда,
Ки, не кўнглум эрур ҳушинда, не ҳушум қароринда.

Қаранг кимлар куйиб қул бўлмади бу ишқ балосинда,
Неча фазл аҳли парвона қўйининг ибтилосинда,
Дилимнинг мулки ғорат бўлди ҳажрин истилосинда,
Ичим фурқат балосинда, тошим ҳажр ибтилосинда,
Таним ишқ изтиробинда, ўзум шавқ изтироринда.

Сабоҳимни нурафшон айлағай гул юзи нур сочғоч,
Ҳажрнинг шоми бошланғай қуёш ўз пардасин ёпғоч,
Фироғи зулматин ким истағай, васли шамъин топғоч,
Юзунг ҳажрида туфроғ ўлдум ул янглиғки, ел қўпғоч,
Қуёш чиқса, падидор ўлмағай жисмим ғуборинда.

Гули раъно каби юзингдин ўртанди ғариб диллар,
Нега нола қилур гул юзли ойга телба кўнгуллар,
Демак, гулларга ошиқдир, навосоз қилса булбуллар,
Юзунг майдинки гулгул бўлди, йўқ жаннатда ул гуллар
Ки, бир-бир очилибдур, олами ҳуснунг баҳоринда.

Навосоз булбулга душман қарға, қузғун ва лочинмиш,
Азал тақдирда битгани шу бўлса, қайға қочилмиш,
Ҳаётингнинг баҳорин боғида, бу гуллар очилмиш,
Дегайким: бўстон афрўз ичинда тухми сочилмиш,
Биравким холлар кўрса, узоринг лолазоринда.

Хаёлингдан ҳамиша нотавон қалбим ҳузур олғай,
Юзинг шамъига парвона каби ўтға ўзин солғай,
Агар васлиға етмассан, бу қайғу қайға йўқолғай,
Тишинг шавқида ғалтонлиғ аро, юз гўшада қолғай,
Агар инжу ўзин солса, дури ашким қаторинда.

Қаю дилга агар ишқ оташидин имтиҳон бергай,
Не тонг васлини топсанг, топмасанг дарди ниҳон бергай,
Бу дард на ўлдириб товон берурким на омон бергай,
Майи васлинг қаниким, нашъаси жисмимға жон бергай,
Бу янглиғким, ўлум ҳолинда мен, ҳажринг хуморинда.

Ҳусн мулкани султони гадонинг ҳолини сўрмас,
Бу давлатда фаровонлик, адолат барқарор турмас,
Садоқат неъматин билсанг дили тош кимсага бермас,
Менинг, ё дўстнинг журми дема, ишқимниким эрмас,
Менинг ҳам ихтиёримда, анинг ҳам ихтиёринда.

Ғаниматдир бу дунёси амал қилгай киши билса,
Умидингни йўқотма раҳматидин танда жон бўлса,
Ажабмас комига етсанг ғариб Саҳвий кўнгил тўлса,
Қуёш чиққандек ўлғай, тийра тун ичра ул ой келса,
Навоийнинг фироқ ичра, қорарған рўзгоринда.

Ўхшамас

Қалбни тақвоси бу дам, аввалгиларға ўхшамас,
Дилдаги қайғу алам, аввалгиларға ўхшамас,
Беҳуда ҳою-ҳашам, аввалгиларға ўхшамас,
Кўнглум ичра дарду ғам, аввалгиларға ўхшамас,
Ким ул оининг ҳажри ҳам, аввалгиларға ўхшамас.

Бормикан оламда бир кас, бўлмаган наҳс қўйнида,
Ҳар кишини шумлуғи, бўлғай ўзининг бўйнида.
Қилмагай собитқадам ҳақ йўл аро ҳар кимнида,
Не ситамким қилса раҳми, махфий эрди зимнида,
Эмди қилса ҳар ситам, аввалгиларға ўхшамас.

Бўлмағайдир танламоққа, ихтиёр ҳусн ичраким,
Бе бақодир кимки топса, эътибор ҳусн ичраким,
Ой юзида қанчалик бордир ғубор ҳусн ичраким,
Демангиз Ширину Лайли, онча бор ҳусн ичраким,
Хўблукда ул санам, аввалгиларға ўхшамас.

Найлайн, гар қилса рағбат, турли тухмат сўзга ёр?,
Қисмати ишқ аҳлини шу, илғамасмиш кўзга ёр,
Не ажаб жавру ситамлар, қилса энди сизга ёр,
Жавридин эрди аламлар, эмди тутмиш ўзга ёр.
Ўлмишамки, бу алам, аввалгиларға ўхшамас.

Эй дилим маҳбубаси, меҳримни рад этманг мени,
Масканим байтул ҳазанда, тарк этиб кетманг мени,
Бас, ғариб кўнгилни қийнаб, бунча қақшатманг мени,
Ишқ аро Фарҳод ила, Мажнунга ўхшатманг мани,
Ким бу савдои дажам, аввалгиларға ўхшамас.

Менга оламнинг яралмиш сирридан айтманг яна,
Мен бу сир огоҳиман, кўнглимни ўкситманг яна,
Эй диловарлар дилимни, забт этиб, кетманг яна,
Кўйининг эҳромидин кўнглумни ман этманг яна,
Ким анга азми ҳарам, аввалгиларға ўхшамас.

Мутаносиблик шудир, зулмат зиёнинг хасми ким,
Бу ҳаёт қонунидир, подшоҳ гадонинг нисби ким,
Саҳвиё бўлса неки қисмат, қазонинг касби ким.
Эй Навоий, қилма Жамшиду Фаридун васфи ким,
Шоҳ Ғозийга карам, аввалгиларға ўхшамас.

Кўзи қаросинму дейин

Ибтидосинму дейин, ё интиҳосинму дейин?,
Эҳтиросинму дейин, ё ихтиросинму дейин?,
Эътирофинму дейин, ё изтиробинму дейин?,
Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин?,
Кўнглима ҳар бирининг дарду балосинму дейин?!

Қалби наҳринми дейин, ё дилда аҳдинму дейин?.
Амри саҳлинму дейин, ё инжа қаҳринму дейин?.
Фоний даҳринму дейин, ғам тўла баҳринму дейин?,
Кўзи қаҳринму дейин, киприки заҳринму дейин?,
Бу кудурат ичра рухсори сафосинму дейин?!

Чарх гардунми дейин, ё Дунёи дунми дейин?,
Дилни гардинму дейин, ё дардисардинму дейин?,
Бу хайрдинму дейин, ё шум хабардинму дейин?,
Ишқ дардинму дейин, ҳажри набардинму дейин?,
Ушбу қаттиқ дард аро, васлинг давосинму дейин?!

Эҳтироминму дейин, ё интиқоминму дейин?.
Дил баёнинму дейин, меҳри аёнинму дейин?,
Имтихонинму дейин, савти саломинму дейин?,
Зулфи доминму дейин, лаъли каломинму дейин?,
Бирининг қаддин, яна бирнинг адосинму дейин?!

Ҳажри ҳолинму дейин, ишқин маҳолинму дейин?.
Ё висолинму дейин. ёким малолинму дейин?,
Кўп саволинму дейин, қоши ҳилолинму дейин?,
Турфа холинму дейин, қадди ниҳолинму дейин?,
Мовий кўнглак узра гулранги қабосинму дейин?!

Ўзни мажнунми дейин, ашқимни жайҳунми дейин?.
Сув эмас хунми дейин, мунглиғ нидом унми дейин?,
Кун манга тунми дейин, аҳбобим анжумми дейин?.
Чарх ранжинму дейин, даҳр шиканжинму дейин?,
Жонима ҳар бирининг жавру жафосинму дейин?!

Саҳвиё, аҳли шуаро, билмаган касбини айт?,
Ҳар бирини назм боғида, насаб наслини айт,
Шеър ёзишлик муҳлати етган замон фаслини айт,
Эй Навоий, дема қоши кўзининг васфини, айт,
Қошу ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин?!

Ёдгор Обид ғазалига Саҳвий Мухаммаси

Бунчалар қийнаб мени бу дард ёмон ёндирмаса?
Хаста руҳимни бу жисми нотавон ёндирмаса?
Етмагайму бунчалар қийноқ ҳамон ёндирмаса?!
Ёнмағай эрдим агар қаҳри замон ёндирмаса,
Қаҳри замон ёндирмаса,заҳри инсон ёндирмаса!

Эй фалак,коринг кўнгилларни хузул этмак фақат,
Ўртабон бу ўтда кўнглимни ғуборини йўқот,
Гул каби аслин яширгайдир юракда қатма қат,
Тош каби кўнгил сукутлар, сақлағай эрди фақат,
Тош юрак заҳми сабаб пажмурда жон ёндирмаса?!

Етди бошимга бугун номард рақиблар зарбаси,
Балки бу асли азал қисматни бизга зардаси,
Жон қушига бир қафас бўлган жасаднинг мурдаси,
Қон бўлиб оққаймиди бу кўзларимнинг пардаси,
Зору зорлар гоҳ ошкор,гоҳ пинҳон ёндирмаса?!

Олам узра устувор қилсак эди, Ҳақнинг сўзин,
Қоплағай эрди адолат шунда бу ернинг юзин,
Билмағай одам ҳаётнинг мазмунин, билмас ўзин,
Гоҳ тун тинмас хаёл излаб адолат юлдузин,
Этмағай тақдир насиб, гар беомон ёндирмаса!

Руҳи дил озуқаси бўлмиш Худонинг тоати,
Қолмади дунёда ўзга энди кўнгил роҳати,
Эй биродарлар яқин қолди қиёмат соати,
Бул вужуд додига дош бергайди дилнинг тоқати,
Гоҳ билиб, гоҳ билмайин дўсти нодон ёндирмаса?!

Дунёда уздик бугун ҳузри ҳаловатдан умид,
Дўсти душманлар аро битмас адоватдан умид,
Дил муродин топмади қолди қиёматдан умид,
Бир томон ёру диёр,бирён адолатдан умид,
Дермидим оҳ,гоҳ у ёну,гоҳ бу ён ёндирмаса?!

Саҳвиё,дилга шифо истаб ғазал битгум яна,
Илтижо этмай мен ожиз бандаман нетгум яна?,
Истабон Тангрим ризосин Ўзига қайтгум яна,
Ёна, ёна, кун етиб,шукроналар айтгум яна,
Бул сабил жонни имон,ёки армон ёндирмаса?!

2010 йил

Ёдгор Обид ғазалига Саҳвий мусаддаси

Гарчи бўлган нотавонликга гирифтор ҳолатим,
Ғам тўла дунёни тарк, этмоққа тайёр ҳолатим,
Яратганнинг раҳматидин, кўп умидвор ҳолатим,
Шеърларим қилгай баён, аслида не бор ҳолатим,
Қилмадим умрим бўйи кимсага изҳор ҳолатим,
Не насиб эрмиш — эрур, ўзимга ошкор ҳолатим.

Бугун олам узра кўп, ғавғо қилурлар баъзилар,
Бир бирин қонин тўкиб, «тақво» қилурлар баъзилар,
Одамийлик расмини, расво қилурлар баъзилар,
Эл аро кўп фитналар, пайдо қилурлар баъзилар,
Билмайин ҳолим недур, иғво қилурлар баъзилар,
Барча иғво аҳлига манбаъи асрор ҳолатим.

Гарчи лозим айламоқ, ҳар ишда инсон машварат,
Чунки, қилмоққа буюрди бизга қуръон, машварат,
Қани бу кунда аҳиллик, қайда қолғон машварат?,
Хўжакўрсинга қилингай, баъзи ёлғон машварат,
Ўз — ўзимла айласам гоҳида пинҳон машварат,
Дер кўнгил «тарк этмагай ҳақ йўлни зинҳор, ҳолатим».

Мустақиллик, хурриятни, гарчи қилгандик ҳавас,
Оқибат ким қочди элдан, кимнидир жойи қафас,
Юртимиз ўнглалмади, юртбошини босдику нас,
Бўлдику бу элни қадри, оқибатда хору — хас,
Эл учун эрк изладим, гоҳ изладим эркин нафас,
Шум ғаним йўл бермади, айлади абгор ҳолатим.

Мустабидлар адолатни икки пулга сотдилар,
Ким талаб қилса агар эркин, омонсиз отдилар,
Эрксевар фарзандларини, бирма — бир йўқотдилар,
Бошимизга бу ғарибликнинг юкини ортдилар,
Тош бошимга тош отиб, бўйнимга сиртмоқ тортдилар,
Жон қушим кетди бадар, ёт элда зор- зор ҳолатим.

Ватанпарварларни душман айлашиб қилдилар оқ,
Ушламоққа ҳар тарафда, йўлда қўйдилар тузоқ,
Тарқалиб ҳар ёнга кетдик, дилда кўп дарду фиरोқ,
Бора олмасмиз ватанга, энди биздан кўп узоқ,
Қайда бўлдим — бўлмадим, эл — юрт ғамидин ҳеч йироқ,
Гарчи бу дард жон олур, олурда душвор ҳолатим.

Дунё бўйлаб бугун бу эл, чор тараф дайдиб юрар,
Баъзи элларда қароқчилар тутиб, ушлар, урар,
Мамлакат аҳли қоронғу, совуқ уйда жим турар,
Ўрмаяпди, гар мақол бор, “Ҳар ким экканни ўрар”,
Оч етимлар бошини кимлар силаб, кўнгил сўрар,
Шул оғир ўйлар билан гоҳ — гоҳи бедор ҳолатим.

Кошки эрди бу ҳолатни кўрмаганда кўзларим,
Элни бу аҳволидан қоп қора бўлди юзларим,
Ўтди умримнинг баҳори, ёзи, келди кузларим,
Беватан қолмоқда ортимда ўғиллар, қизларим,
Ер қучиб, тупроқ ютиб сочдим аламкаш сўзларим,
Ҳар сўзим — дил суврати, акс этар такрор ҳолатим.

Саҳвиё, элга мудом таклиф этарман ҳақ йўлин,
Келмоғин бир кун диёримга кутарман ҳақ йўлин,
Мадҳ этиб шому саҳар, дoston битарман ҳақ йўлин,
Умидим борки висолига етарман ҳақ йўлин,
Куйса гар жон, куйса тан — собит тутарман ҳақ йўлин,
То ўлим тутмай ёқам — этмоққа иқрор ҳолатим.

Холдор Вулқон ғазалига Саҳвий Мухаммаси

Фасли хазон зимнида ғамхонани кўрдим,
Боқдим бу ҳазин дилга ғарибхонани кўрдим,
Ҳижрон тунида кўзлари мужгонани кўрдим,
Ваҳ, кузги дарахт шаклида ҳайронани кўрдим,
Ёлғиз ва ғариб, бир дили вайронани кўрдим.

Кошки ғариб дардига эм бўлса шамоллар,
Ёрни лабидан олса ширин бўса шамоллар,
Дилни алам ғамларини олса шамоллар,
Жим – жит кўчада ўйнади раққоса шамоллар,
Чарх урди хазон гирвати, парвонани кўрдим.

Куйдиради ҳадри билан айласа нозлар,
Ошиқ дилини ўртар экан, нағмаю созлар,
Бунча азоб, бунча ширин инжа овозлар,
Дарчам ёнидан ўтди учиб ёввойи ғозлар,
Ҳижрон тўла дил аксида девонани кўрдим.

Тақдири азал битдику даргоҳида, ё, Раб,
Йиғлайди кўнгил, қолса ҳажр чоҳида ё, Раб,
Тугён уради вулқонлар ҳам гоҳида ё, Раб.
Қушлар уясин тутди дарахт шоҳида, ё, Раб,
Инларга боқиб ғам тўла паймонани кўрдим.

Бизга омонат аслида танда бу жонлар,
Таърих қаърида қолгуси тез ушбу замонлар,
Ўлди умид висолидан дилда шу онлар,
Заъфар капалаклар каби учганда хазонлар,
Баргларга кўмилган кўча, остонани кўрдим.

Уммонлар ошиб топган элим бўлди, Торонто,
Келгинди қочоқ қавми билан тўлди, Торонто,
Қайси ғариб дилга сиғар кулги, Торонто,
Йўлларга хазонлар тўшади кузги Торонто,
Боққанча чинор баргига Фарғонани кўрдим.

Бир Ўзинга хосдир мени зикри дурудим,
Кошки, бу ғамгин дилима келса сурудим,
Бир бандасиман якка ул Аллоҳга сужудим,
Қалбимда Худо, Каъбага ўхшайди вужудим,
Сипқорғали ИШҚ бодаси, майхонани кўрдим.

Саҳвийнинг кўнгил оинаси қолдида музлаб,
Мақсадига етолмай дил қолдида бўзлаб,
Мен шу сабаб дарду ғамим айтайин сўзлаб,
Дўст топмади Вулқон бу жаҳон мулкида излаб,
Ҳар ерда ғаним, ваҳшати бегонани кўрдим.

.....

Излаганлар бизни саҳройи балодан излангиз,
Водийи ҳижрон била, дашти фанодан излангиз!

А. Навоий

Тилайман топмағайлар тутиёликга ғуборимни!

А. Навоий

Изласам

(Навоийга бағишлаб)

Топқай олғайманмикан, меҳригиёни изласам?,
Титкилаб ўтмишни дилга, муддаони изласам?,
Маъоний мулкига посбон, ул Даҳони изласам?,
Сизни топқойманму, саҳройи балони изласам,
Водийи ҳижронни ё дашти фанони изласам?!

Айланиб кезсам юриб ё шеъриятни боғида,
Чиқса боғбони назм, гулдастаси қучоғида,
Ҳар нима орзу қилар, инсон бу ғурбат чоғида,
Тоғу тошларни кезиб, Фарҳод билан ғам тоғида,
Ёки, Мажнун бирла дашти, Карбалони изласам?!

Ё кезиб, боғи Эрам мулкида топқойманмикан?,
Ёки ғам бирла алам, мулкида топқайманмикан?,
Ё Хуросон ё Ажам, мулкида топқойманмикан?,
Ҳазратим сизни адам мулкида, топқойманмикан?,
Хоки пойи энди кўзга, тутиёни изласам?!

Беш асрдан ошдики, фоний жахондан ўтдингиз,
Мулки Турон маънавийят, мулкани забт этдингиз,
Аҳли маъни бўлди таслим, сиз ғазаллар битдингиз,
Фоний, Оламда Фано бўлгач, Бақога етдингиз,
Балки топқайман бориб, Дорул Бақони изласам?!

Жаҳд қилсам англамоқликга, хаёлот сиррини,
Аҳли маънилар эришган, фикру ҳолот сиррини,
Ҳам улар битган назм, дурри мақолот сиррини,
Суҳбат этсам учратиб, билсам камолот сиррини,
Қайдан изларман, Навоидан навони изласам?!

Йўқдир оромим хаёлот бирла, бедорман букун,
Кўнгил дардининг давосига, харидорман букун,
Бўлса бир кўнгил табибин, меҳрига зорман букун,
Чунки, бир дилпорадирман, қалби беморман букун,
Топғай олғайманму, дардимга давони изласам?!

Гар тасаввур айласамда, менга бу ноҳосдек,
Англасамда, кам кишига бу шарафлар хосдек,
Келди гўё, дилга журъат ногаҳон беҳосдек,
Шунғисам дейман, маъоний баҳрига ғаввосдек,
Балки топғум, гавҳари қимматбахони изласам?!

Сайр айлаб, кездим ушбу шеърият бўстонини,
Тан олиб, байъат бериб, тасдиқ қилиб султонини,
Айламас бовар ақл, бу истеъдод имконини,
Беш асрдирким ёрутгай, шеърият осмонини,
Мисли офтоб шуъла сочгувчи, зиёни изласам?!

Бас қил энди, юрма эй кўнгил фақат гирён бўлиб,
Бўлмаса ҳосил санга мақсад яна, ҳайрон бўлиб,
Дарди-ғамларинг ёзиб, шеъринга саргардон бўлиб,
Мумкин эрмас энди излаб, Саҳвиё, сарсон бўлиб,
Топмағайман барибир, ушбу даҳони изласам!

Билмадинг

Дилбарим ҳажрингда кўп чеккан фиғоним билмадинг,
Кўзда ёшим ўрнига оққанди қоним билмадинг,
Сенга бўлган дилдаги меҳримни «жон»им билмадинг,
Ҳажринг ичра ёндию, ўртанди жоним билмадинг,
Куйди ишқинг ўтида бу, устихоним билмадинг!

Ғунча гул бўлмай, хазон бўлди, баҳор айёмида,
Мисли булбулдек, наво айлар кўнгил ишқ-домида,
Бу фалак айланмади, ҳаргиз дилимнинг комида,
Лайлидан айрилди Мажнун ҳам ғариблик шомида,
Мен давр «Фарҳоди», сен «Ширин-замоним», билмадинг!

Билдирар инсон ўзин бир кун келиб насли била,
Чунки оламда ҳаёт мавжудлиги, асли била,
Кўзларим дил оташин сўндиргуси ашки била,
Дилда ўт ёққан, сени меҳринг эди, ишқи била,
Хаста бўлди бу вужуди-нотавоним, билмадинг.

Ҳасратингда ғам билан, абгор бўлибдир руҳ-жасад,
Мен этолмасман баён, кўнгилни дарди беадад,
Дардима йўқдир даво, гар Тангрим этмаса мадад,
Етмайин васлингга сендан айрилиб қолдим абад,
Кўзима тор бўлди бу, ёруғ-жаҳоним билмадинг.

Мен муҳаббат даштидан бир йўл топиб қайтолмадим,
Ё Ҳўтан охуларидан, дилга сирдош, олмадим,
Ҳақдин ўзга кимсани, дил маҳрами айлолмадим,
Сенга ҳам кўнгил ғами-асрорини айтолмадим,
Дилда кетгай энди кўп, сирри-ниҳоним, билмадинг.

Қайси айбимга қафасда сақлагайсан субҳу-шом,
Неча йиллар бу машаққат бирла қийнарсан мудом,
Кўп оғир келди синовлар, тоқатим қилди тамом,
Кимки золим бўлса, билсинки Худо-Зулантиқом,
Тарк этиб кетмоқчи бу-руҳи-равоним билмадинг.

Тор эмас дунё, агар кўнгил уни тор билмаса,
Бўлма маҳзун, ғамга ботган пайти дўст-ёр, билмаса,
Сўнг билар, одам ҳар ишни ҳикмати бор, – билмаса..,
Ҳақ билур, кўнглингни Саҳвий, билмасин-ёр, билмаса,
Энди меҳрим сўнди, эй, номехрибоним билмадинг!

Мени

Бугун йўқдир хат хабар, хешу таборимдан мени,
Чорасин топмоқ эмасдир, иқтидоримдан мени,
Ягона умид фақат, Парвардигоримдан мени,
Қилди мосиво бу золимлар диёримдан мени,
Бўлмади ҳеч иш иложи, ихтиёримдан мени.

Қилмадим орзу ҳаётда бошимга киймоқни тож,
Битмади ҳаргиз ҳаётда, менда кўпдир эҳтиёж,
Топмади орзу умидлар, оқибат, равнақ, ривож,
Ота онам қабрини, қилмоқ зиёрат, йўқ илож,
Айирдилар то абадга, номус оримдан мени.

Ўзгаларнинг юртини юртим деб, юрибман бугун,
Келажак қандай бўлар, ҳайронда турибман бугун,
Элу юртдан жудо бўлган, музтарибман бугун,
На қариндош, на уруғ, ғурбатда ғарибман бугун,
Йўқдир имкон хабар олмоқ, дўсти ёримдан мени.

Мустабиднинг зулмидан, хор бўлди элдошим — элим,
Кўриб ҳолингни кўзимдан, оқди кўп ёшим, элим,
Мен нечук хурсанд бўлай, хордир ватандошим, элим?!,
На ватан бор, на ватанда, қавми қардошим, элим?,
Жудо қилдилар умуман, йўқу боримдан мени.

Доимо қурбон берилган, эрку озодлик учун,
Нега ўз ҳаққи ҳуқуқин, эл талаб қилмас, нечун?!,
Қолмагай армон дилимда, ҳурлигинг кўрсам, шу кун,
Менга душман бўлди, мен суйган элим, халқим бугун,
Борми наф, ғурбатда топган, эътиборимдан мени?!

Мен ватаннинг меҳрига, тўймай хумор ўтмоқдаман,
Азизликни топмадим, ғурбатда зор ўтмоқдаман,
Турфа хил меҳнат — машаққатга, дучор ўтмоқдаман,
Адолат бўлмади ғолиб, интизор ўтмоқдаман,
Энди не фойдаси бор, бу оҳу зоримдан мени?!

Шубҳасиз шайтоннинг макридир ҳамиша жилвагар,
Етмаса бас, фитналардан, энди имонга зарар,
Кўрқаман «ортимда не кутгай?» дебон, ташлаб назар,
Дунёдан армон билан, кетса ғариб, Саҳвий агар,
Кимса олгайми хабар, ётган мазоримдан мени?!

.....

Китоб тугади.

Хулоса:

Бу китобдаги шеърлар Ҳажайск турмасида ёзилган ва турмадан чиқиб, ётган пайтларимда ва Швецияга келгач, 2010 ва 2011 йилларда ёзилгандир. Бундан олдинги йиллардаги шеърлар, Маҳзун руҳ ноласи тўпламида жамланган. 2012 йилдан то 2016 йилгача муддатда ёзилган шеърлар эса, «Хамса» номли тўпламда жамланган. Аллоҳу Таолодан бу шеърларни муаллифга ва ўқувчиларга манфаатли қилишини сўраб қоламан. Сўзимнинг охири эса, Барча оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин!

Саҳвий.

2016 йил. 23 декабр.

Изтиробли ўйлар

(Бу китобга 2012 йилда ёзган шеър ва ғазалларим жамланган)

Муаллиф

Саҳвий

Швеция

2012 йил

Кириш

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

Бу китобимда 2012 йилда ёзилган шеърларим жамланди. Китоб номини битта шеърнинг номи билан «Изтиробли ўйлар» деб, атадим. Зеро, бу ном бу китобдаги барча шеърларнинг умумий мазмунига ҳамоҳангдир. Китобни ўқувчига ҳам муаллифига ҳам икки дунёда манфаатли қилишини Аллоҳу Таолодан сўраб қоламан.

Саҳвий.

2012 йил.

Шеърлар:

Изтиробли ўйлар

Жайхун қирғоғида жойлашган ўлка,
Ошён бўлган эдинг аждодларимга.
Ватан бўлдинг менга, қисмати-азал,
Ватан бўлолмадинг авлодларимга.

Шўр босган замининг менга қадрдон,
Фарзандимга йўқдир қадру-қимматинг.
Бағрингда яшашга бўлмади имкон,
Қуриб бораяпди ғариб миллатинг.

Биз кетдик узоққа, уммонлар оша,
Совуқ ўлкаларни айладик ошён.
Тикиламиз сенга, ҳижронлар тоша,
Аҳволингга боқиб, лол бўлиб, хайрон!

Бугун нима қолди фахр этиш учун?
Қуп-куруқ чўллар-у, қуриган янтоқ.
Нега сен бахтиёр эмассман, нечун?
Эй халқим, бугунги аҳволингга боқ!

Бугун Берунийлар сенга бегона,
Юртбоши қилгансан битта гумроҳни.
Қурашмадинг зулм текканда жона,
Мўғуллар қувганда Хоразмшоҳни.

Дардли туйғулардан дил қотиб қолди,
Руҳим ороми йўқ, тинмас фиғони.
Тарихлар қаърида мангу йўқолди
Қўхна Хоразмнинг шавкату-шони.

Ору-номус, инсон қадру-қиммати,
Фақат кураш билан киради қўлга.
Қайси элда йўқдир, журъат, ҳиммати,
Уни қул қилишар арзимас пулга.

Арзимас дунёга алданган, ҳайҳот,
Эй нотавон қавмим, уйқудан уйғон!
Мағрур яшамасак, не керак ҳаёт?
Барибир омонат танамизда жон?!

Бирор олимман деб, юргандан сўра!

Эй биродар, қандай ажиб инсон сен?
Нега ўйламайсан, нега ҳайрон сен?
Билмоқчи бўлсанг бир нарса, қачон сен,
Ўқиганмас, яшаб, билгандан сўра!

Билки, бир хил эмас, инсон ҳаёти,
Тақдирда битилган одамнинг зоти,
Маълум эмас оқибати, нажоти,
Дин қадрини кофир бўлгандан сўра!

Сенга ажиб кўринади бу ишлар,
Чунки, сенда ўзинга хос ташвишлар,
Осон эмасдир, Ҳақ йўлда юришлар,
Сен бу йўлда юриб кўргандан сўра!!

Юришибди қилиб кайф-ила сафо,
Ҳали кўрган эмас жабр ила жафо,
Баёзлар учун ҳам, ҳаёт – бевафо,
Бир «омади» келиб, кетгандан сўра!

Иймоннинг даъвоси, қанчалар оғир,
Аллоҳнинг ризоси, қанчалик оғир,
Ваъданинг вафоси, қанчалар оғир,
Бунга ўз сўзида тургандан сўра!

Сен ҳукм беришга эмассан лойиқ,
Лойиқ эмас ҳатто жоҳил халойиқ!
Ҳукм инсон зоти учун нолойиқ,
Бунга фаросати етгандан сўра!

Сен кутган жавобни, бера олмадим,
Куйган дилга малҳам қўя олмадим,
Мен бу саволингни еча олмадим,
Бирор «олимман» деб, юргандан сўра!

Саккиз ойлик чақалоғини сотаётган ўзбек аёлини Русияда қамоққа олинганини эшитиб ёзилган шеър

Замонанинг зайли экан, начора,
Ҳеч бир муаммосиз замон бўлмаган.
Лекин, тарихида бу халқ, бечора,
Аҳволи бунчалар вайрон бўлмаган.

Ўз боласин сотганми ҳеч аёллар,
Инсоннинг фикридан ўтмас хаёллар,
Жавоби топилмас кўпдир саволлар,
Борми бирор одам ҳайрон бўлмаган?!

Бу нимадир, тушунмаслик, ёшликми?
Ё, ҳаддидан ошишлик, бебошликми?
Аёл бўлиб, шунча бағри тошликми?
Боласига бефарқ ҳайвон бўлмаган.

Шунчалик тошбағир бўлса гар Она,
Унга инсон номи, буткул бегона,
Қаранг, қандай бўлди, зайли замона,
Тарихда бундайин замон бўлмаган!

Барча эркак, аёл, қари-ю, ёши,
Дод қилар зулмингдан, золим юртбоши,
Тутсин сени элнинг тўккан кўз ёши,
Иблис ҳам сен каби шайтон бўлмаган.

Зулм йўқолмаса, яшаб бўларми?
Халқни ойдинликка бошлаб бўларми?
Бунга бефарқ қараб, ташлаб бўларми?
Бўлмайди, билинг, ҳеч қачон бўлмаган!

Сени боринг шу!

Маломатгўй майли қилгил, маломат,
Сендаги асли бор иқтидоринг шу.
Ҳолинга вой сени, бўлгач қиёмат,
Олиб келган қилмиш кирдикоринг шу?!

Умринг ўтди, гумроҳликда, кўр бўлиб,
Ишинг дилозорлик, ақлинг ғўр бўлиб,
Майли, бугун юриб тургил зўр бўлиб,
Фитна-фасод қилиш, ифтихоринг шу!

Бугунги имконлар бир кун кетади,
Омонат ҳаётдан ҳамма ўтади,
Сени икки дунё хорлик қутади,
Ўзинг танлаган йўл, ихтиёринг шу!

Сен ҳасад ўтида ёнасан доим,
Урғочи шайтондек юмшоқ мулойим,
Ўзи инсоф берсин сенга Худойим,
Тухмат, ғийбат қилиш, сенинг коринг шу.

Ҳаётда яшашдан мақсадинг нима?
Фитналар тўқишдан мақсадинг нима?
Золимга ёқишдан мақсадинг нима?
Иблисга қул бўлдинг, севган ёринг шу.

Жазоинг дунёда фақат сайф сенга,
Бузғунчилик қилиш гўё кайф сенга,
Гапириш керакмас, сўз ҳам ҳайф сенга,
Нима дейлик ахир, сенинг боринг шу!

Сурия режими ўлдирган гўдаклар суратини кўриб...

Сурияда тўкилмоқда, қанча қонлар,
Ўлаяпди ёш гўдаклар, болажонлар,
Омонатдир танамизда ширин жонлар,
Вақти келар, золимлар ҳам ўлар, ҳали,
Уларга ҳам етар, ўлим даҳшатлари!

Эҳ, қанчалар даҳшатлидир ҳаёт, қаранг,
Ким ишратда, ким кечирар ҳаёт, аранг,
Кимларга кенг, кимларгадир ҳаёт, таранг,
Золимларга ҳужжат бўлар, билар ҳали,
Ўлган гўдак кўзларининг, даҳшатлари!

Ибн Касир авлодлари, қирилмоқда,
Кимнинг, асли ким экани, билинмоқда,
Бу разолат дунё учун, қилинмоқда,
Аллоҳ Ўзи, ҳисоб-китоб қилар, ҳали,
Порлар золим кўзларида, даҳшатлари.

Бу қисматни тиламасдим, гўдакларга,
Чора борми қотиб қолган, юракларга?,
Инсоният қулаяпди, тубсиз жарга,
Золимлар ҳам вақти келар, кўрар ҳали,
Мангу бўлар у дунёнинг даҳшатлари.

Абдулла Қодирйга

Эй улуғ миллатнинг, улуғ ўғлони,
Сен “Ўтган кунлар” ни олдинг қаламга.
Айтдинг “Меҳроблардан чиққан чаён”ни,
Эслаб қисматинги, дил тўлар ғамга.

Охири оқибат айна кунлар ҳам,
“Чаён” босмадими барча Туронни?!

Ўтган кунлар эмас, ўз давринг, ўзинг.,
Қурбони эмасми, ўша чаённи?!

Узоқ ўтмишлардан, то бугунгача,
Барча жабҳаларда, ўша аёнлар.
То ҳануз қаранглар мазлум миллатни,
Қонин ичаяпди ҳануз чаёнлар!

Пахта ҳақида

“Оқ олтин” сен аслида,
Олтиндирсан Подшога.
Халқ учун сен олтинмас,
Бу маълумдир дунёга!

Ёшу қари баробар,
Отланади теримга.
Роҳатин кўрар подшоҳ,
Ҳеч вақо йўқ элимга!

Гўдақлару аёллар,
Эрталабдан кечгача.
Ҳамма далада ишлар,
Аҳвол шу то кузгача.

“Оқ олтин” сен олтинмас,
Балодирсан халқимга.
Ичиб элнинг қонини,
Роҳат берарсан кимга?!

“Оқ олтин” сен аслида,
Олтиндирсан подшога.
Халқ учун сен олтинмас,
Бу маълумдир дунёга!

Хор бўлган Бухоро

Бухорийлар сени ватан қилганди,
Шуҳратинги бутун дунё билганди,
Энди азиз қадриятинг булғанди,
Бугун сени хор қилдилар, Бухоро!

Сомонийлар фахри эдинг азалдан,
Рўдакийнинг шаҳри эдинг азалдан,
Турон замин бахти эдинг азалдан,
Бугун сени хор қилдилар, Бухоро!

Муқаддас масканни қилдилар ҳаром,
Бир неча ювуқсиз, беномус, беном,
Ислоннинг душмани номи ҳам “Ислон”,
Бугун сени хор қилдилар, Бухоро!

Узоқ асрлардан шу кунга томон,
Етиб келган эдинг, барибир омон,
Энди золимларга йўл бериб замон,
Бугун сени хор қилдилар, Бухоро!

Золимнинг зурриёти золимсан

Қуёшинг ботишга оз қолди, гўё,
Буни англаяпсан ўзинг, Гулнора.
Сенинг орзуларинг барчаси рўё,
Очилади ҳали кўзинг, Гулнора!

Ўйлама сен бўларман деб, юртбоши,
Тугайди бир куни элнинг бардоши,
Сени тутар мазлумларнинг кўз ёши,
Қаро бўлар бир кун юзинг, Гулнора!

Ўзингча, тадбиркордирсан, “Олимсан”,
Золими зурриётисан, золимсан,
Жазоинги олишлигинг лозим сан,
Ҳаром, еган нону-тузинг, Гулнора!

Молу мулкинга ҳам келмоқда қирон,
Золим отангда ҳам, қолмади дармон,
Ўтказган умринга қиларсан армон,
Айтарсан охири сўзинг, Гулнора.

Қуёшинг ботишга оз қолди, гўё,
Буни англаяпсан ўзинг, Гулнора.

Муросаю мадора шарти

1

Албатта, имонли мусулмон учун,
Расулulloҳ эрур, энг улуғ инсон!
У зот Аллоҳнинг ҳақ пайғамбаридир,
Бу ҳақда гувоҳлик беради қуръон!

У зотга ҳақорат қилинди кўплаб,
Ҳали ўзлари ҳам ҳаёт эдилар.
Ўз ҳаққи ўзи қилганди ҳалол,
Кўп адашганларни “кечдим дедилар”!

У киши дунёдан ўтгандан кейин,
Ҳақорат қилинса, не бўлар аҳвол?!
Бу ҳақда ижтиҳод шу бўлди охир,
“Ҳақорат қилганнинг, қонидир ҳалол”!

Тавбаси ҳам қабул қилинмас уни,
Чунки, Расулulloҳ эмаслар ҳаёт.
Бундайларга жазо берилар албат,
Расулulloҳ ҳаққи сақлансин, ҳайҳот!

Бу мавзуда яна, аҳли илмдан,
Сўралди; Аллоҳни сўкса бир одам,
“Агар тавба қилса, унга тегилмас,
Балким авф айлагай, Халлоқи Олам!”

Чунки, Аллоҳ доим тирик ва боқий,
Ўз бандаларининг, ҳолидан огоҳ!
Ўзига ҳавола, уларнинг ҳукми,
Чунки, бу иш эрур, айни ҳаққуллоҳ!

Ҳаққуллоҳга агар бўлса, тажовуз,
У кимсага мумкин, тавба истиғфор!
Ҳаққунносга зулм қилса, бир ёвуз,
Уни ўша мазлум, кечирмоқ даркор!

Агар у йўқ бўлса, бугун ҳаётда,
Золимга жазосин берар, шариат.
Пайғамбар ҳаққига бўлса тажовуз,
Бунга қарши бўлур, ҳар мўмин албат!

2

Биз ҳурмат қиламиз пайғамбарларни
Уларнинг ҳурмати, вожибдир бизга.
Ким истаса имон, демак, уларни,
Иззатини қилиш, шарт бўлди сизга.

Мусо ҳам, Исо ҳам, ҳақ пайғамбардир,
Барчасин ҳақ билан жўнатган, Аллоҳ!
Муҳаммад пайғамбар, охиргисидир,
Сизга шон шарафлар, ё Расулulloҳ!

Бугун тан олмаслар, Расулulloҳни,
Яҳудлар қавми ва қавми насоро.
Яҳудлар тан олмас, яна Исони
Бор эрур орада, битмас можаро.

Бугун тараққиёт замони келди,
Бир зумда тарқайди, хабар оламга.
Ҳар турли ақида соҳиби яшар,
Бир гап тўғри келмас, бошқа одамга.

Бундай пайтда агар, тинчлик истасак,
Ҳақорат қилмайлик, бир биримизни.
Инсон деган номга мувофиқ бўлиш,
Лозим деб билайлик, ақидамизни.

Маили, яшайверсин ҳар ким ўзича,
Ўз ақида, дини, имони билан.
Лекин, бошқаларни қилмай ҳақорат,
Яшаш керак, тоза виждони билан.

Шундай нарсалар бор, агар сўксалар,
Мўминлар индамай, қараб турмайди.
Бизни ақидамиз шудир, тушунинг,
Бунга рози бўлган, мўмин бўлмайди!

Қурраи заминда яшамоқ учун,
Ўзаро тинч омон, барча инсонлар!
Ҳурмат қилмоқ керак, ақидамизни,
Барча одамизод, номусулмонлар!

3

Бугунги замонда, урф бўлди жуда,
Сўзлаш эркинлиги деган ибора.
Бу нима дегани, тушунмас биров,
Англашилмовчилик ортар тобора.

Баъзилар дейишар, бунинг маъноси,
Оғизга келганни, гапириш паққос.
Бошқалар тушунар гапириш ҳаққи,
Ҳақ сўзни гапириш, ўз жойига хос.

Хуллас, сўз ҳаққини ҳар киши ҳар хил,
Тушунар ўзича, шудир ихтилоф.
Шуни сабаб қилиб, дин душманлари,
Бугун дин ҳақида урадилар лоф.

Бу каби алжираш, ҳақорат қилиш,
Фақат сабаб бўлар, фитна фасодга.
Бунинг ҳар бир инсон лозимдир, билиш,
Бозори учрамай туриб, касодга.

Қисмат шу, биз Одам фарзандларимиз,
Яшашимиз керак, қиёматгача.
Тинч омон яшашни истар, баримиз,
Ишни олиб бормай, танг ҳолатгача.

Сўзнинг чегараси бўлсин оламда,
Аниқ ва равшан ва ҳар кимга аён.
Бировни ҳақорат қилмаслик керак,
Ўзига ҳурматни истаган инсон!

Бўлиши мумкин

Орзулар балки, рўё,
Бир кун, бўлиши мумкин?!
Зулмат ортидан зиё,,
Балким, келиши мумкин?!

Кураш борича имкон,
Лекин унутма ҳар он,
Ажал етса, ногаҳон,
Одам ўлиши мумкин?!

Бу гапда бор киноя,
Тушунганга кифоя,
Мен қилмасам ниҳоя,
Кимдир, қилиши мумкин?!

Баён айлайн роъйим,
Мададкоринг Худойим,
Йиғлаганлар ҳар доим,
Бир кун, кулиши мумкин?!

Асл ватанни қил ёд,,
Бас қил, дод ила фарёд,
Билки, ҳар одамизод,
Гулдек, сўлиши мумкин?!

Дунёни кезиб юриб,
Қўрмаганинги кўриб,
Ўйланиб фикр суриб,
Ақлинг тўлиши мумкин?!

Қирқдан ошдинг Саҳвиё,
Ҳали топмадинг зиё,
Амал бўлса бериё,
Мақбул бўлиши мумкин?!

Денгиз бўйида

Мавж урган тўлқинлар қаърига ўзим,
Отиб, сув бағрига урилгим келди.
Узоқларга боқиб туриб, барибир,
Ортимга бир қараб, бурилгим келди.

Соғинар ёшликни қўмсайди кўнгил,
Орзу қилишлиқдан тўлсайди кўнгил,
Осмондек бепоён бўлсайди кўнгил,
Қирларда думалаб, сурилгим келди.

Битар муаммолар дунёси битгач,
Бўлар бир натижа, сабр ила кутгач,
Кўз очилар одам, дунёдан ўтгач,
Мен ўлмасдан бурун, тирилгим келди.

Ҳақ йўлидан қайтма

Муҳаббат сўздамас, меҳр кўздамас,
Асли, юрак меҳри, сўзда бўлади.
Мантиқсиз, маъносиз, сеҳр сўздамас,
Дилни тортар сеҳри, юзда бўлади.

Кўнгил ифодаси изҳордир сўздан,
Қаҳр ила меҳрни англарсан юздан,
Фақат меҳр излаш, хатодир кўздан,
Баъзан, дилни қаҳри, кўзда бўлади.

Нурафшон паллада, шабнам керакмас,
Шод яшагил дилга, ҳеч ғам керакмас,
Маъноси бўлмаса, гап ҳам керакмас,
Таомнинг мазаси, тузда бўлади.

Начора, бу ҳаёт шундай, ўкинма,
Қисматинга шукр айла, чекинма,
Қаҳратонда қолдим дея, юкинма,
Шаффофлик, тозалик, музда бўлади.

Ҳаётда салафлар манҳажин тутгил,
Ҳақ йўлидан қайтма, курашиб ўтгил,
Бир натижа бўлар, шошилмай, кутгил,
Жўжани санашлик, кузда бўлади.

Фуадга атаб

(2012 йил 24 сентябрда Фуад Рустамхўжаев отиб кетилганига бир йил тўлди)

Бир пастда бир йил ҳам ўтиб кетибди,
Эй дўстим, бу ҳаёт шундай беамон.
Гўё, дилда ғаминг битиб кетибди,
Лекин, унутдинглар дейишлик, ёлғон!

Сенсиз, сафларимиз қолди заифлаб,
Буюк эди ўрнинг, буюк курашда.
Биз ҳануз сафдамиз, юрибмиз эплаб,
Ҳеч тўлмади ўрнинг, кўнгиллар ғашда.

Сенга кифоядир шаҳодат қони,
Яратган Розикдир зурриётинга.
Мангу иззатдадир, шаҳидлар жони,
Шарафлар битилгай сенинг отинга.

Сен, зулмга қарши тик тураолган,
Ҳозир боболарнинг қучоғидасан.
Адолат байроғин баланд кўтарган,
Авлодлар дилинда, ардоғидасан.

Толиб акага атаб

Улуғ ғоялардан суғорилган руҳ,
Яшади даҳрийлик истибдодиди.
Ота боболарин васиятлари
Зеҳнин эгаллади ёшлик чоғида.

Уни синдирмади даҳрий ғоялар,
Синдира олмади оғир синов ҳам.
Елкасида олиб ўтди дунёни,
Ҳануз тугамади йўлида ғов ҳам.

Умри илм ила бахшида инсон,
Қадрини топмади даҳрий замонда.
Инсон ҳуқуқларин ҳимоя қилиш
Осон иш эмасдир Ўзбекистонда.

Унинг илми, ақли, тафаккурини
Қамраб ололмади ноқис зеҳнлар.
Бу зотнинг борлиғи, дил-шуурини
Ғанимат эканин билмасмикинлар?!
Қаранг, ҳар миллатнинг фозил доноси
Кексайган чоғида, яшар ардоқда.
Бутун умри ўтиб, кураш домида,
Хали тўхтамади қариган чоқда.

Аллоҳ ажр берсин хизматингизга,
Нонқўр миллат учун кадрсиз инсон.
Баён айлай дедим меҳримни сизга,
Мен учун қадрли, Устоз, Отахон.

2012 йил 6 сентябр

Барибир азизсан

Севмайин илож йўқ, фарзанларингмиз,
Эй жафокаш Ватан, шайдоларинг кўп.
Барибир улўғдир шаънинг, ҳурматинг,
Тарихингда ўтган даҳоларинг кўп.

Гарчи, сени бугун тарк этар барча,
Саксовулдан афзал кўринар арча,
Қолмади бағринга қайтишга дарча,
Бизни, чорамиз йўқ, расволаринг кўп.

Қутулдим деганда, Амирдан, Хондан,
Омад юз ўғирди, Ўзбекистондан,
Золимлар зулми ҳам ўтдику жондан,
Бошингда, битмаган ғавғоларинг кўп.

Сени тарк этишлик оғирдир, аммо,
Тугамади хануз, зулму муаммо,
Дайдиб юрган қанча, олим, уламо,
Дардингла куйдилар, жафоларинг кўп.

Барибир азизсан, мазлум диёрим,
Бағрингадир қанча яқин дўст ёрим,
Бугун йўқ кўлимда эрк ихтиёрим,
Борсак ютишга шай, юҳоларинг кўп.

Номингдан гапиргай юзи қоралар,
Ҳеч нарса қилолмас, халқ бечоралар,
Энди қўлланажак сўнги чоралар,
Шижоат ғайратда, танҳоларинг кўп.

Улўғдир тарихинг, қадринг азиздир,
Ватан барчаники, ўғилдир, қиздир,
Адолат туғини, кўтарган Биздир,
Қадринги билгувчи, ошноларинг кўп.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллигига

Йигирма йил бўлди – Мустақил эмиш,
Бу давринг ажиб бир даврондир, Ватан.
“Олтин қафас ичра қизил гул” эмиш,
“Булбулга тикандек ошён”дир Ватан!

Ҳануз қутилмадинг жабру-зулмдан,
Эй халқим, пешонанг шўр экан чиндан,
Билмадим, сен нажот кутасан кимдан?
Золимнинг қўлида нолондир – Ватан.

Далалар ичинда пахта толамас,
Уни тераётган гўдак боламас,
Қир адирда ўсган гуллар, лоламас,
Жигарингдан оққан, бу қондир – Ватан.

Бузилди мезонлар, тошу-тарози,
Ҳаммада бор ташвиш, ҳамма норози,
Эшитмас додинги порахўр – қози,
Халқ адолат излаб, сарсондир, Ватан.

Ноинсоф золим шоҳ, юртнинг Хонидир,
Унинг озуқаси – халқнинг қонидир,
Шулар бу даврнинг “қаҳрамон”идир,
Асл фарзандларинг “душман”дир, Ватан.

Гўё, ҳумо қуши қўнди-ку бизга,
Чўлда сароб, сувдек кўринди кўзга,
Бугун тушунарли эмасми сизга?
То ҳануз бағрингда, пайкандир – Ватан.

Бугун гўё булар омади чопган,
Асли ўз уруғин илдизин чопган,
Золимлар зулмидан юртдан қочган,
Қанчалар ғурбатда, гирёндир, Ватан?!

Қани дўсту-ёринг, қардош-қадрдон,
Барчага душмансан, барчадан пинҳон,
Қанча фуқаролар, қанча мусулмон
Мустабид режимга қурбондир, Ватан!

Уйда фарзандлар оч, ота излар пул,
Кетарлар чет элга, аёллари тул,
Қизлари фоҳиша, ўғиллари қул,
Дунёда расвои жаҳондир, Ватан!

Жайҳуннинг сувлари ювмас қирғоғин,
Шўр босди унумдор еру-тупроғинг,
Пешонанг шўр экан, қуриди боғинг,
Уммонинг бугун чанг, тўзондир, Ватан!

“Жаслиқ” билан бадном бўлдинг оламга,
Фахр эмас иснод керак одамга,
Қачонгача сабр этарсан бу ғамга,
Дилинг тўла афсус, армондир, Ватан!

Халқинг қашшоқ бўлиб, қуриб битди-ку,
Ўғлонинг турмада чириб битди-ку,
Эрк истаган мардлар ўлиб битди-ку,
Мустақил бўлганинг ёлғондир, Ватан!

Ота-боболарим дил берган сенга,
Улардан қолган хок, мероссан менга,
Лекин алишмасман мен сени динга,
Иймонимдан қадринг арзондир, Ватан!

Сени дардинг учун менда чора йўқ,
Қийналаман кўриб, нетай чора йўқ,
Сен каби жафокаш жигар-пора йўқ,
Аҳволинга ақлим ҳайрондир, Ватан!

2012 йил 16 август

Насиҳат

Тушларинги айтма, сувга, уммонга,
Сиринги фош этма, жумла жаҳонга,
Керакмас, бошинги тошларга урмоқ,
Чиқиш мумкин эмас экан, осмонга!

Тикилма умидвор, натижаси йўқ,
Етолмайсан, демак, бўлсин кўнгил тўқ,
Бориға қил шукр, ураверма дўқ,
Сабр қил бугунги, шу имтиҳонга!

Ўзгага бек бўлма, бўлғил, нафс беки,
Уммонга тикилма, кўринмас чеки,
Унутма, эришган топганинг, неки,
Барин ташлаб кетиш зарур, инсонга!

Истаганинг бўлмас экан, начора?,
Ўтган умринг қайтмас экан, начора?,
Ҳаёт ғамсиз ўтмас экан, начора?,
Бас, энди, ўзинги, урма ҳар ёнга!

Элимга

Ким Сенинг ғамингда, оттирмаса тонг,
Демакки, муҳаббат даъвоси ёлғон.
Ғамингда урмаса, гар дунёга бонг,
Демакки, ўзгача ғавғоси ёлғон!

Ўйламаса Сенинг ободлигинги,
Нопоклар илгида хуноблигинги,
Истамаса кимки дил шодлигинги,
Демакки, эътиқод асоси ёлғон!

Кимдир бўлса гар соҳиби диёнат,
Кимдир қилар ҳар жабҳада хиёнат,
Зиммамизда турар улкан омонат,
Кимки инкор этса, тақвоси ёлғон!

Бир профессорнинг “Ўзбек халқи орзу қила олмайдиган халқдир” деган хулосани эшитиб:

Орзу қилишдан ҳам бўлишса маҳрум?,
Орзу қилиш барча инсонга хосдир.
Эй, менинг бечора, муштипар халқим,
Сенинг орзуларинг – сигарет, носдир!

“Керак эмас бизга, беҳуда орзу,
Қора қозон қайнаб турса етарли.
Уйимизда бўлса қора нон ва сув,
Деймиз: бизнинг “доно подшоҳга балли”!

Нима керак бизга беҳуда орзу?,
Орзу қилаверсин, хаёлпарастлар.
Бизга тинчлик керак, асосийси шу,
Буни тушунмаслар, эслари пастлар”.

Келажак ҳақида кўргин фикрлаб,
Тасодиф шамоли қаён элтажак?
“Юртбоши айтганни эшитдим, тинглаб,
Буюк экан, келаётган келажак”

Хуллас, ўз ҳаётин келажагига,
Ўзлари қилмаса ирода, журъат.
Орзу қилишни ҳам эплаёлмаса,
Қачон ўзи юксалади бу Миллат?!

Эй, Халқим!

Сен юксалолмайсан ушбу аҳволда,
Эй халқим, ичингда ўғриларинг кўп.
Бир биринга ётсан, мутлақ бегона,
Қачон бўлар сенинг тўғриларинг кўп?!

Бугун сенга тарих, аслинг бегона,
Отанг ким эди-ю, ким бўлган она?,
Фитналик бўлди-ку, бугун замона,
Чор тарафга тортар, чолғуларинг кўп.

Ҳар ким яшар ўзин даврони билан,
Ўзига берилган имкони билан,
Авлодларинг ўтар, армони билан,
Қай бирин айтайин, қайғуларинг кўп?!

Ғариб бўлдик, айро тушиб Ватандан,
Жон ҳам видо қилар бир кун бу тандан,
Хаёлан ҳеч айрилмадим мен Сендан,
Изҳор қилолмассан, туйғуларинг кўп!

Эрк учун курашмасак...

Барчасига сабр қилиб одамзод,
Рўшноликни кутиб, ўтиб бородир.
Ҳар нарсага бўлар экан қисмат ёр,
Начора деб, бу халқ, кутиб бородир.

Боболари йиғлаганди, қадрим деб,
Фарзанди тик туrolмас вой қаддим деб,
Индамас, “тинч қулоғим, оч қорним” деб,
Дардларини дилга ютиб бородир.

Ўлим хавфи тўсар бизни курашдан,
Ўлим яхши-ку, қул бўлиб яшашдан,
Ихтиёр биздамас, ҳаёт, ўлишдан,
Тақдир келиб, бир бир тутиб бородир.

Қул бўлишга рози бўлдик, пул учун,
Эрку-озодлик бегона, қул учун,
Ўлимга рози бўлмаган эл учун,
Қисмат фақат қуллик битиб бородир!

Жафокаш Ватан

Мотамсаро жафокаш ватан,
Сени бағринг доимо қондир.
Асрлардан бери турланинг,
Бугун номинг Ўзбекистондир!

Сендан қочиб кетдилар қанча,
Фарзандларинг, бугун бегона.
Сени мағлуб қилдилар қанча,
Душманларинг, эй Ватан-Она!

Сигмадиларку кенг бағринга,
Жигарларинг, ўзаро ётдир.
Сенинг учун талашар ҳануз,
Курашиш, балки шу ҳаётдир?!

Ҳар даврда ва асрда ҳам,
Топилади турли сабаблар.
Доимо адоват, ўзаро уруш,
Гирдобида қолгай гўдақлар.

Хиёнат

Шунчалик бўларми ўзни алдамоқ,
Ва ёки хоинлик, юртдошларига.
Қорани оқ, оқни қорадир демоқ,
Ниқоб ёпиб олиб ўз бошларига.

Кечаги гап қани, инсоф, дин қани?,
Виждон имон қани, нутилдими?!
Ёлғонмиди дилда олов ёнгани,
Шаҳидлар ёди ҳам, тугаб битдимми?!

Ноҳақ оққан қонлар ҳурмати хали,
Сиздан сўралади, бу ишларингиз.
Келади ҳисобот беришнинг гали,
Нутилмаб қилган, қилмишларингиз.

Бунинг номи нима, қўрқоқликми, ё,
Шунчаки, довдираш фаросатсизлик?!
Бу қандайин мазҳаб, қандай туш, рўё,
Бу виждон амрига, итоатсизлик!

Золим подшоҳ сиздан бу ишлар учун,
Рози бўлар деган умиддамисиз?!
Чоҳ сари йўл олдинг, кўр каби нечун,
Адашган ва гумроҳ бир тўдамисиз?!

Хиёнатнинг нони шунчалик....,
Ширин бўлса, сизга ош бўлсин!

Аллоҳ билса етар

Улуғ мақсадли йўл, машаққатларин,
Саҳрода гул каби, сўлмаган билмас.
Эрку озодликнинг, қадр қимматин,
Кураш майдонида, келмаган билмас.

Бугун ўз элида, хордир ўзбеклар,
Эрк деган неъматга, зордир ўзбеклар,
Ҳали ҳам умиди бордир, ўзбеклар,
Буни Ҳақдан умид, қилмаган билмас!

Керилса аҳмоқлар “мустақилмиз” деб,
Йиғлаш керак эди, “бизлар қулмиз” деб,
Кўтармаса бошин “битта элмиз” деб...
Эл дардини кўзга, илмаган билмас!

“Озод” деса, оёқ қўлинги боғлаб,
“Обод” деса, “юртинг,” бағрини доғлаб,
Бу дардни, эл билан, йиғласа йиғлаб,
Кулганида бирга, қулмаган билмас.

Олсалар миллатнинг номуси орин,
Қим тинглар, мазлумлар нолаю зорин?,
Ўзга юрт бағрида излаб, мазорин,
Аламдан бағрини тилмаган, билмас!

Ким маккор душману, кимни шумлигин?,
Ким Ҳақни гапирган, кимни жимлигин?,
Эй дўстлар, аслида кимни-кимлигин?,
Аллоҳ билса етар, билмаган билмас!

Кўрқитма

Ўлимдан кўрқитма мени, эй жаллод,
Ўлим сўқмоғида юрганларданман.
Ожизу нотавон бандасан, билгил,
Сенга куфр ҳукмин, берганларданман!

Мени йўлим аниқ, мақсад аёндир,
Адолат шиорим, ғоям Исломдир,
Сендан кўрқишлигим менга ҳаромдир,
Дўқ пўписанги кўп, кўрганларданман.

Ҳақ учун курашиб, ўлмак, ўлиммас,
Дунёда бирор кас бормикан, ўлмас?,
Азалда битилган, лекин аниқмас,
Тақдирга тан бериб, турганларданман.

Андижон фожеъасига атаб

Бу золимда бўлса озгина инсоф,
Халқларга бунчалар азоб бўлмасди.
Агар бўлганида виждону, имон,
Юртимиз бунчалар хароб бўлмасди.

Барчасини кўриб турибди Аллоҳ,
Ўзи бандаларин ҳолидан огоҳ.
Қофир бўлсада, адолат қилса шоҳ,
Халқнинг орзулари сароб бўлмасди.

Турмаларга бугун тўлди мусулмон,
Зулму зўравонлик бўлди ҳукмрон.
Бу золимда бўлса заррача имон,
Динга қарши бунча шитоб бўлмасди.

Беғуноҳ мўминлар отилган доим,
Имон ҳам дунёга сотилган доим.
Дин йўлида синов битилган доим,
Йўқса қиёматда ҳисоб бўлмасди.

Бўлар экан ҳар нарсада бир ҳикмат,
Англаш учун ҳам келади бир муддат.
Бўлмаганда эди, таъриҳда ибрат,
Асарлар битилиб китоб бўлмасди.

Дунё берилди имони йўқларга,
Руҳан ўлиб бўлган, қорни тўқларга.
Нишон бўлди беғуноҳ халқ ўқларга.
Индамай жим туриш савоб бўлмасди.

Нега жимдир мусулмонлар диёри,
Қолмадимми Имонни эътибори?
Бўлса қоим агар уммат сардори,
Қонлар оқиб хоки туроб бўлмасди!

Сабр қилинг азиз, ота оналар,
Мангулик масканмас ҳибсхоналар,
Ўзин ўтга ураркан, парвоналар,
Золим зулм этмаса, “кабоб” бўлмасди!

Қазога чора йўқ, инсон қўлинда,
Билмас қайдан келар, ўнг ё сўлинда?,
Синовлар бўлмаса имон йўлинда.
Сабр айлангиз! деган, хитоб бўлмасди!

Дунёга алданган юрак занглайди,
Ақли борлар ўзин тезроқ ўнглайди,
Азоб чекиб кўрган одам англайди,
Йўқса дилда, бу изтироб бўлмасди.

Бу давр ўтар, даврон қолади,
Бизлар ҳам кетамиз, замон қолади,
То қиёматгача, имон қолади,
Йўқса, масжидлару меҳроб бўлмасди!

Сабр айлагил энди, кутгил Саҳвиё,
Бир натижа бўлар, оз қолди гўё,
Келмаганда зулмат ортидан зиё,
Ер айланиб турмас, офтоб бўлмасди...

Куз

Виқор билан турар дарахтлар,
Куз келганин, қилиб намоён.
Сарғайганча қалтираб, барглар,
Яшаш сари интилар, ҳамон.

Истамайди улар узулиб,
Тушишликни ўз маконидан.
Фасли хазон ҳукмидан, сўлиб,
Айрилади улар жонидан.

Шудир ҳаёт қонуни, мана...,
Келаяпти навбатдаги куз.
Балким, баҳор келади, яна,
Лекин уни кўрамизми биз?!

Гўдакларга

Эритади тошюрақларни,
Гўдак юзидаги кулгулар.
Беихтиёр, эрийди қалбинг,
Уйғонади, меҳр туйғулар.

Бу албатта, ширин ва ажиб,
Балки фитна ўшадир, бироқ.
Шаксиз улуг, неъмат экан бу,
Дилинг ўртар соғинчу, фироқ!

Балки инсон зотини қалби,
Чарчаса, бу дунё ғамидан.
Юзин қўйиб гўдак юзига,
Қувват олар, гўдак дамидан.

Кўрганида мусаффо юзин,
Унутади, ушбу дунёни.
Унинг меҳр кучи, шундайки,
Тиз чўктирар ҳатто, подшони!

Уни ожиз, заиф танаси,
Кучлироқдир, паҳлавонлардан.
Унга таслим бўлади, барча,
Яхшилардан ҳам ёмонлардан.

Қандай ажиб, қадрли экан,
Одамзодни гўдаклик чоғи?!
Орзу қилиб қўмсайман энди,
Қани Ота-Онам қучоғи?!

Начора, бу хаёлим менинг,
Бир ёлғончи тасаввур, халос.
Бор экан бу ҳаёт босқичин,
Ҳикматлари, ўз даврига хос.

Учрайди

Дарди ғамим айтай десам бировга,
Аҳволи мендан ҳам, хароб учрайди.
Йиғлаган олдидан чиқар, бўкирган,
Менга доим бағри кабоб учрайди.

Ҳар кимда бор экан, ҳар турли дард ғам,
Ҳаммаси истайди сирдошу, ҳамдам,
Бир-бирин дардига гўёки малҳам,
Ғамга тўла бўлган «китоб» учрайди.

Ҳар хил сабабдан, ҳаммамиз маҳкуммиз,
Ичимиздадир дардимиз, мазлуммиз,
Ҳаётдаги кўп нарсадан маҳруммиз,
Ҳар куни, ҳар турли, азоб учрайди.

Дилим тугунларин ечайин десам,
Маҳзун кўнглимни бир очайин десам,
Бир сирдош суҳбатдош, топайин десам,
Нега доим ўғри, каззоб учрайди?!

Ғариблик даври ҳам ўтар деб, кутдим,
Бу ғамлар ҳам, бир кун битар деб, кутдим,
Кўнги мақсудига етар деб, кутдим..,
«Топдим» деганимда, сароб учрайди!

Тоқатим йўқ энди, бундай шитобга,
Дилимдаги қайғу ва изтиробга,
Малҳам истаб, агар боқсам китобга,
Сабр айлангиз!–деган, хитоб учрайди?!

Хазонлар қолди

Ўтаяпди умр шитоб билан тез,
Ортимизда ажиб бир онлар қолди.
Ўтмишимга назар солганда ногоҳ,
Юрагим лол бўлиб, ҳайронлар қолди.

Ўтди ёшлик, ўтди йигитлик дамлар,
Тушди бошимизга ҳар турли ғамлар,
Энди юрагимда–битмас аламлар,
Умид гулларидан, хазонлар қолди.

Манзилга интилар, умр карвони,
Ким етди мақсадга, ким излар они?,
Ҳақ йўлдан адашмоқ, бу энг ёмони,
Қанчалар адашди, сарсонлар қолди?.

Савол қилиб кўрсак, ўз-ўзимиздан,
Тонаяпмиз энди, ўз сўзимиздан,
Демакки, адашдик, айб ўтди биздан,
Дилимизда шубҳа-гумонлар қолди.

Қани ўша даъво, қани шу журъат?,
Келмади бизларга кутилган нусрат,
Нима бўлди бугун, охир оқибат?,
Ортимизда шунча, қурбонлар қолди?

Мен яшаб кўрган бу давр-замондан,
Барча одам, яхшисию-ёмондан,
Умид, мақсад, хато, қийнаган жондан,
Дилда хотиралар, армонлар қолди!

Уйғон!

Зулмат ўраб келса юртни,
Нима деймиз, бу ҳам қисмат.
Кошки, халқнинг пешволари,
Бўлса эди, олий ҳиммат.

Зўр бўлсақда, кул бўлсақда,
Юксалсақда, эзилсақда,
Не келса, тақдир билсақда,
Лозимдир, номус-ор, журъат!

Инсонийлик тимсоли шу,
Адолатнинг меъёри шу,
Қара, Сенинг аҳволинг шу,
Эй, шўри қуриган Миллат!

Еринг қаттиқ, узоқ осмон,
Арсатда сақларсан жон.
Уйғон, бу уйқудан уйғон!,
Агар сен истасанг, иззат!

Қачон?

Ҳамма бугунини ўйласа,
Келажакни ўйлаймиз қачон?!
Ҳамма шодлик куйин куйласа,
Халқ дардини куйлаймиз қачон?!

Яшаш керак, токи ҳаётсиз,
Учолмайди қушлар қанотсиз,
Ожизу нотавон, ҳайҳот,
Сиз, Осмонларни бўйлаймиз, қачон?!

Халқ жўш урса, бир муддат келиб,
Эрк талаб қилса, журъат келиб,
Зулм тугаб, ҳуррият келиб,
Озодликни “тўй” лаймиз, қачон?!

Шаҳид кетганлар лоши учун,
Мазлумларнинг, бардоши учун,
Етимларнинг кўз ёши учун,
Ҳақиқатни сўйлаймиз, қачон?!

Россияда куйиб ўлган укажоним

Ўз юртида иш тополмай, пул тополмай,
Йўл тополмай қолди ҳайрон, оломоним.
Оиласин боқаман деб, ишга кетиб,
Ўзга юртда хор зор бўлган, бағри қоним!
Россияда куйиб ўлган, укажоним!

Ўз халқини ўйламаса, бугун подшоҳ,
Нон тополмай ўзбеклар хор бўлди, эй воҳ,
Қайғу чекар ўйлаганда юраклар, оҳ,
Сизни ўйлаб қийналади, кўп виждоним!
Россияда куйиб ўлган, укажоним!

Айрилдику фарзандидан, ота-она,
Етим қолди гўдаклар ҳам, энди мана,
Тул қолишди келин қизлар, қанча яна,
Ким ўйлайди сизни халқим, нотавоним?!
Россияда куйиб ўлган, укажоним!

Улуғ бир халқ нега бугун, хор бўлдилар,
Нега ахир парча нонга, зор бўлдилар,
Амалдори Иблисга дўст, ёр бўлдилар,
Шулар масъул, шуни билинг, қадрдоним!
Россияда куйиб ўлган, укажоним!

Қанча одам умри зомин, турмаларда,
Виждон йўқдир “рахбар” деган, кимсаларда,
Зулмнинг ҳам чегараси, ахир борда,
Ҳануз қулдир билинг “Қўҳна Туркистоним”!
Россияда куйиб ўлган, укажоним!

Шунча азоб уқубатдан ўтдикку биз,
Золимлардан мурувватлар кутдикку биз,
Эркимиз деб, молу жонни, тикдикку биз,
Сизникидан азиз эмас, менинг жоним!
Россияда куйиб ўлган, укажоним!

Қани, бизга айтган ўша “Зўр келажак”?,
Золимлар ҳам бир кун келар, хор бўлажак!,
“Ўлган” ғурур ҳисси қайта, “тирилажак”!,
Обод бўлур бу юрт яна, йўқ гумоним!
Россияда шаҳид бўлган, укажоним!

Швеция

Швеция Музлар диёри,
Атрофини ўрар денгизлар.
Фарқи йўқдир қишу баҳори,
Ҳамма ёғи ўрмону кўллар.

Тупроғлари тошдан яралган,
Тош устида ўсар Арчалар.
Қишларида кўринмас қуёш,
Ёзда тун йўқ, ёруғ кечалар.

Тоза ҳаво, мусаффо осмон,
Совуқ ўлка, ажиб табиат.
Ватан бўлди бизга бу макон,
Билмадим, бу бахтми, мусибат?!

Мен саҳронинг фарзанди эдим,
Етишмайди менга нур, қуёш.
Кошки ажал келмасдан олдин,
Кетсам, олиб бу ерлардан бош.

Кўзим хиралашди

Кўзим хиралашди, сочларимда оқ,
Белимда қувват йўқ, тиззамда титроқ,
Ҳали яшаяпман, умидла бироқ,
Мен кутган кунларим ҳали келмади!

Узоқ бўлдим ватанимдан тобора,
Минглаб муслмонлар бўлди оввора,
Тополмадик, мақсадга йўл, начора?,
Ҳақ деган бандалар, гали келмади!

Совуқ ўлкаларда қийнайди ҳижрон,
Юртимда тинчлик йўқ, зулм ила зиндон,
Изтироблар қачон тугар ё, Раҳмон?,
Қисмат, муаммодан нари келмади!

Шукр айтаман Сенга, Парвардигорим,
Сақлай олмай айтдим, дилимда борим,
Қачон бўлар обод, менинг диёрим?,
Мен орзиқиб кутган сари, келмади!

Даврон

Даврон тинмай доим, айланиб турар,
Қисмату қазога бойланиб турар,
Бўлажак ишлар ҳам шайланиб турар,
Сабабчидир асли фақат, одамзод!

Бу ишларга қараб, англарман ҳикмат,
Бир нарсага албат, бир нарса сабаб,
Яхшилик ёмонлик, муҳаббат нафрат,
Вайрона бўлгач, сўнг қилинар обод!

Аввал тушунолмай, бўлганман гаранг,
Энди ҳикматларин, англарман аранг,
Аллоҳнинг ишлари ажойиб, қаранг,
Ғамга тушмагунча, бўлолмассан шод!

Маъюс кечада

Бу кеча Осмонда учар булутлар,
Шамоллар олдига солиб ҳайдайди.
Шамоллар зарбидан уввиллар ўрмон,
Мен ёлғиз юрибман кечаси дайди.

Ёлғизлик қўмсатар ўтмишни яна,
Яна олисларга элтади хаёл.
Ёлғизлик қўмсайди гоҳида кўнгил,
Ўй суришга бўлар фурсат бемалол.

Изғирин шамоллар, ўрар атрофим,
Юраман, Кузги, тунд, кечада титраб.
Соғинч азоблари қийнайди мени,
Билмадим бу дардим тугарми, ё Раб?!

Юлдузсиз кечада дайдиб юрибман,
Менинг қалбим каби, қоронғу кеча.

Ҳажвия

Подшоҳимиз қизлари,
Гулнорахон, Лолахон.
Отасидек, “ақлли”,
Экани Бизга аён.

Йигирма йилдан ошди,
Оталари Юртбоши.
Шунча йилдир, “чарақлар”,
Мустақиллик қуёши.

Озод бўлган юртимиз,
“Гуллаб яшнаб” борадир.
Ҳар соҳада ривожига,
Ҳамма ҳайрон қоладир.

Олтини бор кони бор,
Нефту Гази бир ёнда.
Халқи бундай меҳнаткаш,
Бошқа эл йўқ жаҳонда.

Хуллас, бу “обод” диёр,
Номи Ўзбекистондир.
Маликаси бу юртни,
Гулнора, Лолахондир!

Тўнғичи Гулнораси,
Элчи, Испанияда.
Истаги муҳайёдир,
Бу қизни сонияда.

Ёш бўлса ҳам “ақлли”
Отасидек донодир.
Битта ўзи юз эркак,
кишига раҳнамодир.

Ёш бўлсада бу хоним,
Кўпдир илмий унвони.
Ишбилармон тадбиркор,
Бақувватдир ҳамёни.

Ўзбекистон тахтини,
Маликаси хонидир.
Олтин кумуш, тақинчоқ,
Бу хонимни жонидир.

Иқтисодчи, файласуф,
Дипломату, хонанда.
Хуллас калом тенги йўқ,
Маликадир Оламда.

Саховати билан кўп,
Машҳур бўлган Оламга.
Беш юз минг Евро берди,
Клинтондек одамга.

Олиб келиб Тошентга,
Стинг деган маддоҳни.
Уч миллион доллар берди,
Қаранг ҳимматин шоҳни!

Қайсидир футболчига,
Миллион доллар берибди.
Қандайдир бир клубни,
Элга танитай дебди.

Мана шундай “мард” экан,
Ўзбекнинг Маликаси.
Бундай бўлишни орзу,
Қилар ҳар уй бекаси.

Лола яшар Парижда,
Сўраманг ахир нечун?,
Албатта сизни ўйлаб,
Сизлар учун халқ учун!

Юртбоши нима қилса,
Халқ учун қилар аммо.
Биз гуллаб, Яшнаяпмиз,
Йўқдир ҳеч бир, муаммо!

Бизни кўролмаганлар,
Ёзар шундай тухматлар.
Улар мустақилликни,
Кўролмаслар кўрмаслар.

“Ўзбекистон халқини,
Қўпчилиги оч наҳор.
Дунё кезиб юрибди,
Миллион миллион мардикор!

Шароит йўқ имкон йўқ,
Гўдаклари пахтакор.
Уйда ейишга нон йўқ,
Касал нимжон, хору зор.

Иш йўқ, ишлайман десанг,
Арзимаган маош ҳам.
Уни ҳам ўз вақтида,
Ололмас бирор одам.

Одамлар оҳ зорини
Тинглагучи одам йўқ.
Порахўр амалдорлар,
Бунгачи вақтиям йўқ.”

Буларни қўяверинг,
Тугамас бу халқ зори.
Ахир бизда бор тенгсиз,
Юртимизнинг Сардори.

Яшасин ўша сардор,
Яшасин Маликалар!
Уларга дуо қилиб,
Ўтиринг уй бекалар.

Гапирманглар асло ҳеч,
Тугамас муаммони.
Мадҳия айтинг фақат,
Қўшиб ҳамду санони.

Чунки, сизнинг улардек,
Омадингиз чопганмас.
Балким сизлар улардек,
Уддабуррон чаққонмас?!

Ким бизга тухмат қилса,
Террористдир ўғридир.
Биз биламиз йўлимиз,
Хатоси йўқ тўғридир.

Ким бизга қарши чиқса,
Улар халқни душмани,
Ҳизбут Таҳрир, Ваҳҳобий.
Ёки, Эркчидир яъни.

Улар кўролмас бизнинг,
Гуллаб яшнаганимиз.
Ушлай олсак уларга,
Кўрсатамиз ҳали биз.

Бундай имкону бахтдан,
Ўзбек халқи бегона.
Сабабини сўрасанг,
Топилар бир баҳона.

Хуллас, шундай давр бу,
Бўлди бир туртки илҳом.
Сўз очдим бу мавзуда,
Бўлиб қолганда имкон.

Ўқиганлар ʻушеърни,
Маъносини англашар.
Бу ҳикматни сиррига,
Етолмас, ақли Башар.

Адолату, Ҳақ қайда?,
Қўп ғаройиб аломат.
Ўқиганлар шеъримни.
Бўлсин доим саломат.

Эрк учун курашмасак...

Барчасига сабр қилиб одамзод,
Рўшноликни кутиб, ўтиб бородир.
Ҳар нарсага бўлар экан, қисмат ёр,
Начора? деб, бу халқ, кутиб бородир.

Боболари йиғлагандир қадрим деб,
Неваралар, тик тутолмас қаддим деб,
Индамаса, тинч қулоқ, оч қорним деб,
Дардларини дилга ютиб бородир.

Ўлим хавфи тўсар, бизни курашдан,
Ўлим яхшику, қул бўлиб яшашдан,
Ихтиёр биздамас, ҳаёт ўлишдан,
Тақдир келиб, бир бир тутиб бородир.

Қул бўлишга рози бўлдик, пул учун,
Эрку-озодлик бегона, қул учун,
Ўлимга рози бўлмаган эл учун,
Қисмат фақат, қуллик битиб бородир!

Ўлим яхши

Ўлим яхши, хору-зорликдан,
Чунки ҳаёт эмасдир мангу!
Ўткинчидир дунёда барча,
Шод-хуррамлик ва ёки, қайғу?!

Ўлим афзал, ифлос ҳаётдан,
Азоб чекса, доим виждонинг.
Яшагандан изтироб ичра,
Яхшироқдир қутилса жонинг!

Нима қолди ўзи дунёда?,
Имон аҳли, бўлгудек хандон?!
Имон ҳаловати йўқолди,
Борган сари тобора чандон.

Ўлим яхши, имон борида,
Йўқолмасдан буткул оқибат!
Ё, Раб, ўтсам имон била тез,
Тугаса, бу азобу-ғурбат?!

Яшайверсин, дунёпарастлар,
Бўлиб нафси-ҳавога шайдо!
Кўрмаяпман яшашликда мен,
Имон эътиқодимга фойда.

Яшайверсин ушбу ҳаётдан,
Хотири-жаму, кўнгли тўқлар.
Имонликларга йўқку имкон,
Яшайверсин имони йўқлар!

Ўлим яхши, кетсам тарк этиб,
Ҳеч тугамас ташвиш ғавғони!
Кетсам, дунёпарастлар сизга,
Қолдириб бу нажас дунёни!

Абдували қори Мирзоевга атаб;

Ҳолингиздан на хат ва на, хабар бор?
Бир чора килишга ночормиз, ночор?!
Шубҳасиз Яратган Ўзи хабардор,
Ўзиндадир Улуғ Қудрат – Устозим!
Сизга Аulloх берсин нусрат – Устозим!

Имонга лойиқдир синовнинг бари,
Буни хабар берди, Ҳақ пайғамбари,
Шундай бўлиб келган доим илгари,
Ўзига маълумдир ҳикмат – Устозим!
Азалдан битилган қисмат – Устозим!

Осон эмас ахир зиндонда ётмоқ,
Мудраб ётган ғофил халқни ўйғотмоқ,
Золимлар олдида Ҳақ сўзни айтмоқ,
Ҳар кимда йуқ бундай журъат – Устозим!
Бу ҳам сизга улуғ неъмат – Устозим!
Сизгидира олмасман ҳеч хаёлимга,
Бунча зулм бўлди,-шундай олимга?
Мусулмонларни хор этган «Золим»га,
Икки дунё бўлсин лаънат–,устозим!
Қилгай энди мангу ҳасрат–,устозим!!

Куфр доим ғолиб бўлиб турмагай,
Аҳли имон ҳаргиз мағлуб бўлмагай,
Ҳаёт низомини инсон қурмагай,
Уларга ҳам келар навбат – Устозим!
Ўлмасак кўрармиз албат – Устозим!

Илм лозим экан ҳар мусулмонга,
Ҳидоят истовчи оқил инсонга,
Илм берди Аллоҳ,-Ўзбекистонга,
Қадрингиз билмади давлат – Устозим!
Ҳақни рад қилди бу «бадбахт» – Устозим!

Фалокатни кўра олмайди инсон,
Ҳақни рад қилганлар, қолмаган омон,
Келади, Аллоҳнинг ҳукми бегумон,
Бордир Аллоҳ битган мухлат – Устозим!
Чунки бу ўзгармас суннат –Устозим!

Сиз кетдингиз, даъват бўлмади тамом,
Ҳали даъватдасиз собит бардавом,
Сиз сабаб ҳидоят топмоқда авом,
Қолдирдингиз улуғ ибрат – Устозим!
Ҳануз қиляяпсиз хизмат –Устозим!

Сизга Аллоҳ илм,- ҳикмат берганди,
Шижоату-журъат-ҳиммат берганди,
Шунга лойиқ синов, қисмат берганди,
Аллоҳ сизни қилгай раҳмат – Устозим!
Жаннатда кўргайсиз иззат – Устозим!

Бу қисмат асли Ҳақ инояти бу,
Қуръон хабар берган ривояти бу,
Яратган Аллоҳнинг ҳидояти бу,
Саҳвийда бор, шундай ният — Устозим!
Жаннатда қилгаймиз суҳбат — Устозим!

Муаммо

1.

Нима қилмоқ керак дўстларим,
Инсон каби яшамоқ учун?
Нима қилсак кўнглимиз тинчу,
Нонимиз ҳам бўлади бутун?!

Нима қилсак кўтарилади,
Бошимиздан зулму қабоҳат?!
Қачон тугар кўрқув даҳшати,
Диктатор деб аталган офат?!

Қачонгача нон илинжида,
Қул бўламиз қозоқ, русларга?!
Қачонгача корейс йигитлар,
Уйланади ўзбек қизларга?!

Нима учун бошни кўтариб,
Золимга тик қараолмаймиз?!
Нима учун ўз сўзимизни,
Биз баралла айтаолмаймиз?!

Қўрқоқликни охири борми?,
Хоинликни борми поёни?!
Йигирма йил сабр қиламиз?,
Тўкилмоқда халқимиз қони!

Араблару ажамлар барча,
Ўз ҳаққини қилмоқда талаб.
Зулматдан сўнг чиққани каби,
Қуёш нурун сочиб эрталаб!

Улуғ Аллоҳ Ислом неъматин,
Ато этган эди бизларга.
Қўлимизда манҳажимиз бор,
Яна нима керак сизларга?!

Барча шаръий ақлий далиллар,
Ҳатто қонун бизлар томонда.
Кимни кутиб турибмиз энди,
Одам ҳиссиз бўлса, ёмонда.

Нима қилмоқ керак дўстларим,
Инсон каби яшамоқ учун?
Нима қилсак кўнглимиз тинчу,
Нонимиз ҳам бўлади бутун?!

2.

Нима қилмоқ керак дўстларим,
Озод эркин халқ бўлмоқ учун,
Инсон бўлиб яралганимиз,
Унутмаслик, ҳис қилмоқ учун?!

Ўзига бек халқми ўзбеклар?,
Ўзгага қул эмасми ахир?!
Шунга ишнасизми сизлар?,
Ё нафсига қулмасми ахир?!

Ким хор қилди ахир бу халқни,
Ҳокимларми, ёки тўралар?!
Охиратда ҳисоби аниқ,
Ҳали дунёда ҳам сўралар!

Доим пахта далаларида,
Ҳисса қўшиб катта хирмонга.
Эрталабдан кечгача ишлаб,
Қорнимиз ҳеч тўймади нонга?.

Нима учун намоз ўқисак,
Бадном бўлар бизни отимиз?.
Нима учун? Дея сўрасак,
Қуритилар буткул зотимиз?!

Етмасмиди чеккан зулмлар,
Даҳрийларни қўлида юз йил?!
Қачон бу халқ ўзлигин англар?,
Қачон қадрин билади буткул?!

Қачон қўлга киритар бу халқ,
Ўз хурмату, озодлигини?!
Қачон тугатаркан Золимлар,
Ўз халқига бедодлигини?!

Биз қилмасак талаб ҳаққимиз,
Ҳақ йўлига тиколмасак жон.
Доимо хорликга ҳақлимиз,
Биз бўлмасак ҳақиқий инсон!

Нима қилмоқ керак дўстларим,
Озод эркин халқ бўлмоқ учун,
Инсон бўлиб яралганимиз,
Унутмаслик, ҳис қилмоқ учун?!

3.

Нима қилмоқ керак дўстларим,
Ривож бермоқ учун Исломга?!
Ҳақ ва ботил йўлларин бир бир,
Баён этмоқ учун авомга?!

Нима қилсак бизни ҳокимлар,
Террорист деб, ўлдирмайдилар?,
Нима қилсак эркин яшаймиз?,
Ўзгаларга қул қилмайдилар?!

Саволлар кўп жавоблари йўқ,
Бу халқ исён қилиб бўлдимиз?!
Мардлар қани, шартмас қурол ўқ,
Турмаларда ўлиб бўлдимиз?!

Исён учун энди бу халқнинг,
Қолмадимиз, аҳди, имони?!
Мутеъ бўлиб ўтирган билан,
Тўқияпди барибир қони?!

Итдек талар ментлар, тўралар,
Қулдек ишлаб, яшар бу халқни.
Қачонгача қулдек яшайсиз?,
Қачон талаб қиласиз Ҳақни?!

Бизлар каби буткул хору зор,
Бўлган, бошқа халқ йўқ оламда.
Қачонгача ичар қонимиз,
Ғурур бўлсин экан одамда!

Эй Халқ кўзғол ўз ҳақнинг учун,
Маҳбус ўғлинг қил ахир озод!
Ҳалиям жим турасан нечун?,
Сенга ноҳақ қилишар бедод!

Қўрқув қилмас умрингни узун,
Мардлик умринг қисқартирмайди.
Ажал битилгандир азалдан,
Ажал етмай одам ўлмайди.

Етар энди кўрқиб яшамоқ,
Кўрққанлар ҳам ўлиб кетмоқда.
Кўрмасдан ҳам яшаб кўрайлик!,
Ўзгаришлар даври етмоқда.

Ҳамма диндор ҳамма мусулмон,
Бас қилайлик ихтилофларни.
Токи Зулм йўқолмас экан,
Бари бир пул қилган лофларни.

Биз ҳаммамиз бир жон тан бўлиб,
Золимларга қилайлик хитоб.
Кўзғалинг эй сиз Ўзбек Халқи,
Энди сиз ҳам қилинг инқилоб!

Қабристонда

Туғён урар дилимда зорлар,
Қисмат бизга, қадрдон эмас.
Атрофимда кўпдир мозорлар,
Мен истаган қабристон эмас.

Бир зиёрат қилиш имконсиз,
Ота Онам ётган маконни.
Инсон учун билиш имконсиз,
Қайси ерда топширар жонни.

Маконимиз совуқ ўлкалар,
Атрофимда бордир қабристон.
Лекин менга бегона улар,
Кўнглим мени тортмас у томон.

Мен зиёрат қилолмадим ҳеч,
Азизларим хоки пойини.
Ноиложман, энди қолдим кеч,
Ҳақ жаннатдан қилсин жойини.

Ўз жасадим қайда қолишин,
Ўйланиб ҳам кўрмадим ҳали.
Ким билади қачон ўлишин,
Ҳамма ўлар, келганда гали.

Туғён урар дилимда зорлар,
Қисмат бизга, қадрдон эмас.
Атрофимда кўпдир мозорлар,
Мен истаган қабристон эмас.

Сентябрь 30, 2012

Ўхшайди

Дўстлар қаранглар кўз очиб оламга,
Дунё ажиб бир бозорга ўхшайди.
Мен ҳайронман, ҳайрон эмас одамга,
Кимлар безор, кимлар зорга ўхшайди!

Тепамизда ўтирибди золимлар,
Уларга ёрдамига тайёр олимлар,
Умид бирла қараб, ақли солимлар,
Йиллар кутиб, интизорга ўхшайди.

Катта офат олдида барча халқлар,
Бирлашмоқда, турли эллар элатлар,
Бизга ёпишган бедаво ўлатлар,
Қисмат бизда, бир қасди борга ўхшайди.

Юртимизга кириш чиқиш муаммо,
Бундай аҳволдамас, бирор халқ аммо,
Гўё ватан эмас, зиндонда ҳамма,
Тикан симли бир деворга ўхшайди.

Қани мулозимлар, қани ҳукумат,
Қани эл дардига заррача ҳурмат,
Инсон қадрини бугун, бир пулга қиммат,
Қуллик бизда ифтихорга ўхшайди.

Бизда жимлик шарт, гапириш мумкинмас,
Нима бўлаяпди, билиш мумкинмас,
Ночормиз, ҳеч нарса қилиш мумкинмас,
Ҳамма ҳаётдан безорга ўхшайди.

Ўзимизда эмас бу кун хаёллар,
Ҳаромлар кўпайди камдир ҳалоллар,
Пул молу дунё учун аёллар,
Гўё сени севган ёрга ўхшайди.

Ҳаётимиз хулқимизда ўхшашлик,
Ишимиз айбимизни хаспўшлашлик,
Мунофиқлик, хиёнат пасткашлик,
Бир бирига, дўсти ёрга ўхшайди.

Қирғинбарот бўлаяпди миллатлар,
Кун кундан аҳволи ночор элатлар,
Яширилсада қанчалар иллатлар,
Дарди пинҳони ошкорга ўхшайди.

Қани ислоҳ сари босган қадамлар,
Яшашликдан, ўлим осон бу дамлар,
Ўз ўзини ўлдирмоқда одамлар,
Бугун булар сарбадорга ўхшайди.

Тугамади бошимиздаги қайғу,
Ҳаётимизга солдиларку оғу,
Уйлар совуқ ва тун каби қоронғу,
Зимистонда совуқ, ғорга ўхшайди.

Тубанликни йўқ экан интиҳоси,
Одам нафси, юҳоларнинг юҳоси,
Бунча паст бўлмаса, инсон баҳоси,
Айёрлардан ҳам айёрга ўхшайди.

Ҳайронман бу фитна тўла замонга,
Яхшилар қолмади, тўлди ёмонга,
Кўриниши одам, хулқи шайтонга,
Шу ерда ҳам бир сир борга, ўхшайди?!

Кўҳна дунё ақлларни соҳири,
Борми фитна фасодларнинг охири,
Кўриняпди, ботинлари зоҳири,
На бозорга на мозорга ўхшайди?!

Қашшоқ бўлиб хор бўлди Ўзбекистон,
Бизлар қилмасак ким қилар гулистон,
Туғади халқ сабри бошланди исён,
Яқин келгандир, баҳорга ўхшайди.

Тўкилмоқда элни бегуноҳ қони,
Азиз эмас бугун одамни жони,
Нега ушбу халқни жўмард ўғлони,
Қул бўлишликга тайёрга ўхшайди.

Биз нима ғамдаю, сен нима ғамда,
Кимгадир дунёни жамласа камда,
Мардлик, журъат, топилмаса одамда,
Бедаво дардга дучорга ўхшайди.

Шудир ҳаётимиз бичими Саҳвий,
Қани адолатни тизими Саҳвий,
Қани муаммолар ечими Саҳвий,
Куйиб пишганинг, бекорга ўхшайди.

22 февраль 2012

Соғинч

Уммонлар ортида, ўрмон ичида,
Яшаймиз, дилларда соғинч ҳукмрон.
Серқуёш ватанни соғинар жуда,
Кўнгилни тинчителиб бўлмади ҳамон.

Амунинг бўйида, саҳро қўйнида,
Қолди азиз Ота-Онам мозори.
Хотира азиздир инсон кўнглида,
Шу сабаб азиздир балким, диёри?

Бизлар умид билан кутиб яшаймиз,
Кутишар барча дўст, қавму-қариндош!
Оқибат не бўлар, лекин билмаймиз,
Кўрармизда охир, омон бўлса бош!

Толиб акага атаб;

Улуғ ғоялардан суғорилган рух,
Яшади даҳрийлик истибдодида.
Ота боболарин васиятлари,
Зеҳнин эгаллади, ёшлик чоғида.

Уни синдирмади даҳрий ғоялар,
Синдира олмади, оғир синов ҳам.
Елкасида олиб ўтди дунёни,
Ҳануз тугамади йўлида ғов ҳам.

Умри илм ила, бахшида инсон,
Қадрини топмади, даҳрий замонда.
Инсон ҳуқуқларин ҳимоя қилиш,
Осон иш эмасдир, Ўзбекистонда.

Уни илми, ақли, тафаккурини,
Қамраб ололмайди, ноқис зеҳнлар.
Бу зотни борлиғи, дил шуурини,
Ғанимат эканин, билмасмикинлар?!

Қаранг, ҳар миллатнинг фозил доноси,
Кексайган чоғида, яшар ардоқда.
Бутун умри ўтиб, кураш домида,
Хали тўхтамади, қариган чоқда.

Аллоҳ ажр берсин хизматингизга,
Нонкўр миллат учун, кадрсиз инсон.
Баён айлай дедим, меҳримни сизга,
Мен учун қадрли, Устоз, Отахон.

Ажалим етса

Мен шу кураш йўлида ўлсам,
Чиқса имон билан бу жоним.
Менга аза тутмасин ҳеч ким,
Йиғламасин дўсти ёроним.

Гапирмасин мени радиолар,
Керак эмас, митинг намойиш.
Бир куну ўлишим шарт эди,
Ўлим, балким менга осойиш.

Фарқи нима қаерда қолар,
Ватандами, ғурбатда лошим?!
Асосийси, раҳм этсин Аллоҳ,
Бошқа нарса оғритмас бошим.

Фарқи нима кимлардир менга,
Ўқийдими жаноза намоз?!
Фарқи нима қиларми дуо,
Фарқи нима эсларми кўп, оз?!

Эртами кеч, кечами кундуз,
Бир йилдан кейинми, ё бир ой?!
Имонимни ҳамроҳ қилса бас,
Танламасман мен ўзимга жой!

Афсус...

Бизга имкон берилди бугун,
Лекин, ҳеч иш қилаолмадик.
Кечир бизни Роббим, биз улуг,
Ниятларга етаолмадик.

Жафокаш халқ озодлиги чун,
Чорлолмадик, курашга халқни.
Ҳеч топмади ишимиз ривож,
Кўрмадик ҳеч натижа, нақдни.

Бизга кўшилмадилар бари,
Ўзбекларнинг муҳожирлари.
Ватан ободлигин истаган,
На тақводор, на фожирлари.

Ватанда ҳам кутаяпди халқ,
Кимдир келиб, қилишни озод.
Ўзимиз қилмасак, бирлашиб,
Ким қилади бу юртни обод?!

Улуғ ғояларни кўтариб,
Чиққан билан топилмас чора.
Бутун умр қул каби, ғариб,
Яшаб ўтса, бу халқ бечора.

Жаслиқ турмаси

Қуриётган орол бўйида,
Бийдек чўлда қурилган Зиндон.
Жаслиқ деган, кичик бир қишлоқ,
Борлигин билди бу Жаҳон.

Бу кимсасиз саҳро қаърида,
Каримовнинг жазо макони,
Жаллодлари тўпланиб олиб,
Қон ичар борича имкони.

Бу турманинг маҳбуслари ким?
Кимлар бунда топширдилар жон?!
Бу турмани жаллодлари ким?!
Нега жимсан,эй Ўзбекистон?!

Кимнинг пули маблағи билан,
Кимлар маош олади бунда?!
Кимнинг фарзандлари жон берар,
Ўликлар чиқади ҳар кунда?!

Эй, имони бутунлар айтинг,
Нолишингиз етгай Худога.
Сизнинг азиз фарзандларингиз,
Лойиқмиди шундай жазога?!

Лойиқмиди ёш, ўспиринлар,
Зулм билан топширишга жон?!
Нега жимдир дунё,нега жим?,
Имон даъво қилган мусулмон?!

Жаслиқ деган,ёшлар умрини,
Гўёки бир офат, заволи.
Ўтиб йиллар, ўтиб асрлар,
Тутар бизни, бунинг уволи.

Хоҳласақда хоҳламасақда,
Ўтмиш ҳам биз,келажак ҳам биз.
Шу бугунниқилолмай ислоҳ,
Билмам қандай юксалажакмиз?!

Керакмас

Бошига иш тушса одамзод,
Юракни тор қилиш керакмас.
Ўз ичига ютиб дардини,
Сирин ошкор қилиш керакмас.

Муаммога топмасанг чора,
Нима бўлса бўлар, начора?,
Ўзингни ҳис қилиб бечора,
Ғамни бисёр қилиш керакмас!

Ўз айбини билмас одамзод,
Ким у,Шайтон макридан озод?,
Яшаш керак имкон қадар, шод,
Бўлмаса, зор қилиш керакмас!

Чекмас биров учун биров ғам,
Чекса, билки дўстинг шу одам.
Тополмасанг дилинга малҳам,
Бировни хор қилиш керакмас!

Кўпдир ечими йўқ муаммо,
Яшар ҳам ким билганча аммо,
Мабодо, сен бўлсанг уламо,
Омийдан ор қилиш керакмас!

Дўсти киму душманлари ким,
Англаёлмас одамзод ҳар ким,
Майли, хато қилсада балким,
Яна такрор этиш керакмас!

Сўрарман бу калом ҳаққини,
Унутмагин салом ҳаққини!
Мусулмонлик, Ислом ҳаққини,
Буткул, бекор этиш керакмас!

Меҳр билмаганлар

Меҳр билмаганлар, билмасин ҳаргиз,
Меҳр билмасларга жафо қилибман.
Аҳил бўлмаганлар бўлмасин ҳаргиз,
Айбим, мен ваъдага вафо қилибман.

Мен бундай ҳолатга ўкинган эдим,
Очиқ сўз айтишдан чекинган эдим,
Валлоҳи, юракдан ачинган эдим,
Афсус, энди билсам хато қилибман!

Ўзига билинмас одамни нуқсон?,
Лекин ташқаридан кўринар аён,
Ҳаммамиз хатокор, ҳаммамиз инсон,
Десам, гўёки “мен иғво қилибман”.

Ҳақ гап туққанинга ёқмайди..., тўғри,
Сув пастдан юқори оқмайди..., тўғри,
Кўзинг ҳақиқатга боқмайди, тўғри,
Аммо, мен бурчимни адо қилибман!

Курашдан қайтаролмас

Озми кўпми, дунёда яшаб,
Зулмга мен қарши туролдим.
Қурол олиб бўлмаса ҳамки,
Тилим билан гапираолдим!

Қурол билан курашмадим ҳеч,
Чунки, бунга бўлмади имкон!
Қалам билан курашдим доим,
Тўхтамадим ҳали бирор он!

Зулм кўрдим золимдан анча,
Бесабрдир менинг мижозим.
Ҳалигача синдириб Золим,
Ўчира олмади овозим!

Зулмга чек қўйишлик, ҳаёт.,
Мазмунидир менга яшашдан.
Балким мени ўлдирар Золим,
Лекин қайтаролмас, курашдан!

ИАКга...

Сенинг бахтинг келгани,
Қўйдек ювош халқинг бор.
Омадингни чопгани,
Тулкига хос, хулқинг бор.

Ўзи асли бир пасткаш,
Қўрқоқ феъли бадкорсан.
Тулкилардек, шерларнинг,
Сарқитига тайёрсан.

Атрофдаги жанжаллар,
Кирди жонинга оро.
Сенга салом берарлар,
Казо казо кун аро.

Ҳеч киммас эдинг асли,
Бўлиб қолдинг қаҳрамон.
Бузилганда элу юрт,
Ҳамма ёқда тўполон.

Меҳнаткашу мулойим,
Қўйдек халққа Ҳокимсан.
Ўзинг шуларни бири,
Ўйлаб кўрмассан кимсан?!

Шер ортида қуёндек.
Талпинасан чор тараф.
Доим хавфда яшайсан,
Қуёнсан, қуёнюрак.

Ўйламагил асли сен,
Доим чопар омадинг.
Бир кун эмас бир куни,
Келади сени галинг!

Ўз халқига зулм этган,
Албат охир бўлар хор.
Ё, турмадир оқибат,
Ёки сени кутар дор!

Ўз халқинг бўлса душман,
Сенга ҳеч ким бўлмас дўст.
Суянган тоғлар сени,
Терингдан шиларлар пўст!

Қутиб тургил оз қолди,
Барча аломат зоҳир.
Хорлиқ кутади сени,
Билгил, оқибат охир!

Эзгу ниятларни Ҳақ мададкори

Қачон кўз очилар, ҳиссиз қалбларда?
Қачон ҳақиқатни кўриб тан олур?!
Қачон ўз йўлини топар оломон?,
Қачон адашганин тушунар, билар?!

Қачон бу жафокаш юрт фарзандлари,
Бирор тўғри йўлни топади, қачон?!
Қон ичиб тўймаган Золимга қараб,
«Зулмни бас қил!, деб, айтади, қачон?!

Сабрли, тоқатли, бўлсада бу эл,
Сабрин косалари тўлиб бўлдику?!
Асл ўғлонлари, баҳодирлари, Т
урмаларда бир бир, ўлиб бўлдику?!!

Қачон бирлашади, уламолари?,
Воқеъликга қараб, қўйилар қадам?!
Қачон жамланади, жамоалари?,
Қачон кўтарилар, бошимиздан ғам?!

Қачон чек қўйилар ноҳақликларга?,
Қачон қўйилади, адолат мезон?!
Қачон қулар омад, бу шўрликларга?,
Қачон ўз қадрини топади, Инсон?!

Кимдан кутишади нажот, Зулмдан?,
Ким келиб қуради, яхши бир ҳаёт?!
Жаҳолат емириб бўлдику, зимдан,
Нега қимирламай, турибсиз ҳайҳот?!

Қай бири тоғдаю, қай бири боғда?,
Гарчи бирдир, улар йўли маслаги.
Не не гулдек умр, сўлди қамоғда?,
Кўринмайди ҳануз, Зулмни таги?!

Кутаяпсиз сабр қилиб, то ҳануз,
Ислом тикланишин, бўлиб мўъжиза?!
Орзу қилиш билан, бир иш битмайди,
Бу хаёлпарастлик, ғўрликку жуда!

Илоҳий қоида, низом шу ахир,
Курашмасак йўқолмайди истибдод!
Зулм йўқолмаса. нима қилардик?,
Биров келиб, бизни қилмайди озод!!

Зулмга баробар қарши турайлик,
Бу ислом ҳаётин бир пойдевори.
Нажот топсин мазлум мусулмонлар ҳам,
Эзгу ниятларнинг Ҳақ мададкори!

Шунчалик бўларми

Одамзод наслини қаранг аҳволин,
Шунчалик қаллоблик, дилда намоён,
Шунчалик бўларми қабоҳат, айтинг,
Шунчалик бўларми, хиёнат, ёлғон?!

Аёллар макрини кўп эшитгандим,
Шайтон макридан ҳам, улуғроқ чандон.
Бу ҳақида Қуръон бергандир хабар,
Мен бунга яқинан ишондим бу он!

Инсон инсонлигин йўқотса агар,
Шунчалар бўларкан, фитна, разолат!
Бунча тубанликга боролса инсон,
Демак яқин қолди энди қиёмат!

Урғочи шайтонга атаб

Бунчалар жирканчсан, урғочи шайтон,
Бунча фитнакорсан, эй ёвуз илон?!
Изтиробга солиб алдаб одамни,
Бунча куйдирасан, тинмай беомон!
Кўришга кўзим йўқ, юзларинг сани!
Каззобсан! Ёлғондир сўзларинг сани!

Жазоингни Ўзи берсин, Худойим!
Хорлиқ бўлсин кўрган билганинг доим!
Юзинг қаро бўлсин икки дунёда,
Яратгандан сенга шудир дуоим!
Макрингни, фош қилар кўзларинг сани,
Каззобсан! Ёлғондир сўзларинг сани!

Мени ўқиб тушунганим китобда,
Пайғамбарлар алданганлар ҳаётда,
Қуриб битсин бундай шайтонсифатлар,
Дилимга сиғмайди нафрат шу тобда!
Хазонлар учирсин изларинг сани!
Каззобсан! Ёлғондир сўзларинг сани!

Дилимни хор қилдинг, хор бўлгил энди,
Меҳр муҳаббатга зор бўлгил энди,
Аллоҳ берсин сени лойиқ жазоинг,
Шайтон билан мангу ёр бўлгил энди!
Ўшамасин сенга қизларинг сани!
Каззобсан! Ёлғондир сўзларинг сани!

Аллоҳ гувоҳ, сен қилган бу фасодга,
Қанча ноҳақликга, қанча азобга,
Менку учраб, шунча аламлар тортдим,
Бошқа учрамасин сендек каззобга!
Музлатди дилимни музларинг сани!
Каззобсан! Ёлғондир сўзларинг сани!

Биродарим Иброҳимга бағишлаб

Зулм билан шаҳид бўлган укажоним,
Эшитиб бу мусибатни дилим йиғлар.
Қиёматга қолди дийдор, шу армоним,
Дилда хазон бўлган умид гулим йиғлар.

Етим қолди ўғилчанг, тул аёлинг,
Камолотдан олдин етди заволинг,
Яратганга аёндир барча ҳолинг,
Сени таниб билган, юртим элим йиғлар.

Айбинг недир нега сени ўлдирдилар?
Роббим Аллоҳ! деганингни айб билдилар.
Тангрим билур кимлар сенга зулм қилдилар.
Баён этолмай хисларим, тилим йиғлар.

Сен синовдан ўтдинг имон омон қолди,
Бизга ушбу фитна тўла замон қолди,
Нелар кутар бизни ақлим ҳайрон қолди,
Ҳис қилганда эди ҳолинг, зулм йиғлар.

Аллоҳ раҳмат этгай Ўзи ризо бўлгай,
Қабринг Ҳақ нурила тўлсин, зиё бўлгай,
Бу қотиллар охир, юзи қаро бўлгай,
Аллоҳни раҳматин топган, ўлим йиғлар.

Ақлим етмас: Қодир Эгамнинг ишига,
Ҳар ким топар, лойиқ жазо қилмишига,
Боқсам фикр қилиб, бу йўл ўтмишига,
Шаҳидларни қони ювган, йўлим йиғлар.

Алданган туйғулар

Етим кўзичоқдек йиғлайди юрак,
Алданган туйғулар, изғир беором.
Тунлари юракни алдайди ҳислар,
Туш эмас ўнгингда, ўша дилором.

Алданган кўнгилда ёришмас чироқ,
Аламлар қўймайди, жимжит ётишга.
Ғазаб ва нафратга айланди кўнглим,
Ақлим ҳайрон бирор чора топишга.

Алдов ёлғон тўла ҳукмрон дунё,
Бугун хиёнатнинг, бозори чаққон.
Нафратга айланди етим муҳаббат
Демак бу дунёнинг асоси ёлғон!

Алам

Албатта, одамга оғир ботаркан,
Ҳурмат кўрмаса ўз сафдошларидан.
Ҳар хил оғир-енгил, пайти келганда,
Ҳис қилмаса кўмак, сирдошларидан.

Душман кўп атрофда, кўз тикиб турган,
Йўлларда шайтонлар тузоқлар қурган,
Айтарлар тузоққа тушганинг, кўрган,
“Менга нима унинг, кўз ёшларидан?!”

Мақсад аниқ, қани йўл изловчилар?,
Қани дили дарё, йўл бошловчилар?,
Қачон қутулар бу эргашувчилар.,
Доимий маломат, ғам тошларидан?.

Осонмас бу йўлда собит турмоқлик,
Аллоҳ буюргандек амал қилмоқлик,
Осондир бировга ақл бермоқлик,
Ўтказмай бу ғамни, ўз бошларидан.

Йўл ярмига етмай, оқсади карвон,
Умид саҳросида, одамлар ҳайрон,
Албатта, ҳурматин йўқотар раҳбон,
Қадрига етмаса, издошларидан.

Эҳ, қанчалар фитнакордир бу дунё,
Орзуларим доим, саробу-рўё,
Ниятим шу эди, ғиллу ғаш ғўё,
Бўлмаса бир-бирга, йўлдошларидан.

Майлида эй Саҳвий, на бўлса, бўлди,
Дунё ҳаётин ҳам, паймони тўлди.
Одамзод дилида, ишонч ҳам ўлди,
Ўзаро, қариндош-қардошларидан!

Фирибгарларга

Қандай яхши сиз учун ҳаёт,
Йўқдир ҳеч бир ташвиш муаммо.
Ўз қорнингиз тўқ бўлса басдир,
Ўзга учун қайғурманг аммо!

Доим гапиринг ташвишлардан,
Тингламанг ҳеч кимни дардини.
Керак бўлса йиғланг ишонсин,
Дилга теккизмай ғам гардини.

Шунда сизларни ҳеч фирибгар,
Каззоблар ҳам алдаёлмаслар.
Доим сизга раҳм қилишар,
Сиздан ёрдам сўраёлмаслар.

Ёлғонниям дўндириг ростга,
Хуллас сизни ишингиз битсин!
Ҳаргиз биров учун қийналманг,
Бошқаларни, майли ер ютсин!

Тупуринглар имон виждонга,
У нарсага қорин тўймайди.
Кўпроқ алданг борида имкон,
Ёшинг ўтгач алдаб бўлмайди.

Алданг тезроқ ва кўпроқ, хуллас,
Қабргача рост гап гапирманг.
Мени сизга маслаҳатим шу,
Ўлгунгача ҳеч тавба қилманг!
27 декабрь 2012 йил

Истиқлол келмади Ўзбекистонга

Истиқлол келмади Ўзбекистонга,
Бизнинг “Мустақилмиз” деган гап ёлғон!
Биз қул бўлиб яшаб келаётирмиз,
Буни тан олинглар, эй сиз оломон!

Қаранглар бу кунги дунё халқига,
Қуллик занжирларин узаётирлар.
Ўзларин ҳаётин ўзлари бугун,
Бирлашиб бошқадан қураётирлар!

Мазлумлар ўз ҳаққин, талаб қилмаса,
Золим ичаверар халқнинг қонини.
Ўзимиз қўлидан олмасак тортиб,
Бермас улар, еяётган нонини.

Етар энди шунча хорлик азоблар,
Паймонамиз буткул тўлиб бўлдику!
Қачон қўзғаласан эй ўзбек халқи?,
Фарзандинг турмада ўлиб бўлдику?!

Истиқлол келмади Ўзбекистонга,
Бизнинг “Мустақилмиз” деган гап ёлғон!
Биз қул бўлиб яшаб келаётирмиз,
Буни тан олинглар, эй сиз оломон

Кураш майдонида

Ажиб кураш экан бу жангоҳ,
Ким дўсту ким душман билинмас.
Хато қилсанг адашиб ногоҳ,
Кейин сенга раҳм қилинмас.

Атрофинги кузатар кўзлар,
Диққат билан, кўзга илинмас.
Жонга тегар дашномли сўзлар,
Буни ҳар ким тасаввур қилмас.

Ногаҳон қоқилиб, йиқилсанг,
Сен томонга назар солинмас.
Сен қанчалик жон фидо қилсанг,
Сени ҳеч ким, кўзига илмас.

Бир кимса йўқ, ишончли содиқ,
Қоя каби, жойидан жилмас.
Ҳамма бир кун бўлажак собиқ,
Буни ҳеч ким тушунмас, билмас.

Сурия йиғлайди

Башар Асад, сени хор қилсин Худо,
Ўз халқинга қилдинг зулм истибдод.
Сен қонхўр, бўлгансан имондан жудо,
Дод, сени дастингдан Золим Асад, дод!

Сурия йиғлайди, йиғлар ер, осмон,
Тутади оламни она фарёди.
Қолмабди заррача, инсофу виждон,
Наҳотки булар ҳам Одам зурёди?!

Шунчалик бўларми зулм, ё Аллоҳ,
Инсон бўлар экан, даҳшатли махлуқ.
Тириклай кўмсалар инсонни эй воҳ,
Заррача ўйланиш, ё ачиниш йўқ.

Беғуноҳ гўдаклар бераяпди жон,
Ким бор, бунга қарши кўришга чора?
Етган жароҳатдан, тинмай оқар қон,
Ким бор, булар зорин, эшитса зора?!

Эй беғуноҳ ўлган, шаҳид гўдаклар,
Эй зулм даврининг, ожиз қурбони!
Сизларни ўлдирган бу тош юраклар,
Жаҳаннамда мангу қийналсин жони!

Эй инсонлар, қаранг атрофингизга,
Бундай зулм, тоқай, этаркан давом?!
Демак, инсон номи, лойиқмас сизга,
Демак-ки, фароғат, сиз учун ҳаром!

Йиғламагин

Агар оғу солсалар ошга,
Пешонанги урсалар тошга,
Не савдолар тушса-да бошга,
Йигит, йиғламагил дунёда!

Ватанингдан қувиб солсалар,
Молу-мулкинг тортиб олсалар,
Номинг бадном қилиб, толсалар,
Унут, йиғламагил дунёда!

Тўхмат, бўҳтон қилсалар агар,
Сени хоин билсалар агар,
Юрагинги тилсалар агар,
Қулгил, йиғламагил дунёда!

Айрилганда ёру-ёрондан,
Оғирроқ дард йўқдир ҳижрондан,
Айриламиз ҳаммамиз жондан,
Укам, йиғламагил дунёда.

Қайғу чекиб, гар адо бўлсанг,
Сарсон бўлиб, хор гадо бўлсанг,
Ажал етиб жон фидо бўлсанг,
Ҳаргиз йиғламагил дунёда!

Йиғласанг майли

Саҳар туриб, ёд эт Худони,
Яратганга айлаб нидони,
Дилда тутиб хавфу-ражони,
Тавба қилиб, йиғласанг, майли.

Эслаганда ота-онангни,
Кўз ёшларинг аритар зангни,
Соғинганда азиз болангни,
Сабр қилиб, йиғласанг, майли.

Соғинганда дўсту-ёрингни,
Тингламаса биров зорингни,
Унутсалар сенинг борингни,
Алам қилиб, йиғласанг, майли.

Эслаб охиратнинг азобин,
Роббинг сенга қилган хитобин,
Тангри нозил қилган китобин,
Ўқиб туриб, йиғласанг, майли.

Қара, Аллоҳ неъматларига,
Ақлинг бовар қилмас барига,
Фикр айлаб ҳикматларига,
Шукр қилиб, йиғласанг, майли.

Сени одам дейиш керакмас

Эй, ит каби увлаётган зот,
Бас қил томошони, керакмас.
Бунча увиллама мен томон,
Менинг ёзганларим суякмас.

Итларга менгадим ногаҳон,
Итлар сендан афзал бегумон,
Одам суратидаги шайтон,
Кўксингда тош сенинг, юракмас.

То умрингни охиригача,
Итдек увла, ухламай кеча,
Шунда сени дерлар “итбачча”,
Тилакларим “ёмон” тилакмас!

Агар бўлса, озгина номус,
Аккиллашдан бўларсан, хомуш,
Табиатинг бўлса каламуш,
Сени одам дейиш керакмас.

Унутма зинҳор!

Эй, ойдинлик кўрмай, ўтаётган халқ,
“Буюк келажак”ни кутаётган халқ,
Армонларин дилга ютаётган халқ,
Бас, етар, қаддинги тиклагил бир бор,
Темур авлодисан, унутма зинҳор!

Етар қон ичгани даҳрий золимлар,
Қачонгача алдар сохта олимлар,
Қўтар Эрк туғини, ақли солимлар,
Ўзингда бор куч ва ғайрат, иқтидор,
Сен инсонлигингни унутма зинҳор!

Битсин золимларнинг тикан симлари,
Парчалансин, омон қолмасин бари,
Озод бўлиб, қадам ташла илгари,
Авлодлар сиз билан бўлсин фахрдор,
Ҳеч кимдан каммассан, унутма зинҳор!

Фарзандинг зулмга дучор бўлмасин,
Етар жим турганинг, такрор бўлмасин,
Бу золим қанчалик айёр бўлмасин,
Ҳақ учун курашсанг, Аллоҳ мададкор,
Нусратини берар, унутма зинҳор!

Мен золим заволин бўйин туярман,
Мазлум халқим, сени ўйлаб куярман,
Сенга нидо қилдим, сени суярман,
Инсондек яшашга сенинг ҳаққинг бор,
Ўз қадр-қимматинг, туширма зинҳор!

Илҳом париси

Дилинга бермаса таскин туйғулар,
Кечалар кўзингдан қочса уйқулар,
Хаёлингни олса мавҳум қўрқувлар,
Шундай бўлар, илҳом париси келса.

Қизиқ бўлар, билсанг, бундаги ҳолат,
Нимадир ёзмасанг, бўлмас ҳаловат,
Айтинглар, неъматми бу ёки офат?
Билолмадим, илҳом париси келса.

Ёлғизликни истар дилинг шу тобда,
Балки бу жинларнинг сеҳри ҳисобда,
“Хаёлпараст бўлар” деган, китобда,
Шоир зоти, илҳом париси келса.

Севги нима

Сени мафтун этса, қайси дилором,
Ишқинг, эътиқодда бўлса гар ҳаром,
Агар топмас экан, руҳият ором,
Билки, бу – севгимас, шайтон тузоғи!

Ақлинги йўқотсанг, ишва нозидан,
Маст бўлсанг, эшитиб, сўз овозидан,
Фатво сўраб юрма энди қозидан,
Тушун бу – севгимас, шайтон тузоғи.

Севги дил қаърида, яширин туйғу,
Уни ошкор этиш, катта бир қайғу,
Гапириш шарт эмас, тушунилар у,
Бошқа ҳис – севгимас, шайтон тузоғи.

Севги бўлса дилда, аввал Худога,
Демак, туйғуларинг кетмас ҳавога,
Йўқса, йўлиқарсан нафси балога,
Англа, бу – севгимас, шайтон тузоғи.

Ўғилчамга аталган шеърлар

Қўнғироқдек йиғи, инғоқларингни,
Ширин кулгичларинг, ёноқларингни,
Қора кўзларингни, қароқларингни,
Дадажоним кўрмай кетдилар, афсус.

Бидиллаган тили бийронларингни,
Ҳайрат билан боққан, мужгонларингни,
Ҳаётимга мазмун, илҳомларингни,
Онажоним кўрмай кетдилар, афсус.

Сен Ёлғиз Аллоҳга бир қул бўлганинг,
Боғимда очилган бир гул бўлганинг,
Дадамга неварга, ўғил бўлганинг,
Бобожонинг билмай кетдилар афсус.

Ўзинг боққин дея, болаларингни,
Бизга ташлаб барча ғалваларингни,
Бешикинг устида аллаларингни,
Бувижонинг айтмай кетдилар, афсус.

Ўғлимга

Марҳабо кел ўғлим, Фоний дунёга,
Сен отанг қирқ ёшга етганда келдинг,
Йўлингга кўз тутган бобо, момонгни,
Дунёни тарк этиб кетганда келдинг.

Улар дийдорингдан бўлган умидвор,
Қиёмат охирга қолибди дийдор,
Неча йиллар кутиб, бўлиб интизор,
Ўрзу умидлар ҳам, битганда келдинг.

Сенга Ватан бўлди, ғурбат диёри,
Отангда йўқ ҳануз эрк ихтиёри,
Келар навбат билан қисматда бори,
Ёлғизлик жонимга текканда келдинг.

Марҳамати бўлсин сенга Аллоҳни,
Чин уммати бўлгил Расулulloҳни!
Фитналик оламда, даданг гумроҳни,
Сабримнинг косаси тўлганда келдинг.

Эй Фарзанд! Илоҳо соҳиб имон бўл!,
Аллоҳ ёринг бўлсин, доим омон бўл!,
Оқилу, Олиму, бир мард ўғлон бўл!,
Сен кўзлар қувончин кутганда келдинг.

Содиқ бўл аждодлар эътиқодига,
Лойиқ бўл ҳамиша инсон зотига,
Тайёр бўл, Эл юртинг, халқ имдодига,
Йиллар йўлингга кўз тутганда келдинг.

Ҳамд бўлсин, ҳақнинг бу иноятига,
Бошласин сени ўз ҳидоятига,
Лойиқ фарзанд қилсин, бобонг отига,
Сен улар синовдан ўтганда келдинг.

Сен ғариб кулбамга нур сочган қуёш,
Ортиқ кутишгаям йўқ эди бардош,
Сен Саҳвий, тунлари кўзларида ёш,
Аллоҳга дуолар этганда келдинг.

Ўғлимга

Мен сенга Дадамни исмин қўйгандим,
Исминга мувофиқ бўлгин ўғилчам.
Лойиқ йигит бўлгин, Бобонг исмига,
Сени Кўрса, хушнуд бўларди Дадам!

Илм ол, Олим бўл, ҳофиз қуръон бўл,
Заволи бўлмасин топган камолинг.
Сен менга Роббимнинг иноятисан,
Кўзларим қувончи ҳусни жамолинг!

Агар дуо қилсанг, ўтсам дунёдан,
Аввал дуо қилгил, азиз Бобонгни!
Мағфират тиласанг менга Аллоҳдан,
Бобонгдан сўнг, менга қилгил дуонгни!

Сен менга ўхшама, дадамга ўхша,
Мени фаҳрим бўлган Зот эди дадам.
Шундай васият қил фарзандларинга,
“Бобомизга лойиқ бўл!, деган дадам”

Менга ўхшамагил ҳаргиз Полвоним,
Отангда кўп эрур, нуқсони ками.
Бобонга ўхшасанг, азиз ўғлоним,
Шу ғамгин дилимга, Ҳақнинг малҳами!

Кечир

Эй менинг ўғилчам, кўзим қароғи,
Ортимда ёққувчи, уйим чироғи,
Билсанг кўп дадангни, дилинда доғи,
Кечир илму урфон, нур беролмасам.

Азал битган бўлсин порлоқ иқболинг,
Нигоҳбонинг бўлсин Ҳақ Зулжалолинг,
Агар ўтиб кетсам кўрмай камолинг,
Кечиргил, мен сенга тўй беролмасам.

Мен сенга Аллоҳдан имон тилайман,
Мардлик, жасорат, соф виждон тилайман,
Ҳар балодан амну-амон тилайман,
Кечир она ватан, уй беролмасам.

Мен сенга бир дардли, дoston қолдирдим,
Ўзим олиб кетмас, армон қолдирдим,
Ҳаққинга дуои-имон қолдирдим,
Кечир молу дунё, пул беролмасам.

Ўтар дунё экан, бири кам дунё,
Ҳаёт ҳам омонат, туш каби гўё,
Уқбо абадийдир, бу ҳаёт рўё,
Кечир хурсанд кунинг, гул беролмасам.

Аллоҳ бўлсин сени доим паноҳинг,
Чексиз меҳрибондир билгил Аллоҳинг,
Кетса бу дунёдан, гар қиблагоҳинг,
Кечир ғам чекканда, дил беролмасам!

Ўғилчамга атаб

Беадад санолар айтай, Аллоҳга,
Самаралик қилди менинг боғимни.
Жуда айлаб ватандан, ақрабодан,
Мазмунсиз қилмади, ғурбат чоғимни.

Аллоҳ неъмат берди, энди зормасман,
Энди зерикмасман, интизормасман,
Ҳатто ўйнатишга вақт тополмасман,
Қариганда топган, “ўйинчоғ”имни.

Кошки, сени Ота-Онам кўрсайди,
Начора, тақдир шу, кўнгил қўмсайди,
Бидирласа, тинглаб дилим яйрайди,
Тиллари шириним, “қўғирчоғ”имни.

Ҳидоят устида бўлгайсан қоим,
Саодатли бўлсин толеъинг доим,
Умрин узун қилғил, Ўзинг Худойим,
Менинг дунёда энг, яқинроғимни.

Бир ожиз бандаман, баъзан ўйларман,
Дилимни дардларин Сенга сўйларман,
Албатта, ўғлимдан умид айларман,
Ортимда ёқар деб, “шамчиροғ”имни.

2012 йил 3 сентябр

Дод, сени дастингдан

Башар Асад, сени хор қилсин Худо,
Ўз халқинга қилдинг зулм истибдод.
Сен қонхўр, бўлгансан имондан жудо,
Дод, сени дастингдан Золим Асад, дод!

Сурия йиғлайди, йиғлар ер, осмон,
Тутади оламини Она фарёди.
Қолмабди заррача, инсофу виждон,
Наҳотки булар ҳам Одам зурёди?!

Шунчалик бўларми зулм, ё Аллоҳ,
Инсон бўлар экан, даҳшатли махлуқ.
Тириклай кўмсалар инсонни эй воҳ,
Заррача ўйланиш, ё ачиниш йўқ.

Бегуноҳ гўдаклар бераяпди жон,
Ким бор, бунга қарши кўришга чора?
Етган жароҳатдан, тинмай оқар қон,
Ким бор, булар зорин, эшитса зора?!

Эй бегуноҳ ўлган, шаҳид гўдаклар,
Эй зулм даврининг, ожиз қурбони!
Сизларни ўлдирган бу тош юраклар,
Жаҳаннамда мангу қийналсин жони!

Эй инсонлар, қаранг атрофингизга,
Бундай зулм, токай этаркан давом?!
Демак, инсон номи, лойиқмас сизга,
Билингки, фароғат сиз учун ҳаром!

Жиҳод

Дунё Муслмон Уламолари Сурияда ҳар бир муслмонга зулм низомига қарши жиҳод фарз деб фатво берди.

Мазлумлар кутмоқда Аллоҳдан нажот,
Ҳузурингдан валий нусрат юбор деб.
Разолатга ботиб бўлди бу ҳаёт,
Аллоҳ ҳам буюрди ёрдамга бор деб!
Мазлум муслмонлар бўлсин деб озод,
Олий мақсадларда қилинар жиҳод!

Дунёни эгаллаб олгандир зулм,
Ҳамма ерда хордир мўмин муслмон.
Фаластин устига ёғилар ўлим,
Ғазо тўрт тарафдан қамалда ҳамон.
Адолат йўқолиб бошланди бедод,
Биз адолат учун қилармиз жиҳод!

Мустабид тузумлар ҳукмрон элда,
Қўрқувда яшайди барча қари ёш.
Курашинглар қувват борида белда,
Майдонда синалар қуввату бардош.
Сурия Асаднинг дастидан дер дод,
Золимларга қарши қилинар жиҳод!

Қирқ йилдан ошдики йиғлайди афгон,
Тинчликни унутди бу қадим диёр.
Мўминни курашга чақирар қуръон,
Лаббай демоқ керак, кимда имкон бор?!
То ислом уммати бўлмас экан шод,
Демак, бу оламда тўхтамас жиҳод!

Роҳинжа элини ўтда куйдирди,
Бирмалик бутпараст мушрик касофат.
Биродари учун ғам чекмас элни,
Ажабмас бошига ёғилса офат.
Агар роҳинжалар чекаркан фарёд,
Демакки, биз учун фарз бўлди жиҳод!

Дунёга ҳукмрон бугун тоғутлар,
Молу дунё учун курашар доим.
Ҳақ келганда мағлуб бўлади бутлар,
Ҳақ бўлмоғи лозим устувор қоим!
Токи бўлмай туриб ер юзи обод,
Мужоҳидлар учун тўхтамас жиҳод!

Дунё ва охираат икки тарафни,
Жиҳодда жам қилди бизга Зулжалол!
Шаҳодат ва ёки иззат шарафни,
Топишни истасанг шуни эсга ол.
Аллоҳнинг каломин айлагайсиз ёд,
Азизлик ва нусрат йўлидир жиҳод!

.....

Саҳвий

2012 йил 5 январ

Бордир

Ажиб бир ҳаётда яшаб борамиз,
Атрофда турли хил инсонлар бордир.
Аниқлаб боқсангиз, улар ичинда,
Турқи одам сифат «шайтон»лар бордир.

Фоний дунё бунча бағринг кенг сани,
Бору-йуғинг, каму-қўпинг тенг сани,
Роҳатинг бир бўлса, ғаминг минг сани,
Баҳоринг ортида, хазонлар бордир.

Яшайди одамлар ғафлат хобида,
Оқибат не бўлур, Ҳақ даргоҳида?!
Бир икки огоҳлар учрар гоҳида,
Бир яхшига юз минг ёмонлар бордир.

Азал тақдирдан қочолмас одам,
Ҳар доим тўсиқдан ошолмас одам,
Ҳаётда хотиржам яшолмас одам,
Йўлда турли-туман, қопқонлар бордир.

Покиза дилларни тифсиз тилишда,
Бечораю ғарибларни шилишда,
Фиску-фасод, ҳийла, макр қилишда,
Жуда кўп бозори чаққонлар бордир.

Дилимни дардлари шеърга сочилгай,
Дард юракда бўлса, қайга қочилгай?
Бу боғларда қачон гуллар очилгай?,
Бераҳм бешафқат, боғбонлар бордир.

Туҳмат маломатлар ёғилса бошга,
Юрагинг айланиб қоларкан тошга,
Заҳарлар соларлар ейдиган ошга,
Атрофда заҳарлик илонлар бордир.

Мен турма азобин кўрганман тотиб,
Илм олдим, асли зиндонда ётиб,
Қаранг дунё учун имонин сотиб,
Меҳроблардан чиққан чаёнлар бордир.

Оламга касофат тўлсада, ҳали,
Умид ғунчалари сўлсада, ҳали,
Ёвузлик ҳукмрон бўлсада, ҳали,
Оз бўлсада тоза виждонлар бордир?!

Юрагимда олов, учқун чақинлар,
Қани дилга малҳам берар, яқинлар?!
Айтсам дардим тушунарди, оқиллар,
Атрофда гап уқмас, нодонлар бордир!

Тақво дилда бўлар эканда, гарчи,
Бундан хабар берди, буюк «хабарчи»,
Кўрқишга ҳақлироқ Аллоҳ, агарчи...,
Атрофда, миршабу посбонлар бордир.

Ҳаёт паймонаси тўларди охир,
Осмон ҳам эхтимол, қуларди охир,
Қиёмат ҳам қоим, бўларди охир,
Ҳали ҳам имони, омонлар бордир.

Маили бу оламда зеру-забар бўл,
Қиёматда азиз ва мўътабар бўл,
Ҳақиқат изласанг бил, бохабар бўл,
Ростга ўхшайдиган ёлғонлар бордир!

Бечора холига бир чора этиб,
Ўз танасин ўзи, юз пора этиб,
Ўз норозилигин ошкора этиб,
Тинмай портлаётган «вулқон»лар бордир.

Инсон яшар экан ҳаётда, албат,
Яшайди, кўнглида ишқ ва муҳаббат,
Ҳамроҳдир доимо адоват-нафрат,
Ёнида мурувват эҳсонлар бордир.

Ажабдур қисматим доимо фиरोқ,
Мақсудим хосилдан йироқдир, йироқ,
Мани истаганим топилмас бироқ,
Атрофда шунча қиз-жувонлар бордир.

Дилимга бир таскин бера-олмайман,
Ўз иложим ўзим қила-олмайман,
Ҳаётда хотиржам яшай-олмайман,
Дилимда кўп оху-фиғонлар бордир.

Қеча-кундан олдин келар асинда,
Яъни, нур бекинар, зулмат остинда,
Бу зулмат тунидан ўтсанг олдинда,
Ҳали мусаффо тонг осмонлар бордир!

Ҳамма нарса бир-бир келар, навбатда,
Катта-кичик бўлар, кичиклар катта,
Ҳали бир ўзгариш бўлар, албатта,
Яхшиликга умид, гумонлар бордир.

Шеърлар битиб овунаман бу ғамдан,
Шеърлар қолар, қолса шоир одамдан,
Таърихларни қаранг, дарду-аламдан,
Битилган, қанчалар дostonлар бордир!

Минмай туриб йиқилдим гўё, отдан,
Битмади мақсадим ҳеч бу ҳаётдан,
Насиб этса бир солиҳ зурриётдан,
Дилимда кўп сирри пинҳонлар бордир.

Ё раб, айтай Сенга дилимда борим,
Қабул этгил менинг, бу оху-зорим,
Истиғфор айтаман, Парвардигорим,
Менда бисёр хато, нуқсонлар бордир.

Саҳвиё, бу дунё, асли бири кам,
Ёнма-ён юради, қувонч била ғам,
Сабр қилгил, ҳар бир бандасининг хам,
Юрагида битмас армонлар бордир.

Ғазаллар

Мададкоринг ҳамиша Худо бўлсин, ўғилчам

Мададкоринг ҳамиша, Худо бўлсин ўғилчам,
Қуръон барча дардинга, шифо бўлсин ўғилчам.

Банда бўлгил Аллоҳга, уммат расулуллоҳга,
Аллоҳ йўлида жонинг, фидо бўлсин ўғилчам.

Узоқ яша дилбандим, мени азиз фарзандим,
Тилингда доим зикру, сано бўлсин ўғилчам.

Ибодатда қоим бўл, адолатда доим бўл,
Шиоринг доим сидқу, вафо бўлсин ўғилчам.

Бизлар ватангадолар, юрак бағри адолар,
Сенинг йўлинг мунаввар, зиё бўлсин ўғилчам.

Йўқдир қавму қариндош, йўқдир ёнингда йўлдош,
Сенга сабр ила бардош, ато бўлсин ўғилчам!

Тингла насиҳатимни, тутгил васиятимни,
Шулар сенга отангдан, нидо бўлсин ўғилчам.

Саҳвий қилур илтижо, Яратган Зотга дуо,
Оқибат сендан Аллоҳ, ризо бўлсин ўғилчам!

Улуш

Сенга бергай Ҳақ Ўзи, имон зиёсидан улуш,
Ҳам расули Мустафо, хулқи-ҳаёсидан улуш.

Ҳам Абу Бакру Сиддиқ, хулқи боикромидан,
Ҳам яна Ҳазрат Умар, хавфу-рижосидан улуш.

Ҳазрати Усмон сахоси бирла, илми Муртазо,
Барча Асҳоби Киром, илмин зиёсидан улуш.

Барча ўтган тобеинлар, барча солиҳ бандалар,
Барча қуръон аҳлининг, топган сафосидан улуш.

Насиб этгай мужтаҳидларнинг шижоат ғайрати,
Ҳадис илминда Бухорийнинг закосидан улуш.

Барча фазл аҳлининг, фазлин карам қилгай Худо,
Назм илминда Навоийнинг даҳосидан улуш.

Насиб этгай сенга, аждодларнинг иззатлик йўли,
Етмагай лекин улар, қилган хатосидан улуш.

Сенга жаддинг хулқи одоби, насиб этсин болам,
Сени кўрганлар десун;”олган бобосидан улуш!”

Мен неки орзу-тилак, қилдим насиб этгай сенга,
Етмагай лекин манга, етган балосидан улуш.

Сен учун Ҳақдин тилак айлаб, ғазал ёздим бугун,
Жўжиқим етгай сенга, Саҳвий дуосидан улуш.

Мосиво қилди

Мосиво қилди бу золимлар диёримдан мени,
Қавму қардошу қадрдон, дўсту ёримдан мени.

Найлайн энди Ватанга бормоғимга йўқ илож,
На суд ҳижронинда қилган, оҳу зоримдан мени?!

Бўлмаган менга ватанда тинч яшашдек имтиёз,
Жудо қилди неча йил, эрк ихтиёримдан мени.

Бор вужудим энди бу золим заволини тилар,
Шу бўлибдир мақсадим дунёда боримдан мени.

Неча ул жаллод ўлим таҳдид ила қўрқитмасин,
Қайтаролмас барибир қилган қароримдан мени.

Келгай Аллоҳ нусрати, бўлгай бу юрт обод хали,
Умидим кўпдир, улуғ Парвардигоримдан мени.

Саҳвиё, тинмай кураш, ўлгунча золимлар билан,
Ушбу майдон ичра ўлмоқ, ифтихоримдан мени!

Санга

Эй ўғилчам бу сўзим мендан нидо бўлсин санга,
Сен ҳақингда Тангрига, қилган дуо бўлсин санга!

Сенки бу дунёга келдинг, энди бу дунёгамас,
Ҳаққа банда бўлки, бу дунё фидо бўлсин санга!

Авалло олғил илм, бўлғилки ислом олими,
Ҳақ ризоси ҳаётингдан, муддао бўлсин санга!

Билки, бизга қолди кўп ибрат расулуллоҳдан,
Суннатини ушламоқ, кўнглингда жо бўлсин санга!

Сенга бергай Ҳақ саодатли ҳаёт, касбу-камол,
Интилиб қилган улуғ, мақсад раво бўлсин санга!

Тангрига килғил таваккул, доим истиғно килиб...,
Мосиваллоҳдан, келиб Шоҳлар гадо бўлсин санга!

Бу ҳаёт ҳодисларидин етмагай ҳаргиз завол,
Мадакоринг доимо, ёлғиз Худо бўлсин санга!

Жўживой сенга бағишлаб, мен бугун ёздим ғазал,
Не тилакларни тилабдир Саҳвиё, бўлсин санга!

Билмадим

Мен диёримга қачон иззат келурни билмадим.
Ваҳки, бу миллатга жон, қувват келурни билмадим.

Куфр аҳлинча адолат йўқми имон аҳлида,
Аҳли имонга фақат, офат келурни билмадим,

Нега бу халқ оч наҳору, нега бу халқ, хору хору зор,
Доимо, бизга қаро меҳнат келурни билмадим.

Энди бас, айланг, вафосиз дўсти душман зикрини,
Олам аҳлидин вафо, ҳиммат келурни билмадим.

Эл ғамин еб бўлган эрлар, элу юртидан жудо,
Чунки, ҳақ сўз ортидан, ҳижрат келурни билмадим.

Кошки ғурбатда ғарибу, дарбадар овворалар,
Қилғали азми диёр, фурсат келурни билмадим.

Қўллари қондир мусулмон хонлари, султонлари,
Ҳақни айтишга бирор, муҳлат келурни билмадим.

Тобакай жабру зулмда қийналар уммат мудом,
Тангридан бизга қачон, нусрат келурни билмадим.

Неча минг минглаб одамлар турмада умри хазон,
Бунчалар хору залил миллат келурни билмадим.

Порахўр нафсига қул барча амалдор ҳокими,
Бундай элга офият раҳмат келурни билмадим.

Эй биродарлар нечун аччиқдир бу эл қисмати,
Не сабабдин бизга бу кулфат келурни билмадим.

Саҳвиё, токай умид айлаб кутарсан доимо,
Мен ажал келмай ўшал муддат келурни билмадим.

ИАКга атаб

Келгуси бир куни муддат, даври-давронинг тугар,
Дабдаба-ю, асъасалар, шавкату шонинг тугар.

Охири хорлик сенингдек мустабидлар қисмати,
Олмадинг ибрат ҳаётдан, энди имконинг тугар.

Шавкати дунё била овворасан, етса ажал,
Ўзга қилмассан зулмни, танда дармонинг тугар.

Умринг зулм бирла ўтди, вой, сенинг ҳолинга вой,
Шунча йил қилган сиёсат, ҳийла ёлғонинг тугар!

Барча мазлум интизордирлар заволинги кутиб,
Сен билан боғлиқ разолат, сохта достонинг тугар.

Эй зулм остида қолган, мазлуму бечора халқ,
Сен зулмга қарши турсанг, шунда армонинг тугар!

Қўхна мозий сенга бас, олмоққа ибрат Саҳвиё,
Келгуси бир куни муддат, даври давронинг тугар!

ИАК га тилагим

Истагим Ҳақдан, абад мотамсаро қилсин сани,
Зулму жабринг, бошинга битмас бало қилсин сени.

На тушингда, на ўнгингда, ҳаргиз ором бўлмасин,
Доимо, қайғу юрак бағринг адо қилсин сени!

Халқни хор айлаб сени қанжиқларинг даврон сураб,
Зурриётинги шу дунёда, гадо қилсин сени!

Сен зулм қилган ғариблар, оху бирла ноласи,
Ҳаққа етсин оқибат, юзинг қаро қилсин сени.

Фиръавн Намруд билан, дўзахда мангу бирга бўл,
Қисматинг мангуга оху, ҳасрато қилсин сени!

Ёлғиз Аллоҳ ҳаққи, бу қонлар сени, тинч қўймасин,
Ҳеч туганмас дарду ғамга, мубтало қилсин сени.

Дунёда берди сенга қасру сарой кошоналар,
Оқибатда манзилинг, ўтдан бино қилсин сени!

Сенга ибрат бўлмади кўп мустабидлар қисмати,
Ўзгаларга қисматинг, ибратнамо қилсин сени!

Ўлгунингча тавбаю, имон муяссар бўлмасин,
Нақди умринг, куфр йўлинда, фидо қилсин сени!

Қодир Аллоҳ қудратига зарра шубҳам бўлмағай,
Барча қилган зулминга, лойиқ жазо қилсин сени!

Сен ўзинги ман Худо деб ўйладинг, эшшакфаҳм,
Манзилинг мангу жаҳаннам ичра жо қилсин сени!

Саҳвий истайдир санга, ҳар икки оламда жазо,
Молу мулки, тожу тахтингдан жудо қилсин сени!

2012 йил

Ожизу афгор Халқим

Бугун ҳолингга қараб, Қилдим эътибор халқим!
Жаҳон халқи ичинда, Ожизу афгор халқим!

Юртингда оч қашшоқсан, Доим жимсан қўрқоқсан,
Озодликга чанқоқсан, Ўз уйинда хор халқим.

Русияда келгинди, Гастрабайтер энди.
Еганинг бир ювинди, Балога дучор халқим.

Қирғизлар хам қуварлар, Ўлдирарлар қирарлар,
Ҳамма жойда ночорлар, Дардга гирифтор халқим.

Дуне бўйлаб сочилдинг, Қирилдингу отилдинг.
Душманинга сотилдинг, Қани номус ор халқим?!

На дининг бор на дунё, Келажакда йўқ зиё.
На бунча бахтинг қаро?, Нима айбинг бор халқим?!

Меҳнаткаш сен, кўринар, Заминингда зар унар,
Билиб етмиш хил ҳунар, Парча нонга зор халқим!

Сабринг қанчалар сени, Ҳамма парчалар сени,
Нега бунчалар сени, Қисматинг ночор халқим?!

Шонли ўтмишинг қани?, Яхши турмушинг қани?,
Айбу қилмишинг қани?, Доим “айбдор” халқим?!

Олиму доноларинг, Фозил фузалоларинг,
Казою казоларинг, Бунчалар маккор, халқим?!

Ўзбеклар адо бўлди, Хору зор гадо бўлди.
Бахтинг ҳам қаро бўлди, Аввал бахти ёр халқим!

Қаранг қисмат қазога, Шукр айтаминг Худога.
Қайда бўлса балога, Доим сазовор халқим!

Бу майдонда ўрнинг топ, Ўтирма тилаб инсоф!
Ўзинг қилгил сарҳисоб, Ким дўст ким ағёр халқим?!

Саҳвий, ажиб замона, Куч берилди ёмона,
Сен ҳақ кураш томона, Қил азму қарор халқим!

Қизча

Лолазор ичида лоладек қизча,
Лоладан бўйларинг, узундир жичча.

Шахло кўзларингда ҳайрат намоён,
Лола каби унгин, навниҳол ғунча.

Жажжи қўлларингда титрар лолагул,
Лолазор сайрини шайдоси қанча?!

Мусаффо юзларинг, меҳрим уйғотар,
Лола қизни меҳри, бўларми шунча?

Лолалар ранг олар, дилинг тафтидан,
Лоладан чандонроқ чиройли бунча?!

Лола уялгандек, сендан қизалоқ,
Хатоми ё, мендаги бу тушунча?!

Лоладек муҳаббат рамзи бўлиб қол,
Лолазор ичида лоладек қизча,

Мен кураш йўлига кирдим

Мен кураш йўлига кирдим, мен ҳануз майдондаман,
Портладим вулқон каби, мен то ҳали вулқондаман.

Тушларимга то ҳануз киргай тикан симлар мени,
Ўтмишим ҳеч бермагай ором яна гирёндаман.

Менда ором бўлмагайдир то зулм мавжуд экан,
Гарчи жисман бунда лек, руҳан ўзим ул ёндаман.

Ўлмаин қолмайди ҳеч ким, бу ҳаётда барибир,
Қўрқади барча ўлимдан, мен шунга ҳайрондаман.

Бу ҳаёт ўзгармагай мард жонфидолар бўлмаса,
Жонни тикканлар қани, ҳайратдаман шу онда ман.

“Улуғ ишларни улуғ зотлар қилур” дерлар, нега?,
Гарчи шундай бўлса ҳол, бўлмас эдим бу сонда ман.

Саҳвиё, қўлда баланд тутгил шиоринг қайтма ҳеч,
Мен кураш йўлига кирдим, мен ҳануз майдондаман.

Яшайман

Мен улуғ мақсадларни дилда тутиб яшайман,
Алам армонларимни ичга ютиб яшайман.

Ишонаман бир куни адолат бўлар ғолиб,
Ўша кунни кўришни, доим кутиб яшайман.

Ўтмишимизда армон, келажак ҳам даргумон,
Ўтмишу келажакни гоҳ унутиб яшайман.

Истамасдим ватандин, айрилмоқни начора,
Келгунча доруломон кунлар, кетиб яшайман.

Юртим ёди ёримдир, доим эътиборимдир,
Ўзга юртда айтинглар, энди нетиб яшайман?!

Умидин дилдан узмай, собитқадамдир Саҳвий,
Дилимдаги дардимдан, ашъор битиб яшайман.

Қалбимни ўртовчи

Мени қалбимни ўртовчи соғинчу изтиробимдир,
Юпатувчи кўнгилни ўқисам қуръон китобимдир.

Ҳаётим дарбадар доим, қазо бирла ўлим етса,
Маконим бўлса ёт эллар, ётар хоки туробимдир.

Қани излаб киму топган, ҳақиқатни, адолатни?,
Уни мен энди излаб беҳуда, қасди шитобимдир.

Бақосиз дунёда бўлмас, умуман хотири жам зот,
Ҳаёт мезонларин кўр, балки, нотўғри ҳисобимдур?

Агарчи, кўп экан золимлару шайтонлар оламда,
Манга етган неки жабру жафо, балким савобимдир?!

Ҳаётда борму бир кас, тушмаган Иблис тузоғига,
Менинг айбим ўзимда, бу ўзимга дилхитобимдир.

Агарчи сўрсалар; “Эй Саҳвий, ким сенга бугун душман”?,
“Менинг бу нафси амморам” десам, тўғри жавобимдир!

Ўқидим юртим тарихинг

Ўқидим юртим тарихинг, қанчалар барбод сени,
Билмадим ҳеч, ким бузиб, ким айлаган обод сени?

Қанча оққан қонларингдан, лола ранг олган мисол,
То ҳануз йўқ бўлмади, бағрингдаги бедод сени.

Энди йўқ бўлганда қонхўр, хонларинг-султонларинг,
То ҳануз ҳам ўлдирар, фарзандларинг “жаллод” сени.

Ўтмишингдан қолган оҳу войларинг бағрингдадир,
Лек бугун ҳам тарк этиб, кетган эмас вой-дод сени.

Зулм тўфони йиқолмасдир адолат қасрини,
Нега йиқилган саройинг, келганинда бод сени?,

Мен адолат топмадим излаб асрлар қаърида,
Эй Ватан тарк этмаган, ҳеч аҳлинги фарёд сени.

Бу ватаннинг таърихин, англаб куярсан Саҳвиё,
Балки, истиқболда бўлгай, хотиринг бил, шод сени.

Аё халқим

Аё халқим унутма сен ўзингни иқтидоринги,
Не ишларга эрурсан қодир, қил азму қароринги!

Сени қул айламоқни истаганди, қанча душманлар,
Бари йўқ бўлди ололмай, қўлингдан ихтиёринги.

На тарихда, на хилқатда сен ўзгалардан каммассан,
Бугун олам аро сақла ўзинг, ўз номус орингни!

Бугунги бу тубан ҳолинга ўзинг айлагил чора,
Кўтаргил бошни мағрур, бас қилиб бу оху зоринги.

Ўзинг кўр чора тадбир, ўзгаларга бўлмасин энди хор,
Сенинг фарзандларинг, бас, Сен, кўтар ўз эътиборинги!

Сенинг қонинги ичганларни тахтдан ағдариб ташлаб,
Баланд кўтар “Адолат-Ҳуррият” деган, шиоринги!

Улуғ мақсадга етмоққа, улуғ ҳиммат керак билсанг,
Улуғ ҳимматли бўл Саҳвий, агар севсанг диёринги!

Йўқ дема

Йўқ дема, ҳар мушкилотнинг бор эрур имконлари,
Бўлмагай битмас муаммо, бўлса мард ўғлонлари.

Эй халойиқ сизда бор журъат, ва қувват энди бас,
Устингизда тобакай, макр айлагай Шайтонлари?!

Сизда бор шонли тарих, ҳам сизда бор шарму ҳаё,
Нега номусин сотар юртнинг гўзал жононлари?!

Сизни журъат, ору-номус, сизда бор азму қарор,
Бунча хорлиқга ризо бўлманг, ватан посбонлари!

Эй ватандошим сенинг, эркинг қани, қадринг қани?,
Сенга етмасму бу халқнинг, оҳ билан афғонлари?!

Сабр айлаб шунча кутдик, умид бирла, бас етар,
Инонманг энди, етар бас, сафсата-ёлғонлари!

Энди тур, золимга қарши, “кет йўқол” деб, айт ахир,
Саҳвиё, кўрса шу кунни, қолмагай армонлари!

Даҳрийлар

Менинг боболаримни ўлдирганлар даҳрийлар,
Юртимиз қора қонга тўлдирганлар даҳрийлар.

Қурол кўтариб келиб юртимизни талашган,
Не не қизил юзларни сўлдирганлар даҳрийлар.

Инкор этиб Аллоҳни, сўкиб расулуллоҳни,
Ҳаётда бўлмас ишни, бўлдирганлар даҳрийлар.

Қулоқ қилганлар бойни, талаб молин, уй жойни,
Халқ душмани деб юртдан, қувдирганлар даҳрийлар.

Улар Зотин мисоли, ёвузликнинг тимсоли,
Шайтон қилмас зулмни, қилдирганлар даҳрийлар.

Бари йўқ бўлди бирдан, Аллоҳни қудратидан,
Сув устига салтанат қурдирганлар даҳрийлар.

Саҳвий шукр эт Худога, зулмат тенгмас зиёга,
Кимлигини дунёга, билдирганлар даҳрийлар.

Бўлгайму ҳеч?

Дўстларим айтган билан, дардим адо бўлгайму ҳеч,
Боқи беғам бу қавмдан, бир нидо бўлгайму ҳеч?!

Бир асрдирким ватанда, яхшиларга йўқ макон,
Зулм аҳлин истилоси, интиҳо бўлгайму ҳеч?!

Бизни мазлум юртга ҳаргиз, кўрмади қисмат раво,
Офиятни..., энди биз кутсак, раво бўлгайму ҳеч?!

Тобакай қоплар зулумот, юртимиз осмонини,
Энди бизга ҳуррият ҳам, муддао бўлгайму ҳеч?!

Ватандошлар ҳасратидин, то ҳануз қондир жигар,
Ўз юртинда бу янглиғ Халқ гадо бўлгайму ҳеч?!

Бас, етар сабр айламоқ, хорлик билан, зорлик билан,
Бўйла ўтқурган ҳаётдан, Ҳақ ризо бўлгайму ҳеч?!
Барчамиз бирга бу мункарни, бугун наҳй этмайин,
Эй биродарлар, фақат, қилсак дуо, бўлгайму ҳеч?!

Кўрмаган жон аччиғин, билмас зулмнинг заҳрини,
Бўлмаса номуси ори, жон фидо бўлгайму ҳеч?!

Ҳар ким ўз ислоҳи саъйин, қилмаса Саҳвий, агар,
Ўз ўзидин бедаво дардга, даво бўлгайму ҳеч?!

Учун

Кир, биродар, бу кураш йўлига, диндошинг учун,
Турмаларда сарғайиб ётган қариндошинг учун.

Шунча йил зулм айлаган золимдан инсоф истама,
Кўтар энди сен адолат туғин издошинг учун!

Энди кўрқувдан дилингни поклагил, ғайратли бўл,
Бир ўлим бордир, унутма, барибир бошинг учун.

Ҳақ йўлида мард бўлиб, журъат қилиб, майдонга чиқ,
Ҳожат эрмас кўз ёши, ўтган абас ёшинг учун.

Ваъдага айлаб вафо, жонига бўлгил жонфидо,
Бу улуғ йўлингда йўлдош бўлса, сафдошинг учун.

Тик туриб, мағрур яшаб, ўтгил ҳаётдан доимо,
Қайғу чекма, қуртга ем бўлғуси бу лошинг учун.

Саҳвиё, сен бу қураш майдонида олдинда бор,
Кенг жаҳонни кўзига тор айла “юртбошинг” учун!

Кўриб

**“Кимки бу дунё матосини истаб амал қилса, унга шу дунёда мукофотини берамиз.
Унинг учун охиратда насиба йўқдир!”**

(Шўро сураси, 20 оят).

Ҳақ билур кўнгилдаги фикру-маҳолингни кўриб,
Бергуси ажру жазо, шу ҳатти-ҳолингни кўриб.

Сен бу дунёни мукофоти учун қилсанг амал,
Баски, “олдим” деб, тушун мансаб ва молингни кўриб.

Ўлгунингча балки кўрмассан ҳаётингда завол,
Охиратдан уз умид, топган камолингни кўриб!

Тангри айтур, охиратдан ҳеч насибанг йўқ сени,
Чунки, ўтдинг барча айшу бемалолингни кўриб.

Охиратни дунёга сотмоқ нечук шармандалик?
Не бўлур ҳолинг, Яратган Зулжалолингни кўриб?!

Ҳақ ризосини бериб топган матоинг англагил,
Бевафо бу молу-мулк, фарзанд аёлингни кўриб!

Саҳвиё, шаксиз Худонинг ваъдаси барҳақ эрур,
Ўзи раҳм этгай сени, афтода ҳолингни кўриб!

Кечалар

Илтимосим ушбу сиздан, кечалар, жон кечалар,
Айламанг бунча дилим мулкени вайрон, кечалар.

Сиз била бирга ғариб кўнглимга ҳам зулмат келар,
Келмангиз асло, нурафшон бўлсин осмон, кечалар!

Кўнглим осмонин ёрутгудек қуёшу, ой, йўқ,
Дунё осмонин ёрутгай, моҳитобон, кечалар.

Балки юлдузлар мисоли кўздан оққан қатра ҳам,
Чунки, бу ҳижрон тунида, дилда сўзон кечалар.

На сабр қилмоққа тоқат йўқ, на дардимга даво,
Гар муҳаббат даштида ёндирса ҳижрон кечалар.

Сўз деманг Фарходу-Ширин, Лайли-Мажнундин манга,
Ҳар кеча битмоққа арзир битта дoston, кечалар!

Айланиб арзу-само, тинмас, шудир муддат, ҳаёт,
Сахвиё, парвонадек гирдингда сарсон кечалар!

1991 йил

Қурбон хайити муносабати билан

Муборак бўлсин айём, аҳли Ислom, муборак!
Аллоҳ бизга лутф этган улуғ айём муборак!

Ҳазрати Иброҳимдан қолган улуғ байрам бу,
Ҳақ йўлига аталган, қурбонлик жон муборак!

Байтуллоҳга зиёрат, насиб этгай бизга ҳам,
Ислom динин шиори, улуғ аркон муборак!

Мусулмонларга бу кун, вожиб бўлди шод бўлмоқ,
Бир-бирига мурувват, лутфу-эҳсон муборак!

Рамазондан афзалдир, чунки, Ийдул Акбардир,
Ҳақ раҳматин топишга, бўлган имкон муборак!

Ҳожилар арафотда, дўстлар қолманг ғафлатда,
Кетади тез фурсатда, азиз меҳмон муборак!

Ҳақ ризосин топмоққа, сабаб бўлса оқибат,
Эй мазлумлар, сизларга бўлсин зиндон муборак!

Асрлар ошган карвон, келаяпди биз томон,
Ғанимат бил, эй инсон, бизга бу он муборак!

Саҳвий, табриклаб сизни, битди ушбу ғазални,
Тарк этмасин сизларни, баҳри ғуфрон, муборак!

Илтижо

Илтижо айлай Худоё, мен букун даргоҳинга,
Раҳм этиб кўрсат ҳидоят йўлини гумроҳинга!

Кофиру-фосиқлар ичра, фосиқ бўлдим оқибат,
Масал борким;»Ухшагайсан- бўлса, ким ҳамроҳинга».

Имтиҳон дунёсида бўлгил мададкорим Ўзинг,
Сақла тушмақдан, чиқиб бўлмас, чуқурли чоҳинга.

Тангрига этгил таваккул, ўзгалардан ибрат ол,
Тез йиқилгайсан суюнсанг, молу-мулки жоҳинга.

Раҳматингла бу ҳаёт йўлинда ҳамроҳим қилиб,
Эй, Худо дуч эт, ҳидоят йўлидан огоҳинга.

Саҳвиё айла таваккул Тангрига, узма умид,
Ҳақ Ўзи фазли билан, етса ажабмас оҳинга.

Меҳнат муҳожирларига

Дўстларим, ўйланг ватанни, ким у расво айлаган?!
Ғурбат ичра бошингизга бунча савдо айлаган?!

Ота, Она, ёру-дўстдан айрилиб, йиллар яшаб,
Олдингизда турли хил ташвишни пайдо айлаган?!

Қанчалар сувга чўкиб, ўлганди қанчалар куйиб,
Қанчалар ҳаққин ололмай, доду-ғавғо айлаган?!

Қанча эркак қул бўлиб, кетган аёллар фоҳиша,
Шу қадар хорликмиди сизларни шайдо айлаган?!

Нега юртингизни обод айламоққа йўқ илож,
“Гастарбайтер” тавқини сизларга тамғо айлаган?!

Тарк этиб қулликни, ҳаққинги талаб қилғил ахир,
Золим ўз халқига зулмин бунча барпо айлаган?!

Ватандошлар сизга бу дам, айлагай Саҳвий нидо,
Фикр этиб, ўйланг ватанни, ким у расво айлаган?!

Жонга тегди

Жонга тегди шум хабарлар, кўнглимиз вайронадир,
Шум хабарлар юзта бўлса, хушхабар бир донадир.

Қай бирига куйгай одам, қай бирига йиғлагай?
Қолмади тоқат, нетай, ҳар дам юраклар ёнадир?!

Қандайин яхши яшар, дилсиз ва ҳиссиз кимсалар,
Чунки, қайғурмоқ уларнинг қалбига бегонадир!

Изтироб ичра яшар доим одамзод дунёда,
Ўйланиб уйқуга кетса, ғам чекиб уйғонадир.

Аслида бу ҳам ҳаётда қисмати тақдир экан,
Изтироб ичра ҳаётнинг лаззатидан қонадир.

“Энди тарк этдим барин” деб, ўз-ўзига сўз бериб,
Шоиринодон яна, ўз сўзларидин тонадир.

Саҳвиё, асли ҳаёт уйқудаги бир туш каби,
Ўлгач, инсон зоти, билсанг, уйқудан уйғонадир.

Дунёнинг қисмати

Бу синов дунё, қаранглар, ҳақ бўлак, ёлғон бўлак,
Ҳақ таъоло соҳиби ҳақдир аниқ, шайтон бўлак.

Одамизод гарчи Одам бирла Ҳавво наслдан,
Энди бу кун тил бўлак, миллат бўлак, ошён бўлак.

Ҳар бирини ўз йўли, ўз давлати, ўз дини бор,
Бир-бирин инкор қилурлар, эътиқод, иймон бўлак.

Ким насоро, ким яҳуд, ким бутпараст – оташпараст,
Аҳли тавҳидларни қилди оқибат Қуръон бўлак.

Бир-бири бирла ҳамиша ўртада бордир низо,
Ҳар қаюда куч бўлак, қудрат бўлак, имкон бўлак.

Турли миллат, турли давлат, мол учун, дунё учун,
Қон тўкарлар мақсаду-орзу бўлак, армон бўлак.

Қай бирида бўлса бойлик, қай бировлар хору-зор,
Ризқ бўлак, қисмат бўлак, ўлчов бўлак, мезон бўлак.

Ҳар бирида турлича бахт, турлича қайғу – алам,
Ҳар бириси орзу қилган тахт бўлак, султон бўлак.

Ким яшайди шоду – хандон, ким ғарибу – нотавон,
Ҳар қаюда дард бўлак, ҳасрат бўлак, дармон бўлак.

Қай бири доною оқил, қай бири жоҳил ёмон,
Чунки дилларни суғорган сув бўлак, уммон бўлак.

Бирма-бир ўтгай ҳаётдан ёш – қари, шоҳу- гадо,
Чунки, тақсими азалда ризқ бўлақдир, жон бўлак.

Энди ҳақ даргоҳида бари бўлар бир-бир ҳисоб,
Аҳли жаннат, аҳли дўзах бўлгуси ҳар ён бўлак.

Барча золимлар бўлур иблис билан дўзахда жам,
Лекин ҳақ аҳлини бўлгай иззати чандон бўлак.

Кимгадир мангу саодат, кимгадир мангу азоб,
Бошқа нўш этмас ажални шарбатин инсон бўлак.

Алданиб дунёга дўзах аҳли бўлса ким қаранг,
Фойда бермас айлаган афсус билан афғон бўлак.

Чунки, ўтди умри ҳақни топмайин ботил билан,
Энди ҳақ шаънига қилмас тухмату – бўҳтон бўлак.

Аҳли жаннат, раҳмати ҳақ бирла жаннат боғида,
Ҳар бирида эҳтиром қасру – сарой бўстон бўлак.

Энди чекмаслар машаққат, энди йўқдир ғам – алам,
Энди кўрмаслар бало – офатлару зиндон бўлак.

Қиёмат бўлгач тугар бу фоний дунёда ҳаёт,
Бошланар боқий ҳаёт, бўлгай замин, осмон бўлак.

Ҳақ Таъоло ваъдасига зарра шубҳа бўлмасин,
Яккаю ёлгиз Илоҳдир, ўзга йўқ Раҳмон бўлак.

Саҳвиё қисмат битилгандир азалдан, ҳар на бор,
Ҳикматиани англаёлмай бўлмагил ҳайрон бўлак.

Қасида

Нотавонлар қавмига, пешво бўлиш осонмас,
Душман тўла майдонда, пайдо бўлиш осонмас.
Ажиб маърака майдон, курашар икки томон,
Бир ёнда ожиз, бир ён, подшо бўлиш осонмас.
Курашдан асло қайтмай, Золимга бўйнин эгмай,
Ўз йўлидан чекинмай, барпо бўлиш осонмас.
Етим йиғласа гарчи, титрар Аллоҳнинг арши,
Бу мустабидга қарши, “Гўё” бўлиш осонмас.
Қойилман Яратганга, ажиб кўринар менга,
Мусо каби Фиръавнга, рўё бўлиш осонмас.
Бор эътибор обрўси, дилда халқнинг қайғуси,
Улуғ бўлгач орзуси, раво бўлиш осонмас.
Қаранг ғариб инсонга, айтишгаку осонга,
Золим, қонхўр, нодонга, “бало” бўлиш осонмас.
Сиёсатчи муҳолиф, ҳали қолмади толиб,
Бу майдон ичра ғолиб, асло, бўлиш осонмас.
Ёғдирар турли офат, шайтон нусха касофат,
Ёғса тоши маломат, ризо бўлиш осонмас.
Ёмондир тилни захри, чексиз жоҳиллар жаҳли,
Бугун дунёда аҳли тақво бўлиш осонмас.
Халойиқ олинг таниб, кеч бўлмасдан уйғониб,
Бу йўлда куйиб ёниб, адо бўлиш осонмас.
Қалам куроли қўлда, кезиб саҳрои чўлда,
Молу жони шу йўлда, фидо бўлиш осонмас.
Ҳис қиладирмен қалбдан, бу қисмат ўтди мендан,
Қавму қардош, Ватандан, жудо бўлиш осонмас.
Билсак фурсат ғанимат, омонатдур бу неъмат,
Ғофилдур бизни Миллат, авло бўлиш осонмас.
Тушунганимку шундай, асли равшандир кундай,
Инсонни қалби бундай, дарё бўлиш осонмас.
Кўп қоқилиб йиқилиб, Охир Ҳақ йўлни тутиб,
Ҳақиқатга интилиб, шайдо бўлиш осонмас.
Буни қилолмас ҳар ким, тан олмоқ керак ул ким,
Замонасинда балким, Танҳо бўлиш, осонмас.
Кўрсанг оддий одам у, улуғлик аслида шу,
Менинг тушунганим бу, Даҳо бўлиш осонмас.
Қойилдирман ҳимматга, синоату ҳикматга,
Бундай оғир қисматга, ошно бўлиш осонмас.
Инсонда бўлса дардқаш, Қолмас дилда ғиллу ғаш,
Бундай Пешвони қўллаш, “асо” бўлиш осонмас.
Мададкори бўл Роббий, дуо айлайди Саҳвий,
Иттабиҳу ё қавмий, илло, бўлиш осонмас!

Золимга атаб

Келгуси бир куни муддат даври-давронинг тугар,
Дабдаба-ю, асъасалар, шавкату шонинг тугар.

Охири хорлик сенингдек мустабидлар қисмати,
Олмадинг ибрат ҳаётдан, энди имконинг тугар.

Шавкати дунё била овворасан, етса ажал,
Ўзга қилмассан зулмни, танда дармонинг тугар.

Умринг зулм бирла ўтди, вой, сенинг ҳолинга вой,
Шунча йил қилган сиёсат, ҳийла ёлғонинг тугар!

Барча мазлум интизордирлар заволинги кутиб,
Сен билан боғлиқ разолат, сохта достонинг тугар.

Эй зулм остида қолган, мазлуму бечора халқ,
Сен зулмга қарши чиқсанг, шунда армонинг тугар!

Кўҳна мозий сенга бас, олмоққа ибрат Саҳвиё,
Келгуси бир куни муддат даври давронинг тугар!

15 октябрь 2012

Бормикан бир, халоскори ўзбекнинг

Унутиб таърихин, Ўзлигин буткул,
Аждодлар ғурури, ёниб бўлди кул,
Бугун манқурт каби, ўзгаларга кул,
Қуллик бўлди “ифтихори”, ўзбекнинг!

Шунча ноҳақликга, йўқ эътибори,
Кимдир дўқ урмаса, тутар хумори,
Ўзида қолмади Эрк, Ихтиёри,
«Қўрқоқлик, Жимлик», шиори ўзбекнинг!

На дини қолмади, на да, диёнат,
Қилди аждод-авлодига, хиёнат,
Унутилди, мардлик, дўстлик, омонат,
“Иблис” бўлгач, ҳукмдори ўзбекнинг!

Яшашлик муаммо, хаёли пулдир,
Руслар, Қозоқларнинг, қўлида қулдир,
Туркману, Қирғиз ҳам, бизлардан зўрдир,
Касодга учрар бозори, ўзбекнинг?!

Бизга дўст қолмаган, ҳамма бегона,
У деймиз, бу деймиз, кўпдир баҳона,
Жаҳон саҳнасида, якка-ягона,
Қолмади ҳеч мададкори, ўзбекнинг?!

Ахир дин-имонин, буткул унутса,
Бориб куфр аҳлин, этагин тутса,
Қизлари корейсга турмушга чиқса,
Қайда қолди, номус-ори ўзбекнинг?!

Золимни зулмига, исён этгудек,,
“Етар, бас, энди!” деб, туғён этгудек,
Куллик занжирларин, яксон этгудек,
Бормикан бир, халоскори, ўзбекнинг?!

Уйғониш керак!

Жим турасиз, бўлиб хонавайрон-сиз,
Золимга қилмайсиз нега, исён сиз?,
Сиз ҳам, бошқа Халқлар каби, Инсон сиз,
Шунчалик бўларми халқ, “қуён юрак”?,
Эй қавмим, айт ахир, сенга не керак?!

Озмиди, шунчалик тўкилган қонлар?,
Каммиди, берилган шунча қурбонлар?,
Сабрнинг охири борми, инсонлар?,
Шунда ҳам, жим тура олдингми, демак...,
Эй қавмим, қул каби яшашинг керак!

Бир-бир йўқотилди, уламоларинг,
Хорижда саргардон ғураболаринг,
Куллик учун яралганмисиз баринг?,
Орзу бўлса фақат, тўйиб нон емак,
Наҳот шундай ҳаёт, сен учун керак?!

Темур қони йўқ бўлдимди, қонингдан?,
Қадр-қиммат, арзонмиди жонингдан?,
Уятмасми халқлар ичра, сонингдан?,
Сени “уйғатолмай” бу жоним ҳалак,
Эй қавмим, бунчалар хорлик не керак?!

Уйғонмасанг, буюк бўлмассанҳаргиз,
Буюклик бўйини туймассан ҳаргиз,
Эрк, ҳурлик қадрини, билмассан ҳаргиз,
Айланар тинмайин, даврони фалак,
Эй қавмим, бас энди, уйғониш керак!

13 ноябр 2012 йил

Мухаммас

Бормикан, биздек зулмга мубталолардан, яна?,
Мубтало бўлган, зулмда-жон фидолардан,яна?,
Хақни айтиб эл-аро,"юзи-қаро" лардан яна?,
Хонумонидан жудо, мотамсаролардан яна?,
Қолдим, биз чекмаган дарду-балолардан,яна?!

Зулм айлаб, барчани вайрона қилди, оқибат,
Қавми-қардошлар кўзин, гирёна қилди оқибат,
Халқимизга бизни ёт-бегона қилди, оқибат,
Ақлу-хушдан ажратиб, девона қилди, оқибат,
Энди не истар ўшал, султон-гадолардан яна?!

Қўхна дунёдан кўп ўтган, хон, амир, подшо каби,
Бундайин виждони йўқ, қалби мараз расво, каби,
Сендайин дунёга мағрур, нафсига шайдо, каби,
Фиръавнинг ҳаққига, Ҳорун билан Мусо, каби,
Қилганидек, сенга биз қилдик, дуолардан яна.

Хазон бўлди қанчалар, зулмат бўрони чоғида,
Қолди қаровсиз етимлар-бевалар қишлоғида,
Ёру-дўстлар барчаси-гўё, чуқур қирғоғида,
Ота-она қанчалар, ўртанди фарзанд доғида,
Қанчалар қийналди, хешу-ақраболардан яна?!

Қанчалар ноҳақ қамалди, парча хат, қоғоз учун,
Едик калтаклар, тиловатда баланд овоз учун,
Рўзадорга нон едирмоқ, бир «шараф» сарбоз учун,
Қайда бор, урган мусулмон ўқиган намоз учун?,
Бормикан, биз кўрмайин, қолган жазолардан яна?!

Хор бўлар халқ учраса, ҳокимни бағри-тошига,
Қўймагай ҳаргиз омон, оғу солар нон-ошига,
Қойиле, шунча сабр қилган бу халқ, бардошига,
То қиёматга қадар, ҳеч қайси миллат бошига,
Келмасин, асло бу «дарди-бедаво»лардан яна!

Бу қазодан неча йил, маҳбус бўлиб ётсанг агар,
Йўқ ажаб шу ерда, имон лаззатин тотсанг агар,
Хақни айтиб кет, мабодо сен ўлиб кетсанг агар,
Хақ Таолодан мадад етса, нажот топсанг агар,
Саҳвиё қилгил ўшал, қилган «хато»лардан яна!

Рубоийлар

Етар энди хорлик, эй халқим уйғон!
Қон ичиб тўймади, қонхўрлар ҳамон!
Ўз эркинги ўзинг киритгил қўлга,
Эркин, ҳур, обод бўл, эй Ўзбекистон!

Унутилмас Андижонлик шаҳидлар,
Эзилган мазлумлар адолат излар!
Отланинг курашга, етар бу жимлик,
Ўз эркингиз учун, мард ўғил Қизлар!

Қураш майдонига юр энди халқим!
Ўзинга обод эл, қур энди халқим!
Озодлик байроғин баланд кўтариб,
Бошинг мағрур тутиб, тур энди халқим!

Эй халқим, Андижон қотилин ёд эт!
Ўз юртингни энди ўзинг обод эт!
Каримов режимин умри тугади,
Зулм салтанатин қулат барбод эт!

Иблис ҳоким юртда, имон сотилган,
Адолат истасанг, ўқлар отилган! 1
3 майда қотил Каримов,
Андижон халқини қонга ботирган!

Суиқасд қилдилар, Обид Қорига,
Қаранг муридларин оҳу зорига.
Нега бу золимга қарши чиқмасдан,
Яшаяпсиз, шукр қилиб борига?!

Эй миллат, уйғонгин, етар бас энди,
Қулоғинга етсин нидо, сас энди.
Зулмни улоқтир устингдан, халқим,
Токай зулм қилар, бу нокас энди?!

Аллоҳ Ўзи сизга мададкор бўлсин,
Сизга қасд қилганлар малъун хор бўлсин!
Бирин кетин ғойиб бўлди, пешволар,
Қадрига етмаган миллат, зор бўлсин!

Ажалинг етдику, тугади йўлинг,
Яқин қолди бадбахт азобинг, гўринг.
Қон ичиб тўймадинг ҳаргиз ҳароми,
Бир олим инсонга етдими кўлинг?!

Қонхўр бизни энди, алдаёлмайсан,
Тутган йўлимиздан қайтаролмайсан.
Қўрқоқсан қонхўрсан, нафсига қулсан,
Шу ҳолда ўласан, ўзгаролмайсан!

Бен Али не бўлди, сендан қонхўрроқ,
Қаддофий бўлдику, ундан баттарроқ.
Сенга Муборакни куни тушмагай,
Чунки,, сен улардан бўласан хорроқ!

Ҳаёт ҳар кимни ҳар куйга солади,
Ақли борлар, бундан ибрат олади.
Сен ит каби ўлиб кетасан, лекин,
Қанжиқларинг уволинга қолади!

Сен тўккан қонларинг, беҳуда кетмас,
То ҳаётдир яқинлари унутмас.
Сени авлодинги кутар жазолар,
Жазосини олмай дунёдан ўтмас!

Зулмга қаршилик қилмоқ шарафдир,
Ҳақ кураш йўлида бўлмоқ шарафдир.
Ажалимиз етса ўламиз, аммо,
Сенга қарши туриб ўлмоқ шарафдир!

Ўлим ҳақдир, имон билан ўлсак бас,
Яъни, тоза виждон билан ўлсак бас.
Зулминг ҳаддан ошди, ифлос, ҳароми,
Сенга қарши, исён билан ўлсак бас.

Ҳайфдир санга исм, ҳайф сани номинг,
Ўткинчидур барча шуҳрату-шонинг.
Қуфр тимсолидур руҳинг-вужудинг,
Мангу азоб ичра, қийналсин жонинг!

Даврингни сур, кейин имкон топмассан,
Азоб бўлар, ҳаргиз омон топмассан.
Ажалинг етгунча тушма тахтингдан,
Шунда тавба қилиб, иймон топмассан!

Золим шоҳ тирикдир, яшар иззатда,
Сабаби, халқ ваҳимада, даҳшатда.
Ўлгач бошланади, ҳар ёқда қий-чув,
Мақтаганлар сўка бошлар, албатта.

Ҳамма бир овоздан деса- “доносиз”,
“Ниҳоятда буюк даҳо”, “танҳосиз”.
Подшо ҳам ишониб қолса, ажабмас,
Шундай зотлигига – бўлса, Худосиз.

Қари шоҳдан давлат кетдими дейман?,
Навбат қизларига етдими, дейман?.
Охир-оқибат бу, Ўзбекистонда,
Эркак зоти қуриб битдими, дейман?!

Бу кунлар ҳам, тарих бўлиб қоладир,
Билмадим, ким қандай ибрат оладир?!
Золим шоҳ лаънатга қолар, бегумон,
Асли чин айбдор, Таня холадир?!

Халқимиз аҳволи, хароб бўлдику,
Орзу-умидлари сароб бўлдику.
Халқ сайлаган подшо, зулм этса халққа,
Бу азоб устига, азоб бўлди-ку?!

“Чарақлади” мустақиллик қуёши,
Куйлаймиз – “донодир, бизнинг юртбоши”.
Сабр қилиб, йигирма йил куйлабмиз,
Куйлаймиз, етганча элнинг бардоши.

Ўлсанг, зулминг камроқ бўлар эҳтимол?,
Сенга ҳам яхшироқ бўлар, эҳтимол?!
Ўлмай, узоқ давом этсанг, зулмда,
Азобинг каттароқ бўлар, эҳтимол?!

Сен хоҳламасанг ҳам, ўласан бир кун,
Қаро ер билан тенг, бўласан бир кун!
Миллионлаб одамлар хотирасида,
Малъун, золим бўлиб, қоласан бир кун!

.....

Ит бўлса фитрати, ишидир қопиш,
Начора, ҳайфдир ит оғзини ёпиш
Аккилаб қопмаса яшайолмас у,
Бўлса бир иложи, тилини чопиш.

.....

Ҳар нарсани келар вақти Замони,
Билинар ҳар кимни яхши, ёмони.
Имон даъвосини қилган нокасни,
Билинарни, агар бўлса Имони.

.....

Иблис билан дўсту ёр бўлгил охир,
Жаҳолат куйдириб Зор бўлгил охир!
Сенга Роббим Ўзи кифоя қилгай,
Валлохи, фиддорайн хор бўлгил охир!

.....

Сен имон йўлини тутганман дема,
Дилимга дин ғамин, ютганман дема!
Сен ҳали ҳеч нарса кўрган эмассан,
Имон синовидан ўтганман дема!

.....

Бадбахт лўливачча, Балки, ҳароми,
Рибо бўлган, топган нони, таоми.
Ифлос турқин бугун, айлаб намоён,
Фатво берар қаранг, Бир пасткаш, оми.

.....

Сенгамас гапириш, ким мўмин, кофир,
Аллоҳ Ягонадир, Олим ва Ғофир.
Эрта қиёматда биларсан ҳали,
Ҳаммамиз дунёда беш кун мусофир.

.....

Ғийбат, тухмат сени, ишингдир мудом,
Эл ичида бўлдинг, шарманда бадном,
Унутма ҳар доим бўлмас имконинг,
Келади бир куни вақти Интиқом!

.....

Алам билан бармоқларинг сўриб кет.
Қилмишларинг касрин ўзинг кўриб кет.
То ўлгунча, нажас тўла қалбингни,
Тозалолмай, мараз билан ўлиб кет!

.....

Сен муставосига арзимас пастсан,
Сен ҳасад ўтида ёнган бир кассан.
Кўзларинг очиқу, лекин кўрмайсан,
Иблисни бавлидан ичгансан, мастсан.

.....

Ифлос сийратингдан ҳикоя қилдим,
Сўзга арзимаёсан, ниҳоя қилдим.
Сен пасткаш лойиқсан шундай жазога,
Мен сени Роббимга ҳавола қилдим!

.....

Суиқасд қилдилар, Обид Қорига,
Қаранг мўминларни оҳу зорига.
Нега бу Золимга қарши чиқмасдан,
Яшаяпмиз, шукр қилиб борига?!

.....

Эй миллат, уйғонгин, етар бас энди,
Қулоғинга етсин нидо, сас энди.
Зулмни улоқтир устингдан, халқим,
Токай зулм қилар, бу нокас энди?!

.....

Аллоҳ Ўзи сизга мададкор бўлсин,
Сизга қасд қилганлар малъун хор бўлсин!
Бирин кетин ғойиб бўлди, пешволар,
Қадрига етмаган миллат, зор бўлсин!

.....

Ажалинг етдику, тугади йўлинг,
Яқин қолди бадбахт азобинг, гўринг.
Қон ичиб тўймадинг ҳаргиз ҳароми,
Бир олим инсонга етдими кўлинг?!

.....
Қонхўр бизни энди, алдаёлмайсан,
Тутган йўлимиздан қайтаролмайсан.
Қўрқоқсан қонхўрсан, нафсига қулсан,
Шу ҳолда ўласан, ўзгаролмайсан!

.....
Бен Али не бўлди, сендан қонхўрроқ,
Қаззофий бўлдику, ундан баттарроқ.
Сенга Муборакни куни тушмагай,
Билки, сен улардан бўласан хорроқ!

.....
Ҳаёт ҳар кимни ҳар куйга солади,
Ақли борлар, бундан ибрат олади.
Сен ит каби ўлиб кетасан, лекин,
Қанжиқларинг уволинга қолади!

.....
Сен тўккан қонларинг, беҳуда кетмас,
То ҳаётдир яқинлари унутмас.
Сени авлодинги кутар жазолар,
Жазосини олмай дунёдан ўтмас!

.....
Зулмга қаршилиқ қилмоқ шарафдир,
Ҳақ кураш йўлида бўлмоқ шарафдир.
Ажалимиз етса ўлмағиз, аммо,
Сенга қарши туриб ўлмоқ шарафдир!

.....
Ўлим ҳақдир, имон билан ўлсак бас,
Яъни, тоза виждон билан ўлсак бас.
Зулминг ҳаддан ошди, ифлос, ҳароми,
Сенга қарши, исён билан ўлсак бас.

.....
Етар энди хорлик, эй халқим уйғон!
Қон ичиб тўймади, қонхўрлар ҳамон!
Ўз эркинги ўзинг киритгил қўлга,
Эркин, ҳур, обод бўл, эй Ўзбекистон!

.....
Унутилмас Андижонлик шаҳидлар,
Эзилган мазлумлар адолат излар!
Отланинг курашга, етар бу жимлик,
Ўз эркингиз учун, мард Ўғил Қизлар!

.....
Кураш майдонига юр энди халқим!
Ўзинга обод эл, қур энди халқим!
Озодлик байроғин баланд кўтариб,
Бошинг мағрур тутиб, тур энди халқим!

.....
Эй халқим, Андижон қотилин ёд эт!
Ўз юртингни энди ўзинг обод эт!
Каримов режимин умри тугади,
Зулм салтанатин қулат барбод эт!

.....

Иблис ҳоким юртда, имон сотилган,
Адолат истасанг, ўқлар отилган!
Ўн учинчи майда қотил Каримов,
Андижон халқини қонга ботирган!

.....

2012 йилда ёзилган шеърларим шу тўпламга киритилди. Шунингдек, бу тўпламда 2011 йилдаги баъзи шеърлар ҳам мавжуд. Бу тўплам 2012 йилда чоп қилинганди. 2019 йилда қайта таҳрир қилиб чоп қилинди. Нуқсони хатолари учун Аллоҳга истиғфор айтаман ва ўқувчилардан узр сўрайман. Бу китобни ўқувчиларга ва муаллифга дунё ва охирабда манфаатли қилишини Аллоҳдан сўраб қоламан.

Саҳвий.

2012 йил 28 июн.

Аччиқ ҳақиқат

(Бу китобда 2013 йилда ёзган шеърү ғазалларим жамланган)

Муаллиф

Саҳвий

2013 йил

Швеция

Кириш

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

Бу китобдаги шеърлар 2013 йилда ёзилган бўлиб, шеърларни ёзилиш санасига қарабмас, балки жанри ва мазмунига қараб жойладим. Китоб номини ҳар доимгидек, бирорта шеър номидан олинди. Шу сабабли китоб бошида шу шеър биринчи келади. Китоб номи ундаги шеърлар мазмунига мувофиқ бўлмоғи мақсадга мувофиқдир. Менинг бу шеърларим ҳаётдаги мавжуд бугунги “аччиқ ҳақиқатларни” тасвирлагани учун ҳам китоб номини “Аччиқ ҳақиқат” дея номлаш маъкул кўринди. Бу китобимни менга ва мухлис ўқувчиларга манфаатли қилишини Яратган Роббимдан тилаб қоламан.

Саҳвий.

2013 йил декабр

Аччиқ ҳақиқат

Ҳаракат қиламиз, нега биз аммо,
Ҳали силжимадик, ҳеч мақсад томон.
Тугамади ҳали, битмас муаммо,
Кутганмиз шунча йил, кутамиз ҳамон?!

Тушундик, ҳеч нарса қилаолмаймиз,
Демак, шундай битган тақдирни, Котиб.
Келажакни, ҳаргиз билаолмаймиз,
Келадими йўқми, «бахтли тасодиф»!

Ўзимизга боғлиқ, ислоҳимиз ҳам,
Буни тушунамиз, гўё, ҳаммамиз.
Ҳаракатлар бўлди, натижаси кам,
Буткул қотиб қолди, энди, калламиз.

Хулоса шундайки, кутишлик лозим,
«Бахтли тасодифни», келса ажабмас?!
Қадарнинг ҳукмини, қилишлик лозим,
Бу аччиқ ҳақиқат, беҳуда гапмас!

Советлар давридан қолган, ўғрилар!

Ўзбеклар кун кўриш, йўлини излар.
Эшакни “тоға” дер, итини сизлар.
Қул бўлдилар бугун ўзга миллатга,
Миллионлаб эркаклар, аёллар, қизлар.
Қаранг ҳукмдорлар кимлигин, булар...,
Советлар давридан қолган, ўғрилар!

Сохта эътиқодлар даври ўтди-ку,
Не не умид билан, бу халқ кутди-ку.
“Истиклол кўеши” нур сочган замон,
“Иличнинг чироғи” тугаб битди-ку!
Демократман деб, иддао қилар,
Советлар давридан қолган, ўғрилар!

Фарзандлар хорижда, ватандан узоқ,
Зимистон хоналар, ёнмайди чироқ.
Отасиз ўсмоқда фарзандлар бугун,
Демак, келажакка, қўйилди тузоқ.
Чунки, устимизда ҳукмрон, шулар,
Советлар давридан қолган, ўғрилар!

Қай тарафга юрсин, бугун оломон?,
Ҳар соҳада пешво, даҳрийлар ҳамон.
Ўзлари бир ишни қойил қилолмай,
Ёшларнинг йўлини тусишлик ёмон.
Қачон қуриб битар, бу эл қутулар?,
Советлар давридан қолган, ўғрилар?!

Йўлсизлар, йўл кўрсатолмас ёшларга,
Тавба лозим, қиров тушган бошларга.
Шулар сабаб афгор бўлди, бу миллат,
Йиғласинлар бошин уриб тошларга.
Ҳеч тугаб битмади, то ҳануз улар,
Советлар давридан қолган, ўғрилар!

Интилсақда имкон борича танда,
Бу аҳволни ўнглаб бўлмас эканда?!
Қут барака кўтарилдими биздан,
Дину диёнат қолмаган, Ватанда?!
Наҳотки, халқ билан жарликга қулар?,
Советлар давридан қолган, ўғрилар?!

Наҳотки, “ҳеч кимдан, каммасмиз бизлар”?!

Ўзбек мустабиди тураркан омон,
Ёруғ кун кўрмади, ўзбеклар ҳамон.
Чорак аср бўлди, бечора халқнинг,
Йил йилдан аҳволи, бўлмоқда ёмон.
Бу не мунофиқлик, айтинглар сизлар,
ИАК дер; Ҳеч кимдан каммасмиз бизлар”!

Сарсондир халқ қишда, топмолмай ўтин,
Чироклар ёнмайди, зимистондек, тун.
Қарию-ёшларни, барчаси нимжон,
Қолдими бирорта, жигари бутун?!
Бечора одамлар, бир чора излар,
ИАК дер; Ҳеч кимдан каммасмиз бизлар”!

Кўр кўзлар кўрмасми, тақирбошларни,
Қўлларида ўлган, ватандошларни?!
Турмаларда қанча, умри хазонлар,
Мазлумлар кўзидан, оққан ёшларни?!
Фоҳишалик қилар, аёллар, қизлар,
ИАК дер; Ҳеч кимдан каммасмиз бизлар”!

Балки, у бу гапни, айтар ўзига,
Хотини ва ёки, икки қизига?!
Бу халқ бунча абгор, бўлганмас ҳаргиз,
Қандай тушунамиз, ушбу сўзига?!
Бу сўз не синоат, маънони гизлар,
Наҳотки, “ҳеч кимдан, каммасмиз бизлар”?!

Бўлганида унда инсоф, номус ор,
Бу халқни бунчалар қилмас эди хор.
Қизлари шоҳона ҳаёт кечирар,
Оддий халқ бир парча нон тополмай зор.
Уялишни билмас, бу уятсизлар,
Яна дер; “ҳеч кимдан каммасмиз бизлар”!

Гўё, бир шаъм каби борарман тугаб

Дармон кетаяпди танда, кун-кундан,
Гўё, бир шаъм каби, борарман тугаб.
Начора, ҳаёт шу, тугайди бир кун,
Ҳамма ҳам ўлади, бунда эмас гап.

Гап шуки, фитратим доирасидан,
Ҳаргиз чиқолмайин, кетаётирман.
Қандай бўлсам, шундай яшаб дунёда,
Яна шундай, аста ўтаётирман.

Табиатим қўпол, буни биламан,
Лаганбардорликни, эплай олмайман.
Ўзим тўғри деган, ишни қиламан,
Панду насихатни, ҳаргиз олмайман.

Ана шудир айбим, “катта хатоим”,
Начора, бошқача яшайолмасам?!
Эртани ўйлаб, иш қилмадим доим,
Худо бир йўл берар, ахир ўлмасам.

Мана шу оддий ва содда ақидам,
Мен шу фитратимда, яшарман ҳамон.
Турли туман, давру-даврондан ўтдим,
Ўзгартиролмади, мени бу замон!

27 март

Қайтганим бўлсин!

Кимни кечирар Ҳақ, кимни азоблар?,
Ҳеч нарса аниқмас, ҳали жаноблар,
Фаришта санаса ўзин каззоблар,
Майли мен гуноҳга ботганим бўлсин!
Ўз билган йўлимдан, кетганим бўлсин!

Эътибор бўлмаса, бу ҳам “одам” деб,
Ўйламаслар “бордир, дилинда ғам” деб,
Қилган ишларингни баҳолар кам деб,
Бундай қавмни тарк, этганим бўлсин!
Дунёдан шуларсиз, ўтганим бўлсин!

Қилган ишларингни, “хато” десалар,
Ғийбатинги қилиб “расво”, десалар,
Яна “беайб, битта Худо” десалар,
Дардларимни дилга, ютганим бўлсин!
Бундайлар йўлидан, қайтганим бўлсин!

Олмаслар ҳисобга лаёқатинги,
Билмайдилар вафо, садоқатинги,
Тоқ қилсалар охир, бор тоқатинги,
Энди узлат йўлин, тутганим бўлсин!
Бир бора менинг ҳам, айтганим бўлсин!

Шеърият восита

Шеъриятнинг дерлар баъзилар,
“Муҳаббатнинг изҳори учун”,
Менимча бу хато тушунча,
Хатолиги шундаки; “Нечун..?”,

Шеъриятда бўлар намоён?,
Кимнинг кимларгадир нафрати?!
Муҳаббату нафрату, барча,
Ким кимнидир рақиб, улфати”?!
?

Демак, шеърият бир восита,
Қалбда бори бўлар намоён.
Қалбда доим, муҳаббат эмас,
Гоҳ, нафрат ҳам, бўлар ҳукмрон!

Шеърият қалб тили

Мен шунчаки гапиролмайман,
Дилимдаги туйғуларимни.
Шеърларимда ифода этай,
Кўнгилдаги қайғуларимни.

Чунки, қуруқ сўзда, билинмас,
Нозик туйғуларнинг, ифори.
Ўзга дилга, етмайди бу ҳис,
Шеър ҳам бир восита, изҳори.

Руҳият қалб тили, назмдир,
Бу ҳам бизга Тангридан эҳсон.
Шунинг учун яшар шеърият,
Чунки, унга муҳтождир инсон!

Умид

Умидим кўпдир, мағфиратдан,
Гарчи кўпдир менинг гуноҳим.
Хавфим йўқ эмас, охиратдан,
Лекин, Меҳрибондир Аллоҳим!

Оқламасамда ўз нафсимни,
Умидимни узмасман асло.
Мағфират ҳам қилиши мумкин,
Ғазабга ҳам қодирдир Худо!

Менинг ақлим етгани шуки,
Шудир бандаликнинг мақоми.
Ҳақ раҳмати устундир мутлақ,
Мумкиндир лек, Ҳақ интиқоми!

Диллар ҳувиллаб қолди

Тушиб бўлди одамзод,
Тубанликнинг тўрига.
Чора борми айтинглар,
Замонанинг зўрига.

Диллар хувиллаб қолди,
Холи ишонч, имондан.
Ҳеч нарса йўқ, кутишга,
Келажакдан, замондан.

Шу аҳволда яшашга,
Маҳкумдирмиз, начора?
Виждонинг уйғоқ бўлса,
Одам бўлар “бечора”!

ИАКга атаб;

Мустабид, мараз сен, ҳеч қачон, эркин,
Сукунат, оромда яшайолмайсан.
Лекин, ҳар қанчалик эҳтиёт бўлма,
Барибир, ўласан, тирик қолмайсан!

Сени тинч қўймагай икки дунёда,
Қилган ноҳақ зулм, ва тўккан қонинг.
Хорлик азобида ўласан охир,
Жаҳаннамда мангу қийналсин жонинг!

Сен Аллоҳ динига қилдинг душманлик,
Ислом душманисан, ҳайф сенга бу ном.
Бир умр бу номни кўтариб ўтдинг,
Лекин, сендайлардан, пок эрур Ислом!

Охиратни сотдинг, ушбу дунёга,
Шунча имконларни билмай ғанимат.
Ҳаммаси эртага кетади қўлдан,
Ҳаммаси омонат эди, бу неъмат.

Эй бадбахт, ҳолинга вой сени ал-ҳол,
Буни дил қаъридан англарсан ўзинг.
Барбод бўлди дунё, тупроққа тўлар,
Дунё матосига тўймаган кўзинг!

Ғам чекмайин яшайман

“Чекай” десам, менда беҳисоб,
Атрофимни ўраган Ғамдир.
Чиқолмасман барини “чекиб”,
Чунки, умрим қисқадир, камдир.

Вақтим йўқдир “ғам чекишга” кўп,
Барин солиб кўяман, қопда.
Тураверсин бари йиғилиб,
Ахир яшаш керак ҳаётда.

Янгиланиб ҳар куни, ғамлар,
“Ғам қопи” ҳам борадир тўлиб.
Ғам чекмайин яшайман, энди,
Бу ҳаётдан кетгунча ўлиб.

Кўй дўстим

Кўй дўстим, бу каби насиҳатларни,
Зерикдим, тўғриси шу гапларингдан.
Ўргатма ҳаётда қандай яшашни,
Менга қизиғи йўқ, эртақларингдан.

Салафлар ҳам асли биз каби инсон,
Истама, “айбсиз одам”, ўтмишдан.
Улар ҳам хатолар қилдилар, чунон?,
Фитратда уларни, фарқи йўқ биздан.

Ечимлар истама “ўтган замондан”,
Бугунги муаммо, ташвишлар учун.
Сен айтган гапларинг билан, муаммо,
Ўн тўрт аср бўлди, ечилмас, нечун?!

Муаммо ечими бўлса, покдиллик,
Қани, “қалби поклик” мезони, кўрсат?!
Қачон қалбимиз пок бўлади, кейин,
Келади бизларга, сен айтган “нусрат”?!

Ҳаракат қилганда ҳатто, даҳрийлар,
Топдилар меҳнатин самарасини.
Аллоҳнинг қонуни ҳаётда, шудир...,
“Кўчат экиб, кейин кут мевасини.”

Салафлар едилар ўзининг даврин,
Тараққиётига, қилиб жон фидо!
Мақсадни аниқлаб, интилиш керак,
Натижани албат, беради Худо!

24 март. 2013

Эй Аллоҳ дунёнинг эгаси Ўзинг

Эй Аллоҳ дунёнинг эгаси Ўзинг,
Бу дин Сеникидир, Сеники қуръон!
Ҳаммага дунёда синовлар бериб,
Ўзинг баҳолайсан, келтирдик имон!

Сенинг ҳузурингда қиёмат куни,
Бўлмаслиги учун, юзимиз қаро.
Тўғри йўлда яшаб ўтишлик керак,
Залолатга кетмай, бу дунё аро!

Қани шу тўғри йўл, Парвардигорим?,
Қайси йўл Расулинг йўли, ё Раҳмон?!
Йўллар кўп бу кунда, кўриб турибсан,
Ҳамма ўзин “Ҳақ” деб қилади гумон!

Ҳамма бир бирини адашган дейди,
Ҳаммаси иддао қилар “тўғрилиқ”.
Сенинг номинг билан, тўкилар қонлар,
Сенинг номинг билан, бўлар ўғирлик!

Сенинг номинг билан, бири-бирини,
“Мунофиқ”, “муртад”га чиқарар, кўяр.
Сенинг номинг билан, фатволар бериб,
Бири-бирисини бўғзидан сўяр.

Қайси бири тўғри буларни, ё Раб?!
Мазҳабпарастими, маккор сўфими?!
Ҳизбут Таҳририми, Таблиғчи, Нурчи,
Бизга индирилган ҳидоят шуми?!

Нима қилайин мен нотавон банданг?,
Буларни йўлидан юраолмасам?!
Дилимга марғуб бир йўл тополмадим,
Қўрқаман оқибат, йўлсиз қолмасам?!

Менга қиймати йўқ, сариқ чақалик,
Салласи қозондек, казо-казони.
Мен ёлғиз Ўзинга, келтирдим имон,
Ўзинг белгиловчи қадар-қазони!

Қабоҳатнинг йўллари

Маъноси мазмуни, қолмади,
Муҳаббату нафратни қаранг!
Садоқату хиёнат фарқин,
Англаёлмай, мен боши гаранг.

Кимга, қачон, қаерда, қандай,
Садоқат қилдим ё хиёнат?!
Кимни қачон дўст-душман, тутдим,
Кимга кўрсатолдим диёнат?!

Ким буларни ажрата олар?,
Қайси мантиқ ва мезон билан?!
Ким булардан мутлақ омонда,
Ўтаяпди пок имон билан?!

Қабоҳатнинг йўллари очиқ,
Садоқатга қўйилган тузоқ.
Хиёнатнинг йўллари яқин,
Саодатнинг манзили узоқ!

4 апрел 2013 йил

Ақл бовар этмас

Бобур борган эди, Ҳинд диёрига,
Қиличин кўтариб, истило учун.
У ғолиб бўлдию, қолди шу ерда,
Уни “босқинчи” деб, атамас ҳеч ким.

Бугун ҳам бордилар, ўша жойларга,
Баъзи биродарлар, Ўзбекистондан!
Бобурдек, у ерда, жанг қилар улар,
Тошкентлик, Хоразм ё Андижондан.

Лекин, Бобур каби, ғолибмас улар,
Уларнинг номлари, “террорист” ёмон.
Қани бунда мантиқ, айтинг оқиллар,
Ақл бовар этмас, ажойиб замон!

Тушуниб бўлмади

Тушуниб бўлмади, афғонларга ҳам,
Ким билан ким, қилар, тинмай доим жанг?!
Ўттиз йилдан ошди, тинмади уруш,
Фитналардан боши чиқмади, қаранг!

Даҳрийлар тарк этиб, кетганида ҳам,
Тинмади ўзаро урушлар, нечун?!
Доимо урушиш қиргин адоват,
Мақсад дунёмиди ёки дин учун?!

Чет элларга қочиб, неча миллиони,
Дунё бўйлаб дайдиб юрибди бугун.
Неча миллион ўлди, уруш йиллари,
Ҳануз ечилмади муаммо, тугун.

Урушқоқ қавм билан уришиш учун,
Топилди, шунақа “урушсеварлар”.
Ўн йилдан ошдики, уришар мана,
Кўп экан дунёда, жангга чеварлар.

Хуллас, тинчимади ҳеч Афғонистон,
Урушсеварлар ҳам чиқиб кетмоқда.
Улар сўнг ўзаро, тўкажаклар қон,
Мана шу фурсатни, ҳамма кутмоқда.

Мазлумларга бергил, нусратни, энди

Аҳволимиз биларсан, эй Аллоҳим,
Даргоҳинга қилай ҳасратни, энди.
Сен мадад бермасанг, ким тинглар оҳим?,
Ўзинг кўрсат, чексиз қудратни энди!

Кутавериб, тоқатимиз тоқ бўлди,
Миллат аждодига буткул, “оқ” бўлди,
Ютнинг асл ўғлонлари, йўқ бўлди,
Охири борми бу, кулфатни энди?!

Золимларга фақат “омад” келмоқда,
Мўмин мусулмонлар, бари қамоқда,
Ожиз банданг Сенга, дуо қилмоқда,
“Кўрсин мазлумлар ҳам, иззатни энди”!

Бу юрт буткул, хароб бўлмасдан аввал,
Дилда ғайратимиз, ўлмасдан аввал,
Умид ғунчалари, сўлмасдан аввал,
Кўтар бошимиздан, зулматни энди!

Бухорийнинг зурриёти, дод этар,
Золимларнинг зулмидан, фарёд этар,
Қачонгача, Золимлар бедод этар?,
Кўтар қадрини бу, Миллатни энди!

Чексиз Қудратинга, келтирдим имон,
Кўрсатгил қудратинг, Қудратли Раҳмон!,
Золимларни айлаб, ер бирла яксон,
Мазлумларга бергил, нусратни, энди!

Будир сен англамас, ҳикмат, ирода,
Сабр айлаган киши, етгай мурода,
Барча муаммоинг битмас, дунёда,
Саҳвиё, тушун бу, ҳикматни энди.

Янги йил ҳақида

Келади кетади, ойлару йиллар,
Фарқи нима йилни, эскимми, янги?,
Одамлар ўзича маъно изларлар,
Тугамас ўртада, ғоялар жанги.

Битта нарса аниқ, кун ўтган сари,
Ўтади бизларга, берилган имкон.
Навбат билан, кимлар келар дунёга,
Кимлар ажал етиб, топширади жон!

Дунёда ҳеч нарса аниқмас ҳали,
Лекин абадиймас, ҳаёти дунё.
Келади Ҳақиқат ғолиб маҳали,
Унгача ҳаётинг, ҳаётмас, рўё!

Келар бир кун

Келар бир кун дўстим, узма умидинг,
Бўстонлар очилар, Ўзбекистонда.
Бу кунги синовлар, охири бордир,
Зиндонлар очилар, Ўзбекистонда.

Ленин бўлганидан давронга “доҳий”,
Юртимизни босди, имонсиз даҳрий,
Даҳрийлик даврида бўлган, тарихий,
Қурбонлар очилар, Ўзбекистонда.

ИАК даҳрийлардан қолган бир “қуйруқ”,
Буқаламундир йўқ, унда тутуриқ,
Қанча ноқонуний жинойт, буйруқ,
Фармонлар очилур, Ўзбекистонда!

Албатта, Аллоҳдан нусрат, ҳидоят,
Бордир ҳар нарсага, охир ниҳоят,
Золим амалдорлар, қилган жинойт,
Пинҳонлар очилар, Ўзбекистонда.

Ҳаёт ўзи дерлар асли, “беш кунлик”,
Бўлсин юртимизда, шу “беш кун” тинчлик,
Барча дин аҳлига, эмин – эркинлик,
Имконлар очилар, Ўзбекистонда.

Келади ҳар нарса, қисматда битган,
ИАК даври бизга, қолдириб кетган,
Халқмизнинг, буткул жонига теккан,
Ёлғонлар очилар, Ўзбекистонда!

Умид узма, шундай кунлар келади,
Йиғлаганлар бир кун, албат кулади,
Қанча нефт, олтин, Аллоҳ билади,
Газ конлар очилар, Ўзбекистонда.

Келар бир кун дўстим, узма умидинг,
Бўстонлар очилар, Ўзбекистонда.

28 декабр 2012 йил.

Шайх Абдулазиз Мансур Гулнора Каримова томонидан тақдирланганини кўриб;

Мукофот “муборак” Шайх жаноблари,
Кимсан “Малика”ни ўзи сийлабди.
Шайхимиз, қувончдан ўзин йўқотиб,
Ҳатто, “Малика”ни қўлин силабди.

Унутган Шайхимиз номаҳрамларга,
Назар солишликни, гуноҳлигини.
“Бу шараф” етишмас ҳар одамларга,
Тушунамиз, Шайхни шаккоклигини!

Сизга қараб турса, Диктатор Қизи,
Қандай назар солсин, Шайх ҳар тарафга?,
Яланғоч сийнага, тикилар кўзи,
Ҳар кимгамас, етмоқ, бундай “шарафга”!

Уни дуо қилинг, узундан-узоқ,
Қариган отаси, бир кун ўлади.
Шайхим, ушланг, Уни этагин маҳкам,
Ажабмас, эртага “Подшоҳ” бўлади.

Кейин сизга, кулиб боқади “қуёш”,
“Малика” Шоҳ бўлса, оласиз унвон.
Агар панд бермаса, “сабр ила бардош”,
Бир куни бўласиз, балким, “Қаҳрамон”!

Мирзо Кенжабекни шеърини ўқиб;

На ижод, на доврўқ истак-нажотим,
Дилларни поклайин ноҳақ шубҳадан:
Буткул сабил қолсин менинг ижодим,
Фақат озод бўлсин шу халқ, шу Ватан!..

Мирзо Кенжабек

Бу шеърни ёзгандан, йигирма йил сўнг,
Бир таққослаб кўринг, энди нисбатан.
Майли сабил қолса, қолсин шеърингиз,
Бугун озодмикан шу халқ, шу Ватан?!

Нега бугун жимсиз, шоир амаки,
Нега чекиндингиз кураш йўлидан?!
Наҳотки, етдингиз мақсадга охир,
Наҳот озод бўлди, шу халқ, шу Ватан?!

Тариқат йўлини тутдингиз охир,
Узлатни қилдингиз оқибат, ватан.
Сизку “озоддирсиз дунё ғамидан”,
Лекин, “озод эмас, бу халқ, бу Ватан!

“Золимга ҳақ сўзни айтиш, жиҳоддир,
Бу ҳадисни сиз ҳам, оласизми тан?!
Инсоф билан айтинг сўфи амаки,
Озодмикан бугун шу халқ, шу Ватан?!

Диктатор, мияси айниб қолибди

Диктатор, мияси айниб қолибди,
Қизига берармоқчи, тожу-тахтини.
Салтанатнинг меҳри, ақлин олибди,
Қаро қилдилар, бу юртнинг бахтини?!

Бу халқнинг бошида, тарихда ҳеч вақт,
Ҳукмдор бўлганмас, аёл зотидан.
Шунга йўл қўйса гар, бу ўзбек халқи,
Қандай бош кўтарар, сўнг иснодидан?!

Бу нима, отадан, болага мерос,
Қолдирмоқчи, қирол, монархиями?!
Бу ИАК подшоми, ёки Президент,
Юртда тартиб йўқми, анархиями?!

Эй халқим, бу шайтон бўлса юртбошинг,
Бахтинг кулишига, ишонасанми?!
Етмайдими шунча тўккан кўз ёшинг,
Кеч бўлмай, уйқудан, уйғонасанми?!

Бу ноинсоф тўда, айт қачонгача,
Ичади, эй халқим сени, қонингни?!
Еб тўймас юҳолар, ҳаргиз тўймаслар,
Олар Азроилдек, азиз жонингни?!

Бас энди, бош кўтар, қараб турма, жим!,
Йўл берма, урғочи, думсиз шайтонга!
Эй халқим, курашгил ўз бахтинг учун,
Фаровонлик келсин, Ўзбекистонга!

23 декабр 2013

Россия турмасида МХХлар тазйиқидан сўнг ўзини ўзи осиб ўлдирган Абдусамад Фазлиддиновга;

Йигирма ёшинга, кирмайин кетдинг,
Ҳаётдан шунчалик, тўйдирдиларми?!
Қўрқитиб, “тирноғинг суғураамиз” деб,
Дилинги қўрқувга тўлдирдиларми?!

Ўлим афзалмиди сенга, хорлиқдан?,
Йўқлик авло балки, бундай борлиқдан?,
Сенга ҳам “халқ душмани” деган, ёрлиқдан,
Тамғалаб, бўйнинга қўйдирдиларми?!

Эй, менинг жувонмарг, умри хазоним,
Зулм домидаги сонсиз қурбоним,
Сени ҳолинг билар шаксиз, Раҳмоним,
Билмадим имонинг, куйдирдиларми?!

Сени авф айласин Парвардигоринг,
Ўзига маълумдир, аҳволи зоринг,
Мазлумсан, гувоҳинг осилган доринг,
Ўзингни, пичоқсиз сўйдирдиларми?!

Тарк этиб, дунёни хорлигин, бу он,
Ўзини ўлдирди йигит навжувон,
Ноинсоф золимлар, мазлум укажон,
Гулдек юзларинги, сўлдирдиларми?!

27 декабр

Россия турмаларида диний ташкилотга алоқадорликда айбланиб, жазо ўтаётган Ўзбекистон фуқароларига

Эй, тутқунликдаги биродарларим,
Кўрдингиз аламлар, зулмкорлардан.
Руслар зиндонида қотган жигарим,
Омон чиқарсизми, қишдан-қорлардан.

Уларни айби йўқ, аслида мутлақ,
Руслар қонунини, бузмаган зинҳор.
Лекин, тушмайин деб, ИАК қўлига,
“Қилмаган ишига” бўлдилар “иқрор”!

Улар истамади, юртга боришни,
Рус зиндони афзал, Ўзбекистондан.
Чунки, агар борса “Она Ватанга”,
Ўлиги чиқиши аниқ, зиндондан.

Мана сизга, жабр- жафо чўққиси,
Қаранг, золимларни бозори чаққон!
Эҳ муслмон дўстлар, биродарларим,
Не учун, қиясиз бу жонни қурбон?!

Эҳ афсус, фалакнинг чархи бир бора,
Адолат тарафга айланмадия?!
Беғуноҳ дўстларим, бари-бечора,
Ҳали бир қанчаси, уйланмадия?!

Ҳаққингизга дуо қиламан, ночор,
Аллоҳ сизга берсин, нусрату- нажот!
Ожиз бандаларда қандай чора бор?,
Шунақа, шафқатсиз бўлса бу ҳаёт?!

26 декабр 2012

Туш

Бугун бир туш кўрдим, гўё Умиёда,
Обид қори ака, соппа соғ экан.
Гаплашиб ўтирдик озгина, тунда,
Касалдан асар йўқ, вақти чоғ экан.

Хаёлимдан ўтди, демак, қори ака,
Тузалиб кетганлар, бутунлай омон.
Лекин, бу маълумот, сир сақланади,
Токи келгунича, бир муддат замон!

Албатта, қувондим тузалганига,
Сўрадим “Юрий”ни кўрганмидингиз?!
Дедилар, “юзига қарамагандим,
Умуман, эътибор қилмагандик биз”.

Хулласи, бу тушим, бўлди башорат,
Дилимга таралди, қандайдир ором.
Шу билан, бу тушим бўлди, ишорат,
Қолгани ҳаётда этажак, давом!

16 декабр 2013 йил

Халифа келади

Ҳизбут Таҳрирни расмий матбуот котиби Усмон Баххош Стокгольмга келганда, ўзбек ҳизбийлар ундан Марказий Осиё ҳизбийларига бир мурожаат қилишни сўрашган. Усмон Баххош мурожаатида, уларга қойил қолганини айтиб, ва уларни сабр қилишга чақириб, уларни унутмаслиги ва дуолар қилишини маълум қилди ва Халифат тезда бўлишини башорат берди. Шу муносабат билан ёзилган шеър.

“Халифа келади” дейишди, сизга,
“Башорат” берилди, ҳар йигит қизга,
“Оз қолибди” демак, ишон бу сўзга,
Қайтманглар бошинга ёғдирса ҳам тош,
Сизга қойил қолди, бу Усмон Баххош!

Золимга ем бўлса, гулдек йигитлар,
Бунга қойил қолар, четдаги кимлар,
Сизларни унутмас экан, билинглар,
Майли тўкаверсин фарзандинг кўз ёш,
Сизга дуо қилар, бу Усмон Баххош.

Йиғласин ҳижронда, уйдаги ёринг,
Дардин кимга айтсин онаизоринг?,
Сен ўша турмада, қил оҳу-зоринг,
Чиқмагил, муддатинг тугаса ҳам фош,
Сенга раҳмат айтар шу, Усмон Баххош!

Ҳар нима бўлсада, сабр айланг энди,
Золим ИАКни ҳам, ҳоли танг энди,
Тугар барча зулм ва найранг энди,
Шу гапга ишонгин, қил сабр бардош,
Шуни истар сиздан, бу Усмон Баххош!

Майлида ўлдирса, ё қилса бадном,
Халифани ўзи, олар интиқом,
“Халифа келади”, кутинглар, тамом!,
Оз қолди, кутинглар, ёрилса ҳам бош,
Сизни эслаб турар, шу Усмон Баххош!

Ғазода бегуноҳ ўлдирилган гўдаклар суратини кўриб

Кошки бу кўзларим, кўр бўлса эди,
Кўрмасам эди, бу даҳшатларни мен.
Ё Раб, куч қувватим, зўр бўлса эди,
Йўқ қилсам эди, бу ваҳшатларни мен.

Менда йўқдир тоқат, кўзим кўришга,
Нега бу гўдаклар маҳкум, ўлишга?,
Ё Раб, лаънат бўлсин, бундай урушга,
Кўрмасам эди бу, суратларни мен.

Тошбағир юрагим, эриди ёғдек,
Нафратим дилимга, сиғмайди, тоғдек,
Узулган бошларни тутиб, байроғдек,
Ҳайқирсам, кўрсатиб, қулфатларни мен.

Дунёнинг устунни қуламас, нега,
Одам одамзотни, ўйламас нега?,
Мўминлар бир бирин, қўлламас нега?!,
Йиғласам, гапириб ҳасратларни мен.

Азиз болажонлар, нима гуноҳи?
Ёвуз яҳудийлар, борми Илоҳи?!,
Беғуноҳ гўдаклар қони, гувоҳи,
Тилармен уларга, жаннатларни мен.

Аллоҳ лаънатлаган исботи, мана,
Малъун бўлгач, қилар, ёвузлик яна,
Адолат, барибир, қилар тантана,
Сизга дерман, мангу лаънатларни мен.

Тозилар кўпайди, Ўзбекистонда

Тартиб сақловчимас, уни бузувчи,
Маош олиб, жиноятлар қилгувчи,
Ушлаган одамни, итдек қопувчи,
Тозилар кўпайди, Ўзбекистонда.

Аллоҳ эмас, рози бўлсин ҳукмдор,
Мақсади шу дунё, фирибгар, айёр,
Пул учун имонин, сотишга тайёр,
Қозилар кўпайди, Ўзбекистонда.

Халқим, хафа бўлма. мени сўзимдан,
Қаҳринг қайтаролмас мени йўлимдан,
Куфрдан, зулмдан, ноҳақ ўлимдан,
Розилар кўпайди, Ўзбекистонда!

Диндорларга қайтар ипнинг бир учи,
Оқни қора, қорани оқ дегувчи,
Золимни ҳаққига дуо қилувчи.
Ҳожилар кўпайди, Ўзбекистонда.

Даврон

Даврон тинмай доим, айланиб турар,
Қисмату қазога бойланиб турар,
Бўлажак ишлар ҳам шайланиб турар,
Сабабчидир асли фақат, одамзод!

Бу ишларга қараб, англарман ҳикмат,
Бир нарсага албат, бир нарса сабаб,
Яхшилик ёмонлик, муҳаббат нафрат,
Вайрона бўлгач, сўнг қилинар обод!

Аввал тушунолмай, бўлганман гаранг,
Энди ҳикматларин, англарман аранг,
Аллоҳнинг ишлари ажойиб, қаранг,
Ғамга тушмагунча, бўлолмассан шод!

16 ноябр

Ўғлимга насиҳат

Қанча қолди умрим, кўпми ва ё кам,
Билмайман, сенга шу насиҳат болам,
Ҳаётда мутлақо, ҳеч қачон, ҳеч ҳам,
Битта Аллоҳдан қўрқ, ўзгадан қўрқма!

Тоғлар келса ошгил, сойлар келса кеч,
Қўрқишга бирор ғам арзимагай ҳеч,
Англагил ўғилчам бўлмай туриб кеч,
Ёлғиз Аллоҳдан қўрқ, ўзгадан қўрқма!

Яшаш керак алғов, далғов замонда,
Тақдир ўзгармагай, бўлма гумонда,
Таваккул айлагил, сақлар омонда,
Қодир Аллоҳдан қўрқ, ўзгадан қўрқма!

Ҳеч ким тўсолмайди ризқинг, нонинги,
Мард бўл, доим баланд тутгил, шаънинги,
Олса, берган Аллоҳ, олар жонинги,
Якка Аллоҳдан қўрқ, ўзгадан қўрқма!

Васваса айласа, мабодо шайтон,
Роббинги эслагил, ўқигил қуръон,
Қуч-қудрат, ягона Аллоҳда, инон,
Ўғлим, Аллоҳдан қўрқ, ўзгадан қўрқма!

Аллоҳ ёринг бўлсин, икки оламда,
Эътиқод шундайдир, мўмин одамда,
Шодлик куни бўлсин, ва ёки ғамда,
Фақат Аллоҳдан қўрқ, ўзгадан қўрқма!

Ўғлимга

Умринг узун бўлсин, саодатлик бўл,
Мададкоринг бўлсин, доим Раҳмоним!
Жасур, паҳлавон, мард, ибодатлик бўл,
Икки ёшга кирди, менинг полвоним.

Ота онам қадрин менга, эслатиб,
Босиб ўтган ҳаёт йўлим, кўрсатиб,
Дилимизга шодлик бериб, яшнатиб,
Икки ёшга кирди, менинг полвоним.

Унутма кимлигинг, дининг исломдир,
Сенга бундан бошқа йўллар ҳаромдир,
Сенинг мавжудлигинг менга илҳомдир,
Икки ёшга кирган, менинг полвоним.

Ҳаёт неъматини менга англаган,
Аллоҳ қудратини менга англаган,
Умр ҳикматини менга англаган,
Икки ёшга кирган, менинг полвоним.

Дуо қилдим яратганга, сиғиндим,
Ўғлим сени Аллоҳимга топширдим,
Келажакни Ҳақга таваққул қилдим,
Юз ёшга ҳам кирсин менинг полвоним.

Қаердан билсин?

Ватаннинг қадрини қаердан билсин,
Ватандан ҳайдалиб қувилмагунча.
Эркинлик қадрини қаердан билсин,
Турмада калтак еб, урилмагунча.

Имоннинг қадрини билмас одамзод,
Дин йўлида чекмай машаққат фарёд,
Мамлакат ҳеч қачон бўлмайди обод,
Адолат устига қурилмагунча.

Энг олий қадрият бўлолмайди пул,
Буни тушунолмас кимки унга қул,
Буюклик келмайди, ёлғонни буткул,
Тарк этиб, ҳақ тараф бурилмагунча.

Розилик деманглар элни жимлигин,
Бу эл билдирмайди дилни ғамлигин,
Албатта, билмассан кимни кимлигин,
Майдонда бир синаб кўрилмагунча.

Инсон эл дардисиз яшаса ёмон,
Бизлар узмаганмиз умидни ҳамон,
Натижа бўлиши лекин, даргумон,
Сабр тоқат қилиб, турилмагунча.

Жудаям чарчадим

Жудаям чарчадим фитна фасоддан,
Номард душманлару, тухмат ҳасаддан.
Душман қандай ваҳший, «дўст» қандай аҳмоқ,
Ё билмай, ё билиб, чанг солар қасддан?!
Одамзод бунчалик пасткашлик қилмас,
Наҳот Яратган Зот, билишин билмас?!

Қилган тухматинга берарсан жавоб,
Тухмату ғийбатни, англарсан савоб.
Сизлардек нодонлар жавоби сукут,
Демак мен, сизлардан қилдим ижтиноб.
Кимни кимлигин, кўр кўзларинг кўрмас,
Аллоҳдан ўзгалар, билмаса билмас!

Фирибгарлик билан чиқаргану ном,
Бошқаларни қилар ўзича бадном.
Ўзининг ҳурматин билмаган нокас...,
Махлуққа, тавозеъ айламоқ ҳаром.
Ҳақиқатни кўзга илмаса-илмас,
Бефаросат ўзин қадрини билмас!

Ёзар экан энди, битта бетамиз,
Инсоф адолатни, билмас эканмиз.
Сен билан гаплашсак яхши экану,
Алоқани узсак, ёмонмизми биз?!
Жар солади ёлғон сўзлаб, уялмас,
Аллоҳ билишлигин ўйламас, билмас!

Қани сенда инсоф, мардлик, мурувват,
Ишинг фақат бўлса, ғийбату-тухмат.
Бундай нобакорлар тўдасидан мен,
Узоқроқ юрганим афзалдир албат.
Бу ишлари доим яширин қолмас,
Аллоҳ билар гарчи, бандаси билмас.

Тилак;

Кўтаролмай қолдим, дарду ғамларни,
Менга бир кенг юрак бергил Аллоҳим.
Синовларинг кўпдир то ўлгунимча,
Ташлаб қўйма, кўмак бергил Аллоҳим!

Оғирлик босиқлик бергил, дунёда,
Заифдир мендаги мавжуд ирода,
Фикрим очиқ қилолмасман ифода,
Шууримга элак бергил Аллоҳим!

Мард душман бер, номардларга дуч этма,
Бу курашнинг самарасин пуч этма,
Ё Раб, менга қиёмат кун ўч этма,
Шулар бари керак, бергил Аллоҳим!

Азоб эмас, раҳматни ихтиёр қил,
Бадбахт қилма, ҳамиша бахтиёр қил,
Солиҳ амал, холис ниятни ёр қил,
Дилга яхши тилак бергил, Аллоҳим.

Ўзинг қилгувчисан ҳар нарсани фош,
Барча амалимга Ўзингсан сирдош,
Бу дунёдан олиб кетар пайтим бош,
Раҳматингдан дарак бергил Аллоҳим!

Мутакаббир кимсага

Эй ўз амалидан мағрурланган зот,
Катталик ярашмас, Одам зотига.
Иблис тузоғига тушгансан, ҳайҳот,
Лойиқ бўлган яхши, ҳар ким отига.

Сенсиз ҳам ҳаётда кунлар ўтади,
Битмади демагил, иш ҳам битади,
Ҳар ким билганини қилиб кетади,
Қолар мерос бўлиб, зурриётига.

Одамдан қолади яхшилик эҳсон,
Албатта, ёмонлик жазоси ёмон,
Ҳар нарсага бордир, албатта мезон,
Қайтади ҳар нарса асл зотига!

Ғам чекмасдан яшашинг керак

Соғинч, ғамлар устидан ошиб,
Ғам чекмасдан яшашинг керак.
Қафасига сиғмайди, тошиб,
Типирчилаб, тинмайди юрак.

Ҳодисотлар, гўё шамолдек,
Гирдобига тортади доим.
Сувга эгилган мажнунтолдек,
Бўлолмайти қаддимиз қоим.

Ғарқ бўлишга яқинмиз, гўё,
Ғафлат босиб, юмишар кўзни.
Бу ҳаётми ва ёки, рўё,
Ҳиссиётлар алдайди бизни.

Опа сингил Лола ва Гулнора Каримоваларнинг бир бирига қарши матбуотда тош отганларини ўқиб ёзилган;

Кўринг золим ИАК хонадонини,
Ишонган маҳрами, қадрдонини,
Ичмоққа шай бир бирининг қонини,
Бир бирининг кўзин ўяр, қаранглар!

Пароканда бўлган, аҳли-аёли,
Ҳаммаси мол тўглаб қочиш хаёли,
Мана, мустабиднинг охирги ҳоли,
Кимлар қочар, кимлар қувар қаранглар?!

ИАК ўлмай туриб, жанжал можаро,
Мерос талашмоқда, қизлар ўзаро,
Қолиб турли ташвиш ғавғолар аро,
ИАК қай бирига қуяр, қаранглар?!

Зулм салтанати бўлмоқда барбод,
Бунни кўрган киши, бўлмайдими шод?,
Энди ўзлари ҳам, қилмоқда фарёд,
Бир бирин бўғзидан сўяр, қаранглар!

Ҳаммани кўрқитиб, ит каби қошиб,
Ҳаромдан қанча мол дунёни тошиб,
Айби ошкор бўлди, кетолмас ёшиб,
Бунчалар дунёни суяр қаранглар!

Нокаслар мақтанар доим пулига,
Шайтон солиб олган ўзин йўлига,
Бир озгина мансаб тегса қўлига,
Кибру ҳаво таъмин туяр, қаранглар.

Барча жинояти бўлмоқда ошкор,
Албатта, дунёда адолат ҳам бор,
ИАК нинг қизлари йўл топмай ночор,
Бир бирига қовоқ уяр, қаранглар!

Зулм бўлолмайди доим ҳукмрон,
Бир куни қулаши шарт эди ёлғон,
Ўзини ҳисоблаб гўё мусулмон,
Қорани оқ билан бўяр, қаранглар.

Балодан чиқмади бу юртнинг боши,
Хор бўлди барчаси, кексаю-ёши,
Ноинсоф мустабид бўлса юртбоши,
Бошқа қандай давлат қурар, қаранглар?!

Зулм салтанати тугаб битади,
Барчасин қаро ер, бир кун ютади,
Бегуноҳ ўлганлар қони туттади,
Яна қиёматда сўрар, қаранглар!

Умринг тугаб бўлди, шайтонга ҳамроҳ,
Фурсатни ғанимат билмадинг, эй воҳ,
Ҳикмат билан ҳар бир нарсани Аллоҳ,
Албатта, жойига кўяр, қаранглар!

Билмаслар

Одамзотнинг бори шудир начора,
Барчаси бир куни ўлар, билмаслар.
Имкони борида тавбага қайтмас,
Бир кун паймонаси тўлар, билмаслар!

Ажалга фарқи йўқ гадомисан шоҳ,
Буни эслаб тургин, баъзида гоҳ-гоҳ.
Охиратни билмай қанчалар гумроҳ,
Одамларга зулм қилар, билмаслар.

Гарчи битилгандир тақдир, қазо ҳам,
Амалга хос мукофоту жазо ҳам,
Ўзин катта олган, казо-казо ҳам,
Бир куни гул каби сўлар, билмаслар.

Фарзандни деганлар; “дунёга зийнат”,
Улуғ неъматларга бўлди хиёнат,
Кимни азоблайди, ким аҳли жаннат,
Албатта бир Аллоҳ билар, билмаслар?!

Гарчи дахлсиздир, аслий ҳуқуқлар,
Ҳуқуқларни топтар, феъли бузуқлар,
Кибрдан қадр излаган, манқуртлар,
Устидан шайтонлар кулар, билмаслар.

Эшитгил эй Саҳвий, хулласи калом,
Банданинг бандага қуллиги ҳаром,
Азалда битилган умр, ризқ тамом,
Қазода битгани бўлар, билмаслар!

Виждони пок бўлсин, бўлса Юртбоши!

Аслида бу халқдан, ҳеч ким ҳеч қачон,
Сўрамаган “Подшо ким бўлсин”?, дея.
Ким подшо бўлишин, халқ билмас ҳамон,
Ким бўлса, инсофи бўлса майлия.

“Қуёшга ўхшайди, Ленин бобомлар”,
Дея куйлагандик ёшлигимизда.
Истиқлол қуёши қолди “чарақлаб”,
Лениннинг “қуёши” қолмади бизда.

Кейин куйлатишди “серқуёш” куйин,
Қалтаклар остида куйладик ночор.
Жонга тегди сохта «қуёшлар» бари,
Сохта “қуёш”лардан, бўлдикук безор.

ИАКни денгизга менгзашди энди,
Шоирлари маддох, бечора элмиз.
Бошга бало бўлди, кошкийди тезроқ,
Оролдек қуриса энди, бу “денгиз”!

Керакмас “қуёшу”, “денгиз” даҳолар,
Бас энди, қурисин элнинг кўз ёши.
Бизга бир инсофли одам бўлса бас,
Виждони пок бўлсин, бўлса Юртбоши!

Каззобларга;

“Аллоҳнинг лаънати бўлсин”, дейилган,
Каззоб кимсаларга атаб, қуръонда.
Бу лаънатга нега сазовор улар,
Бу тушунгандай бўлдим шу онда.

Исботи далили бўлмасдан туриб,
Одамларни ноҳақ қилишар бадном!
Албатта, лаънатга лойиқ бўлганки,
Унга лаънат эълон қилибди Ислом!

Ҳаётнинг паст баланд, сўқмоқларини,
Босиб ўтган сари, тушунар одам.
Мен Аллоҳ китобин ҳикматларини,
Янада тиниқроқ тушундим шу дам!

Ҳар ишда бор экан, бир улғу ҳикмат,
Ноҳақдан учрамас банда азобга!
Ҳақ каломин тасдиқ қиламан албат,
Лаънат бўлсин дейман, малъун каззобга!

Ажабо?

Ажабо, бу кунги мухолифатга,
Бари бир бирини, дерлар; МХХ.
Буларнинг бунчалик аҳмоқлигидан,
Балки мазза қилиб, кулар МХХ.

Неки бўлса МХХ нинг ишими?,
Бўхтон қилувчилар, оқил кишими?,
Шу ҳам жиддий одамни қилмишими?,
Бу гапларга ҳайрон қолар МХХ.

Қанчалар расво бу миллатнинг ҳоли,
Ҳукмдори золим, маддоҳ зиёли,
Бир-бирин синдириш, фикру хаёли,
Ўзидан ўзгани, ўйлар — “МХХ!”

Не бўляпди ўзбек деган, миллатга,
Мубтало бўлганми, битмас иллатга,
Шу сабабли дучор бўлди зиллатга,
Ўз элига лойиқ бўлар МХХ!

Ҳаммаси тақводан урадилар лоф,
Қолмаган бўлсада, заррача инсоф,
Қиёматгача бу битмас ихтилоф,
Барига жарима тўлар МХХ!

Ўзин доҳий билган, казо-казолар,
Яқинлашсанг қувар, қочсанг жазолар,
Асли ноқисликдан барча низолар,
Бори шу бўлса, не қилар МХХ?!

Бу мухолифатнинг қолдими юзи,
Бири бирисига айтмаган сўзи,
Пароканда қилди, ўзини ўзи,
Ғалаба куйини, куйлар МХХ!

Ибрат олишлик;

Кўп ибрат оласан, тарихга боқиб,
Фикр қилиш керак, доимо ўқиб.
Келажак, тарихда бўлар намоён,
Бежиз айтилганмас, эртақлар тўқиб.
Тож кийган, бир пулга зор бўлган, қаранг!
Манаман деганлар, хор бўлган қаранг!

Айланиб турар бу, даври давронлар,
Ҳикматин англамас, буни инсонлар.
Бир хилда турмайди мезон тарози,
Ўзгаради тез тез қадр мезонлар.
Ғолиблар бир куни мағлубдир, хўрдир!
Мағлублар бир куни қарасанг, зўрдир!

Тарихлар аслида ҳаёт, эртакмас,
Одамзод ноумид, бўлиш керакмас.
Яхшилиқ, ёмонлик курашар доим,
Бу курашдан қочган, кимса эркакмас!
Кўринг Яратганнинг, ҳикмат қазосин!
Ёмонлар қолмаган, олмай жазосин!

Кимларни хор қилар, кимларни подшоҳ,
Шу қисқа муддатда, бўлдику гувоҳ.
Бу ерда бизларга катта ибрат бор,
Улуғ ҳикмати кўрсатар Аллоҳ!
Шоҳлар бир кун бўлар тахтидан жудо!
Шоҳга айланади бир куни гадо!

Шеър ёзиш учун нималар керак деган саволга жавобан;

Шеър ёзишлиқ учун, укажон,
Кераги йўқ, менимча диплом.
Керак эмас олийгоҳларга,
Тулаб кириш, неча миллион сўм?!

Шеър ёзишлиқ учун аслида,
Ҳис, фаросат керак одамга.
Бунинг шарти, оддийдир жуда,
Бефарқ қарамаслик оламга.

Бир озгина, виждону-инсоф,
Қуюнчаклик керак, инсонга.
Ўзгаларнинг ғамини кўрсанг,
Туйғуларинг, тушар туғёнга.

Ўзгаларнинг ғамида куйсанг,
Шоирликга бас, шу етади.
Шоирликнинг шарти шу, билсанг,
Ўз ғамини, ҳамма чекади.

Излаб юрма қофия, туроқ,
Вазн, буни ҳамма билади.
Шеърларингда дард бўлсин, бироқ,
Шунда, “Илҳом” ўзи келади.

Асосийси, маддоҳлик қилма,
Бу истеъдодга хиёнатдир.
Ҳақиқатни айтгил, доимо,
Ана шу диндир, диёнатдир!

16 октябр 2013

Сўранглар аҳволин, ёлғиз боламдан.

Ўтмишу келажак, зикрин қилиб ёд,
Ғамга тўла ўтар, менинг шу оним.
Шу иккала қутб, ичра доимо,
Сарбасар кезади, ақли ҳайроним.
Маълумдир аҳволим, чеккан ноламдан,
Сўранглар, кўнгилда қолган ярамдан.

Узоқларда қолган, ғариб хотирам,
Дилимнинг қаърида ётган, армоним.
Мен сендан, воз кеча, олмасман ҳечам,
Бунга энди менинг, йўқдир гумоним.
Ғамлик хотиралар, ғамлироқ.., Ғамдан,
Сўранглар, ғам чекиб, кўрган одамдан.

Ҳибсхонанинг тор катакларинда,
Хўрлик азобларга, тўйганда жоним.
Мен умидвор бўлиб, ўтказдим умрим,
Шу билан ёруди, кўнгил осмоним.
Жоним халқумимга келар, аламдан..,
Сўранглар гувоҳим, дафтар, қаламдан.

Фидо бўлди умрим, ғам сўқмоғида,
Натижа бермади, қилган исёним.
Очилмади гулим, ҳаёт боғида,
Ғурбат бўлди охир, топган маконим.
Айрилдим, азизим, отам-онамдан,
Сўранглар, ғам чеккан, жону-танамдан.

Умрим поёнига, етгандек, гўё,
Саломат бўлса бас, энди имоним.
Ҳаёт ҳам аслида, узун бир рўё,
Кетарман қолдириб, ғамлик достоним.
Қалбида армони кетган, Ҳарамдан.
Сўранглар, бу дардни, марҳум дадамдан.

Бўлар неки бўлса, тақдирда бори,
Бефойда бу қилган, оҳу-фиғоним.
Йўқ экан банданинг, ҳеч ихтиёри,
Ўзи раҳм айласин, энди, Раҳмоним.
Эртага мен ўтсам, ушбу Оламдан,
Сўранглар аҳволин, ёлғиз боламдан.

Ёдгор Обид кетибди тоққа

Зар қадрини фақат заргармас,
Бугун ҳамма тушуниб қолган.
Шеър таъмини, бугун шоирмас,
Маддохлар ҳам, ўрганиб олган.

Хабар тарқалди ҳамма ёққа,
Сафар қилганидек, ҳар доим.
“Ёдгор Обид кетибди, тоққа,”
Омон бориб келсин, Худойим!

Алп тоғида, нима қилар деб,
Кекса шоир, ҳайрон бўлманглар.
Қиладиган иши йўқми деб,
Шоирнинг устидан кулманглар.

Соғинчлари туғенга тушиб,
Шоир ўзин билмай қолгандир.
Балки, ватанни, ёшлигини,
Беихтиёр эсга олгандир?!

Ғурбат ичра, умрин ўтказиб,
Дилга, дардкаш тополмагандир?!
Кекса шоир, кўнглига илҳом,
Берадиган ваз, қолмагандир?!

Балки, эритмоқчидир, кўнгил,
Тафти билан, асрий музликни.
Балки, баланд қояга боқиб,
Англаб олмоқчидир, ўзликни?!

Алп чўққисин забт этиб бир бор,
Ё, Ватанни, эсламоқчидир.
Кўтаролмай қолган дардини,
Тоғ устига, юкламоқчидир?!

Қариса ҳам, тинмас курашдан,
Ўзбек шоири, Ёдгор Обид.
То ҳануз, майдонда турибди,
Алп тоғидек, улуғвор, собит?!

Сурияда ўлдирилган гўдаклар суратин кўриб ёзилган;

Энди на гапириш, на қайғуришга,
Менда ҳеч қандайин, имкон қолмади.
Йиғлашга, куйишга, мажолим йўқдир,
Ғам тортишга танда, дармон қолмади.

Барбод бўлди дунё, адолат, инсоф,
Менга дин имондан, урмангизлар лоф,
Тинмади можаро, уруш, ихтилоф,
Дунёда бир ўлчов мезон қолмади.

Турли хил ғоялар, тўқнашар ҳар он,
Юрт вайрон, бегуноҳ тўкилади қон,
Ваҳший махлуқ бўлар эканда, инсон,
Наҳотки, ҳеч кимда, виждон қолмади?

Бу қонлар уволи, тутар бир куни,
Буларга ҳам навбат, етар бир куни,
Ҳаммасин қаро ер, ютар бир куни,
Одамларда дину, имон қолмади.

Тилаклар тиладим

Аллоҳдан тилаклар тиладим, бу тун,
Бу тилагим, ислом аҳлига хосдир.
Шунингдек, оила, зурриётимнинг,
Ҳаққида, Роббимга бир илтимосдир.

Кимки бирор дардга, бўлса мубтало,
Қодир Эгам берсин, дардин давосин.
Кимки ғамгин бўлса, етиб бир бало,
Хушнуд этгил Эгам, бер муддаосин!

Тинчлик бер, урушдан сақла миллатни,
Қолмасин бирорта мустабид золим.
Ҳақни ҳақиқатни англагил бизга,
Чор тараф тортмасин, бизни ҳар олим.

Очларга таом бер, бадбахтларга бахт,
Бефарзандга фарзанд, ташнага шароб.
Банданг умид қилиб, Сендан тиласа,
Уларнинг дуосин, қилгил мустажоб!

Барча оғирликни, енгил қил Эгам,
Ўзинг паноҳингда сақла саломат.
Барча гуноҳкорни, кечиргил ё, Раб,
Шарманда қилмагил, явмул қиёмат!

Худкушлик ҳақида

Аслида дунёда бирор нарса йўқ,
Одамзот жонидан афзал, авлороқ.
Аммо, шу жонни ҳам қилишар қурбон,
Аллоҳ ризолигин талаб қилган чоқ.

Жонни азизлигин аслида бизга,
Аллоҳ каломида хабар бергандир.
Шириндир ҳар кимнинг, жони ўзига,
Ҳамма танасида, синаб кўргандир?!

Аллоҳ ризосидан бошқа ҳеч нарса,
На Миллат, на Ватан ва ёки Давлат.
Арзимас жонинги, қурбон қилишга,
Аммо, жондан улуғ турар, орият.

Қаранглар, бугунги замонамизга,
Азиз жонни қадри, қанчалар арзон?!
Нималарга фидо бўляпди қаранг,
Нимага бунчалар беқадрдир жон?!

Бугун замонамиз ҳукмдорлари,
Қурбон қиладилар элнинг жонини.
Турли хил бемаъни, ғоялар билан,
Тўқмоқдалар одамзотнинг қонини!

Бу неъмат қадрига етмоқлик керак,
Бу ҳам инсон учун, асли омонат.
Ўзи берган Аллоҳ, Ўзи олади,
Буюк омонатга қилманг, хиёнат!

Хато қилмайдиган Зот Парвардигор!

Аслида ҳар кимнинг кимлигин, шаксиз,
Аллоҳ билса етар, бошқаси шартмас.
Барибир хом сутни эмган бандамиз,
Ҳар нарсага жаҳл қилмоқ керакмас.

Мени айблашни истасалар халқ,
Бунга истаганча топилар мисол.
Ҳар киши ўзича, нимададир ҳақ,
Сен бу таъналардан яхши ибрат ол.

Хатосиз одамман дея ўйлама,
Одамизод бўлсанг демак, хато бор.
Шукр қил, тавба қил, бунга ғам ема,
Хато қилмайдиган Зот Парвардигор!

Аллоҳ сени афу этмасин!

Нега раҳмат дейишлик керак,
Адолат қилса, “юртбошига”?!
Қанча балоларни солмади,
Шўрпешана бу юрт, бошига?!

Нега раҳмат дейишлик керак,
Адолатли бўлса гар қози?!
Ноҳақ қамаб, озод қилсалар,
Нега ундан, бўламиз рози?!

Амнистия чиқарар ҳар йил,
Авф этилар, ўғри каззоблар.
Диндорларга тўхтамас зулм,
Давом этар ҳали азоблар.

Миннат қилар, зулмин кўрсатиб,
Золим ўзин, ҳисоблар “Одил.”
Йигирма йилдирки, зулм этиб,
Кўрсатдику, неларга қодир!

Ўткинчи бу қисқа дунёда,
Ҳеч ким армон билан кетмасин.
Сенга тилагим шу уқбода,
Аллоҳ сени афу этмасин!

Маддоҳлик касби;

Дунёда маддоҳ кўп, демакки, кўпдир,
Улар “хизматига” муҳтож одамлар.
Ўшалар кунига ярар, маддоҳлар,
“Муҳтожлар” бошига тушганда ғамлар.

Бундай пайтда албат, “омади чопар”,
“Ҳурмати” ҳам ошар, ўша маддоҳнинг.
Узоқ тарихлардан маълумки, булар,
Саройида бўлган, қанча подшоҳнинг.

Бу ҳам бир “касб”дир, бир тирикчилик,
Буни ишни ҳар ким ҳам эплаёлмайди.
Шунинг учун “ҳасад”, қилар кўпчилик,
Сабаби ўзлари, қила олмайди.

Шундай экан, “қойил” қолишлик керак,
Бу каби бир “ноёб”, истеъдодларга.
Кўзни кўр, қулоқни қар қилиш керак,
Эътибор бермаслик, оҳу додларга.

Тан беринг “ҳақиқий” маддоҳга, энди,
Ҳар ким ўз ўрнини, ҳам билиш керак.
Бу каби “истеъдод”, ўрганилмайди,
Бу “истеъдод” билан, туғилиш керак.

Қарғами булбул?

Кимгадир «қарға» бу, кимгадир «булбул»,
Кимлигини «оқсоқол»дан сўранглар.
Маддоҳ булбулларнинг истаги қай «гул»,
Буни ўша бесоқолдан сўранглар.

Шухратпарстлик дардига мубтало,
Бу дард эса, билсангизлар бедаво,
Мақтовга тўймайди ҳеч нафси ҳаво,
Кўзлари кўр, тили лолдан сўранглар.

Иши доим муттаҳамлик маддоҳлик,
Буям бугун бир касб, номи “гумроҳлик”,
Бу касал тузалмас, қилмай «жарроҳ»лик,
Қалби заҳар, тили болдан сўранглар.

Дўстлар маслаҳатин бир пулга олмас,
Ўзи билганидан ўлсада қолмас,
Энг ёмони, ёлғон сўзлар, уёлмас,
Барбод бўлган, истиқболдан сўранглар.

Биродарлик, садоқатни унутган,
Охир, дину — диёнатни унутган,
Душман қилган, хиёнатни унутган,
“Денгиз бўйидаги, чолдан” сўранглар.

Ўзбекнинг дарди

Ўзбекнинг дардини, сен эшитгин, кўл,
Чунки, эшитмаслар ҳукмдорлари.
Ўзбекни дардини сен эшит, дарё,
Бўғзига тикилиб қолди, зорлари.

Ўзбекнинг дардини, эшитсин тоғлар,
Қайтариб ўзига, акс садосин.
Поёнсиз далалар, булбуллар зоғлар,
Эшитсин, бечорр халқнинг нидосин.

Эшитсин, ҳар тонгда, нур сочган қуёш,
Булутлар эшитиб, тўксин жолалар.
Қолмади бу халқда, инграшга бардош,
Пахталар остида, ўлар болалар.

Ҳеч кимса қолмади, дардин тинглашга,
Зулмини ҳаддидан оширди, золим.
Йигитлар чет элга, кетган ишлашга,
Мадҳия айтишла банд, барча “олим”.

Ҳеч кимса тингламас, бу халқни дардин,
Халқаро ташкилот, ва на чет эллар.
Бу халқ топа олмас, адолат гардин,
Излаб, асрларга татиди йиллар.

Дунёдаги, бошқа миллатлар каби,
Ҳаққин талаб қилиб, чиқмайди бу халқ.
Зулм зўравонлик қилишган сари,
Индамай, жимгина йиғлайди бу халқ!

Ҳеч нарса қилолмас, муҳолифат ҳам,
Нима кутиш мумкин, “ватангадо”дан?! 1.
Бир кун битар ахир, бу жароҳат, ғам,
Эй халқим, умидинг узма Худодан!

Суриялик қочоқларнинг палаткаларда совуқдан ўлганини кўриб;

Қишнинг совуғида, қаҳратонида,
Совуқ палаткада яшар одамлар.
Қасди бор ажалнинг, банда жонида,
Кун кундан кўпайиб бормоқда ғамлар.

Кимнинг мол дунёси, сиғмас уйига,
Кимлар қаҳратонда қип яланғочдир.
Кимлар миллионларни сочар тўйига,
Кимлар нон тополмас ейишга, очдир.

Одамга татимас иссиқ уй овқат,
Бошқалар ҳолига тушганда кўзи.
Ғам ташвиш кўрмаган кимса англамас,
То танасида ҳис қилмаса ўзи.

Нима қилишинги билмай қоласан,
Ғам тўла дунёнинг, чуқур чоҳида.
Дунёдан ҳам охир безор бўласан,
Ўлимни истайди одам гоҳида!

Менку, бирон нима қилолмаяпман,
Қудрат эгалари жим турар, нечун?
Қўлимдан келгани, шеър ёзаяпман,
Виждонни озгина тинчитиш учун.

Узун қиш тунлари

Бу совуқ ўлканинг қаҳратонида,
Замин узра оппоқ, тўшалар гилам.
Уммонлар ўраган тўрт томонида,
Бу замин бутунлай ўзга бир олам.

Узун қиш тунлари, илҳом манбаи,
Кеча кундуз тинмай, қайнайди ижод.
Шошаман негадир, вақт ўтган сари,
Ўтган ҳар дақиқа, қайтмас умрбод.

Бу каби ғам билан, озурда юрак,
Менга зерикишга бермайди имкон.
Кўзлаган мақсадга етишмоқ керак,
Демак, ғанимат бу ўтаётган он.

**Бирмалик бир малъун мушрик ерда ётган бир гўдакни устига чиқиб, оёғи билан
бўғзидан босиб турган суратни кўриб чеккан нолаларим;**

Менда бу даҳшатга, куйишга жон йўқ.
Энди йиғлолмайман, танда дармон йўқ.
Дунёдаги барча, махлуқлар ичра,
Билдимки, одамдан ёвуз ҳайвон йўқ.
Дунёнинг эгаси, ёлғиз Аллоҳдир.
Бу жинойтларга, Ўзи Гувоҳдир!

Ақлу шууримда қолмади мажол,
Бу даҳшат тамоман, қилди мени лол.
Ақлдан оздимми, билмадим лекин,
Бу қотиллар қонин тўкмоқлик ҳалол!
Булар шеърмас, дилдан чиққан бир Оҳдир.
Бу қилмишлардан Яратган Огоҳдир!

Аршни титратгандир бу иш бегумон,
Ҳалиям турибди, қуламай осмон.
Лойиқлар бор экан, мангу азобга,
Оятларни ўқиб, қолардим ҳайрон.
Булар қандай одам, қандай гумроҳдир?!
Шу ишга буюрган, қандай “илоҳ”дир?!

ИАКга атаб;

Минглаб мўмин мусулмонни ўлдирдинг,
Қолганларин турмаларда сўлдирдинг,
Зулминг билан мамлакатни тўлдирдинг,
Қанча зулм қилдинг, ватандошинга,
Қаддофийнинг куни тушсин, бошинга.

Сенда ҳар бир мусулмоннинг қасди бор,
Қара, қизларингни қанча қасри бор,
Касофатинги ҳар уйда қасри бор,
Ҳаром омухта бўлгандир ошинга,
Қаддофийнинг куни тушсин, бошинга.

Умринг ўтган зулм билан “зўр” бўлиб,
Англамасдан ўтдинг, қалби кўр бўлиб,
Умидим бор ўлишинга хўр бўлиб,
Ҳайфдир сени, қариб етган ёшинга,
Қаддофийнинг куни тушсин, бошинга.

Қутилмассан адолатли жазодан,
Олий бўлолмассан ҳаргиз, Худодан,
Кўрарсан, келганда ҳукм қазодан,
Итлар қарамаслар сени лошинга,
Қаддофийнинг куни тушсин, бошинга.

Шу ҳаромдан еган нонларинг учун,
Сен ноҳақдан тўккан, қонларинг учун,
Тандан жудо қилган, жонларинг учун,
“Малъун” деб, ёзилар қабр тошинга,
Қаддофийнинг куни тушсин, бошинга.

Зулмингдан қутилсин мазлумлар кулсин,
Ўлмай туриб, икки кўзинг кўр бўлсин,
То қиёмат қабринг оловга тўлсин,
Чаёнлар ин қурсин, кўзи қошинга,
Қаддофийнинг куни тушсин, бошинга.

Барбод бўлиб, сени шавкату шонинг,
Бориб жаҳаннамда, қийналсин жонинг,
Тавба қилар эдинг, бўлса имонинг,
Армон бўлсин, қариндош-қардошинга,
Қаддофийнинг куни тушсин, бошинга.

Сен каби хор бўлсин, аёнларинг ҳам,
Эл қонини ичган, “чаён”ларинг ҳам,
Сизлар билан кетсин, зиёнларинг ҳам,
Барча, зулм йўлинда йўлдошинга,
Қаддофийнинг куни тушсин, бошинга.

Айтиб қолай, келганда хаёлимга,
Лаънат бўлсин, барча сендек золимга,
Сени дуо қилган, “сохта олимга”,
Барча ақраболаринг, сирдошинга,
Қаддофийнинг куни тушсин, бошинга.

Сендек Золим, ҳали бир кун хор бўлар,
Ўзи меҳру-муҳаббатга, зор бўлар,
Охирги масканинг балки, дор бўлар,
Кўзим тушсин, дунёда кўз ёшинга,
Қаддофийнинг куни тушсин, бошинга.

Ўтган кунлар

Ўтган кунларимни эслайман баъзан,
Унутишга йўқдир имкон, дардларим.
Эслайман ғам билан, хатоларимни,
Хотирам, қаърида қолгон дардларим.

Бугун бегонаман, юрти элимга,
Қўп нарса олибман, тор юрагимга,
Ўтмиш соя солар келажагимга,
Юрагимда чиқмас армон дардларим.

Панду насихатни ҳаргиз олмадим,
Ўзим билганимдан сира қолмадим,
Лекин, ўтмишимни унутолмадим,
Бўлди охир неча, дoston дардларим.

Ўтди кетди бари, мисоли рўё,
Охирги манзилим яқиндир гўё,
Чеккан барча дарду ғаминг Саҳвиё,
Билдимки, барчаси ёлгон, дардларим.

Айрилиқ азоби

Ўткинчи муҳаббат жозибасидек,
Бесабр дилимга ўрнар, ҳар ғоя.
Ўтади ойлару йиллар, охири,
Кетади, кўнглимда қолдириб соя.

Шу каби, неча бор, келиб кетади,
Турли туман фикр, мантиқу маъно.
Вафосиз гўзалга менгзар, тарк этиб
Кетгандек ўйнашин, бир «гули раъно».

Айрилиқ азоби, бермайди уйқу,
Соғинчлар ичида ёнаман яна.
Кейин топилади, ўзга бир туйғу,
Унинг “висолидан, қонаман” яна.

Неча марта бу ҳол, бўлади такрор,
Бу жараён ичра адо бўламан.
Билмайман, булардан қай бири учун,
Охири, мен жони фидо бўламан?!

Муаммо

Бунчалар талпиниш сабаби нечун,
Ватанни тарк этиб, Оврупосига?!
Нега бундай, юртдан қочишаяпди,
Бугун Африкалик халқ, ёппасига

Бугунги Европа давлатларига,
Келармиш ҳар йили юз мингдан ортиқ.
Ўн йилда бир миллион бўлади бу сон,
Европа учун бу, катта “бош оғриқ”?!

Африка қитъаси асли азалдан,
Европаликларга мустамлакадир.
Бизларга нисбатан Россия каби,
Улар “ука” бўлса, булар “ака” дир.

Русияга биздан, боради ҳар йил,
Етти, саккиз миллион, ўзбек муҳожир.
Нима фарқимиз бор, Африкаликдан,
Нега “тақводор”га, хукмдор “фожир”?!

Ким билади, нега бу каби, аҳвол,
Мусибатлар тушар, уммат бошига?!
Нима қилса аҳвол, ўнгланар, айтинг,
Ким раҳм қилар, бу кўзлар ёшига?!

Нима қилиш керак, бу халқ юртида,
Эришмоғи учун, тараққиётга?!
Қайси элнинг, қайси муаммосини,
Қайғуси тушибди, бегона, ётга?!

Бошқа иложи йўқ, барибир,
Ҳамма ўзга юртга кўчиб кетмайди.
Ҳеч кимса уларни кутаётган йўқ,
Бу билан муаммо, ҳаргиз битмайди.

Шу халқ вакиллари, ўз ватанида,
Ўзлари адолат ўрнатиш керак.
Агар бу ишларни қилаолмаса,
Унда ўзгалардан, ўрганиш керак!

Изҳори сабаб;

Мени кўринмайсан деманглар энди,
Масжидда намозда, эй мусулмонлар.
Ахир яхшимасми, узоқроқ юрса,
Яхшилар йиғилган жойдан, ёмонлар?!

Мен қўшилолмадим мазҳабингизга,
Менинг тутган йўлим, бегона сизга,
Топилмади битта раҳнамо бизга,
Шунингдек фитналик бўлди замонлар.

Бор экан ҳар кимда, танлаш ихтиёр,
Узоқроқ юришга қилганман қарор,
Борсам заҳар солиш эҳтимоли бор,
Меҳроблар ичида турган чаёнлар!

Ўзингизга кўрганни, кўринг ўзгага раво

Ҳидоят топган уммат, холимас, жаҳолатдан,
Ҳар кимга ҳар хил улуш, берилган диёнатдан,
Қўрқитишар бир бирин, доимо қиёматдан,
Менда саволлар кўпдир, шу бугунги ҳолатдан.

Айтинглар; «қиёматда, қандай воқеъа бўлар,
Кимлардан сўралади, кимлар бир четда қолар»,
Менимча ҳаммадан ҳам, амаллари сўралар,
Аллоҳ асраган омон, қолгандир залолатдан.

Кимлар гуноҳ қилмаган, айтинг казо казолар,
Жанг қилди Муовия, Алию Муртазолар,
Кимни кечирар Аллоҳ, кимни эса жазолар,
Аллоҳ адаштирмасин бандани ҳидоятдан.

Бу дунёда гуноҳсиз, борми бирорта инсон,
Ўзини айбсиз деб, санарми ҳеч мусулмон,
Ким билади саломат, борармикан бу имон,
Менимча, холи бўлмас, ҳеч кимса надоматдан.

Турли туман мазҳаблар, турли фирқалар аро,
Тугамайди, асрлар ошдики бу можаро,
Ўзингизга кўрганни, кўринг ўзгага раво,
Омон топган эмасдир, ҳеч кимса маломатдан.

Менимча умид, кўрқув, ҳаммада бўлиши шарт,
Одамзот амалидан ўз кўнгли тўлиши шарт,
Яхшими ё ёмонми, барчанинг ўлиши шарт,
Кўрқув, умидда кетмоқ, яхшилиқ аломатдан.

Бу талашиш тортишиш билан дунё ўтади,
Аввалгилар изидан, бугунгилар кетади,
Тақдирда неки бўлса, ўша нарса етади,
Аллоҳ раҳм этмаса, не фойда кароматдан?!

Имтиҳонда яшаймиз

Биз бугун “мустақиллик”, бир замонда яшаймиз,
“Йигирма биринчи аср”, деган, онда яшаймиз,
Бир мустабид зулмида, “зимистон”да яшаймиз,
“Буюк миллат” қадимги, Туркистонда яшаймиз.

Бошқа халқларни кўриб, менга алам қилади,
Устимиздан ўзгалар, мазах қилиб кулади,
Бугун аҳволимиз шу, аммо, ҳамма билади,
Пахта, Газ, Нефт, Уран, Олтин конда яшаймиз.

Айтинглар эй донолар, не чора бор қилишга,
Наҳотки, бу халқ маҳрум, қийноқларда ўлишга,
Сизларга саволим кўп, имкон борми билишга,
Нега биз бугун зулм, фош маконда яшаймиз?!

Муаммолар кўп жуда, қотар одамни боши,
Тўғри йўл, ечим қани, билмаслар қари ёши,
Тўрт фаслда нур сочар, тинмай бу эл қуёши,
“Баҳори” келмас, доим, “қаҳратонда” яшаймиз!

Ҳаммамизнинг аслимиз, юртимиз динимиз бир,
Ушалмасада аммо, орзуи дилимиз бир,
Нега ихтилофдамиз, бўлолмас тилимиз бир,
Ўзаро адоватда, бадгумонда яшаймиз?!

Юртнинг ҳукмдорлари, халқига лойиқ бўлар,
Дўстлар куяр бу ҳолга, душманлар эса кулар,
Қачонгача бу золим, халқига зулм қилар,
Қачонгача бу улкан, “қабристонда” яшаймиз?!

Йигитларни хорижда, муаммоси пул бўлса,
Эрлари тирик туриб, аёллари тул бўлса,
Токи бу халқ дунёда, ўзгаларга қул бўлса,
Ким қаерда бўлмасин, биз армонда яшаймиз.

Ўз юртида бу элдек, ғарибу бенаво йўқ,
Ҳаммамизга жон ширин, кимда нафсу ҳаво йўқ,
Худо бир йўл бермаса, дардимизга даво йўқ,
Ўзимизни аҳволга, биз ҳайронда яшаймиз.

Тирикчилик ташвиши, гўё кўринган камдек,
Қўймаслар ватанинга яшашликга одамдек,
Ғариблиқда куярмиз бугун гўёки шамдек,
Сочилиб кен дунёга, ҳар томонда яшаймиз.

Бу миллатнинг бошига қаро кунларни солди,
Келажаги ҳам куйиб битди, нимаси қолди,
Бу юртни обод кўриш, умидлар ҳам йўқолди,
Билдимки, биз туганмас, имтиҳонда яшаймиз.

Қон тўкилмасин

Нега бугун ғурбатда, дайди, “ватангадолар”,
Нима учун курашиб, кимга жони фидолар,
Дўстлари, яқинлари, ҳижронида адолар,
Ўз эркидан, мосуво, ақл ҳушдан жудолар!

У бу кимнинг ҳавоси, раъйи биз учун динми?,
Ота онанинг қадри қадри, сизларга бир тийинми?,
Бу оддий ҳақиқатни, тушунишлик қийинми?,
Пойдевордан қўйилган, бу йўлларда, хатолар!

Бугун мен ҳам аслида, зулмнинг асириман,
Ғурбатдаги ғариблар, дарбадарлар, бириман,
Золимларга отилган, адолат шамшириман,
Бизларда бундай “улуғ”, эмасдир иддаолар!

Воқеъликга бир озроқ, қарамаса одамлар,
Имкониятга қараб, ташланмаса қадамлар,
Шунча оввогарлик, беҳуда ўтган дамлар,
Аммо, ҳали тарк этиб, кетилмаган даъволар!

Хаёлпарастлар учун, гўё, келди имконлар,
Беҳуда ҳаракатлар, тўкилди, шунча қонлар,
Ҳикматли иш қилмаслар, бугунги мусулмонлар,
Оқибатда ўзлари, чекар, жабру жафолар!

Бу йўлда натижага, агар эришолмасанг,
Ёки, бошқа йўл топиб, ҳаракат қилолмасанг,
Қаерда хато қилдинг, ҳали тушунолмасанг,
Тугамасдир ҳеч қачон, бемаъни муддаолар?!

Мен учун булар бари, бефойда, аламлидир,
Сени тушунмасалар, бундан, кўнгил ғамлидир,
Оқибатда умматнинг, кўзи бугун намлидир,
Охири кўринмасдир, бу офати балолар!

Бу кунда дунё бўйлаб, оввора сарсон бу халқ,
Йўл тополмай то ҳануз, излаб саргардон бу халқ,
Бўлмоқда фарзандлари, беҳуда қурбон, бу халқ,
Шу кунгача тополмас, бу дардига даволар.

Айтарлар; «Хилофатни жорий қилмаса бўлмас»,
Ҳозир нима қилишлик, мумкин, билмаса бўлмас,
Қон тўкилмасин, майли, ўзга бўлмаса бўлмас,
Ҳар кимни Аллоҳ Ўзи, қиёматда жазолар!

Термизлик биродарим Иброҳимни қийнаб ўлдирилганлиги эшитиб;

Ёрилмасам бўлмайди, сиғмас ичимга алам,
Ҳақиқатни битмаса, яхшидир синса қалам,
Бу ноҳақ зулмлардан, бормикан чекмаган ғам?!
Зулмга қандай рози, бўлар виждонли одам?!

Танишларим бор эди, Сурхондарё томонда,
Булар билан аслида, танишгандим зиндонда,
Қайта учрашмоқлик ҳам, бўлган эмас имконда,
Бу сўзларимга гувоҳ, фақат Халлоқи олам?!

Шу билан йиллар ўтиб, қамалдим Россияда,
Сабабини билмасдим, қизиқ бир аскияда,
Бир йилча сақладилар, қуш каби тор уяда,
Сабабини шу ерда, тушундим охир мен ҳам.

Сабаби Термиздаги, ҳарбийлар қароргоҳин,
Портлатишга “уринган эмиш”, дўстим Иброҳим,
Буйруқни мен берибман, шу эканмиш “гуноҳим”,
Бу гапларни эшитиб, ҳайрон бўлмадим ҳечам.

Иброҳимни охирги, кўрганга ўн йил бўлди,
Шундай уйдирмалардан бугун зиндонлар тўлди,
Бу йигитлар Судгача, бормай терговда ўлди,
Мен қолиб кетдим бормай, юракни эзар нолам.

Шу аҳволда бугун мен, ғурбатда дарбадарман,
ИАК каби золимдан, қиладирман ҳазарман,
Бу золимлар бошига бугун бир дардисарман,
Менинг учун турмада жазо ўтайди укам.

Турмада ўтди ўн йил, умрим айна ёшлигим,
Ота онамга жабр бўлди бу бебошлигим,
Кўрган зулмлардандир, менинг бағри тошлигим,
Бундай қисматни ҳаргиз кўрмасин менинг болам.

Мен бу золим ИАКни, хор бўлишин истайман,
Золимларнинг жазоси дор бўлишин истайман,
Бу юртда инсон қадри бор бўлишин истайман,
Йўқолсин кимки бўлса, адолатсиз муттаҳам!

Эй виждони уйғоқлар, зулм бўлмаса барбод,
Айтинглар бу мамлакат, қачон бўлади обод,
Ҳаққи борми яшашг, бу эл, фаровон озод,
Биз дунёдан ўтмасдан, келармикан ўша дам?!

Бир мазлум биродарни эслаб;

Менинг бир биродарим бор эди, ҳозир ҳам бор,
У билан ҳам турмада, танишдик, аввалам бор,
Кўп йилларни ўтказдик, биргалиқда интизор,
Кейин у озод бўлди, қазои Парвардигор.

Менга уч йилни қўшиб, ҳайдашди “Навоий”га,
Қари ота онамни, солмайин деб, қайғуга,
Кўп зулмларни кўриб, билдирмас эдим уйга,
Учрашувга кирмасдим, йиллар ўтириб, зинҳор!

Ўша чиққан биродар, бир кун уйга борибди,
Ота онамни яна, майда чуйда олибди,
Кейин мени олдимга, кўришга йўл солибди,
Ота онаси, ўғли, кўришсин дебди, дийдор.

Золим ИАКнинг зулми, жуда ҳаддидан ошди,
Менинг олдимга келган, дўстларимни қамашди,
Гўё ўзича булар, террористни ушлашди,
Эзилдим бу қайғудан, йўқ эди, эрк ихтиёр.

Турли сабаб баҳона, марҳамат қилди Раҳмон,
У яна озод бўлди, мен эса қолдим ҳамон,
Охир оқибат озод, бўлишга бўлди имкон,
Шу дўстимни зиёрат, қилишга қилдим қарор.

Кўп адашиб, охири, топиб бордим уйини,
Қамалибди яна у, мана қисмат ўйини,
Қазо ҳам чалган экан, айрилиқнинг куйини,
Қайтиб кетдим кўролмай, афсусланиб, чор-ночор.

Шу билан чиқиб кетдим, ишга, Қозоғистонга,
Қайтолмадим кейин ҳеч, буткул, Ўзбекистонга,
Буларни бари энди, оғир юқдир виждонга,
Менинг учун бир инсон, азоблар чекди бисёр!

У то ҳануз турмада, ётар умри хазондир,
Ҳеч нарса қилолмасанг, шуниси энг ёмондир,
Бу қандай юрт бўлдия, бу қандайин замондир?,
Золимлар фароғатда, мўминлар чекар озор?!

Қанча биродарларим, қанча холис мусулмон?,
Қанчаси ўлиб кетди, қанчаси умри хазон?,
Қачон ўлар бу золим, бу зўравонлар, қачон?,
Буларнинг жазосини, Ўзинг бергил ё Жаббор!

Бунга ўхшаган қанча, биродар, қадрдонлар,
Эсимга тушса дилни, куйдиради армонлар,
Бундай аҳволда яшаш мумкинми, эй инсонлар?,
Топармикан бизда ҳам, бир кун адолат қарор?!

Шведлар билан суҳбат;

Шведлар баъзан юртинг, қандай макон дегайлар,
Мен Ўзбекистон десам, Афғонистон дегайлар,
Баъзида Ҳиндистондан, ё Покистон дегайлар,
Билмайдилар “Ватанинг, қандай Истон” дегайлар?!

Мен бу юртни дунёда, билмасликларин билдим,
Баъзида алам қилди, баъзида ҳатто кулдим,
Нима сабабдан келдинг, деган пайтда тутилдим,
Билмадим ўз ватанин, қандай “ёмон” дегайлар?!

На чора гапирамиз, “бизлар Русга қул бўлдик”,
Энди йигирма йилки, гўё мустақил бўлдик,
Расвои жаҳон бўлдик, қадримиз бир пул бўлдик,
Ҳайрат билан эшитиб, яна ҳайрон дегайлар...

“Сизларни юртда йўқми, фаровонлик имкони,
Газми, нефтми, олтин, табиий бойлик кони,
Киму сизларни бундай, мамлакатнинг султони,
Нега халқнинг дунёни, кезиб сарсон дегайлар?!”

“Мақтанамиз бизларда, кўпдир табиий бойлик,
Аммо, халқимиз олар, аранг юз доллар ойлик,
Фақат, Президентимиз, яшар тўқис чиройлик,”
Десам, ҳайратга тушиб, “қилинг исён”, дегайлар.

Бир уриниб кўрганди, бу халқ ўша исёнга,
Ботирганди уларни, диктатор қора қонга,
Турмалар тўлган бугун, мухолиф мусулмонга,
Ҳайрон бўлиб, қаерга қарар, ООН дегайлар.

БМТию турфа хил, халқаро ташкилотлар,
Хабари бор бизларда, қандайин мушкилотлар,
Ҳалигача ҳеч нарса, қилган эмас бу зотлар,
Десам, “юртбошинг қандай, “бахтли” инсон” дегайлар.

Тасаввур қилмас, “бизда, икки соат ток ёнар,
Қишда бир кун газ келса, халқ шод бўлиб, қувонар,
Шу аҳволда яшаймиз” десам, эшитган тонар,
“Бизларда бундай жойда, турмас ҳайвон”, дегайлар.

Бу шундай халқ, ҳеч қачон, ҳаққин талаб қилмайди,
Ҳар қандай машаққатга чидар, кўзга илмайди,
Шунинг учун юртбоши, зулм қилар, билмайди,
Сўрасанглар “биз тинчмиз, эл фаровон” дегайлар.

Ғурбатда ҳам ИАКнинг, танитяпмиз халқ аро,
Шу мараз қилди буюк халқнинг бахтини қаро,
Шведлар билан кўплаб, суҳбат қилиб ўзаро,
Энди билар, “Ватанинг, Ўзбекистон” дегайлар!

Дин-имон қолди

Дунё забт этган, малъун даҳрийлар,
Қириб ташладилар, кўп мусулмонни.
Улардан дарс олган, кўп маҳаллийлар,
Сувга ташлаб, ўтга ёқди қуръонни.
Бу қирғинда, кўп олимлар йўқолди!
Лекин, йўқ бўлмади, дин-имон қолди!

Бу кураш кўп йиллар, этганди давом,
Қамоқларда бўлди, қанча қатли ом,
Динидан ажралди, миллат батамом,
Қуръон ўқолмасди, мутлақо, авом,
Миллатни бошига не кунлар, солди?!
Аммо, йўқолмади, дин-имон қолди!

Олдилар бу юртнинг, ихтиёрини,
Топтади миллатнинг, номус орини,
Қулоқ қилди, моли мулки борини,
Эшитмадилар эл, оҳу-зорини,
Бойларни мол-мулкин, талади, олди,
Йўқ қила олмади, бу қуръон қолди

Охири йўқ бўлди, ёвуз ниятлар,
Аммо, қолдиришди, кўп асоратлар,
Пайдо бўлди, кўплаб, янги давлатлар,
Гўёки, “мустақил бўлди, миллатлар”,
Босқинчи золимлар, қолмади, ўлди.
Диндан қайтмади халқ, дин-имон қолди!

Энди ўшалардан, қолган сарқити,
Бўлди бу халқларнинг, “Маъбуди, Бути”,
Қолмади эл юртда, баракот қути,
Талайди, тишлайди, Миршаби, ити,
Даҳрий ўлдиришдан, қиришдан толди,
Барибир йўқ бўлмай, мусулмон қолди.

Охири кўринмас қатағонларни,
Ҳали қамашмоқда мусулмонларни,
Бошидан ўтказиб имтиҳонларни,
Кўринглар собитлигин бу инсонларни,
Уммат асрлардан оша қийналди,
Лекин, йўқолмади, дин-имон қолди!

Умид бор оз қолди, чиқади қуёш,
Шунгача етсинда бу сабр бардош,
Шу кунни интизор кутар қари ёш,
Қайтарди юртдан олиб кетган бош,
Оғир азобларда бу халқ синалди,
Дилида умиди, дин-имон қолди!

Ўхшайди

«Кутилмаган» нарсалар, кутилганга ўхшайди,
Тарихларда айтилиб, кетилганга ўхшайди,
Улуғ синовдан энди, ўтилганга ўхшайди,
Қисмат арқони энди, тортилганга ўхшайди.

Турмаларда чириган, минглаб умри хазонлар,
Қанчалаб мусулмонлар, ноҳақ тўкилган қонлар,
Буларни уволи ҳеч тинч қўймас, эй инсонлар,
Энди буларга навбат, етилганга ўхшайди.

Бир хил турмайди доим, айланиб турар даврон,
Бир сафар улар ғолиб, бир сафар ғолиб, бу ён,
Келмоқдадир навбати, ғолиблик, аҳли имон,
Булар бари қуръонда, айтилганга ўхшайди.

Тарихда кўп ўтгандир, фиръавнлар мисоли,
Охири хароб бўлган, барча золимнинг ҳоли,
Келиб қолди ИАКнинг, салтанатин заволи,
Мусулмонлар зулмдан, қутилганга ўхшайди.

Золимчалар қочишга, макон излаб бошлади,
Жонини омон сақлаш, пайин кўзлаб бошлади,
Қилган жиноятларин, энди гизлаб бошлади,
Қўрққан кўзларга қўша, кўринганга ўхшайди.

Ҳурмат кўрмас, халқини, ҳурмат қилмаган одам,
Бу бир оддий ҳақиқат, кўп синалган аввал ҳам,
Эътиборга олмаслар, тахтдан қулаганинг дам,
Бу “ҳақиқат” ўзига, билинганга ўхшайди!

Одам ёши ўтган сўнг, йўқолар экан идрок,
Воқеъликни англамас, ҳиссиётлари мудроқ,
Тан олмайди ўз айбин, ўлиб қолсада, бироқ,
Тавба қилмас тиллари, тутилганга ўхшайди.

Фаросатдан айрилган одам ўзин «даҳо», дер,
Мутакаббирлик қилар, фикрин “қимматбаҳо», дер,
Бундай дардга ҳақимлар, «топилмагай даво», дер,
Бадбахт, қисматида шу, битилганга ўхшайди.

Олимпия мусобақаси учун Грецияда олов ёқиб, Россияга олиб келиб айлантириб юрганларини кўриб ёзилган шеър;

Қаранглар, эътиқоди йўқ, гумроҳ нодонларга,
Олов ёқиб югуриб, юрган нотавонларга,
Ўзларича, бир маъно, бериб, бу шамдонларга,
Оташпарастлар диний ушлаган инсонларга.

Бу олов тарихдаги мушриклар ихтироси,
“Олимп” дегани ўша, грекларнинг “худоси”
Шу беъмани нарсанинг, спортчилар шайдоси,
Текин томошо бўлар, қанчалар миллионларга.

Мусобақа ўйнарлар, келиб турли миллатлар,
Бу анжуманда кўпдир, манфаатлар, иллатлар,
Хуллас, ярим ой, бир ой, бўлар турли зиллатлар,
Томошо қилар боқиб, яланғоч жононларга.

Бу каби бош оғриқни, спорт синови дерлар,
Гўёки, халқлар аро, тинчлик гарови дерлар,
Турли хил сафсаталар, шон шуҳрат ови дерлар,
Қувонишар ишониб, беъмани ёлғонларга!

Бу каби сафсаталар, бугун қадр топмоқда,
Чунки, инсон ҳаётин, маъносин йўқотмоқда,
Кундузлар ўйин, кеча, зинода тонг отмоқда,
Одамлар топширишган, жиловин шайтонларга.

Буларда на ақида, ва на ҳалол ҳаром бор,
На оила аҳлида, ўзаро эҳтиром бор,
Чириб битгандир ахлоқ, на диний интизом бор,
Қаранглар вайрон бўлган, қанча хонадонларга.

Буларнинг шу дунёда, ўйнаб кулиш хаёли,
Йўқдир ўзга мезонлар, беҳаёдир аёли,
Лўттивозлар ўзларин, ҳисоблашар “зиёли”,
Булар бахтли экан деб, борманглар гумонларга!

Дунё ҳукмдорлари, халқин алдар мудом,
Умрини адо қилса, мантиқ изламай авом,
Бемаъни ўйин кулгу, шу билан ҳаёт тамом,
Оқибатда миллионлар, айланар қурбонларга.

Жисмоний қувват, мардлик, манбаси эътиқоддир,
Жамиятлар покиза, ахлоқ билан ободдир,
Бу залолат аҳлининг, охирати барбоддир,
Эътиқодсиз одамлар, ўхшайди ҳайвонларга.

Бу умматни уларга, эргашишга ҳожат йўқ,
Бемаъни мусобақа, курашишга ҳожат йўқ,
Улар билан ўзаро, ярашишга ҳожат йўқ,
Бу йўллар раво эрмас, ҳаргиз мусулмонларга!

Ишонма!

Эй халқим, бу нобакор, расволарга ишонма,
Энди, ёлғон сафсата, ниждоларга ишонма,
Навбатдаги бўҳтону, иғволарга ишонма,
Қонингни ичган казо, казоларга ишонма!

Қайдан олган бу қизлар, бунча молу дунёни,
Халқ ейишга нон топмас, қуримоқда ҳамёни,
Қаранг ёлғон гапирар, қийналмасдан виждони,
Ўзларича билимдон, “доноларга” ишонма!

Йигирма йилдан ошди, оталари “юртбоши”,
Тутар бир кун буларни, бечоралар кўз ёши,
Сезмоқдалар ботмоқда, бошларида “қуёши”,
Моли дунёга тўймас, гадоларга ишонма!

Жазосиз қолмоқчилар, “Отасининг қизлари”,
Хорижга ташимоқда, топган тутганин, бари,
Хавотирдан ҳаммасин, қондир бугун жигари,
Дину имондан буткул, жудоларга ишонма!

Кўзлашмоқда қочишни, отаси ўлиб қолмай,
Ўйлашмоқда, “бекиниб қолар, ҳеч ким тополмай”,
Жазоланар барча бу, золимлар қоча олмай,
Ёлғон тавба тазарруъ, ҳаволарга ишонма!

Бегонадир буларга, бу халқнинг оху зори,
Тушунмайдилар улар, қандай элнинг аҳволи,
Шулар дастидан зулм, кўрди минглаб аҳоли,
Еб тўймаган оч офат, юҳоларга ишонма!

Ҳокиму, вазирлари, қозию, прокурор,
МХХси, миршаби, бири бирисидан зўр,
Ҳаммаси халқ қонини, ичган золиму қонхўр,
Энди ҳаргиз бу бахти, қароларга ишонма!

Тозалаш керак зулм салтанатин, гумроҳдан,
Булар қилган зулмини, сўранг минглаб гувоҳдан,
Эй халқим, умидинги узма Қодир, Аллоҳдан,
Аллоҳдан ўзга, “маъбуд”, “худо”ларга ишонма!

Оч офатни йўқотгил!

Эй халқим, тепангдаги, оч офатни йўқотгил,
Косангни оқартирмас, касофатни йўқотгил,
Аримаган бошингдан, фалокатни йўқотгил,
Келажагинга таҳдид, ҳалокатни йўқотгил.

Эзилиб кетдинг бунча, юрак бағринг, қон бўлди,
Қанча мард ўғлонларинг, турмада қурбон бўлди,
Сенинг бу жимлигинга, барча халқ ҳайрон бўлди,
Тарих олдида қилган, хиёнатни йўқотгил.

Ҳеч ким кураш қилмасдан, ҳаргиз озод бўлмаган,
Адолат бўлмагунча, юртлар обод бўлмаган,
Тарихингда бунчалик, зулму бедод бўлмаган,
Кўз очиб оламга боқ, жаҳолатни йўқотгил.

Айтгил сени юртбошинг, қачонгача алдийди,
Қачонгача фарзандинг, қотган нону сув ейди,
Фарзандларинг хорижда, қачонгача дайдийди,
Бас энди, мардикорлик, мақоматни йўқотгил.

Ҳалиям ҳукмрондир, маҳаллий уруғчилик,
Ҳалиям ҳур бўлмадинг, шуурингда қулчилик,
Бир бирига адоват ичра яшар кўпчилик,
Ҳеч битмаган ўзаро, адоватни йўқотгил.

Сен кутган мустақиллик, эркинлик сароб бўлди,
Дард устига чипқондек, фақат изтироб бўлди,
Бемаъни удумлардан, халқ ҳоли хароб бўлди,
Қонинги ичиб турган, урф одатни йўқотгил.

Дунё халқлари бугун, ҳурлик сари интилар,
Ҳар юртни ободлигин, албатта шу халқ қилар,
Ўз қадринги билмасанг, ўзгалар қайдан билар,
Қулдек, ҳар нарсага жим, итоатни йўқотгил.

Бас, айтма сохта Ватан мадҳиясини, тўхтат,
Бу золимга итоат, талбиясини тўхтат,
Болангга берма қуллик тарбиясини, тўхтат,
Асрга татигудек, жиноятни йўқотгил.

Бас қилиб бу қўркувни, курашни ихтиёр қил,
Сенга зулм қилган бу, золимни тору мор қил,
Зулм уруғин қурит, Адолат устувор қил,
Юрагиндан жой олган, жароҳатни йўқотгил.

Мухолифатдаги фаолиятим ҳақида;

Бу ҳижрат диёрига, келдим ҳаяжон билан,
Турли воқеъа, сабаб, турли жараён билан,
Аллоҳнинг марҳамати, синов имтиҳон билан,
Тақдиримда битилган азалий фармон билан.

Мен юртимни бу юртдек, ободлигин истардим,
Етар ғам чеккани халқ, дилшодлигин истардим,
Зулм салтанатининг барбодлигин истардим,
Танишдим кўп ватандош, диндор мусулмон билан.

Мақсад, ҳамма бирлашса, нимадир қилмоқ учун,
Золимлар йиғлаши шарт, мазлумлар қулмоқ учун,
Тажриба керак кимнинг, кимлигин билмоқ учун,
Дўст бўлишга интилдим, ҳар яхши ёмон билан.

Билсам кўп экан бунда, турли туман арбоблар,
Устаси фаранглару пихин ёрган каззоблар,
Воқеъликни англагач, чеқдим кўп изтироблар,
Яшарлар бир бирига, адоват, гумон билан.

Мухолифат дегани, хорижда яшар экан,
Бири бирига қарши, доим курашар экан,
Сохта обрў, мартаба, мансаб талашар экан,
Дабдабали гап сўзлар, беҳуда ёлғон билан.

Булар ичида юриб, одамни қотар боши,
Ёғилади бошига, қанча маломат тоши,
Етмас экан одамнинг, сабр ила бардоши,
Ҳужум қилсалар доим, тухмату бўҳтон билан.

Диндору демократ, ўзаро адоватда,
Бири динсизлик истар, бошқаси Хилофатда,
Жим туриб кузатарлар, қолганлар аросатда,
Ўрта йўлни тополмас, эътиқод, имон билан.

Кураш учун доимо, фидоий инсон керак,
Мардлик, шижоъат ғурур, камида виждон керак,
Бир холис раҳбар билан бақувват ҳамён керак,
Бир иш қилиб бўларми, қуруқ оломон билан?!

Йўқотилган бирликни, топмоқ иложи йўқдир,
Бунга ўзбек халқининг, ҳам эҳтиёжи йўқдир,
Бу соҳада қилинган ҳеч иш, ривож и йўқдир,
Нималарга эришдик, шунчалар қурбон билан?!

Кўпдир сабаблар аммо, сабабига киришмай,
Ҳаммаси қолди энди, бирор иши юришмай,
“Мухолифман” деганлар, натижага эришмай,
Мағлубиятга учраб, ўтмоқда армон билан.

Тарк этдим мен буларни, динсизу, диндорини,
Кўрмасам хафамасман, ҳеч бирин дийдорини,
Золимларга қаратдим, нафратимнинг борини,
Курашмоқдаман ҳануз, шеър ила, дoston билан.

Маймунлар авлодларига атаб;

Афсус бор экан ҳануз, “маймунлар авлодлари,”
Инсоният номуси, орини иснодлари,
Тугамабди буларнинг, зулм ила бедодлари,
Унутилмабди ҳануз, “доҳийларин” ёдлари,

“Ўз ўзидан, ҳеч кимсиз, яралганмиш дунё ҳам,
Ҳамма динлар бекору, бўлмаганмиш Худо ҳам,
Йўқ эканмиш интиҳо, бўлмаган ибтидо ҳам,”
Булар “илмий далилмиш” шудир эътиқодлари.

Оз бўлганми буларнинг, бузганлари замонни,
Қатагон қилиб динни, ўтга ёқиб қуръонни,
Йўқ қилишганди минглаб, миллионлаб мусулмонни,
Унутилдими дарров, мазлумлар фарёдлари?!

Булардан етган зарар, ҳадди ҳисоби борми,
Буларда ҳалол ҳаром, мезон нисоби борми,
На инсоф, на адолат, ахлоқ китоби борми,
Ўзини доно билган, маймунни зурёдлари?!

Қаранг, бугунги авлод, манқурт бўлиб қолганда,
Имонсиз даҳрийлардан, булар ибрат олганда,
Менку, хурсанд бўлардим, агар шу рост бўлганда,
“Бу даҳрийларни маймун, бўлганда аждодлари!”

Қуладику сизларни, зулм салтанатларинг,
Асфала софилинга, кетдинглар қулаб, баринг,
Аслида Иблис бўлган, сизларни “чин раҳбаринг”,
Дарвин, Ленин, Сталин, “кичикроқ” устодлари.

Ўзича булар энди, гўё “олим” бўлганлар,
Аждодларин устидан, “маймун” дея, кулганлар,
Буларда тирик руҳ йўқ, аллақачон “ўлганлар”,
Эшшакфаҳмдир фақат, бундай “фан номзодлари”,

Дунёда имон инсоф, ҳеч қачон йўқолмасин,
Ҳеч бандани бошига, бу қисматни солмасин,
Бундай манкурт маразлар, ер юзида қолмасин,
Сизга мангу лаънат эй, қадрият жаллодлари!

Тоҳирпарастларга;

Турли сабаблар билан, бориб Афғонистонга,
Қаранглар бу тўрт бешта, “тоҳирпараст” нодонга,
Иддаолари сигмас, гўё бу кенг жаҳонга,
Туҳмат тошини отар, бугун бир мусулмонга.

Ёзганларимни собиқ, сафдошларинг айтганлар,
Улар сизларнинг бундай, жиноятдан қайтганлар,
Тушунарди ўқиса, фаросати етганлар,
На чора бор фаросат, берилмаса инсонга?!

Мен сен каби ҳеч қачон, бўлмаганман шахспараст,
Бу динда мумкин эмас, бўлмоғимиз шайхпараст,
Сизлар бугун шуъуран, бўлгансиз “Тоҳирпараст”,
Чақираман сизларни, мен қайтадан имонга!

Кибру ҳаво қиларсан, гўё, мужоҳидман деб,
Сохта байъат, ваъдага, содиқ, муоҳидман деб,
Айтсанг бўларди “минглаб, гуноҳга шоҳидман” деб,
Тузин еб тупурдингми, туз еган дастурхонга?!

Сен фатволарни бериб, юрибсанку у ёқда,
Сенларга ишонганлар, бари бугун қамоқда,
Кўзларинг самодаги, учувчисиз учоқда,
Ер тагида яшарсан, кўшни бўлиб сичқонга!

Бошларингдан ордона, қолсинда фатволаринг,
Худкушликга буюрган, сохта уламоларинг,
Бири-биринга жосус, бўлиб пойларсан баринг,
Одамни молдек сўйиб, тўймадингларми қонга?!

Мени Илёс деган ҳеч, қорақалпоқ дўстим йўқ,
Сизлардан кимлар қочган, бўлса қочсин, ишим йўқ,
Менинг Вазиристонда, бирорта танишим йўқ,
Ҳеч кимни юбормадим, ҳаргиз ўша томонга!

Қуриб кетсин сизларнинг, фитнаю фасодларинг,
Сезмоқдасизлар энди, “бозори касод”ларинг,
Тилагим, тугаб битсин, бу зулму-бедодларинг,
Фаровонлик келсинда, ўша Вазирситонга!

Бир куни ўлишлик ҳақ, ҳаммамиз ҳам ўламиз,
Ҳисоб-китоб кунда, қайтадан тириламиз,
Бу куннинг даҳшатини, ҳаммамиз ҳам биламиз,
Билиб туриб ноҳақдан, жабр қиларсиз жонга!

Шу қиёмат кундан, ўзинг ҳам қўрқмайсанми?
Бировга қуруқ тухмат, қилиб, уялмайсанми?,
Кимлигимни билмасанг, изланиб кўрмайсанми?,
Ким сизга қарши бўлса, мубтало шу “унвон”га!

Имоним, сохтами-чин, айт қандай ҳужжатинг бор?,
Ва ёки, сенга ваҳй, қилдими Парвардигор?,
Аллоҳ гувоҳ, шу сўзни, қилаолмассан иқроқ,
Топширдим, сени Одил, Адолатли, Раҳмонга!

Мен яшаган ҳаётим, даҳрийларга хос эмиш,
Бу сўзни, мени ҳаргиз, кўрмаган нусха, демиш,
Эҳ, сендан афзал экан, ёнингдаги каламуш,
Унга ачинаман, сен, дучор бўлсанг Дронга!

Мени “қўрқоқ” дейишар, ўзи панада туриб,
Ботир бўлдими булар, индамай жим ўтириб?,
Аллоҳ Ўзинг гувоҳ бўл, турибсан барин кўриб,
Ҳайратда қолмай илож, йўқдир бундай гумонга!

“Умматнинг қайғусидан, бефарқ дебсан”, эҳтимол..?,
Бу каби иддаонинг, олдида, бу тилим лол,
Айтмабсанда; “қайғуси, фақат тўплаш, пулу-мол,”
Менга ажиб синовлар, берилди имтиҳонга.

Қайси раҳбар оёғин, ўпдим жон сақлаш учун?,
Ҳужжатинги ҳам келтир, даъвони оқлаш учун?,
Тухмат қилиш мумкинми, бировни ёқлаш учун?,
Агар шу бўлса дининг, иш қолмабди, Шайтонга?!

Қайси мазлум ўчини, олдинлар жанга чиқиб,
Ётибсизларку ғорда, доимо пусиб-биқиб,
Турмаларни тўлдирди, золимлар, уриб-тиқиб,
Касофатларинг тегди, қанчалар хонадонга?!

Мен айтган сўзларимга, келтирдим далил исбот,
Дунёда жавоб топмай, шармандасизлар ҳайҳот,
Охиратда золимга, бўларми ҳаргиз нажот,
Тешилган кеманг чўкиб, ғарқ бўлмагин уммонга!

Сизлардек золимлардан, қочган киши хоинмас,
Китоб, суннат ушланар, шахсиятлар раъйинмас,
Динни комил олинлар, сизга ёққан жойинмас,
Дин номидан гапириб, доғ туширманг қуръонга!

ИАК деган Иблисга, бўлди яхши баҳона,
Диндорларни қамади, зор қолди, ота-она,
Сизлар туфайли ИАК, яшаб қолди шоҳона,
Хотиржамлик келмади, ҳаргиз Ўзбекистонга!

Ҳайрон бўламан сенга, бор нарсани, йўқ дерсан,
Мужоҳидлар номини, булғама, агар эр сан,
Ачинаман, бир кун бу, қовоқ бошга, ўқ ерсан,
Бунча ишониб қолма, ўзинг айтган ёлғонга!

Жиходни бу динда мен, фарзлигига йўқ шубҳам,
Ҳақиқий жиҳод бўлса, жангда ўлишдан не ғам?,
Фитна қилиб, бир бирин, ўлдирар мўмин одам,
Дин номидан гапириб, кетмоқдасан туғёнга!

Фитналарнинг қурбони, бўлгансиз оқибатда,
Тоғма-тоғ дайдиб, қочиб, доимо уқубатда,
Пуштунлар сизга кўзи, учмаганди албатта,
Келдингизлар юртига, бир умрга “меҳмон”га.

Бу ёзганларинг бари, бўлибди менга тухмат,
Ўзинги катта олиб, қилмагин менга миннат,
Вазни ўрган, фақат, қофиямас шеърият,
Эплай олмасанг агар, тушмагил бу майдонга!

Куйдирар;

Номардларга йўл бериб, замон мени куйдирар
Келажакдан ҳам ёмон, гумон мени куйдирар,
Ёруғликнинг йўқлиги, ёмон мени куйдирар,
Дил мақсадига етмас, ҳамон мени куйдирар.

Ғурбатдаги ғарибман, на бир дўсти ёрим бор,
На бир беватандирман, ва на бир диёрим бор,
На барини тарк этиб, кетиш ихтиёрим бор,
Ҳеч нарса аниқ эмас, ҳайрон мени куйдирар.

Ҳайрат билан боқаман, бу боқи беғамларга,
Тушунолмай қоляпман, энди бу одамларга,
Ғанимат билиб баъзан, шукр этиб бу дамларга,
Умид билан кутарман, ҳар он мени куйдирар.

Ҳамма ўз йўлида ҳақ, ҳақиқат, имон талаш,
Тўқнашади мақсадлар, орасида қон талаш,
Чарчаган бу ғамлардан, танамдаги жон талаш,
Барчасидан озурда, бу жон мени куйдирар.

Одамзод ношукрдир, неъмат шукрини қилмас,
Борида ҳеч ким ўшал, неъмат қадрини билмас,
Йўқотасан бир куни, кейин ҳаргиз топилмас,
Ҳали келмасдан туриб, ҳижрон мени куйдирар.

Тушундимки, дунё шу, мен энди кулиб бўлдим,
Балким ёшимни яшаб, паймонам тўлиб бўлдим,
Бўлар энди не бўлса, фарқи йўқ, бўлиб бўлдим,
Излаб топилмаган ҳеч, имкон мени куйдирар.

Қаламоқдаман ўзим, қабримга ғиштларимни,
Иложи йўқ тузатмоқ, хато қилмишларимни,
Оқлай олмадим ҳаргиз, кўп қаро ишларимни,
Ўтгунимча дунёдан, армон мени куйдирар,
Рост ўрнини эгаллаб, ёлғон мени куйдирар.

Менинг манҳажим;

Менинг бугун тутган манҳажим,
Аниқ фикрим, ва далилим бор.
Мен ҳам тўғри деб, тушунаман,
Бу йўлни, тарк этмасман зинҳор.

Бу қандай йўл, гуруҳ, тоифа,
Тушунолмай, бўлманг ҳайронлар.
Ўзим баён айлайин яна,
Тушунинглар, эй мусулмонлар!

Ҳизбутмасман, мадҳалиймасман,
Бегонадир менга мазҳаблар.
Мен ҳам “жиҳод” йўлидадирман,
Рад қилсада, “Тоҳирпараст”лар.

Демократ, эмасман аниқ,
Халифат ҳам, қурмоқчимасман.
Мен бугуннинг воқеълигини,
Чунки, инкор қилмоқчимасман.

“ИАКпараст”, имомлар каби,
Золимларга босмаганман ён.
Қарши бўлдим, золим зулмига,
Мен уларга кўтардим исён.

“АҚШпараст”, ёки “Ғарбпараст”,
Бўлганим йўқ, асли йўқ манқурт.
Тушунганим шуки дунёда,
Ҳаммамиз тенг яралган, махлуқ.

Мен истайман йўқолсин зулм,
Озод бўлсин мазлумлар, тамом.
Дин номидан, қон тўкилмасин,
Адолатдир, мен учун Ислом!

Шудир менинг йўлим, манҳажим,
Басдир, энди бунча маломат.
Аллоҳ билар, ким тўғри йўлда,
Шунинг учун, бўлар қиёмат!

2013 йил Саҳвий

Бундан ортиқ бўлмагай

Ҳеч қачон орзусига , етишга топмай имкон,
Бир умр қўл оёғи, боғлиқ яшаган инсон,
Ўзгариб қолса давр, келиб қолса ҳур замон,
Ана шунда билинар, кимлиги бу оломон?!

Даҳрийлар таълим берган, ҳукмдан нусха олиб,
Ўзгартирди ниқобни, қизармади уялиб,
Мустақиллик, эрк учун, курашган четда қолиб,
Қаршилиқ қилган, маккор, бўлди бугун “қаҳрамон”.

Кимлар бу халқ устидан, мазахлаб кулмадилар?,
Одамзотнинг ор номус, қадрини билмадилар,
Шунча йил ҳоким бўлиб, адолат қилмадилар,
Бу даҳрийлар ҳеч бири, жазоланмади ҳамон.

Иблисининг тузоғида, ҳаволанмаган ким бор?,
Бедаво дардга учраб, даволанмаган ким бор?,
Нораво амал қилиб, раволанмаган ким бор?,
Кўрсатди энди нега, қодирлигин бу шайтон!

Билмай қолар одамзод, бундай фурсат ғанимат,
Ҳар доимо бўлмайди, эркинлик деган неъмат,
Муваққат чеклангандир, барча нарсада қиймат,
Зулмнинг чангалидан, ҳеч ким қолмади омон.

Бизни бугун баъзилар, атай “муста-қул” дерлар,
“Қул бўлмайин осонмас, энди топиш пул” дерлар,
Бечора бу ўзбекни, рус қозоқлар “қул” дерлар,
Қуллар эса ўзини, “мустақил” дерлар, бу он.

Элнинг бошига доим, бало бўлди пахтаси,
Юртда қолмаган эркак зоти, қолган ахтаси,
Фарқи қолмади сўзнинг, рости билансохтаси,
Бизга қараб ўзгалар, қолишмоқдалар ҳайрон.

Ватан учун оқ олтин, пахта термаган, хоин,
Билмаймиз, газ, пахтанинг пулини кетган жойин,
Эшитяпмиз Гулнора, Лола олган саройин,
Пулни қаердан олган, сўраб бўлмас ҳеч қачон.

Кутавериб кўп йиллар, умидлар ўлиб бўлди,
Умримиз хазон бўлди, кўнгиллар тўлиб бўлди,
Бундан ортиқ бўлмагай, не бўлса бўлиб бўлди,
“Бундан баттар бўлиши, мумкин” дегани, ёлғон.

Саҳвий ҳамқолмас бир кун, шеъридек йўқолади,
Ҳақ гапни айтган бўлса, балки, шу сўз қолади,
Кимлар ибрат қолдирар, кимлар ибрат олади,
Умр ғаниматлигин, англамай кетган ёмон!

Шеър ёзмас эдим

Мен шеър ёзмас эдим, яхшими-ёмон,
Аввало, қоғозу-қалам, бўлмаса.
Менинг истеъдодим, ҳали даргумон,
Ёзмасдим, юракда, алам бўлмаса.

Хаёллар бостириб келар, сарбасар,
Ўтмиш, келажакга қиларкан, асар,
Не керак, шеър ёзиш деган, дардисар,
Оромимни олган, дард, ғам бўлмаса?!

Фақат ўзи учун, яшолмас инсон,
Бўлса гар озгина, инсофу виждон,
Йиллаб турмаларда ётган, бағри қон,
Қардошим, дўст-ёрим, укам бўлмаса.

Мен шодликни эмас, ғамни куйлайин,
Ғами йўққа, ғамларимни сўйлайин,
Айтинглар, ғамгин шеър ёзмай, найлайин?,
Бир обод, фаровон, ўлкам бўлмаса?!

Мен ғамли дунёнинг, мунглиғ униман,
Унутаолмасман, ҳаргиз уни, ман,
Мен шеър ёзмас эдим, балким, умуман,
Юракларда битмас ярам, бўлмаса.

Айтинг, энди шоир бўлмай, не қилай?,
Дил амрига кулоқ солмай, не қилай?,
Аламим қоғоздан, олмай, не қилай?,
Бу дардимга ўзга, малҳам бўлмаса?!

3 январ 2013 йил

Қадр мезони

Одамлар нимага асосан бугун,
Қилдилар яхшию, ёмон мезонни?!
Нимага асосан берилар баҳо?,
Нима белгилайди қадрин инсонни?!

Ҳаётда ўз фикри ўз ақидаси,
Бўлиши мумкинку, ҳар бир одамда.
Ҳар ким ўз фикрини, тўғри деб билар,
Буни кўраяпмиз ҳар бир қадамда.

Бу шундай бўлиши лозим аслида,
Ҳақни рад қилганда, ҳатто мушриклар...,
“Ҳоту бурҳонакум” хитоби бўлди,
Буни тан олинглар, қалби тириклар!

Нимага гапириш, ҳужжат талашиш,
Оғир ботар, казо казолар учун?!
Аллоҳ ҳужжат сўрар, ботил даъвога,
Бандалар далилинг эшитмас, нечун?!

Ҳақни гапиришлик ҳаққи, бор бизда,
Ёқмасада гарчи “улуғ инсонга”.
Бу ҳақдан ҳам маҳрум этманглар бизни,
Осий бўларсизлар, Улуғ Раҳмонга!

Миллат касали

Бизни “диндорлигимиз” шуки,
Ҳавомиздан чиқар “динимиз”,
Нафсимизга ёқмаса агар,
“Тан олмаймиз” ҳаргиз уни биз!

У бу шахснинг шахси, кўпинча,
“Шариатдир”, бизга мезондир.
Уни берган баҳоси, баҳо,
Қимматмисан ёки арзондир?!

Бу миллатнинг “касали” шудир,
Борми тузатмакнинг имкони?!
Тузалмаса бу иллат агар,
Юрагингда кетар армони!

Шахсиятлар ҳурматга лойиқ,
Шахспарастликдир, жиноят!
Кошки буну тушунса, бу қавм,
Кошки, бунга қўйса, ниҳоят!

26 Март 2013

Васвасага учраганларга

Ҳаётку амонат, ҳаммадан ўтар,
Ўлмаин қолмайди ҳеч бир одамзод.
Буну тушунсанг, бас, бошинги кўтар,
Мағрур яшаб ўтгил, қилавермай “дод”!

Қўрқоқлик умринги қилмайди узун,
Мардлик ажалинги тезлаштирамайди.
Бир назар сол ахир, ўзинга-ўзинг,
Одамзод ўзини айбин билмайди!

Унутма ўласан барибир, кўрқоқ,
Мардлар ҳам қолмайди, ҳаётда мангу.
Номардлардан улар фарқи шу-бирок,
Улар чекмайдилар, сен каби қайғу!

Қўрқоқлар ҳеч қачон, икки дунёда,
Ҳурмату шарафга бўлмас сазовор.
Ҳурмат талаб қилма, номардлик қилиб,
Номардлар ҳурматга эришмас, зинҳор!

Мард одамни доим, мўминми-кофир,
Фарқи йўқ, ҳурматга лойиқ, ҳиммати.
Номардлар, ким бўлса бўлсин, барибир,
Уйида ҳам “бир пул бўлар” қиммати.

Мардмисан номардми, ўлишинг аниқ,
Барибир берасан, омонат жонни.
Ўзинга ҳавола танлаш қай бирин,
Саломат сақламоқ керак, имонни!

Ҳамма йўлда

Ҳамма йўлда равон, ҳамма ёқда йўл,
Ҳамма бир манзилга, кетаяпдилар.
Йўлга кирмай туриб, сал эҳтиёт бўл!
Сени қайга даъват, этаяпдилар?!

Кимга Худосизлик йўли, бир йўлдир,
Кимлар ўз нафсига тобеъдир, қулдир,
Кимлар дер; “Уришгил, куйдиргил, ўлдир,
Кимлар портлаб ёниб, тутаяпдилар.

Кимгадир, бемалол тинч яшаш қайғу,
Кимлар қилар Ислом давлатин орзу,
Кимгадир бегона бундайин туйғу,
Кимлар, Пир этагин тутаяпдилар.

Ҳамма ўз йўлига келтирган имон,
Ҳаммаси, бир динда, ҳамма мусулмон,
Дунё ишларига бўлиб, лол ҳайрон,
Кимлардир, то ҳануз, кутаяпдилар.

22 март 2013.

Ислом динига кирмоқчи бўлган шведга

Кел ошна бу динга кирмоқчи бўлсанг,
Мен сенга бир қанча насиҳатим бор.
Бу динда бир қанча гуруҳ бор, билсанг,
Қайсига киришинг, сенда ихтиёр?!

Истасанг марҳамат, сўфи бўлақол,
Зикр тасбиҳ айтиб турсанг бас, гоҳо,
Буниси аслида жуда бемалол,
Аммо, топиш керак битта Пир, даҳо.

Истасанг, салафий бўлгил, марҳамат,
Қаттиқ ушласанг бас, ҳадис қуръонни!
Салафлар даврини, мезон қилиб ол,
Тан олмагил, ўзга давру замонни!

Ёки, келгил мана, бўлгил, таблиғчи,
Шарти шу уйма уй юрасан доим.
Одамларни даъват қиласан динга,
Ажабмас, ажрини берса Худойим!

Балки сенга маъқул бўларди, Ҳизбут,
Сиёсатчи бўлсанг, бўларсан улфат.
Варақа тарқатиб, қиларсан даъват,
Қуришга дунёда битта, Халифат!

Истасанг Нурчи бўл, ёки Акрабий,
Ёки, кет жиҳодга Афғонистонга.
Хуллас, ўзинг танла, қай бири маъқул,
Булардан, бошқа йўл борми, имонга?!

Шиа бўл, Сунний бўл, ё мазҳабпараст,
Ёки бўл, ваҳҳобий, хулласи калом.
Шулардан биттаси бўлмасанг, бўлмас,
Шулардан биттаси бўласан, тамом!

Бирмадаги Бутпрастларга

Бутпарастлар шунчалик
Қонхўрмиди Бутингиз?
Нега одамни, бундай,
Тириклай куйдирдингиз?!

Шуми сиздан бутларнинг,
Талаблари, тилаги?!
Бут каби, тош қотганми,
Бутпарастлар юраги?!

Шуми сизнинг динингиз?
Бутпарастча “адолат”?!
Одамзодни куйдириш,
Ё раб, қандай разолат?!

Инсон деган номга ҳам,
Кўрмасман сизни лойиқ.
Шулар инсон наслига,
Лойиқми, эй халойиқ?!

Ўлса, бутга қул бўлиб,
Қилмай бошқа жиноят.
Мангу дўзахда қолар,
Бунга бор ҳадис, оят!

Мўминларни куйдириб,
Ўлдирса бутпарастлар.
Сизни жойингиз фақат,
Дўзахдир, эси пастлар!

Тупурдим динларинга,
Ҳайфдир сизларга “имон”!
Ваҳшийликларинг кўриб,
Ҳайратда қолар, Шайтон!

Эй малъунлар, шу ишдан,
Қийналмаса, виждонинг!
Дунёда куйиб ўлинг,
Дўзахда мангу ёнинг!

Расулulloҳ (САВ) га саволлар

Ҳаётнинг кўп мушкулотларин,
Тушунолмас барибир одам.
Бир бир сўрар эдим, мабодо,
Расулulloҳ келсалар шу дам.

Расул айтса, қалб олар таскин,
Бўлар эди кўнгиллар ҳам тўқ.
Муҳтождирмиз сизни кўришга,
Сиз айтган сўзга, шубҳамиз йўқ.

Хабар беринг, ким тўғри йўлда,
Ким ҳидоят топган, ким гумроҳ?!
Қайси мазҳаб, тоифа ҳақдир,
Айтинг бизга, ё расулulloҳ?!

Ҳудкушликни савоб дейдилар,
Ўзича ҳақ, ҳар бир уламо.
Ҳизбут таҳрир, салафий, сўфи,
Ҳаммасида далил бор, аммо.

Кимлар кофир, кимлар мунофиқ,
Кимларга эргашиш шарт бизга?
Ҳаммасида далил бор аниқ,
Эҳтиёж кўп ё расул, сизга.

Сиздан ўзга кимдир, нимадир,
Деган, билан тан олинмайди.
Ҳаммаси ўз фикрини айтар,
Ҳақиқатни ҳеч ким билмайди.

Чин маъсумлик, фақат сизга хос,
Сиз Аллоҳнинг, омонидасиз.
Шиалар ва суннийлар кимлар,
Сиз қай бирин, томонидасиз?!

Қайси гуруҳ манҳажи, тўғри,
Айтинг бизга, ё расулуллоҳ!
Қўли чопилсинми, ҳар ўғри,
Шу фитналик дунёда, эй воҳ?!

Халифатни тиклашлик, айтинг,
Фарзми бизга, тушунолмадим.
Менинг сизга саволларим кўп,
Жавобларин мен билолмадим.

Саудларнинг қироллари ким,
Бошқаруви ҳақми, шуларнинг?!
Халифат керакми, ва ёки,
Имоматми, ё шиаларнинг?!

ИАК деган, золим бор яна,
Унга дуо қилар, муфтийлар.
Эй Аллоҳнинг расули айтинг,
Кимга эргашсин, бу омийлар?!

Уламо кўп, ҳаммаси ҳар хил,
Бир бирини қилади инкор.
Ҳаммасида бор, ҳадис, далил,
Ҳаммасининг ҳужжати бисёр!

Хуллас, менинг бошим қотгандир,
Сиздан яна бир бор, илтимос.
Йўл кўрсатинг менга, ўзингиз,
Мен сизни тан оламан, халос!

Бир танишимга

Мақол бордир, олдиндан оқса,
Қадри бўлмас эмиш, дарёнинг.
Ушбу ҳаёт маънисин уқмай,
Таъбирин излаймиз, рўёнинг.

Ҳаёт шундай экан, на чора,
Сен ҳам, шунга кўниб қўяқол.
Эслатма кимлигинг юз бора,
Бас, ўзингни озроқ босиб ол.

Тан оламиз, ушбу ҳаётда,
Кўплигини, казо казолар.
Сен ҳам шулар ичида бўлсанг,
Албатта, Ҳақ Ўзи жазолар.

Мендан кутмай кўявер, асло,
Ҳеч нарсани, бас, мени унут.
Сенга ақл бермасман.., илло,
Улуғ бўлсанг, ўзинги паст тут.

«Ҳурматим йўқ» дея, ўкинма,
Бўлмайдиям, бўлсин кўнгил тўқ.
Олдимиздан оққан «дарё» сан,
Шунинг учун демак, қадринг йўқ.

Охиратга таёргарлик

Яратган роббимга саждалар қилиб,
Ўзга маъбудларни инкор этарман.
Занг босган қалбимни, ёш билан ювиб,
Дилни охиратга тайёр этарман.

Дилим осмонида юлдузлар каби,
Сўниб бормоқдадир умид учқуни.
Мангу эримаган қор музлар каби,
Тош қотган юрагим, чиқмайди уни.

Барибир охири барбод бу дунё,
Барибир қуригай бу боғим менинг.
Доим фироқ дамин, туйиб яшайман,
Эҳтимол яқиндир, фироғим менинг.

Чунки, кўраяпмиз ҳар куни минглаб,
Одамлар кетма кет топширади жон.
Ҳеч ким билмайдида ажални вақтин,
Ногаҳонда келар, бўласан равон.

Дилимда орзуи армоним кетар,
Менга бас, имоним саломат бўлса.
Барча яқинларим билан барибир,
Учрашаман, албат қиёмат бўлса.

Обамага саволлар

Асад каби ўз халқин қирди,
Бугун золим ас Сиси, қаранг.
Асад “ёмон”, ас Сиси “яхши”,
Нега бундай, мен боши гаранг.

Сурияда диктатор, “ёмон”,
Ўзбекбоши “яхши” диктатор.
Мисрдаги Сиси “ёмонмас”,
Гарчи, ўз халқин, қираётир.

Саудларни қувватлаган Ақш,
Эронни ҳеч, қувватламайди.
ИАК билан бугун “дўст” бўлди,
“Инсон ҳаққи” деб, жар солмайди.

Мантиқ борми сенда, Обама,
Кўриняпди кўп қаллобликлар.
Бунча тубанликга тушгансиз,
Яширилмас мунофиқликлар.

ИАК бугун, хурсанд албатта,
Мисрдаги қирғинни кўриб.
Чунки, ёлғиз эмас, энди у,
“Анджон”дан кетди “қутулиб”.

Асадга қарши тоифалар,
“Террорист”деб ҳисобланмайди.
Агар ўзбек кўтарса, қурол,
Бирортаси омон қолмайди.

Қани сенда мантиқ Обама,
Тушунмадим, ҳеч бу Ақшни.
Қачон, кимни, тан оласизлар,
Йўли борми сизга ёқишни?!

Қонхўр ИАК дўстингдир бугун,
Қонхўр Асад эса, душманинг.
Қонхўр Сиси ҳимоянгдадир,
Тутуриқинг қолмади сенинг.

Бу аҳволда, бундай кетишда,
Бўлолмайсиз дунёга дарға.
Сизларга ҳам етар бир бало,
Кўзларинги чўқийди қарға.

Дўстларга

Кўришмасанг, кўп йиллар ўтиб,
Тушунарсан, қадрига етиб,
Қани эди, бир келиб-кетиб,
Дийдорларин кўрсам, дўстларнинг?!

Аҳмоқми, ё доно бўлса, ҳам,
Бойваччами, гадо бўлса ҳам,
Баъзан, бошга бало бўлса ҳам,
Бори яхши экан, дўстларнинг.

Ўтар ойлар йиллар, сар-басар,
Қарилиқдан келмоқда асар,
Тургани битгани дардисар,
Лекин, бари керак дўстларнинг.

Ёшлик водийсига етаклар,
Ростга дўнар эски эртақлар,
Дилимдаги эзгу тилақлар,
Бари омон бўлсин дўстларнинг.

Ўлимни эслаб

Мен ёшимни яшаб, етдим шу ёшга,
Мени қўрқадиган нарса йўқ, ҳечам.
Қачон ажал етса, топшираман жон,
Бунинг учун менда, асло йўқдир ғам.

Мени ўйлантирар фақат, бир нарса,
Гоҳида ўйланиб, қочади мазам.
Нима бўлар экан, гар ўлиб қолсам,
Етим қолса ногоҳ, жажжи ўғилчам?!

Менинг учун азиз эди, дунёда,
Борча одамлардан, меҳрибон дадам.
Энди менинг учун, энг азиз инсон,
Яккаю ёлғиз шу, фарзандим, болам.

Албатта, бир куни бу ғурбат ичра,
Ажал етиб қолса, ўлади одам.
Э воҳ, ўлим эмас, айрилмоғимдан,
Хотирамни ўртаб, қийнайди алам.

Начора, ҳаётда ҳижрон ҳукмрон,
Бўларкан доимо, ҳаёт бири кам.
Айрилиқ азоби, ҳозирдан ўртар,
Ҳали келмасидан, кўзларимда нам.

Ожиз махлуқлигин, англаб одамзод,
Аллоҳнинг каломи дилларга малҳам.
Ҳаммаси таваккал Аллоҳга энди,
Ўзи раҳм айласин меҳрибон Эгам!

Тушундим

Тушундим, йўқлигин менда, ихтиёр,
Дилимда кўп эди, эзгу ниётлар.
Амалга ошмади истаклар, зинҳор,
Бўлмади менда ҳеч, имкониятлар.

Орзу умидларим ўзгарди, аста,
Энди эзгуликдан камдир, дараклар.
Аммо, буларга ҳам етмоқ имконсиз,
Жонгаям теғди бу, етим тилаклар.

Яшаш керак аммо, борича ҳаёт,
Зиммамизда бордир, мажбуриятлар.
Худонинг хоши буларкан, мутлақ,
Қолгани барчаси, беҳуда гаплар.

2013 йил 4 июн

Орқага бир қараб қўйсанг

Ишинг ривож топиб, олға кетаётиб,
Қандай яхши, ортинга бир, қараб қўйсанг.
Оқил дердим, мақсадинга етаётиб,
Бечоралар аҳволини сўраб қўйсанг.

Бир хил турмас ҳаёт, ҳар хил ҳаво бўлар,
Одам одамзод дардига, даво бўлар,
Қиёматда мушкулларинг раво бўлар,
Ғарибларнинг бир корига, яраб қўйсанг.

Ўткинчидир сурган, даври-давронларинг,
Ғаниматдир қўлингдаги, имконларинг,
Охиратга захирадир, эҳсонларинг,
Насиб этса, бу дунёда, тўлаб қўйсанг.

Боқсанг узоқ тарихларга замонларга,
Дунё берилгандир кўпроқ, ёмонларга,
Йўл бермагил турли шубҳа, гумонларга,
Молнинг баракати бўлмас, санаб қўйсанг.

Инсон учун қайғурмаган инсон эмас,
Дини, дину, имонлари имон эмас,
Дон сув бериб, турганларинг “эҳсон” эмас,
Қушни қафас ичра солиб, қамаб қўйсанг.

Эл дардини куйламаса, бахши бўлмас,
Яхши номи қолмас, элнинг нақши бўлмас,
Ўзинг синов ичиндасан, яхши бўлмас,
Ўзгаларни сен ўзингча, санаб қўйсанг.

2013 йил 29 августда устоз Абдували қори Мирзаев ўғирлаб кетилганига 18 йил тўлади.

Азалдан шу, расулуллоҳ ворислари,
Бало офат гирдобида бўғилганлар.
Бугун ўн саккиз ёшига етди, қаранг,
Сиз ўғирлаб кетилган кун, туғилганлар.

Ортингизда қолган гўё, шамчиноқлар,
Бугун сизнинг даъватингизга муштоқлар,
Баъзи, сизни кўрганлардан, яхшироқлар,
Сиз ўғирлаб кетилган кун, туғилганлар.

Сизга қисмат бўлди аҳли бало бўлмоқ,
Ҳақ йўлида, молу жондан жудо бўлмоқ,
Таълим олар сиздан, жони фидо бўлмоқ,
Сиз ўғирлаб кетилган кун, туғилганлар.

Розидирмиз яратганининг ризосига,
Лойиқмассиз, лекин бундай, жазосига,
Тушунмаслар Ҳақнинг ҳикмат қазосига,
Сиз ўғирлаб кетилган кун, туғилганлар.

Тарихингиз битилса бир дoston бўлар,
Мазлумларнинг ҳолига, дил вайрон бўлар,
Эшитганда тарихингиз, ҳайрон бўлар,
Сиз ўғирлаб кетилган кун, туғилганлар.

Ҳар йил шу кун, янгиланар, эски ярам,
То ўлгунча битмагайдир, энди бу ғам,
Сизни кўрмай қолганлари қилгай алам,
Сиз ўғирлаб кетилган кун, туғилганлар.

Янги авлод келиб, йўллар излашмоқда,
Дарсларингиз қадрин бугун англашмоқда,
Энди сизнинг маърузангиз тинглашмоқда,
Сиз ўғирлаб кетилган кун, туғилганлар.

Издошингиз қочмоқдалар, кулфатлардан,
Насибаси бор эканда, ғурбатлардан,
Беҳабардир, сизнинг улуғ ибратлардан,
Сиз ўғирлаб кетилган кун, туғилганлар.

Ҳали синов битмай, давомлар этмоқда,
Кўплар умри хазон бўлмоқда, қамоқда,
Сизнинг йўлингизни, давом эттирмоқда,
Сиз ўғирлаб кетилган кун, туғилганлар.

Мустақилликга атаб:

Бугун “Мустақиллик” дея, жар солиб,
Кўринглар, мадҳия, шеър битганларни.
Албатта, бугунги авлодлар билмас,
Бу йўлларда кимлар, қон ютганларни.

Қиличларга бериб, қизил қондан зеб,
Элини, юртини, динни ғамин еб,
“Ватанни асрайлик, босқинчидан” деб,
Улуғ кураш учун, жон тикканларни.

Ўтмишни унутиш, асли катта айб,
Тарихсиз авлодлар, мажруҳу-майиб,
Кўринглар, даҳрийлар, ғоясин ёйиб,
Диндорлар уруғин, қуритганларни.

Бугун ҳам ҳукмдор ўша даҳрийлар,
Энди руслар эмас, бу маҳаллийлар,
Ўзларича гўё, кўп «ақлли»лар,
“Душман” дер, ғафлатдан “уйғотган”ларни.

Қанчалар фитналик, бир замон бугун,
Яна имон аҳли, бағри-қон бугун,
Қаранглар, ҳаммаси, “қаҳрамон” бугун,
Кеча ўз халқига, ўқ отганларни!

Адолатли бўлса, муфтий, имоми,
Бунчалик бузулмас, юртнинг низоми,
Бадном бўлди холис, олимлар номи,
Қаранг, динин дунёга сотганларни.

Яқин тарихни ҳам бузаяпдилар,
Ўзларига мослаб, ёзаяпдилар,
Авлодлар онгидан, йўқ қияпдилар,
Бу курашга жонин, бахш этганларни.

Эркин тушида ҳам, кўрмаган маккор,
“Мустақиллик учун, бўлибмиш меъмор”,
Айтар эди, бўлса, виждон, номус-ор,
Кимлар, Эрк байроғин, тик тутганларни?!

Нима десин чўпон, пахтакор, сувчи,
Агар жим турсалар, шоир, ёзувчи,
Булар виждонларин, сотган “сотувчи”,
Кўрдикку, шаштидан тез қайтганларни.

Қанча бедодликлар бўлди зиндонда,
Мустақиллик деган, манфур замонда,
Ошиғи олчидир, Ўзбекистонда,
Ожиз мазлумларни, қақшатганларни!

Қизлари қасрлар қураб Парижда,
Қанча халқ дарбадар, юрар хорижда,
Ҳақни талаб қилсак, биз хаворижда,
Кўринглар, виждонин, йўқотганларни!

Бу сохта мақтовлар, қарсак уришлар,
Гердаиб, минбарда ғоздек туришлар,
Аслида, барчаси, “Ватанфуруш”лар,
Халқ билар “Ватан”-деб, ғам чекканларни.

Сендек золим токи, тирик туражак...,
Келмайди ҳеч қачон, “буюк келажак”,
Бунинг исботини, вақт кўрсатажак,
Ҳеч рости бўлганмас, сен айтганларни?!

Озроқ баён этдим, мен таърифинги,
Ҳолига вой, сохта, маъорифинги,
Эй халқим, унутма, ўз тарихинги,
Келажаги бўлмас, унутганларни!

27 август 2013 йил

Эй одамлар, болаларни йиғлатманглар

Болажонлар шак шубҳасиз бегуноҳдир,
Бу сўзимга, Тангрим каломи гувоҳдир,
Фарқи йўқдир, қайси миллат, дин бўлса ҳам,
Ҳаммамизни Илоҳимиз бир Илоҳдир.
Мурғаккина юракларга ўқ отманглар,
Эй одамлар, болаларни йиғлатманглар!

Ишонамиз гарчи, тақдир қазоларга,
Қойилмасмиз, лекин казо қазоларга.
Гўдакларни ғамга гирифтор айламанг
Улар лойиқ эмас, бундай жазоларга.
Инсоният келажагин, йўқотманглар,
Эй одамлар, болаларни йиғлатманглар!

Яҳудмидир, насороми, мусулмонми,
Гўдакларга зулм айлаган ҳам, инсонми,
Мурғак қалбни қон қақшатган, инсон эмас,
Айтинг бундайларнинг, имони имонми,
Охиратни ёлғон дунёга, сотманглар,
Эй одамлар, болаларни йиғлатманглар!

Ожизларга зулм ўтказиб, хор айламанг,
Инсон меҳру шафқатига, зор айламанг.
Ноҳақ озор бериб, гўдак қалбларига,
Кенг дунёни улар учун, тор айламанг.
Ҳаммангиз гўдак бўлгансиз, унутманглар,
Эй одамлар, болаларни йиғлатманглар!

Эркалатиб ўйнатишлик, қўғирчоқлар,
Болаларнинг ҳаққи бўлди, ўйинчоқлар.
Ҳеч бир нарса арзимади болаларнинг,
Бошларига бомба ташлашга, учоқлар.
Ҳақни беринг, оғир гуноҳга ботманглар,
Эй одамлар, болаларни йиғлатманглар!

Шулар учун яшар, барча инсонлар ҳам,
Зурриётин қайғуради, ҳайвонлар ҳам,
Фарзандига меҳр қўйса керак ахир,
Одам зоти, яхшилару ёмонлар ҳам.
Адоватни авлодларга тарқатманглар,
Эй одамлар, болаларни йиғлатманглар!

Улар жони нега бугун фидо бўлар,
Даҳшатли кўзларни кўрган, адо бўлар.
Ожизларга зулм айламанг, эси борлар,
Ожизларнинг ҳомийси бир Худо бўлар.
Беғуноҳ буғубор дилни, қақшатманглар,
Эй одамлар, болаларни йиғлатманглар!

Ўзим гумроҳман

Мендан йўл сўрама, эй инсон,
Бугун менинг ўзим гумроҳ ман.
Чорраҳада турибман ҳайрон,
Гарчи барча йўлдан огоҳ ман.

Бирортаси ўрнамас дилга,
Билмам элтар қайси манзилга,
Маслаҳат беролмайман сизга,
Ўз ҳолимга ўзим гувоҳ ман.

Турли йўллар, турли ихтилоф,
Бир бирига қилишар хилоф,
Қайси тўғри, қайси бири лоф,
Беролмасман бунга изоҳ ман.

Бор экан

Бузулди имонлар, бузилди динлар,
Қаранг, бундай оғир дамлар бор экан.
Мўминларга зарар берса, мўминлар,
Бу ғамдин, хоотири жамлар бор экан.

Бу қандайин мазҳаб, қандайин имон,
Ақлим етмаяпди, тушунмай ҳайрон,
Ҳаммаси бир динда, ҳамма мусулмон,
Дунёда бундайин, ғамлар бор экан.

Сенку, бугун хотиржамсан, омон сан,
Мусулмон сан ахир, соҳиб имон сан,
Нега золим билан, зулм томон сан,
Билмабман, шундай одамлар бор экан.

АҚШ

Ҳамма ёқда фитнес уруғин сочиб,
Дунёга “хўжайин” бўлишни истар.
Дунёни кафтига олмоқчи бўлиб,
Ҳаммани назорат қилишни истар.

Бугун улар учун энг хавфли душман,
Фақат ислом қолди якка ягона.
Уларга ҳам уруш очишлик учун,
Топилди албатта, турли баҳона.

Даҳрийлар енгилди улардан, тўғри,
Балки шундан мағрурланиб қолдилар.
Катта режи билан босқичма босқич,
Анча диёрларни қўлга олдилар.

Бир улуғ курашга кирди одамзод,
Бир томонда заиф, бир томонда куч.
Яқин ўн йилдирким кетмоқда кураш,
Топган натижаси бўлар лекин пуч.

Бу кураш кўп йиллар этади давом,
Натижаси эса мағлубиятдир.
Ўлимдан қўрқмаслар ҳеч аҳли ислом,
Шаҳидлик мўминлар учун ниятдир.

Бундай тоифани бўлмайдиган енгилди,
Барча режалари беҳуда бекор.
Бундай душманинга таслим бўласан,
Бошқа иложинг йўқ, бўлмайдиган хор!

Эй халқим

Худо берган ақлинг бор-ку, эй халқим,
Бугун сенинг ўзинг хор-ку, эй халқим.
Миллионлаган фарзандларинг қул бўлди,
Бу кенг дунё сенга тор-ку, эй халқим.
Сен кимларни бахти учун курашдинг?,
Сен Ҳақ йўлдан ҳидоятдан адашдинг.

Боболаринг ватан деб, жанг қилдилар,
“Босмачи” деб, отилдилар, ўлдилар.
Бугун улар қаҳрамонга айланди,
Улар йўлин ушлаганлар келдилар.
Сен уларни “террорист” деб, талашдинг,
Буткул, дину-диёнатдан адашдинг.

Кимга қарши, кураш эълон қилдинглар?,
“Террорист” деб, ўлдирдинглар, қирдинглар?,
Ўз халқингни, қон қақшатиб, ўзларинг,
“Халқ душмани” деб, устидан кулдинглар.
Боболаринг гўрига ғишт қалашдинг,
Хурлик, тинчлик, адолатдан адашдинг,

Ўз фарзандин ўлдирган эл, қайда бор?,
Турмаларда сўлдирган эл, қайда бор?,
Мустабидни “юртбоши” деб, дунёни,
Ёлғонларга тўлдирган эл, қайда бор?,
Ахир, ўзинг билан ўзинг савашдинг,
Журъат, иззат, матонатдан адашдинг.

Келажагинг буюклиги, рўёдир,
Фақат ёлғон тиллар, бугун гўёдир.
Амалдорлар молу-дунё, нон учун,
Сенинг фарзандларинг кўзин ўёдир.
Топганинги ўшаларга улашдинг,
Энди ҳузру-ҳаловатдан адашдинг.

Сенинг, мустақил бўлғонинг ёлғондир,
Буни аслида, барча тан олғондир.
Ҳануз “буюк келажакка” кўз тикиб,
Бас энди, бу кўзларинг ҳам, толғондир.
Кузга етиб, жўжаларни санашдинг,
Ақлинг кетиб, фаросатдан адашдинг.

Кўнгил ғашланар

Отилиб майдонга чиқса бир инсон,
Курашга аҳд қилса, борича имкон,
У адолат учун, бўлса гар қурбон,
Балки, кимларнидир кўзи ёшланар,
Ўйлаб қолса одам, кўнгли ғашланар.

Аммо, топилади шундай одамзод,
Қалбин эгаллаган фикс ила фасод,
Сенга озор берса, бўлишади шод,
Шаънинга тухмату бўҳтон бошланар,
Эсга тушса одам, дили ғашланар.

Керакмас албатта, сохта обрўйлар,
Тинч қўйишса басдир, бу ғаразгўйлар,
Ортиқча изтироб, беҳуда ўйлар,
Ит каби одамзод, талаб ташланар,
Истайсанми йўқми, кўнгил ғашланар.

Ўзлари бир ишни, эплотмасалар,
Ўз айбини ҳаргиз, тан олмасалар,
Маломат қилишдан уёлмасалар,
Гўёки, сенинг қонинга ташналар,
Нима қилиш керак, кўнгил ғашланар?!

Гарчи дили тошдек, қотсада одам,
Барибир, чекмайин иложи йўқ ғам,
Баъзан мана шундай, қилганда алам,
Сўрарман айтинглар, дўстлар, ошналар,
Нима қилсам, улар дили ғашланар?!

Шаҳидларга;

Улуғ ғояларни тутган дилинда,
Шу сабаб қурол кўтарган кўлинда,
Мақсад жонни бермоқ, Аллоҳ йўлинда,
Зулмга бош эгмай кетган шаҳидлар,
Иззат шараф йўлин, тутган шаҳидлар.

Қолдириб кетишган, ота-онани,
Оила фарзанду, иссиқ хонани,
Ҳимоя қилай деб, бир бегонани,
Жиходга жонини тиккан шаҳидлар,
Майдонда, дунёдан ўтган шаҳидлар.

Бунинг сабабларин қилолма таҳқиқ,
Улар, ватанида кўрганлар тазйиқ,
«Динни ҳаётимда қилай» деб, татбиқ,
Ўзга юртларда қон ютган шаҳидлар,
Шаҳидлик неъматин, кутган шаҳидлар.

Асло қайғурмаган, ўз жони учун,
Жанг қилгандир фақат, имони учун,
Юрагида қолган, армони учун,
Жаннат учун жонни, сотган шаҳидлар,
Аллоҳ раҳматиға, етган шаҳидлар,

Бу ҳиммат, шарафга қойилмиз, эй воҳ,
Бу имон кучига, Яратган гувоҳ,
Ўзи ажрин берсин, меҳрибон Аллоҳ,
Сизга улуғ қисмат, битган шаҳидлар,
Сизни Аллоҳ, раҳмат этган шаҳидлар.

Ё Раб бир ўзгариш бўлсинда энди

Яратган Эгамнинг, фармони етиб,
Зулм, салтанати, тугаса битиб,
Кўрсак, эди шояд, кетмасдан ўтиб,
Жабдийдалар ҳам, кулсинда энди,
Ё Раб, бир ўзгариш, бўлсинда энди!

Яна қанча қолди, ёруғ тонгача?,
Интизор кутармиз биз қачонгача?,
Етиб борамизми, ўша онгача?,
Ҳузурингдан фармон, келсинда энди,
Ё Раб, бир ўзгариш, бўлсинда энди!

Истагинг, бировдан ортда қолмасанг,
Бу орзуга аммо, ҳеч етолмасанг,
Бошинги кўтариб, яшай олмасанг,
Ғариблар ҳам, кўнгли тўлсинда энди,
Ё Раб, бир ўзгариш, бўлсинда энди!

Келмаяпди нусрат сира биз томон,
Мазлумлар интизор кутмоқда ҳамон,
Сенинг қудратинга, йўқ шубҳа гумон,
Бу диктатор тезроқ, ўлсинда энди,
Ё Раб, бир ўзгариш, бўлсинда энди!

Туш

Тушларимга тикан симлар киради,
Таъқиб этар мени, даҳшатли рўё,
Тинч яшаётгандек бўлсамда гарчи,
Ҳали мени руҳим, турмада гўё.

Ҳали унутилиб кетмади буткул,
Қалбларни титратган азоб, қийноқлар.
Барибир, ўзимни сезмасман эркин,
Ҳануз таъқиб этар, мени қамоқлар.

Зулмнинг кўп экан, турфа томони,
Жисмонан ва руҳан, қийналади жон.
Бирисидан гўё, қутулдим энди,
Бошқасидан, озод бўлмадим ҳамон.

Аксиома

Амал учун, шляпани,
Алмаштирганди саллага.
Даҳрий каззоб, қилаяпди,
Энди не келса, каллага.

«Гуллаяпди», Ўзбекистон,
Кўролмаган “қора кучдир”.
Бу қуруқ, иддаоларнинг,
Асли таги, бари пучдир.

Тугамади, халқ бошидан,
Зулм тазйиқ, зўравонлик.
Нон тополмай қолсада халқ,
Дейишмоқда; “фаровонлик”.

Ўз халқини қора қонга,
Ботирганди Андижонда.
“Мустақиллик шарофати”
Шу бўлди, Ўзбекистонда.

Зулм билан, фирибгарлик,
Қаро қилмишин оқлади.
Динга қарши ҳужум бошлаб,
Динсизлигин исботлади.

Абдували шайхни эмас,
Виждонини йўқотдилар,
Обидхон қорига эмас,
Имонига ўқ отдилар.

Абдуллоҳ Ўтани эмас,
Ориятни ўғирлашди.
Ўзларининг йўлларини,
Жаҳаннамга тўғирлашди.

Ўлмагунча рўшноликга,
Етишмаса йўқдир ажаб.
Йигирма йилки, зиндонда,
Ётибди, Муҳаммад Ражаб.

Фуад эмас, ўқ зарбидан,
Ўлдирилган, “Адолатдир”.
Ҳокимият тепасида,
Ҳукми равон, разолатдир.

Пахта эмас бу “оқ олтин”,
“Улуғ ватан, хирмонидир”.
Уни териб, ўлаётган,
Қуллар, “ватан” қурбонидир.

Қуллик ботқоғидан чиқиб,
Қул бўлдинглар, қувонманглар.
Дайдиб юрган, миллионлар ҳам,
“Инсон” деса, ишонманглар.

Аёл эмас, танасини,
Бозорларда “пуллаётган”.
Булар ўзбекларнинг “фаҳри”,
“Мустақиллик, гуллаётган”.

«Бизникидир, осмондаги,
Чарақлаган, Қуёшимиз.
Нур сочмасди, қуёш бизга,
Бўлмаганда, “юртбошимиз”!

Ҳурриятнинг мозорида,
«Базми Жамшид» қуражақдир.
Қамоқларда, Чириётган,
Ўша “Буюк Келажак»дир!

Муқаннапарастлар

Кечаги даҳрийлар, бугун бўлишди,
Тўмарис, Широқ ё, Муқаннапараст.
Бизларга ёвқараш қилишар бугун,
Десак; “Доҳийларинг ғирт, оташпараст”.

Ўзларини ҳисоблашар зиёли,
Очиқ сочиқ, юрар қизу-аёли,
Осмонларда юрар, орзу-хаёли,
Умри ўтган, ғафлат уйқусида маст.

Демократликни қилар иддао,
Албатта, имон ҳам, айни муддао,
Жаҳолатга дардига, бўлган мубтало,
Истамас тушишни бир озгина паст.

Ўзаро низода бўлмай бардавом,
Ҳар ким билганича яшасин, тамом,
Кўрамиз, кимларга эргашар авом,
Маълум бўлар, кимнинг қўли забардаст.

19 сентябр 2013

Бечора афғон

Ҳеч ким қолмадими қилгудек ёдинг,
Эшитгудек, сенинг доду фарёдинг?!
Натижа бермагач, қилган бу додинг?!
Энди ўз жонинги қиласан қурбон,
Ёруғ кун кўрмаган, бечора афғон!

Бир томонда очлик, юпунлик бўлса,
Тинмаса урушлар, дил ғамга тўлса,
Ҳар куни кимлардир отилса, ўлса,
Ўзаро жанжаллар тугамас ҳамон,
Шўри қуриган халқ, бечора афғон!

Ўттиз йилдан ошди тинмади жанглар,
Урушсеварлар ҳам кўпдир қаранглар,
Не қилсин бечора аҳволи танглар,
Тожик, Пуштун, Ўзбек, ёки Толибон,
Ўзаро жанг қилар, ҳаммаси афғон!

Миллионлаб етимлар, оч бечоралар,
Дардмандлар дардига топмас чоралар,
Бева қариялар, жигарпоралар,
Қачон ўз йўлинги топасан, қачон,
Қачон инсон каби, яшайсан афғон?!

Етар энди шунча тўкилган кўз ёш,
Қанча халқ чет элга олиб кетди бош,
Ўзаро душмандир, қариндош қардош,
Урушлар ҳаддидан ошдику чандон,
Бас энди, тинч яшаш керак, эй афғон!

Етишмадинг тинчлик деган неъматга,
Қойилман сендаги битмас, ғайратга,
Чек қўй энди, уруш деган, даҳшатга,
Бу нохуш номинга, қоламан ҳайрон,
Балким шунга, доим қиласан “афғон”?!

Орзу мақсадларинг бўлмоқда сароб,
Тобора бўлмоқда аҳволинг хароб,
Сизга ачинаман, дилда изтироб,
Ҳаммаси бир динда, китоби қуръон,
Бир бирин қонини, тўкмоқда афғон.

Турли ғанимларга бўлдинг кўғирчоқ,
Тепангдан бомбалар ташлайди учоқ,
Душманинг дўст тутиб, очарсан қучоқ,
Ўзаро сулҳ учун, топмади имкон,
Хонавайрон бўлди, бечора афғон.

Бордир орангизда нафсга бандалар,
Афюн таъсиридан, маст шармандалар,
Ҳануз йўл топмаган боқимандалар,
Ориятнинг нархи, шунчалик арзон,
Наслу насабинги, йўқотдинг афғон?!

Бошқа афғон халқи, ўлмасин, етар,
Бундан бошқа уруш, бўлмасин, етар,
Саҳвий дили ғамга, тўлмасин, етар,
Етар энди, шунча тўкилган бу қон,
Энди ўз қадринги, сақлагил афғон!

Мавҳумлик

Вафо қилмас бешавқат вақт,
Ортга қараб ҳайронасан.
Дилинг бўм бўш, ҳиссиз бўлар,
Мавҳумликдан тўлғонасан.

Умр ўтар, умр ўтар,
Қўп ғам билан парвонасан.
Ўз дилинга, яқининга,
Ўз уйинга, бегонасан.

Тунлар шамол тегирмондек,
Дардинг дилда, тўлғонасан.
Кеча бир ғам била яшаб,
Бугун бир ғам деб ёнасан.

Хазон бўлган орзуларинг,
Бундан дили вайронасан.
Ўзинги алдарсан бугун,
Ёлғонинга ишонасан.

Ҳаёт тугаб бормоқдадир,
Орзу билан ҳамхонасан.
Умидла уйқуга кетиб,
Умид билан уйғонасан.

Тунги сайр

Тун. Кўчада увиллар шамол,
Ёқимсиз ҳис туйғулар босар.
Бу тун яна қийнар эҳтимол,
Бу тун яна, ёзилар асар.

Узоқларда милтиллар ёғду,
Ҳукмрондир ғафлат, субҳидам.
Шодликлардан устундир қайғу,
Қувончлардан улуғроқдир ғам.

Кўринмайди митти юлдузлар,
Ваҳимали қорамтир осмон.
Кўзларимни юмаолмайман.
Тикилганча тураман ҳайрон.

Ваҳимали тун сукунати.
Ҳиссиз қотган, хаста вужудим.
Ғамгин дарахтлар ортидан,
Тикилганча турадирман жим.

Хаёлимда турфа туйғулар,
Бир бирини, қилади инкор.
Орзу-умид,, тушкунлик, бари,
Бўлмоқчидир, дилга ҳукмдор.

Албат, ҳукмронлик истайди,
Одамизод қалбига, шайтон.
Сукунат босади, дил қаърин,
Сукунатнинг қаърида, вулқон.

Етим йиғласа

Ким бор даҳшатлироқ айтинг, одамдан?,
Тиллар айланмайди гапга, аламдан,
Аллоҳнинг Арши ҳам титрар, бу ғамдан,
Агар зулм кўриб, етим йиғласа!

Қани самараси, яхши ниятнинг,
Улкан тараққиёт, имкониятнинг,
Ойга учгани кам, инсониятнинг,
Агар меҳр топмай, етим йиғласа!

Дунёнинг шодлиги, гўдак шодлиги,
Шудир аслида чин, юрт ободлиги,
Бундан ортиқ бўлмас, зулм бедодлиги,
Бугун нон тополмай, етим йиғласа!

Фарзандига меҳр берар, ҳайвонлар,
Одамзотнинг аҳволига ҳайронлар,
Аллоҳнинг қаҳридан кўрқинг, инсонлар,
Аллоҳ ғазабланар, етим йиғласа!

Ҳар кимки, етимни парвариш қилар,
Расуллulloҳ билан, жаннатда бўлар,
“Фақат Иблис бундан қувончга тўлар...,
Қачон, бу дунёда етим йиғласа”!

Эй одамлар, баринг бўлинглар огоҳ,
Барча ваҳшийликга Яратган гувоҳ,
Беътибор бўлманг, бу улкан гуноҳ,
Ер-осмон йиғлайди, етим йиғласа.

Фаришта эмасман

Фаришта эмасман албатта,
Мен ҳам оддий, гуноҳкор банда.
Менинг хато-нуқсонларим кўп,
Қилолмасман уларни канда.

Ўз хатоим билсамда, ҳануз,
Тузалмадим ҳеч қачон, илло.
Бору-будим билан барибир,
Мен қиларман, имон иддао!

Менинг қилган амалларимга,
Яратганнинг Ўзи гувоҳим.
Ўзи мени жазолар халос,
Балки, авф айлагай Аллоҳим!

Муҳаббат ҳақида

Муҳаббат ҳақида шеър ёзиш,
Талаб қилди бир йигит мендан.
Дедимки;, “Бу ақлдан озиш,
Тилагинг рад этаман сендан.

Сен сўраган “муқаддас туйғу”,
Аллақачон йўқ бўлган, ўлган.
Йўқдир “муҳаббат” номли қайғу,
Ўрнига фаҳш, разолат тўлган.

Кетган экан, муҳаббат, вафо,
Фарҳод, Ширинлар замонида.
Кумуш билан кетган, мусаффо,
Севги, Отабекнинг ёнида.

Йўқ нарсалар ҳақида мендан,
Сўрама шеър ёзишни, йигит.
Бугун ҳеч ким севилмас, чиндан,
Чин Муҳаббат, бўлгандир унут”.

Бугун муҳаббатнинг нархи бор,
Сотиб олиш мумкин бемалол.
Пулинг бўлса, топилар “бахт” ҳам,
Қанча керак, фарзанду аёл?!

Бугун ҳеч ким, ҳеч кимни билсанг,
Ишқи билан ёниб куймайди.
Ҳамма нарса пулга боғланган,
Пулсиз бўлсанг, биров суймайди.

Бизлар энди аввалгилардек,
“Қолоқ” эмас, ривожланганмиз.
Ишқу муҳаббат деган нарсага,
Ёшлиқданоқ, “тўйиб” қолганмиз.

Унутди

Руслар қўлида қул бўлиб, оқибат,
Бу халқ бугун, хўрлигини унутди.
Зулмат ичра, чироқ керакмас кўрга,
Ҳамма айтар; “кўрлигини унутди”.

Коммунистлар боболарин отганда,
Даҳрийларга ватанини сотганда,
Имон нури, осмонида ботганда,
Манқурт бўлди, ўзлигини унутди.

Даҳрийлар зулмидан, чиққанда омон,
Бир озроқ, аслига қайтди оломон,
Лекин, ўз йўлини топмади, ҳамон,
Булар кимнинг, зўрлигини унутди.

Ўзин “доно” билган, “зиёли”лари,
Динни “афюн” санашади аксари,
Ўзгариш бўлмади, вақт ўтган сари,
«Кўр”лар диннинг, нурлигини унутди.

Қолмади элни эрк, ихтиёрлари,
Йўқолмоқда афсус, номус-орлари,
Ўзин доно билган, ҳукмдорлари,
Асли аҳмоқ, ғўрлигини унутди.

Таназзул кўлами, чуқурдир жуда,
Фитналар тўфони, урар мавжида,
Борган сари, фисқу-фасод авжида,
Аёл зоти ҳурлигини унутди.

Қандай бўлар бундай юртнинг аёли,
Агар шундай бўлса, эркак аҳволи?!
Нафсига қул бўлган юртда аҳоли,
Эркаги, бир сўзлигини унутди.

2011 йилнинг 24 сентябр куни, Иваново шаҳрида ўз уйи олдида отиб кетилган шаҳид биродаримиз Фуад Рустамхўжаев (Шокирий) хотирасига атаб;

Бир мусулмон юрагига ўқ отишди,
Бир диндошни, орамиздан йўқотишди,
Дунёни деб, охиратни ҳам сотишди,
Кимларни шод, хурсанд қилиб қулдирдилар?
Билолмадим, кимлар сени ўлдирдилар?!

Золимга ҳақ сўзни айтиш, осон эмас,
Бу курашдан кўплар қайтди, ёлғон эмас,
Зулмга рози бўлса ким, инсон эмас,
Бизларга кўп, уйдирмалар уйдирдилар,
Тақдир экан, охир сени ўлдирдилар!

Биродарим “Ҳақ” деб, жонинг фидо бўлди,
Сенсиз қолдик, сафларимиз адо бўлди,
Ким виждондан, ким имондан жудо бўлди,
Яқинларинг зор йиғлатиб қолдирдилар,
Лаънат бўлсин, кимлар сени ўлдирдилар!

Ҳақни талаб қилиб, оқди қонинг сени,
“Адолат” деб, қурбон бўлди, жонинг сени,
Ғамга дучор бўлди, хонадонинг сени,
Юракларни, ғам ҳасратга тўлдирдилар,
Қайси айбинг учун, сени ўлдирдилар?!

Ортингда зор йиғлаб, қолди ёш қизларинг,
Дилда армон бўлди барча орзуларинг,
Толеъ осмонида сўнди юлдузларинг,
Нима учун, гулдек юзинг сўлдирдилар?,
Айбинг надир дўстим, сени ўлдирдилар?!

Сендан бизга унутилмас ибрат қолди,
Ватан қайғусида ўрناق, ғайрат қолди,
Фироқингда дилдан кетмас, ҳасрат қолди,
Бизга мангу нафрат ҳиссин туйдирдилар,
Золимларга..., кимлар сени ўлдирдилар.

Мўминларнинг орзусидир шаҳид бўлмоқ,
Сенга насиб этди, шараф билан ўлмоқ,
Мумкин эмас, бу дунёда, мангу қолмоқ,
Ўзларининг, охиратин куйдирдилар,
Шак шубҳасиз, кимлар сени ўлдирдилар!

Ҳақиқатни талаб қилмоқ “гуноҳингдир”,
Ҳақлингинга, ёлғиз Аллоҳ гувоҳингдир,
Адолатли бир Зот, сенинг Илоҳингдир,
Улар Иблис хизматида қул бўлдилар,
Шунинг учун, улар сени, ўлдирдилар.

Зулм тугаб, ҳақиқат ҳам бош бўлажак,
Бу жиноят вақти келиб, фош бўлажак,
Еганлари алангали тош бўлажак,
Ҳаром пулга ўз қорнини тўйдирдилар,
Динсиз қотил итлар, сени ўлдирдилар.

Шаҳидларни “ўлди” демоқ, раво бўлмас,
Улар жаннатдан энди, мосиво бўлмас,
Қотиллар дардига, ҳаргиз даво бўлмас,
Чунки, улар бўлмас ишни бўлдирдилар,
Улар ноҳақ, мўминларни ўлдирдилар!

Ватан севгиси

Ватан асли нимаси билан,
Муқаддасдир, айтинг одамлар?!
Агар, ватан ичида туриб,
Аримаса бошингдан, ғамлар?!

Нима учун уни севайлик?,
Бўлса агар ҳолимиз хароб?!
Ватан қадри нимада ўзи,
Асли у ҳам, бир хоки туроб.

Қадри бўлмас, бундай ватанни,
Бермасалар имонинга йўл.
Эрк, адолат бўлмаса агар,
Ҳеч ким севмайди, хотиржам бўл!

Инсон қадри, бўлса гар поймол,
“Улуғ” дейиларми шу ватан?!
Кимдир уни “улуғ” деса ҳам,
Биров шуни оладими тан?!

Буюк ватан деганинг билан,
Халқинг юрса хорижда пул деб.
Бундай халқни ўзга миллатлар,
Ҳисобласа ўзига қул деб.

Бу ватанни нимаси буюк,
Агар қадрин топмаса инсон?!
Ватан қадри инсон қадридир,
Мана шудир, ҳақиқий мезон!

Қачон инсон қадри тикланса,
Бўлмаса гар фуқароси хор.
Мана шунда арзийди фақат,
Ватан билан қилсанг ифтихор!

Сурияда ўлдирилган гўдаклар суратин кўриб ёзилган;

Энди на гапириш, на қайғуришга,
Менда ҳеч қандайин, имкон қолмади.
Йиғлашга, куйишга, мажолим йўқдир,
Ғам тортишга танда, дармон қолмади.

Барбод бўлди дунё, адолат, инсоф,
Менга дин имондан, урмангизлар лоф,
Тинмади можаро, уруш, ихтилоф,
Дунёда бир ўлчов мезон қолмади.

Турли хил ғоялар, тўқнашар ҳар он,
Юрт вайрон, бегуноҳ тўкилади қон,
Ваҳший махлуқ бўлар эканда, инсон,
Наҳотки, ҳеч кимда, виждон қолмади?

Бу қонлар уволи, тутар бир куни,
Буларга ҳам навбат, етар бир куни,
Ҳаммасин қаро ер, ютар бир куни,
Одамларда дину, имон қолмади.



поделитесь <З....

Суриялик болакай “Ҳаммасини Аллоҳга айтиб бераман” деганини кўриб ёзилган шеър.

Татимади менга, бу улуғ айём,
Кўз ёшинг дилимни, эди батамом,
Аллоҳим зулмни қилгандир ҳаром,
Қиёмат бўлишга, келтирдик имон,
Аллоҳни кўрасан азиз болажон!

Айтгил, золимларнинг шу озорларин,
Бечора мазлумлар, оҳу зорларин,
Аллоҳга маълум бу кирдигорларин,
Аллоҳни шубҳасиз кўрасан, инон!
Айт барча дардинги, азиз болажон!

Татимади менга, бу улуғ айём,
Кўз ёшинг дилимни, эди батамом,
Аллоҳим зулмни қилгандир ҳаром,
Қиёмат бўлишга, келтирдик имон,
Аллоҳни кўрасан азиз болажон!

Айтгил, золимларнинг шу озорларин,
Бечора мазлумлар, оҳу зорларин,
Аллоҳга маълум бу кирдигорларин,
Аллоҳни шубҳасиз кўрасан, инон!
Айт барча дардинги, азиз болажон!

Нима учун, ноҳақ қон тўкканларни?,
Нега болаларни, йиғлатганларни?,
Кимлар, мазлумларга зулм этганларни?,
Ҳаммасини Аллоҳ билар бегумон,
Барибир, Аллоҳга айтгил болажон!

Ер ютсин, барчасин, истиқболини,
Мансабу амали, дунё молини,
Зулмнинг ҳар қандай эҳтимолини,
Нега сени ноҳақ, йиғлатдилар қон?!
Барчасин, Аллоҳга, айтгил болажон?!

Айт болам, кўпайди дунёпарастлар,
Сароб дунёсига, мағрурлар, мастлар,
Бу зулмни кўриб, жим индамаслар,
Тош қотган қалбимни, айладинг вайрон,
Аршни ҳам йиғлатдинг, азиз болажон!

Айт, уммат аҳволи, буткул, бечора,
Бойлари, мол тўплаш билан оввора,
Мазлумлар дардига, йўқ энди чора,
Бу адолатсизликга ким қилар исён?!
Ким сенинг бошинги, силар, болажон?!

Аҳволи харобдир, бу кунги уммат,
Дунё моли, инсон жонидан қиммат,
Ҳеч қандай сиёсат, ҳеч қандай давлат,
Арзимас қилишга, бир жонни қурбон?,
Нега қон йиғлар бу, жажжи болажон?!

Билмаслар Худонинг бедорлигини,
Одилу, Олиму, Қаҳҳорлигини,
Дунёда адолат ҳам борлигини,
Сени йиғлатганлар, қолмагай омон!
Йиғлама, жон болам, жоним болажон!

Зулм салтанати вайрон бўлажак,
Булар ҳам қолмагай, гумдон бўлажак,
Бу кунлар, уларга армон бўлажак,
Мангу йиғлагайлар, бўлиб зор гирён!
Билки, Аллоҳ Одил, азиз болажон!

Фидо бўлсин жоним, кўз ёшларинга,
Кўп балолар тушди, бу бошларинга,
Лаънат бўлсин, золим диндошларинга,
Сенинг кулгунг учун, фидодир минг жон!
Йиғласанг, Арш титрар, азиз болажон!

Ихвонларга аталган шеърлар:

Қирғин

Қадим Фиръавнлар қароргоҳида,
Қалқиди яна бир улуғвор тўфон.
Тарихий зулматнинг бу даргоҳида,
Бу зулм тимсоли, тирикдир ҳамон.

Миср майдонларин тутилди ўққа,
Шаҳидлар қонларин ичди майдонлар.
Мазлумлар орзуси, чиқдику йўққа,
Берилдику яна, минглаб қурбонлар.

Башарийят бўлди, яна бир бора,
Ноҳақдан тўкилган қонларга гувоҳ.
Ҳаддидан ошганди, зулм тобора,
Қанчалаб одамлар ўлди бегуноҳ?!

Гул каби сўлдилар, очилмай туриб,
Асмо каби, неча минглаб навниҳол.
Зулмнинг тимсоли кетмабди қуриб,
Зулм “эҳромлари”, мустаҳкам ал ҳол.

Яна мазлум бўлиб, “Мусо”ни кутар,
“Фиръавн” зулмидан тортганча алам.
Бани Исроилдек, бугун қон ютар,
Бугунги мусулмон, мўминалар ҳам.

Ҳар бир Фиравнга, битта Мусо бор,
Албатта келади, етишса фурсат.
Барчаси йўқ бўлар, қолмасдан бирор,
Ислом аҳлиники бўлажак, Нусрат!

Қулаб парчаланар, зулм эҳроми,
Адолат тимсоли бўлажак ғолиб.
Мангу лаънатланар Фиравн номи,
Шунгача, курашдан қолманглар толиб!

Робия Майдониға бағишлаб;

Муқаддас азиздир хоки туробинг,
Шаҳидларнинг қони тўкилган тупроқ.
Улуғ жасоратга гувоҳ бўлдинг сен,
Улуғ жиноятни кўргансан бироқ!

Сенинг бағринг узра, неча юз минглаб,
Мўминлар саждага қўйгандилар бош.
Рўзалар тутишиб, тиловат қилиб,
Дуолар қилдилар, кўзлар тўла ёш.

Аёвсиз отилди, қирилди улар,
Бу улуғ майдонга, тўлди қора қон.
Тириклай ўт қўйиб, қуйдирди золим,
Қатголлар жазосин, олмади ҳамон.

Аршни титратганди, бу халқ фарёди,
Бу жинойтларга гувоҳлар бисёр.
Аллоҳ адолатли Зотдир шубҳасиз,
Буларни жазосиз қўймайди зинҳор.

Мардлик, разолатга, гувоҳсан майдон,
Булар бизга ибрат, бир тарбиядир.
Ўтмиш, келажакнинг масдари аён,
Бу муборак майдон, бу “Робия” дир!

Жаҳаннамда жазолансин жонинг сани

Қачонгача давом этар қатағонлар?,
Қадри йўқми оқаётган ушбу қонлар?,
Инсоф қилинг ахир энди, эй инсонлар,
Эй ас Сиси ҳалол бўлди қонинг сани,
Жаҳаннамда жазолансин жонинг сани.

Ҳавасмиди, қон дарёси ичра сузиш,
Ўз юртинги, ватанинги ўзинг бузиш?,
Лозим сендек ваҳшийларни бошин узиш,
Эй ас Сиси, йўқ экан виждонинг сани,
Жаҳаннамда жазолансин жонинг сани.

Етар ахир, қонлар ичиб тўймадингми?,
Мўминларни ҳайвон каби сўймадингми?,
Охиратни, бир оз ўйлаб қўймадингми?,
Охиратга бўлганми имонинг сани?,
Жаҳаннамда жазолансин жонинг сани.

Бу жонларга, битта жонинг камлик қилар,
Аллоҳ қиёматда буни, сендан сўрар,
Икки дунё гарданингда бу юк турар,
Фойда бермас, энди пушаймонинг сани,
Қутулмоқни имкони, йўқ жонинг сани.

Фиръавнлар ҳам сенчалик бўлган эмас,
Улар сендек, мунофиқлик қилган эмас,
Улар дину имон нима билган эмас,
Хонавайрон бўлсин, хонумонинг сани,
Жаҳаннамда куйсин бориб, жонинг сани.

Фиръавнлар ёнида жой берсин Аллоҳ,
Сенинг қилган қилмишинга Ўзи гувоҳ,
Ҳеч қаерга қочолмассан, бўлгил огоҳ,
Вайрон бўлсин салтанату шонинг сани,
Жаҳаннамда куйсин жисму жонинг сани.

17 август 2013 йил

Мисрлик аёлларга бағишлаб:



Миср аёллари, мардми шунчалик?,
Мардлик бўлса бўлар, мана шунчалик,
Улуғ ойлар ўтди, очлик, ташналик,
Тасанно сизларнинг, ҳимматингизга!

Сизлар золимларга қилдингиз исён,
Шу йўлда беришди, фарзандингиз жон,
Бўлса шундай бўлар, менимча имон,
Қойилман, оналар журъатингизга!

Олам аёлларин, ифтихорисиз,
Эркакман деганлар, номус-орисиз,
Буюк келажакнинг, пойдеворисиз,
Аллоҳ ажр берсин, хизматингизга!

Сизга шон шарафлар, эй онахонлар,
Албатта, ўтади бу имтиҳонлар,
Келади, сиз кутган сурурли онлар,
Аллоҳим етказсин, ниятингизга!

Қайси миллатни бор, шундай аёли?,
Аллоҳ ризосила, банддир хаёли,
Бўлса шундай бўлар, диндор Зиёли,
Мен шерикман, сизнинг ҳасратингизга!

Сизларга етмайди дилимда оҳим,
Ғойибона дуодаман, Илоҳим,
Ноумид қилмағай сизни, Аллоҳим,
Ҳақ йўлида қилган, ғайратингизга!



Муҳаммад Мурсийга бағишлаб Мадҳия

Эй улуғ инсон бутун уммат қадрдонинг сени,
Тан олурлар аҳли ислом, шавкату-шонинг сени.

Сен Салоҳиддину Айюбнинг мақомин ушладинг,
Ҳам Миср мамлуқлари бўлганди сарбонинг сени.

Сен адолат соҳибисен, ҳофизи куръонсен,
Ҳайбатингдан титрагай, Фиръавну Ҳомонинг сени.

Сен адолатни кўтардинг, Фиръавнлар қасдига,
Фитналар бирла синалди, сабру-имонинг сени.

Фитналик дунёда золимлар макр айлаб яна,
Бўлмади ҳақ узра турмоқликқа, имконинг сени.

Зулм аҳлига бўйинсунмай жасорат кўрсатиб,
Бу курашда эй жаноб, кўр қанча қурбонинг сени.

Кимки дунёда адолат аҳли бўлса, сен тараф,
Ким зулм йўлини тутса, бўлди душмонинг сени.

Бу курашда оқибат, нусрат нажот берсин Худо,
Ҳақ Узи соғу саломат, сақласин жонинг сени.

Сен каби раҳбарни учратмоқлик орзуим эди,
Ғоибона мухлисинг, бўлгандир ҳайронинг сени.

Бу улуғ айёмда Саҳвий, ҳаққинга айлар дуо,
Шак шубҳасиз меҳрибондир, билки Раҳмонинг сени!

Аҳли Миср, Ихвонинги асрагил!

Инсонийлик қиёфасин йўқотма,
Миср аҳли, имонинги асрагил!
Ўз халқинга бугун, ўзинг ўқ отма,
Ўзинги, ўз ўғлонинги асрагил!

Бугун Саудларга бўлдингми қойил,
Гўё, Ғарбликлар ҳам, сизларга мойил,
Дўст бўлмагай сизга, Ақш, Исроил,
Ўзинг ёруғ осмонинги асрагил!

Дунё аҳли учун, шижаот рамзи,
Имон, ислом учун, шаҳодат рамзи,
Уммат учун, мардлик садоқат рамзи,
Аҳли Миср, Ихвонинги асрагил!

Зулму ноҳақликга айлаган исён,
Дилида имон бор, тилида қуръон,
Элнинг орзусидир, бу каби инсон,
Адолатли, Султонинги асрагил!

Шундай синовларда, топар одам тоб,
Билинар ким содиқ, билинар каззоб,
Мўминларни қириб, берманглар азоб,
Миср аҳли, виждонинги асрагил!

Бир ноҳақ амалга, берилса буйруқ,
Унга итоатга, динда рухсат йўқ,
Эй аскар, отмагил, мазлумларга ўқ,
Жаҳаннамдан ўз жонинги асрагил!

Зоҳирда кўринар, ғариб, ноилож,
Аслида, Ихвонлар, бошга кийди тож,
Иншааллоҳ, бўлар ишлари ривож,
Қўлда тутган, қуръонинги асрагил!

Золимлар қилганда, сизни қатли ом,
Тарихда мазлум деб, қолдирдингиз ном,
Сизларнинг сабабдан, юксалди Ислом,
Шу шарафли, унвонинги асрагил!

Бошқа тўкилмасин қонлар, етар бас,
Бу қонлар албатта, кетмайди абас,
Шаҳидларнинг қони оққан муқаддас,
Бу муборак, майдонингни асрагил!

Бу кунларинг, унутилиб битажак,
Дунё тугагунча, бу дин туражак,
Сизникидир, келаётган келажак,
Эй Ихвоним, имконингни асрагил!

Ҳақ йўлида шаҳид бўлган Ихвоним

Малъун фиръавнлар руҳи бўлди шод,
Бузулди адолат, ҳақ бўлди барбод.
Миср аҳлин бугун қонга ботирдинг,
Дод сени дастингдан, эй ас-Сиси дод.
Фарёдинга тўлди бугун осмоним,
Эй мусулмон мазлум, дўстим Ихвоним.

Барига гувоҳдир қудратли Эгам,
Келар бир кун золимлар навбати ҳам.
Мўминларни ноҳақ қатл қилганлар,
Жазолари бўлар мангу жаҳаннам.
Шаҳидларинг раҳмат этсин Раҳмоним,
Сизга Аллоҳ нусрат берсин Ихвоним!

Имони уйғоқлар қилинлар дуо,
Кифоя қилсин бу золимга Худо.
Улар қилаётган ваҳшийликларин,
Оламга тарқатиб, қилинлар нидо.
Шу майдонда бўлолмадим армоним,
Ҳақ йўлида шаҳид бўлган Ихвоним.

Ўзлари тартиб устувор этарлар,
Ўзлари амалда бекор этарлар.
Ҳайрон бўлдим дунё дарғаларига,
Ўз мунофиқлигин изҳор этарлар.
Мунофиқлик қийнайди бу виждоним,
Ноҳақ ўлдирилди минглаб Ихвоним.

Мунофиқлар ҳаргиз ғолиб бўлмаслар,
Доим алдар, холис амал қилмаслар.
Албатта Ҳақ ўз ишида ғолибдир,
Одамларнинг кўпи буни билмаслар.
Сизга мадад беришга йўқ имконим,
Аллоҳ мададкоринг бўлсин Ихвоним!

15 август 2013 йил



Расулulloҳ айтган умматни кўрдим

Миср майдонига боқиб мен бугун,
Тарихда кўрмаган, даҳшатни кўрдим.
Қалбимни ўртагай бу халқ фарёди,
Мазлумларга етган кулфатни кўрдим.

Бир озгина инсоф қилинг инсонлар,
Нега тўкилмоқда бегуноҳ қонлар,
Одам қиёфасидаги ҳайвонлар,
Халқ бошига солган офатни кўрдим.

Биродарлар қадрдонлар ихвонлар,
Муборақдир сиздан тўкилган қонлар,
Собит турибсизлар кетсада жонлар,
Мен сизларда улуғ ҳимматни кўрдим.

Бундай собитқадамлик йўқ бизларда,
Шижоат барқ урур нурли юзларда,
Қасам ичиб айтайин, “мен сизларда,
Уммат учун, улкан ибратни кўрдим.”

Тарқалсанглар қолардинглар омонда,
Шайтон васвасаси шундай ёмонда,
Ҳақни талаб қилиб турган майдонда,
Аллоҳу Таъолога қурбатни кўрдим.

Бу шеърим бир сизга қилган хитобда,
Ичимга сиғмайди дардим шу тобда,
Тангрим нозил этган улуғ китобда,
Сизга ваъда қилган, жаннатни кўрдим.

Тенгингиз йўқ шижоъатда, ғайратда,
Таъриф этиб бўлмас буни албатда,
Сизга насиб этган бундай кулфатда,
Ақлим етмайдиган ҳикматни кўрдим.

Собит бўлинг, буюк ҳимматингизда,
Уммат учун қилган хизматингизда,
Биродарлар сизнинг, сийратингизда
Расулulloҳ айтган умматни кўрдим.

2013 йил август



Юрагим сиз билан, майдонда қолди

Биродарлар кўриб ғайратингизни,
Ақлим бу ишларга, ҳайронда қолди.
Самараси бўлсин меҳнатингизни,
Миср аҳли бугун исенда қолди.

Қани мезон, қани сайлов адолат?,
Қани қонун, қани дину, диёнат?,
АҚШ адолатга қилди, хиёнат,
Ҳақ зулм остида, гирёнда қолди.

Тақдир экан, мусибатлар битмади,
Дилимдаги қайғу ғамлар кетмади,
Бизга майдонлар ҳам, насиб этмади,
Бу неъмат дилимда, армонда қолди.

Дилимда кўп алам қолди, юртимдан,
Мағлуб бўлиб, қочиб чиққандим ундан,
Сизга ҳавас қилиб, айтаман чиндан,
Юрагим сиз билан, майдонда қолди!

Ихвонул Муслимин, фахри Жаҳондир

Мана бир ойдирки, тинчимади ҳеч,
Дунё матбуоти, мавзу Ихвондир.
Бу риёзат ойи, ибодат ойи,
Бу мағфират ойи, бу Рамазондир!

Ҳақнинг ҳимояси вожиб, демишлар,
Кеча кундуз тинмас, ҳеч намоишлар,
Майдонда ибодат, ифтор, емишлар,
Ётиш туриш жойи, фақат Майдондир!

Дилларида золимлардан қўрқув йўқ,
Кўзларида кеча кундуз уйқу йўқ,
Уйим, ишим, молим деган қайғу йўқ,
Қаранг қанча инсон, жони қурбондир?!

Майдонда ибодат, майдонда намоз,
Рамазонда, қаттиқ иссиқ келди ёз,
Уларга “қойилман” деган, билан оз,
Булар уммат фахри бўлган, Инсондир!

Ажиб риёзатлар тушди бошига,
Офарин буларнинг, кекса ёшига,
Барча мўминларга, дин қардошига,
Ихвонул Муслимин, фахри Жаҳондир!

Албатта, келади Аллоҳдан нусрат,
Шунда қадрлироқ бўлар, ҳуррият,
Агар холис бўлса, амалда ният,
Бесамар кетмагай, бу бегумондир!

Саҳвий

5 август 2013 йил

Мазлум Ихвоним

Малъун фиръавнлар руҳи бўлди шод,
Бузулди адолат, ҳақ бўлди барбод.
Миср аҳлин бугун қонга ботирдинг,
Дод сени дастингдан, эй ас-Сиси дод.
Фарёдинга тўлди бугун осмоним,
Эй мусулмон мазлум, дўстим Ихвоним.

Барига гувоҳдир қудратли Эгам,
Келар бир кун золимлар навбати ҳам.
Мўминларни ноҳақ қатл қилганлар,
Жазолари бўлар мангу жаҳаннам.
Шаҳидларинг раҳмат этсин Раҳмоним,
Сизга Аллоҳ нусрат берсин Ихвоним!

Имони уйғоқлар қилинглар дуо,
Кифоя қилсин бу золимга Худо.
Улар қилаётган ваҳшийликларин,
Оламга тарқатиб, қилинглар нидо.
Шу майдонда бўлолмадим армоним,
Ҳақ йўлида шаҳид бўлган Ихвоним.

Ўзлари тартиб устувор этарлар,
Ўзлари амалда бекор этарлар.
Ҳайрон бўлдим дунё дарғаларига,
Ўз мунофиқлигин изҳор этарлар.
Мунофиқлик қийнайди бу виждоним,
Ноҳақ ўлдирилди минглаб Ихвоним.

Мунофиқлар ҳаргиз ғолиб бўлмаслар,
Доим алдар, холис амал қилмаслар.
Албатта Ҳақ ўз ишида ғолибдир,
Одамларнинг кўпи буни билмаслар.
Сизга мадад беришга йўқ имконим,
Аллоҳ мададкоринг бўлсин Ихвоним!

15 август 2013 йил

Ғазаллар

Кўнгил изҳори

Мен аён айлай бу шеъримда кўнгил изҳорини,
Сигдиролмасман нетай дилга, дилимнинг зорини,

Миср аҳли Фиръавнлар, даврида қулдек яшаб,
Келса Мусо кўрсатурлар, турли ғам озорини.

Сиёсатда тўғри сўз, содда бўлишлик айб экан,
Омади чопгай бу йўлда, фирибгар айёрини.

Қайси раҳбарнинг адолатдир шиори, оқибат,
Ҳайдашар бадном қилиб, тўкканча номус-орини.

Аҳли Ислом тарихинда, ҳеч қачон бирлашмаган,
Билиб бўлмас ким рақиб, ким ким билан, дўст ёрини.

Эй хиёнат аҳли, зулматдан бошингиз чиқмасин,
Билмадинглар сиз адолатлик имомнинг борини.

Мен бу дунё ишларига Саҳвиё, ҳайронман,
Бу сиёсат йўлин англай олмадим асрорини.

Этар

Бу ҳаёт бизни курашлар ичида меҳмон этар,
Баъзида шод, баъзида лол қолдириб, ҳайрон этар.

Неча соф орзу умидлар бирла, мақсадга яқин,
Келдим деганда, ёвуз кучлар чиқиб вайрон этар.

Нега доим зулму зўравон, киши ғолиб бўлур,
Нега доим адолатни изласанг, сарсон этар?!

Наҳот Маҳдийсиз ҳаётда, ҳеч адолат бўлмаса,
Нега оддий бандани зулм ичра саргардон этар?!

Қолмаганми энди бизга, ҳеч нажот имкони ё,
Барча ишларни наҳот, битта, ўша шайтон этар?!

Билмадим, Иблисми, шайтонми улар номи қаранг,
Қанчалар холис одамларни тутиб гумдон этар.
“Саҳвий, ашъоринг нега, ғамнок” дея, айб айламанг,
Найлайин озурда кўнглим, ғам тўла, гирён этар.

Чиқмаган жондан умид

Одамизод айлар эркан, чиқмаган жондан умид,
Саъй этиб борича имкон, узма Раҳмондан умид.

Эҳтимол орзуларинг рўёбга чиқмас, барибир,
Кўнгул узолмас экан, ҳеч бу жонондан умид.

Тинмайин даврон, етар ҳар нарсанинг поёнига,
Даврдан эрмас, қилинг Соҳиби даврондан умид.

Ноумидлик бандага лозим эмас, ҳаргиз билинг,
Умидни узманглар ҳаргиз, бўлса имондан умид.

Сабаблар кўпдир, Мусаббибни унутманг ҳеч қачон,
Мумкин эрмас айламоқ инсонга, инсондан умид,

Охиратда мағфиратдан, ноумид Шайтон экан,
Ноумид бўлмас ўшал кас, узмаса Ондан умид.

Гарчи кўпдир сенда беҳад, маъсиятлар Саҳвиё,
Узма ҳаргиз мағфират, Фирдавсу ризвондан умид.

Ўзидан кўрсин

Ўзидан кўрсин, кимки ҳурматини йўқотса,
Қадрига етар одам, неъматини йўқотса.

Мубтало бўлса кимки, шуҳратпараст дардига,
Қийин бўлади кейин, иззатини йўқотса.

Ҳар нарсанинг ўз вақти замони бор ҳаётда,
Афсусланар ким ўшал, фурсатини йўқотса.

Дунёдаги қадрият, боқий қадрият эмас,
Ажабланманг эртага, қийматини йўқотса.

Кучу қудрат заифлик, нисбий мутаносибдир,
Ҳайрон бўлманг, кучлилар, қудратини йўқотса.

Не бўлсада табиий, фитрат ўзгармасин ҳеч,
Дунё тугар одамзод фитратини йўқотса.

Шеър ёзади Саҳвий ҳам, дарди дилига сиғмай,
Шеър баҳона кўнглидан, ҳасратини йўқотса.

Ғурбатдаги ғарибни

Ғурбатдаги ғарибни, мададкори Худодир,
«Ватангадо» деганлар, Ватан ичра, гадодир.

Ҳақ гапни айтолмаса, ишлаб пул тополмаса,
Ойлаб ҳаққин олмаса, юрак бағри адодир.

Тезак ёқиб кун кўрса, кошки бир оқ ун кўрса,
Ойнада ўзин кўрса, шу етарли “баҳо” дир.

Ой ёруттар тунларин, ғам тугатар кунларин,
Кўрсангиз ажинларин, айтилмаган нидодир.

Чора топмай ўйланар, ўғли қандай уйланар,
Мустақиллик куйланар, дерлар; “жоним фидодир”.

Эркидан жудо банда, эгнида эски жанда,
ИАКни қилмас канда, фаросатдан жудодир.

Ватандаги гадолар, дерлар; “ватангадолар”,
Шу сизларга Саҳвийнинг, дилиндаги садодир.

Нега баҳор ўлмас?

Биродарлар тушунмасман нега бизда “баҳор” ўлмас?,
Тугаб бу қаҳратон “қиш”, сарзамин ҳеч сабзавор ўлмас?!

Бу иқлим манбаи асли, шимолданми, жанубданми?,
Бунингдек, “об-ҳаво” турса, бу элнинг бахти ёр ўлмас.

Агар мардум умид этса баҳорни, саъй қилиш лозим,
Табиат қаҳратон бўлса, аниқки лолазор ўлмас.

Зулм бирла фаровонлик келар деб ўйлаган нокас,
Наҳот билмас, зулм бўлган, маҳал эл барқарор ўлмас.

Фаровонлик келар албат, меҳр сочса агар “офтоб”,
Меҳр нурин сочиб турган, ҳукумат халқи хор ўлмас.

Ҳамиша “қаҳратон”дан сўнг, келар эрди “баҳор” фасли,
Начора бор кечикса, ёз кишида ихтиёр ўлмас.

Фаровонликни истар бўлса Саҳвий, эл ҳукмдори,
Зулм йўқ бўлса, албатта, бу юрт ҳеч беқарор ўлмас.

Кўнгли вайронман

Шу гўдакнинг қайғусидин, кўнгли вайронман бугун,
Не қилишимни билолмай, лолу ҳайронман бугун.

Мен муҳожирман, зулмдан қочган эрдим, оқибат,
Мазлум инсонларни аҳволига нолонман бугун.

Ҳам Фаластин, ҳам Ироқ, ҳам Афғонистонни кўриб,
Адвия майдонида гўёки, Ихвонман бугун.

Сурия мўминлари қон йиғлаганда, йиғладим,
Аҳли ислом ҳолига, мен дийда гирёнман бугун.

Эй мусулмонлар, бу умматнинг ғариб аҳволига,
Чора излаб топмайин, ҳоли паришонман бугун.

Мен тушунган дину, имоним, мени тинч қўймагай,
Осию, ожизлигимдан, кўп пушаймонман бугун.

Бундайин аҳволга чора изламай, эй Саҳвиё,
Тинчгина ётсам яна, қандай мусулмонман бугун?!

Қойил қолганман

Қойил қолганман шведлар, тоғу-тош, уммонига,
Бир текис ер йўқ, баланд паст, чор тараф ўрмонига.

Бир йил ичра тўққиз ой, қору-бўрон ичра яшар,
Йилда уч ой ботмагай боқсанг қуёш осмонига.

Халқ фаровон тўқ яшар, йўқдир нефт, газ конлари,
Тушунмасман ҳеч тўкинлик, иқтисод имконига.

Нега бу ерда етарли молу-мулк, ҳайронман,
Қанча келгинди яшарлар, фарқ бўлиб эҳсонига?!

Ўзга миллатлар билурлар, юртида инсон деган,
Қадр қимматда тенг эрмасдир булар ҳайвонига.

Ҳақиқатда, бузилмай қолган бу элнинг фитрати,
Боғлиқ эрмасдир бу ахлоқ, динига, имонига.

Саҳвиё, билсанг адолат динга боғлиқмас экан,
Дин билан бўлгай мукамал, етгай ўз поёнига!

Чарчадим

Чарчадим дунёни дунни, битмаган ғавғосидан,
Мосиво бўлди дилим, охир бориб тақвосидан.

Бора бора қолмади, мезону мантиқ дил аро,
Ўтди умрим бори нафсим амрининг ижросидан.

Етишган неъмат билинмас, етмаган орзу узоқ,
Не иложи бор қутулмоқни, касод савдосидан?!

Ватан бўлмади менинг чун, бу шведлар маскани,
Фарқи бўлмас душманингни дўст ила ошносидан.

Ҳамма ўз ўзини алдар, умид айлар, доимо,
Тўлмагай ҳеч кимни қалби, бевафо дунёсидан.

Бу менинг дарду баёним, аҳли диллар англагай,
Топмадим мен дилга маҳрам дўст бугун Тимросидан.

“Бефаҳм” дебон, маломат айламанг Саҳвийни кўп,
Фаҳм кутмоқ нораводир, шеърият шайдосидан.

Рўсиё бўлган ИАК

Зулми бирла олам ичра рўсиё бўлган ИАК,
Бир умрга қалби кўр, кўрмас зиё бўлган ИАК.

Тийра шомдан ҳеч ёруғ кунга етирмас халқини,
Бизни миллатнинг бошига бир бало бўлган ИАК.

Макон қурган қалбида, доим ҳасад, кибру-ҳаво,
Ҳеч тузалмас бир касалга, мубтало бўлган ИАК.

Прокурору МХХ, миршабу ҳоким ва Суд,
Барча золим кимсаларга, раҳнамо бўлган ИАК!

Зулм бирла қолди таъриҳда абад бадном бўлиб,
Охиратни куйдириб бахти қаро бўлган ИАК!

Шубҳасиз келгай яқин кунда Худонинг қўйгани,
Шунда дермиз сени “жониндан жудо бўлган ИАК”!

Саҳвиё, золимлар ўлса, халқга байрамдир фақат,
Дерлар “Иблис хизматинда, жонфидо бўлган ИАК”!

Қаранг

Ҳамма йўлин ҳақлигини иддао айлар қаранг,
Ҳамма ўзгани “адашган” деб, даъво айлар, қаранг!

Мен тушунмасман нега бундай, бугун аҳволимиз,
Бизни Иблис Ҳақ йўлидин, мосиво айлар қаранг!

Устимизда ўзгалар бўлди ҳукмрон, биз залил,
Уммати Исломни қулга, муставо айлар қаранг!

Турли манҳаж, турли фатво, ранг баранг йўл, оқибат,
Борми ким бу бедаво дардга даво айлар, қаранг!

Қайда қолди бизни миллатнинг бугун оқиллари?,
Шунчалар ҳам мубтало нафси ҳаво, айлар қаранг!

Етмагай ақлим муаммоларга мен ҳайронман,
Яқиндурким сури Исрофил наво айлар, қаранг!

Йўқдир бу аҳволни ўнглашни иложи Саҳвиё,
Чунки, тақдирни азал қисмат, раво айлар қаранг!

Кетмоқдасан тупроқ бўлиб

Зулмга қарши бу эл, бирлашмади, тарқоқ бўлиб,
Кутишмоқда жим туриб, тоқатлари ҳам тоқ бўлиб.

Англамас ўз қадрини, ғафлатдадирлар то ҳануз,
Не қилур уйғотмаса, олимлари уйғоқ бўлиб?!

Қачон бу юртда аҳоли ҳаққини қилгай талаб,
Билмадим ўтгайми ёки, бир умр қўрқоқ бўлиб?!

Шунча йилдирким, бу золим зулмини тарк этмади,
Қонмади эркнинг ҳавосидан, бу эл чанқоқ бўлиб.

Ҳеч қачон, ўз халқини, бир пулга олмас фикрини,
Сохтадир сайловлари, халқ қолдилар аҳмоқ бўлиб.

Элни сабри қолмаган, кун кундан ошгай нафрати,
Ажабмас, тушса бу нафрат бошига, тўқмоқ бўлиб.

Тик яшаб ўт Саҳвиё, бу қисқа умринг арзимас,
Қул бўлишга..., барибир кетмоқдасан тупроқ бўлиб.

Ғариблиқда

Ғариблиқда мен ватандаги каби хор бўлмадим,
Юз туман турли бало, офатга дучор бўлмадим.

Қанчалар дўсту биродарлар ҳануз зулм остида,
Алам қилгай, мен уларга бир мададкор бўлмадим.

Истагим халқим фаровон бўлсин, эркин яшасин,
Найлайн лекин, бу мақсадга сазовор бўлмадим.

Етди золимлар қўлидан, бизга кўп, жабру-жафо,
Шу зулмни йўқ қилишликга сабабкор бўлмадим.

Бу улуг мақсадга етмоқ, йўлини топмай ҳануз,
Англадимки, бу каби давлатга тайёр бўлмадим.

Ўтди умрим кечалар ғамга тўла, шеърлар ёзиб,
Ҳеч қачон лекин, ибодат бирла бедор бўлмадим.

Саҳвиё, бу қайғу-ташвишлар, адо айлар сени,
Англасамда, қайғудан, ҳозирча безор бўлмадим.

2012 йил

Дейдилар

Дейдилар; “дунёни бузган, нобакор шайтон экан”,
Аслида, бузғунчиларнинг барчаси инсон экан.

Энди бузғунлик қилиш, шайтонга ҳожат қолмаган,
Бу вазифани одамлар, ўзига олғон экан.

Барча фосидларни устози ўшал шайтон қаранг,
Одамизод қилмишидан, лол бўлиб қолғон экан.

То танангда жони бор васваса ҳаргиз тўхтамас,
Ҳаммасин қасди мусулмондан фақат имон экан.

Гар Худо раҳм этмаса, кетмак саломат даргумон,
Имон билан яшаб, имонсиз ўтиш ёмон экан.

Қийнагайдир мени бу озурда имон қайғуси,
Аҳли имон борки, бу қайғу билан ҳайрон экан.

Дунёи фонийга алдандинг, таассуф Саҳвиё,
Англамай охир буларнинг, ҳаммаси ёлғон экан.

Хирмонлар билан

Ҳормангизлар пахтакорлар, катта хирмонлар билан,
Тераяпсиз “оқ олтин”ни, шунча қурбонлар билан.

Эрталабдан кечгача, пахтани териб, тинмайин,
Ухламай то тонгача, оввора сичқонлар билан.

Қанча ўсмирлар, гўдаклар, “пахта” деб, нобуд бўлар,
“Қизил олтин” бўлди пахта, номи бу қонлар билан.

На муаллим, на талаба, на табиб, бемор қолур,
Барчани ҳайдайдди қўймай, катта карвонлар билан.

Масжиду, маҳалла аҳли, ёш қари, эркак, аёл,
Тижорат аҳлин эзар, мажбурий “эҳсон”лар билан.

Қизил олтинни териб олгунча, халқ қонин ичиб,
Халқига тоқ, газни бермай, алдар ёлғонлар билан.

Саҳвий бу бечора халқни ҳолига айтар, куйиб,
“Ҳормангизлар пахтакорлар, катта хирмонлар билан!”

Умидим бор

Умидим бор, ортда қолгай, кўргулик, ҳасратларинг,
Тонг яқиндир, унут бўлгай, ўтмишинг, даҳшатларинг.
Оғирликдан кейин енгиллик келар, бу ваъда ҳақ,
Эй мазлумлар, рўёбга чиқар эзгу ниятларинг.
Мўъжиза даркор эмас, шудир Худонинг суннати,
Алмашиб тургай ҳамиша, яхшилик, кулфатларинг.
Эл фаровон бўлмоғин шарти, адолатдир фақат,
Адл бўлса, бесамар кетмас эди, меҳнатларинг.
Адолатни тикламоқ, фарзандларингни бурчидир,
Қўзғолинг мардлар бугун, кўрсин бу эл ҳимматларинг!
Зулмга қарши турунглари, элни мард ўғлонлари,
Унутилмасдир ватан олдидаги хизматларинг!
Саҳвиё, зулмат тугаб, бўлса ватан обод агар,
Уйга қайтардик, тугар эрди сенинг ғурбатларинг!

Яхшилик

Ҳар бало келса бордир, шу балода яхшилик,
Хафа бўлма эй дўстим, бор жафода яхшилик.

Кечикяпди сен кутган, яхшиликлар, ачинма,
Албатта бор кечиккан, ҳар қазода яхшилик.

Золимлар зулм этарлар, ўз бошига етарлар,
Мазлумга бор балога, мубталода яхшилик.

Будир ҳикмат асоси, бўлажак интиҳоси,
Ўйлама бор деб фақат, кайф сафода яхшилик.

Сабр айлаб балога, рози бўлгил қазога,
Унутсанг бўлмагай бил, аҳд вафода яхшилик!

Неъматига шукр айла, ғанимат бил имконинг,
Шукр айтсанг бўлгайдир, кўп зиёда яхшилик.

Саҳвий сенга мен кўриб, билганимни айтайин,
“Бўлмагайдир ўзаро, жанжал низода яхшилик”.

Соғинарман

Соғинарман дўстларимни, жондан ҳам қимматлироқ,
Сабру тоқат, жидду жаҳдда, мендан ҳам қимматлироқ.

Қанчаси топди шаҳодат, қанчаси зиндонга банд,
Қанчаси музтаъафиндир, мен учун миннатлироқ.

Кўп оғир кунларни кўргандик, биродарлар билан,
Энди не қолди яна, биз кўрмаган даҳшатлироқ?!

Бизни қайси айбимизга бунчалар зулм этдилар,
Ё, хато қилганмидик, йўл топмайин ҳикматлироқ?!

Бутларин синдирди Иброҳим Халил бутхонанинг,
Бормикан, ё бу кишидан яхшироқ, ибратлироқ?!

Барча дўстлар қолди зулм остида, мен ҳижрат қилиб,
Энди бу “зулми”, ўшал зулмидан ҳам зулматлироқ!

Ўртагай соғинч азоби, энди доим Саҳвиё,
Соғинарман дўстларимни, жондан ҳам қимматлироқ.

Гапирмайлик сиёсатдан

Атроф тўла “тақводорлар”, гапирар дин диёнатдан,
Ўтганларнинг улуғлиги, мўжизаю, кароматдан.

“У зотларга иттибоъ, лозиму лобуд” дебон охир,
Яна бизга дегайлар шу, “гапирмайлик сиёсатдан”.

Ўша ўтган улуғларнинг, амридан ибрат олар бўлсак,
Улар жим турмаган кўрқиб, фақат кўрққан қиёматдан.

Зулмга ҳақни айтишга, агарчи йўқдир имконинг,
Гапирганга тўсиқ қўйма, ҳазар қил бу жиноятдан.

Бу умматнинг азалдан, иззати жангу жадалларда,
Булардан келмаган устун, бирор миллат шижоъатдан.

Шуларнинг қисмати бўлган матонат, мардлигу қувват,
Бугун мағлубиятнинг касри, шу динга хиёнатдан.

Шу йўлда икки дунёнинг, саодат иззати Саҳвий,
Кураш йўлини тарк этма, умид этсанг саодатдан.

2013 йил 9 сентябр

Мубтало бўлди

Мубтало бўлди бу уммат, турфа алвон ғам била,
Ҳар куни ўтмоқда энди, ғам алам, мотам била.

Мустабид золимлар бўлди, хонлари султонлари,
Қилмади умматни дардига даво малҳам била.

Адолат йўқ бўлсада, яхши одамлар йўқ эмас,
Куфр аҳлидан кўришган марҳамат, ёрдам била.

Турфа манҳаж, турли фирқа, чор тарафга чорлагай,
Бор эрур бир фирқа, тил топмас Бани Одам била?!

Олам узра, чор тарафда, аҳли Ислом бағри қон,
Тинмайин жанглар қилар, уммат бугун олам била!

Муддаоим офият келсин бу умматга тамом,
Билмадим бир нарса ўзгаргайму бу нолам била?!

Саҳвиё, уммат ғаминда, ғам чекишлик, ғам эмас,
Ушбу ғам бирла яша, доим кўзингда нам била!

Айлар мани

То ҳаётим борича Ҳақ, имтиҳон айлар мани,
Гар Ўзи раҳм этмаса, ким ҳам омон айлар мани?

Икки манзил мунтазирдир, одамизод олдида,
Билмадим, охир йўлимни, қай томон айлар мани?!

Кимлигимни барчадин яхши билур, Парвардигор,
Ўзгаларни фарқи йўқ, ким — деб, гумон айлар мани?!

Бу не қисматдир ҳаётда, қадрини топмас одам,
Энди тақдирим шу қисматга, нишон айлар мани!

Изтиробимни дилимда сақлаёлмасман ниҳон,
Ўқиганлар англагай, назмим баён айлар мани.

Маломатгўй сабр қил, бўлгач қиёмат соати,
Кимлигимни шу куни, Роббим аён айлар мани!

Сиғдиролмас қалбига Саҳвий кўнгил фарёдини,
Ўртаниб руҳим, вужудим нотавон айлар мани.

Насиб этса

Насиб этса агар бу бандага, азми тавоф этгай,
Қилиб тавба-тазарруълар, Ҳарамда эътикоф этгай.

Ҳаётим нақди сарф бўлди, жаҳолат даштида сарсон,
Ажабмас бу бузилган дилни фазли бирла соф этгай.

Умидворман ки, ислоҳимга етса зарраи тавфиқ,
Худонинг раҳматин кенглигига ким ихтилоф этгай?!

Азобидан улуғдир раҳмати, бунга гумоним йўқ,
Бунинг аксини ким айтибди, қуръонга хилоф этгай!

Умидинг узмагил ўз жонига зулм айлаган нокас,
Ўзининг айбини инкор қилувчи кимса лоф этгай!

Насибанг бўлмаса раҳмат, бўлибдир оқибат барбод,
Ҳисоби йўқ гуноҳимни, бу банданг эътироф этгай!

Ажабмас, фазли бирла мағфират этгай мени Тангрим,
Шу мақсад бирла Саҳвий, энди байтинги тавоф этгай!

Дарак

Қилса нурафшон дилим, шамсин жамолидин дарак,
Бўлса хуфтон, бошига ёпган рўмолидин дарак.

Бу нурафшон юзни эй, соҳибжамол, исматда тут,
Бил сенинг шу чодиранг, ҳуснинг камолидин дарак.

Чунки, шамс нуруни сочса, соя излар бандалар,
Нурни фош бўлмоғи фитна, эҳтимолидин дарак.

Кўнглим осмонинда Шамс йўқ, бўлди, юлдузлар чироқ,
Дил чароғон бўлмоғи, дунёни молидин дарак.

Истамоқ фоний жаҳонни, охират мулкун қўйиб,
Балки, бу ҳам бир қиёматнинг, шамолидин дарак.

Эй маломатгўй мани, ғийбатлар этсанг арзигай,
Чунки, бу ёзганларим, қалбимни ҳолидин дарак.

Эй кўнгил, шамси дилинги, топмайин, Саҳвий каби,
Оҳу фарёд айламак, сабринг заволидин дарак!

Рубойлар

Мен сенга шу кунни, истамас эдим,
Агарчи, қанчалик кўрсамда ёмон.
Мен сенга “Худодан топгайсан” дедим,
Шу гапимда лекин, турибман ҳамон!

.....

Ғурбатда ғариблар шодмондир бугун,
Золимлар зулмидан омондир бугун,
Ёт эллар, ғарибга, қизил гул эмас,
Лекин, яшашга тинч, ошёнди бугун!

.....

Ғарбу-Шарқ эгаси фақат Аллоҳдир,
Ҳақни рад қилишлик, катта гуноҳдир.
Зулмдан қочганди саҳобалар ҳам,
Ҳабаш диёрига, таърих гувоҳдир!

.....

«Мўминларга айтинг, кўзларини (номаҳрам аёлларга тикишдан) тўссинлар ва авратларини сақласинлар! Мана шу улар учун энг тоза (йўлдир). Албатта Аллоҳ улар қилаётган ҳунарлардан хабардордир»

(Нур сураси 31 оят)

Қарашликнинг натижаси ёмондир,
Бу оятда, ўшал мазмун аёнди.
Бугунги фитналик оламда лекин,
Боқмай иложинг йўқ, охир замондир?!

.....

Агар очиқ бўлса, кўкрак, сийналар,
Беихтиёр кўриб, дилинг қийналар.
Яшашликни иложи йўқ, кўз юмиб,
Қарашликдан, бошланади фитналар.

.....

Қарашлик фитнадир, қиламан иқрор,
Қарамаслик учун қандай чора бор?!
Ечилмас муаммо, бўлдику бу иш,
Яшаш керак экан, барибир ночор.

.....

Яратганнинг қудратига қойилмиз,
Авфу раҳматини тилаб, соилмиз.
Шундай яратилган фитрат, начора,
Ҳаммамиз ҳам, қарашликга мойилмиз.

.....

Кўз бўлмаса, қаралмаган бўларди,
Дилга титроқ, таралмаган бўларди.
Одам Ато, яшайолса аёлсиз,
Момо Ҳаво, яралмаган бўларди.

.....

Одамзод нафсининг муҳтожи бўлса,
Тўймайди, бошида гар тожи бўлса.
Менга ўргатинглар, кўнгли тозалар.
Кўзни юмиб яшаш, иложи бўлса.

.....

Нафсоний истаклар, ҳеч тинч қўймайди,
Уларни қондирмай яшаб бўлмайди.
Очликдан қутулиш мумкин овқат еб,
Аммо, кўз қарамоқ билан тўймайди.

5 апрел 2013 йил

Машраб ғазалига Саҳвий Мухаммаси;

Қаю дилга агар тушса, бу ишқ ўти ёмон ўртар,
Кишида қолмагай тоқат, ҳамиша ҳар замон ўртар,
Бу дардга мубтало бўлган юракларни ҳамон ўртар,
Агар ошиқлигим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар,
Бу ишқ сиррин баён этсам, тақи ул хонумон ўртар.

Бу дард ила куйиб ёнган кишида бўлмагай армон,
Муҳаббат ўтида куймоқлик ошиқ дардига дармон,
Насиб этмас ҳаётда ҳар касига бу каби имкон,
Кишига ишқ ўтидин зарраи етса, бўлур гирён,
Бўллуб бесабру бетоқат, юрак-бағри чунон ўртар.

Манга дунё ғамидин сўз демангким барчаси ёлғон,
Манинг қалбимга бу ғам сиғмағайдир ман дили гирён,
Бу ишқ водийсига кирсанг, бўлар тақво уйи вайрон,
Нечук тоқат қилай, дўстлар бу дард ила бўлуб ҳайрон,
Ғамим бошқа, алам бошқа, юрагимни фиғон ўртар.

Умидим бўлса равшан бу ғариб кулбам чироқингда,
Асир бўлган дилим эй дилбарим меҳри тузоқингда,
Дилимни ўртагай соғинч, висолинг иштиёқингда,
Мени бехонумон тинмай куяр ҳар дам фироқингда,
“Нигоро!” деб отинг айтсам ки, шавқингдин забон ўртар.

Дер эрдим; «бу кўнгил дардини мардумдан ниҳон айлай,»
Иложим қолмади ортиқ яширмоқни аён айлай,
Маломатгўй маломат айламоғин даргумон айлай,
Қаю тил бирла, эй жоно, сенинг васфинг баён айлай,
Тилим лолу кўзум гирён, сўнгақларни ниҳон ўртар.

Манга султон бўлишдан ортиқ олдингда гадо бўлмоқ,
Начук давлат ки ушшоқ аҳлига бир муқтадо бўлмоқ,
Санга дардим баён этсам, эмас мумкин адо бўлмоқ,
На қаттиғ кун экан, дилбар, висолингдин жудо бўлмоқ,
Менинг оҳим ўтиға бул замину осмон ўртар.

Дилимдан қайғуни тарқат ки, менда қолмади тоқат,
Кўнгил орзусидир марқад ки, менда қолмади тоқат,
Нигорим айлагил шафқат ки, менда қолмади тоқат,
Юракда дарду ғам қат-қат ки, менда қолмади тоқат,
Агар бир заррасин бул вақт десам, ишқи баён ўртар.

Бу ҳижрон шомида тушган, менинг ҳолимни билмассан,
Ҳаётинг борида ёрнинг висолин орзу қилмассан,
Будир ғамнинг асоси, бошқа ғамни энди кўрмассан,
Бу дард ила хароб ўлдум, келиб ҳолимни сўрмассан,
Унум чиқса юракдин, бу тану жон, устихон ўртар.

Кирибсан аҳли ушшоқ хайлига, ҳеч ортидан қолма,
Неча қайтарсалар йўлингдан ҳаргиз маслаҳат, олма,
Кейин Саҳвий каби, ўз манзилингга етмайин толма,
Бу Машраб дардини, жоно ки, ҳеч ким бошиға солма,
Агар маҳшарда оҳ урсам, биҳишти жовидон ўртар.

Сўнг сўз:

2013 йилда ёзган шеърларим ва ғазалларим шу тўпламга жамланди. Тўплам номини сўз бошида баён этганимдек, «аччиқ ҳақиқат» деб атадим. Дарҳақиқат бу тўпламдаги шеър ғазаллар бизга бу дунёдаги аччиқ ҳақиқатларни баён этувчи бўлди. Чунки, бу йил дунё мусулмонлари учун анча машаққатли йил бўлди. Мисрдаги давлат тўнтариши ва Суриядаги қирғинбаротлар ва Ғазодаги ва Афғонистондаги урушларда кўплаб мусулмонлар қурбон бўлдилар. Бу шеърларимда шулар қайғуси ҳам ўз ифодасини топгандир. Ўзбекистондаги воқеъа ва ҳодисаларга ҳам муносабатлар бу тўпламдаги шеърларни асосини ташкил этади. Аллоҳу Таолодан шу тўпламдаги йўл қўйган хатою нуқсонларимга истиғфор сўраб, бу амалимни ўзимга ва ўқувчиларга дунё ва охирабда манфаатли қилишини тилаб қоламан.

Дунёдаги ислом аҳлига нусрат ва нажот сўраб кейинги йилларда яхшиликлар ҳақида шеърлар ёзишни умиб қолувчи Саҳвий.

2013 йил

Шоирлар дил розин кимларга айтсин

(Бу тўпلامда 2014 йилда ёзган шеъру ғазалларим жамланган)

Муаллиф

Саҳвий

2014 йил

Швеция

Кириш

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

Бу китобда 2014 йилда ёзилган турли жанр ва мазмундаги шеърлар жамланди. Классик шеърлар иккинчи бўлимда ва бармоқ вазнида ёзилган шеърлар биринчи бўлимда жойлашган. Бу китобнинг номи биринчи шеърнинг ичидаги бир мисрадан олинди. Бу ном китобдаги мавжуд шеърларнинг умумий мазмуни руҳига мос ва мувофиқ туюлди. Бу китобни ўқувчи холис кишилар учун ва ёзган муаллиф учун ҳам икки оламда манфаатлик қилишини Аллоҳдан сўраб қоламан.

Саҳвий.

2014 йил

Айрилса

Бу ҳаётда қадрин топмайди булбул,
Қариса, хуш овозидан айрилса.
Ўлжасини тутолмайди бургутлар,
Қанот синиб, парвозидан айрилса.

Гўшт ғами қассобда, жон ғами қўйда,
Ҳофизлар қадрини топмайди тўйда,
Хаёли паришон, яшайди ўйда,
Булбулдек сайрар созидан айрилса!

Итлар ҳам бефойда, югурмас, чопмас,
Агар қутурмаса эгасин қопмас,
Қашқирдан подаси омонлик топмас,
Чўлда чўпонлар тозидан айрилса.

Дардга даво бўлар, қилсанг тиловат,
Бағишлар дилинга ором, тароват,
Инсон зотинда бўлмайди ҳаловат,
Дилга дардқаш, ҳамрозидан айрилса.

Шайтон ҳамроҳ юрар, ўнги — сўлидан,
Бир иш келмас одамзоднинг қўлидан,
Шогирдлар адашар тўғри йўлидан,
Таълим берган устозидан айрилса.

Дунёнинг молини афзалдир ози,
Камроқ бўлар ҳисоб — китоб, тарози,
Чин мўмин ҳеч қачон, бўлмайди рози,
«Пул» деб, беш вақт намозидан айрилса!

Ёшинг ўтган сари, кўнгил ёшланар,
Умр ўтганин англаб, кўзлар ёшланар,
Ҳаётингни «хазон фасли» бошланар,
Киши, “баҳору — ёз”идан айрилса.

Ёмон туш кўрганлар сувларга айтсин,
Ё сахрога чиқиб, қумларга айтсин,
Шоирлар дил розин, кимларга айтсин?,
Кўлда қалам қоғозидан айрилса?!

Фуад Шокирийга атаб;

Кечиргин бизларни шаҳид биродар,
Азиз хотиранга қилдик хиёнат.
Қилолмайди менинг ҳеч ақлим бовар,
Қолмадими бизда дину диёнат?!

Сен жон қурбон қилган улуғ майдонда,
Бугун бирор кимса қолмаган жим жит.
Собиқ сафдошларинг, биродарларинг,
Индаймай жимгина сақлайди сукут.

Бугун кўрқоқликни хаспўш қиламиз,
Биз учун шириндир танамизда жон.
Кўлдан келмаслигин яхши биламиз,
Сенингдек, эрк учун бўлишлик қурбон.

Қурашдан чекиндик, баҳонамиз кўп,
Бирор натижа йўқ қуруқ гаплардан.
Ҳеч қачон ҳурликга чиқмайди бу эл,
Агар кутулмаса шу иллатлардан.

Сендек жонфидолар қадрин билмаса,
Бу юрт қандай қилиб, озод ҳур бўлар?
Ўз мард ўғлонларин қадрламас эл,
Демак, золимларга мангу кул бўлар!

"Тинч яшай" деганларга;
Яшай десанг ғам ташвишсиз хотиржам,
Элу — юртинг, диёрингни унутгил!
Истасанг бўлмасин ҳеч қандайин ғам,
Баланд тутган шиорингни унутгил!

Қардошларинг элар кезар зор бўлиб,
Кенг дунё бугун кўзига тор бўлиб,
Элу юртинг яшайверсин хор бўлиб,
Қадрдон дўсти ёрингни унутгил!

Тақдир ҳукми агар қилмаса шафқат,
Мақсадинга ета олмассан албат,
Ақлдан озмайин десанг оқибат,
Қилган азми қарорингни унутгил.

Таслим бўлгил, энди ҳукми қазога,
Лойиқ кўрган сени шундай сазога,
Тайёр бўлиб охиратда жазога,
Ирода ихтиёрингни унутгил.

Мардлар йиқилдилар суиқасд бўлиб,
Мардлик қилолмадинг, ҳиммат паст бўлиб,
Виждонинг қийнаса ичиб, маст бўлиб,
Бугун дунёда борингни унутгил!

Манқуртлик аслида кони фойдадир,
Бўлмаса беғам яшашлик қайдадир,
Бало офат сен кутмаган жойдадир,
Қайда қолар мозорингни унутгил?!

Ор қилмасанг шаҳидларнинг қонидан,
Афзал бўлса жонинг элнинг жонидан,
Қочар бўлсанг бу кураш майдонидан,
Ғуруринг номус — орингни унутгил!

Маълум қонуният

Маълум қонуният бордир оламда,
Шодликга муқобил кулфат яшайди.
Ҳайвонотдан фарқи шудир одамда,
Ўзаро иттифоқ, улфат яшайди.

Бўрилар подага ҳужум қилганда,
Қўйларга омонлик бўлмас эканда,
Инсон инсонлигин қилганда канда,
Муҳаббат ўлади, нафрат яшайди.

Дунёни кезганман бағрим қон бўлиб,
Ўзга миллатларга лол ҳайрон бўлиб,
Оламда хор бўлиб, саргардон бўлиб,
Ўзбек деган мазлум миллат яшайди.

Миллат эътиборсиз зурёдларига,
Қаранг мазлумларнинг фарёдларига,
Авлодлар қалбида аждодларига,
Туганмас адоват зулмат яшайди.

Молу давлат учун ноҳақ қон тўкиб,
Инсон инсонлигин қўяр унутиб,
Мазлумлар кўзларин осмонга тикиб,
Йиғлашар, қалбида ҳасрат яшайди.

Бойлар ҳам йиғлайди деган мақол бор,
Қўрдик йиғлашмоқда такрор ва такрор,
Бировни хор қилган охир бўлар хор,
Буни англамас кўп, бадбахт яшайди.

Ноҳақ қон тўкканнинг йўқдир инсофи,
Борми бу қирғиннинг чеки, нисофи?,
Авж олса, мазҳабу — дин, ихтилофи,
Фитна фасод ичра, уммат яшайди.

Тинмас чор тарафда, дод ила фарёд,
Бўлмади кўнглимиз қайғудан озод,
Нега тинч яшолмас экан одамзод?,
Ўзи дунёда бир муддат яшайди?!

АҚШ бошлиқ халқаро каолиция кучлари ИШИДни бомбардимон қилаётганини кўриб;

Бошланди қирғинбарот,
Яна ур йиқ, тўполон.
Яна инсонлар ўлар,
Яна ҳамма ёқ вайрон!
АҚШ Асадни эмас,
Хилофатни қирмоқда.
Тепадан тайёралар,
Бомбардимон қилмоқда.
Бир томонда кофирлар,
Бири жоҳил мусулмон.
Бу воқеъага қараб,
Бугун мўминлар ҳайрон!
АҚШ давлати, майли,
Улар эски, қароқчи.
Қароқчи билан нега,
Араблар иттифоқчи?
Қираётганлар кимлар,
Қирилаётганлар ким?
Ўлдираётган кимлар?
Ўлаётганларчи ким?!
Қуриб кетсин эди бу,
Бефаросат Халифат.
Буларни деб ҳамманинг,
Бошига келди офат!
Халифати қирилиб,
Ўз бошига етади.
Лекин, ўлганлар ғами,
Дилдан қандай кетади?
Ақшга биз қаршимиз,
Ўлдирса мўминларни.
Халифатчилар кўрсин,
Дўст тутишган кимларни?!
Булар бари ўзаро,
Таниш билиш ошнақу.
Ҳаммаси мўминларнинг,
Қонларига ташнақу?!
Нима керак эди бу,
Буткул вайронгарчилик?
Ноҳақ тўкаяпди қон,
Қани одамгарчилик?!
Қирилмоқда Ироқда,
Сурияда мўминлар.
Айтинглар бундан ахир,
Манфаат топар кимлар?!
Ўз муаммосин ўзи,

Ҳал қилсин аҳли ислом!
АҚШ «имомлигида»,
«Намоз ўқишлик» ҳаром!



Собиқ муфтий Муҳаммад Содиқ Россиялик миллиардер Алишер Усмановга тўн кийдирганини кўриб;

Аслида янгилик эмас бу аҳвол,
Бу ишга бўлмаймиз бугун ҳайрон лол.
Лаганбардорликни кўрсакда доим,
Барибир одамга келаркан малол.
Мен сенга нима дей, эй жоҳил одам,
Дин пешвоси бўлиб, бўлсанг муттаҳам?!

Гапирманг қандайдир «демократ»га,
Ҳали бўйсунмаган Аллоҳга, ҳақга.
Омий халқдан айб излаш на ҳожат?,
Муфтий алмаштирса насяни, нақдга.
Айтинг биродарлар қилмасми алам?,
Диннинг пешволари бўлса муттаҳам?!

Шуларни оғзига қарагай авом,
Шулар айтар, нима ҳалолу ҳаром.
Уларга эргашар оддий одамлар,
Шуларники иззат ҳурмат эҳтиром.
Борми бундан ортиқ каттароқ бир ғам,
Муфтий имом деган, бўлса муттаҳам?!

Золим подшоҳларни гапирманг энди,
Дину — диёнатдан лоф урманг энди.
Динини дунёга сотса муфтийлар,
Бошқага эътироз билдирманг энди.
Ўзинг гувоҳдирсан, эй Қодир Эгам,
Бугунги муфтийлар шундай, муттаҳам!

Қолмади имоннинг қадру қиммати,
Чунки, йўқ олимлар журъат ҳиммати.
Олимлар бузилса, Олам бузилар,
Бузилмоқда бугун ислом уммати.
Бугун ҳақ йўлдаги уламолар кам,
Муфтийлар, имомлар бўлган муттаҳам!

Бизга йўл кўрсатар пешволар шуми?,
Гумроҳга раҳнамо, донолар шуми?!
Бойларнинг олдида тавозеъ қилган,
Дунёнинг молига шайдолар шуми?!
Булар охиратдан нега хотиржам?,
Муфтий, имом, қози бари муттаҳам?!

Золим бўлса агар, ҳукумат ё Раб,
Кимларга эргашар бу уммат, ё Раб?!
Золимга ҳақ сўзни айтмас олимлар,
Қачон нажот топар бу миллат, ё Раб?!
Бу элнинг дардига топилмас малҳам,
Олимлари бўлса шундай муттаҳам!

Наҳот бизга боғлиқмас?

Истаймизми йўқми бу
Ҳаёт шундай ўтади.
Кимки келган дунёга
Демак, бир кун кетади.
Муаммолар тугамас.
Қанчалик интилмайлик,
Биттасидан қутулсак,
Бошқа бири етади.
Лекин, барибир қараб,

Жим ўтириб бўлмайди.
Бир натижа бўлмаса,
Одам кўнгли тўлмайди.
Ҳамма чарчаган гўё,
Самарасиз курашдан.
Бири бирига доим,
Гумон билан қарашдан.
Ҳаммаси ўз ўзини,
Нима билан овулар.
Нимадир бўлиб қолиб,
Нима бўлишин кутар.
Одамзод умри қисқа,
Буни ҳамма билади.
Шу қисқа умр ичида,
Ўз билганин қилади.
Ўйлаб қоламан ҳайрон,
Нега ўзгармас ҳаёт.
Наҳотки ўзгаришлар,
Бизга боғлиқмас ҳайҳот?!
Азал қисмат ҳамиша,
Ғолиб бўлиб қолажак.
Наҳот бизга боғлиқмас,
Келаётган келажак?
Ўйлаб ўйлаб ўйимга,
Етолмайман мен ҳайрон.
Демак, биздамас қудрат,
Келтириш керак имон!
Қудрат эгаси бунда,
Қилаяпти ирода.
Иродага зид бўлса,
Етолмайсан мурода.
Лекин, курашиш керак,
Бўлмасада натижа.
Зулмга жим туришлик,
Билсанг хавфлидир жуда.
Демак, интилиб яшаш,
Бизнинг вазифамиздир.
Буни ҳам қилолмаган,
Кимсалар бетамиздир.
Қўрқиб ҳам йўқ ҳожат,
Беҳикмат иш бўлмайди.
Ажали етмагунча,
Инсон зоти ўлмайди.
Истаймизми йўқ барча,
Одамизод кетади.
Барибир бу бебақо,
Умр тугаб битади.
Тушкунликга тушмасдан,
Доим олдинга тириш.
Ўлмагунингча асло,
Тугамайди бу уруш.

Топмасанг

Бахт қушини, тополмассан одамзод,
Тақдир азал, сиртмоғидан топмасанг.
“Олтин балиқча” топилмас дарёда,
Ишқ денгизи қирғоғидан топмасанг.
Зулфи торин, қармоғидан топмасанг.

Ошиқлар васл умидин тарк этолмас,
Висолига етиб,, бахтин тополмас,
Кўнглингни қулбаси нурга етолмас,
Шахло кўзлар чироғидан — топмасанг.
Қорачиқлар қароғидан — топмасанг.

Висолидан умид этиб чопарсан,
Орзуингни яширарсан, ёпарсан,
Қалбинга ҳаловат қайдан топарсан,
Севган ёрнинг қучоғидан топмасанг?!
Бўсаларнинг қайноғидан топмасанг?!

Муҳаббат туйғуси бўлса қадрсиз,
Яшашнинг маъноси бўлмайди, эссиз,
Ҳаётнинг лаззатин топмассан ҳаргиз,
Асал таъмин, дудоғидан топмасанг.
Гул ифорин, димоғидан топмасанг.

Васлин излаб қилсанг жидду — жаҳдини,
Сулаймондек, олиб келсанг тахтини,
Тополмассан, муҳаббатнинг бахтини,
Гулни ғунчалик чоғидан топмасанг.
Муҳаббатга чанқоғидан топмасанг!

Ҳамма бахтиёр ҳаётга интилар,
Доимо бахт ила, эзгулик тилар,
Дардини ўзидан ўзга, ким билар?,
Меҳрин, қошу — қавоғидан топмасанг?!
Ишқин гўзал ёноғидан топмасанг.

Яқинлашган сари, ҳаётнинг шоми,
Ортар муҳаббат ҳисси, эҳтироми,
Мукамал бўлмагай висол оқшоми,
Хино рангин, бармоғидан топмасанг!
Лаъли лабин, қаймоғидан топмасанг!

Кўнгилдаги орзуни тарк этмас-сан,
Мақсадинга етолмассан, етмас-сан,
Дунёда бундай ёр излаб, топмас-сан,
Агар Кўҳи Қоф тоғидан топмасанг?!
Ёки, жаннатнинг боғидан топмасанг?!

Ўзбек милиционерларига атаб;

Итнинг ялоғидан ялаган сизлар,
Одамларни итдек талаган сизлар.
Ҳатто, қариндошинг қўлингга тушса,
Дубинкалар билан “силаган” сизлар,
Қарзларингиз қиёматда узарсиз,
Тартиб сақловчимас, тартиб бузарсиз!

Қолмаган сиз учун ҳалолу ҳаром,
Йўл тўсарлик билан бўлиб бардавом.
Ночор одамларни итдек талайсиз,
Афсус, ўз ҳаққини билмайди авом.
Ҳаром луқмаларни бир кун қусарсиз,
Тартиб сақловчимас, тартиб бузарсиз!

Бировга зулм этиш нақадар ёмон?,
Бунга англамагай бадбахт бегумон,
Дунёни яратган Зот борку ахир,
Қарғиш олган кимса, қолмагай омон.
Бориб қон дарёси ичра сузарсиз,
Тартиб сақловчимас, тартиб бузарсиз!

Қамоқда кўргандим башарангларни,
Қабоҳатда устаси фарангларни.
Намоз ўқиб, рўза тутиш устида,
Бир умрга унутилмас жангларни.
Зулмда бир бирингиздан ўзарсиз,
Тартиб сақловчимас, тартиб бузарсиз!

Аллоҳ адолатин кўрсатар бироқ,
Қирқ ёшга етмасдан кетарсиз кўпроқ,
Дунёда тўймаган очофат кўзни,
Шаксиз тўлдиради қабрда тупроқ.
Ўлмай қолсангиз, эскириб тўзарсиз,
Тартиб сақловчимас, тартиб бузарсиз!

Бу йўлда бахт учун йўқдир кафолат,
Сен учун фарзандинг бўлар хижолат.
Бадбахт бўлиб ўлиб кетарсан золим,
Доимо шу тақдир, доим шу ҳолат.
Тез орада тупроқ бўлиб кетарсиз,
Тартиб сақловчимас, тартиб бузарсиз!

Агар катта мансабларга етмасанг,
Яхшимасми бировга зулм этмасанг?
Орангизда чиққан фитна фасодда,
Ё урилиб, ё қамалиб кетмасанг?!
Ибрат олмай, тавба қилмай ўтарсиз,
Тартиб сақловчимас, тартиб бузарсиз!

Ўз синглисини ўйнашига қўшиб пичоқлаган Хоразмлик йигитга атаб;

Жаҳолат ҳукмрон бўлган бир кунда,
Шайтанат кучлари авж олган тунда,
Ўзга йўл қолмади, бугун очунда?
Бу ишинг тўғримас, бирор қонунда,
Шариат ҳукми ҳам, аниқмас бунда,
Биламан, ноҳақдан тўкканингни қон.
Лекин мен сен тараф, қотил укажон!

Билмайсан не сабаб, бу халқ абгордир?,
Ўзгалар юртида хор, мардикордир?,
Аёллар уйида, эрсиз — ночордир,
Шайтон васвасага, доим тайёрдир,
Лекин эркакларда ҳамият бордир,
Қотиллар ёнини олишлик, ёмон.
Мен сен тарафдаман, лекин укажон!

Бузилган бу юртда, бугун мезон йўқ,
Ҳоким амалдори динсиз, имон йўқ,
Муфти имомида, ҳатто виждон йўқ,
Айтинглар кимда ҳам, нафс, жиғилдон йўқ?!
Бир чора бўлмаса, бундан ёмон йўқ,
Сен қилган ишингни қилардим ишон!
Ор — номус талаби, шудир укажон!

Динсизлик ҳукмрон, йўқдир адолат,
Ёлғон ҳукмрондир, фошдир залолат,
Қолмади ҳаётда ҳузру — ҳаловат,
Ҳамма хиёнаткор, даҳшатли ҳолат,
Охири кўринмас, зулму разолат,
Ёш умринг турмада қилишар хазон.
Лекин, бу шарафдир, билсанг укажон!

Имон-инсоф бўлса, ҳар бир одамда,
Шунда фаровонлик бўлар оламда,
Бу олий қадрият, бу қунлар камда,
Ким қадрин, ким қорнин қайғуриб ғамда,
Даюслик авж олган, бугунги дамда,
Кўрсатдинг, бор экан ҳамият, ҳамон.
Мен сенга қойилман, қотил укажон!

11 июн 2014 йил

Амир Темурга мурожаат

Қадим туркий элатларнинг зурёди сиз,
Хор бўлган бу авлодларнинг аждоди сиз.
Бугун ҳукмрондир бизга, Рус ва Хитой,
Тингланг пароканда авлод фарёдин сиз.
Беш асрким пароканда бу Туркистон,
Аҳволимизга бир қаранг, Соҳибқирон!

Олтин Ўрда хони эди Тўхтамишхон,
Унга тобеъ бўлди ўруслар кўп замон.
Тўхтамишни мағлуб қилиб қулатдингиз,
Кейин руслар яшаб бошлади тинч — омон.
Оқибат русга қул бўлди, буюк Турон,
Яхшилиқга яхшилиқ йўқ, Соҳибқирон?!

Улар босиб олди, сизнинг диёрингиз,
Йўқ эди бизда, сизнинг иқтидорингиз.
Устимизга ҳоким бўлганда даҳрийлар,
Талон тарож қилди ётган мазорингиз.
Жасади хомталаш бўлган, буюк Ҳоқон,
Сақлолмадик мазорингиз, Соҳибқирон!

Даҳрий руслар билан бўлган можарода,
Дин қолмади Самарқанду – Бухорода.
Даҳрийларнинг салтанати қуладую,
«Мустақил» ҳам бўлиб олдик, шу орада.
Лекин ўша золим ҳоким, ўша замон,
Ҳеч бир нарса ўзгармади, Соҳибқирон!

Сиз бошқарган мамлакатга етди зиллат,
Пайдо бўлди турли элат, турли миллат.
Бугун Туронзамин узра ҳукмрондир,
Бири — биридан мустақил, бешта давлат.
Орасида ер — сув талаш, тинмас ҳамон,
Орол каби қурияпмиз, Соҳибқирон!

Юртимизда манқурт ҳоким ҳукмрондир,
Зулмидан халқ оввора, хона — вайрондир.
Рус элида мардикордир авлодингиз,
Ватанида чора тополмай, ҳайрондир.
Бир иложин тополмадик, аҳвол ёмон,
Не қилайлик, йўлсиз қолдик Соҳибқирон?!

Айтаверсам барин сизга, келгай малол,
Рус элинда фоҳишадир ўзбек аёл.
Боласини сотаяпди авлодингиз,
Қилмагансиз бу нарсани ҳаргиз хаёл!
Бу гапларга қилманг зарра шубҳа — гумон,
Шундай тубанликга тушдик, Соҳибқирон!

Ҳар ким эслар, ким бўлганин аждодлари,
Биздан афзал Боязиднинг авлодлари.
Хилофатни улар қоим қилишганди,
Йўқ қилишди охир куфр жаллодлари.
Бугун хордир бу ўлкада дину — имон,
Авлодингиз манқурт бўлди, Соҳибқирон!

Англасамда, бефойда бу оҳ — фиғоним,
Дардларимни айтдим сизга бобожоним.
Буюк аждодларнинг қони оқар бўлса,
Бир кун тикланади бу эл, йўқ гумоним.
Кетган экан сизлар билан улуг — даврон,
Бунни бугун англаяпмиз, Соҳибқирон!

Буюк йўлдир, сиздан мерос қолган йўллар,
Бунни англамоғи лозим, туркий эллар.
Қул бўлмасин авлодимиз ўзгаларга,
Буюкликга лойиқ эмас, асло қуллар,
Авлодимиз қилмас эди, ҳаргиз армон,
Сизга лойиқ фарзанд бўлсак, Соҳибқирон!

6 июн 2014

Бу миллат шунақа!

Бу миллат шунақа тарқоқ ва кўрқоқ,
Демак, яна “бахти” келмоқда ИАК.
Юртбоши бўлишга ҳаққи йўқ – бироқ..,
Барибир юртбоши бўлмоқда ИАК.

Зулм авж олмоқда, гарчи тобора,
Ҳар фирқа ўзила — ўзи овора,
Ҳаргиз бирлашолмас бу эл, начора?,
Ҳаммасин устидан кулмоқда ИАК.

Бири халофатни, қилар иддао,
Кимгадир шу “ИАК” айни муддао,
Ҳар ким ўз ҳақлигин қилади даъво,
Баридан қасдини, олмоқда ИАК.

Кимдир демократ, савдогар, пулдор,
Қай бири ўзича, тақводор, диндор,
Ўртасида битмас можароси бор,
Бирма бир турмага солмоқда ИАК.

Бугун чор тараф юз қўяр фирқалар,
Инсофнинг кўзини ўяр фирқалар,
Бир — бирин мол каби, сўяр фирқалар,
Бундан фойдаланиб қолмоқда ИАК?!

Мусулмонга зулм қилса, мусулмон,
Бу фитна, фитналар ичра энг ёмон,
Балки, “дин номидан тўкмасин — деб, қон,”
Бизларга фитналар қилмоқда ИАК?!

Гарчи, унинг зулмин поёни йўқдир,
Унга бас келишнинг имкони йўқдир,
Чунки, бу бадбахтнинг имони йўқдир,
Ажабмас, имонсиз ўлмоқда ИАК?!

Қийин

Бу ҳаётда бировнинг дилин оғритиш осон,
Хотирини жам қилиш, ёки кулдириш қийин.
Доим меҳр шафқатга, муҳтож яшайди инсон,
Лекин, одам бировга, буни билдириш қийин.

Меҳр кўрсатиш асли диннинг талабидир — шу,
Мангу саодат йўлин лозим матлабидир — шу,
Турли фитна жанжалнинг асл сабабидир — шу,
Муҳаббатнинг ўрнини энди тўлдириш қийин.

Ойлар йиллар қийнайди, алангаси ҳижронинг,
Ўзингни ўнглаш учун топилмагай имконинг,
Юрагинга дард солиб кетса бир қадрдонинг,
Дилдаги бу оловнинг ўтин сўндириш қийин.

Душманлар орасида яшаб бир умр ахир,
Кураш билан ҳаётинг доимо аччиқ тахир,
Эҳтимол жасадингни йўқ қилишар, барибир,
Ортда қолган тарихни, шеърни ўлдириш қийин.

Фақат одамийликдир мендаги бор эътиқод,
Менда йўқдир ҳеч қайси тоифага эътимод,
Барча хурофот бўлди энди мен учун барбод,
Саҳвийни жаҳолатга энди кўндириш қийин.

**Ўз хотини бегона билан гаплашиб юргани учун Россиядан келиб, уни бўғиб ўлдирган
йигит воқеъасини ўқиб ёзилган;**

Бу ажиб воқеъа, бир фавкулудда,
Айб аёлдами ё иқтисодда?,
Ё эр айбдорми кетгани учун?,
Ёки муҳит, тўла фисқу фасодда?,

Келиннинг жазоси ўлим эдимми?,
Эрига “хиёнат қилдим дедими”?!
Иблис алдадими ҳаммасин яна,
Бир оила бошин буткул едимми?!

Номусга тажовуз қилган баччағар.
Топади ўзига бошқа битта ғар.
Бир оила вайрон бўлди оқибат,
Ким фойда кўрдию, ким топди зарар?!

Ким етим қолдирди, икки гўдакни,
Йиғлатар бу қисса, ҳар тош юракни.
Айби йўқми асло бу фожеъада,
ИАК деб номланган, малъун сўтакни?!

Иш бўлса кетарми уйдан йигитлар,
Тушарми бошига бу кўргуликлар?,
Бу золимлар элнинг бошида туриб,
Қонин ичаяпди гўё зулуклар.

Сон мингта бу каби жабрдийдалар?,
Умрлари хазон қондир дийдалар,
Чорак аср бўлди, ўтирар золим,
Кўрсатмоқда турли макру ҳийлалар.

Бу кун ўз юртида гадодир бу халқ,
Беҳудага жони фидодир бу халқ,
Фаровонлик кўрмай ўтаяпдилар,
Нега бунча бахти қародир бу халқ?!

Одамлар нимами, кўролмайдилар?

Ҳайронман нима бор менда айтинглар?,
Одамлар нимами, кўролмайдилар?!
Нега бор айбимни, кўрқмасдан менинг,
Юзимга тик қараб, айтолмайдилар?!

Оддий одамдирман, кучли зўрмасман,
Айбим кўп биладан, кўзи кўрмасман,
Ақлим кирган анча, энди ғўрмасман,
Инсондек муомала қилолмайдилар?!

Ҳеч қачон бўлмадим амалдор, пулдор,
Умрим машаққатда ўтди беқарор,
Душманларим нега, эй Парвардигор,
Майдонда мард бўлиб туролмайдилар?!

Бунча пасткашликни ҳеч кўрмагандим,
Чунки, фирибгарлик ўрганмагандим,
Ҳеч кимнинг арпасин хом ўрмагандим,
Мендан қандай қасдин ололмайдилар?!

Ўзим билганимдан қайтмаганман ҳеч,
Душманимдан шафқат кутмаганман ҳеч,
Ҳеч кимга тухмат сўз айтмаганман ҳеч,
Мени ҳеч тилимдан тутолмайдилар?!

Менга қарши бўлсанг, бўлгил, жуда соз,
Фақат тухмат қилма, ҳужжат билан ёз,
Бу дунё матоси билсанг жуда оз,
Кўплар имон билан, кетолмайдилар.

Кўп мазлум инсонларга беминнат ёрдам кўрсатиб келган ўзбекнинг мард аёли, инсон ҳақлари ҳимоячиси Мўътабар опа Тожибоевага бағишлаб;

Инсон ҳаққин золим қилганда поймол,
Мазлумларга ҳомий бўлган бу аёл,
Шу сабаб кўп жафо, чеккан эҳтимол?,
Ҳамма ҳам бунчалик, жасур бўлолмас,
Унинг қилган ишин, ҳар ким қилолмас!

Ватанин ноилож ташлаб кетган — у,
Ўзинининг ғамларин енгиб ўтган — у,
Бугун шон – шуҳратга, гарчи етган – у,
Ҳали курашмоқда, тинчимас – толмас,
Доимо курашар, йўлидан қолмас?!

Бу миллатга бугун етишди хўрлик,
Қилинмоқда мазлум миллатга зўрлик,
Ким бугун бу элга, қилар ғамхўрлик?,
Бу қисматни кимнинг бошига солмас?,
Инсон тақдирини ўзгартиролмас!

Бу сўзни, ғам чекиб, қонмаган билмас,
Ўзгалар дардида, ёнмаган билмас,
Ўз ҳаловатидан тонмаган билмас,
Маломат қилишар кимлар, уёлмас,
Балки ҳасад қилар, балким кўролмас?!

Бу қисмат бўлмаган ҳар кимга насиб,
Худбинлар бировга бўлолмас ҳабиб,
Табиб, табиб эмас, дард чеккан табиб,
Бу сирни ҳар кимса, англаб етолмас,
Мардни “мард” дейишга, журъат этолмас!

«Юртим» деб, бир нима, қилганлар айтсин,
Озгина инсофи, бўлганлар айтсин,
Хато айтган бўлсам, билганлар айтсин,
Бундай фарзандин эл, унута олмас,
Тарихларда мангу қолар, йўқолмас!

Ё Раб, номард қилма, душманларимни

Бизларга отилган туҳмат сўзлар кўп,
Тўғри тушунмаслар айтганларимни.
Қасдимга кўз тикиб турган, кўзлар кўп,
Қаранг қанча китоб битганларимни.

Мен сизга қилмадим туҳматни ҳаргиз,
Номардлик қилдинглар бу майдонда сиз,
Ушбу кунга келиб, тушундим эссиз...,
Беҳуда кўз ёшлар, тўкканларимни.

Ният холис эди, яратган гувоҳ,
Тиниб тинчимадим, дўст — душман огоҳ,
Оқибат натижа не бўлди, эй воҳ?,
Ким билар, қанча ғам чекканларимни?!

Меҳнат машаққатлар, чекарман мудом,
Бу ташвишлар ҳануз, бўлмади тамом,
Ноҳақдан номингни, қилишар бадном,
Ё Раб, номард қилма, душманларимни!

Менинг алашим бор, гарчи золимдан,
Турли диний фирқа, турли олимдан,
Бугун озурдаман ўзим ҳолимдан,
Бари бефойдадир, кутганларимни.

Айтинглар, бу қисмат, мен учун хос-ми?,
Ёки, ҳаёт фақат шудир, халос-ми?,
Ҳар ким эрканини ўриши рост-ми?,
Наҳот ўрмоқдаман, эрканларимни?!

Бузулди мезонлар

Бузулди мезонлар, ўлди қадрият,
Ҳайвонга айланар одам тобора.
Бузулди имонлар, йўқдир хайрият,
Одамзод нафс-ила бўлди оввора.

Қаранглар бугунги ўзбек қизларин,
Сотишмоқда номус — орин, ўзларин,
Қаро қилмоқдалар гулдек юзларин,
Бундай инқирозга бормикан чора?!

Фоҳишалик топар, кун — кундан ривож,
Баҳона қашшоқлик турли эҳтиёж,
Аёллар ҳур эмас, бўлди ноилож,
Фарзандин мол каби, сотар бечора?!

Маънавий ва моддий, тўла инқироз,
Бу миллат бошида қилмоқда парвоз,
Бу каби қавми, ер ютса ҳам оз,
Мен шуларни ўйлаб, дилим юз пора.

Қачонгача

Қачонгача давом этар бу аҳвол,
Ҳануз бу золимлар омон турибди?!
Зулм қилмоқдалар қаранг, бемалол,
Мазлумлар ғам чекиб, гирён турибди!

Шайхлар кўрсатмоқда, ҳийла-найранглар,
Золимларни мақтаб, зўр деб, сайранглар,
Ўткинчи дунёда, бир пас яйранглар,
Уммат йўл тополмай ҳайрон турибди!

Бу уммат ҳолига маймунлар кулар,
Ким ҳақу, ким ноҳақ, айтинг ким билар,
Бугун дин номидан гапирар шулар,
Ҳаммасин қўлида қуръон турибди?!

Бойга ишлагандек, фақир пулсизлар
Тоғутлар олдида сизлар қулсизлар,,
Кимларга эргашсин, бугун йўлсизлар,
Барча йўл бошида Шайтон турибди?!

Турли тоифалар қилар, қилу-қол,
Тарихда ҳам бунга кўп ўтган мисол,
Ё Раб, бу умматни тўғри йўлга сол,
Бу иллат ўзгармай ҳамон турибди!

Золимлар зулми ҳам ошди тобора,
Бечора халқ истар, дардига чора,
Ҳар гуруҳ ўзила ўзи оввора,
Фитналар бошида гумон турибди.

Олий мақсадларни қилиб иддао,
Омад ҳам уларга, боқмади қиё,
Бир жарлик олдида тургандек, гўё,
Ортга қадам қўйса, қопқон турибди.

Яна нималар бор, куяжагимиз,
Авлодларга мерос қўяжагимиз,
Қандай бўлар экан, келажагимиз,
Бизни кутиб қандай замон турибди?!

Битгадир, Адолат-Имон тамали,
Бесамак кетмайди, ҳеч ким амали,
Инсоният нега англамас ҳали,
Унинг олдида ҳақ мезон турибди?!

Адолат Имондан, алоҳидадир,
Имон шохларининг, бир шоҳидадир,
Бирга бўлишлиги, гоҳ-гоҳидадир,
Кўп золим қалбида, имон турибди!

БМТсида ҳам йўқдир фаросат,
Турли ташкилоту, турли раёсат,
Кўзбўямачилик экан сиёсат,
Мақсадда манфаат, ёлғон турибди.

Қийналмоқда диндош биродар, қардош,
Тоқат қилишгаям қолмади бардош,
Умматни бир қисми, кўздан тўкар ёш,
Бошқаси шод бўлиб, шодон турибди!

Мунозара

Бир куни учраб қолиб, бир ён қўшним, швед чол,
Деди; “бир нарса сўрай, агар келмаса малол”.
Мен дедимки; “марҳамат, айтаверинг бемалол”,
Айтдики; “ҳаром нима, нима дегани ҳалол?!”

Дедим; ҳалол-ҳаромга, ажратилган амал, сўз,
Ҳаром бўлар шунингдек, баъзи таому, ризқ-рўз,
Ҳаромдир авратларга, назар солса, агар кўз,
Шунинг учун аёллар, ёпинадилар рўмол.

“Нега чўчқа гўштини, емайди мусулмонлар,
Тенг ҳуқуқли эмасми, ахир барча ҳайвонлар?,
Ҳалол ҳаром деганни, белгиловчи инсонлар,
Нега шундай танлашган”, давом эттирди, савол?!

Тушунтирдимки бизнинг, динимиз шу Исломдир,
Ҳалол дегани ҳалол, ҳаром деса, ҳаромдир.
Қуръон бизга Аллоҳдан, индирилган каломдир,
Ҳалол ҳаромни фақат, белгилайди Зулжалол!

Дунёни биз бир синов, имтиҳон деб, биламиз,
Бизга буюрилиган, амалларни қиламиз,
Шундай тушунганмиз бас, шундай яшаб ўламиз,
Чўчқа гўшти ҳаромдир, ҳалолдир қўй, эчки, мол!

Ҳайрон бўлиб дейди бу, тушунчалар бизга ёт,
Биз дунёга интилдик, техника, тараққиёт,
Аниқмас у дунёда, бор эканлиги ҳаёт,
Бу ҳақида ўйланиб, қилмаган эдим хаёл.

Биз эса ишонамиз, Яратгувчи борига,
Дунёда бандасини, қўйган ихтиёрига,
Ҳаммамиз ҳам кетамиз охират диёрига,
Ўткинчидир ҳаммаси, бу ҳаётда дунё мол!

Айтчи, нега ўзини портлатади мусулмон,
Доим ўзаро жанглар, тўкадилар ноҳақ қон,
Бу ишлар ҳароммасми, қани сен айтган имон?!
Чолнинг эътирозидан бўлди менинг тилим лол.

Ахир аслида барча нарса ана шунда-да,
Бизлар ҳаммамиз ожиз, хом сут эмган банда-да,
Хато нуқсоним кўпдир, айтаверсам, менда-да,
Хуллас, ҳаром ишларни, қилмоқдамиз биз ал-ҳол!

Хуллас, шундай саволлар, бўлиб турар, ҳар онда,
Кўп нарсага ўзим ҳам, тушунолмамай ҳайронда,
Яшайпмиз начора, бир фитналик замонда,
Иззат шараф йўлидан, адашдикми, эҳтимол?!

Аллоҳ мададкоринг бўлсин болажоним!

Кўчиб, дайдиб ўтаяпди умрим мени,
Бир маконда кўним топмас хонадоним.
Мен ватансиз қолдирыпман энди сени,
Ажиб бўлди менинг синов, имтиҳоним..,
Аллоҳ мададкоринг бўлсин болажоним!

Ғурбат диёрида одам, уйи бўлмас,
Қариндошлар тўлиб тошар, тўйи бўлмас,
Ҳовлисида на товуқ, на қўйи бўлмас,
Раббим Раззоқ эканига йўқ гумоним,
Буни унутмагил ҳаргиз болажоним!

Қушлар айрилмасин — дерлар, ошёнидан,
Оғирроқ дард борми, ватан ҳижронидан?,
Айрилажак барча махлуқот жонидан,
Сенинг исминг қўйгандилар дадажоним,
Бу исмга лойиқ бўлгил, болажоним!

Эшит менинг дилимдаги бу зоримни,
Кечир болам, сенга берган озоримни,
Зиёрат қил, ўлиб қолсам мазоримни,
Имон билан чиқса басдир, менинг жоним,
Рози бўлгил, мендан азиз болажоним!

Дўстидан кўп бўлди отангни душмани,
Ҳақиқатни гапирганим айбим мани,
Яратганга топширганман ўғлим сани,
Омонатдор эрур Роббим, меҳрибоним..,
Сен Аллоҳга суян фақат, болажоним!

Армон бўлар камолингни кўролмасам,
Оғир — енгил кунинг, бирга бўлолмасам,
Кечир ўғлим, молу — дунё беролмасам,
Сенга мерос қолар мендан, шеър — дostonим,
Сени Ҳаққа топширганман, болажоним!

Ўйланаман, тунлар дуо қилиб доим,
“Ўзинг севган бандалардан қил Худойим,
Адаштирма, ҳидоятда қилгил қоим,
Жаннатингда учраштиргил, эй Раҳмоним»,
Кейин ҳаргиз айрилмасмиз, болажоним!

Бу золимдан қандай, қутулсин бу халқ?

Айтинглар дўстларим, бу қандай савдо,
Бу золимдан қандай, қутулсин бу халқ?!
Истаса адолат бўлишин барпо,
Золимлар уруғин қуритсин бу халқ!

Яна тахтда қолар, эмиш ўзлари,
Шуни англамоқда, айтган сўзлари,
Демак, эпллмаган, ношуд қизлари,
Бунни бошқа қандай, тушунсин бу халқ?!

Етолмадик ҳаргиз, ёруғ тонгача,
Оғу омухгадир, ошу — нонгача,
Айтинг биродарлар, то қачонгача,
Золимга индамай, жим турсин бу халқ?!

Бу балодан энди, кимга дермиз дод?,
Кўтарилмас бошдан ҳануз истибдод,
Чорак асрдирки, бўлмадик озод,
Айтинг яна қанча, қул бўлсин бу халқ?!

Дунё тарихида бўлганди ўрни,
Султон Жалолиддин, билан Темурни,
Бугун ишқалмоқда тупроққа бурни,
Аччиқ ҳақиқатни тан олсин бу халқ!

Ички ихтилофинг бўлса зиёда,
Ўзингда топмасанг, журъат, ирода,
Қадринги топмассан ҳаргиз дунёда,
Айтинглар донолар, не қилсин бу халқ?!

Меҳр қўймас, буюк миллат кишанга,
Қуликнинг тимсоли, уятдир санга,
Буюк миллат керак, буюк Ватанга,
Тарихга “буюк” деб, битилсин бу халқ!



Суриялик болакайни суратини кўриб:

Кўриб бу суратни бўлди тилим лол,
Бир нарса дейишга қолмади мажол.
Ўзимни юпатиш учун сўрайман,
Тилимга келгани фақат бир савол.
«Болажон не эди, сенинг гуноҳинг?!
Дилимни ўртайди, ғамгин нигоҳинг!»

Қани имон айтинг, қаерда инсоф?,
Инсон ҳаққи дея, урмангизлар лоф.
Бечора боланинг айби нимадир,
Нега тинмайди бу уруш, ихтилоф?!
Болажон не эди, сенинг гуноҳинг?!
Одилу Қодир Зот, Ўзи Гувоҳинг!

Бу қандай юрт ахир, бу қандай диёр,
Тугамайди жанглар, фуқароси хор?
Қачонгача ноҳақ қонлар тўкилар,
Нима қилиш керак, қандай чора бор?!
Нега юзларинг қон, недир гуноҳинг?
Қуриб битсин барча, Амиру-Шоҳинг!

Бегуноҳ, навниҳол, гўдак болалар,
Шу юртнинг боғида унган лолалар.
Мажруҳдир миллатнинг келажаги ҳам,
Гўдаклар қилмоқда бугун нолалар.
Ноҳақ жабр кўрдинг, йўқдир гуноҳинг!
Йиғлатди қалбимни, дилдаги оҳинг!

Қуриб битсин эди, бундай сиёсат,
Бўлмаса адолат, ақл-фаросат.
Ечим тополмаса бу муаммога,
Казо-казолару, қанча раёсат.
Болажон йўқ эди, сенинг гуноҳинг!
Бу сўзга гувоҳдир, ёлғиз Илоҳинг!

Виждони пок бўлсин, бўлса Юртбоши!

Аслида бу халқдан, ҳеч ким ҳеч қачон,
Сўрамаган “Подшо ким бўлсин”?, дея.
Ким подшо бўлишин, халқ билмас ҳамон,
Ким бўлса, инсофи бўлса майлия.

“Қуёшга ўхшайди, Ленин бобомлар”,
Дея куйлагандик ёшлигимизда.
Истиқлол қуёши қолди “чарақлаб”,
Лениннинг “қуёши” қолмади бизда.

Кейин куйлатишди “серқуёш” куйин,
Калтаклар остида куйладик ночор.
Жонга тегди сохта «қуёшлар» бари,
Сохта “қуёш”лардан, бўлдиқку безор.

ИАКни денгизга менгзашди энди,
Шоирлари маддоҳ, бечора элмиз.
Бошга бало бўлди, кошкийди тезроқ,
Оролдек қуриса энди, бу “денгиз”!

Керакмас “қуёшу”, “денгиз” даҳолар,
Бас энди, қурисин элнинг кўз ёши.
Бизга бир инсофли одам бўлса бас,
Виждони пок бўлсин, бўлса Юртбоши!

Эй халқим, бас энди уйқудан уйғон!

Тарихинг тўладир шавкату шонга,
Урушлар ноҳақдан тўкилган қонга,
Бугун зор бўлдингку бир парча нонга,
«Ўзбек, ўзига-бек» дегани ёлғон.
Сохтадир тарихлар, сохтадир унвон!

Қани халқлар аро, қадру-қимматинг,
Қирғизларча йўқми сенинг ҳимматинг,
Ўзинг тикламасанг номус, ҳурматинг,
Темур билан кетган, барча шараф-шон.
Эй миллат, ўзинга беклигинг ёлғон!

Заминингда ҳоким зулм истибдод,
Асрлардан буён қилаяпсан дод,
Билсанг келажагинг бўлмоқда барбод,
Нега бу зулмга қилмайсан исён?!
Эй халқим, бас энди уйқудан уйғон!

Дунёда ўз ўрнинг, қадринг бўлмаса,
Судхўрлардан олган қарзинг бўлмаса,
Ё исёнга тўла қалбинг бўлмаса,
Манзилга етмайин чўқдими карвон?,
Қани қалбингдаги диёнат, имон?!

Ўйласам, кўзларим тўлади ёшга,
Ачинаман барча қавму-қардошга,
Менинг хитобим шу ҳар ватандошга,
«Бугунги ҳолинга қоламан, ҳайрон!
Дунёю охират бўлмасин вайрон!»

Ё Раб, Ўзинг нажот бер

Ўтган қадим замонда, дерлар одам бўлган хор,
Ким кучли бўлса фақат, шунга бўлган омад ёр,
Хўш, бугунги аҳволчи, фарқи бормикан бирор,
Ким айтар бугун қонун ҳамма жойда устувор?!

Бугун дунёга боқиб, бўламан ҳайрону лол,
Ким нима истаганин қиляпди бемалол,
Ҳеч нарса ўзгармаган, ўша-ўшадир аҳвол,
Доимо ҳақ бўлади кимда куч ва қудрат бор.

Инсон ҳаққи ҳақида, гапиришлик одатдан,
Бу ҳам ўзига хос бир ҳийлаю адоватдан,
Казо казолар доим лоф урар адолатдан,
Адолатни топмайсиз, қонунлар қатор-қатор.

Бани Одам бир қисми, яшамоқда армон йўқ,
Қолган аксариятин уйда, ейишга нон йўқ,
Манфаатдан бошқа бир, мувозанат, мезон йўқ,
Омади кулган бойлар, камбағаллар, хору-зор.

Фарқини тополмассан, қайсида бордир инсоф,
Атеист, бутпарастми, насороми дини соф?
Ёки кўрфаз шайхлари, қилсалар пулни исроф,
Нима фарқи бор айтинг, мушрик, атеист, диндор!

Халқаро қонунларни гапиришдан толмаслар,
Лекин уни ўзлари бир пулга ҳам олмаслар,
Ошқора мунофиқлик қилишдан уёлмаслар,
Нега бу казобларга итоат қилмоқ даркор?!

Демократия дегани, оламшумул мезондир,
Унинг мавжудлиги ҳам ҳамма англари, ёлғондир,
Ғарб бунга содиқ деган, кимса ҳали нодондир,
Ҳайрон бўлмай илож йўқ, кимки қилса эътибор.

Талаб шу мустабидлар унга бўйсуниб турсин,
Қил деган ишни қилиб, жим деганда жим юрсин,
Бундай мустабид майли ўлгунча қандин урсин,
Итоатсиз мустабид оқибати бўлар дор.

Бу ёлғонларни кўриб, англаб, қотади бошим,
Аламлидир мен учун, хор бўлсалар диндошим,
Яратганга юзланиб, оқар кўзимдан ёшим,
“Ё Раб, Ўзинг нажот бер, Ўзинг Олий Ҳукмдор!”

Умарга атаб;

Дунёнинг ишларини, ўйлаб сураман хаёл,
Ақлим етмас тагига, жавобсиз қолар савол,
Бу айтмоқчи бўлганим, бир насихат эҳтимол?,
Бу шеърим бошқаларга, асло келмасин малол!

Бордир бир қадрдоним, узоқларда.., Ватанда,
У билан алоқани, қилган эмасмиз қанда,
Одамзодга ҳар турли, синов келар эканда,
Шу биродарда бугун, иккита «жуфти ҳалол».

Аёлларнинг фитнаю, фасодларин сони йўқ,
Уларни ислоҳ қилиш, мутлақо имкони йўқ,
Ўйламанглар буларни, «динсизу-имони йўқ,»
Ўзларича ҳар бири гўё, «тақводор аёл»

Катгаси талаб қилар, кундошидан эътибор,
Кичик эса катгага, эгилишдан қилар ор,
Оилада ҳар куни, битта муаммо таёр,
Ўртада шайтон қози, ҳеч тугамас қилу-қол.

Ҳар бирининг ўзича, бордир “далил-исботи”,
Кеча-кундуз адоват, ичра ўтар ҳаёти,
Қандай чидайди бунга, айтинглар эркак зоти?,
Одамзоддан азизми, уй-жой ёки, давлат мол?!

Турли жанжал тўполон, ойлар-йиллар ўтмоқда,
Бу омонат ҳаётнинг, тугаш вақти етмоқда,
Аёллар фитнасидан эрнинг боши қотмоқда,
Кимга керак айтинглар, булардек «соҳибжамол»?!

Қани сизларда тақво, айтинглар, инсоф қани?,
Ўткинчи дунё ғамин, англари дили-соф қани?,
Тақво ҳақида доим, ураётган лоф қани?,
Бир бирини отишга, тиллар заҳарли қурол!

Дунё бўйлаб қаранглар, қанча юртлар вайрондир,
Юз минглаб мусулмонлар, сарсону-саргардондир,
Одамлар тинчликга зор, истаги парча нондир,
Буларга қиёс қилсанг, уятмасми бу аҳвол?!

Муслима зиммасида, муслима ҳаққи бордир,
Бир-бирига адоват, қилишлари бекордир,
Амал қиласизми-йўқ, сизларда ихтиёрдир,
Гап уқмасга бир гапни, англатиш амри-маҳол!

Шу нарсани унутманг, эрни ранжитиш ҳаром,
Жаннатни топмас аёл, эрни қилмай эҳтиром,
Бу динимиз талаби, буни шарт қилган Ислом!
Адовату ҳасаддан, ҳаргиз топмасиз камол!

Кўп сурати зеболар, сийратин англамаслар,
Ислом аҳкомларини, ҳикматин англамаслар,
Пайғамбар аёлларин, ибратин англамаслар,
Қаранг тарихда бордир, қанча ибратли мисол!

Сизга тилагим шайтон, сизлардан узоқ бўлсин,
Дунёдан кетар пайти, юзларингиз оқ бўлсин,
Ўтгани ўтди энди, сизга бир сабоқ бўлсин,
Тинч яшангларда энди, тинч юрсин “бечора чол!»

Бугун неъмат қадрига, етмаганлар зор бўлар,
Нафрат «кўр» қилган кўзлар, очилар бедор бўлар,
Эрин ноҳақ хорлаган, аёл бир кун хор бўлар,
Неъмат қадрига етинг, топмасдан олдин завол!

Бир-бирингизга асли, билсангиз ғанимат-сиз,
Ўзгани ҳурмат қилинг, истасангиз ҳурмат-сиз,
Қилсангиз яхшилиқни, қилмангизлар миннат-сиз,
Ҳабата бўлар амал, миннат қилинса дарҳол!

Ҳар бандога аввало, инсоф-имонни берсин,
Адолат, бағрикенглик, тоза виждонни берсин,
Мўминларга ҳам кулиб боқар замонни берсин,
Ўша пайтда сиз билан, гаплашамиз бемалол!

Ватаннинг баҳорин соғиндим

Бу юртнинг баҳори, эмасдир баҳор,
Бу юртда баҳорда, бўлар қаҳратон.
Бу ерда кўкламда, ёғиб турар қор,
Қовоғини солиб, хўмраяр осмон.

Изламанг Наврўзда, сумалак, ялпиз,
Изғирин шамолда баҳор нафасин.
Уйғониш сезмассан, юрагинг ҳиссиз,
Эшитмайсан тонгда қушларнинг сасин,

Шундай маконларда топганмиз паноҳ,
Баҳору — ёзи йўқ, фақат қиш тамом.
Ватаннинг баҳорин соғиндим, эй воҳ,
Бу қандайин жазо, қандай интиқом?!

Бўлмас

Махтимқули ҳар сурати зебога,
Боқмагил аларнинг поёни бўлмас.

Махтимқули

Қачон одамзоднинг кўнгли жам бўлар?,
Наҳотки, чеккани доим ғам бўлар?,
Нега ҳар тўқисда, бири кам бўлар?,
Наҳот камолотнинг имкони бўлмас?!

Шундай яралганми азалдан дунё,
Кўрармиз тақдирда битганни раво,
Бўлмайдимиз ҳаргиз сурати зебо...,
Сийрати ҳам гўзал, нуқсони бўлмас?!

Доим интилишда яшар одамзод,
Бир куни ғам чекар, бир куниси шод,
Барибир умрининг ҳосили барбод,
Наҳотки, ҳеч нарса поёни бўлмас?!

Ҳаққинг борми

Дунёда қон йиғлаб турар мўминлар,
Янграйди чор тараф, фиғону — унлар,
Сен фароғат ичра, яшаб, шу кунлар,
Буни ҳам билишга, ҳаққинг борми айт?!

Уммат ичра сонсиз, муаммо бордир,
Қанча мустаъафин, неъматга зордир,
Ватанда диндошинг, зиндонда хордир,
Сен ўйнаб — кулишга, ҳаққинг борми айт?!

Борми орзуларинг чеки, қирғоғи?,
Дилингда матлабинг, аёл қучоғи?,
Тилингда тушмайди, Афғонни тоғи,
Сени бу улушга, ҳаққинг борми айт?!

Азоблар чекмоқда кўп ватандошинг,
Оғритганму сени, бу қайғу бошинг?,
Ҳар йил тавоф этиб, Каъбани тошин,
«Ҳожака» бўлишга, ҳаққинг борми айт?!

Мен бу йўллар ғамин, қилмадим канда,
Бу ғамлардан асар, кўрмадим санда,
Тақво иддаоси, гарчи йўқ манда,
Сен буни қилишга, ҳаққинг борми айт?!

Карвон

Узоқ, манзил сари, йўл олди Карвон,
Йўлин харитаси ошкор эмасдир.
Йўл бошловчи бўлди, бир неча Сарбон,
Лекин, бир — бирига, дўст — ёр эмасдир.

Барчаси, бир – бирин, айбини очар,
Йўлига тиканли симларни сочар,
Эл кимга эргашар, ё кимдан қочар?,
Ҳеч ким мулоқотга, тайёр эмасдир.

Ватанда мустабид ҳукм сурмоқда,
Ушлаганин қамаб, тепиб урмоқда,
Оролдек, шўримиз ҳам қуримоқда,
Ҳеч кимса бунчалик қаттол эмасдир.

Миллатга етишди, туганмас зиллат,
Наҳотки, бедаво бўлса бу иллат?,
Жарликга қуларми энди бу миллат?,
Раҳнамолар зийрак, ҳушёр эмасдир?!

Уларга телмуриб турар оломон,
Булар ўз жойидан, жилмади ҳамон,
Ўзаро иттифоқ бўлмаса ёмон,
Ким борки, булардан, безор эмасдир?!

Бу жанжал можаро битгай-му, айтинг?,
Бу Карвон манзилга етгай-му, айтинг?,
Орадан ихтилоф кетгай-му, айтинг?,
Наҳотки бир чора, йўл бор эмасдир?!

Эл тақдирин ўйлаб, кўнгил вайрондир,
Нима қилиш керак, ҳамма ҳайрондир?,
Балки, қиёматга яқин қолгондир?,
Бу парокандалик бекор эмасдир?!

Юким оғир дема

Юким оғир дема, ҳолим танг дема,
Сендек хону-мондан айрилганлар кўп.
Ота – онам йўқдир, эҳ аттанг дема,
Бу каби имкондан айрилганлар кўп.

Ғаниматдир ҳаёт, яшанг унутмай,
Барчаси тугайди ҳали кўп ўтмай,
Вақтида неъматни қадрига етмай,
Дардига дармондан айрилганлар кўп.

Балога учрасанг кўрма бировдан,
Ўтолмас хачирлар учқур бедовдан,
Сабр этиб ўтолмай турли синовдан,
Дўсти қадрдондан айрилганлар кўп.

Тарк этмай ҳаромни, кайфу сафони,
Ўз аҳлига бериб жабру — жафони,
Унутиб оқибат, меҳру — вафони,
Дилрабо жонондан айрилганлар кўп.

Қаранглар қул бўлиб нафси — ҳавога,
Шак келтириб ҳатто, қодир Худога,
Оқибат берилиб, кибру — ҳавога,
Мансабу унвондан айрилганлар кўп.

Дунёнинг матоси дунёда қолар,
Бунга ақли етган кас ибрат олар,
Ногаҳонда ажал келиб чанг солар,
Ажал етиб жондан айрилганлар кўп.

Яшаймиз доимо биз ғафлат аро,
Оқибат бўлмасин юзимиз қаро.
Бу тугамас фитна, битмас можаро..,
Ичра, дин — имондан, айрилганлар кўп.

Шоирман дейишга, ҳаққинг йўқ сени

Эл дардин ёзмасанг, шоирлик қилиб,
Золимни мақтасанг, кимлигин билиб,
Элинг қон йиғласа, яшасанг кулиб,
Шоир бўлмоқликга ҳаққинг йўқ сени.

Мустабид бўлса бир, номард ҳароми,
Бузилса адолат, инсоф низоми,
“Халқ шоири” бўлса, маддоҳлар номи,
Шоир бўлишликга, ҳаққинг йўқ сени.

Шоир миллат учун, бўлар, номус – ор,
Тинчимас, адолат топмаса қарор,
Тунлар эл ғамида бўлмасанг бедор,
Шоирман дейишга, ҳаққинг йўқ сени!

“Одам бўлсанг агар, демагил “одам”,
Кимда гар бўлмаса, эл ғамидин — ғам”,
Бу сўз бир ажойиб, мезон бизга ҳам,
Бошқа сўз дейишга, ҳаққинг йўқ сени!

Халқ севган шоирлар бўлган ҳар замон,
Гарчи, олмасада ҳеч қандай унвон,
Шеърлари ўқилар, эсланар, ҳамон,
Улардек ҳурматга, ҳаққинг йўқ сени!

Замонасоз бўлсанг, мунофиқ, маддоҳ,
Золимлар қўлида қўғирчоқ, гумроҳ,
Нима десанг — дегил, лекин, бўл огоҳ,
Шоирман дейишга, ҳаққинг йўқ сени!

Мурсийни маломат қилар ҳизбутлар

Бугун Ислом нурун, босган қора тун,
Умнатга пешволик қилар манқуртлар.
Ўзин диндошига ачинмас нечун?,
Мазлумлар қалбини тилар ҳизбутлар?!

Бугун олам аро, зулмат ҳукмрон,
Умнатнинг танасин, кемирар қуртлар.
Адолат йўлинда берсалар ҳам жон,
Ихвонни маломат қилар ҳизбутлар.

Ихвонларни қилди ўлимга ҳукм,
Фиръавнга “имон келтирган” Судлар.
Уларнинг ёнини олмади ҳеч ким,
Аксинча, ортидан кулар ҳизбутлар?!

Мазлум биродари кўздан тўкар ёш,
Бунга хурсанд бўлар, кофир, яҳудлар.
Диндоши ғам чекса, қайғурмас диндош,
Наҳотки, исломда булар, ҳизбутлар?!

Дунёга ҳукмини ўтказар куфр,
Улар соясида яшар бебурдлар.
Наҳот қалбларига урилган муҳр?,
Наҳотки, шунчалик бўлар ҳизбутлар?!

Дунёнинг эгаси ягона Аллоҳ,
Барибир мағлубдир, санамлар, бутлар.
Шунчалик бўларми, адашган, гумроҳ,
Мурсийни маломат қилар ҳизбутлар?!

Ўз аслинга қайтгин энди, эй Туркистон!

Одам Ато, Момо Ҳаво, яралгандир,
Фарзандлари ер юзига таралгандир.
Демак, одамзотни, ота-онаси бир,
Бир-бирига қариндош деб, қаралгандир.
Ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, Тожикистон,
Буларнинг номи аслида бир — Туркистон!

Сомонийлар қилди Хилофат хизматин,
Ғазнавийлар кўтарганди дин иззатин.
Хоразмшоҳ, Амир Темур замонида,
Кўрсатди дунёга туркийлар қудратин.
Мозийни титратган эдинг сен бегумон,
Бугун аҳволинг қара, эй, Туркистон!

Мўғулларга мағлуб бўлиб, йўқолмадинг,
Руслар босиб олганида қочолмадинг.
Турли миллат элатларга бўлингансан,
Ҳеч адоват тугунларин ечолмадинг.
Аждодларнинг орзулари бўлди армон,
Мақсадинг етолмадинг ҳеч Туркистон.

Лойиқ зурёд бўлолмадик, боболарга,
Қаранг бизга мерос бу можароларга.
Тили, дини, тарихи бир, эл-элатлар,
Чек қўйсинлар энди миллий низоларга.
Турклар яна бирлашмоққа борми имкон?!,
Ўз аслинга қайтгин энди, эй Туркистон!

Тилинг, дининг, аслу наслинг замонинг бир,
Тўйу-аза, дўсти-душман ёмонинг бир.
Бир тупроқда, бир дарёдан озиқланиб,
Истайсанми йўқми, йўлинг, карвонинг бир.
Асрлардан келаётган улуғ карвон,
Келажакка элтгувчи йўл бу — Туркистон!

ИШИД жаллодлари бир мусулмонни дарахтга боғлаб қўйиб пичоқ билан сўйганини кўриб;

Не кунларга қолдик биз
Қудратли Парвардигор?
Шунчалик қонхўр бўлиш,
Мумкинми одам зинҳор?
Иблис биздан мутлақо,
Устунликга эришди.
Мўминлар бир бирини,
Қиришликга киришди.
Нафрату адоватнинг,
Охири борми ё Раб?
Мен даҳшатга тушдим бу,
Жаллод ишига қараб!
Қанчалик жиноятлар,
Дин номидан қилинар.
Ким диндору ким динсиз,
Энди қандай билинар?
Мужоҳидман деганлар,
Мусулмонни сўйишар.
Мақтаниб бу ишини,
Интернетга қўйишар.
Оламга кўз кўз қилиб,
Кўрсатишади ким зўр?
Қилган жиноятдан,
Ҳатто, бўлишар мағрур.
Пичоқ билан мўминни,
Сўйишлик, бу исломми?
Мўминга ҳурмат шуми,
Шу лойиқ эҳтиромми?
Нималар бўлаяпти?
Бугун телба дунёда.
Борган сари адоват,
Тафриқалар зиёда.
Иблис ислом аҳлини,
Қул қилдими ўзига.
Аллоҳ амрини қўйиб,
Киран Иблис сўзига?
Қўрқмайдими мўминлар,
Мўминларнинг қонидан?
Бир бирин қонин тўкиб,
Жудо қилар жонидан?
Кошкиди дин номидан,
Қирилмаса одамлар.
Кошкиди дин аҳлига,
Тушмаса бундай ғамлар.
Динимизни динсизлар,
Қилишмоқдалар бадном.
Лекин, бу жаллодларга,
Алоқаси йўқ, Ислом!

Кечикди

Не эзгу ниятлар етим қолдилар,
Вақтида келмади имкон кечикди.
Орзулар кўнглимга қўлин солдилар,
Келмади, мен кутган замон кечикди.

Соғинчнинг йўллари бунчалик узун,
Бир тотиб кўрганлар билади тузин,
Армон дарёсида чўмилиб, маҳзун,
Манзилга етмадим, карвон кечикди.

Бир бирини қувиб ўтмоқда йиллар,
Билмадим, қаерга элтар бу йўллар,
Бахт тилаб дуога очилди қўллар,
Лек у ҳам келмади ҳамон, кечикди.

Ўзимдан мен рози эмасман ўзим,
Чунки, ўзимга ҳам ўтмайди сўзим,
Шу аҳволда бир кун юмилар кўзим,
Мен кутган давр ила даврон кечикди.

Яҳудларга;

Гўдакларни қираётган, яҳудларга ҳайронман,
Сиз ҳам имон келтирганми, қиёматда сўровга?!
Мусавийлик иддаосин қилаётган каззоблар,
Аввал ўзинга ур тиғни, оғримаса бировга!

Фаластинлик биродарлар, Аллоҳ мададкор бўлсин,
Сабр тоқат айладинлар, қанча оғир синовга.
Инсонийлик қиёфасин йўқотган эй махлуқлар,
Ахир ўзинга ур тиғни, оғримаса бировга!

Етмасмиди қамалдаги ғам ташвиши ўзига,
Тўлдирдинлар ошенини ўқлар отиб оловга.
Қандай қарайсизлар уйда фарзандингиз кўзига,
Тиғни ўзингизга уринг, оғримаса бировга!

Бинямин малъун бўлиб, тарихда қолди то абад,
Раҳм этмади гўдакларга, бош тўлсада қировга.
Шунча мўмин мусулмонни қатл қилган номардлар,
Ўзингизга уринг тиғни, оғримаса бировга!

Пойдевори чиригандир, давлатингиз яҳудлар,
Яқин қолди саройингиз бошингизга қуловга.
Яна сизга ватангадо, дарбадарлик бошланур,
Ахир ўзинга ур тиғни, оғримаса бировга!

Етар энди, бас қилинлар, фитналарни тўхтатинг,
Бирор кимса йўқми сизни қулоғингиз буровга?!
Умнат бир кун қасос сўрар бу тўкилган қон учун,
Ўзингизга уринг тиғни, оғримаса бировга!

Олтмиш олти йилки, тинмай зўравонлик қиларсиз,
Таёр туринг, барчасини товонини тўловга!
Фаластиннинг заминида бир кун тугар ихтилоф,
Ўзинга ур тигни золим, оғримаса бировга!

Бугун уммат уйғонмоқда, ҳаловати йўқолган,
Бир кун сиздан жавоб сўрар, барча азоб қийновга.
Унутманглар, золимларга раҳму шавқат бўлмайди,
Бугун ўзинга ур тигни, оғримаса бировга!

Инсон билмас

Инсон зоти билолмас қачон,
Келишини, хавфу хатарнинг.
Қаранг тақдир экан ногаҳон,
Зиндонига тушдим Қатарнинг.

Асли улуғ мақсадни кўзлаб,
Чиққан эдим ушбу сафарга.
Афсус, қайтиб келдимку бўзлаб,
Эришолмай мақсад, зафарга.

Қамадилар миршаблар ушлаб,
Билолмайин қолдим гуноҳим.
Ўтиргандим хотирим хушлаб,
Бу қандай кўргулик Илоҳим?!

Бу турмада, бошқа манзара,
Озон саси янграр эрталаб.
Ҳамроҳларим жўнаб кетишган,
Мен ётибман осмонга қараб!

Аччиқ хотиралар уйғонди,
Боғлиқ бўлган шу тикан симга.
Бир аланга дилимда ёнди,
Таниш ҳислар тушди эсимга.

Хуллас, калом уч кунлик умрим,
Ўша ерда, турмада ўтди.
Аламимдан ғазабдан танзим,
Ҳолсиз бўлиб, ақл ҳуш кетди.

На адвокат, на терговчи бор,
На бир кимса, сўрарга ҳолим.
Бу аҳволга бўлмаган дучор,
Тушунмайди менинг аҳволим.

Уч кун ўтгач олиб боришди,
Қаергадир қозикалонга.
Уни кўриб ичим ёришди,
Ўхшар экан мулла, эшонга.

Оқ рўмоли устидан қора,
Ипни боғлаб олибди бошга.
Оппоқ кўйлак кийиб, бечора,
Чидаб яшар иссиқ қуёшга.

Менга назар солиб, бир замон,
Кейин “ухруж” деди, бу қози.
Хуллас, “айби йўқ” дея фармон,
Чиқарибди лекин, мен рози.

Дема; “қайси хатоим учун,
Турмасига тушдим, Қатарни?”
Тақдирга тан бермассан нечун?,
Оқ қилмади, сенга сафарни!

Яна икки кун сарсон бўлдим,
Ўша ерда Тайёрагоҳда.
Учолмадим Жиддага, қолдим,
Тангрим аҳволимдан огоҳда!

Охир қайтиб келдим уйимга,
Эсон омон алҳамдулиллоҳ.
Бошқа пайти бораман ҳажга,
Насиб этса Яратган Аллоҳ!

Аллома Юсуф Қарзовийга;

Бугун уммат йўл тополмай сарсон бўлди,
Барча ислом диёрлари вайрон бўлди.
Шундай пайтда бу умматга йўл кўрсатиб,
Юсуф Қарзовий умматга сарбон бўлди.
Аллоҳ сизга мадад берсин, қувват берсин!
Ҳузуридан битмас илму ҳикмат берсин!

Сизга эргашди барча дин пешволари,
Тинмасада иғвогарлар, иғволари,
Маломат тошини отар, лекин тинмай
Бугун турли фирқаларнинг расволари.
Аллоҳ сизга ҳузурида ҳурмат берсин!
Икки дунё азиз қилсин, иззат берсин!

Бу умматга раҳнамолик, осон эмас,
Чор тарафдан келар душман бир ён эмас.
Қирқ йил бўлди, бу мафкура майдонида,
Мужоҳидлик қилганингиз ёлгон эмас.
Дарёдек кенг дилингизга ҳиммат берсин!
Буюк курашда туганмас журъат берсин!

Хизматингиз камситмоқда бу ғаддорлар,
Ҳали танитайди сизни, кўп диндорлар.
АҚШ билан Европанинг давлатлари,
Сизга қарши турибди барча куффорлар.
Сизга Роббим ҳимоят нусрат берсин!
Улуғ кураш йўлида, куч қудрат берсин!

Тарихда кўп ўтган холис уламолар,
Ҳақни айтиб жонни берган раҳнамолар.
Ҳақ йўлида собит туриш осон эмас,
Сиздек жонфидолар бугун камнамолар.
Роббим сизга мағфирату раҳмат берсин!
Охирада мангу иззат, жаннат берсин!

Қисмат шу эканда холис мусулмонга,
Бутун умри дучор бўлар имтиҳонга.
Бағишладим шу шеъримни, дуо қилиб,
Ғоибона устозимга, шу инсонга.
Роббим ҳузурида қадр қиммат берсин!
Қадрингизни биладиган уммат берсин!

Т ҳарфидан тузилган сўзлар

Тушимда турмага тушарман,
Тикансим тошдевор тўрт томон.
Тушишга тоқатим тоқ тагин,
Тафаккур таҳтида тик туғён.

Тарақлаб товушлар тинмайди,
Тинмайин, тешгудек тариллар.
Темирдек, тирноқлар титкилаб,
Тўлдирар турфа тур туйғулар.

Тарбия топмаган тўралар,
Тилидан тўрвалар тўкарди.
Тимсоли тимсоҳдек, тошбағир,
Талончи тўхтамай таларди.

Томдан тушар тошу тараша,
Толиб турган теринг тобланар.
Турли туман, тўқсон тиламчи,
Текин томошога тўпланар.

Товонинг тилгудек, титкилар.
Туҳматлардан тонасан такрор.
Тинмайин тургизиб толдирар,
Тешик топилмайди тизгин тор.

Телбадек тикилиб турасан,
Тепангдаги тирқиш томонга.
Тиззагача титроқ туташар,
Титраб турган толдек тананга.

Тилосимотлар таъсири турфа,
Тушунмассан тарона тинглаб.
Талпинасан Тангри тарафга,
Тағин таянч, тараҳҳум тилаб.

Типирчилар тўхтамай тилинг,
Тезде тавба тазарруъ тилар.
Томоғинга тиқилар тутун,
Тугасин тез тутқунлик тугал.

Тараққиёт тўсилди тамом.
Тугамоқда тошу тарози.
Тинчимадик, тугал турмадик,
Тушунарсиз, таъзим тавозеъ.

Тафаккурим талпиниб токай,
Тароватни тополмай, толар?!
Тангрига тинимсиз топинсанг,
Таваккул, тилсими топилар!

Тушингда тутуриқ топилмас,
Тобакай, турарсан титроқда?!
Турмушнинг ташвиши тугамас,
То тирик турарсан тупроқда!

1 август 2014 йил

Тепаликдан тушиш йўли;

Тепаликга чиқаётганда,
Ўйлаш керак қандай тушишни.
Хато қилиб, беҳосдан балким,
Тойиб кетиш, ё йиқилишни.

Тепаликга интилар ҳамма,
Кимлар чиқар, ким чиқолмайди.
Кимлар чиқар ўша чўққига,
Лекин у ҳам мангу қолмайди.

Кўтарилган сари табора,
Жой торайиб, сиқилишади.
Кимлар тўхтар, тушуниб қолса,
Кимлар эса йиқилишади.



Қочоқлар Лагерида туғилган Суриялик болачаларга атаб;

Азиз болачалар, жигарбандларим,
Бахтлари кулмаган, диллари ярим,
Сизлар ҳам аслида менинг жигарим,
Билмаслар ватандан нега узоқлар.
Ватансиз туғилган жажжи қочоқлар.

Юпун танасига эски шол ўраб,
Яшар бу гўдаклар, миллати араб,
Ҳар келган кетганга жовдираб қараб,
Ҳадикдан онасин қўрқиб қучоқлар.
Ватансиз туғилган жажжи қочоқлар.

Ҳали кирмасидан уч тўрт ёшига,
Дунёнинг ташвиши тушган бошига,
Ким қарайди булар кўзин ёшига,
Чодирга сув ташир, ёш қизалоқлар.
Ватансиз туғилган жажжи қочоқлар.

Катгалар ҳасратин тинглашар фақат,
Тушунмас бу дунё нега бешафқат,
Чодир совуғида, кийинар қат қат,
Совқотар, иситмас темир ўчоқлар,
Ватансиз туғилган жажжи қочоқлар.

Мунглиғ кўзларда йўқ, гўдак нигоҳи,
Порлар бу кўзларда дилларнинг оҳи,
Бўлмасада зарра қадар гуноҳи,
Фаровон ҳаётдан буткул йироқлар,
Ватансиз туғилган жажжи қочоқлар.

Кулиб кет

Бу беш кунлик дунё ўтиб борадир,
Келган борки бир бир кетиб борадир.
Тақдирда битилган қисмат азалдан,
Неки битган бўлса етиб борадир.
Ажал етса майли сен ҳам ўлиб кет.
Лекин имон билан, хурсанд, кулиб кет!

Якка Зотдирсан Ўзинг Парвардигор,
Кўп амринга қилолмадим эътибор.
Эътироф қиларман кўпдир гуноҳим,
Мағфиратдан Ҳамма банданг умидвор.
Роббинг меҳрибон Зотлигин билиб кет.
Унинг даргоҳига хурсанд кулиб кет.

Ҳаётим борича хато гуноҳдир,
Барига Яратган Эгам гувоҳдир.
Эртами кеч етар бўлса ажалим,
Гувоҳдирман Аллоҳ якка Илоҳдир.
Роббингни ўзингдан рози қилиб кет.
Ундан ўзинг рози бўлиб, кулиб кет.

Мақсадимга етишга йўқ имконим,
Тугамоқда умрим ҳар ўтган оним.
Бу осий бандага раҳм айла ё Раб,
Имон билан олгил, озурда жоним.
Дилинг хавфу рижа билан, тўлиб кет.
Мағфиратдан умидвор бўл, кулиб кет.

Гарчи бу дунёда ҳеч ким қолмагай,
Бевақт ўлимни ҳеч кимга солмагай.
Қачон ўлишини билмас одамзот,
Кимлар ибрат олар, кимлар олмагай.
Тавба қилиб, гуноҳдан пок бўлиб кет.
Шаҳодатни айтиб, мамнун, кулиб кет.

Дунёда орзуга етмаслик ёмон,
Лекин, етишмоқлик доим даргумон.
Ўзига топширгил таваккал айлаб,
Азиз фарзандингни асрасин омон.
Қадрдонлар ризолигин олиб кет.
Ҳаммасидан рози бўлиб, кулиб кет.

Фаесбукдош дўстларимга;

Бирортасин танимайман ҳеч,
Бирин кетин “дўст”лашган бари.
Мингдан ошиб кетгандир бугун,
Душман ҳам эмасдик илгари.
Бугун биларлар бари сирим,
Менинг фаесбукдош дўстларим!

Бир бировдан олади хабар,
Кимнинг нима қилгани аён.
Кимдан келар хушхабар қувонч,
Кимдан келар шумхабар ёмон.
Кимдир хурсанд ким кўнгли ярим,
Менинг фаесбукдош дўстларим!

Қайси миллат йўқдир бу ерда,
Дунё, гўё кичик бир хона.
Кимни кимлигини билмайсан,
Ким ватандош, кимдир бегона.
Қочиб қолар ўқиб шеърларим,
Баъзи, фаесбукдош дўстларим!

Бу ерда ҳам топилар ҳар хил,
Фирибгарлар, ўғри каззоблар.
Бир бирига тошлар отишиб,
Тилни заҳри билан азоблар.
Доим шунда, олар хабарим,
Менинг фаесбуқдош дўстларим!

Ижод аҳли учун бу манзил,
Ажойиб бир кошона экан.
Гурунглашиш учун ҳамюртлар,
Тўпланган бир “чайхона” экан.
Билиб қолса гар Ислом Карим,
Сизга қийин бўлар дўстларим.

Билинар;

Одамзодни билай десанг кимлигин,
Гапиришдан, юришидан билинар.
Суратидан сийратини англарсан,
Бир кун шўри қуришидан билинар.

Фирибгарлар қасам ичади доим,
Тиржайиб гапирар секин мулойим,
Ҳаётда бир ишни қилолмай қоим,
Номардларча, уришидан билинар.

Ифвогарда асло ҳаловат бўлмас,
Тухматидан ҳеч ким саломат бўлмас,
Виждони қийналиб, хижолат бўлмас,
Фақат зарар беришидан билинар.

Дўстга ўхшар бирор ёрдам олганда,
Оғир кунда, муҳтож бўлиб қолганда,
Бир кун эслатиб, юзига солганда,
Башарани буришидан билинар.

Биров душманликни кутмас дўстидан,
Нобуд бўлар, номардларнинг қасдидан,
Нокас одам бошқаларнинг устидан,
Тухмат қилиб кулишидан билинар.

Даюс эркак, ҳалол бир иш битирмас,
Хотини иш қилар, уйда ўтирмас,
Даюслар ҳеч парвойига кетирмас,
Кўкрак кериб туришидан билинар.

Мақсад нима фақат, ёлғон тўқишдан?,
У бу кимга ялтоқланиб, ёқишдан?,
Тўхтамайди, фойдаси йўқ бу ишдан,
Итга ўхшаб ҳуришидан билинар.

Тугамас доимо таъна маломат,
Каззобда бўларми, имон саломат,
Билмаслиги ҳисоб китоб, қиёмат,
Фитна фасод қилишидан билинар.

Кўплаб одамларда инсоф бўлганмас,
Имон, виждон меъёрини, билганмас,
Эл юрт учун, бирор нима қилганмас,
Эл кимлигин билишидан билинар.

Аллоҳ инсонни тупроқдан ясади,
Тупроққа қўшилар, ўлгач жасади,
Дилидаги адовати, ҳасади,
Сенга душман бўлишидан билинар.

Қиёмат бўлади, бўлма гумонда,
Бунга имон келтирмаслик ёмонда,
Кимлар уқубатда, кимлар омонда,
Қазодаги улушидан билинар.

Яхши амаллари бўлмаса барбод,
Қандай бахтиёр бўларди одамзод?
Охирад не бўлар, барбодми обод?,
Кимни, қандай, ўлишидан билинар.

Овворалик

Бу ҳам бир неъматдир балким, биз учун,
Қадрига ет дўстим, оввораликни.

Бизлар тутолмадик келган “бахт қушин”,
“Қайта қуришликни, ошкораликни”.

Бу кунлар замири, беҳикмат эмас,
Охири ҳам бордир, дилпораликни?!

Авлодларга мерос қолдирмасак бас,
Биздек дарбадарлик, бечораликни.

Ҳаммамиз инсонмиз, ер Аллоҳники,
Олгил ер юзига, “фуқоралик”ни!

Қайда яшасак ҳам, ватан биттадир,
Тополмайсан ўзга сайёраликни!

Яхшими ёмонми, кетамиз бир кун,
Кўрсатмасин мангу юзқораликни!

Қилмаган ишдан лоф уриш мумкинми?

Узоқларда туриб, осмонга боқиб,
Ой ҳақида хаёл суриш мумкинми?!
Куюш тафтин кўрмай, сояда туриб,
Синов майдонида, юриш мумкинми?!

Эҳтиётин қилиб яшаган банда,
Тинч тотув ҳаётни, қилмаган канда,
Эл аро бўлмаган, бадном, шарманда,
Сабр тоқатдан дарс қилиш мумкинми?!

Албатта, инсофга чақириш яхши,
Ҳаддинг сиғса агар бақириш яхши,
Ўзинг қилган ишдан гапириш яхши,
Қилмаган ишдан лоф уриш мумкинми?!

Калтак еб, турмада ётиб кўрмаган,
Тухмат бўҳтон таъмин, тотиб кўрмаган,
Умрида бир ғамга ботиб кўрмаган,
Бировларга баҳо бериш мумкинми?!

Ўтмоқдаман осий бўлиб ҳаётдан,
Умид бор мағфират бирла нажотдан,
Ҳали ўтмай туриб, ҳеч ким сиротдан,
Мағрур бўлиб, кўкрак кериш мумкинми?!

Ўзининг нафсига қилган эътибор,
Англайди қанчалар нуқсон, айби бор?,
Агар бўлса банда, аниқ тақводор,
Ўзгалар устидан кулиш мумкинми?!

Нима дейиш керак, ҳақни билганни,
Лекин, ўзгалар устидан қулганни,
Аллоҳ авф айласа, тавба қилганни,
Кимдадир эътироз, бўлиш мумкинми?!

Кимда кўп, кимда кам эҳтимол, имон,
Яшаймиз чиққунча танамиздан жон,
Аллоҳ қилмай туриб, Ўз ҳукмин баён,
Кимнинг кимлигини, билиш мумкинми?!

Тилакларим

Тилакларим шу, жафокаш халқимга,
Золимлар заволи муборак бўлсин!
Сабр қилдинг дардинг айтмай ҳеч кимга,
Сабрингни камоли муборак бўлсин!

Қалби кўрлар билмас Аллоҳ борлигин,
Ўз ишида Қодиру Қаҳҳорлигин,
Кўринглар мустабидларнинг хорлигин,
Нусрат эҳтимоли муборак бўлсин!

Золим бўлиб ҳақ амрини қилмаган,
Кибр қилиб, ўз ҳолини билмаган,
Аллоҳнинг амрини кўзга илмаган,
Золимлар аҳволи муборак бўлсин!

Мальун мустабиднинг қотгандир боши,
Ботишига яқин қолди қуёши,
Тутмоқда буларни элнинг кўз ёши,
Зоҳим хароб ҳоли муборак бўлсин!

Мустабидлар зурёдидан, ал ҳазар,
Улардан эл бошқа кўрмасин зарар,
Адолат тиклансин, эл қучсин зафар,
Ҳурлик истиқболи муборак бўлсин!

ИШИД тарафидан Тикритдаги ҳарбий ўқув юрти курсантларининг 1700 таси отиб ўлдирганини кўриб;

Бу даҳшатни кўриб дедим; “ё Аллоҳ!,”
Бу қирғинларга Сен Ўзингсан гувоҳ.
Бугун дин номидан тўкилар қонлар,
Қон тўкишлик динда, энг улкан гуноҳ.
Нега булар бунча бешафқат, ё — Раб?!
Қачон тугар экан, бу даҳшат, ё — Раб?!

Шиами ё сунний адашганмиди?,
Ё бошқа ихтилоф, фитна каммиди?,
Асрлардан бери, бу икки гуруҳ,
Қанча қон тўкканин, унутганмиди?!
Қани инсоф, имон, адолат, ё — Раб?!
Ҳалиям ҳукмрон разолат, ё — Раб!

Тахт талашар элни ботириб қонга,
Ноҳақ озор бериб, шунча инсонга.
Дунёга ҳукмрон бўлсанг арзимас,
Шунча зарар бериб динга, имонга.
Шундай бўладими Хилофат, ё — Раб?!
Алдадими Иблис касофат, ё — Раб?!

Қанча мамлакатлар, бўлмоқда хароб,
Ўзаро қирпичоқ, орзулар сароб.
Нега биз йўлимиз топа олмаймиз,
Қўлимизда қуръон бор, нурли китоб?!
Мўминларда йўқдир, куч қудрат, ё — Раб!
Чунки, бирлашмади бу уммат, ё — Раб!

Қибласи, китоби, дини бир уммат,
Парчаланган, қадри бир пулга қиммат.
Ўзаро адоват нафрат тугамас,
Йўқдир бир бирига, иззату — ҳурмат?!
Мўминлар бўлмади, дўст, улфат, ё — Раб!
Кечмади бошидан не кулфат, ё — Раб?!

Океан ортидаги аждаҳо, Шайтон,
Фитна уруғларин сочар ҳар томон.
Тарикдек дунёга сочилган уммат,
Бир бирин аёвсиз қилмоқда қурбон!
Шунчалик кучлими шайтанат, ё — Раб?!
Бу фитначиларга минг лаънат, ё — Раб!

Битта халқ ўзаро, қариндош қардош,
Бир бирин қақшатиб, кесаверса бош.
Ғайридинлар четда гижгижлаб турса,
Диндошига қилич кўтарса диндош.
Қани меҳр шафқат, мурувват, ё — Раб?!
Бизга ҳам келарми бир нусрат, ё — Раб?!

Мустабид даврида “тинч” турган диёр,
Озодликга чиқиб, бўлди хору – зор.
ИАК айтар эди, “Ўзбекистонда,
Мен турганим учун, тинчлик барқарор?!”
Наҳотки, мустабид ҳам “неъмат”, ё — Раб?!
Бунда ҳам борми ё, бир ҳикмат, ё — Раб?!

Ҳаромдир мўминга, мўминнинг қони,
Буни тан олар ким бўлса имони.
Мўминларнинг қадри Каъбадан улуғ,
Беқадр арзонмас инсоннинг жони.
Ўзгарди бу улуғ қадрият, ё — Раб!
Бизга ҳам бер энди офият, ё – Раб!

Даҳшатларни кўриб, адо бўлдим ман,
Бугун, эс — ҳушимдан, жудо бўлдим ман.
Уммат қайғусида куйиб ўртандим,
Бу умматга жони, фидо бўлдим ман.
Сақлагил имоним саломат, ё — Раб!
Яқин қолган ўхшар қиёмат, ё — Раб?!

2014 йил 20 июн

Ўзлигидан воз кечганлар;

Европада яшаб айниб борамиз,
Унутдик ватаннинг урф одатини.
Ўзгаларга боқиб, орзу қиламиз,
Топмоқ улар топган саодатини.

Қайга борманг бугун ўзбеклар дайди,
Европада ёки Америкада.
Миллат руҳи сўниб бормоқда бир бир,
Биз учун бегона бир ёт ўлкада.

Миллат ўзгармайди, сийрат ўзгармас,
Сувратни уларга ўхшатган билан.
Инсон ўзлигидан кечиш керакмас,
Ўзгалар юртида яшатган билан.

Бунда уй супурмас ўзбек келини,
Ёки тандир тўлиб, ёпилмайди нон.
Ҳатто соғинмай ҳам қўйган элини,
Руҳлари айниган қанчалар инсон

Ўзгаларга тақлид қилиб яшайди,
Шу ҳолига яна қилар ифтихор.
Қаранг қандай ҳолга тушди бу миллат,
Қани фаҳм фаросат, қани номус ор?!

Ўзликни унутманг, агар билсангиз,
Ўзлигидан кечиш бу катта иллат.
Ўзгаларга қанча тақлид қилсангиз,
Сизни қабул қилмас, бегона миллат.

Бор эдику ахир, эрк ихтиёринг,
Шуми сен танлаган, дину — диёнат?!
Шулар билан бирга бўлсин мазоринг,
Ўзингни халқинга қилсанг хиёнат!

Бечоралик;

Бас қил, етар энди,
тортаверма оҳ,
Умр деб аталмиш,
қисмат йўлида.
Сенда ҳам менда ҳам,
йўқдир ихтиёр,
Оқибатул амр,
Қазо қўлида.
Қочган ҳам қувган ҳам,
Дейди ё Аллоҳ.
Ҳаммамиз қочамиз,
кимдан, нимадан?
Олдимизда ажал,
бўлинглар огоҳ.
Ҳаммани чиқарар,
Бу кенг кемадан.
Иродаи азал битиб қўйилган,
Уни ўзгартириш

асло имконсиз.
Неки бўлса демак,
тақдир шу...,
Шундай яшаш керак,
армонсиз.

Соғинч ғами

Узун тунлар, совуқ кунлар,
Ҳеч дилимиз ёришмайди.
Изғиринлар тортган унлар,
Ғам куйидан қолишмайди.

Яшармиз дард чекиб бунда,
Биз ҳам ватангадолардан.
Бегонамиз бу заминда,
Юрак бағри адолардан.

Булут босган осмон каби,
Кўнгил доим қоронғудир.
Ватанни қўрмоқ матлаби,
Дилдаги битмас қайғудир.

Карвон

Қайга кетаяпди бу карвон,
Манзил узоқ, йўллар чироқсиз.
Йўлда хавфу хатарлар тўла,
Булар эса, курул яроқсиз.

Тайини йўқ карвонбошини,
Сарбонию сарбози гумроҳ,
Ташлаб кетар, ватандошини,
Бир хатарга учраса ногоҳ.

Йўл юради карвон, оч наҳор,
“Оз қолди” деб, алдайди сарбон.
Йигирма беш йилки, сафарда,
Манзилига етмади карвон.

Қисмат

На хотирда жамлик бор ва на кўнгилда ором,
На ҳаётимда завқ бор, гарчи этмоқда давом,
На армонлар ечилди, на келажак қилди ром,
Билмадим қисмат мендан олмоқдами интиқом?!

Дунёсида бахт таъмин тотганлар бўлса айтсин,
Дарду ғам шаробидан тотганлар бўлса айтсин,
Дунёни охиратга сотганлар бўлса айтсин,
Қисматга норизолик бизга ҳалолми ҳаром?!

Тополмасанг ҳаётда ўрнингни излаб зинҳор,
Қани қадру қимматинг, ё элингдан эътибор?,
Орзу қилиб интилдим, бўлмади ҳеч толеъ ёр,
На бир тақвони топдим, на дилимга дилором?!

На ватанда қўним бор, на ғурбатда ҳаловат,
Ҳукмрондир дунёга, адовату, разолат,
Ҳаётда бор барибир мувозанат, адолат,
Тополмайди одамлар гарчи излашар мудом.

Йўлин йўқотди башар, олам тўс тўполондир,
Қанча зўравонликлар, қанча мазлум нолондир,
Бугун битта қадрият, оламшумул мезондир,
Агар инсонни инсон, қила олса эҳтиром?!

Шодлик бўлмаса майли, бўлмасин қайғу алам,
Наҳотки ўлмагунча тугамаса асло ғам,
Шуурининг қаърида англамоқда Саҳвий ҳам,
Умрин баҳори ёзи, ўтди, келди куз тамом.

Куз

Хазон урган дарахтлар,
Сарғайибди сўлибди.
Демакки, вақти етиб,
Паймонаси тўлибди.
Тўкилмоқда остига
Сариқ рангли япроқлар,
Кузги шамол дастидан,
Танасида титроқлар.
Ҳорғин боқар атрофга,
Маюс новча новдалар.
Қани кечаги савлат,
Қани улкан гавдалар?
Хазон урган дарахтлар,
Қиш уйқуга чўмади.
Ўтмиш меваларини,
Барин ерга кўмади.
Шу билан баҳоргача,
Ухлар шийдам дарахтлар.
Уйғониш фаслигача,
Маст уйқуда карахтлар.
Шундек одамзоднинг ҳам,
Хазон фасли келади.
Лекин баҳори келмас,
Одам энди ўлади.

Ислом Карим

Одамзотнинг бир омади чопар экан,
Қисматидан кўп ҳикматлар топар экан.
Нима дейсиз энди шўри қуриганлар,
Туянинг устида ҳам итлар қопар экан.
Етимхоналарда ўсган кўнгли ярим,
Ўзбекистон юртбошиси Ислом Карим.

Элни бугун на дини бор, на қонуни,
ИАК ўзи бузаяпти доим уни.
Кўрмаганнинг кўрганлари қурсин экан,
Еб тўймайди касофатлар, қаранг бунини!
Ўтмайдим қариганда тортиб чилим,
Элни вайрон қилди нокас, Ислом Карим.

Даҳрий эди, омад кулиб подшоҳ бўлди,
Лекин, ҳидоят топмади гумроҳ бўлди.
Диндан, диндорлардан нафрат қилди доим,
Қон дарёси ичра сузган тимсоҳ бўлди.
Унинг дини хурوفоту бидъат, ирим.
Исломни душмани золим, Ислом Карим.

Бадбахт бу чол эл бахтини хароб қилди,
Қутган орзу умидларни сароб қилди.
Кимки унга қарши бўлса қамаб туриб,
Турмаларда сон саноксиз азоб қилди.
Бу ҳақида айтишгаям бормас тилим.
Элу юртимиз душмани, Ислом Карим.

Элнинг орасига адоват ташлади,
Ноҳақ қонлар тўқди, кўзларни ёшлади.
Золимлардан безор бўлган, бечора халқ,
Иложини топган қочишга бошлади.
Қорақалпоқларга ибрат бўлди Қрим,
Бунга сабаб бўлди ўша, Ислом Карим.

Мамлакатнинг иқтисоди вайрон бўлди,
Йигитлар иш излаб қанча сарсон бўлди.
Издан чиқди буткул ҳаёт мезонлари,
Ночор халқнинг турмуш тарзи, ёмон бўлди.
Харажатлар бисёр бўлди, йўқдир кириш.
Ўзбек элин хароб қилган, Ислом Карим.

Бу махлуқда на миллат бор, на диёнат,
Миллат бойлигига қилди кўп хиёнат.
Бу даҳрийдан қутулмаса агар юртим,
Қоим бўлар бу юртда ҳам тез қиёмат.
Дунёга жар солаяпман йўқдир сириш,
Қонхўр жиноятчи хоин, Ислом Карим!

Ўттиз миллиондан ошибди аҳолимиз,
Нима бўлар бу кетишда аҳволимиз?
Юртда адолат мезони бўлмас экан,
Қандай бўлар экан эртага ҳолимиз?
Тугаши шарт энди зўравонлик зулм.
Ер ютсину, йўқ бўлсин, бу Ислом Карим!

Шайтон айбдорми инсон айбдор?

Аслида азалдан ростга ўрин йўқ,
Деманглар барига ёлғон айбдор.
Мўминларни эса, бундан кўнгли тўқ,
Чунки, барчасига шайтон айбдор.

Менга тушунарсиз бугунги ҳолат,
Илм ҳукмронми ёки жаҳолат?,
Содир бўлди қанча, зулм разолат?,
Шайтон айбдорми инсон айбдор?!

Жоҳиллар қўлида турибди қуръон,
Демакки, жаҳолат тўла ҳукмрон.
Қотиллар тўксалар бугун ноҳақ қон,
Наҳот бунинг учун, қуръон айбдор?!

Бузулди адолат, қадр мезони,
Ҳалол саналмоқда мўминлар қони,
Шунчалик беқадр бўлса имони,
Куфрдами айб, имон айбдор?!

Қани ҳурмат иззат инсон зотига?,
Суиқасд қилсалар гар ҳаётига,
Ҳаммаси мингандир жаҳл отига,
Балки, бунга охир замон айбдор?

Бунчалик адоват қайда бор айтинг?,
Яхшиям биздамас иқтидор, айтинг,
Эртага ким бўлар айбдор айтинг?
Бугун золим ИАК, ёмон айбдор?!

Нафрат кўр қилганда, имон кўзини?,
Одамзод фаришта санар ўзини,
Ниқоб билан ёпиб асл юзини,
Дунёга дод солар, фалон айбдор?!

Ҳеч киши тан олмас, ўзини айбин,
Ҳақиқат ҳисоблаб гумону райбин.
Аллоҳга ҳавола қилмаса ғайбин,
Демак шу, адоват гумон айбдор?!

Эй уммат, дардинга дармон ўзингда,
Ҳали комил эмас имон ўзингда,
Душманинг четдамас, эй жон ўзингда,
Барчасига ўзинг чунон айбдор!

Ватаннинг қадри

Ватаннинг қадрини қаердан билсин,
Ватандан ҳайдалиб қувилмагунча.
Эркинлик қадрини қаердан билсин,
Турмада калтак еб, урилмагунча.

Имоннинг қадрини билмас одамзод,
Дин йўлида чекмай машаққат фарёд,
Мамлакат ҳеч қачон бўлмайди обод,
Адолат устига қурилмагунча.

Энг олий қадрият бўлолмайди пул,
Буни тушунолмас кимки унга қул,
Буноклик келмайди, ёлғонни буткул,
Тарк этиб, ҳақ тараф бурилмагунча.

Розилик деманглар элни жимлигин,
Бу эл билдирмайди дилни ғамлигин,
Албатта, билмассан кимни кимлигин,
Майдонда бир синаб кўрилмагунча.

Инсон эл дардисиз яшаса ёмон,
Бизлар узмаганмиз умидни ҳамон,
Натижа бўлиши лекин, даргумон,
Сабр тоқат қилиб, турилмагунча.

Душманимга;

Сенинг билан ихтилофдан не фойда?,
Аҳмоқ билан мен тенг бўлиб нетаман?
Қонимга ташна турган, эй душманим,
Сабр қилиб турсанг, бир кун кетаман.

Менга дўқ пўписа қилмай кўяқол,
Тақдирни зарбасин, ҳар кун кутаман.
Аллоҳим истаган нарса бўлажак,
Мард бўлиб яшадим шундай кетаман.

Ўзаро талашсак, кучимиз сарфлаб,
На сен ютасану, на мен ютаман?,
Борар манзилимиз бўлар битта жой,
Сен ҳам кетажаксан, мен ҳам кетаман.

Аслида ҳаммага омонат дунё,
Сен ҳам қолмагайсан, мен ҳам ўтаман.
Сен золим тарафсан, ёки золимсан,
Мен зулмга қарши туриб кетаман.

Жуда чарчаганман, фитна — фасоддан,
Бош қотириб нима фойда этаман?
Ғам чекиб яшадим бир умр лекин,
Ажалим етганда, кулиб кетаман?!

19 июл 2014 йил

Уят лозим мўмин бўлганимизга

Ўзаро ихтилоф тугамас ҳаргиз,
Шундай яшашликга маҳкумдирмиз биз,
Айтинг билиб гуноҳ қилмаганими — Сиз?,
Ҳаммамиз масъулмиз билганимизга!

Шайтон ҳам асли бир баҳона халос,
Васваса инсоннинг фитратига хос,
Амалдан не фойда бўлмаса ихлос?,
Азоб бўлса амал қилганимизга?!

Кўшнинг оч турганда, сен ўтирсанг тўқ,
Сенда мўминликдан мутлақ асар йўқ,
Мен огоҳлантиряпман, қилмаяпман дўқ,
“Ҳисоб китоб бўлар кулганимизга!”

Қани мезон бугун қани бир инсоф?,
Доим дин номидан урапмиз лоф,
Агар имон билан бўлмаса дил соф,
Уят лозим мўмин бўлганимизга.

Қаёққа қараманг тўкилмоқда қон,
Ким учун одамлар бермоқдалар жон?,
Манфаат кўрмаса биздан бир инсон,
Ким ҳам ачинарди ўлганимизга?.

Қўрқмайман

Мен қудратли душманимдан қўрқмайман,
Жонимга ташна ғанимдан қўрқмайман.
Ҳаммамизга омонатдир бу дунё,
Бир кун чиқар жон танимдан, қўрқмайман.
Мен ҳақ йўлни билмагандан қўрқаман.
Мен Худодан қўрқмагандан, қўрқаман.

Агар бўлмаса бир мезону, қози,
На бандаси бўлар, на Худо рози,
Шунинг учун бу дунёда азалдан,
Ҳар нарсада бордир, тошу – тарози,
Билиб амал қилмагандан қўрқаман.
Мен Худодан қўрқмагандан, қўрқаман.

Пистирмадан яшириниб отар тош,
Кошки, майдонда мард бўлиб, ёрса бош,
Номардлигин ўзи яхши англайди,
Доим қўрқиб яшар бўлишидан фош,
Мен виждони бўлмагандан қўрқаман.
Мен Худодан қўрқмагандан, қўрқаман.

Бундай нокас билан йўқдир эҳтимол,
Бир нарса қилишлик, виждонан ҳалол.
Қалбида мезони бўлмаган нокас,
Тухмат бўҳтон гаплар қилар бемалол.
Мен инсофи қолмагандан қўрқаман.
Мен Худодан қўрқмагандан, қўрқаман.

Мард одамда ғурур, номус — ор бўлар,
Нокаслар бу сифатларга зор бўлар.
Инсоният тарихида кўп ўтган,
Номард кимса икки дунё хор бўлар.
Мен бир назар солмагандан қўрқаман.
Мен Худодан қўрқмагандан, қўрқаман.

Бу ҳаётку майли, тезда ўтади,
Барча нарса охирига етади.
Лекин, охиратда мангу ҳаёт бор,
Энди инсон мангуликга кетади.
Мен бир ибрат олмагандан қўрқаман.
Мен Худодан қўрқмагандан, қўрқаман.

Мумкин эмас дунё каби кенг бўлмоқ,
Пасткаш, номард, фирибгарга тенг бўлмоқ.
Бунинг мисли гўё, лўли аёлнинг,
Кийган йиртиқ кўйлагига энг бўлмоқ.
Тухмат қилиб толмагандан қўрқаман.
Мен Худодан қўрқмагандан, қўрқаман.

Ғазога атаб;

Ғазо аҳолиси бир ярим миллион,
Уч тарафи қўрғон, бир тараф уммон,
Гўё бир қамоқда яшар оломон,
Ҳар куни ўлмоқда, қизи боласи.
Олтмиш олти йилки, тинмас ноласи.

Дунёга насоро бўлганда ҳоким,
Сарсон яҳудларга ачинди балким,
Фаластин ерини қилишди тақсим,
Деворга ўралди ери даласи,
Олтмиш олти йилки, тинмас ноласи.

Бугун бу умматда, куч иқтидор йўқ,
Парча парча бўлган, азму қарор йўқ,
Ғазо фарёдига ҳеч эътибор йўқ,
Қўлдан чиқарилди Қуддус қалъаси,
Олтмиш олти йилки, тинмас ноласи.

Ислон аҳли ҳануз мустамлакадир,
Насоролар ака, бизлар укадир,
Қўйларга раҳнамо, эчки такадир,
Бу Ислон умматин ўлик палласи,
Олтмиш олти йилки, тинмас ноласи.

Энди хилофатни кутар бу уммат,
Ҳукмдорга тахти, жонидан қиммат,
Йўқдир бирлашишга журъату ҳиммат,
Оғримайди Амир, Қирол калласи,
Тугамас Ғазонинг фарёд ноласи?

Умматга пешволари бузулди тамом,
Бугун эл уларни қилмас эҳтиром,
Кимга эргашишни билмагай авом,
Муҳимроқ уларга, нефт тилласи,
Керакмас Ғазонинг оҳу ноласи.

Буздилар адолат низомин бари,
Уммат уйғонмоқда вақт ўтган сари,
Бирлашиб курашса барча ёш қари,
Фарқи йўқ борми ё йўқми салласи,
Тугайди, Ғазонинг битмас ноласи.

М. Тожибоеванинг “Қийноқлар ороли асираси” китобини ўқиб;

Зулм салтанати ҳукмрон юртда,
Одатда, кўп ғамлар чекар эркаклар.
Эркаклар мардлиги, ботирлигини,
Мадҳ этар доимо, бизга эртаклар.

Бугун шайтанатнинг қароргоҳида,
Нелар бўлаяпди, етмас хаёллар.
Мардлик жасурликда, баъзан эркақдан,
Қолишмайди ўша мунис аёллар.

Ғаройиб ҳолатлар, тубанлик ғолиб,
Бугун аёлларда ғам кўпроқ экан,
Турмада ётгандан малаксиймолар,
Қабрда ётгани яхшироқ экан.

Келар бир паҳлавон афсоналарда,
Ёсуман домига тортганда элни.
Ҳаётда бормикан бирорта ботир,
Элни қилса озод, ўлдириб “девни”?

Кулфатли дунёнинг қийноқ макони,
Хазон уриб сўлар очилмай гуллар.
Қаттиқ бўлар экан аёлнинг жони,
Зоғларга ажратар жойин булбуллар.

Даҳшатларни ёзар ғаройиб китоб,
Азоб қийноқлардан беради хабар.
Балки, яқин қолди чиқишга офтоб,
Тарих унутилмас, азиз Мўтабар.

Соғинч

Соғинишни билмас ҳамма,
Осон эмас соғинмоқ.
Соғиниши учун одам,
Лозим ғамни, ҳис қилмоқ.

Бу неъматми ёки азоб,
Аниқроғи, билмайман.
Соғинмасдан яшашни мен,
Қилолмайман, қилмайман.

Ота онам, узоқ ўтмиш,
Акалару укалар.
Ўша эски ҳовлилару,
Қўй мол, эчки, такалар.

Ҳатто, турма даҳшатлари,
Хаёлимдан кетмайди.
Одамзод то тирик экан,
Ғам ташвиши битмайди.

Бу дардларга аптекадан,
Излаб юрманг, даво йўқ.
Бугун бизлар босган излар,
Тупроқ йўл, чанг ҳаво, йўқ.

Европада яшасамда,
Ташвиш топмади барҳам.
Бугун менга бегонадир,
Ўтмишим ҳам, бугун ҳам.

Соғинаман эслаб доим,
Турмадаги дўстларни,
Нега одам соғинади?,
Ақли етмас кўпларни.

Инсон тугул ҳайвонлар ҳам,
Соғинч билан яшайди.
Яқинлари, оёшнини,
Ғаминда кўз ёшлайди.

Бу ҳиссиёт лекин баъзи,
Одамларга бегона.
Мақсад, тўқис ҳаёт топиб,
Яшаб қолса, шоҳона.

Улар учун соғинч ҳисси,
Ортиқча юк бўлажак.
Йўқдир ватан, ақраболар,
Йўқдир ўтмиш, келажак.

13 июн 2014 йил

Ажалим етса

Ажал етса, ўлсам бир куни,
Нима бўлар?
Ўйланиб қолдим.
Атрофдаги дўст душман ҳолин,
Беихтиёр, тасвирга олдим.

Хурсанд бўлар эшитгач албат,
Мелисаю, МХХлар ҳам.
Хурсанд бўлар эҳтимол яна,
Ҳизбут Таҳрир, ЎИХлар ҳам.

Қувонишар «демократлар»,
«Мухолифат, диндор эмас деб.
«Диндор, демократ бўлолмас»,
Деганимиз, бекор эмас деб.»

“Тақводорлар” дерлар эҳтимол,
“Ўлди, демократ касофат.
Унда бўлмаган ҳаргиз тақво,
Илму одоб, юксак шарофат.”

Сал инсофи борлар айтишар;,
«Мағфират айласин» деб, «Аллоҳ,
Биз кўп маслаҳатлар бергандик,
Сўзимизга кирмади гумроҳ.»

Кутулдик деб, қувончга тўлар,
Яширин тош отаётганлар.
Тухмат билан, виждон инсофин,
Оз нарсага сотаётганлар.

Айтар балким, маломатгўйлар,
“Бирорта иш қилолмади” деб.
“Дунё кезиб сарсон саргардон,
Ўз юртида ўлолмади” деб.

Кимлар нима деса десинлар,
Тан оламан кўпдир гуноҳим.
Шу муҳимдир, нима дер менга,
Ҳузурига борсам, Аллоҳим?!

Бу дунёда шундай яшадим,
Дўстларимдан душманам кўпроқ.
Ватангадо бўлдим, ватандан,
Насиб этмади қабр, тупроқ.

Хуллас калом, шу билан тугар,
Унутишар ҳаммаси, тамом.
Ҳаётдаги асрий тартиб шу,
Шудир бир ўзгармас интизом.

Фақат эслаб юрар кўп йиллар,
Азиз фарзандим, меҳрибоним.
Буюк неъмат эканда фарзанд,
Умрин узоқ этгил Раҳмоним!

Чунки, мен ҳам қиламан дуо,
Эсга олиб аждодларимни.
Демак, бизни дуода эслаш,
Бурчи бўлар, зурёдларимни.

Нима бўлганда ҳам оқибат,
Имон билан топширайлик жон.
Жонимизни олаётганда,
Ё Раб, ҳамроҳ этгил соф имон!

Ким эдигу, ким бўлдик?

Сарҳисоб вақти келди,
Шу пайтгача жим бўлдик.
Етар энди, гапиринг.,
Ким эдигу, ким бўлдик?!

Чорак аср кун кундан,
Фақат зулм авж олди.
Айтинг бу давр ичинда,
Бой бермаган не қолди?!

Сақлаб қоламиз дея,
Ўша, мустақилликни.
Олибмиз бўйнимизга,
Ҳақиқий бир қулликни.

Порахўрлик, ўзгармай,
Қолган, ўша эски ҳол.
Порахўрлар ҳозир ҳам,
Яшаяпди бемалол!

Ўзбек фоҳишалари,
Оламга тарқатди ном.
Миллат номи дунёга,
Бўлди, оқибат бадном.

Айбимиз иқтисодми,
Ё маънавий инқироз?
Бозоримиз касодми,
Ёки, виждонми бир оз?

Кеча қорин тўқ эди,
Бугун нон учун зормиз.
Кеча ташвиш йўқ эди,
Бугун хорижда, хормиз.

Кеча диндорлар бунча,
Кўплаб қамалмас эди.
Ҳозиргидек ҳар қуни,
Турмада ўлмас эди.

Битта қари чол элни,
Шунча йил қилди аҳмоқ.
Унга ким қарши бўлса.
Ё ўлади ё қамоқ!

Айтган билан ўзбекнинг,
Дарди адо бўлмайди.
Кеча кимлиги, бугун,
Хаёлига келмайди.

Кеча билан бугуннинг,
Битта жойи ўхшайди.
Ёлғончи фирибгарлар,
Доим, яхши яшайди.

Кечир мени Тангрим

Ё раб, авф этгил бу осий бандани,
Панду насиҳатга қулоқ солмадим.
Тангрим кечир бугун бу шармандани,
Бирор мақсадимга ета олмадим.

Эзгу ният билан кирдим бу йўлга,
Лекин, мақсад ҳануз кирмади қўлга,
Қилолмадим бирор манфаат элга,
Қайда хато қилдим, билаолмадим.

Ўйлаб кўрса оғир ботар одамга,
Эсласам мен ҳам дил ботади ғамга,
Афсус, ота онам, ва оиламга,
Бирорта яхшилик қилаолмадим.

Золимни зулмини қилиб баҳона,
Жар солиб бу ҳақда, жумла жаҳона,
Қўп хато амаллар қилиб пинҳона,
Ўзимни ҳақ йўлга солаолмадим.

Ёшлигида жоҳил бўлар одамзод,
Қари жоҳил бўлса, кимга дермиз дод?,
Мен жаҳолат ичра яшаб умрбод,
Афсуски, узоқни кўраолмадим.

Ўтаяпди ҳаёт, ботмоқда қуёш,
Муаммодан нари чиқмади бу бош,
На бир ҳал қилишга топилар бардош,
Ва ё, на тарк этиб, кетаолмадим.

Қорақалпоғистоннинг Ўзбекистондан ажралиб мустақил давлат бўлиш ғоясини кўтариб чиққан қорақалпоқ дўстларимга хитобан ёзилган шеър;

Қизилқумнинг саҳросида ўтов тиккан,
Чўллар аро пода ҳайдаб, босган тикан.
Туркий элнинг, турли туман уруғлари,
Орол денгиз бўйларида ватан тутган,
Сен минг йиллик бовуримсан, кўз қароғим,
Унутма сен буни ҳеч, Қорақалпоғим!

Бугун шундай, адолатсиз замон бўлди,
Мустабид зулмидан, эл бағри қон бўлди.
Туркман, ўзбек, қозоқми ё қорақалпоқ,
Элнинг аҳволи кун кундан, ёмон бўлди.
Чўлларда очилган лола қизғалдоғим,
Дўстликни сақла доим, Қорақалпоғим!

Сен ўйлама, ўзбек кўзи нам бўлмади,
Бизларга ҳам зулму — зарар, кам бўлмади.
Миллати, дини йўқ, нокас ҳукмрондир,
Бундан ҳеч ким кўнгли, хотиржам бўлмади.
Сеникидан кам эмасдир, менинг доғим,
Дардимиз биттадир бил, Қорақалпоғим!

Мен ҳам шу юрт фарзандиман, меҳмон эмас,
Шу диёрда туғилганим, ёлгон эмас.
Мустақиллик талаб қилган, қардошларим,
Ҳали бошқаларнинг фикрин, олгон эмас.
Наҳот душман бўлса, кечаги ўртоғим?,
Бирликни сақлайлик кел, Қорақалпоғим!

Боболардан мерос ватан, сотилмасин,
Ноҳақ қонлар тўкиб, одам отилмасин.
Тупроғи, дини, тили бир эл — элатлар,
Орасида, сунъий олов ёқилмасин!
Жайхун сувидан сув ичган, менинг боғим,
Қуримасин оролинг Қорақалпоғим!

Озодлиги учун ким ҳам курашмайди?,
Бизга миллат, ер талашин ярашмайди.
Муаммони ўзимиз ҳал қилолмасак.,
Биров четдан келиб, бизга қарашмайди.
Султон Увайс, менинг ўйнаб — ўсган тоғим,
Менинг туғилган юртим, Қорақалпоғим!

Ҳаёт шундай ўтади

Истаймизми йўқми бу
Ҳаёт шундай ўтади.
Кимки келган дунёга
Демак, бир кун кетади.
Муаммолар тугамас.
Қанчалик интилмайллик,
Биттасидан қутулсак,
Бошқа бири етади.
Лекин, барибир қараб,
Жим ўтириб бўлмайди.
Бир натижа бўлмаса,
Одам кўнгли тўлмайди.
Ҳамма чарчаган гўё,
Самарасиз курашдан.
Бири бирига доим,
Гумон билан қарашдан.
Ҳаммаси ўз ўзини,
Нима билан овутар.
Нимадир бўлиб қолиб,
Нима бўлишин кутар.
Одамзод умри қисқа,
Буни ҳамма билади.
Шу қисқа умр ичида,
Ўз билганин қилади.

Ўйлаб қоламан ҳайрон,
Нега ўзгармас ҳаёт.
Наҳотки ўзгаришлар,
Бизга боғлиқмас ҳайҳот?!
Азал қисмат ҳамиша,
Ғолиб бўлиб қолажак.
Наҳот бизга боғлиқмас,
Келаётган келажак?
Ўйлаб ўйлаб ўйимга,
Етолмайман мен ҳайрон.
Демак, биздамас қудрат,
Келтириш керак имон!
Қудрат эгаси бунда,
Қилаяпди ирода.
Иродага зид бўлса,
Етолмайсан мурода.
Лекин, курашиш керак,
Бўлмасада натижа.
Зулмга жим туришлик,
Билсанг хавфлидир жуда.
Демак, интилиб яшаш,
Бизнинг вазифамиздир.
Буни ҳам қилолмаган,
Кимсалар бетамиздир.
Қўрқишга ҳам йўқ ҳожат,
Беҳикмат иш бўлмайди.
Ажали етмагунча,
Инсон зоти ўлмайди.
Истаймизми йўқ барча,
Одамизод кетади.
Барибир бу бебақо,
Умр тугаб битади.
Тушкунликга тушмасдан,
Доим олдинга тириш.
Ўлмагунингча асло,
Тугамайди бу уруш.

Ўзинг истаганда кета-олмассан

Ўз айбинг бекитиб ўрайсан яна,
Бир кун охират деб, ботмадинг ғамга.
Сен шайтондан паноҳ сўрайсан яна,
Шайтон нима керак, сендек одамга?!

Толеъидан шафқат кутган адашар,
Инсон зоти илми ғайбсиз яшар,
Савоб иш қилмасанг, маъсият ошар,
Эътибор қилмасанг ҳар ўтган дамга.

На тартиб ҳузурни билссан тун кун,
Ўзинг учун амал қилмассан нечун?
Ўзингни беҳабар, ўзгалар учун,
Ёниб сўнаяпсан, ўхшар бир шамга.

Дунёда айт кимда, дард эҳтиёж йўқ?
Начора, Шоҳмассан, бошингда тож йўқ,
Шундай яшаш керак, бошқа илож йўқ,
Бошқа даво борми, дилда аламга?

Гарчи мақсадинга ета-олмассан,
Сабр этгин, бир чора эта-олмассан.
Ўзинг истаганда кета-олмассан,
Чунки, ўзинг келмагансан, оламга!

Кулганлар қанча?

Кулгули нарсага кулади инсон,
Кулишга баҳона кўп экан чунон.
Кулишга арзиса, кулишсин майли,
Кулишга арзийми, дин билан имон?!
Ўзини билимдон билганлар қанча?!
Дин, имон устидан, кулганлар қанча?!

Бизку ишонамиз бўлар қиёмат,
Бу дунё барчага, беш кун омонат.
Мезонлар бузулса, садоқат бўлмас,
Шараф ҳисобланар элга хиёнат.
Ўз халқин миллатин қирганлар қанча?!
Элин қон қақшатиб, кулганлар қанча?!

Жонфидолар ўрни қабр, зиндондир,
Замонасоз нокас, зўр, қаҳрамондир.
Юз йил бўлди аҳвол ўша, ўзгармас,
Бугун ҳам шу давр, ўша замондир!
Давру давронини, сурганлар қанча?!
Ҳаммани устидан кулганлар қанча?!

Зулм зўравонлик, кўрганлар айтсин,
Синолда мард бўлиб, турганлар айтсин.
Ўғри каззоблару, фирибгар, жаллод,
Қўлида қул бўлиб юрганлар айтсин.
Ор-номус шартини, бузганлар қанча?
Бировни йиғлатиб, кулганлар қанча?!

Бугун гапирамиз, фалон айбдор,
Шу сабаб балога, бўлдик гирифтор.
Бошқани айблаш осон, ва лекин,
Аслида бизда ҳам, бир оз айб бор.
Бугун нафсига қул, бўлганлар қанча?!
Мазлумлар устидан, кулганлар қанча?!

Жонини жабборга берганлар кимлар?,
Меҳнат ҳосилини, терганлар кимлар?.
Ўлимга тик қараб, чиққан одамга,
Тинмасдан ўқ отган, мерганлар кимлар?.
Бу йўлда жон берган, ўлганлар қанча?!
Ўлганлар устидан, кулганлар қанча?!

2014 йил ноябр

Гапириш осон

Ҳа, гапириш осон, қилиш осонмас.
Ваъда берувчилар кўпдир дунёда.
Уни бажаришлик, устидан чиқиш,
Билан бўлар, имон нури зиёда.

Айтдингми, бажаргил бузма сўзингни,
Тилга эҳтиёт бўл, доимо сергак.
Қилмайдиган ишни, гапирма асло,
Чунки, сўзда туриш лозимдир эркак.

Гапириб сўзида турмаган кимса,
Ҳадисда келгандир, дерлар мунофиқ.
Имонни саломат сақламоқ учун,
Сўзинг амалинга бўлсин мувофиқ.

Ислом уммати

Ҳолингга ҳайронман Ислом уммати,
Ўз ҳолингни ҳайрони ҳам, Ўзингсан.
Йўқотилган буткул қадр қиммати,
Ўз динингни душмани ҳам, Ўзингсан.

Ўз қонингни қилдинг ўзинга ҳалол,
Тўкаяпсан энди бугун бемалол,
Бу дард ўзинга ҳам келмоқда малол,
Дард ҳам ўзинг, дармони ҳам Ўзингсан.

Ислом аҳли қолган фитналар аро,
Қонлар тўкилмоқда, эл мотамсаро,
Қайси юртда бўлса, қай бир можаро,
Ул ёни ҳам, бул ёни ҳам, Ўзингсан.

Турли фирқаларга бўлиндинг бугун,
Доим курашарсан ечилмас тугун,
Жонингни қурбонлар қилдинг туну кун,
Қотили ҳам, қурбони ҳам, Ўзингсан!

Тинч тотув яшашга топмадинг имкон,
Қисматинг қон тўкиш, ё беришлик жон,
Билмадим ким яхши гуруҳ, ким ёмон?,
Яхшиси ҳам, ёмони ҳам, Ўзингсан.

Ўз ўзинга қилиб, кўп зулму бедод,
Ўзинг қилдинг охир, ўз зулмингдан дод,
Биров келиб қилмас боғингни обод,
Ўз боғингни боғбони ҳам Ўзингсан.

Тарихинга боқиб тартадирман оҳ,
Сенинг кимлигинга бу тарих гувоҳ,
Бугун йўл тополмай бўлдингми гумроҳ?,
Башарият султони ҳам Ўзингсан!

Маёқ қилиб, дилиндаги имонин,
Ёрутдинг ердаги зулмат осмонин,
Кўп асрлик инсоният қарвонин,
Бошиндаги сарбони ҳам Ўзингсан.

Сен тавҳид туғини кўтарган хилқат,
Сенда бор Аллоҳга буюк муҳаббат,
Яна буюкликни топарсан албат,
Чунки, тавҳид посбони ҳам Ўзингсан!

Араб диёрлари

Бориб кўрмагандим араб диёрига,
Битта борсанг, бир умрга етар экан.

Қора танли турқи совуқ қўриқчилар,
Бормасингдан йўлинг пойлаб кутар экан.

Шукр эгарман ҳар на тақдирда бориға,
Дилда қолган алам қандай кетар экан?

Бир вақтлар буюк бўлган ислом билан,
Бугун ислом улар учун хатар экан,

Қаранг қандай яшар, кўрфаз амирлари,
Ҳаммалари бир — биридан батар экан.

Исроф қилиб, мол давлатни, омонатни,
Ҳар кун битта аёл билан ётар экан.

Фарқи йўқдир энди ҳалол ҳаром билан,
Фаҳш ичида бутун умри ўтар экан.

Ким уларга қарши чиқиб, бўйсунмаса,
Кимлигига қарамасдан отар экан.

Ҳудудида мусулмонни ушлаб олса,
Куфр аҳлига яширинча сотар экан.

Бу аҳволни кўрмаганлар тушунмайди,
Кўрганингда лекин оғир ботар экан.

АҚШга қул бўлган кўрфаз давлатлари,
Бу қулликда пешқадами Қатар экан.

Йўлчи юлдуз

Йўлчи юлдуз йўл кўрсат,
Юртимга кетгим келди.
Ватаним хокин кўзга,
Тўтиё этгим келди.
Очайдедим қалбимни,
Дилимдаги дардимни,
Айтолмаган арзимни,
Элимга айтгим келди.
Бош эгмай қайғуларга,
Бўйсунмай қурқувларга,
Етмаган орзуларга,
Барибир етгим келди.
Кўз ёшлари мисли сел,
Озод бўлсинда бу эл,
Қураш учун боғлаб бел,
Шу жангда ютгим келди.
Ҳижратнинг гирдобидан,
Доим изтиробидан,
Айрилиқ азобидан,
Буткул қутулгим келди.
Дилимизни босган кир,
Бу ҳеч кимга эмас сир,
Акмални байтидан бир,
Тугал шеър битгим келди.
Йўлчи юлдуз йўл кўрсат,
Юртимга кетгим келди.

Тавфиқ Ҷизданбир

«Юксак ахлоқли шахс борсин ҳажга» деб,
Ўзбек муфтийлари берганди фатво.
Бу гап ҳақлигига ишонмагандим,
Боряпди ҳажга деб, фосиқу расво.

Аммо, боролмадим ўзим, барибир,
Қанчалар уриндим тинмай, халойиқ.
Энди тушундимки мени боришга,
Кўрмаган эканда, тақдирим лойиқ.

Бошқа ибодатлар кўп, қилай десам,
Ҳеч бирин қилмадим, ҳеч қачон, комил.
Ҳажга бордингми ё бормадинг билким,
Тавфиқ ила, амал қилади омил.

Тавфиқ Ҷизданбир, буни унутма,
Тавфиқ етишмаса, бўлмайдим имкон.
Тоатига тавфиқ, насиб айласин,
Бўлмаса саодат топмайдим инсон.

Зулм этганин билмаслар:

Бу ҳаётнинг бори жумбоқ ила сир,
Ким қочганин, ким тутганин билмаслар.
Келар кетар, одамизод бирма бир,
Ким келганин, ким кетганин билмаслар.

Ғайбни Яратгандан ўзга ким билар?,
Кимдир ғолиб бўлар, ким мағлуб бўлар?,
Ҳамма умид қилар, ҳамма интилар,
Қисматида не битганин билмаслар.

Ҳаётнинг мазмунин ўйламай кўриб,
Баъзида бир бирин ўлдириб, уриб,
Умри давомида елиб югуриб,
Нима олиб, не сотганин билмаслар.

Қайга боқманг уруш, ҳамма томонда,
Одамлар яшолмас тинчлик, омонда?
Ўзаро қирпичоқ бўлган замонда,
Кимни кимга, ўқ отганин билмаслар.

Ақлдан озмоқда ақли солимлар,
Жоҳилларга хизмат қилар олимлар,
Мазлумларга зулм қилган золимлар,
Ўз жонига, зулм этганин билмаслар.

Йўқолмоқда бир бировга эътибор,
Биров билан бировни, не иши бор?,
Кимларнинг қорни тўқ, яшар бахтиёр,
Кимлар нега, ғам чекканин билмаслар.

Ғурур йўқолмасин ҳеч бир одамда,
Номардлар ҳукмрон бўлар оламда,
Бугун фитна фасод тўла бир дамда,
Ор — номусни йўқотганин билмаслар.

Рост устига ғолиб бўлса ёлғонлар,
Омади чопади, каззоб нодонлар,
Ер устида кибр қилган инсонлар,
Ер остида, ким ётганин билмаслар.

Зулм борки, обод бўлмайди ҳаёт,
Кимдан ёмон қолар, кимдан, яхши от,
“Экканинг ўрарсан” дейишган, ҳайҳот..,
Кўп одамлар, не экканин билмаслар?!

Кимлар мендан рози, кимлар норози?,
Улуғ Тангрим бўлар, эртага Қози,
Умрим кўпи кетиб, қолибди ози,
Бизга ҳам навбат етганин, билмаслар.

Ҳаловат топмадим;

Шоир бўлмайсан дейишди менга,
Шоирлик қилмаган эдим ҳавас ман .
Шоир номи балки хос фақат сенга,
Шеърлар ёзиб, дилни овутсам бас ман.

Мен шеър ёзмаганман унвон олишга,
Машҳур бўлиш ё, тарихда қолишга,
Шеър восита дардим тўкиб солишга,
Мен дарди ичига сиғмаган кас ман.

Яхши, мендек бетга чопмаган бўлсанг,
Ўз айбинг яшириб, ёлмаган бўлсанг,
Ёзганимдан маъно топмаган бўлсанг,
Демак, бемаъни шеър ёзган нокас ман.

Дилим диёримга ободлик истар,
Тугасин аламлар, дил шодлик истар,
Юрагим тор экан, озодлик истар,
Жасадимни унга қилдим қафас ман.

На бир шоир бўлдим, на бир уламо,
Шундай ўтаяпман ҳаётдан, аммо,
Булар муаммомас, менга муаммо..,
Ҳаловат топмадим, ҳеч бир нафас ман.

Юртнинг келажагин

Кўҳна Жайхун қирғоғида очилган,
Гулни ғунчалиқда пайҳон қилдилар.
Қизилқумнинг саҳросида сочилган,
Элни, қовжиратиб гирён қилдилар.

Билади, тарихдан кимки огоҳдир,
Хоразмнинг шоҳи, Хоразмшоҳдир,
Бу юрт минг йилдирки улуғ даргоҳдир,
Руслар уни хонавайрон қилдилар.

Бўлди Хива, Қўқон, Бухоро пойтахт,
Турганди уч аср, шу ерларда тахт,
Бугун барчасидан юз ўғирди бахт,
Шухратин ер билан яксон қилдилар.

На сув бор ичишга, на тоза ҳаво,
Одамлар дардига тополмас даво,
Ўзига тўқ эллар, бўлмоқда гадо,
Ёш авлодни, лолу ҳайрон қилдилар.

Булар бари эди, бизга омонат,
Бобо меросига қилдик хиёнат,
На дин қолди бугун, на бир диёнат,
Аҳволимиз буткул ёмон қилдилар.

Русга мағлуб бўлгач Тошкент қалъаси,
Шу ерга ўрнашди, руснинг боласи,
Топилмас тақдирга банда чораси,
Бу диёрни русий забон қилдилар.

Нурин сочгач мустақиллик қуёши,
Билмадим ёқдими Тошканни оши,
Шу ерда мустаҳкам қолди, юртбоши,
Ўша ердан юртга фармон қилдилар.

Қаранг атрофдаги вилоятларга,
Эга эмас, ҳеч бир ваколатларга,
Аммо, бу эл бундай разолатларга,
Қачон норозилик эълон қилдилар?!

Тошкентга йиғилар бойликнинг бари,
Шу ерда йўқ бўлар, чиқмасдан нари,
Адолат кўринмас, вақт ўтган сари,
Зўравонликни намоён қилдилар.

Бугун Қорақалпоқ истар хуррият,
Хоразмда ҳам бор, шундай бир ният,
Адолат бўлмаса турмас раият,
Бухорода қандай гумон қилдилар?!

Битта мамлакатда яшайди барча,
Вилоятлар аро, ихтилоф қанча?,
Адоват авж олар, ИАК ўлганча..,
Авлодларга охир замон қилдилар.

Марказдан қилувчи, дўқ пўписалар,
Кошкийди, тарихни бир ўқисалар,
Улар давру даврон сурган бўлсалар,
Юртнинг келажагин қурбон қилдилар.

Умр ўтар ҳар куни;

Ҳаёт ҳам бир сув каби,
Юқорига оқмайди.
Ўтиб кетган сув энди,
Орқасига қайтмайди.

Инсон зоти ўйланиб,
Тарихига боқмайди.
Ибратларни маржондек,
Қалб торига тақмайди.

Бу гапларим одамлар,
Қулоғига ёқмайди.
Шоир ҳақни айтмаса,
Демак, ҳеч ким айтмайди.

Элга яхшилиқ қилган,
Мард, маддоҳлик этмайди.
Ёвузлик, зулм хиёнат,
Унутилиб кетмайди.

Ўткинчи дунё ғами,
Адо бўлиб битмайди.
Инсон орзу ҳаваснинг,
Охирига етмайди.

Умр ўтар ҳар куни,
Шошиб турар, кутмайди.
Бир кун ботар қуёшинг,
Эртага тонг отмайди.

Қаҳрамондир бизнинг юртбоши!

Яшашга қўймаслар бемалол,
Бир иш қилолмайсан, тинч ҳалол.
Газни, токни йўқлигин айтсанг,
Халқ душмани бўласан дарҳол!
Порлар мустақиллик қуёши,
Шундай “доно” бизнинг юртбоши.

Қиличини қайраб келса қиш,
Тезак, таппи таёрлаб ёқиш!
Қоронғуда совуқдан ўлсанг,
Деймиз; “Тақдир экан, боёқиш”.
Юз эликга етсинда ёши,
Ўлиб қолмасинда юртбоши!

Ўқимагил куръону ҳадис,
Дейишади, экстремист,
Аёлми ё эркакми бари,
Бўлишади тезда, террорист.
Оғримаса бўлдида боши,
Тинч бўлса бўлдида, юртбоши.

Буларга норизолик қилсанг,
Дангасалиқ қилмоқчи бўлсанг.
Айб ўзингда, бирор балога
Учраб, руслар қўлида ўлсанг.
Кўмсин қариндоши қардоши,
Бунга парво қилмас юртбоши!

Фоҳишалиқ қилса аёллар,
Кимдир шундай хизматга ёллар.
Бола туғиб сотсалар агар,
Қилманг яна ёмон хаёллар.
Аламингдан оқса кўз ёши,
Бунга айбдормас юртбоши!

Қизларида қасрлар бисёр,
Бўлса, бунинг сабаби ҳам бор.
Омадлари чопган ким агар,
Юртбошига бўлса дахлдор.
Улар юртбошининг сафдоши,
Улардан розидир юртбоши.

Чиқармагил ғиринг деб, овоз,
Сабр қилиб, жим юрсанг шу соз.
Мустақиллик шарофати бу,
Қадрига ет буни, эй шовоз!
Отилмасин маломат тоши!
Қаҳрамондир бизнинг юртбоши!

Қисмат экан

Қисмат насиб қилмаган учун,
Мақсадимга етаолмадим.
Кўп нарсани истадим лекин,
Ҳеч нарсага етаолмадим.

Музтариб бандалар аҳволи,
Саҳро кезар Мажнун тимсоли,
Шундай бўлар ғарибнинг ҳоли,
Айбим нима билаолмадим.

Кимга қилай дилим изҳорин,
Шеърга солар, мазлумлар зорин,
Азиз ота — онам, мозорин,
Зиёратлар қилаолмадим.

Шундай экан тақдиру қазо,
Бир умрга тутарман азо,
Ўз ўзимдан бўлдим норизо,
Бошқалардек бўлаолмадим.

Ўртар бугун кўнгилни фироқ,
Ватан бизни қилди бугун оқ,
Гарчи қанча севсамда, бироқ..,
Мен Ватанда қолаолмадим.

Қандай ҳаёт бугун, қандай ҳол,
Менга бари келади малол,
Сиси бориб келган бемалол..,
Каъбага, мен бораолмадим.

Фарзандимга;

Мен кўрдим нималар кўрсам дунёда,
Ё Раб, фарзандим ҳеч зарар кўрмасин.
Сендан тилагим шу, яна уқбода,
Карам кўрсат, хавфу хатар кўрмасин.

Ё Раб, уни қилдим Сенга омонат,
Чунки, қилмагайсан ҳаргиз хиёнат,
Ўзинг ато этгил дину диёнат,
У дунё, бу дунё шарар кўрмасин.

Икки дунё етказгил шарофатга,
Дуч этма, Иблисдек бир касофатга,
Отасидек учраб, бало офатга,
Тиллардан томган кўп, заҳар кўрмасин.

Саҳвий Сенинг ожиз осий қулингда,
Бергил истиқомат доим йўлингда,
Қазо ҳам, қадар ҳам, асли қўлингда,
Ҳаргиз ёмон қазо, қадар кўрмасин.

Кимга насиб этар?

Бу дунёда ҳукмдорлик қилишлик,
Кимга насиб этар, кимга этмагай?
Барча мақсадига етиб ўлишлик,
Кимга насиб этар, кимга этмагай?

Толёнинг кулгани балки шу бўлар,
Мақсадга эришар кўнгли ҳам тўлар.
Бошқалар ниятга етолмай ўлар,
Кимга насиб этар, кимга этмагай?

Дилда имонми, нифоқми фарқи йўқ,
Қора танлими ё, оқми фарқи йўқ,
Масофа яқин узоқми фарқи йўқ,
Кимга насиб этар, кимга этмагай?

Ким неъмат ичида яшар, кимлар зор,
Тақдирни бу билан қандай иши бор?
Ошиқлар ёр висолдан умидвор,
Кимга насиб этар, кимга этмагай?

Эшитинг тарихдан келган садони,
Тенгмас мартабаси бойу гадони,
Охиратда мағфирати Худони,
Кимга насиб этар, кимга этмагай?

Истаймизми йўқми шундай бу дунё,
Кимлар бахти кулар, ким бахти қаро?,
Сонсиз орзу армон, кўнгиллар аро,
Кимга насиб этар, кимга этмагай?

Кимнидир доимо кулса қуёши,
Кимнидир ташвишдан чиқмайди боши,
Ҳаттоки, муқаддас Каъбанинг тоши,
Кимга насиб этар, кимга этмагай?

Ўтамин дунёдан бир бир суннат бу,
Бу дунё, у дунё учун, миннат бу,
Охират диёри дўзах жаннат, бу..
Кимга насиб этар, кимга этмагай?

Мўминлар қадри;

«Мўминларнинг қадри Каъбадан улуғ,»

Деган гап бор динда ва эътиқодда.
Лекин ҳаётдаги воқеълик бошқа,
Бу гапга ишонган одамлар содда?

Мўминдан улуғдир, Каъбанинг қадри,
Бунга бугун жуда кўпдир мисоллар.
Мўминдан беқадр нарса йўқ бу кун,
Қаранглар ўйланиб бу ажиб ҳоллар.

Мўминдан қадрли пул, олтин кумуш,
Қадрлидир ҳатто, курси, мансаблар.
Мўминларни қурбон қилишар нечун,
Агар буйруқ олса баъзи миршаблар?

Мўминлардек бирор жонзот қолдими,
Туғилганидан то ўлгунича хор?
Мўминга мўминлар оғу солдими,
Бунчалик шавқатсиз ҳаёт қайда бор?!

Қаранглар дунёга нелар бўлмоқда,
Кимлар нима учун тўкишмоқда қон?
Не учун болалар етим қолмоқда,
Оталари нега бўлмоқда қурбон?!

Кимлар тушунтира олади унга,
Йўқлигин ҳаётда инсоф, адолат?
Мурғак гўдакларга қандай айтасиз,
Дунёга тўлганин буткул разолат?!

Шундай яралганми бу қадим афлок,
Шунча бешафқатми айтинглар ҳаёт?
Бўлмаса юрагинг, нолалардан чок,
Унда юрак эмас, битта харсанг тош?!

Рубоий

Қазо мени таъқиб қилиб боради,
Доимо ортимдан қувиб боради.
Тақдирга чора бўлмаса не қилай,
Қайга борсам шўрим қуриб боради.

Ғазаллар

Хароб бўлдик

Хароб бўлдик мустабиднинг зулму истибдодидан,
Қайга қочсин бандалар, зулм аҳлининг бедодидан?

Қочиб ҳам золимни зулмидан омонлик топмаса,
Қандай қутулсин бу эл, юртбошининг жаллодидан?

Бунчалар жабру зулмга рози эл дунёда йўқ,
Унутганлар бўлганин соҳибқирон авлодидан.

Агар авлодларга озод ҳур ватан қолдирмасак,
Рози бўлмаслар улар бу нотавон аждодидан.

Олмасак ибрат тарихдан бўлмас истиқбол буюк,
Боболар қилган хато чиққан бу элнинг ёдидан.

Мустақилликдан бу эл кутган натижа бўлса шу?,
Фарқи борми унда ҳеч вайронининг ободидан?!

Шеър ёзарман мустабидга нафратим изҳор этиб,
Бормикан бир манфаат, Саҳвийни бу фарёдидан?!

Ватангадо ким?

Ватан учун курашган кимса ватангадоми?
Бу нима деган гап бу, бундай дейиш равоми?!

Қани сизларда инсоф, қани виждон, номус ор,
Бу ИАК деган бадбахт, сизлар учун Худоми?!

Шоирлик даъво қилиб, ўйин кулги қиларсиз,
Шоирлик бу сиз учун, фақат кайфу сафоми?!

Нега хор бўлиб ўтди, дунёдан Рауф Парпи?,
У бечора ақлсиз, сизлар жуда дономи?

Ёдгор Обид сизларча, ёзолмайдими шеърни,
Булар бари ақлсиз сизлар ақли расоми?!

Гулчеҳра Нуруллоҳдан ибрат олмайсизларми,
Наҳот, сизнинг шунчалик, дардингиз бедавоми?!

Эл ғамидин беҳабар, ҳайф сизларга шоирлик,
Ҳаётда яхши яшаб, қолишлик муддаоми?!

Ўзгаради бу ҳаёт, бунча хотиржам бўлманг,
Бу ўйин кулгуларнинг бўлармикан давоми?!

Виждони борлар бизни, ватангадо демасди,
Айтинглар, ё Саҳвийнинг, айтганлари хатоми?!

Бу не ҳол?

Бандалигимни бажо қилаолмасман ҳалол,
Шайтонлар мени буткул, ўраб олди эҳтимол?

На кундузи бир ишни қойил қилаолмасам,
На кечалар ҳаловат топилмас бу не аҳвол?!

Менга не бўлди буткул оромимни йўқотдим?,
Ҳайронман бошқаларга яшашяпди бемалол.

Дард нимаю, бу дарднинг қандай давоси бордир?,
Тушунолмай ўзим ҳам, ақлу ҳушим бўлган лол.

На динни на дунёни, тушунишга ожизман,
Одамлар хотири жам, менда жуда кўп савол.

Тақво ила фужурга, илҳомланар нуфуслар,
Рағбатинг қай тарафга, энди ўзинг назар сол!

Асфала софилиннинг, аломати шумасми?,
Ўзинг раҳм қил ё Раб, билмадим бу қандай ҳол!

Фисқу фужурим билан кетаяпман олдинга,
Ё Раб, караминг кўрсат, имон билан жоним ол!

Раҳматингдан ноумид бўлган фақат шайтондир,
Мағфират қил Саҳвийни, эй карамли Зулжалол!

Этмас

Нетай кўнглимни шум қисмат, азалдан бахтиёр этмас,
Дилим мақсудига етмоқлигин ҳеч ихтиёр этмас.

Қоронғу дил ғуборини ювиб пок бўлмоқ истарман,
Шу он туғёнга тушгай нафси аммор беғубор этмас.

Қаю ишга кўлим урсам ки охир номурод ўлдим,
Ёруғлиқдан умидин узса қайси банда зор этмас?

Улуғ тутган учун нафсини шайтон ноумид бўлди,
Ўзини нафсини билган тавозеълиқдан ор этмас.

Халойиқ кўнглини олмоққа гарчанд эътибор эттим,
Менинг кўнглимни олмоққа одамлар эътибор этмас.

Раийятга саноқсиз зулму исён айлаган султон,
Худодан кўрқса эрди бунчалар халқини хор этмас.

Ўзининг раҳматила Ҳақ, сени авф айласин, Саҳвий,
Майли, кўнглимни шум қисмат, азалдан бахтиёр этмас?!

Саудия ва Қувайт аъзо бўлган халқаро коалиция ИШИДни бомбардимон қилаётганини кўриб;

Мусулмонлар бир бирин қиришига мисол бу,
Шайтон бизларни йўлдан уришига мисол бу!

Турли фитна фасодни солиб кўйиб орага,
Ўзи бир четга чиқиб, туришига мисол бу!

Мўминлар орасида адо бўлмас адоват,
Доимо ихтилофда юришига мисол бу!

Нима қилишлик керак, менинг ақлим етмайди,
Кимларнинг паймонаси тўлишига мисол бу?!

Кўринар қиёматнинг аломатлари бир бир,
Мўминлар ноҳақ қурбон бўлишига мисол бу!

Ўзинг бир чорасини қилғил қудратли Аллоҳ,
Ислом умматин шўри қуришига мисол бу!

Саҳвиё, фитна ичра тушганда мусулмонлар,
Мусулмонлар қўлида ўлишига мисол бу!

Фитналик давронда

Фитналик давронда ҳар ёнда ғариб бечоралар,
Дардларига даво излаб топмадилар чоралар.

Чорак асрдирки, золим салтанатда ўлтирар,
Чорак асрдирки, бу халқ, зулмидан дилпоралар.

Ҳеч қачон кўрмас фаровонлик, зулм турган диёр,
Кимга бахт келтирган айтинглари, рибою-поралар?!

Охиратдан ташқари, дунёда ҳам хорлик келар,
Бунга ақли етмадилар, Лолаю-Гулноралар!

Бу ҳаётдан ибрат олмоқ йўқ, қаранг гумроҳлар
Ҳануз тинмай молу-мулк тўплаш билан овворалар.

Коинотда барча нарса, муҳаббатга интизор,
Кўринг офтоб гирдида, парвонадир сайёралар.

Саҳвиё, Ҳақ қудратига зарра шубҳа қилмагил,
Бесамар кетмайди қилган бу дуои-зоралар.

Огаҳийга назира;

Мустабидлар дастидан, дод айларам, дод устина,
Солдилар турли бало, бу кунги авлод устина.

Келди турфа хил балолар бир бир ислом юртига,
Шом элини қилдилар барбоду барбод устина.

Доимо фитна фасод майдони бўлгандир Ироқ,
Чунки, келганди мўғул, Рум, аҳли Бағдод устина.

Қайси ислом юртида бордир фаровонлик бугун?,
Афғонистонни гапирманг бунча иснод устина!

Нега бизлар бунча расвои жаҳон бўлдик бугун?,
Ботил ғолиб бўлдими, бизнинг эътиқод устина?!

Ҳақни рад қилган қавмлар қисматидан ибрат ол,
Тангри нозил қилди офатлар Самуд, Од устина.

Саҳвиё нусрат нажот йўқ ўзни ўзгартирмасанг,
Нафси амморинг йўқотмай, борма ажҳод устина!

Билмагайсан қайда ҳақ?

Билмагайсан қайда ҳақ, қайда залолат ушбу кун,
Қай жамоат ичида йўқдир адоват ушбу кун?!

На насоро, на мусулмон, на яҳуд на буддавий,
Инсоният ичра бор, кимда ҳаловат, ушбу кун?

Ҳар бирида турлича йўл, турли хил орзу ҳавас,
Бир бирин қонин тўкиш, бўлгандир одат ушбу кун.

Ким анга қарши турар, кимлар уни душман тутар,
Ким тарафдори бўлиб, қургай Хилофат ушбу кун.

Қай тарафга боқмагин фитна фасоддан холимас,
Ким қила олгай адашмасдан ибодат ушбу кун?

Чор тарафда зору гирён йиғлар эллар, бандалар,
Билмадим кимларда бор, роҳат фароғат, ушбу кун?

Келажакни ўйламай қилдик хатолар оқибат,
Қутмаган жойдан чиқар, ҳар хил фалокат ушбу кун.

Дунёда шайтон ҳукмрон бўлса, ким топгай нажот?,
Борми топганлар ахир, бахту саодат, ушбу кун?!

Олам узра тинмади, жангу жадаллар бир замон,
Маърифатдан балки ғолибдир жаҳолат ушбу кун?!

Аҳли исломнинг бошига қўп тушар, кулфат бало,
Чора борми тўхтаса, йўқ бўлса офат, ушбу кун?

Бефаросатлик туфайли, йўл тополмасман ҳамон,
Кўрсатинг йўл бўлса гар, сизда фаросат ушбу кун?!

Аросатда қолди Саҳвий, дардига топмас даво,
Олам аҳлин манзили, балким, аросат ушбу кун?!

Ё Раб;

Ё Раб, осий бандаман ким ўзим нафсимни хор эттим,
Қўлимдан келмаган ишни қилишликни шиор эттим.

Мустабид зулмига мен рози бўлмасдан кураш бошлаб,
Шеърларимда дилимнинг нафратини ошкор эттим.

Бу майдонда жадал қилганда битта мақсадим бўлган,
Золимлардан мазлумлар қасдин олмоққа қарор эттим.

Бу миллат бирлашиб эрки учун бошлар курашни деб,
Қилиб жидду жадални қанча умримни нисор эттим.

Кулмади ҳеч бизга толеъ, ихтилофлар адо бўлмас,
Пароканда гуруҳни тарк этишни ихтиёр эттим.

Кутиб золим заволини, паришон хотирим буткул,
Нетай энди бугун мен ўзгалар юртин диёр эттим?!

Бу не юзи қаролик мақсадинга етмайин Саҳвий,
Олиб мағлубиятни тан ўзимни шармисор эттим.

Насиб этганча қолурман

Кеча кундуз сайр этиб, назму наво бозорида,
Ёзмасам бир кун, ёнарман соғиниб хумморида.

Қўймагай илҳом париси бир замон ўз ҳолима,
Ёзган ҳар байтим дилимнинг дардининг изҳорида.

Гар вужудимга бу меҳнатдан етар кони зарар,
Руҳият роҳат топар айни шунинг озорида.

Толеъим менга шу қисматни ато қилган экан,
Насиб этганча қолурман шеърят гулзорида.

Билмадим қандай табиб қилгай бу дардимга даво,
Мен табобат аҳли билмас дарднинг беморида.

Мен ўзимни бу муаммодан қилолмасман халос,
Чунки, инсоннинг шуури бўлмас ихтиёрида.

Ақлу ҳушдан мосиво бўлмоққа гўё, қолди оз,
Саҳвиё тарк эт бу ишларни ақлнинг борида!

Бир танишимга;

Биламан бугун бордир, қанча мулку -мол сенда,
Қалбинг эгаллаб олган, кўп орзу хаёл сенда.

Кеча кундуз умрингни сарф этарсан дунёга,
Тиним билмассан ҳаргиз, бу қандайин ҳол сенда?

Қаноатсиз одамга, ҳаловат ҳам ҳаромдир,
Нега ҳеч топилмайди вақти бемалол сенда?!

Дунё учун умрингни, сарф этарсан, бўлганмас,
«Яшашдан мақсад нима?», деган бир савол сенда?!,

Ризқу рўзинг битилган, бу ўзгармас битикдир,
Уни ўзгартиришга, йўқдир эҳтимол сенда?!

“Ўзинги бос, Мирғиёс”, дейишлик мақсад халос,
Билмассан қандай бўлар, ҳали истиқбол сенда.

Дунёга мағрур, қалби кўрдан узоқ бўл Саҳвий,
Инсоф, адолат ҳаргиз, топмасин завоқ сенда!

Мен керакмасман элимга

Мен керакмасман элимга, менга элдошим керак,
Дўсти ёроним, қадрдоним, қариндошим керак.

Мен элимни соғинарман, эл мени соғинмагай,
Мустабид юртбошининг жаллодига бошим керак.

Мен ватан ҳажрида куйдим бир умр, лекин унинг,
Васлига етмоқлигимга қанча кўз ёшим керак?!

Бу ғариблик даштида оввора сарсонман ҳануз,
Душманам кўп, дўстларим йўқ, сабру бардошим керак?

Ажал етса, ота онам ёнида топсам макон,
Чунки, бу юртларда ўлсам, кимга бу лошим керак?

Дардимни дунёга дастон айласам айб айламанг,
Менга ҳам дарду ғамим, айтишга сирдошим керак.

Беватан инсон яшай олмас экан эй Саҳвиё,
Мен учун эл юрт ила, диндош ватандошим керак.

Душманам кўпдир;

Келди даврондан менинг улкан зарар ҳамёнима,
Қанчалик қайғу алам етди эзилган жонима.

Шу балога учраганда куйганимдек, куймадим,
Етганинда қанчалар нуқсон менинг имонима.

Молу дунё меҳри дилни ром қилиб олган экан,
Билмадим, бундан не фойда бор экан шайтонима?

«Камбағални отнинг устида қопар ит» дейдилар,
Балки шунга дуч бўлар, итлар менинг карвонима?

Бу фалокат дастидан тарк этди илҳомим мени,
Келмайин кўйди нечукким, анча бўлди ёнима.

Эй Худоё, мағфиратингдан умидни узмадим,
Раҳматинг ғолиб саноксиз бўлсада нуқсонима.

“Паноҳингда асрагил” деб, айлагай Саҳвий дуо,
Душманним кўпдир ҳаётда ташна турган қонима.

Мулланинг ҳам нафси бор;

Мулланинг ҳам, муфтийнинг ҳам, нафси бор, шайтони бор,
Бошқалардек жигилдони бор, қуруқ ҳамёни бор.

Қайси иши тўғридир ё қайси бир иши хато,
Ишларида, сўзларида, тўғриси нуқсонима бор.

Баъзида билмай хато қилса, баъзан қилгай билиб,
Чунки, қалбинда нафс туғёни бор, имони бор.

Бошқалардан уларнинг, аслида мутлақ фарқи йўқ,
Васваса айлайди шайтони томирда қони бор.

Лекин бу умматга пешволик уларнинг қисмати,
Шу сабаб ҳақ йўлда турмоқлик керак имкони бор.

Башариятнинг илм осмонида юлдуз улар,
Ҳаммаси бирдек эмасдир, яхшиси ёмони бор.

Кўрқитар шайтон уларни ўзга инсонлар каби,
Уларнинг ҳам Саҳвиё, сендек танинда жони бор.

Турфа одам;

Одамизод ичра турфа тоифа одам бўлур,
Ўзини доно ҳисоблар ким, фаросат кам бўлур.

Ҳеч бирор ишни қилолмас қойилу, кўкрак керар,
Озгина дард етса сабр этмас иши мотам бўлур.

Ўзини кўз кўз қилишга, айюҳаннослар солар,
Бўлмаса гар ҳеч муқаддас қадрият, не ғам бўлур?!

Роббисин инкор қилиб, даҳрийлигин ошкор этиб,
Тавба қилмай ўтса гар, мангу оловда жам бўлур.

Ўзининг бадбахтлигига, англамас недир сабаб,
Билмагай бу бедаво дардига не малҳам бўлур?

Ўзгани ҳурмат қилолмас, ўзига иззат кутар,
Қилмишига мос жавоб берсанг кейин мулзам бўлур.

Ҳар касу нокас сўзига, бўлма маҳзун Саҳвиё,
Кимки, Тангрига таваккул қилса хотиржам бўлур.

Қазодан сунган ажал

Қазодан сунган ажал, етмади бу Юртбошига,
Бир адолатли киши ҳам келмади юрт бошига.

Умри ўтди зулм бирла, тинмайин бу мустабид,
Раҳм қилмасдан бу элнинг кўздан оққан ёшига.

Мени қалбим турмада умри хазонлар ўртагай,
Қойиле, бунча сабр қилган бу эл бардошига.

Бунчалар аччиқ бу элнинг қисмати ҳайронман,
Жим турарлар зулм қилганда яқин қардошига?!

Тавқи лаънат бирла тарихда қолур золим киши,
Лаънат бўлсин, мустабидларнинг қабрда лошига!

Қаранг бадбахтлар бугун билмас ғанимат фурсатин,
Тавба лозим бандага, етса қарилик ёшига!

Сен зулм аҳлига қарши турмоғинг шарт Саҳвиё,
Қилмайин парво улар отган маломат тошига!

Қодиру Танҳога айт!

Сиғмаса дардинг дилинга, сувга айт, дарёга айт,
Турмаса сирринг кўнгилда, дўсту ёр, ошнога айт.

Беши кам дунё ғамидин топмасанг ҳаргиз омон,
Адолатни талаб қилғил, ҳокиму, подшога айт.

Ҳаёт даштида адашсанг, йўл тополмай зор қолиб,
Айтмагил ҳар кимга излаб, олиму, пешвога айт.

Ошиқ бўлсанг бир юзи гул ёр учун Мажнун каби,
Топсанг имконин ғаминг, шу дилбари барнога айт.

Топмасанг дардга давони бевафолар дастидан,
Унда кўнглинг зорини чўлга чиқиб, сахрога айт.

Гар Навоийдек назмдан истасанг топмоқ наво,
Шеърият боғини кезган шеър ила, шайдога айт.

Эйки, истарсан бу дунёда камолот касбини,
Бас, бу маънидин хабардор, оқилу донога айт.

Кимга битгандир саодат қисматин кимга завол,
Норизо бўлсанг агар, бор, бевафо дунёга айт.

Ҳеч биридан топмасанг гар манфаат Саҳвий каби,
Унда дардингни фақат, бир Қодиру Танҳога айт!

Қолди кўнглим;

Дема; «қолди балки кўнгли, аҳли Тимродан» мени,
Қолди кўнглим, «энди барча аҳли дунёдан мени!»

Фитналик оламда кирмоққа жамоат топмадим,
Келса уммидим фақат, Исо Масиходан мени.

Ногаҳон бир кун мени бир раҳнамога дуч этиб,
Ташна қалбимни суғорса, ушбу дарёдан мени.

Мен адашдим бу залолат даштида сарсон бўлиб,
Чиқарса йўл кўрсатибон, ушбу саҳродан мени.

Менда бордир шубҳа аксар муттақий тақвосига,
Гарчи қисмат бенасиб айлабди тақводан мени.

Қайга бормай доимо, тақдир мени таъқиб этар,
Чиқмади бошим сира, минг турли ғавғодан мени.

Дунёни тарк этса Саҳвий истаги сиздан дуо,
Эҳтиёжим йўқдир ўзга, дўсти ошнодан мени.

Қирқ беш ёш;

Энди қирқ беш ёшга етгандир бугун ёшим менинг.
Не балолар кўрмади бу ёшда шу бошим менинг?

Дунёда кўп яшаганнинг кўп бўлар тажрибаси,
Билмадим етгайми бунга сабри бардошим менинг?

Ҳар куним ўтган сари сўнмоқдадир умрим шами,
Англаяпман энди мен, ботмоқда қуёшим менинг.

Дилда орзулар бари армон бўлиб қолмоқдадир,
Дилим дардин олгудек, йўқ битта сирдошим менинг.

Мен ўзимдан норизоман, Тангри бўлгайми ризо?
Кимга не фойдаси бор, оққан бу кўз ёшим менинг?!

Даргоҳига дод этишдан ўзга чорам қолмади,
Заҳр ила омухта бўлгандир еган ошим менинг.

Қодир Эгам, ажал еткурсанг, бу Саҳвий ўлса гар,
Раҳм қил, қолдирма бу ерда жасад, лошим менинг.

Хабар;

Эй мухобир, бер ватан, обу ҳавосидин хабар,
Ғарибларнинг дардига лозим давосидин хабар.

Умримиз ҳижрат диёрида кутиб ўтмоқдадир,
Мустабиднинг ўлганидан, интиҳосидин хабар.

Эшитишга тоқатим тоқ бўлди, мазлум эл мудом,
Турфа хил офат балога мубталосидин хабар.

Бас етар, ким неча йиллар тинмайин, шу доимо,
Етказарсиз бизга золимнинг жафосидин хабар.

Неча йиллар интизорман, етказарсизлар, қачон,
Мустабид золим ИАКнинг алвидосидин хабар?

На ватан, на аҳли ислом ўлкасидан, бизга ҳеч...,
Келмади, дилга қувонч берган садосидин хабар.

Хуш хабар муҳтожидурман, шум хабардан алҳазар,
Гар адашган бўлса Саҳвий, бер хатосидин хабар.

Беватанлик

Беватан ўтмоқда умрим орзу хаёли билан,
Шод яшолмасман унинг бағринда висоли билан.

Доимо ҳижронида куйдим, бунинг не фарқи бор,
Ёрнинг ҳижронинда куйган, ошиқ тимсоли билан?

Ватаннинг қадрин, ватансиз дарбадарлардан сўранг,
Англагай неъматни қадрин, баъда заволи билан.

Доимо нурин сочиб турган қуёш тенг бўлмагай,
Тўрт фасл қору бўрон, ёмғирни шамоли билан.

Бормикан ҳурлик адолатга эришган битта эл,
Зулмга қарши курашмай, жон ила моли билан?!

Бизнинг элга бир оғир қисмат битилмишдир қаранг,
Эплай олмайди бу ишни, нотавон ҳоли билан.

Кеча кундуз шеър ёзар Саҳвий ватанни соғиниб,
Бошқа не қилсин бу банда, ушбу аҳволи билан?

Тарихга бир назар;

Бир назар солсам тарихга, кўп балолар биздадир,
Буюкликка, инқирозга, мубталолар биздадир.

Қабул этгунча ҳидоят динни кўп йиллар ўтиб,
Сомонийлар давридаги можаролар биздадир.

Буюкликка етишганда, Хоразмшоҳлар келиб,
Мўғулларнинг зулмидан чеккан жафолар биздадир.

Ўз элин, ўз динини, асраш учун жонин тикиб,
Жалолиддиндек Ватанга, жон фидолар биздадир.

“Ал — жабр”, “Қонуни — тибб”лар, то ҳануз хизмат қилур,
Ал — Беруний, ал — Фаробий, Ибн Синолар биздадир.

Ҳинду, Эрону, Турону, Шомни забт этган буюк,
Темур қурган Самарқанду, Бухоролар биздадир.

Бухорийлар, Термизийлар, Самарқандийлар неча?,
Дин билан дунёга машҳур, раҳнамолар биздадир.

Муассисдир нужум илминда Улуғбек Қўрагон,
Во дариф, Абдуллатиф қилган хатолар биздадир.

Мир Алишер шеърият, бўстонининг султонидир,
Мерос қолган Навоийдан, хуш наволар биздадир.

Бобуршоҳ кетган эди, бу элдан Ҳиндистон сари,
Тож Маҳал меросидан чин иддаолар биздадир.

Бу диёр фозилларин, бир — бир санаш, имкони йўқ,
Бебаҳо илмий асарлар, ихтиролар биздадир.

Биз буюк бир эл бўлиб, келгандик асрлар аро,
Тарих гувоҳ, қанчалар олим, даҳолар биздадир?!

Кўп асрлар юрт талашдилар, Амирлар, Хонлар,
Оқибатда таназзуллар, истилолар биздадир.

Кейин даҳрийлар ҳукмрон бўлди Турон мулкига,
Бу касофатларга қул, бахти қаролар биздадир.

Мустақил бўлдик бугун, Туронзамин бир қисмида,
Ўртамизда турли хил, миллий низолар биздадир.

Бугун бу эллар аро, ер — сув талаш, осмон талаш,
Не қилайлик ушбу дарди, бедаволар биздадир?!

Чорак аср бўлди, зулм айлар элига мустабид,
Дину — имонин унутган, рўсиёлар биздадир.

Қаранг манқуртлар каби, тарихин билмас қанчалар,
Ўзгалар урф — одатига, маҳлиёлар биздадир.

Ҳақни айтган қанчалар, аҳли — илмлар йўқ бўлиб,
Турфа хил маддоҳлару, аҳли — риёлар биздадир.

Неча миллион халқ бугун, дунё кезар сарсон бўлиб,
Она Ватандан, элидан, мосиволар биздадир.

Адолат топмай ватанда, зору ҳайрондир бу эл,
Жабру ситам остида, бағри адолар биздадир.

Ўн асрлик тарихингни қисқача қилдим баён,
Эй Ватан, сенла фахр, афсус, нидолар биздадир.

Умидвормиз рўшноликка, етгай энди юртимиз,
Яратгандан умид айлаб, илтижолар биздадир.

Ўқиб шеъримни маломат айламанг дўстлар мени,
Бесабрликдан бу янглиғ, дийдиёлар биздадир.

Яратган Зот меҳрибондир, ҳеч унутма Саҳвиё,
Даргоҳига беҳисоб, ҳамду — санолар биздадир.

13 июн 2014 йил

Фарзандлар бўлсин омон

Фарзанд яратган зотдан неъмат қилиб берилган,
Ҳаёти дунё учун зийнат қилиб берилган.

Яратганинг эҳсони, бир улуғ имтиҳони,
Яратилиш имкони шаҳват қилиб берилган.

Ўғилми қиз бетакрор, ҳар бирининг ўрни бор,
Ҳаммасига беғубор фитрат қилиб берилган.

Кимга кўзлар қувончи, ортида бир дуоғўй,
Дунёи охиратда раҳмат қилиб берилган.

Кимлар учун балодир, дардлари бедаводир,
Кимларнидир бошига кулфат қилиб берилган.

Фарзанд учун масъулдир, ота онаси доим,
Авлодларга аждодлар, миллат қилиб берилган.

Фарзандлар бўлсин омон, эътиборсизлик ёмон,
Саҳвиё танда бу жон, муҳлат қилиб берилган.

Миллатсан;

Эй халқим, олимларинг сақлолмаган миллатсан,
Аждодларинг ишончин оқлолмаган миллатсан.

Қанча жигарбандларинг қириб, қурбонлар бердинг,
Дилидан ўч адоват, йўқолмаган миллатсан....

Турли йўлга бош уриб кўрдинг, асрлар ҳануз,
Ўзингни ҳақ йўлига, сололмаган миллатсан.

Золимларнинг қўлинда қул бўлдинг эзилдинг,
Зулмга қарши кураш қилолмаган миллатсан.

Ҳар дайди ит устинга келса бўйин эгарсан,
Ору номусни ушлаб қололмаган миллатсан.

Дўстни душман ҳисоблаб, душманни дўст тутарсан,
Ким дўсту, ким душманинг, билолмаган миллатсан.

Саҳвий ўйларди ёвуз қашқирни йўқ қилар деб,
Сен қўйни оғзидан чўп ололмаган миллатсан.

Тинмади;

Дилга ҳасратлар солиб турган хабарлар тинмади,
Фитна аҳли тарқатиб турган заҳарлар тинмади.

На Мисрда, на Ироқда, на Фаластин бирла Шом,
Ўлкасинда мусулмонларга зарарлар тинмади.

Ўзбекистонни гапирманг, Афғонистон олдида,
Чорак аср бўлдики, зеру-забарлар тинмади.

Аҳли исломнинг муаммоси оғир бўлди қаранг,
Чора излаб, кўз тикиб турган назарлар тинмади.

Дилимга сиғмайди дардим, портладим вулқон бўлиб,
Барчасига қайғуришдан, ал-ҳазарлар тинмади.

Раҳматан лил оламин, бўлганди Аллоҳ элчиси,
Умматининг қайғусинда, тун-саҳарлар тинмади.

Энди бу қайғуга ҳамдardлик насиб этган экан,
Саҳвиё, сен тинмагил, бу дил бузарлар тинмади.

Бугун;

Сарзамин жангу жадаллар ичра ларзондир бугун,
Одамизод қадри ҳам бир пулдан арзондир бугун.

Фитналар қўпди, билиб бўлмас қаерда ҳақ йўли,
Қай тарафга боқмангиз, эллар ғалаёнди бугун.

Ким ҳаловат топмоғи мумкин ажалнинг домида,
Қотилу мақтул қаранг, бари мусулмондир бугун.

Фитна ичра қирпичоқ бўлса мусулмонлар агар,
Бунга қандай айтасиз, “золимга исёнди” бугун?!

Лолазордан олмаган рангин шафақни офтоб,
Сарзаминни лолазор этган қизил қондир бугун.

Нега бу аҳволдамиз, роҳи саодат қайдадир,
Аҳли ислом барчаси хотир паришондир бугун?!

Дўстларим айб айламанг, “Саҳвийни ақли паст” дея,
Ҳеч нима идрок этолмас, лолу ҳайрондир бугун.

Йиғлагай;

Йиғласа мазлум аламдан, еру-осмон йиғлагай,
Ботил ҳақ устига ҳоким бўлса, имон йиғлагай.

Нола чекмас еру осмон ўлса бир золим агар,
Бир ғарибу бенаво ўлганда, гирён йиғлагай.

Зулм бир ён, адл бир ён, курашмоқда тинмайин,
Арсатда қолганин билганда инсон йиғлагай.

Раҳматидан бенасиб қолган киши бадбахт бўлар,
Нола тортиб зурриёти ўлса ҳайвон йиғлагай.

Энди қандай шоду хуррамлик татир мўмин учун,
Чор тараф зулм остида, қардоши нолон йиғлайгай?!

Ёш гўдак фарёди таъсир этмаган одам эмас,
Тош юрак ўлгач бориб, дўзахда чандон йиғлагай!

Сен бугун мазлумлар аҳволига йиғла Саҳвиё,
Билки, мазлумга ачинмас кимсалар қон йиғлагай!

Қодир Эгам хор айласин!

Эй Башар Ассад сени, Қодир Эгам хор айласин,
Салтанату аскаринг шарманда тор-мор айласин!

Бу ғариб бечораларнинг қонлари тутсин сени,
Икки дунёнинг азобига сазовор айласин!

Қудратин поёни йўқ Зот, қудратини кўрсатиб,
Барча золимни Ўзин, қаҳрига дучор айласин!

Салтанат кўзини кўр қилган, бу золим ўлса гар,
Дардига топмас давони, қанчалар зор айласин!

Эй мусулмонлар, зулмга жим қараб турмоқ ҳаром,
Кимки имон соҳиби, мункарни инкор айласин!

Шунча ноҳақ қон тўкилган пайтда, жим турган киши,
Муттақинлик иддаосин, энди бекор айласин!

Барча золимларга лаънатлар тилаб айт Саҳвиё,
“Эй Башар Ассад сени, Қодир Эгам хор айласин!”

Ҳануз

Бу не одат ухламай тунларда бедорман ҳануз,
Нотавон жисмим ҳаловат топмайин зорман ҳануз.

Не оғир юк менинг зеҳнимни босиб, тинч қўймагай,
Офият истаб, ҳаловатга харидорман ҳануз.

Олмаганман аҳли комилдан камолот дарсини,
Чунки, бу дунё ғами бирла гирифторман ҳануз.

Чарчаган, телба асаблар ихтиёри мендамас,
Сурати соғлом, ва лек сийратда беморман ҳануз.

Гарчи мендан кечди бу дунё ҳануз мен кечмадим,
Барча тарк этган матоларга талабгорман ҳануз.

Тоату тақво учун, журъат топилмас танда ҳеч,
Нафси аммора ишин қилмоққа тайёрман ҳануз.

Гарчи Саҳвийнинг гуноҳининг ҳисоби йўқ турур,
Мағфират аҳли бўлишлиқдан умидворман ҳануз.

Сурияда вайроналар остидан тирик чиққан болакайни кўриб;

Бу гўдакнинг ҳолига йиғлолмадим жон қолмади,
Ё Раб, ожиз бандани авф этгил имкон қолмади.

Қай бирига куйиб энди, қай бирига йиғлайин,
Бу ғарибу нотавон жисмимда дармон қолмади.

Бу хабар воситаларда, ҳуш хабарни кўрмадим,
Доимо куйди дилим осуда бир он қолмади.

Мени ҳайратга солар бундай ёвузлик даҳшати,
Бу мусибатларни ким кўрганда ҳайрон қолмади?!

Не қилиш мумкин бу даҳшатларни тўхтатмоқ учун,
Наҳот бу дунёда бир инсофли инсон қолмади?!
Дийдалар қотди бугун қон йиғламас бу бағритош,
Бу мусибатларга ғам чекмас мусулмон қолмади.

Йиғламай не чора бор, Саҳвий бу офатни кўриб,
Не қилай йиғлолмадим, ё Раб кечир, жон қолмади!

Англадим;

Соғиниб қалбим ватанни, қонлиғини англадим,
Етмайин орзусига ҳайронлиғини англадим.

Вужудим бу ердадир, руҳим ватанда дарбадар,
Қўҳна Жайҳун бўйида қолғонлиғини англадим.

Мен зулмдан қочганимга шукр этарман ҳар замон,
Асли улканроқ жазо, бўлғонлиғини англадим.

Ўзга юртларда фаровон бўлсада, гарчи ҳаёт,
Менга ватан бўлғони, ёлғонлиғини англадим,

Найлайин тақдир азалда, ихтиёр қолдирмади,
Биз учун азму қарор олғонлиғини англадим.

Айро тушдим, азиз аждодларни хоки пойидан,
Қисматим ғурбатга йўл солғонлиғини англадим.

Саҳвиё, ғурбатда умринг ўтса улкан дард экан,
Соғиниб қалбим ватанни, қонлиғини англадим!

Шайтон менинг қонимдадир!

То тирикдурман ажал қасди менинг жонимдадир,
Токи мўминманки, шайтон қасди имонимдадир.

То туғилгандан ажал етгунча тинч қўймас мени,
Турли фитна васваса доим менинг ёнимдадир.

Жону имонни саломат сақламоққа чора не?,
Ўзгаларни билмадим, шайтон менинг қонимдадир!

Беватан бўлдим бу ғурбат даштини сарсон кезиб,
Барча иллат эҳтимол, еган тузу-нонимдадир?!

Мен ғарибу бенавонинг дардини ким англагай,
Сирри асрорим дилим куйдирган армонимдадир.

Ғафлат аҳлига бу ҳолни англамоқ осон эмас,
Чунки, бу ҳолат баёни, нола афғонимдадир.

Дардим авлодимга мерос қолдириб кетмоқдаман,
Барчаси эй Саҳвиё, ғам тўла дostonимдадир.

Бўлса;

Ҳар инсоннинг ҳаётда, обод диёри бўлса,
Диёрида халқ озод, эрк-ихтиёри бўлса.

Одил бўлса юртбоши, оқмайди эл кўз ёши,
Шод бўлур кекса ёши, адл шиори бўлса.

Бўлса дину-диёнат, қилмас элга хиёнат,
Элнинг муаммосига, чин эътибори бўлса.

Бўлса аҳдга вафоси, йўқдир жабру-жафоси,
Розидур фуқароси, инсоф меъёри бўлса.

Қадрини топар инсон, бўлар тинчлик ҳукмрон,
Ён атрофда қадрдон, чин дўсти-ёри бўлса.

Қани инсоф адолат, ғолиб бўлди разолат,
Бўлмасди расво ҳолат, номуси-ори бўлса.

Боши чиқмаса ғамдан, ўзин осар аламдан,
Ҳар бир одам ватандан, қочмоқ қарори бўлса.

Адолат топмас қарор, бўлмайди эл бахтиёр,
Ватан билан ифтихор, қилмоққа ори бўлса.

Саҳвий дилинда кўп ғам, топмас дардига малҳам,
Изҳор этар ҳар одам, дилда не бори бўлса.

Қолмагай;

Кимки золим бўлса онинг, дўсти-ёри қолмагай,
Олам аҳли олдида ҳеч, эътибори қолмагай.

Жабри зулми бошига бўлгай бало, охир кўринг,
Бесамар мазлум дуоси, оҳу-зори, қолмагай.

Оқибатда барча золим мустабидлар ҳоли шу,
Зўравонлик айламоқликга мадори қолмагай.

Нафсига иззат тополмай, доимо таҳликада,
Ўлсада шуҳратпаствликнинг хумори қолмагай.

Дунёда шармандаликга учрамоқда кетма кет,
Қаранг бадбахт бўлса одам, номус-ори қолмагай.

Мустабидлик охири, шармандалиқдир билса гар,
Яхшилик қилмоқдан ўзга бир шиори қолмагай.

Саҳвиё, ўткинчи дунё бевафо, ким англаса,
Тавбага қайтмоқдан ўзга, ихтиёри қолмагай.

Ғурбатда;

Ғурбатда инсон зоти топмас эътибор ҳаргиз,
Пулдор бўлиши мумкин, бўлмас бахти-ёр ҳаргиз.

Барча имкон шароит, “тасанно” дейман, аммо,
Ғурбат диёри менга, бўлолмас диёр ҳаргиз.

Яшил ўрмон, денгизлар, саҳро каби қадри йўқ,
Ақли бор одам ғурбат қилмас ихтиёр ҳаргиз.

Не чора бор қазога, азал ҳукми шу бўлса,
Бу ғурбат диёринда, топмадим қарор ҳаргиз.

Имонга номувофиқ, ахлоқин пойдевори
Рози бўлмайди инсон, бўлса номус-ор, ҳаргиз.

Охиратдан афзалмас дунёнинг ободлиги,
Мангу азобга банда, бўлмасин дучор ҳаргиз.

Устимизда ҳукмрон бўлди ноинсоф золим,
Адолат ҳукм қилса, бўлмасди эл хор ҳаргиз.

Тенг бўлмас имон билан куфр аҳли ҳеч қачон,
Бермоқчимасман ҳеч ким, қалбига озор ҳаргиз.

Саҳвийдек ғами битмас, хотиржам бўлмас ҳеч ким,
Имони куфр бирла, бўлса гирифтор — ҳаргиз!

Ўлчанур;

Бугун пулнинг қадрила хизмат баҳоси ўлчанур,
Пулни қадрин тилладан қиймат баҳоси ўлчанур.

Тилланинг қадрини инсон ўзича қилгай ҳисоб,
Бунда мезон бўлмаган, қудрат баҳоси ўлчанур.

Демак, куч қудрат, кадр қимматни мезони экан,
Куч ва қудрати билан, миллат баҳоси ўлчанур.

Куч ва қудратнинг асоси жонфидалиқдир аниқ,
Аслида шу шарт била, жаннат баҳоси ўлчанур.

Икки дунёнинг саодатига етмоқ йўли шу,
Шу тариқа мардлигу журъат баҳоси ўлчанур.

Бу улуғ неъмат мусулмон аҳлидан ўзгада йўқ,
Натijasин топмасанг қисмат баҳоси ўлчанур.

Қадрият мезонининг аслини билсанг Саҳвиё,
Бандаларнинг Тангрига, қурбат баҳоси ўлчанур.

Бўлмаса;

Йўлдан оздирмас эди шайтони малъун бўлмаса,
Қайси оқил нафсига кул бўлди, мажнун бўлмаса.

Оқибатда не бало офат бўлур пайдо қаранг,
Кошки мўминлар бу ғамлардан жигархун бўлмаса.

“Кун” деганда “фаякун” бўлгай, ҳаётда ҳарна бор,
Эҳтимол, бўлмас эди, шу “коф” ила “нун” бўлмаса?!

Ушбу аҳволга туширгач бизни шайтон оқибат,
Масхара айлаб кейин кулганда мамнун бўлмаса.

На узоқ тарихда на бизнинг даврда аҳли дин,
Бунчалар фитна фасодлар, ичра мафтун бўлмаса.

“Ойнинг ўн беши қоронғу,” дерлар, “ўн беши ёруғ,”
Нега биз зулматда қолдик, бир ёруғ кун бўлмаса?!

Саҳвиё, бу шеърларинг ҳам ғамлидир дунё каби,
Не қилай дилга сурур бергувчи мазмун бўлмаса.

Дарак;

Шеър ёзишлик балки дилда оҳу зорингдан дарак,
Ёки, Аллоҳдан берилган иқтидорингдан дарак?!

Балки, ўткинчи муҳаббат домида тутқун бўлиб,
Топмаган мақсадни қалби интизорингдан дарак.

Балки, оламда адолат топмайин афғон чекиб,
Сабру тоқат йўқ дилингда беқарорингдан дарак.

Ўзгалар топган фазилатни ўзингда топмайин,
Эҳтимол, қалбингда жой олган ғуборингдан дарак?

Ёки, дунёнинг матосига қилиб орзу ҳавас,
Балки, бу нафси ҳавога, эътиборингдан дарак.

“Шуароларда фазилат йўқ” дейишган, баъзилар,
Чунки, бу назму наволарга хуморингдан дарак.

Не сабабдан, билмайин шеърлар ёзарсан Саҳвиё,
Билки, бу шеърлар сенинг, дунёда борингдан дарак.

Илтижо айлайди Саҳвий

Ё Раб, офият ато этгил Ғазо ошёнига,
Чорамиз йўқдир, боролмаймиз уларнинг ёнига.

Бу улуғ айёмда тинмай бомба бўронлар қилар,
Бегуноҳ бу бандалар, айландилар қурбонига.

Паноҳингда асрагайсан, қудратингни кўрсатиб,
Тўймадилар бу касофатлар гўдаклар қонига.

Барча шайтонлар бу айёмларда занжирбанд бўлар,
Билмадим ё, эрк берилганми, яҳуд шайтонига?

Бинямин Шарон каби, хорлик сари кетмоқдадир,
Даргоҳингдан бир бало, индир маразнинг жонига.

Бу нечук дарду бало, бир чораси топилмаса?,
Бу муаммони Ўзинг етқургил ўз поёнига!

“Бирлигинг ҳаққи, нажот бер, аҳли Исломига” дебон...,
Илтижо айлайди Саҳвий, Меҳрибон Раҳмонига!

Ватан шу;

Ватан шу, қайда киши, улғайса ёшлик чоғидан,
Кейин топган жой азиз бўлмас, ватан тупроғидан.

Беватанлардан ватаннинг қадрини сўрмоқ керак,
Унинг меҳри улуғроқдир, рамз ила байроғидан.

Бориб Ҳинд мулкига подшоҳ бўлди Бобуршоҳ ва лек,
Андижон афзал эди, қасру саройу боғидан.

Элу юртидан жудо ғурбатда юрганлар билар,
Меҳрига ташна кўнгиллар қонмагай чанқоғидан.

Бизга фитратда берилгандир ватан меҳри — демак,
Ажрата олмас одам, тирноғини бармоғидан.

Менга юртим чўллари саҳроси афзал кўринар,
Ўзгаларнинг бепоён ўрмону, тошу – тоғидан!

Маънавийят моддиятдан доимо устун бўлур,
Талпинар саҳрога Саҳвий, бир денгиз қирғоғидан.

Ўзбеклар динин пешвоси кетди

Абдуллоҳ Ўта эмас, юртнинг доноси кетди,
Абдували Мирзомас, диннинг даҳоси кетди.

Обид қорининг ўғли, сиймосида бир қанча,
Ўзбеклар фарзандимас, диннинг, сиймоси кетди.

Қотиллар отган ўқдан ўлган Рафиқ қоримас,
Ўзбек қирғизни тутиб, турган биноси кетди.

Ўзбек элин журъати, бўлди Ўшлик Алишер,
Ўшлик эмас, ватаннинг чин фуқароси кетди.

Шовруқ элни қайғуриб, Парламентни титратган,
Мусулмонлар ҳомийси, диннинг шайдоси кетди.

Золимга ҳақни айтиш, бўлган эди шиори,
Фуад Шокирий эмас, ваъда вафоси кетди.

Ҳақ йўлни топиб ҳаққа чорлар эди жоҳилни,
Ойдин табибмас жоҳил дардин давоси кетди.

Эл бошидан зулмни, йўқ қилмади истиқлол,
Зулм кетмади гарчи, рус истилоси кетди.

Мард қолмади, маддоҳлар яшар Ўзбекистонда,
Чунки, бу юртдан диннинг нури зиёси кетди.

Миллат кимдан айрилди, бугун англамас Саҳвий,
Бухориймас, ўзбеклар динин пешвоси кетди!

Бечора халқим

Эй, менинг бечора халқим, сийму-зарни кўрмадинг,
Хон, Амир, Юртбошилардан, не зарарни кўрмадинг?!

Сенинг номингдан гапирдилар, сенинг қонинг ичиб,
Таърихингда бундан ортиқ, дардисарни кўрмадинг.

Тирикликда барча мард фарзандларинг бадном қилиб,
Дунёдан ўтгач улардан, мўътабарни кўрмадинг.

Улуғ таърих, улуғ миллатлар учун ибратлидир,
Нега авлодингда ибратдан асарни кўрмадинг?!

Энди бу кунлардан авлодинга не ибрат қолур,
Чунки, аждодингда сен ибрат назарни кўрмадинг.

Буюклик йўлин йўқотган, таназзулга юз тутар,
Бизга тарихдан етиб келган хабарни кўрмадинг?!

Нотавонлар қавмининг армони битмас Саҳвиё,
Қавмини ҳақ йўлдан урган, йўлтўсарни кўрмадинг?!

Рози бўл

Бир куни кетсам ҳаётдан “жўжихон”им рози бўл,
Омонатдир дунёда, озурда жоним, рози бўл.

Камолинги кўрмасам, Аллоҳга топширдим сени,
Омонатдордир Эгам, йўқдир гумоним рози бўл!

Оғирроқдир сендин айрилмоқ менга, жонимдан ҳам,
Чунки, сендан азизмасдир, танда жоним, рози бўл!

Мен каби оввора бирла, бир умр ҳамроҳ бўлиб,
Рўшнолик кўрмаган, Сайёрахоним рози бўл!

Хизматингизни қилолмасдан кетиб қолсам агар,
Эй Ватан, халқим, дўсти-қадрдоним, рози бўл!

Маъбуди барҳақлигинг, иқрору-тасдиқ айладим,
Бу гуноҳкор бандадан, эй Меҳрибоним рози бўл!

Раҳматинг муҳтожи Саҳвий, ё Раб, айлайди дуо,
“Саодатли айлаб ҳар икки жаҳоним, рози бўл!”

Тушимда кўрдим

Тушимда кўрдим жамолингизни демак, уйқуда айб,
Ёки, оромимни олган, ул кўзи жодуда айб.

Ўртар ҳижронин ўти, бу нотавон қалбим яна,
Шу баҳона дилга ўрнашган ўшал қайғуда айб.

Кўнглим ҳар нарса таманно айлағай туғён уриб,
Бу хато гап англагил, ким деса, «йўқ орзуда айб.»

Сарғайибдир заъфарон янглиғ юзимнинг ранги ҳам,
Юзингда айб бўлса гар, бўлмас эмиш кўзгуда айб.

Меҳрига ташна дилимнинг дардига йўқдир даво,
Ақлдан озиб куларман, борми бу кулгуда айб?!

Ёндирар ҳижрон, кўзим ёши оқиб тўсғай уни,
Ишқ азоби шу, деманглар, «ўтда ёки сувда айб!»

Ишқ шаробидин ичиб, маст бўлса ошиқ айб эмас,
Балки, у ичган муҳаббат номли бир оғуда айб.

Бани одам ишқ тузоғига бўлурлар мубтало,
Агар айб бўлса ўшал бил, ишқ деган туйғуда айб.

Барчаси тақдир азалнинг ҳукмидан бўлғай, тамом,
Англисанг бу сўзни қўйма, ҳар кима беҳуда айб.

Ёшинг ўтган сари қалбинг ёшарур, эй Саҳвиё,
Айб сенинг қалбингда билсанг, демагил «у буда айб.»

Ғурбат доғида

Шубҳасиз бахтлидир ҳар ким, бўлса эл ардоғида,
Куйиб ёнмаса ватан ҳажрида, ғурбат доғида.

Элу юртидан жудо бўлган ғарибларни кўринг,
Қабр учун жой ҳам тополмаслар, ватан тупроғида.

Зулм ҳоким бўлса ғурбат ихтиёр этмай нетар,
Тинч яшай олмас бу мазлумлар, қаранг қишлоғида.

Гарчи хорижда яшаб ҳам топмасанг ёвдан омон,
Қолмади адлу адолат, кўҳна дунё боғида.

Қаранг кимлар ҳийла топмас тарк этишга юртини,
Ким ватанга топмайин йўл, қоврилар ўз ёғида.

Қачон эркинликга чиққай бу жафокаш эл яна?,
Бир асрдирким кишанлар судралар оёғида?!

Бу ғариб авлод вакили бўлди Саҳвий, ҳам чунон,
Умри ўтди қул бўлиб, бечора ёшлик чоғида.

Қадри йўқ девонани

Ватанда йўқ, ўзга юртда қадри бор, бегонани,
Кўп куйинма, Ҳақ учун қадри баланд девонани.

Биз бугун она ватанга зор, ғариблармиз ахир,
Ҳурмати лозим бўлар, фарзандга ота онани.

Биз ватан атрофида айланамиз парвонадек,
Ўзини ўтга урар, билсанг агар парвонани.

Бугун шу аҳволга тушдик, чорасиз бечорамиз,
Соғиниб, Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Фарғонани.

Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Жиззах бари,
Ўзга юртда зору сарсон, тўлдирар паймонани.

Бу оғир кунлар ҳали тарих бўлиб қолгай ишон,
Эл аро қадри йўқолмас, ҳеч қачон дурдонани.

Саҳвийдек, эл юрт, қариндош ҳажрида қонлар ютиб,
Қанчалар умри тугаб, тарк этди бу ғамхонани.

Мухаммаслар

Кўп хабар олдим ватандан хушхабарни топмадим,
Дилга бундан каттароқ етган зарарни топмадим,
Етмиш икки фирқадан холи шаҳарни топмадим,
Дин йўлида бундан улканроқ хатарни топмадим,
Эл бошига бундан ортиқ, дардисарни топмадим.

Мустабид қаҳрин сочиб, турса бўлармиш интизом?,
Унга шукр этмоқни тарғиб айлагай муфтий имом,
Фирқаларга ажралиш гарчи дейилгандир ҳаром,
Етмиш икки фирқа бўлдик, йўқ ўзаро эҳтиром,
Бир-бирига нисбатан, холис назарни топмадим.

Ўзларин доно билиб, элга насиҳат айлагай,
Динни восита қилиб, золимга хизмат айлагай,
Эътироз этган кишига кўп хусумат айлагай,
Айтинг энди ким буларни зарра ҳурмат айлагай?,
Мен булардан каттароқ бир, дин бузарни топмадим.

Йўлдан урган барчамизни, қайси шайтон макридир?,
Нафсимизга тобеъ бўлдик, балки оқибат шудир?,
Ҳар бирин ўзига маъқул ожизона фикридир?,
Биздаги айбу хато, балким қадарнинг ҳукмидир?,
Мен синов майдонида, ҳукми қадарни топмадим.

Фирқаларнинг ихтилофи, эътиқод имон экан,
Энди йўл топмай бари, ёшу-қари ҳайрон экан,
Барчасига чин айбдор, барибир шайтон экан,
Қанча холис иддаолар, аслида ёлғон экан,
Титкилаб ўтмишни бу кундан батарни топмадим.

Адоват ўтида куйдирди бари дунёсини,
Кошкиди куйдирмаса, бу ўт ҳали уқбосини,
Қанчалар фитна-фасод, охири йўқ ғавғосини,
Гапирманглар менга ушбу фирқалар “тақво»сини,
Мен буларда чунки, тақводан асарни топмадим.

Ҳақни истеъмом этур, ботил ирода этгали,
Ҳақни рад айлар зулмга инқиёда этгали,
Ҳужжат изларлар залолатни зиёда этгали,
Саҳвиё, ғамгин дилим, дардин ифода этгали,
Ёзганим бўлди мухаммас, мухтасарни топмадим.

Мухаммас

Тилагим шу, бу умматни, ҳидоятда равон этгай,
Орага фитналар солган, ғаним ҳолин ёмон этгай,
Адолатсиз яҳудларни ки, расвои жаҳон этгай,
Гўдаклар тасвири кўзимни нам, бағримни қон этгай,
Бу даҳшатлар дилим ғамлик, тилимни безабон этгай.

Муборак ойда ифторга Ғазо аҳлини нони йўқ,
Деманглар; “қорнимиз тўқдир, бунинг бизга зиёни йўқ,”
Бугун бу зўравонлар ҳаддидан ошди гумони йўқ,
Тубанлик, ихтилофу инқирозининг поёни йўқ,
Бу умматнинг забун ҳолин, Ғазо аҳли аён этгай.

Мусулмонлар унутдилар бугун мўмин деган номни,
Қаранглар ҳолу — аҳволин, Фаластину, Ироқ, Шомни,
Замин узра миллионлаб ҳожи боғлар қайта эҳромни,
Балога мубтало айлаб кўринглар аҳли исломни,
Улуғ Роббим машаққат бирла, бу кун имтиҳон этгай.

Бировни қайғусин билмас, бировнинг жони қийналмай,
Кишининг рутбаси бўлмас улуғ, имони қийналмай,
Маишатга қилурлар сарф, молини, ҳамёни қийналмай,
Фароғатда яшаб ўтган киши виждони қийналмай,
Унинг имони борлигига, мўминлар гумон этгай.

Бу кунда биз каби, дунёни кезган зору — сарсон йўқ,
Ўзимиздан ҳали ортиб, қилган ўзгага эҳсон йўқ,
Ва лекин қанча бойлар бор, молу — дунёсига сон йўқ,
Агарчи, бизда золимга, наҳий — мункарга имкон йўқ,
Зулмга норизо бўлганлар имонин омон этгай.

Қаранглар чор тараф йиғлаб юрган мардумни кўргайсиз,
Қамоқларда хазон бўлган, ғариб маҳқумни кўргайсиз,
Заиф мустаъзафин, эл — юртидан маҳрумни кўргайсиз,
Қаён боқманг бугун золим билан мазлумни кўргайсиз,
Тилагим то тириқдурман, мени мазлум томон этгай.

Буюкликдан бўлиб маҳрум, бугун хоки — туроб бўлдик,
Насорою, яҳудлар хизматида қул ҳисоб бўлдик,
Не фойда, гарчи бу ҳолдан, эзилдик, изтироб бўлдик,
Туганмас ихтилоф ичра, қолиб ҳоли — хароб бўлдик,
Бу ҳасратдан ҳаловат топмайин, Саҳвий фиғон этгай.

Мухаммас

Саодат аҳли бўлмоқлик, дилимнинг муддаосидин,
Етолмасман бу мақсадга, ёмон нафсим балосидин,
Нечук кўнгилни озод, айлайин нафс ибтилосидин,
Қочишга жой тополмасман, жафокашлар жафосидин,
Қутулмоқнинг иложи борми, элнинг можаросидин?!

Ҳаётнинг бори шу эркан, туганмас жанжалу ғавғо,
Қаю инсонни айтинг, бўлмаган ўз нафсига шайдо,
Бу офатдан қутулмоқнинг, иложини демиш тақво,
Қаю оқил киши қилгай, халойиқ сўзига парво,
Қачон бу эл тилин тийган, бировларнинг хатосидин?!

Шикаста бўлмаса нафсинг, санга кибру ҳаво бергай,
Ўзини билмаган нодон, кас ўзига жафо бергай,
Фақат тавба тазарруъ, ушбу дардинга даво бергай,
Ўзининг нафсини билса, ким ўзгага баҳо бергай?,
Жаҳолат аҳли воз кечмас, буюклик иддаосидин.

Ғубор босган кўнгилни шифоси афсус надоматда,
Насиб этсинда имонинг олиб ўтмоқ саломатда,
Надомат қилмагил қолдим дебон, таъна маломатда,
Аён бўлгай ҳақиқат, инсу — жинларга қиёматда,
Яша кўнгилни холи, айламай хавфу — рижосидин.

Худонинг раҳматидан ҳар неки борлиқ, умид этгай,
Мақоми бандалиқдан мўътабар, ёрлиқ умид этгай,
Улуғ тутмас ҳавосин, сарбасар хорлиқ умид этгай,
Нечук нодон экан элдан, вафодорлик умид этгай?,
Биров топганмиди, сен ҳам, умид этсанг вафосидин?!

Хатосиз банда бўлмас бил, зумраи ибни Одамда,
Ҳисобсиз зулму исёнлар, кўнгиллар бу сабаб ғамда,
Бу бандангдан муруватни, дариг тутма кетар дамда,
Мен осий бандага раҳм айла, ё Раб, икки оламда,
Ризоингни муқаддам тутмадим банданг ризосидин.

Улуҳийятда якка Зотлигинг олам аро зоҳир,
Сифоти асмой зикринг, дилимни айлагай тоҳир,
Агарчи бўлди банданг маъсиятнинг илмида моҳир,
Рубубийятга имон келтириб ким, англадим охир,
Хатою, журму — исёним, убудийят асосидин.

Бани Одам эканмиз, биздаги наслу насаб, шулким,
Малаклар сажда қилди, бундан Иблис дарғазаб, шулким,
Буюкликдан тубанликга йиқилганга сабаб шулким,
Худоё, раҳматинг муҳтожиман, Сендан талаб шулким,
Йироқ этма бу қулни, аҳли тақволар аросидин.

Ҳаётда илми ҳол истаб, тополмасдан ўтар, Саҳвий,
Фаросатдан киши таълим ололмас бу илм ҳиссий,
Азалда битгани бўлгай, вале дерлар; «амал касбий»,
Бу дунёда бари яхши, ёмонлик, аслида нисбий,
Қазонинг ҳукми ўзгармас, одамларнинг баҳосидин.

Ёдгор Обид ғазалига Саҳвий мусаддаси;

Гарчи бўлган нотавонликга гирифтор ҳолатим,
Ғам тўла дунёни тарк, этмоққа тайёр ҳолатим,
Яратганнинг раҳматидин, кўп умидвор ҳолатим,
Шеърларим қилгай баён, аслида не бор ҳолатим,
Қилмадим умрим бўйи кимсага изҳор ҳолатим,
Не насиб эрмиш — эрур, ўзимга ошкор ҳолатим.

Бугун олам узра кўп, ғавғо қилурлар баъзилар,
Бир бирин қонин тўкиб, «тақво» қилурлар баъзилар,
Одамийлик расмини, расво қилурлар баъзилар,
Эл аро кўп фитналар, пайдо қилурлар баъзилар,
Билмайин ҳолим недур, иғво қилурлар баъзилар,
Барча иғво аҳлига манбаъи асрор ҳолатим.

Гарчи лозим айламоқ, ҳар ишда инсон машварат,
Чунки, қилмоққа буюрди бизга қуръон, машварат,
Қани бу кунда аҳиллик, қайда қолғон машварат?,
Хўжакўрсинга қилингай, баъзи ёлғон машварат,
Ўз — ўзимла айласам гоҳида пинҳон машварат,
Дер кўнгил «тарк этмагай ҳақ йўлни зинҳор, ҳолатим».

Мустақиллик, ҳурриятни, гарчи қилгандик ҳавас,
Оқибат ким қочди элдан, кимнидир жойи қафас,
Юртимиз ўнганмади, юртбошини босдику нас,
Бўлдику бу элни қадри, оқибатда хору — хас,
Эл учун эрк изладим, гоҳ изладим эркин нафас,
Шум ғаним йўл бермади, айлади абгор ҳолатим.

Мустабидлар адолатни икки пулга сотдилар,
Ким талаб қилса агар эркин, омонсиз отдилар,
Эрксевар фарзандларини, бирма — бир йўқотдилар,
Бошимизга бу ғарибликнинг юкини ортдилар,
Тош бошимга тош отиб, бўйнимга сиртмоқ тортдилар,
Жон қушим кетди бадар, ёт элда зор- зор ҳолатим.

Ватанпарварларни душман айлашиб қилдилар оқ,
Ушламоққа ҳар тарафда, йўлда қўйдилар тузоқ,
Тарқалиб ҳар ёнга кетдик, дилда кўп дарду фиरोқ,
Бора олмасмиз ватанга, энди биздан кўп узоқ,
Қайда бўлдим — бўлмадим, эл — юрт ғамидин ҳеч йироқ,
Гарчи бу дард жон олур, олурда душвор ҳолатим.

Дунё бўйлаб бугун бу эл, чор тараф дайдиб юрар,
Баъзи элларда қароқчилар тутиб, ушлар, урар,
Мамлакат аҳли қоронғу, совуқ уйда жим турар,
Ўрмаяпди, гар мақол бор, “Ҳар ким экканни ўрар”,
Оч етимлар бошини кимлар силаб, кўнгил сўрар,
Шул оғир ўйлар билан гоҳ — гоҳи бедор ҳолатим.

Кошки эрди бу ҳолатни кўрмаганда кўзларим,
Элни бу аҳволдан қоп қора бўлди юзларим,
Ўтди умримнинг баҳори, ёзи, келди кузларим,
Беватан қолмоқда ортимда ўғиллар, қизларим,
Ер қучиб, тупроқ ютиб сочдим аламкаш сўзларим,
Ҳар сўзим — дил суврати, акс этар такрор ҳолатим.

Саҳвиё, элга мудом таклиф этарман ҳақ йўлин,
Келмоғин бир кун диёримга кутарман ҳақ йўлин,
Мадҳ этиб шому саҳар, дoston битарман ҳақ йўлин,
Умидим борки висолига етарман ҳақ йўлин,
Куйса гар жон, куйса тан — собит тутарман ҳақ йўлин,
То ўлим тутмай ёқам — этмоққа иқрор ҳолатим.

2014 йил Саҳвий

Рубоий;

Бу дунёга келдик, кетамиз бир бир,
Тақдирда неки бор, маълум эмас, сир.
Амалларга қараб, бизга айтилуру,
«Сен жаҳаннамга, сен жаннатимга кир!»

Навоий ғазалларига шарҳлар

Истаганлар бизни, саҳрои балодан истангиз,
Водийи ҳижрон ила дашти фанодан истангиз.

Вомику, Фарҳоду, Мажнун денглар, ул водий аро,
Бўлса пайдо, ким мени ҳам ул ародан истангиз.

Юз аларнинг ишқича дарду балову ғуссаға,
Толиб, эл бошиға келган можародан истангиз.

Эйки, истарсиз саводул важҳ фиддорайндин,
Бохабар бўлмоқ, мени юзи қародан истангиз.

Кўнглум ул зулф ичрадур, зинҳор ишқим шарҳини,
Истаманг мен телбадан, ул мубталодан истангиз.

Нуқта янглиғким, вафо узра қилур котиб рақам,
Ишқ ўтининг доғини аҳли вафодан истангиз.

Оғзи шавқидин Навоий итти, они истар эл,
Ё адам даштида, ё мулки фанодан истангиз.

.....

Ғазалга қисқача изоҳ;

Истаганлар бизни, саҳрои балодан истангиз,
Водийи ҳижрон ила дашти фанодан истангиз.
(Изоҳ; Маълумки Навоий тасаввуф шоиридир. Тасаввуф эса, дини исломга асосланган аввалги даврда мавжуд бўлмаган бўлсада, кейинчалик пайдо бўлган улкан таълимотдир. Бу таълимот асосида Аллоҳга муҳаббат туради. Шу жиҳатдан

кўплаб ақидавий масалаларда аҳли суннага хилоф шаклда талқинлар қилинади. Аҳли сунна ва тасаввуф уламолари орасидаги ихтилофлар тафсилига бу ерда киришмай ғазалга шарҳ қиламиз.

Навоий ўзини тасаввуфда энг юфори ҳисобланган фано мақомига етган деб ҳисобляпти. Бу мақомот инсон ўз менлигидан кечиб, жисмонан гўёки, тамоман йўқ бўлган бўлишини талаб қилади. Ва шу даражага етган солиқ Ҳаққа етишган бўлади. Бу ерда Аллоҳга руҳан яқин бўлиш назарда тутилади. Навоий “кимки мени истаса, саҳрои балодан, ҳижрон водийсидан ва Фано даштидан изласин” деяпти. Шоир Лисонут Тойр асарида тариқат йўлига кирган солиқ комилликга эришиш учун босиб ўтиши лозим бўлган маълум руҳий босқичларни қушлар тимсолида баён этади. Охирги босқич Фақру фано босқичи бўлиб, бу даражагача етишган киши инсони комил ҳисобланган. 7 та босқич Навоий тилида водий қуйидагилардир; Талаб водийси, Ишқ водийси, Маърифат водийси, Истиғно водийси, Ҳайрат водийси, Тавҳид водийси, Фақру фано водийси.)

Вомиқу, Фарҳоду, Мажнун денглар, ул водий аро,
Бўлса пайдо, ким мени ҳам ул ародан истангиз.

(Изоҳ; Навоийни излаётганлар ўша водийга кириб, ишқий дostonларнинг афсонавий қаҳрамонлари Вомиқ, Фарҳод ва Мажнун деб, чақирсалар, ўша ерда кимлар пайдо бўлса, улар орасидан Навоийни излашсин)

Юз аларнинг ишқича дарду балову ғуссаға,
Толиб, эл бошиға келган можародан истангиз.

(Изоҳ; Улар каби ошиқлардан ишқидан юз баробар ортиқча дарду балога толиб, талабгор бўлиб турган элнинг бошига тушган можаро орасидан Навоийни изланглар. Ўша эл бошига келган балоларни орасида у доим топилади. Бу ерда шоир ўзининг бутун умри Вазирлик давомида бўлсин ёки ундан кейин бўлсин доимо эл юрт ғамида юрганлигига ишора қилапти.)

Эйки, истарсиз саводул важҳ фиддорайндин,
Бохабар бўлмоқ, мени юзи қародан истангиз.

(Изоҳ; Шу билан бирга шоир ўзини юзи қаро гуноҳкор банда ҳисоблайди. Яъни, кимки, икки дунёда (фиддорайнда) юзи қаро (саводул важҳ) бўлган кишилар кимлигидан бохабар бўлишни истасангиз, у ҳолда менинг юзим қаросидан изланг. Икки дунёда юзи қаролардан бири менман деяпдилар)

Кўнглум ул зулф ичрадур, зинҳор ишқим шарҳини,
Истаманг мен телбадан, ул мубталодан истангиз.

(Изоҳ; Кўнглим ёрнинг зулфи ичидадир. Зулф аёлларнинг қора ва узун чиройли сочи дур. Зулф айни дамда соч каби қоронғулик тимсолидир. Кўнгил зулф ичида бўлиши, деганда кўнглим ишқ дардидан ғамда қоронғуликда деганидир. Одамлар мендан ишқим шарҳини сўрашмоқчи бўлсалар, мен телбадан сўрамасдан ўша кўнглимдан сўраб қўяқолсинлар. Чунки, кўнглим ўзимдамас, ўша ёқда деяпти шоир.)

Нуқта янглиғ ким, вафо узра қилур котиб рақам,
Ишқ ўтининг доғини аҳли вафодан истангиз.

(Изоҳ; Арабча Вафо сўзи ёзилганда, вов ҳарфидан кейин, фе ҳарфи ва кейин алиф келади. Вов билан алиф орасида Фе туради ва унинг устига котиб яъни, хат ёзувчи бир нуқта қўяди. Ишқ ўтини вафодор ошиқлар қалбидаги доғини ўша вафо калимасидаги ўртадаги нуқтага ўхшатилаяпди. Ва мен вафодор ошиқмасман ишқ ўтини доғи азоби қанчалигини манданмас ўша аҳли вафолардан сўранглар деяпди. Шоир бу ерда ўзини ишқда вафодор эмас, дейиши бу ўзидан олдинги ўтганларни улуғлашлик ва ўзини паст тутишлик учун айтилган иборадир)

Оғзи шавқидин Навоий итти, они истар эл,
Ё адам даштида, ё мулки фанодан истангиз.

(Изоҳ; Эл агар Навоийни истаб қолсалар, Навоий ёрнинг оғзи шавқидан йўқ бўлиб кетди. Уни энди ё йўқлик даштида (Ё адам даштида,) ёки мулки фанодан истангиз. Яъни, йўқлик мулкидан истанглар. Навоий йўқ бўлиб кетди. Ёки, тасаввуф тушунчасида ошиқ фано мақомига чиқди ва ўзликдан мосиво бўлиб, ёрига қўшилиб кетди. У энди мавжуд эмас. Ёки у ёр вужудида мавжуддир.)

Бу тушунча Навоийгача бўлган қатор араб форс ва турк мутасаввуф муфаккирлар орасида машҳур бўлган. Табиийки Навоий ўзини уларнинг издоши ҳисоблаган. Тасаввуф шайхлари ҳақида қисқача маълумот берувчи ва уларнинг сулук ва тариқатларига бағишланган “Насоимул Муҳаббат” номлик автобиографик асар ҳам ёзган. Ўзи ҳам ҳаётда тариқат йўлига кириб, Абдураҳмон Жомийни ўзига пир муршид деб, қўл берган. Ўз ижодида ҳам ўшаларнинг ғояларини тасвирлаган. Бу ғазал ана шундай ғазаллардан биридир.

Ҳазрат Навоийнинг муножоти

Сентябрь 20, 2014

Ё раб, ўлғон чоғда жоним жисми вайрондин жудо
Ул бўлуб мундин жудо, сен бўлмағил андин жудо,

Чун жудо бўлсам мени ғамнок йўқу бордин
Не ғамим, сен бўлмасанг мен зори ҳайрондин жудо.

Нақди жон чиққанда имон гавҳарин кўнглумга сол,
Айлагил жондин жудо, лек этма имондин жудо.

Хонумондин ойириб, қилғанда зиндон ичра ҳибс
Қилма лутфунг мен алохону аломондин жудо.

Ҳашр ғавғоси аро осийлиғимға раҳм қил,
Лутф ила илгим тутуб, қил аҳли исёндин жудо.

Гарчи ўлдум кофири ишқ аҳли ислом ичра қот,
Ул замонким бўлғуси кофир мусулмондин жудо.

Элга махлас истасанг, етти тамуғни айла кул,
Айлабон бир шуъла бу оҳи дурахшондин жудо.

Жаннат истаб айлаганларни ибодат, қилмағил,
Кавсару тўбию қасру ҳуру ризвондин жудо.

Барчадин айру Навоийға қилиб васлинг насиб,
Қилмағил, ё Раб, они мундин, муни ондин жудо.

Ғазалга қисқача изоҳ;

Ё раб, ўлғон чоғда жоним жисми вайрондин жудо
Ул бўлуб мундин жудо, Сен бўлмағил ондин жудо,

(Изоҳ; Алишер Навоий мусулмон сифатида ўз шеърларида кўп марталаб Аллоҳга нидо қилиб, муножотлар қилиб тилаклар тилаган. Бу ҳар бир мусулмон шоир ижодида кузатиладиган воқеълиқдир. Бу ғазалда ҳам шоир фақат Аллоҳга дуои илтижолар қилади. Жумладан, “Ё Раббим агар менинг жоним вайрона жисмимдан жудо бўлганида, Сен шу жон тарк этган танамдан жудо бўлмағил” деяпти.)

Чун жудо бўлсам мени ғамнок йўқу бордин
Не ғамим, сен бўлмасанг мен зори ҳайрондин жудо.

(Изоҳ; Мен ғамга ботган одам барча бор йўғимдан жудо бўлсам ҳам, Агар Сен мендан жудо бўлмасанг, қайғу ғамим йўқдир.)

Нақди жон чиққанда имон гавҳарин кўнглумга сол,
Айлагил жондин жудо, лек этма имондин жудо.

(Изоҳ; Жоним чиқаётганда имон гавҳарини калимасини кўнглимга солғил, яъни, шаҳодат келтириб ўлишни насиб қилғил. Жонимдан жудо қилсанг ҳам имонимдан жудо қилмағил деб илтижо қилаяпти)

Хонумондин ойириб, қилғанда зиндон ичра ҳибс
Қилма лутфунг мен ал оҳону ал омондин жудо.

(Изоҳ; Мен ўлгач, хонумондан айрилиб, зиндонга ҳибс бўлсам, яъни, қабрда ётсам, Сен ўз лутфингни карамингни мен хор бўлиб омонлик тилаётган бандандан жудо қилмағил!)

Ҳашр ғавғоси аро осийлиғимға раҳм қил,
Лутф ила илгим тутиб, қил аҳли исёндин жудо.

(Изоҳ; Қиёматда ҳашр кунда мен осие банданга раҳм қилғил. Ўзинг лутфинг ила қўлимдан тутиб, исён аҳлидан гуноҳкорлар жамоасидан жудо қилғил!)

Гарчи ўлдум кофири ишқ аҳли ислом ичра қот,
Ул замониким бўлур, кофир мусулмондин жудо.

(Изоҳ; Қиёматда кофирлар мусулмонлардан алоҳида ажралиб чиққан пайтида, гарчи мен ишқ аро кофирликга борган бўлсамда, мени ислом аҳли ичига киритгил.)

Элга махлас истасанг, етти тамуғни айла кул,
Айлабон бир шуъла бу оҳи дурахшондин жудо.

(Изоҳ; Агар элни дўзахдан халос қилишни истасанг, менинг оғзимдан чиқаётган дурга ўхшаган оловли оҳдан биттасини жудо қилиб, ажратиб олиб, ўша билан еттита дўзахни куйдириб кул қилғил! Бу ерда шоир ўзи тортаётган оҳ ўти дўзахларни куйдирадиган даражада шиддатли эканига ишора қилмоқда. Бу тасаввуф аҳлида кўп ишлатиладиган муболаға ташбиҳ шеърий тасвирлардандир.

Бобораҳим Машраб ҳам “Ўртар” радифли машҳур ғазалида,

Агар Маҳшарда оҳ урсам, Беҳишти жовидон ўртар” дейди.)

Жаннат истаб айлаганларни ибодат қилмағил
Кавсару тўбию қасру, ҳуру ризвондин жудо.

(Изоҳ; Сенинг ваъда қилган жаннатинга киришни истаб, ибодат қилган бандаларингни Кавсар булоғидан, Тубо дарахтидан, Қасру сайройлару, Ҳуру ғулмонлардан ва Ўз ризоингдан жудо қилмағил! Бу тилак оддий мусулмон одамларга ўта тушунарли ва ҳар бир мусулмон ўз ҳаётида доимо Аллоҳдан тилаб юрадиган тилаклар жумласидандир.)

Барчадин айру Навоийға қилиб васлинг насиб,
Қилмағил, ё Раб, они мундин, муни ондин жудо.

(Изоҳ; Қиёматда бошқалардан алоҳида Навоийга ўз муборак жамолингни кўрсат. Ва ё Раббим “ани мундин” яъни, жамолингни Навоийдан ва “муни ондин» яъни, Навоийни жамолинга қарашликдан жудо қилмағил. Бу байт мазмуни аслида бундан олдинги байт мазмунини тушунишга ёрдам беради. Юқорида жаннат истаб ибодат қилганларни жаннат неъматларидан жудо қилмағил дейилганди. Бу ерда эса тасаввуф шоири ўзига нима истаётганини очиқлаяпди. Жаннатдаги ҳурлар ва бошқа нарсаларнимас, Аллоҳнинг васли яъни, Жамолига назар солиш неъматини сўраяпди. Аллоҳга ошиқлик мазмуни ҳам шу. Албатта, жаннатдаги неъматлар ичида энг улуғи Аллоҳнинг дийдорига назар солишлиқдир. Бу ақидада собит бўлган ва ихтилоф қилинмайдиган масъаладир. Умри давомида уйланмаган ва дунё лаззатидан воз кечиб, охиратда ҳам бошқа нарсаларни сўрамасдан фақат Аллоҳнинг жамолига етишга интилиш Навоийнинг ва ундан олдинги ва кейинги ўтган тасаввуф

шоирларининг тасаввуфдаги тутган тариқатлари эди. Албатта, бу каби улуғ ғояларни ишташ ва шунга умрини бағишлаш, бугунги жоҳил ва бидъатчи сўфилардан кутиладиган нарсамас.)

.....

Изоҳлар муаллифи Саҳвий

Навоий ғазалига шарҳ

Сентябрь 18, 2014

Не сунъунгдин ажаб юз минг жаҳон бўлмоқ яно пайдо,
Не мулкунгга халал юз минг жаҳондек бўлса но пайдо.

Не поёни жалолу кибриёдурким тафовут йўқ,
Агар юз минг жаҳондек бўлса но пайдо ва ё пайдо.

Азал ҳам сен, абад ҳам сен, не аввал бирла охирким,
Анга йўқ ибтидо пайдо, мунга йўқ интиҳо пайдо.

Ироданг бирла тақдирингдин ўлғай икки кавн ичра,
Агар бўлса фано зоҳир вагар бўлса бақо пайдо.

Фалак ҳам ожиз, ахтар ҳам забун, сайру сукун ичра
Ки, сендиндур, не бўлса анжуму афлок аро пайдо.

Баҳона уммоҳот ўлдию обо йўқса сунъунгдин,
Ато бирла аноға не атову не ано пайдо.

Нечаким баҳр ила кон бўлса, сендин тарбият етмай,
Эмастур мумкин ўлмоқ дурру лаъли бебаҳо пайдо.

Чу баҳри раҳматинг мавж урса, пайдо бўлмағай хасча,
Неча журм аҳлидинким бўлса юз кўҳи хато пайдо.

Навоийнинг тилин шукрунғга гўё айлаким, бўлғай
Анга ҳамдинг гулистонида ҳар дам юз наво пайдо.

.....

Ғазалга қисқача изоҳ

Не сунъунгдин ажаб юз минг жаҳон бўлмоқ яно пайдо,
Не мулкунгга халал юз минг жаҳондек бўлса но пайдо.

(Изоҳ; Навоий бу ғазалида Аллоҳу Таъолога мурожаат қилиб, “сенинг сунъингдан санъатингдан агар яна юз мингта мана шу дунёга ўхшаган жаҳон пайдо бўлса ва ёки юз мингта жаҳон йўқ бўлса ҳам буни ҳеч ажабланарли жойи йўқ” дейди. Яъни, буюк қудратинг олдида бу ҳеч рансамас демоқчи.)

Не поёни жалолу кибриёдурким тафовут йўқ,
Агар юз минг жаҳондек бўлса но пайдо ва ё пайдо.

(Изоҳ; Чунки, Сенинг қудратинг улуғлигингни ҳеч поёни йўқки, шу сабабли ҳам юз мингта жаҳонни пайдо бўлиши ва йўқ бўлишида фарқ йўқдир. Яъни, мулкинга бундан заррача зарар етмайди.)

Азал ҳам сен, абад ҳам сен, не аввал бирла охирким,
Анга йўқ ибтидо пайдо, мунга йўқ интиҳо пайдо.

(Изоҳ; Чунки, Азалдан мавжуд Зот ва абадий Зот фақат Сендирсан. Балки, аввал ва охир деган калималаргина эмас, аввалга ибтидо бошланиш вақти йўқ ва охирга интиҳо яъни тугаш вақти йўқдир. Қуръонда “У (Аллоҳ) Аввалдир ва Охирдир” дейилган оят бор. Навоий ўша оятга ишора қилиб, нафақат Аввал ва Охир, балки, аввалки унга бошланиши бўлмаган ва Охирки, тугаши йўқ деяпди. Чунки, Аввал ва Охир бир нарсани боши ва охирини англатадиган сўзлардир. Аллоҳга нисбатан сифатланганда эса, Навоий айтганидек, бошланиши ва тугаши деган мазмунлардан холи бўлади. Бу Аллоҳнинг исму сифатларини англашда дақиқи ва нозик нуқталар бўлиб, одатда кўплаб ақидавий ихтилофлар шу каби масалалардан келиб чиққан.)

Ироданг бирла тақдирингдин ўлғай икки кавн ичра,
Агар бўлса фано зоҳир вагар бўлса бақо пайдо.

(Изоҳ; Яъни, икки оламда нимаики пайдо бўлса, ва ёки йўқ бўлиб кетса Сенинг ироданг ва аввалдан тақдир қилганинг сабабли бўлади.)

Фалак ҳам ожиз, ахтар ҳам забун, сайру сукун ичра
Ки, сендиндур, не бўлса анжуму афлок аро пайдо.

(Изоҳ; Фалак ҳам, яъни, осмон ва юлдузлар ҳам сайр қилиб айланишлиқда ва ёки бир жойда туриб қолишлиқда ихтиёри ўзларида эмас. Улар ожиздирлар. Осмонлар ва юлдузлар орасида нимаики пайдо бўлса, барчаси Сенинг ироданг ва истагинг туфайли бўлади)

Баҳона уммоҳот ўлдию обо йўқса сунъунгдин,
Ато бирла аноға не атову не ано пайдо.

(Изоҳ; Яъни, инсоннинг бу дунёда яралишида она ва ота бир баҳона сабаб бўлди. Аслида инсон Сенинг сунъингдан яралади. Бўлмаса биринчи ато бирла онага Одам ва Ҳаввога ота она қаерда эди? Яъни, уларнинг ота онаси йўқ эди.)

Нечаким баҳр ила кон бўлса, сендин тарбият етмай,

Эмастур мумкин ўлмоқ дурру лаъли бебаҳо пайдо.

(Изоҳ; Қанчалик денгиз ва ёки ер ости кони бўлсада, Сен тарбия қилмасанг сув остида дур ва бебаҳо лаъл тошлар пайдо бўлиш имкони йўқдир. Яъни, она қорнида уруғни Сен тарбият қилиб, инсонга айлантормасанг, ундан бебаҳо Зот инсон пайдо бўлиши имконсиздир)

Чу баҳри раҳматинг мавж урса, пайдо бўлмағай хасча,
Неча журм аҳлидинким бўлса юз кўҳи хато пайдо.

(Изоҳ; Аллоҳнинг қудратини васф қилиб келаётган шоир энди бошқа бир масалага эътибор қаратади. Аллоҳнинг раҳмат денгизи мавж урса, журм аҳли, яъни, гуноҳкор бандалардан юзта тоғ каби хатолар пайдо бўлсада, ўша раҳмат денгизи олдида хасчалик бўлмағай деяпди. Яъни, денгизда хас оқиб кетиши ва уни тўлқинига ҳеч қандай таъсир қилмаслиги ҳаётда биз тасаввур қилишимиз мумкин бўлган ҳодисадир. Шунга ўхшатиб шоир гуноҳларни ҳам Аллоҳнинг раҳмат денгизи олдида оқиб кетадиган хасга ўхшатаяпди. Бу билан ўзини гуноҳларини агар Аллоҳ истаса раҳмати билан йўқ қилишига умидворлик билдираяпди)

Навоийнинг тилин шукрунға гўё айлаким, бўлғай
Анга ҳамдинг гулистонида ҳар дам юз наво пайдо.

(Изоҳ; Навоийнинг тилини Сенга шукр айтиши учун булбулигўё қилғилки, Сенинг ҳамдинг боғида ҳар дамда юз наво қилиб, ҳам айтиб турсин. Бу ерда Булбул боғда сайрагани каби, Навоийнинг тили ҳам булбул каби, ҳам боғида тинмасдан сайраб ҳамд айтиб турсин дейилмоқда)

Бу ғазал шубҳасиз улуғ шоирнинг ўз Роббисининг қудратини мулоҳаза қилиб, фикр юритиб, У Зотнинг қудратини бепоёнлигига имон келтириб, ва Унинг раҳматига умид қилиб ёзган ғазалларидан биридир. Ғазалда турли хил ташбиҳлардан ташқари диний ақидавий масалалар ёритилади. Ва Аллоҳни улуғлиги турли ўхшатишлар билан тушунтирилади. Бу ерда банда Роббисини улуғлигига имон келтириш ва Ундан ўз гуноҳлари учун мағфират сўрашлик бордир. Бу эса айни мусулмонлик мақомидир. Бу диннинг ҳар бир мўминдан талабидир.

Изоҳлар муаллифи Саҳвий

Муножот

Маснавий

Сентябрь 18, 2014

Алишер Навоий Хамсасининг биринчи китоби «Ҳайратул Аброр» достонидаги бир муножотни қисқача изоҳлар билан эътиборингизга ҳавола қилаяпман. Бу муножотда буюк шоир исломдаги муҳим масалалардан бири тақдир азалдан битиб қўйилганлиги мавзусида фикр юритади. Ва баъзи шаккоккона фикрларни айтиб, сўз охирида узрини баён этади. Мазкур мавзуда аслида шу кунгача турли хил тушунчалар мавжуд бўлиб, бу масалада турли диний оқимлар турлича мавқеъда туришади.

Навоий баён қилган шакл эса, аҳли сунна иттифоқ қилган тақдирни азалда битилганига имон келтиришликдан иборатдир. Аммо, дунёда қилган амалларига инсон ўзи масъул бўлиши ва шунга биноан жазо ва мукофот олиши ҳам аҳли сунна эътиқод қиладиган нарсадир. Бу масалада бошқача фикр билдирадиган тоифалар ҳам оз эмас. Хуллас, беш аср олдин яшаб ўтган шоир бу мавзуда ўз фикрларини баён этган.

Инсоннинг адам ниҳонхонасидин вужуд кошонасиға келмақда адами ихтиёридин нишона демак ва вужуд шоҳроҳидин адам хобгоҳиға бормоқда вужуд изтироридин фасона айтмоқ ва гуноҳ қилурда бегуноҳлиғин девонавор даъво қилмоқ ва девона занжирин соғинғондек бу девоналиғ дафъин шаръ силсиласи била рафъи кулли қилиш;

(Изоҳ; Инсоннинг йўқлик оламидан ҳаётга келишида ихтиёрининг йўқлиги ҳақида нишона айтиш ва ҳаётдан йўқлик сари боришда вужуд изтироби ҳақида афсона айтиш ва гуноҳ қилишда беихтиёрлигини жинниларча иддао қилиш жиннилар занжирини соғинган каби, бу жинниликни даф қилишда шариат билан барчасини кўтариш даф қилиш)

Илоҳий, андаким йўқ эрди будум,
Адам уйқусида эрди вужудум.

(Изоҳ; Эй Аллоҳим, мен бир пайтлар йўқ эдим. Менинг вужудим ҳам йўқлик оламида эди.)

Не руҳум гулшанидин дард пайдо,
Не жисмим тупроғидин гард пайдо.

(Изоҳ; На менинг руҳим гулшанидан дард ва на жисмим тупроғидан гард асар бор эди?)

Вужудимда аносир банд тормай,
Таним ичра сўнғак пайванд тормай.

(Изоҳ; Вужудимда аъзолар бирлашмаган ва танамда суяклар пайванд бўлмаганди)

Ўтумда йўқ тириклик меҳри тоби,
Суюм йўқлуқ биёбони сароби.

(Изоҳ; Навоий инсонни тўрт унсур олов, сув, тупроқ ва ҳаводан яралган деб тушунади. Бу ерда менинг яралишимдаги зарур бўладиган ўша олов ва сувнинг ўзи мавжуд эмас эди деяпти)

Бўлунмай тупроғим гарди фанодин,
Насиме йўқ вужудумда ҳаводин.

(Изоҳ; Тупроғим ҳам ҳали йўқлик оламидан ажралмаган ва вужудимда ҳаводан насим йўқ эди)

Не тан, не таңда бош, не бош аро кўз,

Не юз, не юзда лаб, не лаб аро сўз.

(Изоҳ; Не таним ва не танда бошим, ва на бошда кўзим бор эди. На юзим ва на лабим ва на лабда сўзим бор эди)

Не жону анда не юз дарди жонсўз,
Не кўнгул, не анга минг неши дилдўз.

(Изоҳ; На жоним ва на жонимга дард берадиган сўз бор эди. На кўнгил ва на унга уриладиган минглаб нишлар бор эди?)

Нечукким йўқ кўнгул, йўқ ғамдин озад,
Бўлуб йўқ жон доғи йўқ қайғудин шод.

(Изоҳ; Йўқ қайғудан йўқ кўнглим шод эди. Йўқ қайғудан йўқ жоним ҳам шод эди)

Вужуд ичра йўқ олойиш аларға,
Адам кунжида осойиш аларға.

(Изоҳ; Буларнинг барчасига вужуд ичинда ҳаракатланиш йўқ эди. Барчаси йўқлик бурчагида ором олаётгандилар)

Борин ул уйқудин уйғоттинг охир,
Йиғибон бир бирига қоттинг охир.

(Изоҳ; Буларнинг барчасини уйқудан уйғотиб, бир бирига бирлаштирдинг)

Бу йўқларға йўқ эрди расму рое,
Не имкон худким ўлғай муддаое.

(Изоҳ; Бу йўқ нарсаларда шакл шамоил йўқ эди. Ва ҳатто буни ишташлик имкони ҳам йўқ эди)

Борисин бир бирига банд қилдинг,
Ўқуш ҳикмат била пайванд қилдинг.

(Изоҳ; Буларни бирлаштириб, улкан ҳикмат ила пайванд қилдинг)

Ўзунг сурдунг рақам топқоч бу нома
Шақий ё худ саид эрконга хома.

(Изоҳ; Бу нома рақамга эга бўлгач, унинг бахтли ёки бадбахт эканлигига ҳам Ўзинг қалам сурдинг. Яъни, азалда белгилаб қўйдинг)

Насиб эттинг ани қилғонда жонлиқ,
Туман минг ажз бирла нотавонлиқ.

(Изоҳ; Унга жон ато этгач, яъни, онанинг қорнида пайдо бўлгач, унга кўп ожизлик ва нотавонлик насиб этдинг)

Раҳм ичра ғизо ҳам улки маълум,
Ҳавойи дилкушо ҳам улки маълум.

(Изоҳ; Бачадонда ётганида унга етадиган озуқа ва нафас олиши учун ҳаво ҳам маълумдир. Яъни, уни ўша ерда озиклантириб турдинг.)

Бу зиндондинки жисмин ранжа айлаб,
Чиқординг юз туман ишканжа айлаб.

(Изоҳ; Она бачадонидан (зиндондан) унинг ожиз жисмини юз хил машақатлар билан дунёга чиқардинг)

Қилиб ҳиссу қуводин они маъюс,
Ҳам эттинг маҳд зиндонида маҳбус.

(Изоҳ; Уни қувват ва ҳисдан ожиз қилиб, яна бешик зиндонида маҳбус ҳам қилдинг)

Этиб беш олти қатра сутга муҳтож,
Ул ўлса тўқ, агар ул бўлмаса оч.

(Изоҳ; Беш олти томчи сутга муҳтож қилдинг. У бўлса тўярди у бўлмаса оч қоларди)

Оч ўлса йўқ тили истарга маъкул,
Бўлуб ўз ҳолиға йиғларға машғул.

(Изоҳ; Агар оч бўлса, овқат сўрашга тили йўқ эди. Ўзича йиғлашга машғул бўларди)

Тўқ ўлғач дафъиға йўқ ақли ёри,
Не ул қувватки бўлғай ихтиёри.

(Изоҳ; Тўйса, ахлатини чиқаришга ақли етмасди. Ва унда қувват ва ихтиёр йўқ эди)

Иши мажнун киби, банд ичра топок,
Агар доя юмай жисмини нопок.

(Изоҳ; Унинг иши жиннилар каби фақат банд бўлиб ётиш эди. Агар доя ювмаса танаси нопок ётарди.)

Не манъи нола ғавғосиға онинг,
Не сатри аврат аъзосиға онинг.

(Изоҳ; На унинг йиғлашидан бирор маъно бор эди. На унинг авратини ёпишга зарурат бор эди)

Неча йил ранжу меҳнат сондин ортуқ,
Не дейким, ҳар не десам ондин ортуқ.

(Изоҳ; Шу аҳволда неча йиллар меҳнат машақатлар билан улғаяди)

Бу санъатлар қилиб оламға соттинг
Ким, они одами хайлиға қоттинг.

(Изоҳ; Оқибатда уни дунёга киритиб, одамлар қаторига қўшдинг)

Бу ерга тегруким бўлди шумори
Анга йўқ эрди ҳеч иш ихтиёри.

(Изоҳ; Шу пайтга келгунича унда бирор ишни қилиш имкону ихтиёри бўлган эмас)

Бу ҳолат ичра тутмай они маъзур,
Яна қилдинг неча амрингға маъмур.

(Изоҳ; Бу аҳволда уни маъзур тутмасдан унга яна бир қанча нарсаларни бажаришга амр қилдинг)

Бу ишдур турфаким эгрию гар рост,
Қўя олмас қадам бўлмай санга хос.

(Изоҳ; У қанқа қадам қўймасин тўғрими ё хатоми Сен истамасанг қилолмайди)

Ки, гар эгрию гар рост килки тақдир,
Азалда айламиш оллиға таҳрир.

(Изоҳ; У тўғри қадам қўядими ё хатоми азалда тақдир қалами таҳрир қилиб қўйган)

Санга ул котиб илгида қаламдек,
Қалам нўги аро балким рақамдек.

(Изоҳ; У тақдир қалами Менга гўёки котиб қўлидаги қалам кабидир. Балким ўша қалам битган рақамлар кабидир)

Рақам чекмакка котиб йўнса хома,
Ўшул дамким қилур таҳрири нома.

(Изоҳ; Агар котиб бирор нарса ёзишга қаламини йўнса, албатта кейин бирор нарса ёзади)

Шуури борму илгида қаламнинг,
Ва ё ул хома нўгида рақамнинг.

(Изоҳ; Котиб қўлидаги қаламнинг шуури бормиди? Ёки қалам битган рақамларнинг шуури бормиди?)

Гар ул таҳрир хатдур, гар нуқатдур,
Билур котибки туздур ё ғалатдур.

(Изоҳ; Ўша ёзилган нарса хатми ёки бир нуқтами унинг тўғри ё нотўғрилиги ёзувчи билади халос)

Шуури йўқлуғи басдур гувоҳи
Ки, бу ишда қаламнинг йўқ гуноҳи.

(Изоҳ; Қаламнинг шуури йўқлиги унинг бу ишда гуноҳи йўқлигига кифоя қилади)

Анга бас йўқ эди бу бенаволиғ,
Қаламдек сарнигунлуқ юз қаролиғ.

(Изоҳ; Ўша қалам бахтини қаро битган кимсага бу каби қаламдек юзи қаро бўлишида ўзининг бирор айби йўқ эди)

Ки, ҳар қилғонга ҳужжат ҳам тутарсен,
Бу ҳужжат ичра диққат ҳам тутарсен.

(Изоҳ; Унинг қилган ишларига ҳужжат талаб қиласан ва нега бундай қилганини диққат билан ҳисоб китоб қиласан)

Берурсен гоҳ анга дўзах била бийм,
Қилурсен гоҳ жисмин ўтқа таслим.

(Изоҳ; Унга гоҳо дўзахга киритиш билан кўрқитасан ва гоҳо жасадини ўтда куйдирасан)

Бу сўзни тутмасанг, ё Раб, мусаллам,
Яна бор турфароқ мундин сўзум ҳам.

(Изоҳ; Эй Роббим, агар бу сўзимни қаблу этмасанг яна бошқа сўзим бор)

Азал субҳида малҳузунгни келтур!
Ароға «Лавҳи маҳфуз»унгни келтур!

(Изоҳ; Дунёнинг пайдо бўлган лаҳзасини келтиргил ва ўртага Лавҳи маҳфузни ҳам келтиргил. Лавҳи маҳфуз инсонлар тақдири битилган лавҳа.)

Не қилғон иш гар эрмас анда мактуб,
Неким қилсанг эрур адлингга маҳсуб.

(Изоҳ; Ўша банданинг қилган ишлари лавҳул Маҳфузда ёзилмаган бўлса, унда нима қилсанг ҳам Сенинг адлинг ҳисобланади)

Ва гар ул лавҳ уза бўлса муҳаррар,
Азал тақсимидин бўлди муқаррар.

(Изоҳ; Агар ўша банданинг қилган ишлари лавҳул Маҳфузда бўлса, демак азалда тақсим қилингани учун қилган бўлади)

Не дерсен бас бу жамъи бенавоға!
Гуноҳе қилмайин қолғон балоға!

(Изоҳ; У ҳолда бу гуноҳни қилмайин балога қолган бенаволарга нима дерсан?)

Навоий, хомадек тортиб узун тил,
Не дерсен, охир ўз ҳаддингни билгил!
(Изоҳ; Эй Навоий ёзилган битик янглиғ кўп гапираверма. Ўз ҳаддингни билгил)

Даме йўқ ёва айтурдин қароринг,
Жунун илгингдин олмиш ихтиёринг.

(Изоҳ; Сенинг бу гапларни айтишда қароринг йўқ. Сабаби жиннилик сенинг
ихтиёрингни қўлингдан олибдир)

Жунун занжирига побастсенму?
Агар мажнун эмассен, мастсенму?

(Изоҳ; Жиннилик занжири билан оёқ қўлинг боғланганми? Агар жинни бўлмасанг маст
бўлганмисан?)

Неча девоналиғ Фарҳод янглиғ,
Чекиб тил тешаи фўлод янглиғ.

(Изоҳ; Фарҳод каби девоналиғ қиласан. Пўлат теша каби тилингни чиқараяпсан)

Қаро тилни демақдин бир замон чек,
Десангим бормағай бошинг қаламтек.

(Изоҳ; Тилни кўп гапиришдан тўхтат. Агар бошинг қалам каби қириб ташланмасин
десанг)

Қалам сурма бу навъ афсоналарға,
Агарчи йўқ қалам девоналарға.

(Изоҳ; Бу масалаларда қалам сурмагил. Гарчи ақлдан озганлардан қалам кўтарилган
бўлсада. Яъни, жинниларнинг гуноҳлари ёзилмасада)

Жунундин сўзга бир дам бўлмай огоҳ,
Гар ортуқ сўз дедим: астағфируллоҳ.

(Изоҳ; Жиннилик қилиб, гапга эътибор бермасдан ортиқча гапириб қўйган бўлсам
мени кечир эй Аллоҳ)

Илоҳий, боқмагил мажнунлуғумға,
Карамдин чора қил маҳзунлуғумға.

(Изоҳ; Эй Илоҳим, менинг жиннилигимга боқмагил. Караминг билан бу қағуларимга
чора қил)

Юзум сарғортибон номам қароси,
Қарортиб номани хомам қароси.

Ёзаётган номам қаросидан юзим сарғайган ва номамни эса қаламнинг қароси қора қилмоқда)

Иноят айнидин хомам сари боқ,
Қизил айла юзум, номамни ҳам оқ.

(Изоҳ; Менинг ёзганларимга иноят назари билан боқил! Юзимни қизил ва номамни оқ қилгил!)

Юзум лутфунг суйидин тоза қилғил,
Сўзум кўсин баланд овоза қилғил.

(Изоҳ; Юзимни Лутфинг сувидан тоза айла ва сўзимни доврўғини баланд овоза қилгил)

Майи нутқум тарабхез айла, ё Раб,
Найи килким шакаррез айла, ё Раб.

(Изоҳ; Нутқим майини роҳатбахш этгил ва қаламим найини (Шакарқамишини) шакарлик қилгил ё Раббим!)

Кетур илгимга доғи жоми тавфиқ,
Етур кўнглумга доғи роҳи таҳқиқ.

(Изоҳ; Қўлимга тавфиқ жомини бергил. Кўнглимга ҳақиқат йўлини етказгил)

Сўзум роҳин қилиб равшан сафодин,
Шафоат жоми еткур Мустафодин.

(Изоҳ; Сўзим йўлини сафо билан равшан қилиб, Муҳаммад А.С. Шафотларидан жом еткургил)

.....

Изоҳлар муаллифи Саҳвий

Огаҳий ғазалига шарҳ

Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина,
Қатлим учун нас келтирар, нун элтибон сод устина.

Қилғил тамошо қомати, зебоси бирла оразин,
Гар кўрмасанг гул бўлганин пайванд шамшод устина.

Нози адойи ғамзаси қатлим қилурлар дам бадам,
Ваҳ, бунча офатми бўлур бир одамизод устина.

Ман хастага жон асрамоқ энди эрур душворким,
Қотил кўзи бедод этар, ҳар лаҳза бедод устина.

Ул гул юзи шавқи билан шайдо кўнгил шому саҳар,
Булбулдек айлар юз наво, минг навъи фарёд устина.

Бошимга ёққон ғам тошин мингдин бирича бўлмагай,
Гардун агар минг бесутун ёғдирса Фарҳод устина.

Эй Шоҳ карам айлар чоғи тенг тут ёмону яхшини,
Ким меҳр нурун тенг сочур вайрону обод устина.

Хоки танинг барбод ўлур охир жаҳонда неча йил,
Сайр эт Сулаймондек, агар тахтинг қуриб бод устина.

Не журъат бирла Огаҳий очғай оғиз сўз дергаким,
Юз хайли ғам қилмиш ҳужум, ул зори ношод устина.

.....

Ғазалга қисқача изоҳ;

Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина,
Қатлим учун нас келтирар, нун элтибон сод устуна.

(Изоҳ; Ёрнинг мушк уфириб турган қошининг ҳайъати жаллод каби, ошиқининг ўлдирувчи кўзи чашмаси устига тушиб туради. Бу эса ошиғини ўлдиришга Нас келтиради. Нас деб қуръон ва ҳадис асосидаги ҳукмни айтилади. Нас сўзи эса, нун ҳарфини сод ҳарфи устига келтириб ясалади. Шу маънода шоир Нас сўзини ёзилишига эътибор беради. Ва айна дамда маъшуқасининг кўзи ёки боқиши ошиқини ўлдириш даражасига етказганини ифодалайди)

Қилғил тамошо қомати, зебоси бирла оразин,
Гар кўрмасанг гул бўлганин пайванд шамшод устина.

(Изоҳ; Шоир бу ерда маъшуқаси юзини гулга ва қоматини шамшод каби тик ўсадиган хушқомат дарахтга ўхшатади. Агар гулнинг Шамшод дарахтига пайванд бўлганини кўрмаган бўлсангиз, ёрнинг зебо қомати ва орази юзини тамошо қилинг дейди.)

Нози адои ғамзаси қатлим қилурлар дам бадам,
Ваҳ, бунча офатми бўлур бир одамизод устуна.

(Изоҳ; Маъшуқа кўзининг ғамзаси ва нози ошиқни ҳар замонда ўлиб қолиш даражасига олиб бораяпти. Бир одамзод устига бунча офат бўлиши мумкинми?)

Ман хастага жон асрамоқ энди эрур душворким,
Қотил кўзи бедод этар, ҳар лаҳза бедод устуна.

(Изоҳ; Мен хаста одамга жон сақлашлик энди қийин ишдир. Сабаби, ёрнинг кўзи

менинг жонимга ҳар лаҳзада бедод зулмлар қиляпди.)

Ул гул юзи шавқи билан шайдо кўнгил шому саҳар,
Булбулдек айлар юз наво, минг навъи фарёд устуна.

(Изоҳ; Гул юзли ёр шавқи билан кўнглим кечаю кундуз шайдо бўлиб, Булбул каби минг турли фарёд устига яна юз турли наволар қилмоқда)

Бошига ёққон ғам тошин мингдин бирича бўлмагай,
Гардун агар минг бесутун ёғдирса Фарҳод устуна.

(Изоҳ; Агар Фалак Фарҳоднинг бошига Бесутун тоғи каби, тошларни минглаб ёғдирса ҳам, менинг бошимга ёққан ғам тошининг мингидан бирича бўлмайди)

Эй Шоҳ карам айлар чоғи тенг тут ёмону яхшини,
Ким меҳр нурын тенг сочур вайрону обод устина.

(Изоҳ; Шоир даврининг подшоҳига мурожаат қилиб, элга карам саховат кўрсатаётган пайтингда яхшию ёмонни тенг тутгил. Чунки, қуёш ўз нурини вайрона ва обод жойлар устига баробар сочади дейди. Бу ерда подшоҳни қуёшга ўхшатиш ва уни ҳаммага яхшилиқ қилишга тарғиб қилишлик бор.)

Хоки танинг барбод ўлур охир жаҳонда неча йил,
Сайр эт Сулаймондек, агар тахтинг қуриб бод устина.

(Изоҳ; Бу байтда ҳам шеър мазмуни ошиқ маъшуқ можароларидан чекиниб, насиҳат қилишга ўтади. Агар Сулаймон А.С. каби шамол устига тахтингни қуриб, ер юзида неча йиллар учиб айланиб юрсанг ҳам барибир бир кун танинг хоки туроб бўлади. Яъни, барибир ўласан дейди. Бу билан подшоҳни инсофга чақирмоқчи бўлади. Чунки, Сулаймон А.С. қиссаси қуръонда бор. У кишига бошқа ҳеч кимга берилмаган салтанат берилган. Лекин, ўшандай киши ҳам вафот топди. Демак, бошқа подшоҳлар ҳам бунини унутмасликлари лозим.)

Не журъат бирла Огаҳий очғай оғиз сўз дергаким,
Юз хайли ғам қилмиш ҳужум, ул зори ношод устина.

(Изоҳ; Огаҳий қайси журъат билан бунақа гапларни гапириши мумкин? Яъни, юқоридаги икки байтда келтирилган подшоҳга оғир ботиши мумкин бўлган гапларни шоир гапирмаган бўларди. Лекин, у зору ношод банданинг устига юзлаб ғам лашкарлари ҳужум қиляпди. Шу сабабли юқоридаги гапларни айтишга ўзида журъат топа олди.)

.....

Изоҳлар муаллифи Саҳвий

Сентябрь 18, 2014

Адолат ҳурриятдир тараққиёт асоси

(Бу тўпلامда 2015 йилда ёзган шеърү ғазалларим жамланди)

Муаллиф

Саҳвий

2015 йил

Швеция

Кириш;

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

Азиз Мухлислар!

Охирги даврдаги ёзилган шеърларимни тўплаб бир тўплам қилдим. Бу тўплам номи «Адолат хурриятдир тараққиёт асоси» деб номланди. Тўплам шу номдаги шеър билан бошланади. Тўпламда шеърлардан кейин маснавийлар ва ундан кейин ғазаллар ва мухаммаслар тартиб билан келади. Мен классик жанрлар ҳисобланмиш маснавий, ғазал ва мухаммаслар ёзар эканман, буларни бармоқ вазнидаги шеърлардан алоҳида жамлашни маъқул кўрдим. Зеро, қадимги шоирлар дostonларида ҳам ғазаллардан кейин мухаммаслар ва мусаддаслар навбати билан жамланган. Шеърларимда бу йилда бўлиб ўтган турли хил воқеъа ва ҳодисотлар ва диний гуруҳлар орасидаги ихтилофлар ўз аксини топгандир. Дунёдаги ва ислом оламида содир бўлаётган қўплаб аянчли воқеъалар шубҳасиз менинг ҳам қалбимга озор беради. Бу шеърлар шу озорлар берган илҳом билан ёзилган. Бу тўпламда араб тилидаги ўеърларнинг ўзбекча шеърий таржималари ҳам ўрин олган. Шунингдек, муаллифни «васият»и ҳам шу тўпламга кирган. Мен бу битикларни ўзимга ва ўқувчиларга дунё ва охиратда манфаатли қилишини Аллоҳу Роббал Оламиндан сўраб қоламан.

Саҳвий

2015 йил.



Адолат ҳурриятдир тараққиёт асоси

Шухратпарастлик дардин, йўқ эканда давоси,
Тўймас экан одамнинг, ҳаргиз нафси ҳавоси.
Фиравнга ўхшашга интилади бадбахтлар,
У деганди ўзини, Миср элининг «худо»си.
Қалби кўр бўлган кимса тарихдан ибрат олмас,
Имомали бўлибди, «тожикларнинг пешвоси.»
Туркманларнинг сардори, ҳайкал қўйган ўзига,
Уни мақтаб дейдилар; «доноларнинг доноси.»
Қозоқ халқида гарчи, эркинлик бор, нисбатан,
Лекин Нурсултон бўлди, мангу қозоқ подшоси.
Бизнинг ИАК булардан орта қолмас кибрда,
Лекин, булар ичинда, энг кўрқоғу расвоси.
Бу индамас писмиқдан, чиқар турли пасткашлик,
Мустабидлар ичида, оч-офату юҳоси.
Мустабидга хизматда, уламолар донолар,
Уларни дуо қилар, барча казо қазоси.
Нега бу миллатларда орият ғурури йўқ,
Қайда қолди мард ботир, эркакларнинг ҳаёси?!
Нега ҳаммаси жим жит, нега биров гапирмас?,
Сўниб битдими буткул, зиёлилар зиёси?!
Бу хорликдан чиқишлик, учун курашмоқ керак,
Жим турибдими демак, бу зулмга ризоси.
Минтақада фақат шу қирғизларда инсоф бор,
Балки, бунга ҳам сабаб, шу юртнинг фуқароси?!
Мустабидлар ҳукмрон, элда халқ яшар ночор,
Қачон тугар деб, кутиб, «мустабидлар жафоси.»
Бундай кўрқоқ миллатни азизликка ҳаққи йўқ,
Аччиқ бўлар тарихнинг, бизга берган баҳоси.
Шунчалик бефаросат бўлган бу мустабидлар,
Билмаслар тожу тахтнинг, йўқ ҳеч кимга вафоси?!
Тугаб битсин дунёда мустабидлар уруғи,
Ноҳақ тўкилган қонлар олинади қасоси.
Мақтов хушомадликни яхши кўрган нокаслар,
Яратгандан кўрқмаслар, шудир катта хатоси.
Ўзини доно билган бу аҳмоқлар билмаслар,
Эҳтимол Қаддофийдек, тугар кайфу сафоси?!
Эй мазлумлар жим турманг, золимларнинг зулмига,
Адолатдир, Ҳурликдир, тараққиёт асоси!
Бу аҳволдан бағри қон, шеърлар ёзади Саҳвий,
Бу ҳам балки биз учун, шум тақдирнинг қазоси?!



Икки қабр орасида ётган етим бола суратини кўриб:

Яратган Эгамнинг иши ажойиб,
Ақлим бовар қилмас, турфа ғаройиб.
Менинг ақлим етмас ҳикматларига,
Бу ишларнинг сири бандага ғойиб.
Иккита қабрда иккита инсон,
Ўртасида ухлар бир етим ўғлон.

Сира тинчимади уруш қирғинлар,
Осмону фалакни тутмоқда унлар.
Минг минглаб болалар бўлдилар етим,
Ўликлар танасин кавлар қузғунлар.
Бечора гўдаклар, болалар ҳайрон,
Билмаслар, нимага тўкилмоқда қон.

Етимларга қийин, йўқ қавму қардош,
Йўқ ғамхўр меҳрибон, дардига сирдош.
Ота онасининг меҳрини кўмсаб,
Қабристонда йиғлар, кўзларида ёш.
Гўдакнинг қалбини ўртайди армон,
Нега етим қолди, чорасиз нимжон?!

Жаннатнинг ваъдаси берилгандир бил,
Кимки, бўлса агар етимга кафил.
Етимга яхшилик қилишлик фарздир,
Боланга яхшилик қилишлик нафл.
Етимлик бандага оғир имтиҳон,
Етимлар йиғласа, йиғлайди осмон.

Адо бўлмадику, зулм истибдод,
Дод, бу золимларнинг дастидан минг дод!
Токи зурриётин асрай олмаса,
Уруғи қуригай бир кун одамзод!
Бу суратга боқиб, дилимиз вайрон,
Беғуноҳлар нега бўлмоқда қурбон?!

Менинг бу ғамлардан, бўлди ақлим лол,
Бир ожиз бандаман, бечора, беҳол.
Ўзинг Қодир Зотсан, Парвардигорим,
Ўзинг ёрдам бергин, ё Раб, Зулжалол!
Ожизлигим англаб, қиларман гирён.
Сенинг қудратинга келтирдим имон!

Аёл фазилати

Аёлларнинг фазилати улуғ бўлди исломда,
Ёшлигида отасининг жаннатига кафолат.
Ўсиб улғайса охири ҳурмату эҳтиромда,
Ўз тенгини топиб турмуш қуришлиги адолат.

Энди бу қиз ўз эрининг ярим динин тўлдирар,
Эрнинг дини, яхши аёл билан, бўлар баркамол.
Муҳаббати билан эрин ярим дилин тўлдирар,
Шунинг учун қадрлидир, мунис муслима аёл!

Она бўлгач, даражаси осмонлардан ошади,
Самолар ҳам жойлашгандир, жаннатларнинг пастида.
Агар кимки, истар бўлса, кирмоқликни жаннатга,
Демак жаннат оналарнинг оёқлари остида.

Обид қори Назаровга суиқасд уюштирилганининг икки йиллиги муносабати билан Стокҳолмда ўтказилган норозолик намойишида ўқилган шеър

Тақдир саҳифасин инсон очган эмас,
Ҳеч ким битиб қўйганидан қочган эмас,
Ўчирмоқчи бўлди золим овозингиз,
Лекин сизнинг овозингиз ўчган эмас.
Золимларга икки дунё жазо берсин!
Аллоҳ сизнинг дардингизга шифо берсин!

Неъмат қадри йўқотганда билинади
Эслаганда ғамдан диллар тилинади.
Имонига лойиқ синов кўрар инсон,
Сизга бугун кўнгил шуни илинади...
«Золим ИАК жазосини Худо берсин!
Сизнинг дардингизга комил шифо берсин!»

Аҳли бало бўлган эди Расулуллоҳ,
Бу қисматга лойиқ кўрди сизни Аллоҳ,
Салафлардан қолган имон йўли шудир...
Бу сўзимга қуръон гувоҳ, Тангрим гувоҳ!
Бу қисматдан, қалбингизга ризо берсин!
Роббим сизнинг дардингизга шифо берсин!

Золимга ҳақ сўзни айтмоқ жиҳод бўлмай,
Ҳақни айтган имонингиз зиёд бўлмай.
Ҳалок бўлмай ҳақни рад қилган золимлар,
Оқибати мисли Самуду-Од бўлмай!
Золимларга мангу битмас бало берсин!
Сизга Аллоҳ фазли бирла шифо берсин!

Ўтаяпмиз бу ўткинчи дунёсидан,
Тавфиқ етган олғай улуш тақвосидан.
Ғам ташвиши тугамайди бу дунёнинг,
Насиб этсин бахтли ҳаёт уқбосидан.
Тангрим эзгу тилакларга раво берсин!
Сизнинг дардингизга Ўзи шифо берсин!

Биров боқмас бугун бизнинг фарёдларга,
Аллоҳ қўйган жазо бордир, жаллодларга?!
Сизнинг бу халқ тарихида ўрнингиз бор,
Кўп ибратлар кўрсатгансиз авлодларга.
Сизга бизмас, тарих ўзи баҳо берсин!
Қодир Эгам дардингизга шифо берсин!

Юртнинг «ота»сига бўлмаса осон,
Кетсин ахир, нега кетмайди нодон?!
Топинг бошқа «ота» ёшроқ ва чаққон,
Нокасни ўзига «ота» тутганлар,
Юртни «отаси»га оғир тутганлар!

Осон эмас, миллион доллар ўмариш,
Ё бир яхшиликка томон ўзгариш,
Мақсад шу курсида, мункиллаб, қариш,
Шум ниятга етди, шуни кутганлар.
Юртни «отаси»га оғир тутганлар!

Осонми, йигирма биринчи асрда,
Отаси, қизлари, яшар қасрда,
Бутун бошли бир халқ, унга асирда,
Ўз элин шўрига, шўрва тўкканлар,
Юртни «отаси»га оғир тутганлар!

Неча миллион меҳнат муҳожир бор?,
Бормикан, ўзбекдек хор бўлган диёр?,
Қулдек яшаб, ўзин санар бахтиёр,
Хушомадлик қилиб, шеърлар битганлар,
Юртни «отаси»га оғир тутганлар!

Бу элда қадрини топмайди инсон,
Бу элда разолат, ёлғон ҳукмрон,
Бузулди мезонлар, дин билан имон,
Қанча-қанча, юртдан қочиб кетганлар?,
Юртни «отаси»га оғир тутганлар!

Қанча халқ қамоқда, умри хазондир?,
Қанча дунё кезиб, зор саргардондир?,
Бунни тан олмаган, қайси виждондир?!
Наҳот, виждонни ош билан ютганлар,
Юртни «отаси»га оғир тутганлар!

«Омади кулган» бу, бир тўда каззоб,
Бунок бир миллатни, қилдилар хароб,
Бу даҳшатни кўриш қанчалар азоб?,
Бунни англай олмас, манқурт ўтганлар,
Юртни «отаси»га оғир тутганлар!

Бу жангда мағлубсан

Илҳоминг келмаса, шеър ёзолмайсан,
Шеърни буйруқ билан битиб бўлмайди.
Шеър ёзишлик учун, дил бермоқ керак,
Йўқса шеър илҳомин тутиб бўлмайди.

Дилга илҳом берар, бил ишқу ҳижрон,
Ёки, дилда қолган орзу ва армон,
Бўларсан ўзингни ҳолинга ҳайрон,
Биларсан, мақсадга етиб бўлмайди.

Ҳаётнинг зийнати, молу фарзанд дир,
Чунки, инсон дили шу билан банд дир,
Инсон тирик экан, дил орзуманд дир,
Орзу ҳавасни тарк этиб бўлмайди.

Бировга яхшилик қилишлик қийин,
Чунки, яхшиликнинг қадри бир тийин,
Агар қилаолсанг, огоҳ бўл, лекин,
Ўрнига яхшилик кутиб бўлмайди.

Қадриятлар борки, ҳаётдан устун,
Уларсиз яшашлик, имконсиз бир кун,
Ҳаётнинг баҳридан, ўтишлик мумкин,
Уларнинг баҳридан, ўтиб бўлмайди.

То тириксан бўлмас, бу эҳтиёж, йўқ,
Шундай яшаш керак, бошқа илож йўқ,
Бу туйғулар ўлса, бошқа ривож йўқ,
Бу жангда мағлубсан, ютиб бўлмайди.

Бизлар ҳаёси йўқ халқмиз!

Ироқлик шоир Аҳмад Наимий «Бизлар ҳаёси йўқ халқмиз!» деган шеърини қасидаси учун, Ироқ шиалар ҳукумати томонидан ўлимга ҳукм қилинган. Унинг «Бизлар ҳаёси йўқ халқмиз!» деган қасидаси учун дорга осдилар. Бу қасидасини камина баҳоли қудрат ўзбек тилига ўгиришга ҳаракат қилдим.

.....

Ҳусайнга байъат бериб қадимда,
Кейин, уни бузган, Бизлар эмасми?
Қалбимизда унга муҳаббат қилиб,
Кейин, бошин узган, Бизлар эмасми?!
Ҳасанни заҳарлаб ўлдирган Бизмиз,
Кейин, унга аза тутаётган Биз.
Алини Волий деб, тан олган Бизмиз,
Лекин, бугун уни, сўкаётган Биз.
Умарга аҳд қилдик, итоат учун,
Аммо, унга қилдик, кейин хиёнат.
Уни севамик деб, иддао қилиб,
Кейин унга айтдик, доимо лаънат.
Ўз сўзимизга Биз, буткул бефарқмиз,
Бизлар ҳаёси йўқ, бузулган халқмиз!
Бизлар йўлтўсармик, талончи, қаттол,
Қонлар тўкмоқдамиз, беҳуда, бекор.
Оқ, қора саллалар, кийган имомлар,
Юрагида йўқдир, зарра номус — ор!
Аллоҳга қасамки, шу сўзда ҳақмик,
Бизлар уяти йўқ, уятсиз халқмик!
Қодисийя жангин қаҳрамони Биз,
Қуддусни ҳам бизлар қилгандик озод.
Маҳдийнинг лашкари бўлармик ҳали,
Дажжолга қиламик Бизлар қасамёд.
Масжид, канисалар, хизматкори Биз,
Ишратхонада ҳам, Бизлар намоён.
Барча ибодатгоҳ, майхоналарда,
Бизларга йўлбошчи, бўлгандир шайтон.
Айтинглар, бормиди Бизлар учун фарқ?,
Бизлар ҳаёси йўқ, овора бир халқ!
Саддам билан уруш қилганда Эрон,
Биз Эрон томонда тургандик доим.
Бундай хиёнатни кўрганмиксиз ҳеч?,
Хиёнатдан наҳй қилган Худойим.
Бўлмоқдамиз исён ботқоғига фарқ,
Биз уялмайдиған, бесубут бир халқ!

Ироқ бугун ўхшар, мисли ўрмонга,
 «Муборак» бўлсин, бу топган натижа.
 Парламентнинг ярмин эгаллаганлар,
 Хурофий шиалар, адашган жуда.
 Бир қисми суннийдир, мўътадил эмиш,
 Бир қисми курдларга бўлибди ошён.
 Яҳудийлар билан курд эшшаклари,
 Ўзаро тил топган, қаранглар шу он.
 Бизга ҳайрон қолар ҳам ғарбу, ҳам шарқ,
 Биз ваъдага вафо, қилмайдиган халқ!
 Ноиб қилиб, сайлаб қўйибмиз, гўё,
 Булар бари ўғри, қотил, фоҳиша.
 Бизнинг қизларимиз, аёлларимиз,
 Номусин, аскарлар бузар ҳамиша.
 Бизлар барчасига буткул бефарқмиз,
 Биз уятни билмас, бузуқ бир халқмиз!
 Байъат берганмиз бу, фосиқларга Биз,
 Курсида ўтирган, мункар, мунофиқ.
 «Ҳизби ёлғон» билан бугун бир сафда,
 Барча «уламои муфлис», мувофиқ.
 Бизлар шундай халқмиз, аҳли Ироқмиз,
 Биз уялмайдиган, беҳаё халқмиз!
 Афсус...,
 Биз ўргатган эдик, инсониятга,
 Энг аввал ўқишни, ёзишни, китоб.
 Биз бугун дунёда халқлар ичида,
 Охирги ўринда, ҳолимиз хароб!
 Афсус...,
 Бир мингу тўққиз юз йигирманчи йил,
 Биз курашган эдик, инглизга қарши.
 Лекин, ўша душман билан, негадир,
 Бўлдик иттифоқчи, деб; «дўстлик яхши»!
 Минг афсус...,
 Биз ёздик, қадимги, Бобил даврида,
 Дунёда биринчи, тартиб, қонунни.
 Лекин, Биз ўлдириб ўз фарзандимиз,
 Ахлатга ташладик жасадин уни.
 Ноҳақ қонлар тўқдик, демак, ноҳақмиз,
 Биз уятни буткул, унутган халқмиз!
 Баччавозлик қилиб, тезлатмоқдамиз,
 Имоми Маҳдийнинг келишин тезроқ.
 Аямай бир четдан ўлдирмоқдамиз,
 Табиб ва таййорни, учратсак бироқ.
 Денгиз балиқларин, ҳаром қилдик Биз,
 Бошин кесдик, кимки қилса ихтиёр.
 Гуноҳимиз билан, ўз — ўзимизни,
 Вайрон қилиб, бўлдик, яна «бахтиёр»!
 Яна деймиз, «Бизлар доимо ҳақмиз»,
 Бизлар шарм ҳаёни, унутган халқмиз!
 Биз мустаҳиқдирмиз, шундай хорликка,
 Устимизда турса, АҚШлик аскар.
 Унинг этигини, ўпса оналар,
 Буни бир буюк «бахт» санайди аксар!
 Бу дин, бу ватан ҳам, Бизга омонат,
 Буни Биз унутдик, қул бўлдик, тамом!

Бу омонатга Биз, қилдик хиёнат,
Миллат, ватан бари, ўлди батамом!
Аллоҳга қасамки, исёнга ғарқмиз,
Биз уятни билмайдиган бир халқмиз!
Бизлар ток, сув, йўқлигига йиғлаймиз,
Осмонни лаънатлаб, динни қилиб рад.
Мозорлар устига, қуббалар қуриб,
Уларга сиғиниб, бўлганмиз муртад.
Азиз халифаи киромларни Биз,
Рад қилиб, сўкишдан тинмадик доим.
Ўзимиз сайлаган, фосиқ амирга,
Бўйсундик, итоат қилдик мулойим.
Мўйловимиз фақат, зийнат учундир,
Аслида иштонсиз, қип яланғочмиз.
Орқаю олдимиз очиқ, шарманда,
Буноклик ёлғондир, биз юпун, очмиз.
Аллоҳга қасамки, бу сўзда ҳақмиз,
Бизлар уяти йўқ, беҳаё халқмиз!

Мустақиллик қасидаси;

Насиб этди истиқлол, даврида ҳам яшамоқ,
Бу даврни мен учун оғир энди эсламоқ.
На ичишга сув бордир, на ейишга нонинг бор,
Иш йўқ, пул йўқ, кийим йўқ, қийин бир нима демоқ.
Ишлаш учун одамлар, кетмоқдалар чор тараф,
Лозим экан одамзод, кеча кундуз нон емоқ.
Қишда ўтин йўқ, газ йўқ, қалтираб ётдим тунлар,
Кунига икки соат, ёнади уйда чироқ.
Тинч қўйишса кошкийди, бир кунимиз кўрардик,
Майли қорин тўймаса, устимиз бўлса ямоқ.
Лекин, шу аҳволда ҳам, қўймас ўз ҳолимизга,
Тугамадику хорлик, ҳақорат, калтак, қамоқ.
Мен ҳайронман нимага, бу аҳволга тушдик биз?,
Нега биздан яхшироқ, яшар рус, қирғиз, қозоқ?!
На диний таълим олдик, на дунёвий таълим бор,
Бизлар минтақадаги, барча халқлардан қолоқ.
Зулму зўравонликни кўринмайди охири,
Ишлаб пул тополмассан, топсанг қадри йўқ бироқ!
Аёл қизлар фоҳиша, йигитлари мардикор,
Бу аҳволдан виждонинг қийналмайдими ўртоқ?!
ИАК ўйинга тушар, ҳар йил байрам келганда,
Қарсак чалади ҳамма, ичиб олишиб ароқ.
Бу аҳмоқона ўйин кулгуни дилбузардан,
Томошо қилар бу халқ, бўғзига келган пичоқ.
«Мустақил бўлгач турмуш, фаровон бўлди», дея,
Нутқ ўқилади доим, маъноси йўқ, тумтароқ.
Қанча милён муҳожир, қанча минглаб қамоқда?,
Қанча одамлар дайдиб, турли элларда қочоқ?!
Ҳамма тинчини ўйлар, исён йўқдир қалбларда,
Парчаланди бу миллат, бирлаша олмас, тарқоқ.
Кўплар жонидан тўйиб, қасд қилмоқда жонига,
Одамларда яшашга қолмаяпди иштиёқ.

Дунёга хўжайинлик иддао қилгувчилар,
Нега бу ИАК учун, доим очади қучоқ?!
Аҳмоқ қилиб бу элни, қонин ичмоқда золим,
Ё бир иш қилолмади, ёки кетмади, олчоқ.
Наҳот бизнинг раҳбарлар, шундай бари виждонсиз?,
Наҳот буларда бошмас, фақат мағзи йўқ пўчоқ?!
Бу юртда фақат битта, одам ҳокими мутлақ,
Бошқа амалдор йўқдир, бошқаси бир ўйинчоқ.
Мустабиднинг қизлари яшамоқда фаровон,
Биттасига кўз тегди, тақмаганми кўзмунчоқ?
Фақат шу мустабидга яқинлар яхши яшар,
Қандай бахтли, ким унга, бўлса уруғ ва аймоқ?!
Адолатсиз золимга омад кулиб боқдику,
Бугун оқлар қорадир, қоралар бўлдилар оқ.
Эзилди, руҳи синди, адо бўлди бу миллат,
Ҳаққини талаб қилиш, фикридан лекин узоқ.
Айниқса диндор бўлган одамларга кўп қийин,
Ҳамма ерда уларга, қўйилар қопқон тузоқ.
Ўз ҳолини ўнглашга, ўзи интилмас бу эл,
Адо бўлган зулмдан, начора, бўлса қўрқоқ?!
Чорак асрким, бу эл, кутар бир ўзгаришни,
Яқин қолгандир балким, қутилаётган бу чоқ?!
Бугун ватандан узоқ, яшаяпман кузатиб,
Қалбимни ўртар доим, ватаннинг меҳри, фироқ!
Бундай мустақилликдан, минг бор дерман, алҳазар,
Бундан кўра аввалги, аҳволимиз яхшироқ!
Бугунгидан бир мунча яхши эди ҳолимиз,
Гербимизда қуш эмас, бўлганда «Болға — Ўроқ.»
Ўйлаб ўйлаб калава, учини тополмасман,
Нима қилай, дилимда, кўпдир жавобсиз сўроқ?!
Бизга мисол қилинмас, фаровон давлат ҳаргиз,
Бизга уқтиришар, кўр, мана Сурия, Ироқ!
Аслида бу урушлар, зулм оқибатидир,
Мустабидларнинг барин, ютсин қаро ер, тупроқ!
Дейишар; «тинчлик учун, шукр қилмоқ керақдир,
ИАК бўлмаса агар, бўларди аҳвол чатоқ!»
Бундай гаплар сафсата, эканлигин биламиз,
Ҳамма жимдир, ҳеч кимга, керакмас азоб, қийноқ.
Сабр қилиб кутармиз, бир кун ўзгариш бўлар,
Лекин, ҳеч ўзгармади, тоқатимиз бўлди тоқ.
Лекин, дунёга боқиб, бошқалар ҳолин кўриб,
Бу кунлар ҳам ўтар деб, ўйлаб қоламан, мундоқ.
Дарду ғамларим барин, айтиб енгил тортишга,
Яхшиямки бор экан, бугун социал тармоқ.
Лекин. бу тармоқда ҳам, уя қурган жосуслар,
Улар «балиқ» ушлашга, бу тармоқ бўлди қармоқ.
Яхшиямки, бунчалик тубан давлат кўп эмас,
Биздек расво тузумни санашга етар бармоқ.
Бу ҳолатда энди, давом этмас бу аҳвол,
Вақти келди шубҳасиз, лозим бўлар ўзгармоқ.
Албатта, биздан ҳоли, танглар кўп бу дунёда,
Ўзга элларда бўлган, даҳшатларга ҳам бир боқ!
Барибир келди энди, ўзгаришлар замони,
Лозимдир бизга обод, фаровон, ватан қурмоқ.
То обод бўлмагунча, мустақил бўлолмаймиз,

Бундай ватанни уят, бизга «мустақил» демоқ.
Мустақилликка атаб, қасида ёзди Саҳвий,
Айб айламанг шеърида, йўқ деб, вазн ила туроқ.

Васият

Ўлсам ёзинг қабрим тошига;
«Бу ватангадонинг қабридир!
Не савдолар, тушган бошига,
Эл юртдан, жудонинг қабридир!
Бир бахти қаронинг қабридир!

Дучор бўлган бир касофатга,
Боролмаган, тўй — зиёфатга,
Турли туман, бало — офатга,
Бўлган, мубталонинг қабридир!
Бир мотамсаронинг қабридир!

Ўзгалардек, ўйнаб кулмаган,
Орому тинчлик не, билмаган,
Бирор фойдалиқ иш қилмаган,
Бу жони фидонинг қабридир!
Бир ғамдин адонинг қабридир!

Қилган орзулари саробдир,
Бечоранинг ҳоли харобдир,
Юрагида дард изтиробдир,
Дарди бедавонинг қабридир!
Фақир, фуқаронинг қабридир!

Битган эмас, ҳеч эҳтиёжи,
На чора, бўлмаса иложи,
Роббисин раҳматин муҳтожи,
Осий бенавонинг қабридир!
Хоин бевафонинг қабридир!

Юрагида кетди, кўп армон,
Ҳамроҳи бўлсин, бўлса имон,
Дардин давосига йўқ имкон,
Элдан мосивонинг қабридир!
Орзуси рўёнинг қабридир!

Ўзи, саводи йўқ, бир оми,
Бўлгандир, бир элнинг имоми,
Саҳвий бўлган, бу кимса номи,
Ғариб, ғурабонинг қабридир!
Шоир, «уламо»нинг қабридир!»

Қасида;

Менинг бир ҳадисшунос, уламо танишим бор,
У билан ҳужраларда, учрашган эдим илк бор.
Бугун уни эсимга олибон беихтиёр,
Унга атаб қасида ёзишга, қилдим қарор.

Бирор соҳа йўқ, етмас, унинг ақли закоси,
Билмайдиган тили йўқ, бепоёндир даҳоси,
Баҳоласанг, одамлар ичра, қиммат баҳоси,
Қайда юрса пешводир, муридлар қатор — қатор!

Ўзи мазҳабпарасту, лекин, мутаассиб-мас,
Билмайдиган касби йўқ, аммо ўзи, косиб-мас,
Кибру — ҳаво дегани, унга ҳеч муносиб-мас,
Ўзин катта олмайди, мутавозеъ, хокисор!

Феъли юмшоқ, мулойим, доимо кулиб турган,
Ҳатто, ИАКни ҳурмат, қилишликка буюрган,
Доим, тинч — омон яшаб, ҳаётда қандин урган,
Шайтон ҳам ҳатто ундан, топган эмасдир, озор!

Бу ажойиб инсонга, қойил қолмай йўқ илож,
Кимлигини англарсиз, тушса унга эҳтиёж,
Тилақдошмиз ишлари доимо топсин ривож,
Ўзбеклар қилса арзир, бу йигитла ифтихор!

Юксак ахлоқ соҳиби, бу инсон, хуллас калом,
Шунчалик илми бўлиб, бўлмади лекин, имом,
Нафси иззат талабмас, кутмас иззат эҳтиром,
Доимо кулиб турган, қувноқ, шодон, бахтиёр!

Унда ҳеч бир тоифа билан, ғараз, низо йўқ,
Жудаям эҳтиёткор, амалинда риё йўқ,
Ҳаммани тилин топар, ундан бир норизо йўқ,
Афсус, тириклигинда кўрмаяпди эътибор!

Саҳрода унган гулдир, демакки, шаҳарликмас,
Шунинг учун каломи, шириндир, заҳарликмас,
Бундай даҳолар бугун, афсуски, табаррукмас,
Шунинг учун дарбадар, юрибди ватанга зор!

Мен бу қасидамни сўз гаҳарила безардим,
Чунки, унинг инсони комиллигин сезардим,
Агар мен баъйат берсам, шу одамга берардим,
Сўфилик иллатига, бўлганимда гирифтор!

Мен таниган билганлар ичинда пешвоси шу,
Казою — казоларнинг, казою — казоси шу,
Мен шунга муридмасман, шум тақдир қазоси шу,
Адашганни ҳақ йўлга, бошласин Парвардигор!

Адолат бўлмаса, турмайди ҳаёт

«Муҳаббатнинг фасли», дейилар, баҳор,
Мевалик дарахтлар, гуллаган пайти.
Мен хазонли кузга ўхшатдим, илк бор,
Бугунги ҳолимиз, ўйлаган пайти?!

Қама қамалар ҳеч, бўлмади тамом,
Бунга фатво берган, кўп муфтий, имом,
Кўпаяр бузуқлик, фаҳш ила, ҳаром,
Ёш, ёш келинчаклар, туллаган пайти.

Чор тарафда қақшар, бағри адолар,
Золимнинг зулмидан, минг бор ризолар?,
Шундай бўлиши шарт, казо — казолар,
Ҳақнимас, ноҳақни қўллаган пайти?!

Нажот манбаидир, биз учун, қуръон,
Шу манбани ушлаб, тўкишмоқда қон,
Энди қайдан кадр, излайди инсон,
Имонин шайтонга, пуллаган пайти?!

Мазлумлар кўзидан тинмай оқар ёш,
Ўзгаришни кутиб, қолмади бардош,
Ўйинга тушарлар қаранг, кекса — ёш,
Ёлғон наволарни, куйлаган пайти.

Адолат бўлмаса, турмайди ҳаёт,
Минг йиллик тарихда, бунга кўп исбот,
Биров парво қилмас, сўзига ҳайҳот,
Шоир эл дардини, сўйлаган пайти.

19 ноябр 2015

Кутганинг ёлғон;

Кутиб соғинч билан ўтади умринг,
Кутганинг келмайди, кутганинг ёлғон.
Умидсизлик қамраб олар дилингни,
Айрилиқ ёмондир, айрилиқ ёмон.

Дилни чулғаб олар, маҳзун хаёллар,
Жамлаб ололмассан, хотир паришон.
Бақриб йиғлаб ҳам бўлмайди, бўзлаб,
Айрилиқ ёмондир, айрилиқ ёмон.

Истайсанми йўқми, ожиз, заифсан,
Барибир устингда ҳокимдир ҳижрон.
Умринг поёнига етмоқдадир бил,
Айрилиқ ёмондир, айрилиқ ёмон.

Тош қотган юраклар юмшаган пайти,
Шубҳасиз, бу ғамдан йиғлар, ҳар инсон.
Қандай чидайсан дил, қўмсаган пайти?,
Айрилиқ ёмондир, айрилиқ ёмон!

Фаластинлик бир муслима аёлнинг яҳудийлар томонидан отиб ўлдирилгани суратини кўриб ёзилган шеър;

Фитналик замонда туғилиб яшаб,
Фитналар ичида қолган аёллар.
Замона залворин елкага ташлаб,
Оғир юк остида толган аёллар.

Эркакларнинг сиздан ортиқмас жони,
Ортиқмасдир қувват, журъат имкони,
Аёлларга тўлган уруш майдони,
Ўқлар бўронидан ўлган аёллар.

Гапирманг назокат, ноз — иболардан,
Ким ҳам бор гўзалроқ, жонфидолардан?,
Эркакларга уят, иддаолардан,
Очилмай гул каби, сўлган аёллар.

Жонфидолар бир ён, фаҳш бир ёнда,
Яшаяпмиз фитна, тўлган замонда,
Кимлар бу фитнадан четда, омонда?
Фитналар қурбони бўлган аёллар!

Ислом оламида тўкилмоқда қон,
Қадри йўқдир кимда, имон бўлса, жон,
Адолат йўлида бўлмоқда қурбон,
Жаннат башоратин олган аёллар!

Қайдан пайдо бўлди,

Куфрнинг қилмиши жиноят бўлса,
Унга қарши чиқиш, ҳидоят бўлса?!
Ноҳақдан қон тўкиш адолат бўлса?!
Тушуниб бўлмади бугунги ишлар,
Қайдан пайдо бўлди, бундай худкушлар?!

На кофирда бордир, инсоф, адолат,
На мусулмонда бор, роҳи ҳидоят,
Мардлик ҳисобланар, энди жиноят,
Бошимиздан учди, бор ақли ҳушлар,
Дунёни портлатар бугун худкушлар.

Ким билади айтинг, ҳақ, қайси олим?,
Ким адолат тараф, ким эса золим?,
Ҳеч ким бу фитнадан, қолмаса солим,
Туғаб битмади, бир бирин қиришлар,
Қатголларга дўнди, бугун худкушлар.

Ноҳақ қон тўкишни, қилдилар ҳалол,
Бунинг жабрин чекар, ёш, қари, аёл,
Бу қандай аҳвол, ё Роббим, Зулжалол?!
Кошки бу чин эмас, бўлсайди тушлар,
Бўлса, тушда бўлсин, бундай худкушлар!

Булар қилди бориб, уни тошбўрон,
Улар ҳам келтирди, буларга қирон,
Аросатда қолди бегуноҳ инсон,
Талашгани каби, дон учун, қушлар,
Имон талашисар, бугун худкушлар.

Куфрдан ўчини олишликми бу?,
Ё инсониятга етказиш қайғу?,
Ахир масжидлар ҳам порламоқдаку?!,
«Шайтонларнинг қасди, масжид» демишлар,
Масжидни портлатар, бугун худкушлар.

Ноҳақ қон тўкишдан қилмаслар ҳазар,
Қанча миллион одам, бўлди дарбадар?,
Яҳудлар қувонар, солганча назар,
Дерлар; «тугамасин ҳаргиз урушлар,
Бир бирин тугатсин, қириб худкушлар!»

Бу куфр диёри йўқ шубҳа гумон,
Лекин, бу диёрда, дахлсиз имон,
Бу ерларда яшар минглаб мусулмон,
Қуриб битсин эди, Блэр ва Бушлар,
Шулар сабаб пайдо, бўлди худкушлар!

14.11.2015.

Дўстимга;

Чарчадим дема дўстим, ҳаргиз муаммолардан,
Муаммосиз оламини, излама самолардан.
Қаерга бормасанг ҳам, доим бўлар, бири кам,
Холи эмасдир олам, офату — балолардан.

Айтчи, бирорта инсон, борми ташвишдан холи?,
Сендан баттардир балким, ўзгаларнинг аҳволи,
Дунёнинг бори шудир, ёвузликнинг тимсоли,
Буни рад қилмас ҳеч ким, шохлару — гадолардан.

Бизларга бир ибратдир, набиларнинг ҳаёти,
Дунё карвонсаройдир, англарсан шу заҳоти,
Манзилига етмасдан синса қушнинг қаноти,
Аро йўлларда қолгай, сўранг мубталолардан.

Эзилдик хор — зор бўлдик, бундан ҳам зиллат борми?,
Сабр йўқ, шижоат йўқ, дилларда иллат борми?,
Дунёда биздек бахти қаро, бир миллат борми?,
Начора, сен ҳам, мен ҳам, шу бахтиқаролардан?!

Мен бир ожиз бандаман, эмасман казо — казо,
Қўлимдан бир иш келмас, бу ҳам тақдиру — казо,
Яшаш керак барибир, тутавермасдан азо,
Нима кутарсан биздек, ғариб — ғураболардан?!

Бойлар ҳам йиғлашмоқда, бунни кўриб турибсан,
Йиғламоқда мискинлар, ичинда сен юрибсан,
Бугун кўлингни ювиб, кўлтиғинга урибсан,
Сабр қилсанг натижа, бўлгай бу дуолардан.

Биродаримсан ахир, мансубмиз битта динга,
Биламан дарду — ғаминг, айтмасанг гарчи менга,
Бир шеър ёзиб ўзимча, насиҳат қилдим сенга,
Шеърдан бошқа нарсани, кутманг шуаролардан.

Кибр ҳақида;

«Кибр» дегани, бу нима, аслида?,
Бунни баён этган Аллоҳ расули.
Бунни англаб олиш муҳимдир жуда,
Бўлмай десанг нафси ҳавонинг қули.

«Кибр», бу аслида, ҳақни рад қилмоқ,
Тан олмаслик, кўриб турган хатони.
Яна, бошқаларнинг устидан кулмоқ,
Санъатин рад қилиб, қодир Худони.

Бундан бошқа нарса кибр дейилмас,
Чунки, расулуллоҳ айтган эмаслар.
Бошқа амалларни хатоми, йўқми?,
Фақиҳлар тилида, кибр демаслар.

Агар кибр бўлиб, кўринса бир иш,
Мабодо, кимнингдир, нафс ҳавосига.
Бу гумони бўлмас, жиний қилмиш,
Далили топилмаса, иддаосига.

Кейин, айтиш керак, ким бўлса, бўлсин,
Ҳар кимни юзига, бўлса айбдор.
Насиҳатинг олмай, ўлса гар ўлсин,
Жазосин берар, ҳақ Парвардигор!

Жанжалларга келсак, берма эътибор,
Ким билан, ким қилар жанжал, ўз иши.
Ислом оламида, тинчлик қайда бор?,
Битмайди бу дунё, ғаму ташвиши!

Менинг эса, кўпдир хато нуқсоним,
Менимча бу сифат ҳаммамизга хос.
Мен холис бўлишни истайман доим,
Сендан ҳам тилагим, шу эди, халос!

Хоразмда 7 йигитни ИШИДга алоқадорликда айблаб қамалганини эшитиб;

Ҳайронман, бу мазлум бечораларга,
Динфурушлар ҳайрон бўлмаяпдими?!
Ким ачинар ғариб дилпораларга?,
Бу ёғ босган кўзлар, кўрмаяпдими?!

Тилим айланмайди, бир сўз демоққа,
Қачон чек қўйилар, азоб қийноққа?,
Қанча маҳбусларни, қамаб қамоққа,
Касофатлар ҳануз тўймапдими?

Зарра қадри борми, бугун инсонни,
Қанчаси турмада, топширди жонни?,
Рўздор оғзига, тиқиб ош — нонни,
Намоз ўқиганни, урмаяпдими?!

Давом этмоқдаку, бу қатағонлар,
Хор бўлди қанчалар, холис инсонлар,
Ҳаммасини кўриб турган «шайтон»лар,
Кўрсада, кўзига илмаяпдими?!

Бугун, айланмоқда, оқлар қорага,
Динфуруш шайтонлар тушди орага,
Ноҳақ зулм бўлди, кўп бечорага,
Булар, мен билганни билмаяпдими?!

Динфурушлар буни, кўзга илмайди,
Барин кўриб туриб, ғиринг демайди?,
Ким ҳақу, ким ноҳақ, наҳот билмайди?,
Ёки, билиб, амал қилмаяпдими?!



Суриялик қочоқларга атаб;

Елкасида ташир замон юкини,
Ватанидан жудо бўлган ғариблар.
Дайдиб кезиб бугун жумла жаҳонни,
Ғам остида адо бўлган ғариблар.

Ким сувга чўккандир, ким ўтда ёнди?,
Қонлар тўкилмоқда, ким ичиб қонди?,
Бу қайғудан наҳот уммат уйғонди?!
Уйғотувчи нидо бўлган ғариблар.

Ким буларга бугун ачинар жони,
Кимнинг қийналмайди зарра виждони?,
Қани мўминликнинг ному нишони?,
Парча нонга гадо бўлган ғариблар.

Юрагимни ўртар ғаму аламим,
Шаънингизда шеърлар битар қаламим,
Ўтаяпман мен ҳам битмасдан камим,
Кимга жони фидо бўлган ғариблар?!

Имтиҳон

Бошланар экан бу динда имтиҳон,
Карвон йўлга чиқса, «Холислик сари».
Шу йўлда синалар эканда имон,
Шундай бўлиб келган, доим илгари!

Кимлар етиб борди ушбу манзилга?,
Кимлар аро йўлда, сарсон қолдилар?!
Бу гап жиддий гапдир, йўйманг ҳазилга,
Бугун кимлар кимга, ҳайрон қолдилар?!

Бу манзил узоқдир, узундан узоқ,
Йўлда кўп машаққат, таъна маломат.
Ҳар бир қадаминга, қўйилган тузоқ,
Имонингни олиб ўтгил саломат!

Бугун ҳам манзилга интилар карвон,
У кўзлаган манзил, холислик сари.
Қанчалар манзилдан адашиб сарсон,
Қолди, тақдир экан, буларнинг бари!

Аброр Мухтор ёзган иғволарга жавобан;

Сенинг ёзганларингни, баъзисин бугун кўриб,
Шунчалик тубанликка тушганингни англадим.
Аввал бошдан залолат, чангалида ғўр эдинг,
Энди бугунга келиб, пишганингни англадим.

Сендек, итни тарбия, қилган қайси шайтондир?
Наҳотки, сендаги хулқ, шу ҳам, «хулқи инсондир?!»
Бунча кибр қиласан, бунча бурнинг осмондир?,
Шайтон каби, ҳаддингдан, ошганингни англадим.

Қанча тухматлар қилдинг, бир муслима аёлга?,
Виждонингни едингми? сотиб, доллар, риёлга?!
Ўзингни уламо деб, бормагил хом хаёлга,
Туғён уриб, чор тараф, тошганингни англадим.

Бизни ватангадо деб, золимни «буюк зот» дер,
Сендек динфурушларни, кошкиди тез ютса ер,
Ё Раб, бу маразларнинг, жазосини Ўзинг бер,
Жаҳаннам сари бунча, шошганингни англадим.

2.

Менинг жавобларим шу; Аброр Мухтор Алига,
«Етим» қолган, муридлар, йўлбошчиси, «вали»га.
Шунча зулмни кўриб, чидаб келди юрагинг,
Ҳақ аҳлига тош отиб, толмадим билагинг?!
«Четда туриб гапириш осон» дебсан, касофат,
Гапирганлар қанчаси, топди балою, офат?!
Четда туриб ҳам ҳақни, гапиролмайди, ҳамма,
Ҳар кимда бор баҳона, қариндош уруғ, амма.
Ажабланасан аҳмоқ, золимга ҳақни айтсак,
Истарсан бефаросат, биз йўлимиздан қайтсак.
Тинмасдан доим шундай, алдагансиз авомни,
Ҳалолга айлангириб, едингизлар ҳаромни!
Аввал бошдан киргансан, таъмагирлик йўлига,
Қараб турасиз доим, бойваччалар қўлига.
Мазҳаб тўнин кийдириб, хурофоту ботилга,
Қуллиқ қилдинглар ахир, тан олинглар, қотилга!
Бизлар «ватангадомиз», биз буни, оламиз тан,
Лекин, муқаддас эмас, дину — имондан, ватан.
Бизлар ҳурмиз, эркинмиз, сен ватанда гадосан,
Сен эркинлик ва ҳурлик, неъматидан жудосан!
Сен бизларга қилмагил, муҳожирликни, миннат,
Ҳижратнинг мукофоти, билмасанг билки, жаннат!
Биз сиз каби, бузмадик, бу муқаддас каломни,
Емадик мустабиддан, қолган сарқит таомни.
Шведлар диёрида, зулм йўқ, адолат бор,
Бу ерда инсон зоти, биздагидек, эмас хор.
Дунёда ҳамма ерда, бўлгандек, фитна фасод,
Бу ерда ҳам баъзи бир, нарса, бозори касод.
Булар мусулмон эмас, ахир булар Насоро,
Баччавозликда машҳур, бўлган, эди, Бухоро.
Қаерда йўқ бундайин, бузуқлар, баччавозлар?,
Ўзбекистонда йўқми, айт шундай, лўттивозлар?!
Тўғри, бордир нуқсонни, эркинлигу, ҳурликда,
Бу яхшику хор бўлиб, яшагандан, хўрликда!
Буни баҳона қилиб, чалғитмагин авомни,
Кўрқарсан йўқотишдан, бу сохта эҳтиромни.
Мен тош отмадим, билсанг, туғилган диёримга,
Ёки, у ерда қолган, азиз, дўсти — ёримга.
Мен қилганман юртимнинг, золимларин, маломат,
Истайман, халқ яшасин, эмин — эркин, саломат.
Мен чақирдим доимо, золимларга, исёнга,
Қонхўр шунча ичсада, лекин, тўймади қонга.
Элга ҳақни етказиш, вазифа эди, сенга,

Айтолмасанг жим тургил, энди, тош отмай, менга.
Сендек, динфуруш каззоб, динга қилар хиёнат,
Зулмга итоатни, дерсиз; «дину — диёнат.»
Бадном қилдингиз сизлар, қанча холис, имомни,
Қўл қовуштириб, бериб, золимларга саломни.
Сен ўйларсан, бу ерда, ётибмиз, пулини еб,
Ўзинг кўрсанг бўларди, балким, бу ерга келиб.
Бу ерда ҳам бекорга, чиқмас мушук, офтобга,
Худди, сен сотган каби, баҳо қўйиб, китобга.
Бу ерда ҳам кўп сендек, келгинди, фирибгарлар,
Пирлари ўлиб қолса, сендек, ўрнин эгаллар.
Билардинг, қамалсанг гар, хурлиқдан жудоликни,
Истардинг мендек, сен ҳам, «ватанга гадоликни.
Сен эркинлик таъмини, тотмагансан, билмайсан,
Бу ерда мустабидга, қуллик ҳам қилолмайсан.
Унутма, эртами кеч, келажак интиқомни,
Жойи «жаслик»дир сендек, «уламои киромни»!
Нега, сенга ватанда, бордир, шароит, имкон?,
Нега бошқа мўминлар, жойлари бўлди, зиндон?!
Чорак асрким, юртда, ҳукмрондир бир золим,
Унга қарши гапириб, йўқ бўлди, қанча олим?!
Нега сенга шароит берди «доно юртбошинг»?,
Биз билмаймизми нега?! ишламайдимизми бошинг?!
Хурофотларни дин деб, юрган сўфи, расвосан,
Ҳидоятдан бенасиб, залолатга пешвосан!
Чунки, сен хиёнаткор, сен динингни сотгансан,
Андижонда ИАКмас, шу халқни, сен отгансан.
Чунки, уни қўлладинг, алдадинг, издиҳомни,
Қуёшинг ботмоқдадир, кутаверинглар шомни!
Аллоҳ билур, сен эмас, «кимнинг ҳоли харобдир?!»,
Сен эса динфурушсан, динфурушлар каззобдир!
Қаноат қилмай, китоб, сотиб топган пулинга,
Авомни эргаштирдинг, бу залолат йўлинга.
Хиёнат қилдингизлар, эл юртга, дин имонга,
Сизга, билмай эргашган, минг минглаб мусулмонга.
Қанча зулмлар бўлди, диндошу, қардошинга?,
Яратганнинг лаънати, бўлсин, шу «юртбошинга!»
ИАК билан, бир ерда, бўлсин сенинг ҳам, жойинг,
Унга бандалик қилдинг, удир сенинг «худойинг»!
Эй «залолат пешвоси», кўтариб ўт, шу номни,
Лойиқ жазоингни ол, топма ҳаргиз оромни!

Масдар

Ҳар нарсани бордир, асл масдари,
Масдардан олинар фикрга асос.
Бирор-бир манбага, суянмаса сўз,
У далил бўлолмас, қуруқ гап халос.

Ҳар юртда бор, ўзин конун, қозиси,
Шу қонунлар билан, берилар жазо.
Қонунлар, масдари билан фарқланар,
Масдар бўлган бугун, раъй ила ҳаво.

Инсоният ҳозир ернинг юзинда,
Яшайди, бўлиниб турли давлатга.
Қонунлари мавжуд, ҳар битта халқни,
Чунки ажралишган, ҳар хил миллатга.

Қонунларни асли, ё беш, ё ўнта,
Одамлар ёзади, ақлига мослаб.
Кейин тасдиқлашар, “халқ ноиблари”,
Судлар жазо берар, шунга асослаб.

Халқ номидан қабул килиб қонунни,
Қаранг, бу раҳнамо “ҳидоятчи”га.
Ўзи “қабул қилган”, қонун билан халқ,
Айланар “қонуний жиноятчига”.

Агар зарур топса, казо-казолар,
Уни ўзгартириб қўяр, бемалол.
Ахир одам ёзган, нарсани одам,
Ўзгартириш эмаску, амри маҳол?!

Шундай экан, ўша қонунни халқ ҳам,
Бузишга ҳақлидир, у бегонами?!
Шу халқни вакили бўлса, бўлдида,
Шунга «Ота гўри қозихонами»?!

Лекин бу ҳаётда, бари бошқача,
Қонунни халқ бузса, олади жазо.
Аммо, тепадаги, “казо-казолар”,
Уларга қонунлар, қилинмас ижро.

Одам чиқармасин экан, қонунни,
Бермасин жазони, одамга, одам!
Шунинг учун Аллоҳ, бандаларини,
Қуръон билан қилди, азиз муҳтарам!!

Бу уммат бир умматдир

Фаесбокда бири ўзбек, бири Русиялик, бири араб ва бири яна бошқа миллатдан бўлган,
мусулмонларнинг Фаластинлик мусулмонларга чин юракдан ачинаётганини кўриб, бундан
таъсирланиб ёзилган шеър;

Истайсизми йўқми, ёқадими, йўқ,
Қанча парчаламанг, қанча қилманг дўқ,
Хотиржам бўлинглар, бўлсин кўнгил тўқ,
Бу ислом уммати, битта умматдир.

Тўғри, айланишган турли миллатга,
Дучор бўлган турли, фирқа иллатга,
Бугун маҳқумдирлар оғир зиллатга,
Лек, ислом уммати, битта умматдир.

Бордир бугун, турли туман давлатлар,
Номи улуғ, ўзи қуруқ савлатлар,
Ҳали бирлашишга келар навбатлар,
Бил, ислом уммати, битта умматдир.

Бу уммат отаси, волидаси бир,
Ушлаган арқони робитаси бир,
Ибодатхонаси, обидаси бир,
Кўр, ислом уммати, битта умматдир.

Йиғласа диндоши қайси диёрда?,
Тўғри, баъзилар бор, безътиборда,
Диндошда, диндошин, дин ҳаққи борда,
Билмаслар бу уммат, битта умматдир.

Биттадир қибласи, битта Худоси,
Биттадир китоби, Ҳақнинг нидоси,
Ўн беш асрдирким, янграр садоси,
Барибир бу уммат битта умматдир.

Бу бирлик, умматнинг, илк ғоясидир,
Бу ғоя, ваҳийнинг ниҳоясидир,
Бу ғоя бирликнинг кифоясидир,
Шунинг чун, бу уммат, битта умматдир!

.....



Туркия денгизи соҳилида қурбон бўлган гўдак Алан Курдийга атаб;

Йиғладинг денгизга тўкиб кўз ёшинг,
Соҳилда қумларга, тиқибсан бошинг.
Мўминлар эмасми, қочаётганлар?,
Қуваётганлар ҳам ўша, диндошинг?!
Келади уларнинг навбати, гали,
Улар ҳам бир куни, йиғлайди ҳали.

Буларнинг кўзига дунё тор бўлган,
Ўзгалар юртида хору зор бўлган.
Ўлим даҳшатидан қочаман дея,
Ўлим азобига гирифтор бўлган?!
Ширин жон аччиғин тотган маҳали,
Билмас бу гўдаклар сабабин ҳали.

Ўлдирганлар эмас, ўлганлар ютди,
Золим эмас, мазлум бўлганлар ютди.
Ким аввал, ким кейин, ҳамма ўлади,
Роббисини рози қилганлар ютди.
Ўзи билан кетар, ҳар ким амали,
Буни ҳар бир киши, англайди ҳали.

Маишатда яшаб турган гумроҳлар,
Қалбига йўл топмас бу оҳу воҳлар.
Аллоҳ яккалигин билганда булар,
Ҳукмрон бўлмасди, сохта илоҳлар.
Адолат, Аллоҳнинг динин тамали,
Улар қиёматда йиғлайди ҳали.

Дунёга инсофла кўз очиб қаранг,
Кимлар бой, ким эса яшайди аранг?!
Адо бўлмай кетди зулму қабоҳат,
Ҳар кун янгиланар, дилингда яранг.
Ҳақнинг амри қоим бўлган маҳали,
Золимлар қонли ёш тўкади ҳали!

03 сентябр 2015 йил

Қуйидаги шеърлар, шу гўдакка атаб, араб тилида ёзиб чоп қилган шеърларнинг, шеъррий таржималаридир.

Қачон англари бўлсанг, ватанимиз мавж,
Ер юзида бизга, йўқдир бир диёр!
Эй денгиз, йиғлама, биз йиғланганмиз,
Кўз ёшларинг тийгил, топамиз озор.

Эй денгиз йиғлама, бундай халқ учун,
Тошлар йиғлар, лекин, йиғламайди шоҳ.
Бутун дунё бизга ёпди эшигин,
Бизни қабул қилди, яратган Аллоҳ!

.....

Эй Денгиз, ғарқ этма, қочоқ гўдакни,
Раҳм қил отаси ва онасига.
Улар шомдан қочиби келишган эди,
Шу ажал қаърининг, остонасига.

Улар қўрққанидан, ҳушин йўқотган,
Бир чора топмаган, бир музтарибдир.
Довулингни тўхтат, раҳм қил денгиз,
Улар ватангадо бўлган ғарибдир.

Эй Денгиз, кўрганман сен кўпларига,
Шафқат кўрсатгандинг, бўлиб меҳрибон.
Буларга йўл кўрсат, сокин бағрингда,
Манзилига етказ, эсону омон.

Кўрдинг, афсусдамиз, биз уни топгач,
Бизнинг сустлигимиз, хатомиз кўпроқ.
Уни кўриб сокин бўлди мавжларинг,
Ҳатто, тананг узра тарқалди титроқ.

Эй денгиз, уларни бағринга олдинг,
Лекин, раҳм этмади уларга инсон.
Бу қайғу аламлар тугаб битажак,
Ўзининг нусратин индирса Раҳмон!

Саҳвий таржимасида

ХАЙРУЛЛОҲ ҲАМИДОВГА РАДДИЯ

Бир шеър бағишлабди бизга Хайруллоҳ,
Бечора ҳасратин тўкиб солибди.
Шукр шу қунга ҳам етқурди Аллоҳ,
Эшитиб кўрганлар ҳайрон қолибди.
Шайхисиз, юраги эзилар экан,
Гўёки, бир буюк устун қулабмиш.
Пирсиз қолган мурид, пир излар экан,
Тумтароқ жумлани, бир бир улабмиш.
Шайхлари, хаёли тубида эмиш,
Икки ой бўлибмиш, чекармиш фарёд.
Беш ой бўлди шайхин ўлганига лек,
Қолган уч ойида, солмаган вой дод.
Ўлган бу шайхини қўмсармиш қаранг,
Юртимизда ҳар бир, ўзбек боласи.
Етса мингтагача етади аранг,
Сохта муридларнинг, сохта ноласи.
Шайх учун беришга тайёрмиш жонни,
Бу муридман деган, сўфи гумроҳлар.
Наҳот тушунмайди булар, қуръонни?,
Пайдо қилиб олган, сохта илоҳлар!
Шунинг учун келган эдими, ваҳй,
Бир шайхни улуғлаб сиғиниш учун?!
Ширқдан қилмаганми, динимиз наҳй?,
Бунчалар таассуб қилишлик нечун?!

Бу ўлка севармиш, бу улуғ пирни,
Бу сохта севгидан минг бор, алҳазар.
Ахлат билан поклаб бўлмайдир кирни,
Қайда бидъат, қайда ширк, солгин назар!
Бу диёр «севгандир» бир пайт Ленинни,
Мадҳия куйлашган, унга бағишлаб.
Бундай севгилардан узоқ тут динни,
Зикр тушаверма, сакраб ирғишлаб.
Биз кетган шайхинга қилмадик ғийбат,
Элни қилдик огоҳ, залолатидан.
Бу динни соф ушланг, керакмас бидъат,
Бу даъват аҳлининг ваколатидан.
Сен нега уялмай, каззоблик қилиб,
«Шайх тириклигида айтмаган», дерсан?
Агар ёлғон бўлса, бу иддаоинг,
Қорнингга жаҳаннам оловин ерсан.
Футбол ўйнаб юргин, титавермай гўнг,
Ботил эътиқодинг, чириклигида.
Нима айтган бўлсак, шайхинг ўлган сўнг,
Айтган эдик, шайхинг тириклигида.
«Илоҳий пардани узилди», дебсан,
Бу нима деган гап, эй, бефаросат?!
Демак, бекорлардан бештани ебсан,
Сендек, довдирларнинг жойи Аросат.
Ваҳй тушармиди шайхинга ёки,
Унинг нимасига бунча додлайсан?!
У ўлмаслиги шарт эди, гўёки,
Ўлди, энди дилни қандай шодлайсан?!
Биз кутган эмасмиз, кимнинг ўлишин,
Кетади, ким келган бўлса дунёга.
Кимки, ушлар экан, ҳақ диннинг ишин,
Эътиқод қилмайди, тушга, рўёга.
Шайхингни шерларга ўхшатибсан, зўр,
Шер ўлса ўлар, сен нега, армонда?!
Мана кўринмоқда, ҳали ақлинг гўр,
Кошкиди, шер бўлиб юрса ўрмонда.
Лекин, минг афсуски, шайхинг шер эмас,
У Аллоҳ яратган бир инсон эди.
Уни ҳам сен билан бизга ўхшаган,
Нафси бор, ҳамроҳи бир шайтон эди.
Мутакаббир дебсан, ҳақ сўзни айтсак,
Кибр, бу аслида, ҳақни рад қилмоқ.
Ўйларсан шоядки, бу йўлдан қайтсак?,
Шайтондан не фарқинг бор сени, аҳмоқ?!
Айтган сўзларимиз, яна айтамыз,
«Шайхинг мутаассиб, мазҳабпарастдир!»
Биз бу сўзимиздан қачон қайтамыз?,
Буни кутаётган, бир ақли пастдир.
Биз жанг майдонига чақирдик сизни,
Майдонга чиқишга топмадинг юрак.
«Жанг пайти орқадан келар» деб, яна,
Бизга туҳмат қилиш, не учун керак?!
Нимаси бор эди, сенинг пирингни,
Гўёки, биз унга айласак ҳасад?!
Динфурушлик қилса, шилиб пулингни,

Шундай йўллар билан, семирса жасад.
Сен учун обрўми, сарқитларни еб,
Қаддофий, Рамзани олдида турмоқ?!
ИАКни мақташлик, «муҳтарам зот» деб,
Усмоновга бориб, тўнлар кийдирмоқ?!
Биз ҳасад қилдикми, шундай бўлишга,
Наҳот, сизлар учун шу «буюк ҳолат»?!
«Ҳавасмиз, баскетбол ўйнаб ўлишга,»
Бу гапни гапириш, улкан жаҳолат!
«Виждонни еб қўйган одамлар» дебсан,
Эҳтимол еганмиз, есак виждонни.
Лекин, турмаларда ўн йилча ётиб,
Сендек, емаганмиз, сотиб имонни?!
Кеча нима гаплар гапирар эдинг,
Бугунги гапларинг, энди тасқара.
Оқни оқ, қорани бу қора дердинг,
Бугун айтаётган, сўзинга қара!
Шайхингизга майли, мадҳия ўқинг,
Баҳсимизда уни тинч қўйинг, бир оз.
Ўз сўзингиз билан майдонга чиқинг,
Бўлса гар сизларда, бизга эътироз!
Унинг соясига бекиниб олиб,
Унга тош отишга, бўлманглар сабаб.
Ўзларинг бир четда, бу ёқда қолиб,
Уни қалқон қилиб, турибсиз қараб.
Бизга даср берманглар, дин диёнатдан,
Чунки, бунга лойиқ эмассиз сизлар.
Чунки, биз безормиз бу хиёнатдан,
Чунки, золимга қул бўлмаймиз бизлар!
Ҳар битта сўз учун ҳукм бор дебсан,
Албатта, берамиз ҳар сўзга жавоб.
ИАКни «муҳтарам зот» деган, гапга,
Қиёматда Аллоҳ, берами савоб?!
Агар ИАК бўлса, бир «муҳтарам зот»,
«Албатта, шайхингиз айтмайди ёлғон!»
ИАК билан бирга, бўлинглар, ҳайҳот,
У дунё, бу дунё, ҳамиша ҳар он!
Агар тўғри бўлса, сўфи, нақшбанд,
Сакраб тушиб, зикр айтишлик, эй воҳ.
Икки дунё бўлинг, сакраш билан банд,
Сўфиликдан холи қилмасин Аллоҳ!
Дилинг бизга қарши, нафратга тўлар,
ИАКгачи, чексиз муҳаббатинг бор!
Ҳар ким ўз севгани билан жам бўлар,
Сен Ўзинг гувоҳ бўл, эй Парвардигор!
Ким сенинг дининга қилди хиёнат?,
Кимлар ҳақ йўлингда, бахш этди жонни?!
Кимларда қолмади, дину диёнат,
Кимлар дунё учун сотди имонни?!
Кимлар золимларга қилди хушомад?,
Ким қилди, бу динга хизмат беқиёс?!
Кимлар топди гўё, дунёда омад?,
Кимлар раҳматинга, ким азобга мос?!
Кимлар турмаларда ётибди ҳануз?,
Кимлар калтаклар еб, топширдилар жон.

Кимлар ойлаб тотмас, у ерларда туз,
Кимлар еб ичишар, тайёр ошу-нон?!
Кимлар бу дунёга сотмади динни?,
Кимлар уни сотиб топди эҳтиром?
Кимлар динфурушлик қилар, туну-кун,
Кимнинг оши ҳалол, кимники ҳаром?!
Буларни барини биласан Роббим,
Мен сенга гуноҳкор, бир ожиз банда.
Агар ким ноҳақдан, тухматлар қилса,
Ўзинг уни қилгин, хору шарманда!
Агар менга тухмат қилса рақиблар,
Ноҳақдан отсалар маломат тошин.
Эй Роббим, уларни Ўзинга солдим,
Йўқ қилгил барисин, қўшиб Юртбошин!
Улар суянган «тоғ» йиқилсин охир,
Кўрсинлар, Ўзингдан ўзга Илоҳ йўқ.
Мен бунга аминман, ҳақ бўлур зоҳир,
Сенга таваккулим, бошқа гапим йўқ!

2.

Ҳақ йўлига кирган одамзод,
Синов келса қилмайди фарёд.
Ҳаёт синовдан иборатдир,
Бир кун ғамда, бир кун яшар шод.
Нега ҳақдан юз ўгирияпти?
Хайруллога нима бўляпти?
Ҳақда туриш осонмас мудом,
Бўлар турли туман интиқом.
Бир озгина ўтириб чиқиб,
Энди бари бўлдими тамом?
Қаранг, кимга хизмат қиляпти?,
Хайруллога нима бўляпти?!
Қани ўша ғайрат шижоат?,
Ҳақ йўлида қилинган тоат?!
Бир озгина синов келганда,
Золимларга қилсанг итоат?!
Хатолар қилганин билипти,
Хайруллога нима бўляпти?!
Қўрқса агар жим турмоқ керак,
Бир чеккада ин қурмоқ керак.
Синов дунёсидан имонни,
Саломат сақлаб ўтмоқ керак.
Энди Ҳақ устидан қуляпти,
Хайруллога нима бўляпти?
Кечаги оқ, бугун қорами?,
Бечорага, ҳийла чорами?!
Ёки, озодлик эвазига,
Хушомадлик тўлов, порами?!
Золимларга «пахта» қўйяпти,
Хайруллога нима бўляпти?
Абадиймас зўравон золим,
Мангу қолмас, омию — олим.
Ҳақ ботилга мағлуб бўлмагай,
Буни билгай ҳар ақли солим.

Умр паймонаси тўляпди,
Хайруллога нима бўляпди?
Мустабидга хизматда қоим,
Итоатга чақирса доим.
Шунга арзийдимми шу ҳаёт?,
Сизга инсоф берсин Худойим!
Суянган «тоғларинг» ўляпди,
Муридларга нима бўляпди?!



Бу уммат ҳолига ҳайрон, йиғладим

Суратларни кўриб, бўлди дилим қон,
Бу уммат ҳолига ҳайрон, йиғладим.
Не қилай кўлимда бўлмаса имкон,
Не қилай, юрагим вайрон, йиғладим.

Нега бундай бўлди бу буюк уммат,
Нега бугун қадри бир пулга қиммат,
Қани бу умматга хос буюк ҳиммат?,
Эй Роббим, дея мен нолон йиғладим.

Нималар бўлмоқда ёвуз оламда?,
Инсоф қолмадимми, бани Одамда?,
Хор зор ўляяпди уммат бу дамда,
Мен дардига топмай дармон, йиғладим.

Нима қилиш керак, ё Раб, кўрсат йўл,
Ким чўзади бугун, бу умматга қўл?,
Ўзинг бу умматнинг мадаккори бўл?!,
Юрагимда битмас армон, йиғладим.

Булар ўлган сари, уммат камайди,
Бегуноҳ гўдаклар айби нимаиди?,
Нега мусибатлар сира тинмайди?!,
Мен жавоб тополмай, гирён йиғладим.



Бомбардимонда ўлган Суриялик қизчани суратини кўриб;

Самога тикилган маюс кўзларда,
Қотиб қолган сассиз, руҳий ҳаяжон.
Саволлар турибди, лабда, сўзларда,
«Нега ўлдирдилар мени аяжон?!»

Дунёга тўймаган беғубор нигоҳ,
Чексиз даҳшатлардан, сўйлар афсона.
Бу қабоҳатларга Яратган гувоҳ,
Булар қиёматдан бизга нишона.

Жаннат сари учиб кетган руҳига,
Тикилганча очиқ қолган кўзга боқ!
Дунёга тўймасдан, жаннатга етган,
Кўзи очиқ кетган, жажжи қизалоқ.

Июль 3, 2015

Оқсаройда ёнса яшил чикроқлар

Оқ саройда ўчган куни чироқлар,
Тугар юртимизда, оҳу фироқлар.
Умидим бор келар ҳали шу кунлар,
Топилар бизда ҳам бағри бутунлар.
Жоҳиллар қилсалар элга жафолар,
Буларда бўлмайди аҳдга вафолар.
Улар беҳабардир китоб қуръондан,
Насиба олмаган ҳали имондан.
Лекин, хоин бўлса муллаю эшон,
Булар учун узр бўлмайди ишон.
Бир мусулмон касни ўлдирса золим,
Уни қўллаб турса муллаю олим.

Буни қандай дейсиз дину диёнат,
Бу диёнат эмас, балким хиёнат?!
Бошимизда синса, доим таёқлар,
Зўравонлик қилса, дайди саёқлар.
Улар хизматида турса олимлар,
Янада золиброқ бўлар золимлар.
Шу сабаб бузилди бртимиз эй воҳ,
Бу хиёнатларга Яратган гувоҳ.
Шу сабаб дуода турар мазлумлар,
Тезроқ даф бўлсин, бу золим малъунлар!
Кўрина бошлади тунда маёқлар,
Оқсаройда ўчар бир кун чироқлар!
Агар чироқ ўчса гар оқсаройда,
Тугайди имконлар, зўравон бойда.
Қилади адолат бир кун тантана,
Мени айтди дейсиз, бир куни мана!
Қизилларга ғолиб келганда оқлар,
Оқсаройда ёнар яшил чироқлар!

Андижон фожеъасининг 10 йиллигига атаб;

Талабалар ўлди сақладинг сукут,
Жим турдинг Паркентда тўкилганда қон.
Қонли тарихлар ҳеч бўлмайми унут,
Бу одамлар нега, бўлдилар қурбон?!
Эй халқим, адолат кутиб, интизор,
Кенг олам бўлди-ку, кўзларинга тор!

Ўн учинчи майда, икки минг бешда,
Минг минглаб одамга, тўлганда майдон.
Ўлгани нечтаю, қочгани нечта,
Яна қонга ботди, қўҳна Андижон.
Ўн йилким, адолат топмади қарор!
Зулму – зўравонлик, ҳануз устувор!

«От!» деб, буйруқ келди, нақ Юртбошидан,
Қочишга тушдилар, мазлум оломон.
Ўқ ёмғири ёғди, элнинг бошидан,
Отилди, ҳеч бири қолмади омон.
Арзини айтишга чиқса, чор — ночор,
Ўз элини отган ёвуз қайда бор?!

Ўз элин ўз халқин, отган золим шоҳ,
Уялмасдан яна , бўлди қаҳрамон.
Мазлумлар зиндонда тортмоқдалар оҳ,
Бу тузум ўзгармай турибди ҳамон.
Рўшнолик кўрмади, бу қўҳна диёр!
Улуғ бир миллатни, қилди хору — зор!

Ўн йил ўтди ҳануз, битмади яранг,
Бу золимда йўқдир, инсофу — имон!
Ҳалиям ҳеч нарса ўзгармас, қаранг,
Ёвузлик ҳукмрон, ёлғон ҳукмрон.
Шу сохта сиёсат, шу сохта қарор.
Наҳотки, шу элда, тинчлик барқарор?!

Мустабидга қарши, на ғарбу, на шарқ,
Ҳеч нарса қилмади, ҳаммамиз ҳайрон.
Каддофий ИАҚдан қилармиди фарқ?,
Икки хил ўлчовлар, икки хил мезон!
Қолмади адолат, йўқдир эътибор,
Халқаро қонунлар, ҳаммаси бекор!

Золим хизматида кўп шайху — олим,
Гарчи золимларга қаршидир қуръон.
Мангу қолган эмас, зўравон золим,
Тарихда кўп ўтган, Фиръавну — Ҳомон.
Барчаси бедаво дардга гирифтор!
Тез қулар ичидан чириган девор!

Озодлик, ҳуррият, эрк учун доим,
Курашиб, шу йўлда, берилгандир жон.
Ҳали ҳар бандадан сўрар Худойим,
Бу дунё биз учун, синов, имтихон.
Зулмга жим қараб турганлар бисёр,
Бўлсада, сен бунга, жим турма, зинҳор!

Бугун сенга аза, золимларга тўй,
Сен ғамда, золимлар кулар бемалол.
Келажакка қараб, қадамингни қўй,
Эй халқим, ўзингни энди қўлга ол!
Зулм салтанатин қилиб тору — мор,
Адолат устига қургин пойдевор!

Фарқи йўқ кимлигин, акрабий ҳизбий,
Фарқи йўқ, насоро, яҳуд, мусулмон.
Бу кунни эслашга чақирар Саҳвий.
Бўлса гар орият, бўлса гар виждон.
Унутманг бу кунни, бўлса номус — ор.
Бунни унутишга қандай ҳаққинг бор?!

12 апрел 2015 йил

Келмади август;

ИАК августда ҳаммаси яхши бўлади деб ваъз қилганди 1992 йил бошида. Ўша ҳаммаси яхши бўладиган август ҳалигача келмади. Шу ҳақида ёзилган шеър;

Адо бўлмай кетди, ташвиш машаққат,
Баҳор, ёз, кузми қиш, нима фарқи бор?
Доим келажакдан кутилар шафқат,
Бу эл тўрт фаслдан кутар умидвор.
Косаси оқармас, ташвиш устма уст,
Келмади биз кутган нажоткор август.

Эй бечора элим, соддадил ҳалол,
Маккорлар қилдилар ҳолинги хароб.
Ҳар дайди ит сени талар бемалол,
Чорак аср кутиб, топганинг сароб.
Кураш майдонида бўлдинг заиф, суст,
Кутдинг келар дея, айтилган август.

Қизларинг сотмоқда туққан боласин,
Йигитларинг ўзга элда дарбадар.
Ўзинг курашмасанг ўз бахтинг учун,
Бунга дейилмайди қазою қадар.
Қуруқ ваъдаларга учган содда дўст,
Қачон келади айт, сен кутган август?!

Улоқтир устингдан тўймас юҳони,
Курашмоқ ғалаба шартидир ишон.
Йўқ қил бу ёсуман зўр аждаҳони,
Ёки, ҳақ йўлида тўкилсин бу қон!
Гапирган эмас бу каззоб ҳеч дуруст,
Кутиб зада бўлма, келмайди август!

5 апрел 2015 йил

Рўё;

Тушларимга кирган қўрқинчи рўё,
Сен кимсан жинмисан, шайтонмисан айт?
Дардли юрагимга алам етказган,
Дилимдаги мажруҳ виждонмисан айт?!

Мен ҳам яратилдим ушбу дунёга,
Дарду аламимга йўқдир ниҳоя,
Тақдирни эслашлик менга кифоя,
Сен тақдирга қарши исёнмисан айт?!

Мен хулқ атворимни яратмаганман,
Не бўлса хулқимда тарк этмаганман,
Қўзлаган мақсадга ҳеч етмаганман,
Сен мен тополмаган имконмисан айт?!

Не қилай борим шу ўзгаролмасман,
Энди бу ғамларни кўтаролмасман,
Бундан кейин қўрқиб яшайолмасман,
Мени алдаб келган ёлғонмисан айт?!

Мен имон келтирган, улуғ Аллоҳдир,
Ибодатга лойиқ, якка Илоҳдир.
У Зот менинг аҳволимдан огоҳдир,
Сен адашган жинми, инсонмисан айт?

Ёки, Алдагувчи шайтонмисан айт?!
Ё дилимда қолган армонмисан айт?!

Аёлларга атаб:

Муниса муслима ўзбек аёли,
Қалблар маликаси, остингдадир тахт.
Уч юз олтмиш тўрт кун бахтсиз эдингиз,
Саккизинчи мартдан кутасанми бахт?!

Аёллар бахт берсин эркак зотига,
Аёлсиз бахт топиб кўрган эркак йўқ.
Одам Атонинг ҳам жаннат боғида,
Ҳавоси яралгач, бўлди кўнгли тўқ.

Эркаклардан тилаб турманг бахтингиз,
Бахт бу сизнинг ширин тилингиздадир.
Эркак зотин доим асир қилгувчи,
Меҳр ила муҳаббат дилингиздадир.

Аёллар онадир инсониятга,
Жаннат оналарнинг оёқ остида.
Бу улуғ даража берилган сизга,
Буни қадрин сизлар паст билманг жуда.

Осиё, Хадича, Фотима, Марям,
Олам аёлларин саййидасидир.
Бир қизи бўлса, бириси жуфти,
Бири Пайғамбарнинг волидасидир.

Аёллар бахтини кутмасин энди,
Жуфти ҳалолидан, маҳрамларидан.
Бир йил бахтсиз яшаб юрганлар кутар,
Бир кун «бахт», урф одат, байрамларидан.

Аёлларнинг ўзи бахт манбаидир,
Улар бахт улашар турфа оламга.
Агар яшай олса Одам Ҳавосиз,
Ҳаво яратилмас эди, Одамга.

8 март 2015 йил

Муҳаббат фасли

«Муҳаббатнинг фасли», дейилар, баҳор,
Барча дарахтлар, гуллаган пайти.
Мен хазонли кузга ўхшатдим, илк бор,
Бугунги ҳолимиз, ўйлаган пайти?!

Қама қамалар ҳеч, бўлмади тамом,
Бунга фатво берган, кўп муфтий, имом,
Кўпаяр бузуқлик, фаҳш ила, ҳаром,
Ёш, ёш келинчаклар, туллаган пайти.

Чор тарафда қақшар, бағри адолар,
Золимнинг зулмидан, минг бор ризолар?,
Шундай бўлиши шарт, казо — казолар,
Ҳақнимас, ноҳақни қўллаган пайти?!

Нажот манбаидир, биз учун, қуръон,
Шу манбани ушлаб, тўкишмоқда қон,
Энди қайдан қадр, излайди инсон,
Имонин шайтонга, пуллаган пайти?!

Мазлумлар кўзидан тинмай оқар ёш,
Ўзгаришни кутиб, қолмади бардош,
Ўйинга тушарлар қаранг, кекса — ёш,
Ёлғон наволарни, куйлаган пайти.

Адолат бўлмаса, турмайди ҳаёт,
Минг йиллик тарихда, бунга кўп исбот,
Биров парво қилмас, сўзига ҳайҳот,
Шоир эл дардини, сўйлаган пайти.

19 ноябр 2015

Муслима аёлларга

Аёлларнинг фазилати улуғ бўлди исломда,
Қизлигида отасининг жаннатига кафолат.
Ўсиб улғайса охири ҳурмату эҳтиромда,
Ўз тенгини топиб турмуш қуришлиги адолат.

Энди бу қиз ўз эрининг ярим динин тўлдирар,
Эрнинг дини, яхши аёл билан, бўлар баркамол.
Муҳаббати билан эрин ярим дилин тўлдирар,
Шунинг учун қадрлидир, мунис муслима аёл!

Она бўлгач, даражаси осмонлардан ошади,
Самолар ҳам жойлашгандир жаннатларнинг пастида.
Энли кимки, истар бўлса, кирмоқликни жаннатга,
Демак жаннат оналарнинг оёқлари остида.

Айрилиқ ёмон—

Кутиб соғинч билан ўтади умринг,
Кутганинг келмайди, кутганинг ёлгон.
Умидсизлик қамраб олар дилингни,
Айрилиқ ёмондир, айрилиқ ёмон.

Дилни чулғаб олар, маҳзун хаёллар,
Жамлаб ололмассан, хотир паришон.
Бақириб йиғлаб ҳам бўлмайди, бўзлаб,
Айрилиқ ёмондир, айрилиқ ёмон.

Истайсанми йўқми, ожиз, заифсан,
Барибир устингда ҳокимдир ҳижрон.
Умринг поёнига етмоқдадир бил,
Айрилиқ ёмондир, айрилиқ ёмон.

Тош қотган юраклар юмшаган пайти,
Шубҳасиз, бу ғамдан йиғлар, ҳар инсон.
Қандай чидайсан дил, қўмсаган пайти?,
Айрилиқ ёмондир, айрилиқ ёмон!

21 ноябр 2015

Фаластинлик бир муслима аёлнинг яҳудийлар томонидан отиб ўлдирилгани суратини кўриб ёзилган шеър;

Фитналик замонда туғилиб яшаб,
Фитналар ичида қолган аёллар.
Замона залворин елкага ташлаб,
Оғир юк остида толган аёллар.

Эркакларнинг сиздан ортиқмас жони,
Ортиқмасдир қувват, журъат имкони,
Аёлларга тўлган уруш майдони,
Ўқлар бўронидан ўлган аёллар.

Гапирманг назокат, ноз — иболардан,
Ким ҳам бор гўзалроқ, жонфидолардан?,
Эркакларга уят, иддаолардан,
Очилмай гул каби, сўлган аёллар.

Жонфидолар бир ён, фаҳш бир ёнда,
Яшяпмиз фитна, тўлган замонда,
Кимлар бу фитнадан четда, омонда?
Фитналар қурбони бўлган аёллар!

Ислом оламида тўкилмоқда қон,
Қадри йўқдир кимда, имон бўлса, жон,
Адолат йўлида бўлмоқда қурбон,
Жаннат башоратин олган аёллар!

Дунёни ташвиши гадога тушди

Тақдир мени чорляяпди чор тараф
Ризқим бугун Соллефтеога тушди.
Ҳалол ризқ топишлик биз учун шараф,
Дунёни ташвиши гадога тушди.

Одамзоднинг қайғуси ош нонидан,
Баъзан пулни ортиқ қўрар жонидан,
Қийин экан ўтиш имтихонидан,
Йўл бермади шайтон арога тушди.

Кимга осон экан, кимгадир мушкул,
Баъзида, жонгаям тегади буткул,
Доим келажакдан яхшилиқ кутгил,
Нима келса, қисмат қазога тушди.

Саҳвий ҳаёт шундай, яшаш осонмас,
Меҳнат қилмагунча кас, мол қозонмас,
Эркак бўлса, оғир дамларда тонмас,
Англайди ким, бу можарога тушди.

Расуллоҳ САВга хитоб

Ассалому алайкум, Сарвари олам,
Умматингиз дилинда кўп дарду алам,
Сизни масхаралаб кулар, бу даҳрийлар,
Чорамизнинг йўқлиги ғам устига ғам.
Саловоту саломларим, бўлсин сизга!
Яратганнинг Ўзи, раҳм айласин бизга!

Ё расули акрам, бугун уммат хордир,
Кифирдан марҳамат кутади ночордир.
Парчаланган уммат, сарсону саргардон,
Ўзгалардан қолган сарқитларга зордир.
Беҳад салавоту салом бўлсин сизга,
Қудратли Зот Ўзи раҳм қилсин бизга!

Сиз оламга раҳмат олиб келгандингиз.
Зулматлар ичра нур солиб келгандингиз.
Катта кичик душманлар билан доимо,
Тинмайин курашиб, ғолиб келгандингиз.
Бизлар лойиқ уммат бўлолмадик сизга,
Бугун бу гумроҳлар йўл кўрсатар бизга.

Йўқотмоқда инсонлигин бугун инсон,
Ҳурмат қилинмайди на дин ва на имон.
Шайтон ўзин ҳукмин ўрнатдими буткул,
Олам узра Худосизлик куфр ҳукмрон!
Аллоҳнинг нури раҳмати ёғсин сизга,
Қодир Эгам энди нусрат берсин бизга!

Одамларнинг дин инсофу имони йўқ.
Қадриятлар бекор бўлди, мезони йўқ.
Фаҳшу фужур ҳукм сураар олам аро,
Қиёмат ҳам яқин қолди, гумони йўқ.
Аҳволимиздан шикоят қилдим сизга.
Хорлиқнинг тамғаси ёпишдику бизга

Устимизда туришар золим подшолар,
Умматга хиёнат қилмоқда пешволар.
Ҳақдан кўрқмаса, бандадан уялмаса,
Нафси ҳавосига қул бўлган расволар.
Расулulloҳ (САВ) дардлардимни айтай сизга,
Бугун оғир таназзулик тушди бизга!

Кўрқоқлар қисмати доим гадоликдир,
Қадр қиммату, ҳурматдан жудоликдир.
Афсус, бугун қул бўлганмиз золимларга,
Иззат шарафнинг йўли, жонфидоликдир!
Нимаям деймиз фоҳиша аёл қизга?!
Журъат, мардлик, ғурур етишмаса бизга?!

Ҳали Маҳдий келиб, кийса бошига тож,
Балки, бу аҳволга топилгай бир илож.
Дажжолнинг ҳам чиқишига оз қолдику,
Исо пайғамбарга бизда бор эҳтиёж!
Беҳад салом, саловотлар бўлсин сизга!
Шафоат айланг, бу хор умматингизга!

Дунёнинг эгаси ягона Аллоҳдир.
Бошқа Илоҳ йўқдир! Фақат У Илоҳдир!
Тавҳид олий бўлур ширкдан эртами кеч,
Бунга Яратганнинг каломи гувоҳдир!
Саҳвий салом саловотлар айтар сизга,
Тангрим иззат берсин, хор умматингизга!

Маснавийлар

Икки шайх ҳақида шеърий эртак

Бор эди икки шайх, қадим замонда,
Ёвузлик ҳукмрон бўлган томонда.
Бири расмий муфтий аталди номи,
Бири шунчаки бир масжид имоми.
Бир золим қўлига тушган эди тахт,
Шу билан бу элдан юз ўгирди бахт.
Динсиз даҳрий эди бу ёвуз нокас,
Фиръавнлар бунга келолмасди бас.
Икки шайхдан талаб қилди бу золим,
Унга хизмат қилсин ким бўлса олим.
Расмий муфтийда ҳеч йўқ эди чора,
Доим хизматга шай банда бечора.
Лек масжид имоми кўнмади бунга,
Бу тўғри келмасди аслида динга.
Расмий шайх истарди у бўйсунитни,
У истамасди ҳеч лекин бу ишни.
Ўртада тортишув кўп этди давом,
Шайхларга эргашар эди, халқ авом.
Оқибатда чиқиб бир фитна фасод,
Расмийнинг бозори бўлдику касод.
Ўз қўл остидаги баъзи имомлар,
Унга қарши қилди кўп издиҳомлар.
Дўппи тор келганда тополмай чора,
Расмий қочиб қолди, охир начора?
Юрди дунё кезиб сарсон саргардон,
Кутиб қулай пайтни келишин чандон.
Бир шайхни йўқ қилгач, энди золим шоҳ,
Иккинчисига ҳам қазир эди чоҳ.
Бир кун ушладилар айғоқчилари,
Золим шоҳга содиқ тан соқчилари.
Иккинчи шайхни ҳам ҳамроҳи билан,
Бу зўравонликка гувоҳи билан.
Йўқ қилди золимлар бу икки жонни,
Ҳайвондек қадри йўқ эди инсонни.
Йигирма йил ўтди бу воқеъадан,
Элнинг хабари бор бу фожеъадан.
Йўқ бўлди бир инсон, йўқдир дом — дарак,
Бу шайхни йўқ қилиш ким учун керак?!
Йўқ қилиб иккала шайхни золим шоҳ,
Ўзи каби, элни айлади гумроҳ.
Пайдо бўлди, турли туман гуруҳлар,
Паришондек тўзғиб юрарди руҳлар.
Тинчлик бўлмагандан кейин золим шоҳ,
Шайхни қайтаришга кўнди, хоҳ, нохоҳ.
Етти йилдан бери дайдиган имом,
Ўз юртига қайтди, энди батамом.
Гарчи бўлмасада муфтий ё қози,
Шайхлик қилишликка бўлганди рози.
Унга кўрсатилди хуфя эҳтиром,
Зимдан фаолликни эттирди давом.
Кўп фатволар берди, қоламиз қойил,
Мазмун моҳияти зулмга мойил.
Мазҳаб либосига ўраб ботилни,

«Муҳтарам зот»деди, золим қотилни.
Кўп китоблар ёзди, ўқиди авом,
Халқ ичра тобора топди эҳтиром.
Йўқ қилинган шайхни, йўлин хато — деб,
Фақат шу мазҳабдан рози Худо — деб.
Жилдма — жилд тинмасдан ёзилди китоб,
Авомга қилинди бир қатъий хитоб.
«Зулмга бўйсуниб яшаш раво» — деб,
Зулмга норози бўлиш хато — деб.
Қайтиб келганидан кейин ватанга,
Жон деган берилган омонат танга.
Ўн беш йил яшагач, ўлди бу инсон,
Ўлади, ким бўлса бўлсин, тирик жон.
Эй банда ўлимга доим тайёр бўл,
Шайх ҳам ўлиб қолди, ўйнаб баскетбол.
Бунинг ўлимидан ғам чекди кўп жон,
Жанозага келди минглаб оломон.
Йиғлаб қўйиб келди шайхни қабрга,
Қаранг бечоралар қилган сабрга.
Қабрин зиёратгоҳ қилдилар авом,
То ҳануз зиёрат этмоқда давом.
Шайхлар қандай ўлди, қараб назар сол,
Иккала шайхни ҳам, бир бир эсга ол.
У шайх ўлдирилди зулмда, эй воҳ,
Унинг ўлимига Яратган гувоҳ.
Унда на кафан бор ва на жаноза,
Ва ё на жасади ювилди тоза.
У шайхнинг қабри йўқ, муридлари ҳам,
Унинг кимлигини унутди олам.
Унда йўқ дабдаба, шону — шарафлар,
Шундай ўлган эди, кўплаб салафлар.
У кўрмади иззат, ҳурмат, эҳтиром,
Унинг бу дунёси бўлгандир ҳаром.
Ғарибликда кетди Ҳақ даргоҳига,
Роббим гувоҳ ғарибларнинг оҳига.
Уни танимади казо — казолар,
Уни эслаб биров, тутмас азолар.
У ўтирган эмас, золим ёнида,
Ёки бойваччалар дастурхонида.
Ундан қолди фақат, илм — ила урфон,
Издошларга ибрат, фидои инсон.
Ҳақ учун берилган жонлар, огоҳ бўл,
Тенг эмасдир, берсанг ўйнаб баскетбол.
Кимники, золимлар қилса эҳтиром,
Бунга йиғлаш керак, қувониш ҳаром!
Зулмга норози бўлишлик шартдир,
Ҳақни айтиб, кейин ўлишлик шартдир!
Агар айтилмаса золимларга ҳақ,
Улар ўзларини санар муҳаққақ.
Агар бўлса кимнинг, хавф имонида,
Туриш керак эмас, золим ёнида.
Наҳот бу нарсани шайхлар билмаслар,
Улар билиб туриб, амал қилмаслар.
Барчаси ўзларин виждонигадир,
Албатта зиёни имонигадир.

Булар бари ўтиб кетган одамлар,
Бу ерда бор бизга, ибратли дамлар.
Буларни эслайлик, олайлик ибрат,
Золимдан кутмайлик, ҳаргиз мурувват.
Бу шайхлар зулмининг қурбони бўлди,
Ким мазлум, ким золим томони бўлди.
Шайхлар ўтиб кетди, ҳаммаси тамом,
Золим ўз зулмида, этмоқда давом.
Шу ерда тугайди бу эртас, ал — ҳол,
Шоядки, ҳеч кимга келмаса малол.

.....

Ҳақ устидан ғолиб, келганда ботил

Шундай бўлди бизга қисмату қазо,
Начора бандалик шартидир ризо.
Лекин, мункар ишга эмасмиз рози,
Чунки, бу динда бор, тошу тарози.
Ботилни шу сабаб қиладирмиз рад,
Роббим берсин бизга бу ишда мадад!
Қаранглар қандайин фитналик замон,
Ёмонлар яхшидир, яхшилар ёмон.
Қаҳрамон дейилар, золиму қотил,
Ҳақ устидан ғолиб, келганда ботил.
Оқлар қора бўлар, қора эса, оқ,
Бу эл ҳақиқатдан қанчалар узоқ.
Лек казо казолар, паришонхотир,
Ушбу ҳолат бизни қилар хавотир!
Бу ахир исломга хиёнатмасми?,
Ҳақда собит туриш диёнатмасми?!
Авом халқ жаҳолат майидан мастлар,
Нега жимдир бугун мазҳабпарастлар?!
Нега ҳақни айтган киши бўлар хор?,
Ҳақиқатни жойи қамоқ, ёки дор?!
Ширк хурофот бўлди бугун устувор,
Бунчалик жаҳолат айтинг қайда бор?!
Қани тавҳид қани ислом шиори?,
Ширкка тўлди Бухорийнинг диёри!
Иқтидорда турган бир тўп ғаламис,
Бугун бу диёрни қилди беномус.
Қолмади адолат, дину диёнат,
Элга қилмоқдалар фақат хиёнат.
Тобора ҳалокат кўринмоқда фош,
Залолатга ботган бугун кекса ёш.
Мен буларга бугун, қилиб надомат,
Дерман яқин қолди, балким қиёмат?!
Шайхлар динфурушлик қилса оламда,
Диёнат қоларми Бани Одамда?!
Фирибгар учун кулдику омад,

Куф суф қилиб топар, мўмай даромад.
Ҳақ сўзни айтганлар ётар зиндонда,
Ёки, дарбадардир юрар ҳар ёнда!
Бу сўзимга қилай энди ниҳоя,
Шу ерда тугайди, ушбу ҳикоя!

Абдували қорига атаб;

Йигирма йил олдин, куппа кундуз кун,
Гапирсам оҳимдан чиқади тутун.
Зулмдан қўлини тиймади золим.
Ўғирлаб кетилди, бир ғариб олим.
Йигирма йил бўлди, чиқмайди уни,
Қайдалигин биров билмайди уни.
Ҳар ким ҳар хил ўйда, фикру гумонда,
Аниқлик бўлмаса жуда ёмонда.
Бўлсада турли хил мулоҳазалар,
Кўплар ўйланишдан қилишар ҳазар.
Менинг тушунганим шуки, бу замон,
Золим дин олимин қўймайди омон.
Ўзига итоат қилмаганларни,
У еган нажасни емаганларни.
Йўқ қилиб ташлаши, бу бегумондир,
Шайтонларнинг қасди, доим имондир.
Бу олим исломни тирилтирганди,
Ҳидоятга элни илинтирганди.
Бу инсон курашди хурофот билан,
Машғул бўлмаганди хилофат билан.
Даҳрийлик чоҳига ботган бу элда,
Одамлар яшарди залолат йўлда.
Бир тоифа бўлган даҳрий коммунист,
Ўзин аташарди динсиз атеист.
Даҳрий бўлмасада аксар авом халқ,
Ширк билан тавҳидни қилмас эди фарқ.
Сиғинар эдилар, барча мазорга,
Баракот берсин деб, ризқу бозорга.
Бидъатсиз қилмасди азани тўйни,
Мазорларга атаб сўярди қўйни.
Пайдо бўлган эди мазорпарастлар,
Гумроҳлик майидан сув ичган мастлар.
Динфурушлик қилар баъзи эшонлар,
Муридлар уларга қилар эҳсонлар.
Хурофотга тўла эди бу диёр,
Шу гумроҳлигидан қилган ифтихор.
Шу фисқу фасодга тўлган бир элга,
Ёмғир ёққан каби чанқаган чўлга.
Имон машъалини ёқди бу инсон,
Куфр зулматини ёритди шу он.
Этганди беш йилча, даъвати давом,
Тавҳид ҳақиқатин англади авом.
Ширқдан пок бўлганди минг минглаб юрак,
Бунга далил исбот сўрмасанг керак?!
Даҳрийлик даврони тугаб борарди,

Диллар соф имондан озиқ оларди.
Гарчи бўлсада бунга эҳтиёжи,
Золимга ёқмасди диннинг ривож.
Ёруғликни кўрса гар қалби кўрлар,
Дилга шайтон қурган тузоқу тўрлар.
Ангай олмас, буни нобакор бадбахт,
Қўлдан кетиб қолар дея тожу тахт.
Қўрқади доимо ҳақ йўлдан ботил,
Шунинг чун қон тўкар зўравон қотил.
Улар тура олмас баҳс майдонида,
Қандай турсин ботил, Ҳақнинг ёнида?
Улар мафкурада мағлубдир доим,
Чунки, иблис билан тенгмас Худойим.
Шу сабаб йўқ қилди бу шайхни подшоҳ,
Имонсиз кўрқоқ бир нобакор гумроҳ!
Йўқ қилинган элдан бу улуг олим,
Хотиржам бўлмади, лекин бу золим.
Динни йўқ қилганлар, бўлмас хотиржам,
Уларнинг жазоси мангу жаҳаннам.
Тарихда кўп ўтган мустабид шоҳлар,
Ўзин худо билган, малъун гумроҳлар.
Душман ҳисоблаган, дину имонни,
Кўринг айланишин чархи давронни.
Улар ҳалок бўлган, охир оқибат,
Шундай бўлишлиги лозимдир албат.
Бу шайхни йўқ қилган золим зўравон,
Ҳали ўтирибди, тинчу соғ омон.
Бунга ажабланманг бўлсангиз мўмин,
Бунинг сабабини маълум қилган дин.
Шу ерда эслашлик керак оятни,
Аллоҳнинг каломи нур ҳидоятни.
«Золимларга берган молу дунёни Биз,
Сизлар яхшилик деб, ўйламанг ҳаргиз!
Бу зиёда қилиш учун гуноҳни,»
Ҳидоятдан маҳрум қилиш гумроҳни.
Яъни, бу муддатлар бир дамдир халос,
Бунинг ишнинг ҳикмати Яратганга хос.
Бу золим қанча кўп яшаса демак,
Кўп бўлса зулмига бергувчи кўмак.
Демакки, кўп бўлар қилган гуноҳи,
Аллоҳ улар қилган ишлар гувоҳи.
Узоқ йиллар қилса зулмни золим,
Аллоҳ ҳаммасини билгувчи Олим.
Сонсиз гуноҳ билан бир кун ўлади,
Унга ҳам қўйилган муддат келади.
Дунёда кўрмаса бордир у дунё,
Бу дунё у дунё олдида рўё.
Буниси ўтади яхшими ёмон,
Унисиди мавнгу яшайди инсон.
Мангу азоб бўлар мангу саодат,
Мўминлар шунинг чун қилар ибодат.
Гарчи Яратганнинг сифати Ғофир,
Лекин мағфиратдан бенасиб кофир.
Ўт азоби билан азобланади,
Танаси оловда кўп тобланади.

Энди бу дардига даво бўлмагай,
Энди унда кибру ҳаво бўлмагай.
Хорлик билан мангу азобда қолур,
На куйиб битади, нада йўқолур?!
Бир пасда ўтгувчи, бевафо тож тахт,
Талашиб мангуга бўлади бадбахт.
Унинг атрофида аёнлари ҳам,
Мангу олов ичра бўладилар жам.
Бу дунёда қилган гуноҳи учун,
Мазлумларни чеккан оҳ воҳи учун.
Яратгувчи Зотнинг адолатидир,
Бу ҳаёт қонуни, Ҳақ одатидир.
Биз бунга қилмаймиз ҳеч шубҳа гумон,
Шубҳа қилувчида бўлмайди имон!

Китобу суннатдир ҳидоят йўли

Ажиб бир замонда яшаётирмиз,
Умр довонидан ошаётирмиз.
Бугун ислом аҳлин босди тафриқа,
Етмиш учтадан ҳам кўпроқдир фирқа.
Энг ажойиброғу иғвогарлари,
Янги ҳанафийлик даъвогарлари.
Абу Ҳанифадан бўлсада узоқ,
Авомга қўйишган мазҳабдан тузоқ.
Мазҳабпарастлигу мутаассиблик,
Руҳлар кишанланган, мангу асирлик.
Тан олинмас аҳли китобу суннат,
Дин деб бидъатларни қилишар миннат.
Тан олмасанг булар нафси ҳавосин,
Бадном қилишади ўқиб «чилёсин».
«Фитначи» дейишар, «ватангадо» дер,
Илму маърифатдан буткул жудо дер.
Ўзларини санар, аллома олим,
Буларни қўллайди ИАҚдек золим.
Бизни кўролмайди, қора куч дерлар,
Барча даъволари таги пуч дерлар.
Диннинг пешволари булар эканда,
Бу гапни қилмаган ҳалиям канда.
Динни бузаётган бузғунчи бизми?,
Динни тузаётган уламо сизми?!
Қаранг бу қандайин ажиб иддао,
Далил билан исбот топади даъво.
Бу гапларни айтган аҳли мусулмон,
Ҳаммаси иддао қилади имон.
Менинг айбим улардек бўлмаганман,
Динни улар каби тушунмаганман.
Уларнинг шайхига қул эмас руҳим,
Шайхпараст эмасдир менинг гуруҳим.
Менга мазҳабларнинг асли фарқи йўқ,
Ҳаммаси яхшию, менга даҳли йўқ.
Менга йўл кўрсатманг, эй сиз жаноблар,
Садоқатдан таълим берманг, каззоблар.

Мен тан олмаганмай ҳизбут таҳрирни,
Ёки, тариқатни, эшону пирни.
Менга бегонадир мазҳабпарастлар,
Акрамий, Таблиғу, Нурчидек каслар.
Мен руҳан қулмасман, бирор олимга,
Ёки, ИАК каби, мальун золимга.
Мен учун ҳидоят манбаи қуръон,
Саҳиҳ ҳадисларга йўғрилган имон.
Ягонадир мени яратган Аллоҳ,
Йўлбошчим Муҳаммад, расули Аллоҳ.
Бидъат мазҳабидан буткул йироқман,
Мазҳабпарастларга бўлганман «Оқ»ман.
Сизлар қилаётган бидъат хурофот,
Аслида динда йўқ, эл учун офат.
Сизлар хизматдасиз мустабидларга,
Динфуруш дейилар сиз кабиларга.
Ўзингизни санаб олиму доно,
Авомга маъруза ўқиб «пурмаъно.»
Сизга эргашишга қиласиз даъват,
Албатта, зулмга сўзсиз итоат.
Сизнинг мазҳабингиз ҳаво дейилар,
Дардингизни ҳам бедаво дейилар.
Бу фисқу фасодни, бўлсин кўнгил тўқ,
Абу Ҳанифага алоқаси йўқ.
У зотга тухматлар қиласиз тинмай,
У зот курашгандир майдонда синмай.
Зулмга бўйсунуш сиз учун «тоат»,
У халифага ҳам қилмай итоат.
Калтак еб ўлдик охир зиндонда,
Лекин, ғолиб бўлди, бу имтиҳонда.
Ҳақ сўзига кимки қилса итоат,
У кимса золимга қилмайди тоат.
Зулмга қаршилиқ дини исломдир,
Зулмга ён босиш, шаръан ҳаромдир!
Адолат эркинлик динидир ислом,
Буни рад қилмоқда, шайтоний илҳом!
Китобу суннатдир ҳидоят йўли,
Бошқа йўллар бари, залолат йўли.
Гарчи ҳақ бўлсада, барча мазҳаблар,
Китобусуннатга қайтсин мактаблар.
Ҳидоят манбаи фақат қуръондир,
Бошқа иддаолар бўлса ёлғондир.
Саҳиҳ ҳадислар ҳам диннинг тамали,
Кимнидир мувофиқ бўлса амали.
Шу одам ҳақ узра, шу чин мусулмон,
Шу билан мукаммал бўлажак имон!
Бировларга қилиб пўписи ва дўқ,
Динга киритишга, ҳеч ким ҳаққи йўқ.
Қандай мажбурлайсан энди мазҳабга?,
Бу билан етолмас одам матлабга.
Ҳамма ўз йўлида айлосин давом,
Истаган йўлига эргашсин авом.
Ҳамма тинч яшасин, соғу саломат,
Бирига қилмай таъна маломат!
Ким нимада қилган бўлса ихтилоф,

Ким ҳақни гапирган, кимлар урган лоф?!
Маълум бўлажакдир қиёмат куни,
Кимга шодлик, кимга надомат куни.
Тилагим Роббимдан бу дунё аро,
Ўткарсин қилмасдан юзимиз қаро.
Охиратда этсин жаннатин насиб,
Шафоат айласин расули ҳабиб.
Холимас қалбимиз хавфу рижодан,
Эй Саҳвий, ноумид бўлма, Худодан!

Фитналар ҳақида шеър

Агар Аллоҳ Таолонинг китоби ва пайғамбаримизнинг суннати мустаҳкам ушланса, мўминлар ҳеч шубҳасиз диний масалаларда бидъат ва адашишдан саломат қолишади.
Аллоҳ Таоло айтади; «Албатта мана шу Менинг Тўғри Йўлимдир. Бас, шу йўлга эргашинглар! Бошқа йўللарга (тобе бўлманг) эргашмангизки, улар сизларни Унинг йўлидан узиб қўяр...».
(Анъом: сураси 153 оят)

Ўн тўрт аср олдин улуғ пайғамбар,
Фитналар ҳақида бергандир хабар.
Етмиш уч гуруҳга бўлинар уммат,
Ҳар бири ўзича энг олий ҳиммат.
Бугун бунга кўриб турибмиз мана,
Агар ишонмасанг, бирма бир сана.
Уммат парчаланар, истаймизми йўқ,
Бу тақдири азал бўлсин, кўнгил тўқ.
Албатта ҳикмати бордир ҳар ишда,
Бордир бир ҳикматлар, бу бўлинишда.
Бугунги турли хил гуруҳ мазҳаблар,
Казо казо деган, диний мансаблар.
Асри саодатга қилсак эътибор,
Мавжуд бўлган эмас булардан бирор.
Вафот топгач Наби алайҳиссалом,
Тугади асҳоблар ичра интизом.
Бошланди кўп ўтмай фитна фасодлар,
Ўзаро адоват ички ҳасадлар.
Уриштирган эди Шайтон уларни,
Баён этай бир бир мен ушбуларни.
Эсланг «Жамал жангин» яъни, Туяни,
Ҳазрат Али билан Муовияни.
Асҳоблар ўзаро тўққанида қон,
Икки тарафда ҳам бор эди қуръон.
Очиб қўйди Иблис фитна уясин,
Билмайсан ким сунний, кимлар шиясин?
Пайдо бўлди хавориж, муржиялар,
Нечта гуруҳга бўлинган шиялар.
Исна ашарийлар, Фотимий, Зайдий,
Алавий, Нусайрий, ҳануз яшайди.
Парчаланди Сунний жамоалар ҳам,
Шиалардан асло бўлган эмас кам.
Қадарий, Ашъарий, Моликий, Шофий,
Ҳанафий, Ҳанбалий бўлмади кофий.

Сиёсий фитналар, диндан кучлироқ,
Фитналар маркази бўлганди Ироқ.
Юзлаб тариқатлар қилинди пайдо,
Барчаси ўз шайхи, пирига шайдо.
Уммавийлар билан Аббосий халиф,
Ўзаро бўлдилар доим мухталиф.
Орадан ўтгунча ўн тўртта аср,
Турли воқеълар қилдида таъсир.
Баъзи гуруҳ тугаб битсада бироқ,
Бу уммат бўлмади ҳаргиз иттифоқ.
Дунёга ёйилган сари динимиз,
Ихтилофга ботиб борар эдик биз.
Бу даврга келиб, бўлмади тамом,
Бу парчаланишлар, этмоқда давом.
Гарчи халифатлар тугади битди,
Уммавий, Аббосий, Турклар ҳам ўтди.
Исломоламида фитна авжида,
Борган сари ҳаддан ошмоқда жуда.
Бугун даъво қилар кимлардир жиҳод,
Ўзларича қилиб турли ижтиҳод.
Кимдир пайдо қилди ҳизби таҳрирни,
Кимдир этагини ушлаган пирни.
Кимдир Нурчи бўлди, кимдир таблиғчи,
Биттасига йўлинг хато деб кўрчи.
Фитначи деб сени қилади эълон,
Кимга қарашни ҳам билмайди инсон.
Ҳамма ёқда бордир мурли мазҳаблар,
Турлича манҳажлар, турли мақсадлар.
Парча парча бўлган бу буюк уммат,
Қадри қиммати ҳам бир пулга қиммат.
Бўлинган турли хил миллат давлатга,
Барин баён этсам сиғмайди хатга.
Турли гуруҳ ичра, тинимсиз мудом,
Ўзаро тўқнашув этмоқда давом.
Ҳар гуруҳ устида бордир олимлар,
Амир, мустабидлар ёки золимлар.
Ҳаммаси қилади ҳақлик иддао,
Ҳаммасига мансаб, амал муддао.
Ўртада оввора авом бечора,
Не қилсин дардига топмаса чора?
Уруш қирғинларда, юрт бўлди вайрон,
Ким тўғри, ким ноҳақ ҳаммамиз ҳайрон.
Чор тарафга чорлаб, турли гуруҳлар,
Дилда адоватдан қийналар руҳлар.
Ҳаммаси бир бирин дейди мунофиқ,
Ўз йўли гўёки динга мувофиқ.
Қилиб бошқасини қонини ҳалол,
Савоб дея, тўкмоқдалар бемалол.
Ҳеч ким билмас қайда калава учи,
Роббим барчасини кўриб турувчи.
Менинг бу аҳволдан қийналар жоним,
Ҳеч бирига қойил эмас имоним.
Мен бу гуруҳларни баридан покман,
Гарчи бўлсамда бу йўлда ҳалок ман.
Ҳеч бир тоифага мансублигим йўқ,

Кечдим ҳаммасидан бўлсин кўнгил тўқ,
Мени ҳам фитначи дейдиганлар бор,
Чунки, мен улардан эмасман зинҳор.
Шубҳасиз бўлади бир кун қиёмат,
Имонни сақламоқ лозим саломат.
Бўлса гар ҳар кимни зарра виждони,
Билсин қадри баланд, инсонни жони.
Тўкмасин одамзот бир бирин қонин,
Ҳар ким сақламоғи керак имонин.
Мўминларни қирар бўлса халифат,
Буни дерлар фақат дин учун офат.
Зулмга бўйсунуш бўлгайму раво,
Зулм бу дин эмас, бу нафси ҳаво?
Мустабид ўлдирса ўз фуқаросин,
Кимдан сўрасин эл ваъда вафосин?
Шайхлар итоатга чақирса бизни,
Бунга виждонингиз чидайми сизни?
Ҳамма ёқда зулм, ур йиқ тўполон,
Тўғри дейилар ким бўлса зўравон.
Айтинглар дўстларим наҳотки шу дин?,
Шуми Аллоҳ севган ҳақиқий мўмин?!
Фитналар авж олган ушбу замонда,
Имонимни сақлай дея омонда.
Мен барча гуруҳдан узулдим буткул,
Мен фақат Роббимга қилдим таваккул!

1 май 2015 йил

Миср фиравнлари ҳақида қисса

Миср мамлакати азал азалдан,
Тарихга битилган шеърү ғазалдан.
Бу юртнинг таърифи кўп бениҳоя,
Мен ҳам қилай дедим бир оз ҳикоя.
Мисрда қадимдан бўлган ҳукмрон,
Золим мустабидлар, фиравну ҳомон.
Уларнинг кўп иззат икромлари бор,
Ҳануз улар қурган эҳромлари бор.
Дунёда кўп минглаб одамлар ҳамон,
Ҳар йили йўл олар шу Миср томон.
Миср бу дунёда топган эътибор,
Сабаб фиравнлар қабрлари бор.
Аслида бу ерда бор бошқа маъно,
Буни англаш учун керакмас доно.
Миср ёвузликнинг тимсоли бўлган,
Фиравнлар бунинг мисоли бўлган.
Токи айланаркан чархнинг равоқи,
Бу ёвузлик гўё қолгандир боқий,
Мусо қочиб чиққан бу қўҳна диёр,
Зулм билан топди, обрў эътибор.
Орадан ўтсада йиллар асрлар,

Йўқ бўлмади фиравн қурган қасрлар.
Ибн Ос кўлига ўтганда замон,
Бу юртга ёйилди дин билан имон.
Лекин кўп ўтмади орадан қаранг,
Бир ярим асрча ораси аранг.
Бунда пайдо бўлди, шиа халифат,
Фотимийлар деган, дин учун офат.
Кўп йиллар турди бу ботил ақида,
Тарихларни ўқинг, қизиқдир жуда.
Нусрат топганида курд Салоҳиддин,
Бу ўлкада гуллаб яшнар эди дин.
Фотимийлар тугаб ўлкада тамом,
Аббосийлар ҳукми бўлди бардавом.
Мамлук Бебарс даври келганда Миср,
Мўғуллар кўлига бўлганди асир.
Шомни забт этсада гар Хулакухон,
Мисрга бўлмади тўла ҳукмрон.
Халифат пойтахти бўлди бу ўлка,
Султон Салим токи олгунча кўлга.
Шу билан тўрт аср ўтганда қаранг,
Миср Истамбулдан қутулди аранг.
Тугаб битгач усмон халифалиги,
Алмашди Мисрнинг ҳам эгалиги.
Энди Англия қироличаси,
Бу элга ҳукмрон бўлган нечаси?
Мустамлака пайти Англияга,
Қаранглар бу қизиқ бир воқеъага.
Бу ерда қироллик қилинди барпо,
Истиқлол тўнидан кийилди сарпо.
Узоққа бормади лекин бу қирол,
Бу қонли тарихга боқиб ибрат ол.
Зобитлар ағдарди қиролни тахтдан,
Шу билан ўгириб юзини бахтдан.
Жумҳурият деган қилдилар пайдо,
Гўёки, эркинлика тенгликка шайдо.
Бу фитна бошида турган Сталин,
Ёқди социализм деган машъалин.
Даҳрийлик ҳукмрон бўлди Мисрга,
Бу тарих қиссаси татир асрга.
Жамол Абдунносир деган касофат,
Миср элига чексиз келтирди офат.
Бу мараз диндордан кўнгли қолганди,
Фиравн Ҳомондан ибрат олганди.
Қилди ихвонларга чексиз зулмни,
Қутбга ҳам раво кўрди ўлимни.
То ўзи ўлгунча бу мараз қотил,
Ҳукмронлик қилди зулм ила ботил.
Қаранг фиравнлар қилган одатни,
Ўрнига қолдирди Анвар Садатни.
Бу кас яҳудларни тан олди тамом,
Кўшни Фаластинда бўлди қатли ом.
Уни тан олмаган эди Носир ҳам,
Гарчи бўлган эса ақли қосир ҳам.
АҚШ таклифига тополмай чора,
Бу ёвузликка бу кўнди бечора.

Бу фаластингамас, аҳли диёнат,
Бу барча умматга эди хиёнат.
Бугун ҳам мавжуддир яҳуд давлати,
Кундан ортиб борар савлати.
Уларни давлат деб тан олиш ҳаром,
Ҳаромдир уларни қилиш эҳтиром.
Сабаб улар шилиб олди теримиз,
Фаластиннинг ери, бизнинг еримиз.
Зулм билан тортиб олинса бир ер,
Қайси оқил одам буни тўғри дер?
Буни тўғри деди лек Анвар Садат
Чунки, зўравонга қул бўлиш одат.
Бу иши ихвонга келганди малол,
Унинг қонин қилди тўкмоқни ҳалол.
Кимга аза, кимга тўйлар муборак,
Унинг ўрнин олди Ҳусни Муборак!
Бу каззоб қул эди мангу АҚШга,
Саъй қилди доимо унга ёқишга.
Ўттиз уч йил бу махлуқ фиравн мисол,
Мисрнинг ҳокими бўлди назар сол.
Унинг давронида бўлди кўп бало,
Балога ихвонлар эди мубтало.
Жамият ичида мазлуми улар,
Лекин дин имонда машҳури улар.
Тазйиққа учрарлар, ошқора, зимдан,
Қўрқмасдилар Ҳақдан ўзга ҳеч кимдан.
Бир миллиондан ошиқ эди сафлари,
Қанча тарафдори аниқмас бари.
Бу улкан жамоат ишлар халқ билан,
Элга ёрдамлашар завқу шавқ билан.
Кутар эди улар келар деб замон,
Тугар деб даврони фиравну Ҳомон.
Бошланди оламда улкан ғалаён,
Ислом оламида исёну исён.
Мустабид тузумлар уммат устида,
Яшардилар бари маст уйқусида.
Дунёга ҳукмрон, зўр мустабидлар,
Вақти келгач бир бир чуқурга қулар.
Бен Алининг тезда қуриди шўри,
Хор бўлди Қаддофий Ливия зўри.
Келди мана шундай бир давр муддат,
Муборак тагида қимирларди тахт.
Таҳрир майдонига тўлди оломон,
Буни кўрмаганди Фиравну Ҳомон.
Ўн саккиз кун туриб ҳусни муборак,
Кўрсатди қудратин Тангри таборак.
Истеъфога кетди охири золим,
Шод бўлдилар барча авому олим.
Мустабид қамоққа олинди аммо,
Бу билан битмади ҳали муаммо.
Фиравн давридан то шу кунгача,
Ўтгандир йиллару асрлар неча.
Миср халқи илк бор, кексаю ёши,
Эркин сайловда сайлашди юртбоши.
Кимга вафо қилган бевафо курси,

Мисрда сайланди Муҳаммад Мурсий.
Кўп йиллик курашдан кейин ихвонлар,
Ғолиб бўлишликка бўлди имконлар.
Бу инсон ихвонлар вакили эди,
Ғазони қамалда қўймасман деди.
Бу гап ёқмас эди яҳудийларга,
Ёки, АҚШдаги салибийларга.
Ёқмади Саудлар қиролига ҳам,
Қиролдан норози эди кўп одам.
Қироллар қўрқдилар тахти қулашдан,
Улар қўрқиб яшар доим курашдан.
Мустабидлар учун асли фарқи йўқ,
Қай дин бўлса бўлсин, қорни бўлсин тўқ.
Улар сақлаб қолиш учун тахтини,
Кечади охират нақди бахтини.
Саудлар қироли малик Абдуллоҳ,
Умнатга хиёнат қилди, Ҳақ гувоҳ!
Беш миллиард пул берди битта золимга,
Қаранг фатво берган муфтий олимга.
Топилди бир хоин нопоку фосиқ,
Имон даъво қилган маккор мунофиқ.
Бир йилга бормади, Муҳаммад Мурсий,
Ўрнига ўтирди нобакор Сисий.
Мурсий тикдилар охир қамоққа,
Жазо олиб муддатин ўтамоққа.
Муборак қамоқдан бўлдику озод,
Дод бу фиравнлар дастидан минг дод.
Бир холис мусулмон келганда қаранг,
Фитналар қилишди олмону фаранг,
Қонуний раисга боқмади қиё,
На АҚШ, БМТ, қилмиши риё.
Фиравнлар руҳи бўлди яна шод,
Ихвонлар қилдилар дод ила фарёд.
Ўн минглаб, юз минглаб барча оломон,
Ассисига қарши бошлади исён.
Адвия майдони тўлди одамга,
Халқ юраги тўлган эди аламга.
Бир ой кеча кундуз минг минг оломон,
Шу майдонда тутди рўза рамазон.
Адолатни талаб қилди инсонлар,
Кекса ёш, эр хотин, қизу жувонлар.
Мурсийга содиқ бир жамоат эди,
Уларнинг талаби адолат эди.
На диний дунёвий қонун зоти бор,
Мурсийнинг ҳақлигини қиларди иқрор.
Сиси деган малъун истарди чора,
Чора истар ахир бўлса бечора.
Саудлар қўллади пасткаш хоинни,
АҚШ ҳам бошлади эски ўйинни.
Исроил дўстимиз деди Сисини,
Сиси ёрган экан асли пихини.
Ҳаммани тилини топди ҳароми,
Золимга золимнинг бор эҳтироми.
Кейин отинг дея, у берди буйруқ,
Халқ устидан аскарлар ёғдирди ўқ.

Ёшу қари демай, аёлу жувон,
Адвия майдони бўлди қизил қон.
Танклар билан ҳайдаб босиб янчдилар,
Тирик қолганига пичоқ санчдилар.
Ўликларга қўшиб кўп ногиронни,
Ўлдирди аёвсиз минг минглаб жонни.
Тириклай куйдилар кўп мусулмонлар,
Оёқлар остида қолди қуръонлар.
Бу даҳшатга улуғ Тангрим Гувохдир,
Буни унутишлик оғир гуноҳдир.
Бу зўравонликни кўриб турганлар,
Дунёда қонун бор деб лоф урганлар.
Ҳеч нарса демасдан жим турди бари,
Чунки, келишилган эди илгари.
Азҳар имомлари Аҳмади Тоййиб,
Ҳа қ устидан кетган эдику тойиб.
Мисрдаги кўплаб каззоб салафлар,
Сисига айтишди кўп шон шарафлар.
Қамоққа олинди ихвонлар бари,
Ўлмаи тирик қолган бўлса илгари.
Мурсийга бердилар йигирма йилни,
Нимага деб биров очмайди тилни.
Қонхўр Сиси бўлди элга юртбоши,
Ёноғида қотди элни кўз ёши.
Муборак мараз ва исроилпараст,
Озод бўлди қаранг, ўтириб бир паст.
Қуръоннинг ҳофизи Мурсий қамоқда,
Ихвонлар ҳалиям Мурсий демоқда.
Дунёга ҳукмрон қонхўр гуруҳлар,
Адолатсиз мараз, дили мажруҳлар.
Индамай Сисини олаяпди тан,
Чунки, исроилдир у учун ватан.
Ғазони қамалда қолдирди гумроҳ,
Бу каззоб ишига Аллоҳим гувоҳ.
Буни кўрса эди ёвуз фиравн,
Ўзини пастлигин билиши тайин.
Сиси фиравндан каттароқ золим,
Бунинг ёнида бор, кўп шайху олим.
Сиси қонхўрлигин динга ўрайди,
Дин шу бўлса, ким ҳам фатво сўрайди?
Фиравн дер эди ўзини Худо,
Сиси ҳам бўлгандир имондан жудо,
Лекин дин номидан қилинар зулм,
Диндорларга чиқар фатвои ўлим.
Фиравн бунчалик қаттол эмасди,
Ҳазрати Мусони Наби демасди.
Уни ҳалок қилди буюк Аллоҳим,
Бунга ҳам шу кунни, солсин Илоҳим!
Миср заминида ҳеч вақт, ҳеч қачон,
Бундай қирилмаган диндор мусулмон.
Миср тарихида ихвонлар каби,
Бўлмаган бирорта гуруҳ илгари.
Миср тарихида Мурсийдек инсон,
Бўлганми ёки йўқ, Аллоҳга аён!
Бу инсонда. Унинг жамоатида,

Унинг ҳақ йўлида шижоатида.
То қиёматгача энди бу уммат,
Олади улардан ўрнаку ибрат.
Эртами ёки кеч, Адолатли ЗОТ,
Ҳақиқатни қарор топтирар ҳайҳот!
Мени бу нарсага имоним комил,
Адолат бўлади оламга шомил.
Аллоҳдан сўрайман шу кунни тезроқ,
Келтиргил, кўрайлик қудратли Раззоқ.
Мазлумларга Ўзинг нусрат нажот бер,
Чунки, Ўз кўлингда барча осмон — ер.
Ўзинг эшит Миср аҳлининг додин,
Ўзгалар эшитмас, улар фарёдин.
Уларни Ўзинга топширдим буткул,
Эй Қудратли Эгам, Сенга таваккул!

26 апрел 2015

Турмадаги бир кун;

(Достон)

Навоийда битта, «қизил» зона бор,
Унинг таърифлари жудаям бисёр.
Бунинг номин кимлар «қирқ олти» дерлар,
Ичида яшайди, қуёнлар шерлар.
Мен бу ерда тўрт йил ўтирган эдим,
Кўп азоблар кўрдим, калтаклар едим.
Бу турма тарихи достонга сиғмас,
Бу ернинг зулми ер осмонга сиғмас.
Бу шеъримда баён қилайин сизга,
Қандай кўргиликлар етганди бизга.
Аммо, бу азобни ёзиш имконсиз,
Мингдан бирин ёздим десам ишончсиз.
Мен ёзганларимга ўзим гувоҳман,
Сизни ишонтиришга хайрихоҳман.
Бир кунни васфани қиламан халос,
Бир кун қандай бўлса, барчасига хос.
Сабр қилиб ўқиб чиқинг бир нафас,
Булбулга тиканми йўқ, олтин қафас?!

1

Сталин даврида қурилган барак,
Аслида юз маҳбус ётиши керак.
Бу ерда ётибди икки юз, уч юз,
Ким ёлғон гапирса қаро бўлар юз.
Уч қаватли темир каравот бари,
Аслида бир қават бўлган илгари.
Шунда ҳам одамлар сиғмас баракка,
Маҳбуслар ётмасди тўшақда якка.
Ҳар икки маҳбуснинг ўртасига бир,

«Бир юз эллик тўққиз», тиқилар мажбур.
Анча тинчроқ яшар, ўғри каззоблар,
«Эллик тўққиз»ларга барча азоблар.
Бир бўлимда шундай тўртта барак бор,
Атрофи ўралган, тортилиб девор.
Демак, бир бўлимда, бор мингта маҳбус,
Лекин ҳожатхона, кам эди афсус.
Ўнта одам учун мўлжал қилинган,
Билмадим ким бунда, не режа қилган.
Ювиниш жойдаги эски турбадан,
Ўнта одам ювиш мумкиндир бадан.
Тартиб бўйича шу, олтида подём,
Катта посбонимиз исми ҳам Артём.
Олтига етмасдан ҳали соатлар,
Посбонлар уйғониб, ишини бошлар.
Наҳорда уйғотар туртиб посбонлар,
Совуқдан танангда музлайди қонлар.
«Тур, бориб кўчани тозалаш керак»,
Тепамизда турар, бир алп бўйтерак.
Қалтираб турамиз бир неча маҳбус,
Эллик тўққизларнинг иши шу махсус.
Қаранг мўминларга берган азобни,
Уйғотмас эдилар, ўғри каззобни.
Шулар тозалайди кўчада қорни.
Лекин, овқатга ҳеч тўймайди қорни.
Бир амаллаб ўқиб олишга намоз,
Посбонлар кўзидан қочамиз бир оз.
Бир четда имою ишора билан,
Ким қандай амаллаб, намоз ўқиган.
Кимни ушлаб олса гар, сергак посбон,
Бақириб бошлайди, қий чув тўполон.
Каттасин чақириб, солади вой дод,
“Фалончини кўрдим, ўқиди бомдод.”
Уни олиб кетар изоляторга,
Ким гап қайтаради, бундай “ботир”га.
Маҳбуслар тургунча ширин уйқудан,
Биз қор тозалаймиз, титраб қўрқувдан.
Соат олти бўлгач, кўнғироқ чалар,
Чироқлар ёнади, қий чув бошланар.
Маҳбуслар уйқудан тургунча, бўлар,
Посбонлар тарафдан, дўқ пўписалар.
Бақира бошлашар барча нозирлар.
Маҳбуслар кўчага ўзни ҳозирлар.
Бараклар олдида тортилади саф,
Билмадим, бундан бор кимга, қандай наф?
Бошланар зонада «бадан тарбия,»
Бу нарсдан фойда бўлса майлия.
Ташқарида туриб, бир неча зобит,
Кузатар ҳаммани турганча собит.
Кейин айтишади, барча жўр бўлиб,
Мадҳия куйини “завқ шавқ”қа тўлиб.
Совуқ изғиринда, борми оламда,
Мадҳия куйлаган халқ, субҳидамда?
Беш ё олти марта, куйлагач, охир,
Киришга ишора бўлади зоҳир.

Шунда берилади бизга ўн минут,
Эҳ, бу кунлар менга, бўлмагай унут.
«Юз қўлингни ювиб, сафда тур» дейди,
Мўминлар намозин ғамини ейди.
Бир амаллаб, бирор четроққа чиқиб,
Ким қандайин, олар намозни ўқиб.
Ҳамма югуради туалет томон,
Ҳаммага лекин жой, етмаса ёмон.
Илож йўқ, юзингни олишга ювиб,
Посбонлар келади, ортингдан қувиб.
Ювинишга агар тополсанг имкон,
Кузатиб туради ортингда посбон.
Таҳорат қилдими йўқми, қузатар,
Ўзича хатоинг кўрса, тузатар.
Тугамайди сира дўқ пўписалар,
Калтак ер намозни, ким ўқисалар.
Одамнинг кўплиги ташвиш муаммо,
Бунинг яхшилиги бор экан, аммо.
Ур йиқ тўполонда, барча посбонлар,
Баъзан қузатишга топмас имконлар.
Хуллас, кимлар тушса посбон кўзига,
Кейин, қаралмайди унинг сўзига.
Шулар жиноятчи бўлади шу кун,
Изолятор, намоз ўқиган учун.
Ким қўлга тушмаса, омади чопган,
Мискасини олиб, сафда жой топган.
Барчамиз саф тортиб бўламиз равон,
Мадҳияни куйлаб, ошхона томон.

2.

Ошхона дегани кичик бир хона,
Оловга ургандек ўзин парвона.
Бу ерда ишлашлик, улуғ шарафдир,
Инсон қорни доим овқат талабдир.
Маҳбуслар эрталаб кирар, бу ерга,
Тез чиқар оёғи тегмайди ерга.
Чунки, одам кўпдир овқатланишга,
«Нонингни ол тезда отлангил ишга.»
Бир чўмич ювинди, берар эрталаб,
Бундар ортиқ нарса, қилинмас талаб.
Бир парча нон билан ичамиз уни,
Бошланар шу билан, маҳбуснинг куни.
«Бўл тез чиқ!»,» садоси остида, барча,
Ишга жўнаб кетар, кун ботгунгача.
«Промзона» деган, томонга бориб,
Ҳамма ҳожатхона, кетар ахтариб.
Эрталабдан имкон бўлмаган учун,
Ҳожатга эҳтиёж бўлмасин нечун?!
Энг муҳим ишлари маҳбус зотини,
Чекиш топиш, сотиб, бор бисотини.
Ким нонин беради, кимдир имонин,
Чекиш топиб тўлдиришга ҳамёнин.

Чекиш деган бало, номи “самосат,”
Кимда кўпроқ бўлса, қилишар ҳасад.
У нарса маҳбуслар, жони дилидир,
Барчаси нон билан, шунинг қулидир.
Самосатни топсанг, бахтинг кулгани,
Ўраш учун қоғоз, топсанг бўлгани.
Лекин қоғоз топиш, эмасдир осон,
Қоғоз учун яна, бериш керак нон.
Газета парчасин тополган маҳбус,
Қанчалик «бахтлидир,» билмайсиз, афсус.
Кимда бўлса ўша қоғоз парчаси,
Унга парвонадир маҳбус барчаси.
Агар бўлса у ҳам, саховатпеша,
Тарқатса, эртани қилмай андиша.
Бу одам сахийдир, бунга гумон йўқ,
Бунга ҳар кимда ҳам, журъат, имон йўқ.
Лекин камроқ эди, бундай сахийлар,
Баъзида рад қилар, баъзида сийлар.
Самосатни топиш, бўлса бир азоб,
Қоғоз топиш учун, қанча изтироб.
Агар топа олсанг барин мукамал,
Демак, хурсанд бўлиб, бошлайсан амал.
Эски бушлатларга ўралиб олиб,
Тушгача ишларсан, қолмасдан толиб.
Бригадирлар турар, тепангда доим,
Буларнинг асрасин Ўзи, Худойим.
Столба цехида ишлаймиз бизлар,
Яъниким, диндорлар, «эллик тўққизлар.»
Бу ерда эртадан, кечгача қий-чув,
Столба ташиймиз, кечиб, лойу-сув.
Столба, чегара учун мослашган,
Тикан симлар тиркаш, учун хослашган.
Тўрт киши кўтарар уни қўлида,
Қувват қолмас одамзодни белида.
У ёқдан бу ёққа, юрамиз шундай,
Кимлигимиз элга, аёндир кундай.
«Вовчик» деб, чақирар, бошқалар бизни,
Заррача қадрингиз бўлмайди сизни.
Чарчоқдан танангни қолмаса жони,
Ўтириб дам олиш, йўқдир имкони.
«Тез бўл, тез бўл!» дея, йиртади томоқ,
Агар тез бўлмасанг, ейдурсан таёқ.
Уларга берилган катта имтиёз,
«Эллик тўққизларни, ўлдирсанг ҳам оз.
Халқнинг душманидир, «эллик тўққиз»лар,
Уларга заррача, раҳм этманг сизлар.
Улар вовчиклардир, улар одаммас,
Уларни ҳақорат қилиш, ҳароммас.
Ўлиб қолса агар деймиз начора,
Касал маҳбус экан, ўлди бечора.
Улар ишламаса гар қойилмақом,
Бизга хабар беринг, гап йўқ, вассалом!»
Бу гаплар айтилган бригадирларга,
Дардинг айтолмассан, қир адирларга.
Тўрт тараф, тикан сим ўралган девор,

Ким билар, бу девор ичида, ким бор?!
Атрофинг тўрт тараф, чўлу биёбон,
Додингни ҳеч кимга, айтолмай ҳайрон.
Келиб кетиб турар, ҳар дам зобитлар,
ИАКни «худо» деб, билган «обид»лар.
Кимки кўзларига кўринса ёмон,
Изолятор сари, бўлади равон.
Ёки, промзона ҳожатхонаси,
Бўлади уларнинг уй, «кошонаси.»
Тагидаги ахлат ичига тиқиб,
Итдек расво қилиб, тепишар йиқиб.
Бу каби зулмни қилмаган ҳамон,
Мусонинг қавмига, Фиръавну-Ҳомон.
Бизларга қилдилар шундай зулмни,
Ёлғон бўлса сўзим, кесинг тилимни.
Бу каби азобу уқубат билан,
Тушга етиб олсак, хурсанд жону тан.
Кетамиз саф бўлиб, миска кўтариб,
Мадҳияни куйлаб, ғариб, музтариб.
Тушликга етирган Аллоҳга шукр,
Шу кунларни эслаб, қиламан фикр.

3

Промзонани ҳам ошхонаси бор,
Ош ейилар дея, ўйламанг зинҳор.
Бу ерга келади ишчи маҳбуслар,
Ўша тартиб низом, ўша манқуртлар.
Жойни торлигидан қайга кетамиз,
Навбат етишгунча туриб кутамиз.
Мискасин кўтариб юзлаб оломон,
Овқат ейиш учун, кутишса ёмон.
Офтоб иссиқлари, қиш аёзлари,
Кутиш билан ўтар, қишу ёзлари.
Навбатимиз келгач, бир бир кирамиз,
Қайга ўтиришни яхши биламиз.
Ўн киши ўтирар, битта столда,
Пайка нон ва овқат, бор кастролда.
Кимдир чўмич олиб, овқат сузади,
Сузишда ким ундан, кўзин узади?.
Нонни чети учун, бўлар талашиш,
Деманглар бу гапни, ҳаддидан ошиш.
Очлик ўз ҳукмини ўтказар бизга,
Бу гапларим эртак туюлар сизга.
Ўйламанг «буларнинг тақвоси йўқ» деб,
«Ичида ақлли, доноси йўқ», деб.
Булар дини учун қамалган бари,
Ҳаммаси тақводор бўлган илгари.
Бу носоғлом ҳаёт, барин синдирган,
Ҳаётга бўлган умидин, сўндирган.
Ҳеч ким уялмайди, ҳеч кимдан ортиқ,
Қилолмас бир нарса, бировга тортиқ.
Одамзод тушса гар, бу вазиятга,
Эътиборсиз бўлар, кўп азиятга.
Бу ерларга тушиб кўрмаган одам,

Калтак еб тортмаган, сон саноқсиз ғам.
Катта гапириши мумкин ўзича,
Амали топилмас, айтган сўзича.
Ўйламанг буларни билмас деб, динни,
Ёки, қули бўлган, шайтону жинни.
Барчасини илми, эътиқоди бор,
Булар бўлгандилар, зулм остида хор.
Ҳизбутми, салафий, ваҳҳобий, хуллас,
Аралаш қуралаш, куни ўтса бас.
Ҳаммада бор фақат, биргина қайғу,
Ажал етса тезроқ, ўлиб кетса у.
Бу азоблар бари тугаса, тамом,
Бошқа нарса керак эмас, вассалом.
Тез тез ичиб олиб, кади шўрвани,
Кўтарамиз тезда халта тўрвани.
Яна иш жойига, кетамиз чопиб,
Тартиб сақловчилар, олмасдан қошиб.
Бу ерда бир улкан темир матоҳ бор,
Тош эзгич дейилар, шовқини бисёр.
Бу нарса айланар тинмасдан доим,
Шовқинин эшитиб, дермиз; Худойим.
Бу нарса майдалар катта тошларни,
Бизлар ташиймиз сўнг, эгиб бошларни.
Шу тошдан қоришма қилинар кейин,
Бетон қуйиш учун, лозим атайин.
Шу югур югурда амаллаб кимлар,
Намоз ўқиб олар, ғариб мазлумлар.
Қанчаси тарк этди, намоз рўзани,
Эшитсада таънаю, маърузани.
Ҳамма ҳалак бўлган, ўз жони учун,
Кимдир охирати, имони учун.
Шу тахлит кечгача, ишлаймиз ҳар кун,
Кечки соат бешда, иш бўлар яқун.
Бошқа гуруҳ келар, тунда ишлашга,
Вақт топмас одамзод, бошни қашлашга.
Хуллас, саф саф қилиб, яна санарлар,
Ҳамма маҳбус, Жилзонага жўнарлар.
У ерда бошланар, оммавий саноқ,
Бутун зона бўйлаб, санашар узоқ.
Бунда барча маҳбус, туришар қоим,
Барча зобит зоти, тўпланар доим.
Саноққа тўплансак фақат, майлия,
Қуйламиз жўр бўлиб, яна мадҳия.
Бутун зона бўйлаб, катта майдонда,
Беш минггача маҳбус, шовқин суронда.
Мадҳия куйлаймиз, борича овоз,
Посбону зобитлар, бақирешар боз.
Ўн марта, ё шунга яқин, ҳар куни,
Мадҳия куйлашлик, шарт билгил шуни.
Битгаси дирижёр бўлади яна,
Кўринг сизга текин томошо, мана.
Кўлини силкитиб турар ўзича,
Унга қарамайди биров, заррача.
Мадҳия тугагач, маҳбус дирижёр,
Зобитларга қилар, таъзим бажо зўр.

Агар майли деса, демак гап тамом,
Шундайдир бу ерда, тартиб интизом.
Агар йўқ деса у, куйлаймиз яна,
Куйладик ой йиллар, бир қанча сана.
Кейин рухсат бўлар, баракга қайтиш,
Шу санокдан ўтиш, катта оғир иш.
Кейин бошланади яна сафланиш,
Кечки овқат учун, ё таёрланиш.
Кечки овқат билан тугамас ташвиш,
Ҳали уйқугача бордир анча иш.

4

Овқатланиш учун, албатта такрор,
Мадҳия куйлаймиз, боргунча ўн бор.
Ошхона олдида кутамиз яна,
Навбат етиб, кир деб, айтгунча мана.
Кечки овқат билан тонги овқатни,
Топмайсиз орада бирорта фарқни.
Маҳбуслар одатда нонни олишар,
Емасдан қўйнига секин солишар.
Нонга сотиб олса, бўлар самосат,
Бир чимдим қуруқ чой, ичишга фақат.
Ёки, ейиш учун баракка келиб,
Агар йўлда биров, кетмаса илиб.
Йўлда турар яна, бир гуруҳ посбон,
Нонни олиб ўтиш, эмасдир осон.
Текшириш бўлади, сафни тўхтатиб,
Кўпчилик нонини қўяр йўқотиб.
Агар кимдир олиб ўтса баногоҳ,
Ана ўшалар ҳам, бўлсинлар огоҳ.
Баракда посбонлар кўриб қолмасин,
Ейдиган нонинга заҳар солмасин.
Кечки овқатдан сўнг, қаранглар ҳали,
Эллик тўққизларни ҳайдар ташқари.
Улар кира олмас баракка дарров,
Уларни қилганчалик, иш қилмас биров.
Улар супурарлар барак атрофин,
Ва ҳожатхонани, сўрманг инсофин.
Тозалаб бўлсалар ҳам, ҳамма ёқни,
Баракка кирсалар, ерлар таёқни.
Турарлар то, соат бўлганича ўн,
Мадҳияни куйлаб, гапиришга жўн.
Соат ўнда ётар ўғри каззоблар,
Эллик тўққизларга, бўлар азоблар.
Кимнидир штабга чақирар ҳали,
Урарлар, маҳбуслар ётган маҳали.
Кимлар ҳожатхона тозалар яна,
Бир кунинг гўёки, бўлар бир сана.
Яна шом намози, билан хуфтонни,
Ўқиш муаммоси, ўртайди жонни.
Имою ишора билан, бир нафас,
Ким қайда амаллаб, ўқиб олса бас.
Баъзида топмайсан, шунгаям имкон,
Уйқуга ётганда, ўқийсан аҳён.

Хаёлан қиласан рукуъ, саждани,
Кўрган куни курсин, мўмин бандани.
Агар ҳаммасидан ўтолсанг омон,
Энди ухлашга жой бўлмаса ёмон.
Одам кўплигидан, ётишга жой йўқ,
Эллик тўққизларга, ичишга чой йўқ.
Бир куни у ерда, бир куни, бу ер,
Бригадир кўрсатиб, сен ётасан дер.
Икки киши ётса, ўртага ётар,
У икки кимсага, бу оғир ботар.
Улар туртиб чиқар, то тонг отгунча,
Гўрда ётган яхши, бунда ётгунча.
Лекин чорамиз йўқ, бечоралармиз,
Гуноҳсиз гуноҳкор, овворалармиз.
Кимга айтиш мумкин, аҳволу зоринг,
Билмайсан қаерда қолгай мозоринг?!
Йиғлагинг келади, дилда исён йўқ,
Ҳатто йиғлашга ҳам, асло имкон йўқ.
Эсини йўқотиб кўйган одамдек,
Довдираб юрасан, бўларми деб чек.
Ўзни ўлдиришга бўласан рози,
Лекин унда бўлар, Аллоҳ норози.
Озод бўлишликни қилмайсан хаёл,
Тушинга ҳам кирмас, қиз, жувон, аёл.
Фақат бир оз тинчлик топайин дерсан,
Тинч бўлсанг, сўнг бошқа ғамингни ерсан.
Қуриб битган ожиз, нотавон тана,
Ухлаб дам олишни, истайди яна.
Эртанинг ғамини ўйлай олмайсан,
Эртага ўламан дейсан, ўлмайсан.
Исқирт бушлатига ўралиб олиб,
Уйқусига кетар маҳбуслар толиб.
Эртага, отмаса майли эди тонг,
Дея, эллик тўққиз, қотиб қолар донг.
Эртага мабодо уйғонса мана,
Бўлар, шу ўқиган нарсангиз яна.

Хотима;

Бу битта маҳбуснинг битта кунидир,
Кун эмас, зулматга тўла тунидир.
Агар тушмасалар изоляторга,
Тушмаса бўлади, кўп хавотирга.
Демак, юқорида айтилган каби,
Ўтади шу куни, бу кун талаби.
Агар тушиб қолсанг, изоляторга,
Ўрин бор тушишга, кўп хавотирга.
Бу бошқа мавзудир, бу алоҳида,
Эсимга тушади мени, гоҳида.
Бир кун вақти келса, берарман айтиб,
Балки бу мавзуга, келмасман қайтиб.
Мана шундай ҳолда, ўтди, йил ойлар,
Лекин сал яхшироқ, яшарди бойлар.

Бу эллик тўққизлар, чеккан азоблар,
Тушида ҳам кўрмас, ўғри, каззоблар.
Бу азоб уқубат, бўлганди нечун,
Мўмин бўлиб, намоз ўқиган учун?!
ИАК деган бадбахт, пасткаш ҳароми,
Лаънатланиб қолсин, тарихда номи.
Шундай ноинсоний, зулм этди бизга,
Ўқинг деб, мен бир оз, зикр этдим сизга.
Минг азобга солиб, бу жону танни,
Бизга ўргатишди, "севмоқ" ватанни.
Шундай ўргатишди ватан севишни,
Мен унутолмасман ҳаргиз бу ишни.
Озми кўп, турмада ўн йил ётибман,
Шунда ҳам ватанни севиб ётибман.
Нафрат тимсолидир менга мадҳия,
Ўқирман ватанга энди Марсия.
Менинг нафратимнинг поёни йўқдир,
Ҳануз қасос олиш, имкони йўқдир.
Бу зулм режими тураркан омон,
Бундан ҳам ҳолимиз бўлади ёмон.
Бунини йўқ қилишлик керақдир тамом,
Қон тўкиб бўлсада, тамом вассалом!

1 январ 2015 йил.

Ғазаллар

Ла илоҳа иллоллоҳ!

Пайғамбарлар нидоси; Ла илоҳа иллоллоҳ,
Ҳақ аҳлининг садоси; Ла илоҳа иллоллоҳ,
Дунё пайдо бўлгандан, то қиёмат бўлгунча,
Ҳақ динларнинг асоси; Ла илоҳа иллоллоҳ,
Осмону — ер, ой — қуёш, малаклар тилинда фош,
Зикрларнинг аълоси; Ла илоҳа иллоллоҳ,
Одам атодан бошлаб, токи қиёматгача,
Ҳақ аҳлининг садоси; Ла илоҳа иллоллоҳ,
Имон калимаси шу, кўнгил хазинаси шу,
Тасбиҳларнинг пешвоси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Қанчалар мушрик инсон, топди бу сўздан имон,
Мараз диллар шифоси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Уламолар даҳолар, Муфаккирлар донолар,
Кўнгилларин сафоси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Қанча асру замонлар, қанча ҳарбу — омонлар,
Имон ва ширк низоси; Ла илоҳа иллоллоҳ,
Мушриклар жаҳаннамда, сохта маъбудлар билан,
Ширк аҳлининг хатоси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Шунинг учун кўп жонлар, берилгандир қурбонлар,

Куфр имон ароси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Бу сўз олам асоси, яралиш муддаоси,
Аҳли жаннат навоси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Кимлар учун неъматдир, кимлар учун иззатдир,
Кимлар юзин қароси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Насиб этса гар айтиш, йўқдир орқага қайтиш,
Яратганнинг атоси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Кимлар молнинг фидоси, кимлар нафсин шайдоси,
Оламларнинг Худоси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Ибодатга лойиқ Зот, тан олган топгай нажот,
Алмисоқнинг вафоси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Ҳақ келса қочар ботил, Барча золиму қотил,
Залолат интиҳоси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Мушрикка жаннат ҳаром, тавҳидгадир эҳтиром,
Чунки, жаннат баҳоси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Бўлсак бир кун собиқ биз, шу каломга содиқ биз,
Дардлик диллар давоси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Эсда тутинг ҳар дамда, инсу жинни оламда,
Синашдан муддаоси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Шайтонларни қочирган, олам аро сочилган,
Зулматларнинг зиёси; Ла илоҳа иллоллоҳ!
Саҳвий ҳамду саноси, мансублик иддаоси,
Ҳаётининг маъноси; Ла илоҳа иллоллоҳ!

Бу нечук элдир?

Тараққий топса булар, қуръон буларда бўлмаса,
Хулқи комил бўлсаю, имон буларда бўлмаса?!

Сўзида содиқ кишилар, бизда камёбдир бугун,
Бу нечук элдир қаранг, ёлғон буларда бўлмаса?

Мустабидлар ҳукмрондир барча ислом юртида,
Бирон золим зўравон, султон буларда бўлмаса.

Элу юрти яшаса тўқ фаровон ғам чекмайин,
Неча милён дарбадар, сарсон буларда бўлмаса.

Еримиз осмонимиз бир, Бани Одам барчамиз,
Биздагидек, хору зор инсон буларда бўлмаса.

Инқирозга учраганмиз, балки, шайтон макридан,
Наҳот, бизни алдаган шайтон буларда бўлмаса?!

Икки дунёнинг саодатига лойиқ Биз эдик,
Нечук ғолибдир булар, имкон буларда бўлмаса?!

Биз фақат ҳар хил гуруҳ, ур йиқ билан овворамиз,
Бедаводир дардимиз, дармон буларда бўлмаса.

Сенинг Роббинг ваъдаси ҳақ, шубҳа қилма Саҳвиё,
Сенда бордир беҳисоб армон буларда бўлмаса.

Август 11, 2015

Юрагига ўт ёқинг Акмал Андижонийни,
Кулин кўкка совуринг унинг ширин жонини.
Акмал Набиев

.....

Юрагига ўт ёқинг Акмал Андижонийни,
Кулин кўкка совуринг унинг ширин жонини.
Йигирма йил ватанда кўним топмаган эди,
Майли, ичинглар агар, қолган бўлса қонини!
Эй жаллодлар барибир, мағлубият сизники,
Йўқ қилолмайсиз ҳаргиз, Акмални имонини.
Уни ўлдириш мумкин, қамаш, уриш калтаклаш,
Сони борми мустабид, золимнинг қурбонини?!
Акмал имони комил, бош эгмагай золимга.
Чунки, йўқотган эмас, то ҳануз виждонини.
У қурашар зулмга қарши имкон борича,
Кўтарай деб, миллатин, шавкатини шонини.
Акмалдан илҳом олиб, шеърлар ёзади Саҳвий,
Шоир билур шеър қадрин, шоир укажонини.

Бу шеър фаесбокда «Ҳорун Бухорий» номида чиқиб, мени масхара қилиб шеър ёзган кимсага жавобан ёзилган.

Дарҳақиқат ғариб бечора Саҳвий,
Қазою қадарга не чора Саҳвий?!
Сенга ғазал битмиш, «Ҳорун Бухорий»,
Тангрига шукр қил минг бора Саҳвий!
Мард бўлсанг майдонга чиққин «Бухорий»,
Башарангни кўрсин, бир бора Саҳвий.
Мард бўлиб, майдонда очиқ курашгил,
Қўрқиб қочиб кетсин, бир ғора Саҳвий!
Сенинг билан Саҳвий, фарқи шундаки,
Қўрқиб яширинмас, ошкора Саҳвий!
Шеъринга жавобим, «Ҳорун Бухорий»,
Сиздек сиғинмайдир, мазора Саҳвий!
Хушомадлик қилиб, зўравонларга,
Бўлмаган сиз каби, юз қора Саҳвий!
Муттаҳамлик қилиб, бойваччалардан,
Олган эмас тугун, тоғора Саҳвий.
Динфуруш бўлмади, бир умр сиздек,
Динини сотмади, дилпора Саҳвий.
Бўлмади сиз каби, золимларга қул,
Зулмни рад қилган, юз бора Саҳвий.
Калтак еб, турмада қийналди жони,
Йўлидан қайтмади бир бора Саҳвий.
Оқни оқ дегандир, қорани, қора,
Шунинг чун, ғурбатда, оввора Саҳвий.
ИАК мангу қолмас, эҳтимол бир кун,
Ўйнарсиз, чалганда, ноғора Саҳвий!
Қутинглар, Бизлар ҳам, кутгувчидирмиз,
Бош эгмайди рақиб, ағёра Саҳвий!

Виждони бор одамни

Дерлар; ошингни ичгил кўчада, бўлса ҳалол,
Беминнат бўлса нонинг, муаммо йўқ, бемалол.
Лекин, кўчада минглаб очлар яланғочлар бор,
Сенинг ошингни кўрса, уларга келгай малол.
Қара миллион миллионлаб, сарсон саргардонларни,
Виждони бор одамни ўйлангирар бу аҳвол?!
Кўшниси оч турганда, мўмин қорнин тўйғизмас,
Бугун кўшнилари очдир, қорнимиз тўқ, бу не ҳол?!
Менга оғир бугунги қочоқларга қарашлик,
Эй бойвачча ошна сен, ҳам уларга назар сол!
Бу дунёда азалдан, адолат бўлган эмас,
Қаранг кимлар оч наҳор, кимлар тўплар дунё мол?!
Саҳвий сенда бўлмади, мол мулк топишга имкон,
Топганда балки сен ҳам, бермас эдинг эҳтимол?!

Гул ва булбул қиссаси

Гулга ошиқ бўлди булбул, ҳажрининг доғиндадир,
Не қилур бечора, бу гул, ўзганинг боғиндадир.
Булбули гўё бу гулнинг ишқида қилгай наво,
Лек гули раъно ўзин соҳибин ардоғиндадур.
Бу гули раъно висолидин умиди йўқ унинг,
Шу сабабдан доимо ҳижронни сиртмоғиндадир.
Гул ва булбул севгисининг тарихи бўлмас адо,
Бу муҳаббат қиссаси, билсанг Эрам боғиндадир.
Ишқ аро афсоналарнинг, охири ҳажру фироқ,
Шу сабаб, Булбулигўё, кўҳи қоф тоғиндадир?
Висол орзусида бўлмас, бўлса ким, гул ошиғи,
Муҳаббатнинг заволи, васлини топмоғиндадир.
Ҳажрида Мажнун саҳро кезди, Фарҳод тоғу тош,
Дарбадар Саҳвий бугун, денгизни қирғоғиндадир.

Асли юрт пешвоси, Биз

Бизни душман дейди элга, элни дўст, ошноси Биз,
Жоҳилу, нодон дегайлар, олиму, доноси Биз.
Зулму, золимга қилиб исён, адолат топмайин,
Номлари бадном бўлиб, қолган ватан расвоси Биз.
«Ватангадолар ватанга қилди, хоинлик дегай,»
Хоин эмас, ватанпарвар, асли юрт пешвоси, Биз.
Эртами кеч, Ҳақ, Адолат, барибир ғолиб бўлур,
Бу ҳаёт қонунидир, бўлмасмиз истисноси, Биз.
Зулм аҳли кеча кундуз, билмагай ором надир,
Мустабид уйқусини бузган, ёмон рўёси Биз.
Адолат ва хурриятни, ўрнатиш даври бугун,
Озод, Эркин, Ҳур ватанни, соғиниб шайдоси Биз.
Умидингни узма Саҳвий, фатҳ ила нусрат яқин,
Олам ичра кўп синов майдонида танҳоси Биз.

Келмади кутган натижа

Бу шеър 2015 йил март ойида Ўзбекистон президентлигига муқобил сайлов ўтказиш учун очган сайтимизни хакерлар томонидан бузиб ташланганидан кейин ёзилганди.

Келмади кутган натижа, биз қарор этган билан,
Шунчалар меҳнат чекиб, йўқ сайтни бор этган билан.
Бизнимас аслида, ўз турқин намоён айлади,
Бу касофат сайтимизни, шармисор этган билан.
Мустабиднинг зулмига қарши туришни истадик,
Қилмаса тақдир не фойда, ихтиёр этган билан?
Не қилайлик, шум рақиблар тутмади мардлик йўлин,
Энди не фойдаси бордир, оҳу-зор этган билан?!
Мустабид то ўлгунинча, тахтига содиқ қолиб,
Бахтиёр бўлгайми бадбахт, элни хор этган билан?!
Янги номзод, янги шахс келгайму бу юрт бошига,
Бу ИАКни тахти бирлан, қўшмозор этган билан.
Сохта сайлов, сохта қонун, сохта йўл, сохта ҳаёт,
Сохталикка банги бўлганмиз ҳумор этган билан.
Бу касофатдан, қутулмадик кутиб, қонлар ютиб,
Натижа йўқ, олам аҳли, эътибор этган билан.
Мустабиднинг зулмини тинчлик дегайлар баъзилар,
Кошки зулматдан қутулсак жон нисор этган билан.
Саҳвиё, меҳнат машаққатлар чекиб, наф топмадинг,
Энди не фойдаси бор, кўнгилни тор этган билан?!

Етмадим орзуга ҳеч

Етмадим орзуга ҳеч, орзу ҳавас қилган билан,
Хотирим жам бўлмади, орзуни бас қилган билан.
Қалбида сидқу садоқат бўлмаган улфатни сен,
Охири барбод неча йил, ҳам нафас қилган билан.
Кўнгил тори нозик бўлгай, узма сўз тошин отиб,
Мабодо узсанг, тузалмас, сўзни бас қилган билан.
Ҳақ Таъоло даргоҳида, мўътабар бўлган киши,
Мўътабардир ким уларни, хору хас қилган билан.
Аҳли ҳақнинг наздида, ҳақ аҳлининг қадри баланд,
Паст саналмас, аҳли дунё, уни пас қилган билан.
Расулуллоҳ дедилар; «мўмин киши бўлмас нажас,»
Гарчи, вужудин нажосатлар нажас қилган билан.
Саҳвиё, комиллик орзу қилмагил, дунёда ҳеч,
Бани Одам комил бўлмайдир ҳавас қилган билан.

Дилни гадо этмоқдасиз!

Бугун сиз роҳат қилиб, кайфу сафо этмоқдасиз,
Билмагайсиз, аслида жонга жафо этмоқдасиз.
Сизда бор имкон шароит, молу — дунё барчаси,
Ғанимат билмай бу фурсатни хато этмоқдасиз.

Эй биродарлар, унутманг зиммангизда ҳаққи бор,
Кимсаларни, ушбу ҳаққидан жудо этмоқдасиз.
Кеча кундуз молу дунёнинг изидан чопа чоп,
Бевафо дунёга сизларму, вафо этмоқдасиз?
Эртами кечми, қачон келгай ажалдан беҳабар,
Бунча қийнаб жонни ким учун фидо этмоқдасиз?
Аҳли дунёнинг мисоли сизга ўрнак бўлдими,
Нега ботилга умр нақдин адо этмоқдасиз?!
Саҳвий сизни қайтарар, дунёга қуллик аҳдидан,
Чунки, бой бўлган сари, дилни гадо этмоқдасиз?!

Ғарибликда ўтар умрим

Ғарибликда ўтар умрим, оҳу — зорим шу менинг,
Қазонинг ҳукми билан, келган диёрим шу менинг.
На азал тақдирга чора бор, на дардимга даво,
Ажал етса энди шу, манзил, мазорим шу менинг.
Душманимдан кўрмадим мардликни, дўстимдан вафо,
Дўсту душманларни тарк этдим, қарорим шу менинг!
Бир мусофирдек ўтарман, бевафо дунёсидан,
Қисматим бўлган ғариблик, ифтихорим шу менинг!
Ғолибу мағлуб бари, ўтгай кураш майдонидан,
Гарчи мағлубман, курашмоқ, номус — орим шу менинг!
Дилимнинг дардини назмим, фош этар олам аро,
Не қилай, мен бесабр, бечора, борим шу менинг?!
Саҳвиё, бир кун ўтарсан, дилда армонинг билан,
Насиб этгай раҳматини, интизорим шу менинг.

Ажиб даври даврондир

Ажиб даври даврондир, кўринг имтихонини,
Тўқмоқдалар мўминлар, мўминларнинг қонини.
Шум хабарни эшитиб, бўлар дилимиз хуфтон,
Бу хабарлар тинч қўймас, ҳеч кимнинг виждонини.
Ғам устига машаққат, машаққат устига ғам,
Нима қилмоқлик керак, айтинг бир имконини!
Наҳот бу барчасига, ИАК зулми айбдор,
Қонлар билан ёзинглар, ИАКнинг достонини.
Эй одамлар, қаранглар, қанчалик даҳшатли ҳол,
Кўринглар бизга насиб, этган бу давронини.
Юртин севган виждонли, инсон бўлса, бўлди хор,
Қачон топар бу миллат, шавкатини шонини?!
Бу умматнинг ҳолига ғам чекар Саҳвий доим,
Ҳақ саломат асрасин, мўминлар имонини.

Мухаммаслар

Навоий ғазалига Сахвий Мухаммаси;

Бирор кун йўқ дилим дунё матосин орзуманд этмас,
Қиёматнинг ҳисоби бунчалик кўнглимни банд этмас,
Бирор холис киши менга, насиҳат бирла панд этмас,
Мени мен истаган, ўз суҳбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Ҳамиша, ҳар киши оламда, кимдин истагай баҳра,
Биров ботил ҳаводан, ёки диндин истагай баҳра,
Бу осий музтариб, ё Раб, ки Сендин истагай баҳра,
Не баҳра топқамен ондинки, мендин истагай баҳра,
Чу улким, баҳрае ондин тилармен баҳраманд этмас.

Қаноат қилмадим ҳаргиз нетай бори бисотимга,
Тағаййур қилмади тақдир азал айши нашотимга,
Ўзидин ўзгада чора эмас мавжуд нажотимга,
Нетай ҳуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимга,
Аён ул захри чашм айлаб, ниҳон бул нўшханд этмас.

Хароб бўлди юрагим бу адо бўлмас маломатдин,
Ўзидан бўлмаса тавфиқ чиқолмассан залолатдин,
Давоси борми мажруҳ дилни соф этса жароҳатдин,
Керакмас ой ила кун шакликим, ҳусну малоҳатдин,
Ичим ул чок-чок этмас, таним ул банд-банд этмас.

Ғариб бўлдим узоқларда қолиб кетди диёримким,
Нетай ожиз бўлибман қўлда йўқдир ихтиёримким,
Мени ҳолимни танг қилган рақибмас, дўсти ёримким,
Керак ўз чобуки қотилваши мажнун шиоримким,
Бузуғ кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд этмас.

Тилин тийғи билан қилди баданни қиймаким охир,
Жароҳатланди бу тигдан вужудим сўнгаким охир,
Мунофиқлик қилиб менга, насиҳат демаким охир,
Кўнгул уз чарх золидин, фирибин емаким, охир
Ажал сарриштасидин ўзга бўйнунигга каманд этмас.

Ажал етса кетарман бор бисотим шу кафанлик бўз,
Тугаб бормоқда дунёдан насибам бўлса не ризқ рўз,
Бугун дардини ошкор айлади Сахвий, ёзиб дил сўз,
Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий тегмасун деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга, ул ўт узра сипанд этмас.

Навоий ғазалига Сахвий Мухаммаси;

Доимо озурда дил, давру замонимдин менинг,
Ҳақдин ўзга беҳабар, сирри ниҳонимдин менинг,
Қасди бор ҳижронни жисми, нотагонимдин менинг,
Бир хабар бер, эй сабо, сарви равонимдин менинг,
Ким, куяр жон лоладек, моҳи тобонимдин менинг.

Дилимнинг орзуси бўлган, турмушидан айруман,
Ёки ҳақ аҳлини қилган, қилмишидан айруман,
Ҳажрида оввора бўлдим, ҳақ ишидин айруман,
Ногаҳон фикр айласамким, не кишидин айруман,
Мен билурмен не кечар, ул лаҳза жонимдин менинг.

Дилда тугён урмаса, ишқинда ёнмасдир ғариб,
Кезиб Мажнундек буюк саҳрони, бўлмас музтариб,
Дилга дил хос бўлмаса, кўнгилга бўлмасдир ҳабиб,
Заъфдин, войким, ўзумни фаҳм қилмайдур табиб,
Гар бурун бемор эди, ашки фиғонимдин менинг.

Сабаи сайёр каби, дунёни кезган дарбадар,
На муқимсан, на мусофир, зарра ўзгармас қадар,
Аҳли дил олдинда бўлгандир бу маъни, мўътабар,
Бир насимеким келур, ул соридин, сўрдум хабар,
Кўнгул отлиғ бир ғариби, нотавонимдин менинг.

Дилга ўт тушса, муҳаббат учқунидан, қай замон,
Лаъли зилоли билан, сўндирмаса топмас омон,
Ҳажрида куйдирмаса ўт, васлидан қонмайди жон,
Носихо, куйган юрак исланғонин қилмас ниҳон,
Худ сабо англатмиш элни достонимдин менинг.

Муҳаббат достонларинда, бўлса афсона бари,
Одамизод ишқ, вафо, қадрин тушунган илгари,
Йўқолмоқда садоқат қадри, вақт ўтган сари,
Сончилур ҳар соридин, жонимга ҳижрон ханжари,
Ўқ киби, ул қоши ё, то борди ёнимдин менинг.

Қиров кўнибди сочимга, оқарибди толадек,
Энди лозим кўзларим, ёшлар тўкишлик жоладек,
Кўринг Саҳвийни ғазал, шайдосидур, ёш боладек,
Эй Навоий, мақбарамдан бош чиқарган лоладек,
Доғи кўнглумдин менингдур, ранги қонимдин менинг.

Сўз сўз

Аллоҳнинг изни ила китоб тамомига етди. Бу китоб Саҳвий ижодидан 2015 йил ичида ёзилган шеърлар тўпламидир. Аллоҳ буни муаллифи ва ўқувчиларга дунё ва охиратда манфаатли қилсин! Омин.

Жами бўлиб, бу китобда бешта шеърый тўплам жамланди. Шу сабабли, номини Хамса деб атадим. Бу бешталик биринчи Хамсадир. Иккинчи, хамсада яна бешта шеърый тўплам жамланган. Булар бари ўнта китобдан иборат. Шеърларимни дунё ва охиратда муаллифга ҳам ва ўқувчиларга ҳам манфаатли қилишини Аллоҳдан тилаб қоламан.

Саҳвий.

